

О. МАВЛНОВ  
Ш. ХУРРАМОВ

---

# УМУРТҚАСИЗЛАР зоологияси



28.694743

592


М 13

О. МАВЛОНОВ, Ш. ХУРРАМОВ

# УМУРТҚАСИЗЛАР ЗООЛОГИЯСИ

Олий ўқув юртлари биология ихтисослиги студентлари  
учун ўқув құлланма

ТОШКЕНТ — "МЕХНАТ" — 1998



Ўқув қўлланмада умуртқасиз ҳайвонларнинг барча асосий систематик гурухлари таърифланади. Китобда ўқув материаллари солишиштирма — эволюцион нуқтан назардан таҳлил қилиб берилган, ҳайвонларнинг экологиясига ва маҳаллий турларига кенг ўрин берилган. Бир қанча зоологик тушунчаларнинг ўзбек тилидаги номларига тузатишлар киритилган.

Қўлланма олий ўқув юртлари биология ихтисослиги студентлари учун мўлжалланган.

**Тақризчилар:** С. Д. ДАДАЕВ — биология фанлари доктори, профессор,  
Н. Х. ҲАКИМОВ — биология фанлари номзоди, доцент.

M 1907000000 -  
M 359(04)-98 эълонсиз — 98

ISBN 5-8244-1308-8

© "Меҳнат" нашриёти, 1998 й.

## КИРИШ

Зоология\* ҳайвонлар түғрисидаги фан бўлиб, ҳайвонот оламининг кимма-хиллиги, ҳайвонларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, тарқалиши ва ишани муҳити билан муносабатларини, шунингдек уларнинг хусусий ҳамда тарихий тараққиёти қонуниятларини ўрганади. Бу фан инсон ҳаёти ва унинг ишлаб чиқариши фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Зоология жуда кенг тармоқли комплекс фан бўлиб, бир қанча мустақил фанларни ўз ичига олади. Систематика турларнинг хилма-хиллиги, уларнинг ўзаро ўхшашлиги ёки бир-биридан фарқи асосида турли систематик группалар ўтасидаги иерархия (тобелик, муносабатларини ўрганади. Систематиканинг пировард мақсади ҳайвонларнинг тарихий ривожланишини акс эттирувчи табиий системани ишлаб чиқишдан иборат. Морфология ҳайвонларнинг ташқи, анатомия — ички түзүшшини ўрганади. Солиштирма ва эволюцион морфология турли систематик гуруҳларга мансуб бўлган ҳайвонларнинг тузилиши ва уларнинг тарихий ривожланиш йўлини текширади. Эмбриология ҳайвонларнинг эмбрионал ривожланиши (онтогенезни, филогенетики эса ҳайвонот дунёсининг эволюцион тараққиёт йўлини, экология ҳайвонларнинг ташқи муҳит билан ва ўзаро муносабатларини тадқиқ қишиди. Этиология ҳайвонларнинг турқ-авторини солишириб ўрганади. Зоография фани зоология ва физик география фанларининг бир тармоғи бўлиб, ҳайвонларнинг қуруқлик ва сувда тарқалиши билан боғлиқ бўлган омилларни текширади. Қадимги геологик даврда яшаб, ҳозир қирилиб кетган ҳайвонларни палеозоология ўрганади. Бу фан филогенетика ва эволюцион морфология билан узвий боғланган. Физиология фани эса ҳайвонлар организми функцияларини ўрганади.

Зоологияни текширадиган объектларига биноан ҳам бир қанча фанларга ажратиш мумкин. Масалан, протозоология бир ҳужайали ҳайвонларни, гельминтология — паразитчувалчангларни, энтомология — ҳашаротларни, акарология — каналарни, ихтиология — ба-

\* Грекчада zoon — ҳайвон, тирик мавжудот, logos — билим, таълимот, фан деган маъниони боради.

**лиқларни, орнитология — құшларни, териология — сутемизувчиларни үрганади.**

Зоология бошқа биология фанлари, шунингдек тиббиёт, ветеринария ва қишлоқ хұжалиги билан узвий бөглиқ. Зоологиянинг күпгина бўлимлари эса паразитология, гидробиология, эпизоотология, эпидемиология каби комплекс фанлар таркибига киради. Одам ва ҳайвонларнинг паразитларини үрганиш тиббиёт ва ветеринария паразитологияси учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тупроқда яшовчи ҳайвонларни үрганиш эса тупроқ ҳосил бўлиши жараёнини тушуниб олиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш усулахини ишлаб чиқиши имконини беради.

Эколого-зоологик тадқиқотлар балиқ хұжалиги ва чорвачиликни янада ривожлантириш, овланадиган ҳайвонлар сонини тартибга солиш, фойдалы ҳайвонларни иқлимлаштириш ва кўпайтириш, шунингдек қишлоқ хұжалиги зааркунданаларига қарши курашни тўғри ташкил этишга ёрдам беради. Турли ҳайвонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, шунингдек ҳайвонлар организмидаги биокимёвий ўзгаришларни текшириш паразит ва зааркунанда ҳайвонларга қарши биологик кураш чораларини ишлаб чиқища мұхим ўрин тутади.

Зоология фани ютуқлари табиётта илмий-материалистик дунёқарашнинг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Зоология фани тўплаган илмий далиллар органик оламнинг ривожланиши тўғрисидаги эволюцион таълимотни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Инсон ҳам узоқ давом этган тарихий тараққиёт натижасида ҳайвонот дунёсидан келиб чиққан ва эволюцион тараққиётнинг энг юқори поғонасига кўтарилган онгли мавжудот ҳисобланади.

## ЗООЛОГИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Инсоният тарихининг ilk давриданоқ кишилар ҳайвонлар ҳаёти билан қызыққанлар. Ҳайвонлар түғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар милоддан аввал V-IV асрга оид Миср, Хитой ва Юнон адабиётларида учрайди. Лекин зоологияга тааллуқли ilk илмий асарларни милоддан IV аср аввал яшаб ўтган Арасту (Аристотель) яратган. Унинг асарларида 452 тур ҳайвоннинг тузилиши, ҳаёт кечириши ва тарқалишин тушунтириб берилган.

Арасту ҳайвонларни икки катта гурӯҳ — қониллар ва қонсизларга ажратади. Бу гурӯҳлар ҳозирги системага мувофиқ умуртқалилар ва умуртқасизларга яқин келади. Ҳайвонлар яна 8 та кичик гурӯҳларга: тўртоёқлилар (сутэмизувчилар), тухум қуювчи иккюёқлилар (қушлар), тухум қуювчи тўртоёқлилар (судралиб юрувчилар), ҳашаротлар, қисқичбақасимонлар ва бошқаларга ажратилган. Арасту асарларида органилар тузилишининг ўзаро мувофиқлиги (корреляция) ва градация түғрисида ҳам содда фикрлар баён этилган.

Қадимги Рим табиатшунослари орасида Гай Плиний (милоддан сунг 23-79 йиллар) машҳур бўлган. У ўзининг 37 китобдан иборат “Табиат тарихи” асарида ўша даврда маълум бўлган барча ҳайвонларни таърифлашиб берган.

Дин ва хурофот ҳукм сурган Ўрта асрларда табиатни ўрганиш қатъини ман этилиб, илм-фан намоёндалари эса таъқиб остига олинди. Ана шу сабабли зоология фанининг ривожланиши батамом тўхтаб қолди, Аристотель ва Гай Плиний ишлари унутиб юборилди.

Ўйғониш даврида (XIV — XV асрлар) илм-фан тараққиётининг ширкази Фарбий Европага кўчди. Бу даврда барча табиий фанлар, шу жумладан зоология соҳасида ҳам мұҳим қашфиётлар қилинди. Христофор Колумб, Марко Поло, Магеллан ва бошқа бир қанча сийёҳларнинг денгизлар оша саргузаштлари натижасида илгари ноңиълум бўлган янги ҳайвон турлари қашф этилди. Дунёning турили бурчакларидан йигиб келтирилган беҳисоб материалларни системага солиш ва умумлаштириш зарур эди. Айни шу даврда швейцариялик ирич ва натуралист К. Геснернинг (1516-1565) 17 жилдли “Ҳайвонлар

тарихи” асари пайдо бўлди. Асар кўп жиҳатдан содда ёзилган ва унда ноаниқ маълумотлар кўп бўлса-да, энг қадимий энциклопедик манба ҳисобланади.

Зоология фанининг тараққий этишида XVII асрда микроскопнинг ихтиро этилиши бекёс катта аҳамиятга эга бўлди. Голланд олими Левенгук (1632-1723) “Микроскоп ёрдамида очилган табиат сирлари” китоби билан кўз илғамас ҳайвонлар дунёсини очиб берди. Италиялик олим М.Мальпиги (1628-1694) умуртқали ҳайвонлар қон айланиш системаси капиллярлари, айриш органлари ва ҳайвонлар терисининг микроскопик тузилишини тасвирлади. Англиялик У. Гардэй (1578-1657) одамнинг қон айланиш системасини биринчи бўлиб тушунтириб берди. Лекин ўша даврда олимлар ўртасида жинсий ҳужайралар ва муртакла бўлажак организмнинг барча органлари тайёр ҳолда туради, деган метафизик тушунча ҳукмон эди.

Ҳайвонот дунёсининг замонавий системаси тўғрисидаги таълимот XVIII асрда пайдо бўлди. Бу таълимотнинг негизини швед олими К.Линней (1707-1778) ишлари ташкил этади. Унинг “Табиат системаси” асарида тур, уруғ, туркум ва синф каби систематик категориялар асослаб берилади. Олим турни уруғ ва тур номи билан аташни таклиф этиши билан бинар номенклатурага асос солди. К.Линней ҳайвонот дунёсини сутэмизувчилар, қушлар, паррандалар, балиқлар, ҳашаротлар ва чувалчанглар синфига ажратади. Лекин Линней турли систематик гурӯҳлар ўртасида ҳеч қандай боғланиши йўқ, деган фояни ҳимоя қилиб чиққан.

К. Линней замондоши француз олими Ж. Бюффон (1707-1768) ўша давргача зоология соҳасида маълум бўлган барча маълумотларни умумлаштирувчи 36 жилдли “Табиат тарихи” асарини яратди. Асарда у биринчи бўлиб турларнинг ўзгариши тўғрисида ўз фикрини билдиради.

XIX аср бошларида француз олими Ж. Кювье (1769-1832) палеонтологик қазилмаларга асосланиб, қадимда яшаган, лекин ҳозир қирилиб кетган ҳайвонлар хусусида маълумот беради. У организмнинг бир бутунлиги ва турли органларнинг ўзаро боғланганлигига асосланиб, ўзининг органлар корреляцияси тўғрисидаги илмий фоясини илгари сурди. Ж. Кювье зоология фанига тип тушунчасини киритади. У ҳайвонот дунёсини тўрт типга умуртқалилар (сутэмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар, балиқлар), юмшоқ танлилар (моллюскалар), бўғимлилар (ҳалқали чувалчанглар ва бўғимоёқлилар), нурлилар (нинатериллилар, чувалчанглар, инфузориялар)га ва 19 синфа ажратади. Лекин Кювье ҳам худди Линней сингари турларнинг ўзгармаслиги тўғрисидаги метафизик фояни ҳимоя қилиб чиққан эди. Унинг ватандоши ва замондоши Сент-Илер (1772-1844) эса турларнинг ташки муҳит таъсирида ўзгариши борасидаги фояни илгари сурган.

XIX аср биология фанида табиатдаги мураккаб формалар-

ни эп солда формалардан келиб чиқиши тұғрисидаги ғояларнинг устуң келиши билан харakterланади. Бу даврда эволюцион ғояларни ривожжанишида Т. Шван (1810-1882) ва М. Шлейден (1804-1881) томондан ҳайвонлар ва үсимликларнинг хужайравий тузилиши тұғрисидаги таълимот катта аҳамиятта молик бўлди. Турларнинг ўзгариши, мураккаб формаларни оддий формалардан тараққий этиб чиқиши тұғрисидаги таълимотни биринчى бўлиб француз натуралисти Ж. Б. Ламарк (1744-1829) таклиф этган. У “Зоология фалсафаси” асарида турларнинг ўзгармаслиги хусусидаги метафизик қарашларга тарбия бериб, ўзининг эволюцион таълимотини асослаш беради. Лекин Ламарк эволюцион жараённинг сабабларини очиб беролмади. Олимнинг асосий ишлари умуртқасиз ҳайвонларни ўрганишга бағишланган эди. У К. Линней системасини янада тақомиллаштириди ва умуртқасиз ҳайвонларни 14 синфга ажратишни таклиф этди.

Зоология фанида эволюцион ғоялар фақат Ч. Дарвиннинг (1809-1882) “Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши” (1859) асари босилиб чиққандан сўнг тўла-тўқис ўз асосини топди. Ч. Дарвин турларнинг ўзгариши ва органик олам эволюциясини тушиштириб қолмасдан, эволюциянинг асосий факторларини ҳам очиб беради. У тирик мавжудотлар тузилишининг мураккаблашиб бориши ва ташқи муҳиттага мослашувининг сабаби узоқ давом этган табиий ёки сунъий танланиш эканлигини баён этди. Дарвин таълимоти ҳамма зоология фанлари тараққиёті учун катта аҳамиятта әгадир. Бу таълимот биология олдига ҳайвонлар эволюцияси йўналишлари ва сабабларини очиб беришдек янги вазифаларни қўйди.

XIX асрнинг иккичи ярмида немис олимлари Э. Геккель (1834-1919) ва Ф. Мюллер (1821-1897) ҳайвонларнинг индивидуал ривожланиши бинани тарихий тараққиёті ўргасидаги боғланишни кўрсатиб берувчи генетик қонунни кашф қилишиб, эволюцион таълимотни муҳим данишлар билан бойитишиди.

XIX аср охири ва XX аср давомида қуруқлик, денгиз ва океанлар фаунасини ўрганиш учун бир қанча йирик экспедициялар ташкил этилди. Бу соҳада айниқса “Челенжер” кемасидаги (Англия, 1872-1876), “Галатея” кемасидаги (Дания 1950-1960) ва “Витязь” кемасидаги совет экспедициялари жуда кенг миқёсдаги илмий тадқиқотларни амалга оширди.

Рус олим А. В. Иванов экспедиция материаллари асосида янги ҳайвонлар типи — погонофораларни тасвирлаб берди. Инглиз олимни Д. Смит эса Африканинг жанубий-шарқий қирғоғидан тутилган Латимерия деб аталган панжа қанотли балиқ таърифини көлтирган.

Россияда зоология соҳасидаги илмий изланишлар Пётр I даврида бошланган. У чет мамлакатлардан турли ҳайвонларнинг коллекциясини көлтириб, кунсткамера ташкил этади. Рус олимларидан биринчى бўлуп К. Ф. Вольф (1734-1794) турлар ўзгармаслиги тұғрисидаги мета-

физик қараашларга қарши чиққан ва организмларни тухумхужайрадан аста-секин ўсиб ривожланиши ҳақидағи ўзининг эпигенез назариясини метафизик назарияга қарама-қарши қўйган.

Зоология соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланишига айниқса, XVIII асрда Россия Фанлар Академияси томонидан мамлакатнинг узоқ ҳудудларига уюштирилган кўплаб экспедициялар сабаб бўлди. Академик П. С. Паллас (1741-1811) — Поволжье, Сибирь, Қозогистон ва Урални; Г. В. Стеллер (1709-1746) — Узоқ Шарқни; И. Г. Гмелин (1745-1774) — Россиянинг жанубий ҳудудлари, И. Гольденштедт (1745-1781) — Кавказни; И. И. Лепехин (1740-1802) Марказий ва Шимолий ҳудудлардаги ҳайвонлар ҳаётини ўрганиб, жуда кўп зоологик коллекциялар йиғишади. Ана шу материаллар асосида П. С. Паллас “Рус Осиёси зоогеографияси” номли йирик асарини яратди. Китобда ўша даврда маълум бўлган барча умуртқали ҳайвонлар таърифлаб берилади.

Россия ҳайвонларини ўрганиш XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам тез суръатлар билан давом этди. Бу соҳада айниқса, академик А. Ф. Миддендорфнинг (1815-1894) Сибирь бўйлаб уч йиллик экспедицияси диккатга сазовор бўлди. XIX асрдан бошлаб Россияга чегарадош мамлакатларнинг фаунасини ўрганиш ҳам бирқанча тадқиқотлар амалга оширилди. Машҳур сайдж Н. М. Пржевальский (1838-1888) Марказий Осиёни текширади ва фанга номаълум бўлган ҳайвон турларини аниқлайди. Н. П. Книпович (1862-1939) эса Шимолий муз океани, Каспий, Қора ва Азов дengizлари ҳавзалари ҳайвонларини ўрганади. Н. Н. Миклухо-Маклай (1846-1888) Канар ороллари, Янги Гвинея, Микронезия, Малакка ярим ороллари ва Қизил дengизда олиб борган текширишларида зоологияга оид жуда кўп материаллар тўплаган.

Россияда илфор эволюцион дунёқараашларни ривожланишида К.Ф.Рулье (1814-1858) ишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Олим турларни ўзгармаслиги тўғрисидаги foяларга кескин қарши чиқиб, ҳайвон организми билан ташқи муҳитнинг бир бутунлиги, яшаш муҳитининг ўзгариши ҳайвоннинг ўзгаришига сабаб бўлишини тушунишиб беради. К. Ф. Рульенинг шогирди Н. А. Северцов (1827-1885) экология ва зоогеография соҳасида бир қанча ажойиб асарлар яратди. У ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, Марказий Осиё тоғ ва саҳролари ҳайвонот дунёсини ўрганади.

Зоология фанининг ривожланишида атоқли рус олими К. М. Бэрнинг (1792-1876) хизматлари катта бўлди. У ҳайвонларнинг индивидуал ривожланиши тўғрисидаги эмбриология фанига асос солганлардан бири ҳисобланади. Шунингдек К. М. Бэрнинг Азов ва Каспий дengизларига қўлган экспедициялари бу ҳавзаларда балиқчиликни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Олим ҳайвонлар эмбрионнинг ўхшашлиги тўғрисида қонунни очди. Бу қонунга биноан эмбрионнинг

ривожланишида дастлаб типнинг, сўнг синф ва туркумнинг белгилари, охирги навбатда эса турга хос белгилар юзага чиқади.

Зоология соҳасидаги ишлар айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярмида Ч. Царвин таълимоти эълон қилингандан сўнг тез ривожлана бошлади. Академик А. О. Ковалевский (1840-1901) палеонтология фани далиллари асосида ҳозирги бир бармоқли от зотларини қадимги тўрг таълимотини асосла берди. Унинг бу текширилари эволюцион палеонтологиянинг ривожланиши учун асос бўлди. Немис олимни Э. Гекеель ва рус олимни И. И. Мечников (1845-1916) кўп хуяйрҳали ҳайвонларнинг келиб чиқишини изоҳлаб беришди.

Зоология соҳасидаги тадқиқотларнинг миқёси XX асрда айниқса кенгайиб кетди. Ҳайвонот дунёсини ўрганиш режали асосда ва комплекс равишда олиб бориладиган бўлди. Бу соҳада А. Н. Северцов (эволюцион морфология), Н. К. Кольцов (генетика), Е. Н. Павловский (паразитология), К. И. Скрябин (гельминтология), В. А. Догель (параитология, протистология), В. Н. Беклемищев (солиштирма анатомия), Л. А. Зенкевич (систематика), Г. Я. Бейбиенко (энтомология) ва бошقا зоологларнинг илмий мактаблари катта ютуқларни қўлга кирилди. Академик А. А. Зенкевич (1889-1970) раҳбарлигига Шимолий деңгизлар ва Тинч океани умуртқасиз ҳайвонларини ўрганиш борасида йирик илмий тадқиқотлар олиб борилди. Л. А. Зенкевич раҳбарлигига 5 жилдли “СССР деңгизлари фаунаси” ва 7 жилдли “Ҳайвонлар ҳамти” асарлари яратилди. Е. Н. Павловский (1884-1965) организм биопсии унинг яшаш мұхити ўртасидаги муносабатларни ўрганиш асосида “*трансмиссив қасаллукларнинг табиий манбалари тўғрисидаги таълимотини яратди*”. С. С. Шварц (1919-1976) эволюцион процесснинг экологик механизмини ишлаб чиқди. В. А. Догель (1882-1955) эволюцион процессда гомологик органлар сонини камайиб бориши (олигомеризация) тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқди. А. А. Захваткин (1906-1950) кўп ҳужайралиларнинг келиб чиқиши муаммосини тадқиқ қилди.

Кейинги даврда систематика соҳасида тадқиқотларда солиштирма анатомия, палеонтология, эмбриология каби анъанавий усуллар билан бир қаторда тобора кўпроқ биокимёвий, серологик, кариологик, молекуляр ва генетик усуллар кенг тадбиқ этилмоқда. Атоқли рус биокимётар олимни А. Н. Белозерский систематик ва филогенетик тадқиқотларда дезоксирибонуклеин кислотаси (ДНК) таркибини ўрганди. М. С. Гиляров экологик текширишлар асосида тупроқ ҳайвонларининг тупроқ ҳосил бўлиши жараёнидаги ва тупроқ диагностикасидаги аҳамиятини кўрсатиб берди. М. С. Гиляров тадқиқотлари тупроқ зоологиясини шаклланишига сабаб бўлди. А. С. Серебряков зааркунданда ҳашаротнага қарши курашнинг генетик усулига асос солди.

Ўзбекистонда зоологиянинг ривожланиши шарқнинг буюк алломатари Абу Райхон Беруний ва Абу Али Ибн Синонинг номи билан бөғлиқ. Зоология соҳасидаги дастлабки тадқиқотлар кишилар соғлигини

сақлаш учун зарур бўлган дори-дармонлар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган. XI асрнинг буюк мутафаккирларидан бири Абу Райхон Беруний (973-1043) ўзининг тиббиёт соҳасидати асарларида 101 хил ҳайвон ва улардан олинадиган дори-дармонлар тўғрисида ёзиб қолдирган. Олим ўзининг “Хиндистон” (1030) асарида каркидон, фил, кийик, дельфин каби Ҳиндистонда учрайдиган ҳайвонлар ҳақида қизиқарли маълумотлар келтиради. Айниқса, унинг дельфинлар танасининг тузилиши, уларни товуш орқали ўзаро муносабатда бўлиши, каркидоннинг тузилиши ва тарқалиши тўғрисидаги маълумотлари эътиборга лойиқ.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг “Китоб аш-шифо” асарида одамларнинг ичагида паразитлик қилувчи чувалчанглар келтириб чиқарадиган касалликлар ва уларни даволаш тўғрисида жуда кўп маълумотлар келтиради. Олим уларнинг турларга ажратиб “катта ва узун қурт”, “думалоқ қурт”, “қовоқ уруғига ўхшаш қурт”, “митти қурт” деб атайди. Қовоқсимон қурт, митти қурт (кичик занжирсимон) тушунчалари зоологияга оид асарларда ҳозир ҳам сақланиб қолган. Ибн Синонинг “Китоб аш-шифо” йирик фалсафий асар бўлиб, унда геология, ботаника, математика, астрономия, мантиқ, илоҳиётга оид маълумотлар ҳам келтирилган. Олимнинг табиий фанларга оид илмий ишлари К. Линнейга ҳам маълум бўлган. Ана шу боисдан ҳам К. Линней ўзи тасвирлаган ўсимликлардан бирига "Авиценна" (Ибн Сино) деб ном берган.

Ҳайвонот дунёси тўғрисида илмий маълумотлар Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг (1483-1530) шоҳ асари “Бобурнома”да ҳам келтирилган. Асарда Бобур ҳукмронлик қилиб турган Ҳиндистонда учрайдиган 60 дан ортиқ умуртқали ҳайвонлар тўғрисида ёзиб қолдирилган. “Бобурнома”да келтирилган ҳайвонлар яшаш мұҳитининг хусусиятларига кўра қуруқлик ҳайвонлари, сув яқинида учрайдиган ҳайвонлар ва сув ҳайвонларига ажратилади.

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳозирги Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳайвонот дунёсини ўрганишга узоқ давр мобайнида жуда кам эътибор берилгандигини кўрсатади. Бу соҳадаги маҳсус тадқиқотларни фақат XIX асрнинг иккинчи ярмида Н. А. Северцов бошлиб берди. У ўз саёҳатларида Орол денгизи, Устюрт, Қизилкумнинг шимоли, Сирдарё, Тяншан ва Помир тоғлари ҳайвонларини ва табиатни ўрганди. Марказий Осиё ҳайвонот дунёсини ўрганишда табиатшunos олим А. П. Федченконинг хизматлари айниқса катта. У 1868-1871 йилларда Олой ва Зарафшонда ўтказган экспедицияларида 4000 ҳайвон тури (асосан ҳашаротлар)ни ўз ичига олувчи 20000 га яқин коллекция тўплади. Унинг биргина Зарафшон водийсининг юқори қисмida олиб борган текширишларида 1000 дан ортиқ ҳайвон тури йиғилди. Сайёҳ ипакчилик билан ҳам қизиқади. А. П. Федченко биринчи бўлиб Ўзбекистонда, хусусан Самарқандда риштанинг биологиясини ўрганади.

А. П. Федченконинг замондоши В. Ф. Ошанин (1844-1945) Олой во-  
дийси, Зарафшон ва Туркистон тизма тоғлари ва Помир табиатини тек-  
ширади, Амударёнинг юқори қисмида тарқалган ҳашаротларни ўрга-  
ниди. У “Туркистон чала қаттиқ қанотлар фунасининг зоогеогра-  
фияси” (1891) китобида 700 дан ортиқ ҳашаротлар тури ҳақида маълу-  
мот беради. В.Ф.Ошаниннинг ташаббуси билан 1876 йилда Тошкентда  
табнат музей ташкил этилди.

Марказий Осиё ҳайвонларини ўрганиш XX асрнинг бошларида, айниқса, жадал суръатлар билан олиб борилди. Асримизнинг 20 ва  
30-йилларида Марказий Осиё ҳудудида яшовчи аҳоли ўртасида кенг  
тарқалган паразитар касалликларга қарши курашни амалга ошириш-  
га катта эътибор берилди. Бунинг учун зоология фани олдига параз-  
ит ва касал тарқатувчи ҳайвонларни ўрганиш вазифаси қўйилди.  
Шу мақсадда Марказий Осиёга бир неча экспедициялар ташкил этилди.  
Н. И. Ходукин (1896-1954), Л. М. Исаев (1868-1964) безгак паш-  
шаларини ўрганиб, уларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқи-  
шади. Л. М. Исаев ташаббуси билан Ўзбекистонда безгакни тадқиқ этув-  
чи станциялар ва табииёт паразитологияси институти ташкил этилди.  
Олим риша паразитини ўрганиб, унга қарши кураш чораларини иш-  
лаб чиқади. Ўша даврда амалга оширилган тадбирлар, 50-йилларда  
Марказий Осиёда безгак касали ва риштани батамом тутгатиш имкони-  
ни берди.

Асримизнинг 20-йилларида зоология соҳасидаги асосий тадқиқот-  
лар янги ташкил этилган Туркистон университетида олиб борилди.  
А. Л. Бродский (1882-1943) бир ҳужайрали ҳайвонларни ўрганишни бош-  
лаб берди. У Қизилқум фаунасини текшириб, чиганоқли сохта оёқли-  
ларнинг янги турларини топади ва уларни дengiz сохта оёқлилари билан  
яқинлигини исботлайди. Бу тадқиқот Марказий Осиё қумликлари  
ўрнида қадимда дengiz бўлғанлигидан далолат беради. Д. Н. Кашка-  
ров (1878-1941) Марказий Осиёда экологик текширишларни бошлаб  
берди. Т. З. Зоҳидов Қизилқум ҳайвонлари экологиясини ўрганди ва  
зоология соҳасида бир қанчга йирик асарлар ёзи, В. В. Яхонтов (1899-  
1970) ҳашаротларни ва А. М. Муҳаммадиев (1906-1988) сувда яшов-  
чи умуртқасиз ҳайвонларни ўрганин соҳасида бир қанчага тадқиқот  
ишларини олиб борди. Марказий Осиё ҳайвонот дунёсини ўрганишда  
М. Н. Нарзикулов ҳамда Р. О. Олимжоновлар (ҳашаротлар), А. Т. Тўла-  
ганов (фитогельминтлар), М. А. Султонов, И. Х. Эргашев, Ж. Азимов  
(зоогельминтлар), С. Н. Алимухамедов (заараркуннанда бўғимоёқли-  
лар) ва бошқа олимларимиз ҳам бир қатор илмий тадқиқот ишлари-  
ни амалга оширишди. Зоология соҳасидаги изланишлар айни кунда  
кўплаб илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида олиб  
борилмоқда.

398 02 19 Задек  
105. 11

# I. ҲАЙВОНЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

---

## 1.1. ҲАЙВОНЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Ҳайвонлар ҳужайрасининг тузилиши. Ҳайвонлар ҳужайраси ҳам кўп жиҳатдан бошқа тирик организмлар ҳужайрасига ўхшаш. Унда ташқи ҳужайра мембронаси, цитоплазма, ядро ва ҳар хил органоидлар, Гольджи аппарати, митохондриялар, лизосомалар, рибосомалар, центросома ва бошқалар бўлади.

Ҳайвонларнинг ташқи ҳужайра мембронаси жуда юпқа (қалинлиги 7-10 нм)\* бўлиб, цитоплазмани ташқи муҳитдан ажратиб туради. Ҳайвонлар ҳужайра мембронаси сиртида қаттиқ ҳужайра қобиги бўлмайди. Мемброна ташқи муҳит билан ҳужайра ўртасидаги моддалар алмашинуви жараёнида, ҳужайраларнинг ҳаракатланиши ва ўзаро туташишида муҳим ўрин тутади. Мемброна икки қават бўлиб жойлашган липид ва улар оралиғида сузиг юрадиган оқсил молекуларидан иборат. Мембронанинг ички юзаси турли бурмалар ва үсимтлар орқали цитоплазмадаги эндоплазматик тўр билан туташиб кетади.

Цитоплазма коллоид системадан иборат бўлиб, ҳужайрани тўлдириб туради. Цитоплазма таркибида органик моддалар (оқсиллар, ёғлар, углеводлар), турли минерал тузлар ва жуда кўп миқдорда сув бўлади. Цитоплазмада ҳамма ҳужайра органоидлари жойлашган.

Эндоплазматик тўр жуда юпқа мембронали нозик найчалардан иборат бўлиб, цитоплазма ичидаги чигал тўрни ҳосил қиласди. Эндоплазматик тўр ядро яқинида ядро мембронаси билан туташиб кетади. Унинг найчалари орқали ҳужайранинг турли қисмларида синтезланана диган моддаларнинг ҳужайра ичидаги алмашинуви содир бўлади.

Гольджеи аппаратининг тузилиши эндоплазматик турга ўхшаш бўлади. У бирмунча йирик вакуоалалар ва майда пифакчаларни ўраб турувчи мемброналардан иборат. Гольджи аппарати ҳужайрада синтезланадиган айрим моддалар, масалан, гормонлар ва ферментларни вақтинчалик тўплаш учун хизмат қиласди. Бу моддалар зарур пайтда эндоплаз-

\* Нм (нанометр) — мисроннинг 1000 дан бир улушкига teng.

матик түр орқали ҳужайрадан чиқарып юборилиши ва организмдаги алмашинув жараёнида иштирок этиши мумкин.

*Митохондриялар* — узунлиги 0,2-5 мкм келадиган майда узунчоқ таңачалардан иборат. Улар ҳужайранинг энергия маркази бўлиб, ҳужайрадаги ҳамма жараёнларни энергия билан таъминлайди. Митохондриялар иккита (ички ва ташки) мембраннылар билан қопланган. Ички мембранныдан митохондрия бўшлиғига қараб жуда кўп тўсиқлар чиқади. Тўсиқлар мембраннынг ички юзасини кенгайтириш учун хизмат қилиб, натижада митохондрияларда турли биокимёвий реакциялар орқали энергия ҳосил бўлиши тезлашиб, энергия кўпроқ тўпланади.


*Рибосомалар* — жуда кичик диаметри 0,015 мкм катталиқдаги майда доначалар. Уларнинг асосий қисми эндоплазматик тўрнинг сиртқи мембраннысида жойлашган. Рибосомалар цитоплазмада ва ядрода ҳам бўлади. Рибосомаларда оқсил синтезланади ва эндоплазматик тур найчалари орқали ҳужайранинг турли қисмларига тарқалади.

*Центросома* — кўпчилик ҳайвонларнинг ҳужайраси учун хос бўлиб, оқиши дод шаклида кўринади. Унинг ичида битта ёки иккита, баъзан бир нечта центриолалар жойлашган. Айрим ҳужайралар бўлиннишидан олдин центросомадан жуда ингичка радиал ишчалар чиқади. Центриолалар ҳужайранинг бўлинниш даврида хромосомаларнинг ҳужайра қутбларига тарқалишида қатнашади.

Ҳайвонлар ҳужайраси цитоплазмасида кўпинча ҳар хил ингичка толалар ва ишчалар ҳам учрайди. Мускул ҳужайраси цитоплазмасидаги ана шундай толалар (микрофибрillалар) қисқариш хусусиятига эга бўлса, нерв ҳужайрасидаги ишчалар (нейрофибрillалар) нерв импульсларини узатиш вазифасини бажаради.

Ҳайвонлар танасининг деярли ҳамма ҳужайраларида ядро бўлади. Юксак умуртқали ҳайвонлар қонидаги эритроцитларда ядро бўлмайди (ядро ҳужайра ҳосил бўлиш жараёнида йўқолади). Ядроларнинг сони ва шакли ҳар хил бўлади. Таңқи томондан ядро иккита қават мембрана билан ўралган. Мембраннылардаги маҳсус тешикчалар ва найчалар ёрдамида ядро цитоплазма ва унинг органоидлари билан боғланади. Ядро ичидағи модда — кариоплазма таркибида оқсиллар, ферментлар, липоидлар, нуклеин кислоталар ва минерал моддалар бўлади. Ядрода хромосомалар ва ядроча жойлашган. Хромосомалар сони ва шакли ҳар бир турнинг ўзига хос бўлади. Хромосомалар орқали ирсий белгилар наслдан наслга ўтади. Ядроча майда, юмалоқ шаклдаги таначадан иборат бўлиб, рибосома шаклланишида иштирок этади.

*Тўқималар*. Кўп ҳужайрали ҳайвонлар ҳужайраларининг шакли, тузилиши ва организмидаги функциялар турлича бўлади. Тузилиши ва функциялари билан ўхшаш бўлган ҳужайралар тўқималарни ҳосил қила-



1-расм. Ҳайвон организми түқималари ва ҳужайралари.  
1—эпителий, 2—қон, 3—норай, 4—сүяк, 5—бириктирувчи түқима, 6—силиқ мускул толалары, 7—мезотелий, 8—нерв ҳужайралари. Э—эритроцитлар. Л—лейкоцитлар.

ди. Ҳайвонлар организмидә эпителий (қопловчы), бириктирувчи, мускул ва нерв түқималары бўлади (1-расм).

**Эпителий түқимаси** — ясси кубсимон ёки цилиндриксимон ҳужайралардан ташкил топган. Унинг ҳужайралари ўзаро зич жойлашган бўлиб, оралиқ моддаси жуда кам бўлади. Бу түқима ҳайвон танаси сиртини қоплаб турувчи терини ҳосил қиласди. Тана бўшлиғи, ичак девори ва ички органлар бўшлиғининг ички юзаси ҳам шу түқима билан қопланган. Эпителий организмни ташкил ва ички муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қиласди. Чувалчинглар танаси сиртидаги кутикуласи, бўғимоёқлиларнинг хитин қоплагичи, умуртқали ҳайвонларнинг жуни, пат-

ларн ва тирноқлари тери эпителийсидан ҳосил бўлади. Эпителий секреция функциясини ҳам бажаради. Масалан, ичак ва ошқозон девори безлари ҳазм шираси, ички секреция безлари эпителийси гормонлар ишлаб чиқаради. Теридаги маҳсус эпителий ҳужайралари тери сиртига тер ва ёф ишлаб чиқаради.

Бириктирувчи тўқима ҳужайраларо модданинг ҳужайраларга нисбатан кўплиги билан бошқа тўқималардан фарқ қиласди. Бу модда қаттиқ ёки суюқ бўлиши мумкин. Организмда бириктирувчи тўқима органлар ва тўқималарни бир-бири билан туташтириб туриш, таянч (скелет) ҳосил қилиш, организмни озиқ моддалар ва кислород билан таъминлаш, захира озиқ тўплаш ва бошқа бир қанча вазифаларни бажаради. Бўшлиқчилар типига мансуб ҳайвонларнинг шилимшиқ моддага ўхшаш бириктирувчи тўқимасида озиқни тақсимлаш, скелет ҳосил қилиш, жинсий ҳужайралар ҳосил қилиш каби турли вазифаларни бажарувчи ҳар хил ҳужайралар бўлади. Яесси чувалчанглар танасидаги ички органлар оралигини тўлдириб турувчи паренхима ғовак толали бириктирувчи тўқимага мисол бўлади. Бу тўқима ички муҳит вазифасини бажаради.

Баъзи умуртқасиз ҳайвонлар ва ҳамма умуртқалиларнинг турли органлари ва тери ости қавати таркибига зич бириктирувчи тўқима киради. Нафас олиш органлари ва қон томирлари девори ҳамда тегрининг қайишшқоқлиги ана шу тўқима ҳужайраларо моддасида жойлашган толалар ҳосасига боғлиқ бўлади. Таянч -скелет вазифасини бажарувчи тоғай ва суюқ тўқималари ҳам тифиз толали тўқималарга мисол бўлади.

Қон суюқ бириктирувчи тўқимадан иборат. Умуртқали ҳайвонлар қони ҳужайралардан ва қон зардобидан иборат. Қон зардоби ҳужайраларо моддани, қон ҳужайралари (эритроцитлар, лейкоцитлар ва бошқалар) тўқима ҳужайраларини ҳосил қиласди. Умуртқасиз ҳайвонларнинг қони кўпинча рангсиз, кислород ташувчи гемоглобин оқсими қон зардоби таркибига киради.

Кўпчилик ҳайвонлар (ҳашаротлар ва умуртқалилар) учун хос бўлган ёг тўқимаси ҳам ўзининг тузилиши хусусиятига кўра бириктирувчи тўқимага киради. Ёф тўқимаси ҳужайраларида захира озиқ модда — ёф тўпланади.

Мускул тўқимаси қисқариш хусусиятига эга бўлган толалардан ташкил топган. Бу тўқималар икки хил: силлиқ ва кўндаланг чизиқли мускул тўқималарига ажратилиди. Силлиқ мускуллар дуксимон битта ядроли ҳужайралардан ташкил топган. Улар содда ҳайвонлар ва бўшлиқчилардан ташқари барча умуртқасиз ҳайвонлар ва умуртқали ҳайвонларнинг ички органлари таркибига киради. Бу мускуллар кучсиз, лекин бир маромда қисқаради. Кўндаланг чизиқли мускуллар кўп ядроли узун толали ҳужайралардан иборат. Бу хилдаги мускуллар бўғимоёқлилар, қисқичбақасимонлар, ўргимчаксимонлар ва

ҳашаротларнинг ҳаракат органлари, умуртқали ҳайвонларнинг скелети билан боғланган. Кўндаланг чизиқли мускуллар ҳар хил куч билан қисқариши мумкин.

*Нерв тұқымаси* — нерв ҳужайраларидан ва ҳужайра оралығи моддаларидан ташкил топған. Нерв тұқымаси ташқы мұхитдан ва организмнинг ўзидан келадиган құзғалишни қабул қилиш ва ўтказиш вазифасини бажаради. Нерв ҳужайралари дастлаб тубан күп ҳужайралардан бүшлиқчиларда пайдо бўлади. Ясси чувалчангларда нерв ҳужайралари марказлашгандан бош нерв тугунини ҳосил қиласди. Бўғимоёқлилар ва умуртқали ҳайвонларнинг нерв ҳужайралари янада кучлироқ марказлашиши натижасида марказий нерв системасини ҳосил қиласди.

**Органлар ва органлар системаси.** Юқорида таъкидлаб ўтилган тұқымалар органларни ташкил этади. Ҳар қайси орган таркибига бир ғана хил тұқима киради. Ҳар бир орган организмде маълум бир вазифани бажаришга мослашган бўлади. Бир-бири билан узвий боғланган ва организмде битта умумий вазифани бажарадиган органлар системага бирлаштирилади. Масалан, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, ошқозон, ичаклар ва овқат ҳазм қилиш безлари овқат ҳазм қилиш системасини ташкил этади. Эволюцион тараққиётнинг бирмунча юқори поғонасида жойлашган ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, айриш, таянч-ҳаракат, қон айланиш, нерв ва бошқа бир қанча органлар системалари ривожланади.

**Тана симметрияси.** Симметрия ҳайвонлар танасининг ўхшаш қисмларини симметрия маркази (нуқта, тұғри чизиқ ёки юза) атрофида маълум бир геометрик тартибда мутаносиб жойлашувидан иборат. Тана симметрияси узоқ давом этиб келаётган эволюцион тараққиёт натижаси бўлиб, яшаш мұхити билан чамбарчас боғлиқ. Ҳайвонлар тана симметриясининг асосий хиллари қўйидагилардан иборат.

1. *Радиал нурлы, яғни тене ўқли симметрия* сувда қалқиб ҳаёт кецирадиган шарсімон планктон ҳайвонлар (қуёшлилар, нурлилар, вольвокслар ва бошқалар)да кўриш мумкин. Улар танасининг ўхшаш қисмлари бир нуқтадан тарқаладиган радиал нурлар йўналишида жойлашган.

Радиал нурлы симметрия сув мұхитида қалқиб турувчи ҳайвон яшаб турган мұхитнинг танасининг ҳамма томонида бир хил бўлиши билан боғлиқдир. Бу хилдаги тана симметриясига эга бўлган ҳайвоннинг ташқы мұхит таъсирига жавоб реакцияси ҳам танасининг ҳамма томонида бир хилда бўлади.

2. *Радиал ўқли симметрия* сув тубида ўтроқ яшайдиган бўшлиқ ичлилар ва уларнинг эркін яшовчи медузалари, шунингдек тароқлилар ва нинатериллар учун хосдир. Радиал — ўқли симметрияяги эга бўлган ҳайвонлар танасининг ўхшаш қисмлари айланиш ўқи атрофида жойлашган. Ҳайвонлар танасидаги симметрик бўлаклар сони тана сиртида жойлашган пайпаслагичлар (бўшлиқчилар, тароқ-

шилар, ғовактандылар) ёки тана марказидан кетувчи нурлар сони билан белгиланади.

3. *Билатерал*, яғни иккى ёнлама симметрия жуда күпчилик ҳаракатынан умуртқасиз ҳайвонлар ва ҳамма умуртқали ҳайвонлар учун хос бўлади. Бу ҳайвонлар танасини марказий ўқ орқали ўтадиган ягона юза орқали фақат иккита тенг бўлакларга ажратиш мумкин. Билатерал тана симметриясига эга бўлган ҳайвонлар танасининг чап ва ўнг ярмини, олдинги (бош) ва кейинги (дум), орқа (елка) ва қорин томонларини аниқ ажратиб олиш мумкин.

Одатда радиал-нурли тана симметрияси фақат бир ҳужайралилар, радиал ўқли симметрия бирмунча содда тузилган умуртқасизлар учун характерлидир.

Шунинг билан бирга айрим ҳайвонлар танаси симметриясиз тузилишга эга бўлади. Бундай ҳайвонларга содда тузилган ялангоч амёбалилар билан бир қаторда қорин оёқли моллюскалар ҳам мисол бўлади. Қорин оёқлилар танасининг ассимметрик тузилиши спирал чифаноқнинг ҳосил бўлиши билан тананинг бир томонга буралиши натижасида келиб чиққан бўлиб, иккиласми характерга эгадир.

## 1.2. ҲАЙВОНЛАР ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳайвонлар замбуруғлар ва күпчилик бактериялар сингари гетеротроф организмлар бўлиб, тайёр органик моддалар ҳисобига озиқланади. Күпчилик ҳайвонлар фаол ҳаёт кечиради, бир жойдан иккинчи жойга кўчуб юра олади ва ҳар хил ҳаракатлар қиласди. Улар танасида моддалар алмашинуви ҳам фаол кечади. Шунинг учун ҳайвонлар организмида эволюция жараёнида турли органлар системаси ҳосил бўлган. Кўп ҳужайрали юксак тузилган ҳайвонларда овқат ҳазм қилиш, айриш, нафас олиш, қон айланиш, таянч-ҳаракат, жинсий ва нерв системалари ривокланган. Ҳайвонлар билан бошқа тирик мавжудотлар ўртасидаги тафовутлар анча мураккаб тузилган формалар ўртасида эса юқорида кўрсатиб ўтилган тафовутлар яққол кўзга ташланмайди. Хусусан, бир ҳужайрали ҳайвонлар (хивчинилар) орасида ўсимликка ўхшашиб фотосинтез қиливчи бир қанча автотроф турлари ҳам бор. Худди шунингдек, бир ҳужайрали ўсимликлар (яшил сув ўтлари) орасида ҳам фаол ҳаракат қиласидиган турлари бўлади.

**Ҳайвонлар танасида моддалар алмашинувиининг бориши.** Озиқланиш орқали организмга озиқ моддалар, сув ва кислород ўтади. Бу моддалардан *ассимиляция реакциялари* натижасида ҳайвонлар ҳаётни учун зарур бўлган янги моддалар ҳосил бўлади. *Диссимилияция реакциялари* натижасида ҳайвонлар танасидаги органик моддалар (ёғлар, углеводлар) парчаланиб, энергия ажратиб чиқади ва организм учун кераксиз моддалар (карбонат ангидрид гази, азотли маҳсулотлар) ҳосил бўлади. Озиқ

моддалар, сув ва кислород тананинг турли қисмларига етказиб берилади, парчаланиш маҳсулотлари эса танадан чиқариб ташланади. Кўпчилик тирик организмларда ассимиляция ва диссимилияция маҳсулотлари сувда эриган ҳолда ҳужайра қобиғи орқали организмга ўтади ва чиқариб ташланади. Моддаларнинг организм ичидаги бундай ҳаракатланиши диффузия дейилади. Бир ҳужайрали ва тубан кўп ҳужайрали ҳайвонлар танасида борадиган модда алмашинув жараёнларида диффузия асосий ўрин тутади.

Ҳайвонлар танасининг йириклиашуви ва тузилишининг мураккаблашуви билан организмда моддаларни ташиш функциясини бажарувчи маҳсус органлар пайдо бўлади. Бўшлиқичиларда бу вазифани тана бўшлиғи, яссичувалчангларда эса шохланган ичаклар, тўгарак ва ҳалқаличувалчанглар ҳамда бўғимоёқлиларда тана суюқлиги бажаради, Юксак тузилган ҳайвонларда моддалар алмашинуви ва қон айланиш системаси асосий ўрин тутади.

**Нафас олиш.** Кўпчилик организмлар, шу жумладан ҳайвонларда ҳам организм билан ташқи муҳит ўртасида тўхтовсиз газ алмашинуви бўлиб туради. Бу жараёнда ташқи муҳитдан организмга кислород ўтади ва организмдан парчаланиш маҳсулоти — карбонат ангидрид гази чиқариб юборилади. Микроскопик тузилишга эга бўлган тубан умуртқасиз ҳайвонларда газ алмашинуви бутун тана юзаси орқали содир бўлади.

Тана бўшлиғига эга бўлган кўп ҳужайрали ҳайвонлар (бўшлиқичилар, яссичувалчанглар, тўгаракчувалчанглар)да газ алмашинуви тана суюқлиги орқали боради. Ҳалқаличувалчангларнинг капилляр қон томирлари билан қопланган териси газ алмашинувида асосий ўрин тутади. Тана тузилишининг янада мураккаблашуви ва ҳайвонлар фаоллигининг оша бориши билан тана қоплағичи орқали газ алмашинуви етарли бўлмай қолади. Шу сабабли бирмунча мураккаб тузилган ҳайвонлар организмida маҳсус нафас олиш органлари ривожланади. Қуруқликда яшаб, атмосфера ҳавоси орқали нафас олувчи ҳайвонлар трахеялар ёки ўпка орқали, сув ҳайвонлари эса жабралар орқали нафас олади.

**Озиқланиши.** Ҳайвонлар ҳам барча гетеротроф организмларга ўхшаб оқсиллар, ёғлар, углеводлар ва бошқа органик моддалар ҳисобига озиқланади. Ҳайвонлар бу моддаларни ташқи муҳитдан олади. Лекин уларнинг молекуласи жуда йирик бўлганидан сувда эримайди ва ҳужайра мембранныси орқали ўтолмайди. Шунинг учун ҳайвонлар организмida бу моддалар ферментлар таъсирида бирмунча оддийроқ моддалар (аминокислоталар, глицерин, ёғ кислоталар, моносахаридлар)га парчаланиб сўрилади. Бу жараён овқат ҳазм қилиш дейиласди. Сўрилган органик моддалар организмнинг турли қисмларига бориб ассимиляция жараёнларига жалб этилади. Ҳужайраларда улардан ҳайвонлар учун хос бўлган янги моддалар синтезланади. Кўпчи-

ник кўп ҳужайрали ҳайвонларда озиқни майдалаш, ҳазм шираси ишниб чиқариш ва ҳазм қилиш функциясини бажарувчи маҳсус овқат ҳазм қилиши системаси ривожланган. Бир ҳужайралиларда ва тубан кўп ҳужайралиларда озиқ ҳужайра ичидаги ҳазм қилинади.

Ҳайвонлар озиқланиш усулига биноан ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Кўпчилик ҳайвонлар яшил ўсимликлар билан озиқланганидан улар ўт ўр ҳайвонлар ҳисобланади. Улар орасида айрим турлари маданий ўсимликларга катта зиён келтиради. Бошқа ҳайвонлар ҳисобига ҳаёт кечириувчи ҳайвонлар *йиртқичлар ва паразитларга* ажратилади. Йиртқич ҳайвонлар ўз ўлжасини тез ўлдиради ва бирданига еб қўяди. Паразитлар эса ўз ўлжаси (хўжайини) тўқималари ёки ўз ҳазм қилаётган озиқ ҳисобига яшайди, лекин уни бирданига ўлдирмасдан ўз ривожланиши давомида фойдаланади.

Ҳайвонлар орасида органик моддалар қолдиги билан озиқланадиган турлари ҳам кўп бўлиб, уларни *санрофаглар* дейилади. Санрофагларни ҳам *фитофаглар* (ўсимлик қолдиги билан озиқланадиган), *капрофаглар* (ҳайвонлар экскременти билан озиқланадиган), *пекрофаглар* (ҳайвон мурдаларини ўзлаштирувчилар)га ажратиш мумкин.

**Айриш системаси.** Кўпчилик ҳайвонларда организмдан модда алмашинув маҳсулотларини чиқариш ва танарадиги осмотик босимни бир хил даражада тутиб туриш вазифасини ўтовчи маҳсус айриш органлари ривожланган. Айриш органлари жуда хилма-хил бўлади. Бир ҳужайрали ҳайвонларнинг айриш органи битта ёки иккита қисқарувчи вакуолалардан иборат. Денгизда яшовчи ва паразит бир ҳужайралиларда қисқарувчи вакуолалар бўлмайди. Яси ва тўғарак чувалчангларнинг айриш системаси умумий айриш найига очиладиган жуда кўп найчалар ва улар билан туташган ҳужайралар системасидан иборат. Тана бўшлиғи ва қон айланиш системасининг ривожланиши билан айриш системаси ҳам мураккаблашиб борди. Ҳалқали чувалчангларнинг айриш органлари бир учун тана бўшлиғига, иккинчи учун эса тери устига очиладиган жуфт органлардан иборат. Кўпчилик бўғимоёқлилар айриш системасининг тузилиши ва функцияси ҳам ҳалқали чувалчангларнига ўхшаб кетади. Ҳашаротларнинг айриш органлари эса ичак бўшлиғи билан боғланган. Умуртқали ҳайвонларнинг айриш системаси қон айланиши системаси билан боғланган мураккаб буйраклардан иборат.

**Ҳаракатланиши.** Кўпчилик ҳайвонларда маҳсус ҳаракатланиш органлари ривожланган. Бир ҳужайралиларда бу маҳсус цитоплазма ўсимталардан ҳосил бўлган хивчинлар ёки киприклардан иборат. Тубан кўп ҳужайралиларда маҳсус ҳаракатланиш органлари бўлмайди. Улар танасини букилиб ёзилиши ёки қисқаруб чўзилиши орқали ҳаракат қиласиди. Кўп ҳужайралиларда маҳсус ҳаракатланиш органлари дастлаб ҳалқали чувалчангларда пайдо бўлиб, бирмунча содда тузилган кўп сонли икки шохли жуфт тана ўсимталаридан иборат. Эволюцион тараққиёт

жараёнида ҳаракатланиш органлари ҳам тақомиллаша бориб, махсус таянч-ҳаракат системаси ҳосил бўлади. Ҳайвонларнинг қуруқлиқда яшашга ўтиши билан янги типдаги таянч-ҳаракатланиш системаси пайдо бўлади. Энди бу система ҳаракатланиш билан бирга танани ер устидаги кўтариб турувчи таянч органи вазифасини ҳам бажаради.

Ҳайвонларнинг ҳаракатланиши махсус қисқариш хусусиятига эга бўладиган мускул тўқимасининг бўлиши билан боғлиқ. Бир ҳужайралиларнинг хивчинлари ёки киприклари қисқарувчи мускул толалари билан боғланган. Тубан кўп ҳужайрали ҳайвонларда махсус мускул ҳужайралари ривожланган бўлиб, улар бўшлиқчиларнинг эндодермасида, тўгарак ва ҳалқали чувалчангларнинг эпителийси остида бир ёки икки қават бўлиб жойлашади. Ҳайвонларнинг қуруқлиқда яшашга ўтиши билан таянч ҳаракат системасининг аҳамияти янада ошади, ҳаракат органларининг тузилиши мураккаблашиб, мускуллар шу органлар атрофига тўпландади. Натижада мускулларнинг қисқариш кучи ошади. Ҳаракатланиш органларининг тақомиллашуви билан бирга таянч органлари ҳам тараққий этади. Умуртқасизларда қаттиқ хитин қоплагич таянч вазифасини ўтайди. Умуртқали ҳайвонларда эса бу функцияни сукъ тўқимаси бажаради.

**Нерв системаси ва сезги аъзолари.** Кўпчилик ҳайвонлар фаол ҳаракат қилиб, ўз озигини топади ва душманларидан сақланади. Бу эса ташқи муҳитни доимо ўзгариб туришига сабаб бўлади. Нерв системаси ҳайвонларни ўзгариб турадиган ташқи муҳитта мослашувига, бинобарин уларни яшаб қолишига имкон беради. Шунинг учун ҳамма кўп ҳужайрали ҳайвонларда нерв ҳужайралари ва сезги органлари ривожланган. Тубан кўп ҳужайралиларда (бўшлиқчилар) нерв ҳужайралари танада тарқоқ жойлашган, яъни марказлашмаган бўлади.

Эволюция жараёнида тана тузилишининг мураккаблашуви ва ҳайвонларнинг ҳаракатчанлиги ортиши билан нерв системаси ҳам мураккаблаша боради. Бирмунча содда тузилган кўп ҳужайралиларнинг нерв системаси танасининг олдинги қисмида жойлашган нерв тугунлари ва улардан тана бўйлаб олдинга ва орқага кетувчи нерв стволларидан иборат. Танаси бўғимларга бўлинган ва юриш оёқлари ривожланган ҳалқали чувалчанглар ва бўғимоёқлиларнинг марказий нерв системаси ҳалқумусти нерв ганглийлари ва қорин нерв занжирини ҳосил қиласиди. Умуртқали ҳайвонларнинг марказий нерв система-си бош ва орқа миядан иборат.

Нерв системасининг таъсиротга берадиган жавоби рефлекс деб аталади. Рефлекслар шартсиз (туғма) ва шартли (ҳаёт давомида ҳосил қилинган) бўлиши мумкин. Содда тузилган ҳайвонларда фақат оддий шартсиз рефлекслар ҳосил бўлади. Нерв системаси яхши ривожланган ҳайвонлар (масалан ҳашаротлар, умуртқалилар)да жуда хилма-хил туғма рефлекслар ривожланган. Ҳайвонларнинг туғма нерв фаолияти инстинкт деб аталади.

Сезги органлари мұхитдан келадиган таъсиротларни қабул қылиш на уларни марказға узатиш вазифасини бажаради. Бир ҳужайрали ҳайвонлар ҳам мұхиттінг турли таъсиротларини қабул қылиш ва үнга жағоб бериш хүсусиятига эга. Суда яшовчи бир ҳужайралилар сүвнинг таркибиға ва ҳароратига таъсирчан бўлади. Айрим яшил хивашиниларда ёруғликни сезувчи қизил пигмент кўзчаси бўлади. Бирмунча мураккаб тузилган ҳайвонларда кўриш, эшитиш, таъм билиш, ҳид билиш ва туйғу аъзолари ривожланган. Сезги аъзолари хилма-хил тузилган ва тананинг турли қисмларида жойлашган бўлиши мумкин.

Сезги органларида таъсиротни қабул қылувчи нерв учлари — *рецепторлар* жойлашган. Рецепторларда ҳосил бўлган қўзғалиш марказға интилевчи нервлар орқали марказий нерв системасига, ундан эса нерв импульслари марказдан кетувчи нервлар орқали ҳар хил органларга ўтказилади. Масалан, сутэмизувчи ҳайвонларнинг овқати оғизга тушганида тил ва оғиз деворида жойлашган таъм билиш рецепторлари кимёвий таъсиротни қабул қиласи ва узунчоқ мияда жойлашган овқат ҳазм қылиш нерв марказига ўтказади. У ердан нерв импульси марказдан қочувчи нерв орқали сўлак ажратувчи безларга боради ва сўлак ажралади.

### 1.3. ҲАЙВОНЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ ВА РИВОЖЛANIШI

**Ҳайвонларнинг кўпайиши.** Ҳайвонлар жинссиз ва жинсий кўпаяди. Жинссиз кўпайиши соддароқ тузилган умуртқасиз ҳайвонларда учрайди ва асосан икки хил усулда боради. Бир ҳужайрали ҳайвонларда жинсиз кўпайиш она организмнинг тенг иккига бўлиниши орқали содир бўлади. Тубан кўп ҳужайралилар эса куртакланиш орқали кўпаяди. Бунда она организмида кичикроқ куртакча ҳосил бўлиб, ундан янги организм шаклланади. Кўп марта бўлиниш билан кўпайишда она организми жуда кўп бўлакларга бўлинади, ҳар қайси бўлакдан янги организм ҳосил бўлади. Бу хилдаги бўлиниш ясси ва ҳалқали чувалчанглар учун хос. Ҳайвонларнинг жинссиз кўпайиши уларнинг танасида жуда кўп ихтинослашган, лекин бошқа ҳамма тўқима ва органларни ҳосил қила оладиган ҳужайраларнинг бўлиши билан боғлиқ.

Жинсий кўпайишда маҳсус жинсий ҳужайралар — *гаметалар* ҳосил бўлади ва улар бир-бири билан қўшилгандан кейин янги организм ривожланиб чиқади. Бир ҳужайралиларнинг гаметалари битта ҳужайрадан етишиб чиқади, кўп ҳужайралиларнинг гаметалари маҳсус жинсий безлар — *гонадаларда* ҳосил бўлади.

Эркаклик уруғ ҳужайралари *сперматозоидлар* ёки *микрогаметалар*, урғочи жинсий ҳужайралар эса тухумҳужайра ёки *макрогамета* дейилади. Одатда сперматозоидлар тухумҳужайраларга нисбатан кичик бўлиб, ингичка хивчини ёрдамида ҳаракатланади. Тухумҳужайра юма-

лоқ ва ҳаракатсиз бўлиб, унда эмбрионнинг ривожланиши учун зарур озиқ моддалар бўлади.

Ўруғланиш жараёнида уруғхужайра тухумхужайра ичига кириб олади, уларнинг ядро ва цитоплазмаси қўшилиши натижасида иккита ҳужайрадан битта янги ҳужайра — зигота ҳосил бўлади. Зиготадан эмбрионал ривожланиш жараёнида янги организм ҳосил бўлади. Жинсий кўпайиш жинссиз кўпайишга нисбатан организм учун бир ҳанча афзалликларга эга. Бир-биридан узоқ формалардан ҳосил бўлган жинсий ҳужайраларнинг генлар таркиби турлича бўлганидан уларнинг қўшилишидан кейин ҳосил бўлган янги организмларнинг она организмга нисбатан яшовчанлиги юқори бўлади. Бундай организмлар табиий танланиш жараёнида сакланисб қолади ва насл беради.

Кўпчилик ҳайвонлар айрим жинсли бўлиб, уларнинг урғочилари ва эркаклари бўлади. Айрим жинсли ҳайвонларда ўз-ўзини уруғлантириш юз бермайди. Нерв системаси ва ҳаракатланиш системасининг ривожланганлиги туфайли эркак ва урғочи ҳайвонларнинг бир-бирини топиши осонлашади. Кам ҳаракат ёки ҳаракатсиз ўтроқ яшовчи ҳайвонлар эса иккি жинсли бўлади. Умуман гермафродитизм асосан содда тузилган, кам ҳаракат ва ўтроқ яшовчи ёки паразит умуртқасиз ҳайвонлар учун хос бўлиб, фаол ҳаракатланувчи юксак умуртқасизлар ва ҳамма умуртқалилар айрим жинсли бўлади. Чунки ҳайвонлар кам ҳаракат бўлганида икки жинснинг бир-бирини топиши қўйинлашади. Гермафродит организм зарур пайтда ўз-ўзини уруғлантириши мумкин. Лекин табиатда бу ҳодиса камдан-кам юз беради. Одатда иккита гермафродит индивидлар бир-бирини уруғлантиради.

Уруғхужайра тухумхужайрани ташқи муҳитда уруғлантириши тақиқи уруғланиши, организм ичидаги уруғлантириши эса ички уруғланиши деб аталади. Ташқи уруғланиш фақат сув муҳитида бўлади, шунинг учун у ҳақиқий сув ҳайвонлари ва сув билан кўпроқ боғлиқ бўлган сувда ҳам қуруқликда яшовчилар учун хос. Ҳақиқий қуруқлик ҳайвонларида ва қуруқликдан сувда яшашга ўтган ҳайвонларда фақат ички уруғланиш маълум. Ташқи уруғланадиган ҳайвонлар жуда серпушт бўлади ва улар жуда кўп жинсий ҳужайралар ҳосил қиласади. Чунки ташқи муҳитда жинсий ҳужайраларнинг кўп қисми ҳалок бўлади. Ички уруғланадиган ҳайвонларнинг жинсий органлари мураккаб тузилған бўлади.

Умуртқасиз ҳайвонлар орасида уруғланмаган тухумлардан кўпайиш — партеногенез ҳам кўп учрайди. Партеногенез одатда кўплаб қирилиб кетадиган ҳайвонларда учрайди. Партеногенез қулай шароит бўлганда қисқа вақт ичидаги индивидлар сонининг жуда тез ортишига имкон берадин. Айрим умуртқасиз ҳайвонлар тури фақат партеногенетик урғочилардан иборат. Лекин одатда ҳайвонларнинг партеногенетик насли иккি жинсли насл билан алмашиниб туради.

**Ҳайвонларнинг индивидуал ривожланиши. Уруғланган ёки партено-**

Генетик тухумни вояга етган организмга айланиш даври индивидуал ривожланиш, яни онтогенез дейилади. Онтогенез эмбрионал (муртак-нинг ривожланиши) ва постэмбрионал (организмнинг туғилғандан ёки тухумдан чиққандан кейин ривожланиши) даврларни ўз ичига олади. Эмбрионал давр тухум құювчиларда эмбрионнинг тухумдан чиқиши, тирик туғувчиларда эса она қорнидан туғилиши билан тамом бўлади. Постэмбрионал ривожланиш ҳайвонларда икки йўл билан боради. Кўпчилик ҳайвонларда, масалан, айрим бўшлиқчилар, ҳалқали ва тўғарак чувалчанглар, ўргимчаксимонлар, чучук сувда яшовчи қисқичбақасимонлар, кўпчилик хордалиларнинг муртагидан эмбрионал ривожланиш натижасида вояга етган ҳайвонларнинг ўзига ўхшаш организм етишиб чиқади. Бу типдаги ривожланиш ўзгаришсиз ёки *тўғри ривожланиши* дейилади. Бошқа ҳайвонлар (масалан, денгиз бўшлиқчилари, кўпчилик ҳалқали чувалчанглар, денгиз қисқичбақасимонлари ва моллюскалари, қанотли ҳашаротлар, нинатериллар) да эмбрионал ривожланиши натижасида ҳосил бўлган ўш организм вояга етган ота-она организмидан тана тузилиши ва ҳаёт кечириш тарзи билан фарқ қиласди. Ўш организм постэмбрионал даврда бир неча ўзгаришлардан кейин етишган ота-она организмига ўхшаш бўлиб қолади. Ривожланишнинг бу типи *ўзгаришили ривожланиши* ёки *метаморфоз* дейилади.

Ҳайвонларнинг ривожланиши ва ўсиши улар ҳаётининг дастлабки даврларига тўғри келади. Тана қоплағичи юмшоқ бўлган ҳайвонларнинг ўсиши тўхтовсиз, деярли бир меъёрда боради. Тўғарак чувалчанглар, бўғимоёқлилар ва бошқа бир қанча ҳайвонларнинг танаси қаттиқ пўст билан қопланган. Қаттиқ пўст ўсишга тўққинлик қиласди. Шунинг учун бу ҳайвонларнинг ўсиши эски қаттиқ пўстини ташлагандан сўнг бошланади ва янги пўст қотиб, ўсишга тўққинлик қилмагунча давом этаверади.

#### 1.4. ҲАЙВОНЛАР СИСТЕМАТИКАСИ

**Ҳайвонлар систематикаси.** Биология фани ўзаро ўхшашлиги ва қариндошлигига асосланган ҳолда организмларни алоҳида гуруҳлар-таксонларга ажратиб ўрганади. Ҳайвонларни таксонларга ажратиш билан систематика фани шуғулланади. Ҳайвонлар систематикасида асосий таксонлар тип, синф, туркум, оила, авлод ва турдан иборат. Улар орасида тур энг кичик, тип эса энг йирик таксон ҳисобланади. Битта турга кирувчи ҳайвонларнинг тузилиши ва ҳаёт кечириш тарзи бир-бирига ўхшаш бўлиб, умумий ареални эгаллайди. Муайян тур ўзининг морфологик, физиологик, экологик ва ирсий хусусиятлари билан бошқа турлардан фарқ қиласди. Бир турнинг индивидлари бир-бири билан эркин чатишади ва уларнинг насли серпушт бўлади.

Бир қанча умумий белгилари билан бир-бирига ўхшаш бўлган турлар битта авлодга бирлаштирилади. Авлодлар ўз навбатида ои-

лаларга, оилалар туркүмларга, туркүмлар синфларга, синфлар тип-ларга бирлаштирилади. Тирик мавжудотларнинг хилма-хиллиги систематикага яна бир қанча қўшимча тушунчалар киритишни тақозо этади. Чунончи, ҳамма ҳайвонлар тили битта ҳайвонот дунёсига киритилади. Ҳайвонот дунёси бир ҳужайралилар ва кўп ҳужайралилар кенжада дунёларига ажратилади. Ҳайвонот дунёси эса прокариотлар, замбуруғлар ва ўсимликлар дунёлари билан бирга органик, яъни тирик мавжудотлар оламини ташкил этади. Булардан ташқари тури-ли таксонлар учун оралиқ таксонлар ҳам киритилган. Улар таксон номидан олдин “катта” ёки “кенжада” сўзларини қўшиб ишлатилади. Масалан кенжада авлод, катта авлод, кенжада оила, катта оила, кенжада туркүм, кенжада синф, катта синф, кенжада тип, кенжада тур дейилади.

**Номенклатура қоидалари.** Турларнинг номи К.Линней таклиф этган бинар номенклатурага биноан лотин имлосида иккита ном билан ифодаланади. Улардан биринчиси авлод номи бош ҳарф билан, иккинчиси турнинг номи кичик ҳарф билан ёзилади. Турлар кишилар фамилияси билан аталадиган бўлса, эркак киши фамилиясидан кейин “i”, аёл киши фамилиясидан “e” қўшимчаси (масалан, ivanovi ёки ivanovaе деб) ёзилади. Тур номидан кейин эса уни биринчи бўлиб таърифлаган муаллифнинг фамилияси келтирилади. Одатда муаллифнинг номи қисқартириб берилади. Масалан, *Musca domestica* L. — уй чивинининг лотинча номи, L. эса тур муаллифи Линней эканлигини билдиради.

Турдан юқори таксонлар номи фақат битта сўз билан ифодаланади. Масалан, *Musca* — чивинлар авлоди, *Muscidae* — чивинлар уруғи, *Diptera* — икки қанотлилар туркуми, *Insecta* — ҳашаротлар синфи ва ҳакоза.

Текширилаётган авлоди маълум, лекин тури аниқланмаган бўлса, авлоднинг номидан сўнг sp. (species — тур) деб ёзилиб қўйилади. Агар тур етарли таърифланган бўлмаса авлод ва тур орасига cf. aff ёки ex. gr. деб ёзиб қўйилади. Cf-conformis (ўхшаш) сўзидан қисқартириб олинган бўлиб, тур коллекцияси ёмон сақланганлиги учун аниқлаб бўлмаслигини, aff-affinis (ўхшаш) тасвиirlанган турнинг аниқ бўлмаслиги, уни бошқа бирон турга яқинлигини кўрсатади. Ex, gr. белгиси ex. gr. сўзларидан олинган бўлиб, текширилаётган обьект бирон группага мансуб эканлигини кўрсатади. Агар текширилаётган турни аниқлаш қийин бўлса, sp. белгисидан кейин indet. (indeterminata — аниқланмайдиган) ёзиб қўйилади. Текширилаётган ҳайвон шу авлодга кирувчи барча турлардан фарқ қиласа авлод номидан кейин sp.n. (species- nova — янги тур) белгиси ёзилади.

## 1.5. ЛОТИН ИМЛОСИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Лотин имлосидаги “Aa” ҳарфи рус имлосидаги “а” сингари (*Oligo-tricha* — олиготриха) сингари, “e” ҳарфидан олдин ёзилганида рус-

"и" "е" ёки "э" (Palaeostopoda — палеоктопода, Cubomedusae — кубомедуза) сингари ўқилади.

Лотинча "в" ҳарфи русча "б" (Bivalvia — бивальвиа, Tabulata — табулата) сингари ўқилади.

Лотинча "с" ҳарфи "і", "е", "ү" унлиларидан ва ае, ое бирикмаларидан олдин русча "ц" (Cephalopoda — цефалопода, Cimex — цимекс, Cyclops — циклорс, Cimaces — кумац, Coelenterata — цоэлентерата) сингари, "а", "о", "и" унлилардан ва ҳамма ундошлilarдан ("h" дан ташқари русча "к" (Sarcodina — саркодина, Dicroidium — дикроцоэлиум), "ch" бирикмаси эса русча "х" (Chordata — хордата) сингари ўқилади.

Лотин имлосидаги "д" ҳарфи ҳамма вақт русча "д" (Sarcodina — саркодина) сингари ўқилади.

Лотинча "е" ҳарфи русча "е" ёки "э" (Decapoda — декапода, Errantia — эррантия) сингари, уі, еа биринмалари баъзан "э" (Eastonia — эстония, Eimeria — эймерия), "ee" бирикмаси русча "и" (Beecher — бичер) сингари ўқилади.

"Ff" ҳарфи русча "ф" (Foraminifera — фораминифера) сингари, "g" ҳарфи русча "г" (gastropoda — гастропода) сингари ўқилади.

"Hh" ҳарфи ўзбек имлосидаги "ҳ" (Heliozoa — хелиозоа) сингари талаффуз қилинади. Бу ҳарф ундошлардан кейин бутунлай талаффуз қилинмайди (Thesanura — тизанура) ёки ундошларни бутунлай ўзгартириб юборади, "ph" — русча "ф" (Physalia — физалия), "ch" — "х" (Chelicerata — хелицерата), "sh" — "ш" (Leishmania — лейшмания) каби талаффуз қилинади.

"Ii" ҳарфи русча "и" (Insecta — инсекта), "ia" баъзан русча "я" (Leishmania — лейшмания), "iu" эса "ю" (Birjukov — Бирюков), унли ҳарфлардан кейин "й" (Leishmania — лейшмания) сингари ўқилади. "Jj" ҳарфи одатда унлилардан олдин ёзилади ва уларнинг талаффузини юмшатади (joldia — ёлдия, julus — юлус, Japonites — японитес).

"Kk" ҳарфи рус алфавитидаги "к" сингари, "kh" бирикмасида эса русча "х" "масалан, Arkhangelsky — Архангельский) сингари ўқилади. "Ll" ҳарфи русча "л" (Leptolida — лептолида), ундошлардан олдин эса юмшоқ, "ль" (Pulmonata — пульмоната) сингари ўқилади. "Mm" ҳарфи "м" (Mesostoma — мезостома), "n" эса "н" (Annelida — аннелида) сингари ўқилади.

Лотин имлосидаги "о" ҳарфи одатда "о" (Obelia — обелия) сингари. "ou" бирикмасида "у" ёки "ю" (Moutoniceras мутоницерас), "oe" бирикмасида "е" ёки "ё" (Coelenterata — целентерата), Amoeba — амёба сингари ўқилади.

Лотинча "р" рус алфавитидаги "п", "ph" бирикмасида "ф" (Cephalopoda — цефалопода), лотинча "q" русча "кв" (Squamiferida) — сквамиферида), "Rr" эса русча "р" ( rubens — рубенс) бўлиб талаффуз қилинади.

"S" ҳарфи сүз бошида ва охирида ундошлардан олдин ва кейин русча "с" (Sarcodina), иккى унли ҳарфлар ўртасида эса русча "з" (Masaridae — мазариды), "sch" бирикмасида эса "ш" (Schwagerina — швагерина), "ss" бирикмасида қўшалоқ "с" сингари ўқилади. Лотинча "Tt" ҳарфи русча "т" (Patella — пателла), сүз охирида "i" ҳарфидан олдин русча "ц" (Errantia — эрранция), "tsch" бирикмаси эса "ч" (Tsichernyschewia — Чернишевия) сингари ўқилади. "Uu" ҳарфи рус тилидаги "у" (Nucila — нуцила) ёки "Li" ҳарфидан сўнг "ю" (Lucernaria — люцернария) бўлиб ўқилади. "V" ҳамда "w" ҳарфлари рус алфавитидаги "в" (Volvox — вольвокс, Wohlfahrtia — вольфартия) каби ўқилади. "X" ҳарфи иккى ҳарф билан "кс" (Xiphosura — ксифозура) тарзида талаффуз қилинади.

Лотин имлосидаги "y" ҳарфи "и" (Mytilus — митилус), сүз охирида, унлилардан кейин "й" (Kayser — Кайзер, Arkhangelsky — Архангельский) сингари талаффуз қилинади. "Z" ҳарфи "а", "о", "и" унлиларидан олдин русча "з"; "I", "ї", "е", "ү", унлилардан олдин эса русча "ц" бўлиб ўқилади (Zoomastigina — зоомастигина, Zebrina — цебрина).

Турлича чалкашликлар бўлмаслиги учун русча фамилияларда учрайдиган "ж", "ч", "ш", ҳарфларига мос келадиган лотинча ҳарфлар маҳсус транскрипция билан ёзилиши ҳонда сифатида қабул қилинган. Масалан, "z" — "ж" (Zukov — Жуков), "s" — "ш" (Balasov — Балашов), "ч" — "с" (Cernesov — Чернышов), "t" — "ц" (Jeletzky — Елецкий). Русча фамилиялар рус алфавитига мос келадиган ҳарфлар билан ёзилади. Масалан, рус фамилияларидағи "к" ҳарфи ҳаммавақт лотинча "к" билан, "у" ҳарфи "ї" билан, "ф" эса "ph" эмас, балки "f" билан ёзилиши керак.

## **II. БИР ҲУЖАЙРАЛИЛАР, ЯЪНИ СОДДА ҲАЙВОНЛАР (PROTOZOA) КЕНЖА ДУНЁСИ**

Бир ҳужайралилар кенжада оламига мансуб бўлган ҳайвонларнинг танаси ягона ҳужайрадан ёки бир-бiriга ўхшаш тузилган ҳужайралар тўпламидан иборат. Уларнинг ҳужайраси ҳам асосон кўп ҳужайралилар ҳужайрасига ўхшаш тузилган, лекин улардан физиологик жиҳатдан кескин фарқ қиласди. Чунки бир ҳужайралилар мустақил ҳаёт кечирадиган организмлар бўлиб, улар модда алмашиниш, ҳаракатланиш, таъсиrlаниш, кўпайиш ва тирик организмлар учун хос бўлган бошқа барча хусусиятларга эга. Бундай функцияларни ҳужайрадаги маҳсус *органдилар* (органеллалар) бажаради. Бир ҳужайралиларнинг органоидлари ҳужайранинг бир қисми бўлиши билан кўп ҳужайралиларнинг органларидан фарқ қиласди.

Бир ҳужайралилар сохта оёқлар, маҳсус киприкчалар ва хивчинлар ёрдамида ҳаракатланади. Нафас олиши тана юзаси орқали боради. Уларнинг кислородга бўлган эҳтиёжи бир хил эмас. Сув тубида ва балчиқда ҳаёт кечирадиган ҳайвонлар кислородни кам талаб қиласди.

Бир ҳужайралиларнинг 70000 дан ортиқ тури маълум бўлиб, улар Саркомастигофоралар, Спорапилар, Миксоспоридиялар, Микроспоридиялар ва Инфузориялар типларига ажратилади.

### **2. САРКОМАСТИГОФОРАЛАР, ЯЪНИ СОХТА ОЁҚ ХИВЧИНЛИЛАР (SARCOMASTIGOPHORA) ТИПИ**

Бу типга сохта оёқлар ёки хивчинлардан иборат ҳаракатланиш органоидларига эга бўлган бир ҳужайралилар киради. Айрим ҳайвонларда бу икки хил ҳаракатланиш органоидлари ҳам бўлиши мумкин.

Саркомастигофоралар нам тупроқларда ва сувда ҳаёт кечиради, одам ва ҳайвонлар организмидаги паразитлик қилиб яшайди. Айрим вакиллари эса бошқа ҳайвонлар билан *симбиоз* муносабатда бўлади. Тип 20000 га яқин турни ўз ичига олади, саркодалилар (сохта оёқлилар) ва хивчинлилар синфларига бўлинади.

## 2.1. САРКОДАЛИЛАР, ЯЬНИ СОХТА ОЁҚЛИЛАР (SARCODINA) СИНФИ

Саркодалилар танасида қаттиқ пўст бўлмайди, ҳужайра цитоплазмаси фақат цитоплазма мембрани билан ташки муҳитдан ажралиб туради. Қаттиқ пўст ривожланмаганинги учун саркодалилар танасининг шакли доимий эмас. Цитоплазмадан ҳосил бўлиб турувчи ўсимтапар ёрдамида ҳайвон секин-аста силжийди, шунинг учун бундай оёқлар сохта, яъни *псевдоподийлар* деб аталади. Сохта оёқлар парраксимон (лобоподийлар), ипсимон (филоподийлар), нурсимон (аскоподийлар) ва тўрсимон (ретикулоподийлар) шаклида бўлиши мумкин. Сохта оёқлар озиқни қамраб олиш вазифасини ҳам бажаради.

Саркодалилар ҳужайрасида битта ёки бир неча ядроси бор. Чучук сувларда ва тупроқда яшовчи турларида қисқарувчи вакуоласи бўлади. Улар барча бир ҳужайралиларга ўхшаш бутун тана сирти орқали нафас олади.

Саркодалилар кўпинча иккига бўлинниш, баъзан куртакланиш орқали жинссиз кўпаяди. Жинсий кўпайиши хивчинли ёки амёбасимон (хивчинсиз) гаметалар ҳосил қилиш йўли билан содир бўлади.


Бу синфга 11000 дан ортиқ тур киради. Кўпчилик турлари чучук сувларда, денгиз ва океанларда ҳамда тупроқда эркин яшайди. Айрим турлари паразит ҳисобланади. Синф илдизоёқлилар, нурлилар, қуёшлилар ва акантариялар кенжা синфларини ўз ичига олади.

### 2.1.1. ИЛДИЗОЁҚЛИЛАР (RHIZOPODA) КЕҢЖА СИНФИ

Илдизоёқлиларнинг сохта оёқлари хилма-хил ва ҳаракатчан бўлади. Цитоплазмаси доимий ихтисослашган зоналарга бўлинмаган. Бу кенжা синф амёбалар, чиганоқли илдизоёқлилар ва фораминифералар туркумларига бўлинади.

1. Амёбалар (*Amoeina*) туркуми. Бу туркум содда тузилган, қаттиқ скелет ёки чиганоғи ривожланмаган илдизоёқлиларни ўз ичига олади. Кўпчилик турлари чучук сувларда, айрим вакиулари тупроқда ва денгиз сувида ҳаёт кечираади. Бир қанчча турлари одам ва ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиши системасида паразитлик қиласи. Ҳар хил турлари бир-биридан катта-кичклиги ва псевдоподийларининг тузилиши билан фарқ қиласи.

Кичик чучук сув ҳавзаларининг чириндига бой лойли тубида анча йириқ (0,5 мм) оддий **амёба** учрайди (2-расм). Танаси тиниқ цитоплазмадан ташкил топганлиги учун уни оддий кўз билан пайқаб олиш қийин. Амёбанинг псевдоподийлари узун ва тўмтоқ учли (лобоподийлар) бўлади. Псевдоподийлар шакли ва сони доимий бўлмайди. Қулай шароитда амёба доимо ҳаракат қилиб туради. Унинг ҳаракатланиши бир томчи сувнинг оқишига ўхшайди. Цитоплазмаси янгидан ҳосил бўлаётган псевдоподийлари томонига оқиб ўтиши туфайли амёба силжийди.



2-расм. Сохта оёқлилар.

А — оддий амёба, Б — ичбуруғ амёбаси, В, Г, Д — ҳар хил фораминифералар (В — күм чиганоқли, Г — оқак чиганоқли камералари бир қатор жойлашган, Д — оқак чиганоқли камералары спирал бўлиб жойлашган). 1 — эктоплазма, 2 — эндоплазма, 3 — ҳазм вакуоллари, 4 — ядро, 5 — сохта оёқлар, 6 — қисқарувчи вакуол, 7 — циста ичидаги бўлингган ядро, 8 — қамраб олингган эритроцит.

Турли ташқи омиллар (ҳарорат, ёргулик, кимёвий моддалар) амёба ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бу таъсирлар амёбада тўғри ёки акс тақсис пайдо қиласи, натижада амёба у ёки бу томонга ҳаракат қиласи.

Псевдоподийлар озиқни қамраб цитоплазмага ўтказиш функциясини ҳам бажаради. Амёбалар цитоплазмасига озиқ модда ҳар хил усулда ўтади. Бир хил амёбалар (масалан, *A. proteus*) псевдоподийлари озиқ зарраси (бактерия, сув ўтлари ва бошқа майда жониворлар)ни иккала томонидан оқиб ўтиб қамраб олса, бошқалари ипсизмон сув ўтларини ҳаракат қиласдан цитоплазмасига тортиб олади. Аввал сув ўтининг бир учун амёба танаси сиртига ёпишиб қолади, сўнгра цитоплазмага бо-

тиб кириб, ҳазм суюқлиги таъсирида спиралга ўхшаб ўралади. Цитоплазмага ўтган озиқ зарраси атрофига цитоплазмадан озроқ ҳазм суюқлиги ажралиб, овқат ҳазм қилиш вакуоласи шакланади.

Ҳазм бўлган озиқ цитоплазмага сўрилади. Ҳазм бўлмаган озиқ қолдиқлари эса цитоплазманинг тўғри келган жойидан ташки мұхитга чиқарип ташланади.

Озиқ моддаларни ҳужайра ичига тортиб олиниб, ҳазм қилиниши фагоцитоз деб аталади. Кўпчилик бир ҳужайралилар ва тубан тузилган кўп ҳужайралилар фагоцитоз усулида озиқланади.

Амёбалар цитоплазмаси аниқ иккى қисмдан иборат. Цитоплазманинг ташки бирмунча юпқа, тиник ва қулоқроқ қавати *эктоплазма*, ички суюқроқ ва донадор қатлами *эндоплазма* деб аталади. Бу икки қатлам ўргасида аниқ чегара бўлмайди. Псевдоподийлар ҳосил бўлиши жараёнда оқиб келаётган цитоплазманинг сиртқи қисми елимга ўхшаш қуюқлаша бориб, эктоплазмага айланади. Ўша дақиқада танасининг қарама-қарши томонидағи эктоплазмаси суюқлашиб, қисман эндоплазмага айланади.

Амёбанинг эндоплазмасида ҳазм қилиш вакуоллари билан бирга тиник ва йирик пупакча шаклидаги қисқарувчи вакуола жойлашган. Бу вакуола бир дақиқа йўқолиши ва яна ҳосил бўлиши мумкин. Вакуола цитоплазмадан сизиб ўтадиган суюқлик билан тўлиб туради. Унинг ўлчами маълум бир даражага етгач, қисқариш содир бўлади ва суюқлик маҳсус тешик орқали цитоплазмадан чиқарип ташланади. Оддий амёба вакуолининг суюқлик билан тўлиши ва қисқариши хона ҳароратида 5-8 минут давом этади.

Қисқарувчи вакуол тана босимини муқобиллаштириб турувчи осморегуляция органоиди ҳисбланади. Ташки мұхитдан амёба цитоплазмасига сизиб ўтадиган сувнинг ортиқча қисми ана шу йўл билан чиқарип турилади. Вакуоладаги суюқлик билан бирга ҳужайрада ҳосил бўладиган модда алмашиниш маҳсулотлари ҳам чиқарип юборилади. Вакуола ишлаши натижасида цитоплазма орқали доимо сув оқиб туради. Амёба ана шу сув таркибидаги кислород билан нафас олади.

Амёба эндоплазмасида фақат битта йирик ядро бўлади, лекин тирик ҳайвонда уни пайқаб олиш қийин. Ядрони маҳсус бўёвчи моддалар билан ишланган препаратларда кўриш мумкин.

Амёба фақат иккига бўлинниш орқали жинсиз кўпаяди. Бу жараён ҳақиқий митоздан иборат бўлиб, дастлаб ядро моддалари тенг иккига ажралади, сўнгра амёба танаси бўлинадиган жойидан сиқилиб, иккига ажралади ва ҳар қайси бўлагидан биттадан ядро ҳосил бўлади. Бўлинниш ҳароратга боғлиқ бўлиб, 1-2 сутка давом этади. Жинсий кўпайиш фақат айрим турларда (*Amoeba diploida*) аниқланган.

**Паразит амёбалар.** Одам ва турли ҳайвонларнинг ичагида паразит амёбаларнинг бир неча турлари топилган. Улар орасида **ичбуруғ** (дизентерия) амёбаси — *Entamoeba histolytica* (2-расм) одамларнинг амёбиаз, яъни қонли ичбуруғ билан оғришига сабаб бўлади. Ичбуруғ амёбаси турли ҳайвонларнинг ичагида топилган.

басининг катталиги 20-30 мкм бўлиб, йўғон ичакда яшайди ва ичак эпителийсини жароҳатлади. Ичбуруғ амёбасининг эктоплазмаси анча қалин бўлиб, эндоплазмадан аниқ ажралиб туради. Паразит кўп сонли калта ва йўғон псевдоподийлари ёрдамида жуда фаол ҳаракат қиласиди. Бу псевдоподийлар асосан эктоплазма ҳисобидан ҳосил бўлади.

Ичбуруғ амёбаси жуда кенг тарқалган. Ер шарининг турли ҳудудларида амёба билан 10 фоиздан 30 фоизгача одамлар заарланиши мумкин. Лекин амёбасиз билан касалланиш белгилари асосан иссиқ тропик ва субтропик районларда яшовчи халқлар ўртасида учрайди. Ўрта ва Шимолий кенгликларда яшовчи кишилар ичагида ҳам амёба учраб туради, лекин касалланиш ҳоллари деярли кузатилмайди. Амёба билан заарланган, лекин ичбуруғ билан касалланмайдиган одамлар амёба ташувчилар ҳисобланади. Баъзи ҳолларда, масалан иссиқ иқлимда организм иммунитети күчсизланиб қолганида амёбалар ичак деворига кириб, эпителий ҳужайраларини емиради ва оғир қонли ичбуруғ касаллигини келтириб чиқаради. Амёбалар асосан жароҳатдан чиқадиган қондаги эритроцитлар билан озиқланади. Касаллик вақтида даволанмаса сурункали формага ўтади. Касал киши жуда озиб кетиши, ҳатто баъзан ҳалок бўлиши мумкин.


Ичбуруғ амёбаси *цистаси* орқали тарқалади. Овқат қолдиги билан йўғон ичакдан тўғри ичакка тушган амёбалар псевдоподийларини тортиб олиб, юмалоқланади. Эктоплазма эса юпқа ва пишиқ қобиқ ишлаб чиқариб, паразит *циста даврига* ўтади. Шу даврда циста ичидаги амёбанинг ядроси кетма-кет икки марта бўлинади. Ана шундай қилиб, циста ичидаги амёба тўрт ядролик бўлиб қолади. Ахлат билан ташқарига чиқадиган цисталар ноқулай шароит таъсирига жуда чидамли, улар нам тупроқларда 2-3 ой давомида ҳам яшовчанлигини йўқотмаслиги мумкин. Лекин цисталар қуруқ ва иссиқ муҳит таъсирига узоқ чидаш беролмайди. Цисталарни чивинлар ҳам тарқатиши мумкин.

Амёба цистаси сув ёки овқат билан одам ичагига тушганида унинг қобиғи емирлади. Цитоплазмаси эса ядролар сонига мувофиқ икки марта бўлингач, тўртта амёба ҳосил бўлади. Ёш амёбалар фаол озиқланишга ўтади. Кучли заарланган одамлар ичагидан бир сутка давомида 300 млн.гача циста чиқиши мумкин.

Одам ичагида яшовчи айрим амёбалар мутлақо заарсиз ҳисобланади. **Ичак амёбаси** — *Entamoeba coli*. худди ана шундай амёбалардан ҳисобланади. Унинг тузилиши ичбуруғ амёбасига ўхшаш, лекин цистаси 8 ядроли бўлади.

Паразит амёбалар касалланган тишларнинг ковагида, ит, чўчқа, от ва бошқа ҳайвонлар ичагида, асалариларнинг мальпиги найчаларида ҳам топилган.

**2. Чиганоқли амёбалар (*Testacea*) туркуми.** Чиганоқли амёбаларнинг тузилиши яланғоч амёбаларга бир мунча ўхшаб кетади, лекин улардан танасининг чиганоқ ичидаги бўлиши билан фарқ қиласиди. Псев-



3-расм. Чиганоқли амёбалар.

А — диффлюгия, Б — арцелла, В — арцелланинг орқа томондан кўриниши.

узунлиги, чиганоқларининг тузилиши билан фарқ қиласди.

Чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган **арцелла** — *Arcella vulgaris* (3-расм) чиганоғи кўнғир тусли косача шаклида бўлиб, унинг марказида жойлашган тешикчасидан псевдоподийлар чиқиб туради. Арцелланинг чиганоғи шохсимон органик мoddадан тузилган бўлади. Цитоплазмадан ҳосил бўлади. **Диффлюгия** (*Diffugia*)нинг (3-расм) ноксимон кремнийлик чиганоғи асосан ташқи муҳитдан олинган майда қум заррачаларидан иборат. Бундай чиганоқ дастлаб цитоплазмага ютилган заррачаларнинг цитоплазма сиртига чиқиб, бир-бира грига ёпишибуви натижасида ҳосил бўлади. Эуглифа *Euglypha alveolata* нинг қуббага ўхшашиб чиганоғи эса овал кремний пластинкаларидан ташкил топган. Бундай пластинкачалар цитоплазмасидаги қум заррачаларидан шакланади.

Чиганоқли амёбалар ҳам жинсиз иккига бўлиниш орқали кўпаяди. Дастлаб цитоплазмасининг тахминан ярми чиганоқ оғизчасидан ташқариға чиқарилиб, цитоплазматик куртак ҳосил қиласди. Цитоплазма сиртида эса чиганоқ ҳосил бўлади. Ядро ҳам иккига ажralиб, улардан бири янги ҳосил бўлган куртакка ўтади. Бу даврда ҳар иккала чиганоқ оғиз томони билан бир-бира грига ўтирилган бўлиб, цитоплазма кўприкчалари орқали ўзаро боғланган. Кейинроқ кўприкча ингичкалаша бориб узилади ва ҳар қайси ҳайвон мустақил яшашиб ўтади.

Чиганоқли амёбаларнинг катталиги 50-150 мкм келади. Улар бентосда ҳаёт кечириувчи ҳайвонлар бўлиб, органик мoddага бой кичикроқ сув ҳавзаларида, кўпчилик турлари саёз чучук ҳавзаларининг тубида, ҳовуз ва ариқларнинг қирғоққа яқин жойларида учрайди. Сфагнум ботқоқликларининг фаунаси айниқса чиганоқли амёбаларга бой бўлади. Сфагнум моҳларининг барглари ва пояларида сақланадиган сув ичидага чиганоқли амёбаларнинг ўндан ортиқ турлари топилган.

**3. Фораминифералар (Foraminifera) туркуми.** Фораминифералар туркумiga дengiz va океанларда ҳаёт кечирувчи мингдан күпроқ саркодалилар киради (4-расм). Aйрим вакиллари Марказий Осиёning шўрланган еrosti va қудуқ сувларида ҳам учрайди. Фораминифералар ҳамма дengизларда ҳар хил чуқурлиқда, қирғоқнинг литерал зонасидан бошлаб энг чуқур абиссал қисмигача тарқалган. Лекин асосий ўпчилик турлари 200-300 м. чуқурлиқда яшайди ва бентос таркиби-а киради. Aйрим вакиллари (масалан, глобигерина *Globigerina*) планктонда ҳаёт кечиради.

**Тузилиши.** Фораминифераларнинг цитоплазматик танаси турли шаклдаги кремний (қум) зарраларидан ва оҳактош ( $\text{CaCO}_3$ ) дан таркиб топган чиганоқ ичида жойлашган. Денгиз тубида яшовчи фораминифералар чиганоғи сирти силлиқ бўлади. Планктон таркибига кирадиган глобигериналар чиганоғи сиртида эса чиганоқ сатҳини кенгайтирадиган ва шу орқали сувда қалқиб туришга имкон берадиган радиал жойлашган жуда кўп нинажалар бўлади.


Кумда чиганоқли фораминифералар турлари унча кўп эмас, лекин улар айрим дengизларда бентоснинг асосий қисмини ташкил этади. Масалан, *Nucratina*, *Astrofusula* авлодларига мансуб 2-3 см. келадиган йирик фораминифералар Лаптевлар ва бошқа Шарқий Сибир дengизлари тубини қалин қоплаб олган.

Фораминифераларнинг кўпчилик турлари оҳактош чиганоқли бўлади. Уларнинг цитоплазмаси дengиз сувидан кальций элементини ажратиб йиғиб олиш хусусиятига эга. Энг йирик турлари 5-6 см. бўлиб, асосан *Cornularia* уруғига мансуб. Улар дengизнинг жуда чуқур жойларида яшайди.

Оҳактош чиганоқлар бир камерали ва кўп камерали бўлади. Бир камерали фораминифералар чиганоғи бир бўшлиқли бўлиб, уларнинг бир хили узун бўйинли шиша идиш шаклида, бошқалари спиралга ўхшаш ўралган бўлади.

Оҳак скелетли фораминифераларнинг кўпчилик турлари кўп камерали чиганоққа эга. Бундай чиганоқларнинг ички бўшлиғи тўсиклар орқали бир неча, баъзан ўнлаб ва юзлаб алоҳида бўлмалар (камералар)га бўлинган. Тўсиклар орасидаги тешиклар орқали фораминифераларнинг цитоплазматик танаси тулашиб туради. Кўпчилик фораминифералар чиганоғи сиртида жуда майда тешикчалар (поралар) бор. Чиганоқ оғизчалари ёки камералар сиртидаги тешикчалар орқали жуда кўп цитоплазматик ипчалар — *ризоподийлар* чиқиб туради. Ризоподийлар жуда майда озиқ, хусусан бир ҳужайрали сув ўтларини ёпиштириб олади. Кичикроқ озиқ бўлаклари чиганоқ оғизчаси орқали цитоплазмага ўтади. Йирикроқ озиғи эса чиганоқдан ташқарида фагоцитоз усулида ҳазм бўлади.

**Кўпайиши.** Фораминифераларнинг кўпчилик турлари мураккаб циклда жинссиз ва жинсий наслларининг алмашинуви орқали кўпаяди.



4-расм. Фораминифера *Elphidium (Polystomella) cirspranum* насл алмашиниб күпайиши.

А — зигота, Б — микросферик индивид, В — микросферик индивидни күті марта бұлниши, Г, Д — макросферик индивид ҳосил бўлиши, Е — макросферик индивиддан гаметалар ҳосил бўлиши, Ж — гаметалар копуляцияси.

Кўп камерали эльфидум (*Elphidium cirspra*)нинг жинссиз кўпайиши ядросининг бир неча марта кетма-кет бўлниши билан бошланади (4-расм). Ядроси бир неча ўнтадан юзгача бўлакларга ажралади. Ҳар қайси ядро бўлаги цитоплазма билан уралгач, кўп сонли амёбасимон ёш индивидлар ҳосил бўлади. Ёш индивидлар чиганоқдан ташқарига чиққандан сўнг ҳар қайси муртак атрофига бир камерали дастлабки муртак (эмбрион) чиганоқ ҳосил бўлади. Шундан кейин муртак чиганоқ оғиз-часидан вақти-вақти билан бироз цитоплазма ажралиб чиқади. Цитоплазма бўлакчалари атрофига ҳар вақт янги чиганоқ камералари ҳосил бўлади. Ана шу йўл билан кўп камерали чиганоқли жинссиз насл ҳосил

бұлади. Күп марта бўлиниш орқали битта организмдан бирданига бир неча индивидларнинг ҳосил бўлиши *схизогония* (*шизогония*) дейилади.

Жинсий кўпайиш жинссиз насл ядросининг бир неча мингта жуда майда бўлакларга бўлиниши билан бошланади. Ҳар қайси бўлакча цитоплазма билан ўралиб, жуда кўп ҳужайралар ҳосил бўлади. Икки хивчинли бу ҳужайралар *гаметалар* (жинсий ҳужайралар) деб аталади. Улар чиганоқдан чиқиб, жуфт-жуфт бўлиб қўшилишади ва зигота ҳосил қиласади. Зигота атрофига дарров, биринчи муртак чиганоги ҳосил бўлади. Чиганоқнинг кейинги камералари ҳам худди жинссиз насл камералари сингари ҳосил бўлади. Жинсий наслнинг биринчи камераси жинссиз насл камерасига нисбатан кичик бўлганидан микросферик насл, жинсиз насл эса макросферик насл деб аталади.

Фораминифераларнинг зиготаси ва ундан ривожланиб чиқсан микросферик насл диплоид хромосомали бўлиб, агамонт деб аталади. Агамонт ядроси икки марта редукцион бўлиниш (мейоз) орқали гаплоид хромосомали ядрога эга бўлган агаметаларни ҳосил қиласади. Агаметалардан гаплоид хромосомали гамонтлар, улардан эса жуда кўп гаплоид хромосомали гаметалар ҳосил бўлади. Гаметаларнинг қўшилишидан кейин ҳосил бўлган микросферик насл (агамонт) диплоид хромосомалик бўлади. Шундай қилиб фораминифераларнинг кўпайиш цикли жинссиз (агаметалар орқали) ва жинсий (гаметалар орқали) кўпайиш ҳамда агамонт (жинссиз кўпаядиган) ва гамонт (жинсий кўпаядиган) наслларининг галланиб туришидан иборат. Шу билан бирга бу циклда диплоид ва гаплоид фазалар ҳам галланиб туради. Бу билан фораминифералар бошқа ҳайвонлардан кескин фарқ қиласади. Чунки ҳайвонлар дунёсида редукцион бўлиниш (мейоз) одатда жинсий ҳужайралар ҳосил бўлиши олдидан содир бўлади. Гаплоид (гаметофит) ва диплоид (спорофит) фазаларнинг галланиши ўсимликлар дунёсида кенг тарқалган. Бу ҳодиса тузилишига кўра бир-биридан узоқ бўлган организмларнинг конвергент тараққий этишига яхши мисол бўла олади.

Фораминифераларнинг тузилиши ва ривожланиши жуда хилма-хил бўлади. Лекин ҳамма фораминифераларнинг ҳам ҳаёт циклида жинссиз ва жинсий насллари бўлади.

Фораминифералар қадимги геологик даврларда кембрий давридан бошлаб жуда кенг тарқалган. Миллион йиллар давомида улар чиганоги денгиз тубига чўкиб, тўплана бориши натижасида жуда қалин чўкма жинсларни ҳосил қиласади. Тоғ ҳосил бўлиши жараёнида қадимги денгизлар ўрнида паст-текислик ва тоғлар ҳосил бўлган. Ер юзининг жуда кўп қисми, шу жумладан, Марказий Осиё ҳудудининг ҳамма қисми қадимги денгизлар тубидан иборат. Жуда кенг тарқалган оҳактошлар ҳам фораминифералар, асосан, қазилма ҳолда учрайдиган нуммулитлар чиганогидан иборат. Мисрнинг баландлиги 150 м гача бўлган машҳур пирамidalари, Москва, Севастопол, Рим, Вена ва бошқа шаҳарлардаги қадимий оқ тошли бинолари ҳам оҳактошлар-

дан қурилган. Альп, Пиреней, Кавказ, Марказий Осиё, шунингдек Ҳимолай тоғлари ҳам фораминифералар чиғаноғидан ҳосил бўлган оҳактошлар билан қопланган. Оҳактошни ҳосил бўлишида фузулинлар деб аталувчи қадимги фораминифералар ҳам иштирок этган. Бундай оҳактошлар жавдар уруғига ўхшаш қўнғир-қизғиш рангда бўлади.


Турли геологик даврларда ҳар хил фораминифералар тури яшаб, қирилиб кетган. Шунинг учун улардан ер ости бойликлари, айниқса, нефтни қидириб топиш учун олиб бориладиган бурғулаш ишларида ер қатламлари ёшини аниқлаб беришда кенг фойдаланилди.

### 2.1.2. НУРЛИЛАР (RADIOLARIA) КЕНЖА СИНФИ

Нурлилар планктон ҳаёт кечиравчи денгиз ҳайвонлари бўлиб, 8000 га яқин тури маълум. Уларнинг кўпчилик турлари илиқ сувли тропик ва субтропик денгизларда турли чукурликда тарқалган, совуқ сувли денгизларда кам учрайди.

Тузилиши анча мураккаб бўлиб, планктон ҳаёт кечиришга мослашган. Катталиги 40-50 мкм дан 1 мм гача, баъзан ундан ҳам йирикроқ бўлади. Кўпчилик турларининг танаси шарсимон бўлиб, ички мураккаб минерал скелетга эга. Танасидан ҳар томонга қараб жуда кўп ингичка ипга ўхшаш псевдоподийлар чиқади (5-расм). Кўпчилик нурлилар ҳужайрасининг марказида битта йирик ядрои бўлади. Ядро гомоген (бир хил тиниқликдаги) қуюқ цитоплазма билан ўраб олинган. Цитоплазманинг бу қисми ва ядро марказий капсула ичига жойлашган.

Капсула органик моддан иборат, унинг деворида жуда кўп тешикчалари бўлади. Марказий капсула нурлиларнинг цитоплазмасини ички ва ташқи зоналарга ажратиб туради. Капсула тешикчалари орқали цитоплазманинг ички ва ташқи зоналари туташган бўлади. Цитоплазманинг бундай икки



5-расм. Акантометра (*Acanthometra elastica*) нурлиси.

1-3 — ниналар, 4 — псевдоподийлар, 5 — капсула ташқарисидаги цитоплазма, 6 — капсула ичидаги цитоплазма ва унлаги ядролар, 7 — мускул толаачалари.


юнага бўлиниши фақат нурлилар учун хос бўлиб, бошқа бир ҳужай-  
ралиларда учрамайди.

Цитоплазманинг ташқи зонаси ҳам бир неча қисмдан иборат. Марка-  
зий капсулага яқин қисми донадор қуюқ шитоплазмадан, унинг устки қисми  
еъсимон цилимшиқ киритмаларга бой бўлган жуда қалин кўпикли қават-  
дан иборат. Кўпикли қаватининг сиртида юпқа тўрсимон цитоплазма қава-  
ти жойлашган. Бу қават ташқи мұхит билан чегараланди.

Нурлилар икки хил псевдоподийлар ҳосил қиласди. Улардан бир  
хиллари ташқи цитоплазманинг марказий капсулага яқин жойлаш-  
ган энг чукур қатламидан бошланади, кўпикли қаватдан ўтиб, тана  
сиртига чиқади. Иккинчи хил псевдоподийлар цитоплазманинг энг  
сиртқи қаватидан бошланади, улар бир-бири билан туташиб, мурак-  
каб тўрни ҳосил қиласди. Бу тўр ёрдамида нурлилар ўз озиги (турли  
майдада сув ўтлари ва содда ҳайвонлар)ни тутиб олади. Бундан ташқари  
нурлиларнинг анча йўғон шохланмайдиган аксонодийлари ҳам бўлади.  
Аксонодийлар ички ўқ скелетга эга бўлиб, танадан радиал йўналишда  
чиқади. Аксонодийлар тана юзасини кенгайтириш ва ҳайвонларни сувда  
қалқиб туришига ёрдам беради.

Кўпчилик нурлиларнинг кремний оксиди ёки стронций сульфат  
(SrSO<sub>4</sub>) тузидан иборат мураккаб скелети бўлади. Скелет турли щакл-  
да, хусусан нинага ўхшаш, шарсимон, қўнғироқсимон, тожсимон ёки  
бошқа хилда бўлиши мумкин. Скелет танани ҳимоя қиласди ва тана юза-  
сини кенгайтириб, ҳайвонни сувда қалқиб туришига имкон беради.

**Кўпайиши.** Нурлиларнинг кўпайиш жараёни етарли ўрганилмаган.  
Кўпчилик турлари иккига бўлиниш орқали жинсиз кўпаяди. Бунда ске-



6-расм. Чучук сув қўёшлиси (*Actinosphaerium eichornii*).

А — умумий кўриниши, Б — танасининг бир қисми катталаштириб кўрсатилган:  
1 — эктоплазма, 2 — эндоплазма, 3 — озиқ, 4 — аксонодийлар, 5 — ядро.

лет элементлари ёш нурлилар ўртасида тақсимланади ёки ёш организмларнинг бирида қолиб, иккинчисида янгидан ҳосил бўлади. Жинсий кўпайиши фақат *Acantharia* туркумига мансуб бўлган айрим турларда ўрганилган. Бунда ҳайвон танаси хивчинли жуда майда кўп сонли гаметаларга бўлинади. Гаметалар жуфтлашиб зиготани ҳосил қиласди. Зиготадан эса янги акантария ривожланиб чиқади.

Нурлилар қазилма ҳолда кембрый давридан бошлаб барча қатламларда учрайди. Айрим чўкма жинслар асосан нурлилар скелети қолдигидан иборат бўлиб, *радиоляритлар* деб аталади. Радиоляритлар Россиянинг Урал, Фарбий Сибир, Узоқ Шарқ ва бошқа ҳудудларида учрайди. Бу жинслар тоғ уни ёки трепел номи билан машхур. Трепелдан металлга ишлов берувчи жилвир қоғоз тайёрлашда фойдаланилади. Нурлилар скелети бошқа тоғ жинслари, масалан, оҳактош, бўр ва сланецлар таркибиغا ҳам киради. Уларнинг скелет қолдиқлари фораминифералар билан бирга тоғ жинсларининг ёшини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

### 2.1.3. ҚУЁШСИМОНЛАР (HELIOSOEA) КЕНЖА СИНФИ

Қуёшсимонлар кенжা синфига чучук сувларда ва денгизларда яшайдиган ўнлаб турлар киради. Кичик сув ҳавзаларида катталиги 1 мм келадиган *Actinosphaerium eichhorni* (5-расм) ва *Actinophris sol* кўп учрайди. Нурлилардан марказий капсуласининг бўлмаслиги билан фарқ қиласди.

Қуёшсимонларнинг юмалоқ шарсимон танасидаги цитоплазмаси катакларга бўлинган кенг эктоплазма ва эндоплазма зоналарига ажралади. Эндоплазмадан жуда кўп радиал жойлашган аксоподийлар чиқади. Шунинг учун уларнинг кўриниши қуёшга ўхшаб кетади. Эндоплазмасида битта ёки бир неча ядроси, чучук сувда яшовчи турларининг эктоплазмасида эса иккита қисқарувчи вакуоли ҳам бўлади.

Қуёшсимонлар бир ҳужайралилар (инфузориялар, хивчинилар) ва майда ҳужайралилар (офиз айлангичлилар, майда кипприкли чувалчанглар) билан озиқланади. Озигини соxта оёқлари (аксоподитлар) ёрдамида ёпишириб олади ва эндоплазмасига ўтказади. Озиқ эндоплазмада ҳазм бўлади. Озиқ қолдиғи эктоплазма орқали ташқарига чиқариб ташланади.

Қуёшсимонлар аксоподитлар ёрдамида сувда муаллақ туради ёки сув тубида думалаб ҳаракат қиласди. Кўпчилик қуёшлиларнинг қаттиқ скелети бўлмайди. Айрим нурлиларда майда кремний игначалари бўлади.

Айрим қуёшсимонлар жинссиз ҳамда жинсий кўпаяди. Жинссиз кўпайиш кўпинча иккига бўлиниш йўли билан боради. Жинсий кўпайиш эса ўзига хос мураккаб жараённи ўз ичига олади. Масалан, *Actinophris sol*нинг дастлаб аксоподитлари қисқаради ва танаси иккига

бўлинади. Бу иккала ҳужайра битта умумий циста қобиқ ҳосил қиласди. Ҳар қайси ҳужайра циста ичида редукцион бўлиниш (мейоз) орқали гаметага айланади. Гаметалар жуфтлашиб, зиготага айланади. Зигота циста қобиғидан чиқиб, жинссиз кўпая бошлиди. Бундан кейин ҳосил бўлган ёш ҳужайраларнинг қўшилиши билан борадиган жинсий кўпайиш *педогамия* деб аталади.

## 2.2. ХИВЧИНЛИЛАР (MASTIGOPHORA) СИНФИ

Бу синфга табиатда жуда кенг тарқалган ва хилма-хил тузилган бир ҳужайралилар киради. Ҳамма хивчинлиларнинг ҳаракат органиidlари битта ёки бир нечта хивчинлар ҳисобланади. Хивчинлар цитоплазмадан ҳосил бўлган қилга ўхаш ингичка ўсимтлардан иборат.

Хивчинлилар цитоплазмаси ҳам бирмунча қуюқ гомоген эктоплазма ва донадор суюқроқ эндоплазмага ажралади. Эктоплазманинг сиртқи қавати қаттиқ ва эластик қобиқ — *пелликулани* ҳосил қиласди. Кўпчилик хивчинлилар танаси доимий шаклга эга бўлиши билан саркодалилардан фарқ қиласди. Шу билан бирга айрим хивчинлилар танасида қаттиқ қобиқ бўлмайди ва улар саркодалиларга ҳос бўлган псевдоподийлар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Саркодалилар ҳаёт циклининг айрим даврларида (гаметалар) хивчинлар ҳосил қилиши илгари кўрсатиб ўтилган эди. Хивчинлилар билан саркодалилар ўртасида бу ўхашлилар иккала синфи битта саркомастигфоралар типига бирлаштириш учун асос қилиб олинган.

Хивчинларнинг тузилиши электрон микроскоп остида текширилганда улар икки қисмдан иборат эканлиги аниқланди. Хивчиннинг локомотор (ҳаракатланиш) функциясини бажарувчи узун қисми тана сиртида жойлашган. Унинг калта базал таначаси эктодермада жойлашган бўлиб, *кинетосома* (ҳаракатлантирувчи тана) дейилади. Ташки томондан хивчин уч қават мембрана билан ўралган. Бу мембрана лар ҳужайра мембранныи билан боғланган ва уларнинг давоми ҳисобланади. Хивчиннинг ички қисмida ўн бир жуфт фибриллалар (толалар) қатъий тартибда жойлашган. Улардан иккитаси хивчиннинг марказий ўқи, бошқа 9 та фибриллалар эса хивчиннинг мембранныи остида жойлашганидан *периферик* фибриллалар дейилади. Марказий фибриллалар эктоплазма сиртидаги *аксиал* доначадан бошлиланади. Марказий фибриллалар биттадан, периферик фибриллаларнинг ҳар қайсиси эса бир-бирига маҳкам ёпишган иккита найчадан иборат. Марказий фибриллалар таянч, периферик фибриллалар эса локомотор (ҳаракатланиш) функциясини бажаради.

Хивчинлиларнинг бир қанча турлари цитоплазмасида хлорофилл пигменти сақловчи *пластидалар* — *хроматофорлар* бўлади. Хивчинлилар ўсимликлар сингари ёргуликда фотосинтез ҳисобига ҳаёт кечирав-

чи автотроф организмлар ҳисобланади. Бу хилда озиқланиш голофит деб аталади. Яшил пигментта эга бўлмаган хивчинлилар эса бошқа ҳамма ҳайвонлар сингари тайёр органик моддалар ҳисобига ҳаёт кечириувчи гетеротроф организмлар ҳисобланади. Улар орасида мураккаб органик бирикмалар ҳисобига ҳаёт кечириувчи *голозойлар* ва мураккаб моддаларнинг парчаланиш маҳсулотлари билан озиқланувчи *сапрозой*, яъни *сaproфит* турлари бор. Айрим хивчинлилар муҳит шароитига қараб голозой ёки сапрофит озиқланиши мумкин. Шунингдек баъзи хивчинлилар бир вақтнинг ўзида икки хил усуlda озиқланиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, хивчинлилар ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсини боғлаб турувчи звено ҳисобланади. Бу синф доирасида морфологик жиҳатдан ўзаро яқин бўлган айрим турлар ҳам модда алмашинуви нинг турли типларига мансуб бўлиши мумкин.

Хивчинлилар ҳар хил муҳитда ҳаёт кечиришга мослашган 8 мингга яқин турларни ўз ичига олади. Кўпчилик турлари денгизда яшайди ва planktonнинг асосий қисмини ташкил этади. Чучук сув ҳавзаларида ҳам хивчинлилар кенг тарқалган. Сув ҳавзаларида хивчинлиларнинг турлари ва уларнинг массаси сувнинг органик чиқиндилар билан ифлосанишига боғлиқ бўлади.

Хивчинлилар орасида кўп турлари ҳар хил ҳайвонлар ва одам ичаги, қони, териси ва жинсий безлар йўлида паразитлик қиласи. Овқатланиш ва моддалар алмашинуви хусусиятларига биноан хивчинлилар иккита кенжা синф — ўсимликсимон ва ҳайвонсимон хивчинлиларга ажратилади.

### 2.2.1. ЎСИМЛИКСИМОН ХИВЧИНЛИЛАР (PHYTOMASTIGINA) КЕНЖА СИНФИ

Бу кенжага киравчи бир ҳужайралиларнинг кўпчилиги яшил рангли бўлиб, ёруғлик таъсирида фотосинтез қилиш хусусиятига эга. Уларнинг танаси дуксимон, цилиндрсимон, шарсимон ва бошқа шаклда бўлиши мумкин. Танаси ташқи томондан клетчатка ёки унга яқин бўлган пелликула қобиқ билан қопланган (7-расм).

Ўсимликсимон хивчинлилар танасида хивчинлар сони 1-2 тадан бир неча юзтагача, ҳатто мингтагача бўлиши мумкин. Одатда тананинг хивчин жойлашган томони олдинги қутб ҳисобланади. Хивчинлар сони жуда кўп бўлганида улар тана юзасида бир текис жойлашади. Хивчинларнинг узунлиги ҳам ҳар хил бўлади, баъзан тана узунлигидан ҳам ошади. Хивчинлар суюқ муҳитга пармага ўхшаб буралиб кириши натижасида улар олдинги томони билан сузиб кетади. Кўпчилик турларида ёруғликни сезишга ёрдам берадиган қизил доф кўзчаси — *стигма* ҳам бўлади.

Яшил хивчинлилар танасидаги хлорофилл сақловчи хроматофор-


7-расм. Эвгленалар.

А — *Euglena oxyuris*, Б — *Euglena virides*: 1 — хивчин, 2 — қисқарувчи вакуол резервуари, 3 — қисқарувчи вакуола, 4 — хроматофорлар, 5 — ядро, 6 — парамила, 7 — күзча.

ларнинг тузилиши ўсимликлардаги хлоропластиларга ўхшашиб бўлади. Хроматофорлар пластинка ёки донга ўхшашиб бўлиб, улар ҳар бир ҳужайрада 1-2 та ёки жуда кўп бўлиши мумкин. Яшил хивчинилар ҳам ўсимликлар сингари муҳитдан карбонат ангидрид ва сув билан бирга минерал тузлар, хусусан, азот ва фосфорни ўзлаштириши ҳисобига органик моддаларни синтез қиласди. Моддалар алмашинув жараёни ёруғлик энергияси ҳисобига борадиган организмлар *автотроф* яъни *голофит* дейилади. Айрим автотроф хивчинилар қоронги жойда ёки муҳитда эриган органик моддалар кўп бўлганида яшил рангини йўқотиб, сапроптиф озиқланишга ўтиши мумкин. Баъзи бир эвгленасимонлар бирданига икки хил автотроф (фотосинтез) ва гетеротроф (сапрофит) озиқланиш хусусиятига эга. Бу хилдаги аралаш озиқланиш *миксотроф* дейилади. Айрим ўсимликсимон хивчинилар хлорофилини тамоман йўқотиб, органик моддаларга бой бўлган муҳитда яшашга мослашган.

Яшил хивчинилар фотосинтез жараёнида крахмал ёки унга ўхтайдиган углеводлар (масалан, парамила) синтез қиласди. Уларнинг цитоплазмасида крахмал ва унга ўхшашиб бўлган парамила тўпланади. Чучук сувларда ҳаёт кечирадиган хивчиниларда осморегуляция ва айриш вазифасини қисқарувчи вакуолалар бажаради. Денгизларда яшовчи ва паразит турларида қисқарувчи вакуолалар бўлмайди.

Кўпчилик хивчинилар фақат иккига бўлиниш орқали жинссиз кўпаяди. Бунда дастлаб ядро митоз усулда бўлинади, сўнг танаси олдинги томондан орқага қараб аста-секин бўлинади. Хивчини эса ёш ҳужайралардан бирига ўтади, иккинчисида эса янгидан ҳосил бўлади. Бошқа ҳолларда бўлинаётган ҳужайранинг хивчини тушиб кетиб, ёш ҳужайраларда янгидан ҳосил бўлиши мумкин. Бир қанча ҳолларда ҳайвонлар циста даврида ҳам кўпаяди. Бу вақтда улар хивчинини ташлаб, юмалоқланади ва тана сиртига пишиқ қобиқ ишлаб чиқариб, циста ҳосил қиласди. Циста ичидаги ҳайвон танаси бир неча марта кетма-кет



бўлинади. Ҳайвон танаси ўсмасдан бўлинганидан жуда кичик ҳужайралар ҳосил бўлади. Ҳужайраларни шу усулда йириклишмасдан кетма-кет бўлиниши *палинтомия* дейилади. Палинтомия кўп ҳужайралилар тухум ҳужайраларининг майдаланишига ўхшаб кетади.

**Колонияли яшил хивчиниллар.** Ўсимликсимон хивчиниллар орасида бир қанча турлари колония бўлиб яшайди. Колония бўлинишдан кейин ҳосил бўлган ҳужайраларни ажралиб кетмасдан бир-бири билан боғланган ҳолда сакланиб қолиши натижасида келиб чиқади.

Чучук сувларда яшил пластинкачага ўхшаш гониум (*Gonium pektoreale*) колонияси кўп учрайди. Бу колония 16 та икки хивчинли яшил ҳужайралардан тузилган. Ҳужайралар рангсиз қуюқ шилимшиқ модда орқали бир-бири билан боғланган. Хивчинларнинг эшкакка ўхшаб бир меъерда ҳаракат қилиши натижасида гониум сузид юради.


Чучук сувларда ҳаёт кечирадиган эвдорина (*Eudorina elegans*) колонияси эса кўпинча 32 та (баъзан 8 ёки 16 та) яшил ҳужайралардан тузилган бўлиб, шар шаклда бўлади. Колония диаметри 50 мкм дан 20 мкм га етади.

Гониум ва эвдоринанинг ҳар бир ҳужайраси мустақил жинссиз, бўлиниб кўпаяди. Колониядаги ҳамма ҳужайралар бир вақтнинг ўзида кўпайишга киришади. Ҳужайралар 3 ёки 4 марта кетма-кет бўлинишдан кейин колония ичига тушади. Янги ҳосил бўлган ёш колониялар сони она колониядаги ҳужайралар сонига тенг бўлади. Кейинчалик она колония емирилади ва ёш колониялар мустақил ҳаёт кечира бошлийди.

Кичикроқ сув ҳавзаларида учраб турадиган *вольвоксларнинг* шарсизмон колонияси жуда мураккаб тузилган (8-расм). Масалан, *Volvox aureus* колонияси 500-1000 ҳужайрадан ташкил топган, диаметри 500-850 мкм, *V.globator* эса 20 минггача ҳужайрадан иборат бўлиб, диаметри 2 мм га етади. Вольвокслар колониясининг асосий қисмини ҳужайраларнинг ўзи ажратиб чиқарадиган қуюқ масса ташкил этади. Бу масса колония четида тифиз пўстни ҳосил қиласди. Ҳужайралар колониянинг четида бир қатор жойлашган. Колония ўртаси қуюқ масса билан тўлиб туради. Колонияни ташкил этувчи ҳужайралар бир хил тузилган. Ҳар қайси ҳужайрада *стигма* (қизил доғ кўзча) ва иккита хивчини бўлади. Ҳужайралар цитоплазматик ипчалар ёрдамида бири иккинчиси билан туташиб туради.

Вольвокс колониясидаги хивчинлар биргаликда бир меъерда тебраниши натижасида у думалаётган шарга ўхшаб сузид юради. Колония одатда маълум бир томони билан олға қараб сузади. Колониянинг бу томонидаги ҳужайраларнинг кўзчалари қарама-қарши томон ҳужайралари кўзчаларига нисбатан йирикроқ бўлади. Колония ана шу йирик кўзчаларга эга бўлган томони билан олға қараб сузади.

Вольвокс колониясидаги жуда кўп ҳужайралар орасида фақат бир қисм (4-10 та) ҳужайралар бўлиниш хусусиятига эга. Бундай ҳужайралар колониянинг пастки томонида жойлашган бўлиб, улар



8-расм. Вольвокс.

А — *Volvox globator* колониясинің жинсій ұжайралари бұлған бир қисмі. Б — *V.aureus* колониясинің жинссіз күпайиши: 1 — макрограмета, 2 — микрограметалар, 3 — она колония ичидеги еш колониялар.

вегетатив ұжайралар деб аталади. Вегетатив ұжайралар кетма-кет бир неча марта бұлғанынан, еш колонияларни ҳосил қиласы. Одатта колонияда бирданиңа бир неча еш колониялар ҳосил бұлады (8-расм, Б). Еш колониялар үсіб, үйреклашған сары она колония ичига сиғмасдан қолады. Ана шу вақтда она колония ёрилиб кетады ва нобуд бұлады, еш колониялар еса мустақыл яшай бөшлайды. Қулай шароитда ҳали она колониядан чиқмаган еш колониялар ичидеги иккінчи тартибдеги еш колониялар ривожланиши мүмкін.

Юқорида күрсатып үтилген үсимликсімден хивчинлилар колонияси палинтомик колониялар ҳисобланады. Чунки колониядеги ҳамма ұжайралар (гониум, эудорина) ёки фақат вегетатив ұжайралар (вольвокс) үсіб үйреклашмасдан кетма-кет бұлғанын (палинтомия) йұлы билан бирданиңа бир неча еш колонияларни ҳосил қиласы. Үсимликсімден хивчинлиларнинг күпчилік турлары фақат жинссіз күпаяды. Жинсий күпайиш асосан колониал хивчинлилар ва айрим якка яшовчи хивчинлиларда учрайды. Якка яшовчи хивчинлиларнинг жинсий ұжайралари бир хил катталиқда бұлғын, эркак ва ургочи гаметаларни ажратып бұлмайды. Жинсий күпайишнинг бу хили изогамия, яъни тенг гаметалик дейилади.

Колониал яшил хивчинлиларнинг ұжайраси ҳар хил катталиқдеги гаметалар ҳосил қиласы. Масалан, 8 ұжайралы бир мунча содда тузилған стефаносфера (*Stephanosphaera*) колонияси учун изогамия ҳос бұлса, 16 ұжайралы пандорина (*Pandorina*)да гаметалар ихтинослаша бөшлаганини күриш мүмкін. Уннинг гаметаларидан бири иккінчисінде нисбатан бироз үйрекроқ бұлады. 32 ұжайралы эудори-

нанинг айрим колониясида ҳамма ҳужайралар бўлинмасдан йирикроқ жинсий ҳужайралар макрогаметаларни, бошқа колонияси ҳужайрала-ри эса палинтомик йўл билан иккига бўлиниб, 64 та микрогаметаларни ҳосил қиласди. Макрогамета тухум, микрогамета уруғ ҳужайраси бўлиб ҳисобланади.

Вольвокс колониясидаги минглаб ҳужайралардан фақат 25-30 ҳу-жайра бўлинмасдан тухум ҳужайра (макрогамета)ларга айланади, 5-10 ҳужайралар уруғ ҳужайраларни ҳосил қиласди. Макрогаметалар ҳужайраларнинг бўлинмасдан йириклиашуви натижасида, микрогаметалар эса ҳар қайси ҳужайранинг палинтомик усулда 256 бўлакка бўлиниши натижасида ҳосил бўлади. Макрогамета ҳаракатсиз бўлиб, у тухумҳужайрасига, икки хивчинли ҳаракатчан микрогаметалар эса уруғҳужайрасига мос келади. Микрогаметалар фаол ҳаракат қилиб, макрогаметаларни топиб олади ва уларни уруғлантиради. Уруғланган макрогамета (зигота) қалин пўстга ўралади ва қишлиб қолади. Қулай шароит туғилганда зигота кетма-кет палинтомик бўлиниш орқали янги колонияни ҳосил қиласди.

Жинсий кўпайдиган хивчинлилар зиготасининг дастлабки икки бўлиниши мейоз бўлгани сабабли уларнинг зиготадан бошқа ҳамма стадиялари гаплоид хромосомали бўлади. Вольвоксларда зиготалик редукцияни кўрамиз. Кўп ҳужайралиларда эса мейоз гаметалар ҳосил бўлиш олдидан (гамета редукцияси) содир бўлади. Морфологик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилувчи жинсий ҳужайраларнинг ҳосил бўлиш *анизогамия* дейилади.

Ўсимликсизон хивчинлилар бир неча туркумга бўлинади.

**1. Қалқондор хивчинлилар** (*Dinoflagellata* ёки *Peridenea*) — якка яшовчи икки хивчинли ҳайвонлар, денгизлар ва чучук сув ҳавзаларида жуда кенг тарқалган. Кўпчилиги планктонда ҳаёт кечиради.

Қалқондор хивчинлиларнинг хивчинлари танасининг марказий қисмидан бошланади. Улардан бири орқа томонга чўзилган, иккинчиси эса тананинг ўрта қисмини ўраб турадиган “белбоғ” деб аталадиган экваториал чуқурча ичидаги туради.

Қалқондорларнинг клетчаткандан иборат пўсти бўлади. Бу пўст маълум тартибда жойлашган ва чоклар орқали бир-бири билан бирекадиган бир неча пластинкалардан тузилган. Цитоплазмада жуда кўп хлорофилл сақловчи диксизмон хроматофорлар бўлади. Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган крахмал заррачалари цитоплазмада тарқалган.

Чучук сув ва денгизларда *церациум* (*Ceratium*) авлоди вакиллари кенг тарқалган. Чучук сув церациуми *C. hirudinella* танасидаги тўртга узун ўсимталардан бири танасининг олдинги (апикал), қолган учтаси орқа (антапикал) томонга қаратилган. Денгиз церациумларида бундай ўсимталар айниқса, кучли ривожланган бўлиб, тана юзасини кенгайтириш ва сувда муаллақ туриш учун хизмат қиласди.

Суви бир мунча илиқ бўлган тропик ва субтропик денгизларда тун

ёғдучиси *Noctiluca miliaris* жуда күп учрайди. Уни ёз фаслида Қора денгизда ҳам учратиш мумкин. Тун ёғдучиси юмалоқ танасининг диаметри 2 мм келади. Унинг хроматофораси ва клечатка пўсти бўлмайди. Тун ёғдучиси фотосинтез қилмаслиги ва ҳайвонларга ўхшаш анимал озиқланиши билан бошқа ўсимликсизмон хивчинилардан фарқ қилади. Ҳар хил майда организмлар: содда ҳайвонлар ва сув ўтлари билан озиқланади. Танасининг бир томонида жойлашган чуқурчаси тубида оғиз тешиги жойлашган. Оғизолди чуқурчаси яқинида битта йўғон хивчини, чуқурча тубида эса ингичка ва калта хивчин жойлашган. Улар тебраниши натижасида озиғи оғиз тешигига қараб суриласди.

Тун ёғдучисининг эндоплазмаси ўзига хос тузилган. Цитоплазманинг асосий қисми оғиз тешигининг остиқ қисмиди, яъни марказида тўпланган. Марказий цитоплазмадан тана четларига қараб жуда күп ингичка цитоплазма ипчалари чиқади. Танасининг асосий қисми суюқ модда билан тўлдирилган вакуоладан иборат. Ядро марказий цитоплазмада жойлашган. Цитоплазма ипчаларида жуда күп миқдорда ёғ танаҷалари бўлади. Тун ёғдучисининг бундай ўзига хос тузилиши планктон ҳаёт кечиришга мослашишга имкон беради. Цитоплазманинг вакуоллашуви ва ёғ танаҷалари танасининг солиштирма оғирлигини камайтиради.

Тун ёғдучиси механик ёки кимёвий таъсир билан безовта қилинганида ўзидан ёғду чиқариш хусусиятига эга. Тунда кетаётган кема ортидан қоладиган ёруғ из ана шу ҳайвонларнинг шуълаланишидан ҳосил бўлади. Кема парраклари айланганидан безовта бўлған тун ёғдучиси цитоплазмасидаги ёғ моддаси оксидланиб ёғду чиқаради. Бу ёғду ҳайвонни шуълаланишига сабаб бўлади.

Қалқондир хивчинилар денгиз ва чучук сув планктони таркибининг асосий қисмини белгилайди. Улар дунё океани биомассанинг асосий қисмини ташкил этади. Ҳамма қалқондорлар биосферадаги моддалар алмашинувида жуда катта аҳамиятга эга.

**2. Эвгленасимонлар (*Euglenoidea*) туркуми.** Эвгленасимонлар озиқланиш усулига кўра жуда хилма-хил бўлади. Улар орасида фотосинтез қилувчи турларидан тортиб, ҳақиқий ҳайвонларга ўхшаш вакиллари бор. Чучук сув ҳавзаларида, айниқса, кучли ифлосланған сувларда турли хил эвгленалар учрайди (7-расм). Эвгленалар цитоплазмасининг сиртқи қавати қаттиқ пелликула қобиқ ҳосил қиласди. Айрим вакиллари, масалан, эвгленанинг пелликуласи жуда юпқа ва эластик бўлганидан уларнинг танаси қисқариши, чўзилиши ёки эгилиши мумкин. Факус (*Phacus*)нинг қобиғи қалин бўлиб, эгилувчан эмас. Кўпчилик турлари (эвгленалар) пелликуласида чизиқли ҳошияларни кўриш мумкин.

Эвгленалар озиқланиши ташкил муҳит шароити ўзгариши билан бир хилдан иккинчи хилга ўтиши мумкин. Ёруғлик ва зарур кимёвий элементлар етарли бўлганида улар автотроф озиқланади, яъни яшил ўсимликлар сингари фотосинтез жараёнини амалга оширади.

Эвгленалар органик моддалар етарли бўлган қоронги жойга муҳитга ўтказилганда хлорофилини йўқотиб, рангсиз бўлиб қолади. Энди улар атрофидаги муҳитдан тайёр органик бирикмаларни пелликуласи орқали шимиб ола бошлайди, яъни эвглена автотроф озиқланишдан сапрофит (гетеротроф) озиқланишга ўтади. Агар бундай эвгленаларни яна ёруғ жойга чиқарилса, қисқа вақтдан сўнг улар яшил рангга кириб, автотраф озиқланишга киришади. Одатда органик бирикмалар билан ифлосланган сувларда эвгленалар бирвақтнинг ўзида автотроф ҳам гетеротроф озиқланиши мумкин.

Шундай қилиб, органик олам тараққиётининг тубан босқиччалирида ҳайвонлар билан ўсимликларнинг озиқланиш усули ўртасида кескин фарқ бўлмайди. Бу ҳодиса уларнинг битта умумий аждоддан келиб чиқишини кўрсатади.

Эвгленасимонларнинг айрим турлари хлорофилини тамоман йўқотганлиги сабабли автотроф озиқланиш хусусиятига эга эмас. Улардан баъзилари сапрофит озиқланса, бошқалари эса (масалан, *Peganema*, *Urceolus* авлоди турлари) озиқ моддаларни ютиб, ҳақиқий ҳайвонлар сингари озиқланишга ўтган.

**3. Фитомонадлар (*Phytomonadina*) туркуми.** Бу туркумга кирувчи хивчиниларнинг вакилларида косача шаклдаги битта йирик яшил хроматофори ва бир жуфт хивчинлари бўлади. Кўпчилик турлари чучук сувларда айрим турлари денгизларда яшайди. Улар орасида якка ва колония бўлиб яшайдиган турлари бор.

Ифлосланган чучук сув ҳавзаларида 10-30 мкм катталигидаги лимон ёки тухумга ўхшаш икки хивчинли *хламидомонадалар* уруғи вакиллари кўп учрайди. Улар оқмайдиган кўлмак ва ҳовуз сувларида жуда тез кўпайиб кетади ва сувни яшил рангга бўялишига (кўкаришига) сабаб бўлади. Хламидомонада ҳужайрасида битта ёки иккита қисқарувчи вакуоли жойлашган. Айрим турлари танасининг олдинги қисмida қизғиши рангли кичкина стигмаси бўлади. Стигмани ёруғликни сезишга мослашган органоид ёки ҳужайра кўзчаси деб айтиш мумкин.

Хламидомонада икки хил: жинссиз ва жинсий усулда кўпая олади. Жинсий кўпайишдан олдин хивчинларини йўқотиб, сув тубига чўқади. Қобиқ ичида танаси 2 марта бўлинниб, тўртта ҳужайрани ҳосил қиласади. Ҳужайра қобиғи ёрилгандан сўнг ёш ҳужайралар ташки муҳитга чиқиб олади, уларнинг хивчинлари янгидан ҳосил бўлади, танаси сиртига қаттиқ пўст ҳосил бўлади.

Жинсий кўпайиш вегетатив ҳужайраларнинг гаметаларга айланishiдан бошланади. Гаметалар жуфтлашиб зиготани ҳосил қиласади. Зигота хивчинини йўқотиб юмалоқланади. Пўст ичида зигота икки марта бўлинниб, тўртта ёш хламидомонадани ҳосил қиласади. Улар хивчинлар ҳосил қилгандан сўнг мустақил яшашга ўтади.

Фитомонадлар орасида колония ҳосил қилувчи турлари ҳам кенг тарқалган. Колония бир нечтадан бир неча минглаб ҳужайралардан



ташкил топган. Колониал фитомонадлардан чучук сувларда вольвокслар, эудорина, пандорина, гониум кўп учрайди. Уларнинг ҳар қайси ҳужайрасининг тузилиши хламидомонадага ўхшаб кетади (8-расм).

## 2.2.2. ҲАЙВОНСИМОН ХИВЧИНЛИЛАР (ZOOMASTIGINA) КЕНЖА СИНФИ

Ҳайвонсимон хивчинлиларнинг бир қанча турлари денгиз сувида ва чучук сув ҳавзаларида учрайди. Улар орасида бир қисми осмотик йўл билан сапрофит озиқланса, бошқа қисми овқат зарраларини ютиш хусусиятига эга. Лекин жуда кўпчилик турлари одам, ҳайвонлар ва баъзан ўсимлик тўқималарида паразитлик қиласи.

1. **Ёқали хивчинлилар (Choanoflagellata)** туркуми. Бир хивчинли эркин яшовчи якка ёки колониал ҳайвонлар бўлиб, хивчини асосини цитоплазматик ёқача ўраб туради (9-расм). Бактерия ва бошқа озиқ заррачалари хивчинининг ҳаракати туфайли ёқача ичига тушади. Бу ерда уларни цитоплазма ўсимтлари қамраб олади. Овқат ҳазм қилиши вакуолалари ичиди озиқ ҳазм қилинади. Колонияси хилма-хил шаклда бўлади, кўпроқ тухумсимон сферик ва дарахтсимон колониялар учрайди.

2. **Илдиз хивчинлилар (Rhizomastigina)** туркуми вакиллари саркодалилар ҳамда хивчинлиларнинг тузилиш хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Уларда 1-3 хивчин билан бир қаторда яхши ривожланган псевдоподийлари




бўлади. Бу туркумнинг вакили мастигамёба (*Mastigamoeba aspera*)нинг катталиги 100 мкм га яқин, ботқоқликларда учрайди (10-расм).

**3. Кинетопластидлар (Kinetoplastida) туркуми.** Бу туркумга мансуб ҳайвонларда хивчин билан боғланган махсус органи — кинетопласт бўлади. Айрим турлари (*Bodo*) эркин яшайди. Асосий кўпчилик турлари паразит ҳаёт кечиради.

*Бодолар* (*Bodo*) 10-25 мкм катталиктаги икки хивчинли ҳайвонлар, цитоплазмасининг хивчинлари асосида жойлашган қисмидаги пелликуласи бўлмайди. Бу жой орқали бактерияларни ютиб, озиқланади.

Паразит кинетопластидлар орасида одам ва умуртқали ҳайвонлар қонида паразит яшовчи трипанозомалар (*Trypanosoma*) уруфи вакиллари айниқса, катта аҳамиятга эга (11-расм). Уларнинг тасмага ўхшаш яssi танаси 20-70 мкм келади. Олдинги томонида жойлашган битта хивчини танасининг ёнидан орқага қараб йўналган. Хивчин юпқа тўлқинланувчи мембрана ёрдамида эктоплазмага туташган (11-расм). Базал таначаси (*кинетопласт*) эндоплазмада хивчиннинг асосида жойлашган. *Уйқу касали трипанозомаси* (*Trypanosoma rhodesiense*) Африканинг тропик қисмидаги яшовчи халқларда оғир уйқу касалини келтириб чиқаради. Трипанозома қон плазмасида ва лимфа суюқлигига яшайди. Кейинчалик орқа мия суюқлигига ўтиб олади. Касалланиш аломатлари иситмалашдан бошланади ва секин-аста организм



11-расм. Паразит хивчинлilar.

А — трихомонас, Б — трипанозома, В — лейшмания: 1 — оғиз тешиги, 2 — базал танача, 3 — ядро, 4 — олдинги хивчинлар, 5, 6 — тўлқинсимон парда, 7 — орқа хивчин, 8 — ўқ таёқча, 9 — блефоропласт, 11 — хивчин, 12 — хўжайнин организмни ҳужайраси ичидаги тўртта лейшмания, 13 — лейшманиянинг хивчинли даври.

оғир хасталикка chalinади. Қасал киши күп ухлайди ва жуда озиб кетади, даволаш чоралари күрилмаганда ҳалок бўлади.

Уйку қасали трипанозомаси табиатда ёввойи ҳайвонлардан антилопалар қонида учрайди. Трипанозомани *це-це чивинлари* (*Glossina morsitans*, *G.palpalis*) антилопалардан одамларга юқтириши аниқланган. Чивинлар ичагида трипанозома бўйига бўлиниб кўпаяди ва тана суюқлиги орқали аввал чивиннинг сўлак безларига, сўнгра унинг хартумига ўтиб олади. Пащша сўлагидан қонга ўтган паразитлар қон плазмасида яна жинсиз бўлинниб кўпаяди. Паразит ҳайвонларга зиён келтирмайди. Антилопалар қасалликнинг табиий манбаси, це-це чивинлари эса қасаллик қўзгатувчининг тарқатувчиси ҳисобланади.

Трипанозомаларнинг бир қанча турлари ҳар хил уй ҳайвонларида оғир қасалликлар келтириб чиқаради. Жанубий Осиё мамлакатларида қора молларда паразитлик қилувчи *Turupanosoma өгисе* сўналар ёрдамида тарқалади. Қозогистон, Туркманистон, Ўзбекистонда ва Урал области чўлларида туялар, отлар ва эшакларда оғир "сув оғриги" қасалини *Turupanosoma evansi* келтириб чиқаради. Бу трипаносома ҳам сўналар орқали тарқалади. Отларда куйикиш қасалини қўзғатувчи *Turupanosoma equiperdum* бир ҳайвондан иккинчисига жинсий алоқа орқали ўтади.

Трипанозомаларнинг айрим турлари ўсимлик тўқималарида яшашга мослашган. Масалан, лептомонас (*Leptomonas davidi*) Жанубий Америкада кофе дараҳти баргининг сарғайиб тўкилишига, баъзан қуриб қолишига сабаб бўлади.

*Лейшманиялар* (*Leishmania*) ҳам трипанозомаларга бирмунча ўхшаш тузилган (11-расм), лекин одам терисида ва ички органларида паразитлик қиласди. Улар ҳужайра ичида паразитлик қилганидан хивчин ҳосил қилмайди, ҳаракатсиз бўлади. Узунлиги 4-7 мкм бўлган бу паразитларнинг овалсимон ҳужайрасида битта ядроси ва кинетопласти бор. Лейшманияларнинг икки тури одамда паразитлик қилиши маълум. Тропик лейшманія (*L.tropica*) юз, кўл ва обеклар терисида паразитлик қилиб, сурункали пендинка ярасини пайдо қиласди. Бу яра Марказий Осиё ҳалқлари ўргасида ёмон яра ёки пашишхўрда номи билан ҳам маълум. Бунда дастлаб терида кичикроқ шиш пайдо бўлади, кейинроқ шиш йириклишиб сурункали очиқ ярага айланади. Яра 1,5-3 йилдан кейин тузалиб кетади, лекин унинг ўрни чандиқ бўлиб қолади. Табиатда лейшманія паразити кемирувчилар (юронқозиқ, каламушлар) ва итларда паразитлик қиласди. Бу ҳайвонлар лейшманія паразитининг резервуари ҳисобланади. Кемирувчилар инида яшайдиган қон сўрувчи исқабтопарлар (*Phlebotomus rappatasi*) ҳайвонлар қонини сўрганида лейшманіяни ўзига юқтиради. Исқабтопарлар ичагида лейшманія бўлиниш орқали тез кўпаяди, унинг хивчини пайдо бўлади ва фаол ҳаракат қиласди. Исқабтопарлар лейшманіяни одамларга юқтиради.

Лейшманиоз Шимолий Африка, Жанубий Европа ва Жануби-Фар-

бий Осиёнинг бирқанча мамлакатларида тарқалган. Касаллик Ўзбекистоннинг жанубий районларида тарқалган бўлиб, унинг табиий манбай асосан чўл минтақасидаги юмонрөзиқлар ини билан боғланган.


Шундай қилиб, лейшмания ҳам уйқу касаллиги қўзғатувчиси сингари табиатда одам бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар ёввойи ҳайвонлар организмида мавжуд бўлади. Паразитларни бир ҳайвондан бошқасига ҳашаротлар юқтиради. Рус паразитологи Е. Н. Павловский одамлар ва ҳайвонлар ўргасида бўғимоёқлилар ёрдамида айланниб юрадиган касалликларни *табиий манбали трансмиссив касалликлар* деб атайди.

Одамларнинг жигари, талоги ва лимфа безларида паразитлик қилувчи *Leishmania donovani* қала-азар деб аталувчи оғир ички лейшманиозни пайдо қиласди. Бу касалликни ҳам исқабтопарлар юқтиради. Касалланган кишида кам қонлик пайдо бўлиб, у озиб кетади. Жигар ва талоги шишиб ҳалок бўлиши мумкин. Кала-азарни қўзғатувчи лейшмания паразити табиатда итлар қонида яшайди. Кала-азар Жанубий ва Шимолий Осиё ва Италияда, Туркманистоннинг айрим ҳудудларида учрайди.

Юқорида қўрсатилган ҳар иккала лейшманиоз билан ҳам қўпроқ болалар касалланади. Касалликлардан кейин мунтазам иммунитет ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳар бир киши лейшманиоз билан фақат бир марта касалланади.

4. **Кўп хивчинлилар (*Polymastigina*) туркуми.** Кўп хивчинлиларга анча мураккаб тузилган паразит хивчинлилар киради. Хивчинлар сони тўртта ёки ундан кўпроқ бўлади. Одам ва умуртқали ҳайвонларнинг ичагида жуда кўп хивчинлилар паразитлик қиласди. Ичакда яшайдиган *трихомонас* (*Trichomonas*)ларнинг бутун тана бўйлаб ўтувчи ички таянч скелети-аксостили ва тўлқинланувчи пардаси бўлади (11-расм). Худди шундай ўқ скелет *ламблия* (*Giardia lamblia*) уруғига мансуб бўлган хивчинлиларда ҳам учрайди.

Йўғон ва ингичка ичакда паразитлик қиласиган трихомонас (*Trichomonas hominis*) нинг узунылиги 7-10 мкм бўлиб танасининг олдинги томонида тўртта хивчини жойлашган (12-расм). Бешинч хивчини орқа томонга эгилиб, тана пелликуласи билан бирга юпқа тўлқинланувчи пардани ҳосил қиласди. Одамнинг таносил-сийдик йўлларида *T. vaginalis* паразитлик қиласди. Ўн икки бармоқли ва ингичка ичакда, ўт йўлларда учрайдиган *ламблия* (*Giardia intestinalis*) танаси икки томонлама симметрияли бўлиб, иккитадан ядроси ва аксоситга ўхшаш таянч фибрилляр аппарати, 8 та хивчинлари бор. Қорин томонида ичакка ёпишиш учун сўрғичи ривожланган. Улар циста орқали тарқалади. Тўғри ичакка тушган ламблиялар хивчинини йўқотади ва қалин пўстга ўралиб, циста ҳосил қиласди. Ламблия ичакда жуда кўплаб кўпайганида ичакнинг нормал фаолиятини бузилишинига, баъзан ўт пуфагининг яллигланиши (холецистит)га сабаб бўлиши мумкин.



12-расм. Одам ичагида паразитлик қиладиган ламблия (*Lamblia intestinalis*). А — ен томондан ва Б — қорин томондан күрниши; В — эпителий ҳужайрасига ёпишгандык ламблия: 1 — хивчинлар, 2 — базал танача, 3 — сұргич; 4 — ядро, 5 — парабазал танача, 6 — аксостил.

**5. Гипермастигиналар (Hypermastigina)** түркүми вакиллари термиттар ва суваракларнинг ичагида симбиоз яшайды. Улар анча мураккаб тузилган бўлиб, хивчинлари ва кўпинча ядролари ҳам кўп бўлади. Танасида аксостил, мураккаб парабазал аппаратлари ҳамда ядро билан боғлиқ маҳсус таянч аппарати ривожланади. Гипермастигиналар қийин ҳазм бўладиган клетчатканни термитларнинг ҳазм қилишида ёрдам беради.

**6. Опалиналар (Opalina)** түркүмига йирик кўп ядроли кўп хивчинли паразит ҳайвонлар киради. Улар сувда ҳам қуруқликда яшовчилар ичагининг кейинги қисмида яшайди. Опалиналарнинг оғизчаси бўлмайди, шунинг учун озиқни тана юзаси орқали шимиб, сапрофит озиқланади. Опалиналар танаси инфузорияларнинг киприкларига ўхшаб бир текис жойлашган жуда кўп хивчинлар билан қопланган. Шу сабабли улар узоқ вақт мобайнида инфузориялар таркибида ўрганиб келинган. Лекин опалиналарда ихтиослашган ядро бўлмаслиги, жинсий кўпайиши эса гаметаларнинг копуляцияси натижасида содир бўлиши сабабли улар хивчинлilarга яқин туради.

Опалиналарнинг ҳаёт цикли ҳўжайини ҳаёти билан бевосита боғ-

жинсан. Улар йил давомида фақат бир марта жинсий күпаяди. Баҳорда вакъулар тухум қўйниши даврида опалиналарнинг цисталари бақа ичадан сувга гуниади. Цисталарни итбалиқлар ютганида уларнинг ичади цисталардан чиққан опалиналар бир неча марта бўлинишдан кейин бир ядроли жинсий ҳужайралар — гаметаларга айланади. Гаметалар қўлинишдан кейин ҳосил бўлган зиготадан ичакда кўп ядроиди оғалинига етишиб чиқади. Шундан кейин улар бўлиниш йўли билан жинсиз кўпайнишга киришади.

### 3. СПОРАЛИЛАР (SPOROZOA) ТИПИ

Спораличар турли ҳайвонлар ва одам организмидаги паразитлик ғашуви бир ҳужайрали организмлардир. Паразит ҳаёт кечириш таъсирида уларнинг тана тузилиши ҳам бирмунча соддалашади. Уларнинг даракатланни органоидлари, қисқарувчи ва овқат ҳазм қилиш вакуоталари ривожланмаган. Лекин ҳаёт цикли анча мураккаб бўлиб, жинсиз, яшайиши спорогения жараёнлари алмасиб туради. Жинсиз кўпайниш ҳужайронанг кетма-кет бўлиниши (*изогония*) дан иборат.

Жинсиз кўпайниш қўпчилик споралиларда икки хил типдаги гаметалар (анизогаметалар)нинг копудациясидан иборат. Фақат грегариналар бир хил эннидаги гаметалар (изогаметалар) ҳосил қиласади. Зиготаси одетла қалин пўст билан ўралган бўлиб, *ооциста* дейилади. Ооциста ичига спорогения натижасида *спорозоитлар* ҳосил бўлади. Бирқанча споралиларда спорозоитлар ҳам қаттиқ қобиқ ҳосил қиласади. Спорозоитлар ҳосил бўлиши билан паразитнинг ривожлаваниш цикли тугалланади. Споралилар зиготасининг дастлабки бўлиниши мейдоз йўли билан боради. Бу жиҳатдан улар фораминифералар ва барча хивчинилар сингари зигота даврида редукцияга учраган гаплоид хромосомали организмлар ҳисобланади.

Бу типга 4000 дан ортиқ паразит турлар киради. Тип грегариналар (*Gregarinina*) ва кокицидиялар (*Coccidiomorpha*) синфларига ажратилади.

#### 3.1. ГРЕГАРИНАЛАР (GREGARININA) СИНФИ

Грегариналар 500-1000 турни ўз ичига олади. Ҳамма грегариналар умуртқасиз ҳайвонларни паразитлик қиласади. Асосий қўпчилик турлари бўғимоёқлилар, асосан ҳашаротларнинг ичагида яшайди. Айрим вакиллари ҳалқали чувалчанглар, нинатерилилар ва қобиқлиларда ҳам учрайди. Грегариналарни ҳайвонларнинг тана бўшлиғи, жинсий органлари ва бошқа яъзоларида учратиш мумкин.

Грегариналарнинг жинсий кўпайниши ўзига хос бўлиб, бошқа споралилардан кескин фирқ қиласади. Улар орасида бўғимоёқлиларнинг ичади


тіңда яшовчи ұқықиң грегариналар (Eugregarinida) түркүмнің вакиллари әнді мұраккаб түзілған.

**Түзілиши.** Грегариналар хилма-хил шаклда, катталиғи 10 мкм және 16 мм гача бўлади. Тана шакли ва катталиғи уларнинг өмір сөрүнде паразитлик қилишига күп жиҳатдан боғлиқ. Ичакда яшовчи грегариналар анча йирик (16 мм гача) дүксимон, тана бүшнегидан етінгелдік мұраккаб түзілған вакиллари эса юмалоқ шаклда бўлади. Анча мұраккаб түзілған грегариналарнинг танасыда ядрою жойлашган әнді йирик охирға бўлимни дейтомеритдан ва ундан олдингі бўлимни протомеридден иборат (13-расм). Протомеритда ёпишув органи эпимерит жойлашып, Эпимерит оғизча вазифасини ҳам бажаради. Дейтомериг ва протомерит бўлимлари бир-биридан тиниқ цитоплазма қатлами билан ажралиб туради. Бу қатлам эктоплазмадан ҳосил бўлади. Грегариналарнинг эпимерити ичак деворига ёпишинб туриш учун хизмат қизгани сабабли турли шаклга эга бўлади.

Грегариналарнинг танаси ташки томондан мустахкам ислінекүн қобиқ билан қопланған. Цитоплазмаси жуда аниқ чегара билан тиниқ эктоплазма ва бироз қорамтири-қўнгир эндоплазмата ажралиб туради. Эндоплазмада гранула шаклидаги жуда күп запас гликоген зарражана-ри бўлади. Гликоген модда алмашынуви жараёнида күп сарф бўлади. Эктоплазмада кўпинча тана бўйлаб ва ҳалқа шаклда мускул гонапар жойлашган. Бу мускулларнинг қисқариши натижасыда грегариналар танасини қисқартыриши ёки чўзиши мумкин.

Грегариналарнинг ҳаракатланиши органондлари бўйлайди. Негизи-куласыда тана бўйлаб жойлашган маҳсус бурмаларни тўлқунларни ҳаракатланиши натижасыда аста-секин сирланади.

**Кўпайши ва ҳаёт цикли.** Жинсиз кўпайши фақат кам соңын архегрегариналар ҳамда неогрегариналар түркүмлари вакилларыда куатынан түзілған. Асосий кўпчилик грегариналар, хусусан ұқықиң грегариналар түркүмнің вакиллари фақат жинсий йўл билан кўпаяди. Жинсий кўпайиш кўпидагича боради. Танаси маълум бир катталикка етган грегариналар эпимеритини йўқотади, жуфт-жуфт бўлиб бир-бирига ёпишинб, сизигий ҳосил қиласи бўлади. Сизигийдаги ҳар қайси грегаринаның ядрою мус-тақил равинида күп марта митоз йўли билан бўлинади. Ҳосил бўлган ядро бўлакчилари цитоплазма чети бўйлаб жойлашади. Ҳар қайси ядроча атрофига бироз цитоплазма ажралиб чиқиши натижасыда жуда күп жинсий ҳужайралар (гаметалар) ҳосил бўлади. Цитоплазманинг ин-латилемай қолган қисми кейинчалик йўқолиб кетади. Битта сизигийнинг ҳар хил индивидлари (гамонтлари)да ҳосил бўлган гаметалар ўргасыда копуляция содир бўлади (жуфтлашади). Грегариналарда копуляция бир хил гаметалар (изогамия) ёки ҳар хил катталиктаги гаметаларнинг қўшилиши (*анизогамия*) тариқасыда содир бўлиши мумкин. Қўшилиши на-тижасыда ҳосил бўлган зигота қаттиқ пүстга ўралиб ошистага айла-



13-расм. Грегариналар.

А — *Cogycella armata*, Б — *Stylocephalus longicollis*, В — *Gregarina blattarum*, Г — грегарина спораси: 1 — эпимерит, 2 — протомерит, 3 — дейтомерит, 4 — кутикула, 5 — ядро.

нади. Ооциста ичида энди жинсиз күпайиш спорогония содир бўлади. Ооциста ядроси кетма-кет бўлиниб, 8 кичик ядрони ҳосил қилади. Бунда дастлабки икки бўлиниш мейоз орқали содир бўлганидан хромосомалар сони икки баравар камаяди. Ооциста цитоплазмаси ҳам 8 бўлакка ажралади, улардан жуда кичик чувалчангсимон таначалар-спорозоитлар ҳосил бўлади. Ана шундан сўнг ооцисталар бошқа ҳайвонларга юқиши мумкин.

Етилган цисталар ҳайвоннинг ахлати билан чиқиб кетади. Бу цисталар бошқа ҳайвонлар ичагига тушганида улар ёрилиб, ичидан спорозоитлар чиқади. Спорозоитлар жуда ҳаракатчан бўлиб, улар ичак ҳужайраларига кириб олади ва ўсади. Спорозоит танасининг ҳужайрадан ташқарида қолган қисми айниқса кўпроқ чўзилади. Аста-секин эпимерит, протомерит ва дейтомерит ҳосил бўлиб, янги грегарина шаклланади. Шундан сўнг бу жараён яна такрорланади.

Шундай қилиб, грегаринанинг ривожланиш циклини уч босқичга

бўлиш мумкин. Биринчи босқичда грегариналар вояга етади. Иккинчи босқичда жинсий ҳужайралар ҳосил бўлади ва уруғланиш (копуляция) содир бўлади. Учинчи босқичда зигота (ооциста)лар ривожланади ва спорозоитлар ҳосил бўлади.

Грегариналар фақат умуртқасиз ҳайвонларда паразитлик қилгани сабабли катта иқтиносидай аҳамиятга эга эмас.

### 3.2. КОКЦИДИЯСИМОНЛАР (COCCIDIOMORPHA) СИНФИ

Кокцидиясимонлар синфи жуда хилма-хил тузилган 2400 га яқин турни ўз ичига олади. Ҳар хил ҳалқали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар ва умуртқали ҳайвонларда паразитлик қилади. Кокцидиясимонлар ҳужайра ичида паразитлик қилиши билан грегариналардан фарқ қилади. Кўпчилик турларининг ҳаёт цикли жинссиз ва жинсий кўпайиш ҳамда спорогониянинг қонуний галланиши орқали боради. Ҳўжайн алмаштирасдан ривожланадиган турларида спорогония ташқи муҳитда боради. Ҳўжайн алмаштириб ривожланадиган турларида эса спорогония ва жинссиз кўпайиш бошқа-бошқа ҳўжайнлар организмида ривожланади. Жинсий кўпайиши ҳар хил катталикдаги гаметаларнинг копуляцияси (анизогамия) орқали содир бўлади. Макрогамета (тухумҳужайраси) гамонтнинг бўлинмасдан тўғридан — тўғри ўсиши натижасида, микрогаметалар эса гамонт (гаметонид)нинг кўп марта бўлинниши орқали ҳосил бўлади.

Кокцидиясимонларнинг бир қанча турлари уй ҳайвонлари, паррандалар ва балиқларга катта зиён етказади. Улар орасида битта тури одамда ҳам паразитлик қилади. Қўйида кокцидиясимонларнинг энг муҳим туркумлари ва турлари келтирилади.


**1. Кокцидиялар (Coccidiida)** туркуми. Кокцидиялар ҳайвонларнинг ичаги, жигари, буйраги ва бошқа органлари эпителий ҳужайралари ичида паразитлик қилади. Танаси думалоқ ёки овал шаклида. Жинссиз ва жинсий кўпайиши доимо тўғри галланиб туради. Жинссиз кўпайиши кўп марта бўлинниш (шизогония) ёки эндодиогения деб атала-диган икк.ча бўлинниш орқали содир бўлади. Кокцидияларнинг ҳаёт цикли хилма-хил бўлиб, айрим турлари фақат битта ҳўжайнда паразитлик қилади, спорогония даври батамом ёки қисман ташқи муҳитда ўтади. Ҳўжайн алмаштириб ривожланадиган кокцидияларнинг жинссиз кўпайиши битта ҳўжайнда, жинсий кўпайиши ва спорогонияси бошқа бир ҳўжайнда содир бўлади. Қўйида *Eimeria*, *Toxoplasma* ва *Sarcocystis* уруғларига мансуб бўлган кокцидияларнинг ҳаёт циклини кўриб чиқамиз.

**1. Эймерия (Eimeria) кокцидиялари.** Эймерия уруғининг жуда кўп турлари ҳар хил умуртқали ҳайвонлар, хусусан қуёнлар, эчкилар, қўйлар, йирик шохли моллар ва уй паррандаларида паразитлик қила-

ди. Ҳайвонлар кокцидияларнинг ооцисталарини сув ёки ем орқали юқтиради. Ооцисталар жуда кичик бўлади. Қуёnlарда паразитлик қилувчи эймерия ооцисталари узунлиги 12 мкм дан 35 мкм га етади. Ҳар бир ооцистада 4 тадан *споробласт* (спороциста)лар бор. Ҳар қайси спороциста ичидаги эса 2 тадан ингичка чувалчангисимон ҳаракатчан спорозоитлар бўлади. Озиқ ёки сув билан ичакка тушган ооцисталар ва спороцисталар қобиғи емириниб, спорозоитлар ичак бўшлиғига чиқади. Спорозоитлар фаол ҳаракатланиб ичак, жигар, ошқозоности бези ҳужайраларига кириб олади ва озиқланиб ўсуви стадия — *трофозоитларга* айланади. Трофозоитлар тез ўсиб йириклишади. Уларнинг ядроси кўнг марта кетма-кет бўлинниб, кўп ядроли шизонтларни ҳосил қиласди. Шундан сўнг шизонтлар бўлинниб, кўп сонли (32 гача) мерозоитларни ҳосил қиласди (14-расм). Кўп марта бўлинниш орқали жинссиз кўпайиш *шизогония* дейилади. Шизогония натижасида ҳосил бўлган мерозоитлар ичак бўшлиғига чиқиб, қўшини ҳужайраларга кириб олади ва жинссиз кўпайиш яна тақрорланади. Шизогония натижасида паразитларнинг сони кескин кўпайиб кетади. Жинссиз кўпайиш 4-5 марта тақрорлангандан сўнг *мерозоитлардан* жинсий ҳужайралар (гаметалар) ҳосил бўла бошлайди. Бу қуйидагича содир бўлади. Ҳужайраларга кириб олган мерозоитлар жинсий ҳужайралар (гаметалар)ни ҳосил қилувчи *гамонитларга* айланади. Гамонитлардан бир қисми (макрогамонитлар) бўлинмасдан ўсиб етилади ва макрогамета (тухум)ни ҳосил қиласди.

Иккинчи қисми (микрогамонитлар) ўсиб етилгандан сўнг ядро ва цитоплазмаси кўп марта бўлинниб, жуда кўп сонли майдага микрогаметалар (сперматозоидлар)ни ҳосил қиласди. Сперматозоидларнинг танаси чўзиқ бўлиб, иккита узун хивчини ёрдамида фаол ҳаракат қиласди. Сперматозоидлардан бири тухум ҳужайраси ичига кириб, унинг ядроси билан қўшилиши натижасида уруғланиш (копуляция) содир бўлади. Зигота ўзидан икки қаватли мустаҳкам қобиқ ишлаб чиқариб, ооцистага айланади. Ооцистанинг бундан кейинги ривожланиши организмдан ташқарида боради. Ташқи муҳитда ооциста ядроси икки марта бўлинади, ҳар қайси ядро бўлаги цитоплазма билан ўралиб тўртта *споробластлар* ҳосил бўлади. Қаттиқ пўст билан ўралган споробластлар споралар (ёки спороцисталар) дейилади. Ҳар бир споранинг ядроси яна бўлинниб, иккита спорозоитни ҳосил қиласди. Ооциста ана шу даврда инвазияли (зараарлайдиган) бўлиб қолади. Шундай қилиб, ҳар бир инвазияли ооцистадан 4 тадан споралар ва ҳар қайси спорада 2 тадан *спорозоитлар* бўлади. Инвазияли ооциста ҳайвонларнинг ичагига тушганида споралардан ва ооцистадан спорозоитлар чиқади ва ривожланиши яна қайтадан бошланади.

Электрон микроскопда олиб борилган текширишларда кокцидияларнинг анча мураккаб тузилганилиги аниқланган. Уларнинг танаси учта мембронадан ташкил топган пелликула билан қопланган. Пелликула остида эса найсимон *фибрилляр системаси* (субфибрилляр микронайча-



14-расм. Кокцидиялар ҳаёт цикли.

1, 2 — ёш кокцидияларнинг ичак эпителийсида ўсиши, 3-5 — шизогония ва мерозоитлар ҳосил бўлиши, 6, 10 — мерозоитларнинг ичак эпителийсига кириши, 7-9 — мерозоитлардан микрогоаметаларнинг ҳосил бўлиши, 11, 12 — мерозоитлардан макрогоаметаларнинг ҳосил бўлиши, 13 — макро- ва микрогоаметаларнинг қўшилиши, 14 — ооциста, 15-17 — тўрт спорали споробластларнинг ҳосил бўлиши, 18 — спорозоитларнинг чиқини, 19 — спорозоитларнинг ичак эпителийсига кириб олиши.

лар) жойлашган. Мерозоитлар ва спорозоитлар жуда кичик (8 мкм), бир-бирига ўхшаш тузилган ҳужайралардан иборат. Уларда ҳам ҳамма ҳужайраларга ҳосил бўлган органоидлар билан бир қаторда маҳсус органоидлар: коноид, роптриялар, микронемалар ва бошқалар бўлиши аниқланган. Коноид ҳужайранинг олдинги қисмида жойлашган кенг ҳалқа бўлиб, ҳўжайин органлари ҳужайрасига кириб олишда паразит учун таянч вазифасини бажаради. Роптриялар эса паразитнинг ҳужайрага киришини осонлаштирадиган суюқлик сақловчи халтача ҳисобланади. Спорозоитлар ёки мерозоитлар ҳўжайин ҳужайраси билан контактда

бұлғанида роптрыялар ичидаги суюқлик ташқарига түқилади. Роптрыяларнинг сони ҳар хил турларда 2 тадан 14 тағача бўлиши мумкин. Микронемалар роптрыялар билан боғланган толачалардан иборат, уларнинг сони 10-12 та бўлади. Микронемаларнинг функцияси яхши аниқланмаган, улар ҳам роптрыялар сингари қандайдир модда ажратиши тўғрисида тахмин қилинади.


Кокцидиялар ривожланишининг ҳамма стадияларида (микрогаметалардан ташқари) танаасининг олдинги ярмисида фақат электрон микроскопда кўринадиган микропоралар борлиги аниқланган. Микропоралар пелликуланинг ботиб киришидан ҳосил бўлган. Пораларда фақат битта ташқи мембрана бор, иккита ички мембранаси бўлмайди. Кўпчилик олимларнинг фикрича, микропоралар ҳужайра оғизчалари (микроцитостомлар) функциясини ўтайди. Улар орқали ҳужайра ичига ҳўжайин организмидан озиқ моддалар ўтади. Шундай қилиб, кокцидиялар ҳужайра ичидаги паразитлик қиливчи бошқа организмлар сингари бутун тана юзаси орқали яъни осмотик озиқланмасдан, оғизчали орқали озиқни сўриб олади.

Кокцидиялар орасида эймерия авлоди вакиллари турли уй ҳайвонларига паразитлик қилиб, катта зиён келтиради. Кокцидиялар келтириб чиқарадиган касалликлар кокцидиоз дейилади. *Eimeria magna*, *E. perforans*, *E.intestinalis* ва бошқалар қуёnlарда жуда хавфли кокцидиозлар пайдо қиласи. Бу касаллик айниқса, ёш қўенлар учун хавфли бўлиб, кўпинча уларнинг ёппасига қирилиб кетишига сабаб бўлиши билан паррандачиликка катта зиён келтиради. *E.zurni*, *E.smithi* ва бошқалар (10 тур) йирик шохли молларга, кўпроқ ёш бузоқларга зиён келтиради. *E.bovis* қорамолларда қонли ичбуруғ пайдо қиласи. Балиқ ҳўжаликларига эса карп кокцидияси *E.sarcopelli* баликчилик ҳўжаликларига зиён келтиради.

Кокцидиоз касалликларига қарши кураш кокцидияларни ем ёки сув билан ҳайвонларга юқишининг олдини олишга қаратилган профилактикаралардан иборат.

Токсоплазма (*Toxoplasma gondii*) ҳар хил қушлар ва сутэмизувчилар, шу жумладан одамларнинг жигари, талоги, мияси, қон томирлари ва бошқа органларida паразитлик қиласи. Паразит дастлаб 1908 йили француз олимлари Никол ва Мансо томонидан кемирувчиларда аниқланган эди. Узоқ вақт давомида токсоплазманинг бир ҳужайралилар орасидаги систематик ўрни номаълум бўлиб келди. Фақат 1970 йили Дания, Англия ва АҚШ олимлари бир вақтнинг ўзида токсоплазманинг ривожланиши циклини ўрганишганидан сўнг паразитни кокцидиялар туркумига кириши аниқ бўлди.

Токсоплазмаларнинг ҳаёт цикли ҳўжайин алмаштириш орқали боради (15-расм). Ярим ой шаклидаги трофозоитларнинг эни 2-4 мкм, узун-



15-расм. Токсоплазманинг кўпайиши.

А — бўйига бўлиниши. Б — ривожланиш цикли: 1 — мушук ичидаги шизогония ва жинсий кўпайиши, 2-4 — ооцисталарнинг ривожланиши, 5-6 — сичқон танасида кўпайиши, 7- сичқон ҳомиласининг зарарланиши.

лиги 4-7 мкм бўлади. Токсоплазмалар ҳам ҳужайра ичидаги паразитлик қиласи. Электрон микроскопдада текширилганида токсоплазмалар мерозоитлари ҳам бошқа кокцидияларга ўхшашиб бўлиши аниқданди. Токсоплазмаларнинг жинсий кўпайиши эндодиогения йўли билан боради. Эндодиогенияда икки ёш паразит она организм ичидаги ривожланади. Ёш паразиттинг органоидлари (коноиди, ҳалқаси, роптрийси, микронемалари ва бошқалари) она организм ичидаги ядронинг бўлиниши бошланиши билан бир вақтда ҳосил бўлади. Ёш ҳужайраларнинг пелликуласи она ҳужайра пелликуласидан ҳосил бўлади. Ана шундай кўп марта кетма-кет бўлиниш натижасида бир неча ўнлаб мерозоитлардан иборат ўз ҳосил бўлади. Умумий пўст билан ўралган мерозоитлар тўпи циста дейилади. Бундай цисталар зарарланган органларда ёки ҳайвонлар сўлаги, сути, сайдиги, ахлати ва бошқа чиқиндилирида бўлади. Ҳайвонлар цисталарни ютганида ёки касал ҳайвонларни еганида паразитни юқтиради. Цисталар организмга терининг жароҳатланган жойларидан ҳам ўтиши мумкин. Сутэмизувчиларда эса токсоплазмалар йўлдош орқали она организмдан эмбрионга ўтади. Айрим ҳолларда токсоплазмалар қон сўрувчи каналар орқали ҳам юқиши мумкин.

Токсоплазмаларнинг жинсий кўпайиши фақат мушуклар организ-


мида күзатылган. Мушуклар касал кемирувчилардан паразитни юқтиради. Мушук организмінде токсоплазманиң ҳаёт цикли, бошқа кокцидияларда бұлғанидек жинсий күпайиш ва спороцисталар ҳосил бўлиши билан тугалланади. Шундай қилиб мушукларни токсоплазмаларнинг асосий хўжайини, бошқа ҳамма ҳайвонларни эса оралиқ хўжайинлар дейиш мумкин. Лекин токсоплазмаларнинг ҳаёт цикли бошқа споралиларникига (масалан, безгак плазмодийсига) ўхшамайди, чунки жинсий ва жинссиз күпайиш тўғри гапланни турмаганлиги туфайли ҳаёт циклида асосий ва оралиқ хўжайинлар бўлмайди. Токсоплазмалар ҳаёт циклида жинссиз күпайиш устун туради.

Токсоплазмалар ҳайвонларга ҳар хил таъсир кўрсатади. Айрим ҳайвонлар касалликка берилмайди, бошқалари эса жуда таъсирчанилиги туфайли ҳалок бўлиши мумкин. Одамларни токсоплазмоз билан заарланишида уй ҳайвонлари, айниқса, мушуклар катта ўрин тутади. Мушуклар бу касаллик билан энг кўп заарланаади. Бир қанча ҳолларда улар касалликка чалинмасдан паразитни ташувчи бўлиб қолади. Токсоплазмоз билан касалланиш лимфатик система, нерв системаси ва кўзни шикастланишига сабаб бўлади. Одам ва бошқа сутэмизувчилар эмбриони она қорнида токсоплазмоз билан заарланганнида тушиб кетади ёки унинг айрим муҳим органлари оғир жароҳатланади.

**Саркоспоридиялар (Sarcosporidida),** яъни гўшт споралилари турли уй ҳайвонлари (қора моллар, чўчқалар, паррандалар) ва бир қанча ёввойи ҳайвонлар мускулларидан паразитлик қиласади. Улар гўштда узун халта шаклда 0,5-5 мм катталиктаги цисталар ҳосил қиласади. Цисталар ичида юзлаб чувалчангисимон бир ядроли мерозоитлар бўлади (16-расм).

Гўшт споралиларининг ҳаёт цикли кокцидияларга ўхшаб кетади, лекин ривожланиши иккита хўжайинда ўтади. Ўтхўр сутэмизувчилар ва паррандалар паразитнинг оралиқ хўжайини ҳисобланади. Улар организмінде паразит жинссиз шизогония йўли билан күпайади. Йиртқич ҳайвонлар (мушуклар, итлар) ва одамлар асосий хўжайин бўлиб, улар организмінде паразитнинг жинсий бўғимлари ривожланади. Гўшт билан асосий хўжайин организмига тушган цисталардан жуда кўп цистозоидлар чиқади ва улар ичак эпителийси ҳужайраларига кириб олади. Ҳужайра ичида микро- ва макрограмонтлар, улардан эса микро- ва макрограметалар етишиб чиқади. Уруғланишдан кейин ҳосил бўлган зигота устига пўст чиқариб ооцистага айланади. Ҳар бир ооциста ичида 2 тадан спора ҳосил бўлади. Ем билан оралиқ хўжайин организмига тушган ооцисталардан спорозоитлар чиқади. Спорозоитлар қон орқали қон томирлари девори (эндотелий)га, сўнгра мускулларга ўтиб олади. Бу ерда улар юқорида таърифланган эндодиогения типда тез кўпайиш орқали халтага ўхшаш йирик цисталарни ҳосил қиласади.

Гўшт споралилари билан заҳарланган ҳайвонларда одатда касал-




16-расм. Саркоспоридиялар (Sarcocystis).

А — паразиттінг гүштдеги цисталари (табиий каттагалықда), Б — циста ёриб күрсатылған: 1 — мускул толасы, 2, 3 — биректирувчы тұқима, 4 — циста пусты, 5 — камералар орасындағы түсік, 6 — камера ичидағы цистозондлар.

ланиш аломатлари кам сезилади. Айрим ҳолларда паразит организмдеги жуда тез күпайиб кетганида касалланиш аломатлари пайдо бўлиши мумкин.

**2. Қон споралилари (Haemosporidia) туркуми.** Қон споралилари хўжайин алмаштириб ривожланадиган бир неча ўнлаб турларни ўз ичига олади. Уларнинг жинсий кўпайиши қон сўрувчи пашшалар ичагида, жинссиз кўпайиши эса одам ва бошқа умуртқалилар (қушлар, сутэмизувчилар, судралиб юрувчилар) организмидә боради. Пашшалар уларнинг асосий хўжайини, одам ва умуртқали ҳайвонлар эса оралиқ хўжайини ҳисобланади. Қон споралиларининг спорогонияси (спора ичида кўпайиши) ҳеч вақт ташқи муҳитда эмас, балки одатда пашшалар организмидә боради. Бу ҳашаротлар қон споралиларини ташувчилар ҳисобланади.

**Безгак плазмодийси (*Plasmodium*)нинг ҳаёт цикли.** *Plasmodium* уруғига одамда паразиттик қилувчи түртта тур киради. Бу плазмодийларнинг ҳаёт цикли бир-бирига ўхшаш бўлиб, куйидагича боради. Безгак пашшаси (*Anopheles*)нинг ургочиси одам қонини сўрганида (эркак пашшалар қон сўрмасдан, балки гул нектари билан озиқланади) қонга безгак плазмодийсининг жуда кўп спорозоитларини ўтказади (17-расм). Плазмодий спорозоитлари 5-8 мкм келадиган жуда кичик чувалчангисимон бир ядроли ҳужайралар бўлиб, тузилиши кокцидияларнинг спорозоитларига ўхшайди. Лекин коноиди бўлмайди. Спорозоитлар қон оқи-



17-расм. Безгак паразитининг ҳаёт цикли.

1 — пашша сўлак безидан одам қонига чиқаётган мерозоитлар; 2, 3 — спорозоитларнинг жигар ҳужайраларида кўпайиши; 4 — шизогония йўли билан спорозоитлардан мерозоитларнинг ҳосил бўлиши; 5-11 — эритроцитларда шизогония йўли билан мерозоитларнинг кўпайиши; 12,13 — макрогаметоцит стилиши, 14, 15 — микргаметоцитларнинг стилиши, 16, 17 — макргамета ва микргаметалар ҳосил бўлиши ва уларнинг қўшилиши, 18 — зигота ооқинеталарининг пашша ичаги ҳужайраларига кириши, 19, 20 — спорозоитлар ҳосил бўлиши ва тана бўшлиғига чиқиши, 21 — спорозоитларнинг пашша сўлак безига ўтиши; 22-26 — паразиттининг одам ҳужайраларида ривожланиши.

ми билан бутун танага тарқалиб кетади. Улар жигар ва қон томирлари эндотелийсиси (ички қоплама қавати) ҳужайраларига кириб олиб, трофозоит ва шизонт стадияларини ўтайди. Жинссиз кўпайиш (шизогония) натижасида шизонтлардан жуда кўп бир ядроли ҳужайралар — мерозоитлар ҳосил бўлади. Мерозоитлар энди заарланган органнинг бошқа ҳужайраларига ва қон эритроцитларига кириб олиб ўсади. Паразитнинг эритроцитлар гемоглобини ҳисобида озиқланиб ўсадиган стадияси *трофозоитлар* дейилади.

Ривожланишнинг бошланиш даврида трофозоитлар танасининг марказида вакуоли бўлганилиги сабабли узук шаклида кўринади. Кейинроқ вакуола аста-секин йўқолади ва паразит амёбасимон шаклга киради. Трофозоитлардан бўлинниб кўпаювчи *шизонтлар* ҳосил бўлади. Ўсаётган трофозоитларда кокцидиялар мерозоитларидагига ўхшаш ультрацитостом бўлиши аниқланган. Шизонтлар эритроцит ҳужайрасини тўлдириб олади. Паразит эритроцитлар гемоглобинининг бир қисмини ҳазм қиласди, ҳазм бўлмасдан қолган қисми эса қорамтири пигмент меланинга айланади. Ҳар қайси эритроцитлардаги ҳар бир шизонт бўлинниб (шизогония) 10-20 мерозоит ҳосил қиласди. Мерозоитлар эритроцитларни емириб, қон плазмасига чиқади ва янги эритроцитларга кириб олади. Жинссиз кўпайиш яна такрорланади.

Эритроцитлар емирилганида қонга меланин билан бирга заҳарли моддалар алмашинув маҳсулотлари чиқарилади. Заҳарли маҳсулотлар таъсирида одам организмидаги моддалар алмашинуви ўзгариб, тана ҳарорати кескин кўтарилади ва безгак ҳуруж қила бошлайди. Бир неча марта жинссиз кўпайиш (шизогония) циклидан кейин паразит кўпайишдан тўхтайди. Эритроцитларга кирган *мерозоитлар* ўсиб, шизонтларни эмас, балки бўлинмайдиган *гаметоцитлар*, яъни гамонтлар (гамета ҳосил қилувчи ҳужайралар)ни ҳосил қиласди. Эритроцитлардаги гаметоцитлар икки типда: бирмунча йирик макрогаметоцитлар ва кичикроқ микрогаметоцитлар бўлади. Гаметоцитларнинг бундай кейинги ривожланиши фақат безгак пашшаси (*Anopheles*) танасида давом этади. Ургочи пашша қон сўрганида унинг ичидаги *макрогаметоцитлар* йирик макрогаметаларга айланади. *Микрогаметоцит* ядроси бўлинниб 5-6 тачувалчансимон ҳаракатчан ва майда микрогаметаларни ҳосил қиласди. Пашша ичаги бўшлиғида микро- ва макрогаметалар қўшилиб кади ва уруғланиш содир бўлади. Ҳосил бўлган зигота жуда ҳаракатчан бўлгани сабабли *оокинета* дейилади. Зигота пашша ичаги деворини тешиб киради ва унинг устки, тана бўшлиғига қараган томонига ўтиб олади. Бу ерда зигота эластик пўст билан ўралиб, ооцистага айланади. Ооциста ичак деворида жуда тез ўсади, унинг ҳажми бир неча юз баробар катталашади. Ўсган сайин ядроси ҳам кўп марта бўлина боради. Бу жараён ооциста ичидаги жуда майда (14 мкм гача) ингичка бир ядроли кўп сонли (битта ооцистада 10 минггача) ҳаракатчан

спорозоитларни ҳосил бўлиши билан тугалланади. Ооциста қобиги ёрилгандан сўнг спорозоитлар тана бўшлиғи суюқлиги (гемолимфа)-га чиқади. Тана суюқлигидан спорозоитлар пашшанинг сўлак безлари-га, сўнг сўлак чиқарувчи найларга ўтиб олади. Пашша чаққандан паразитлар яна одам қонига ўтади ва жинссиз цикл бошланади.

Шундай қилиб, безгак плазмодийларининг ҳаёт цикли фақат хўжайнилар (пашша ва одам) организмида ўтади. Шунинг учун у ноқулай ташқи муҳитдан ҳимояланишга имкон берувчи қаттиқ пўст билан қопланган спора ҳосил қиласади.

Одам организмида безгак касалини пайдо қилувчи *Plasmodium* авлодининг 4 тури (*P.vivax*, *P.malariae*, *P.falciparum*, *P.ovale*) учрайди. Улар бир-биридан айрим морфологик ва биологик хусусиятлари билан фарқ қиласади. *P.malariae* турида жинссиз цикл бинобарин безгакнинг ҳуруж қилиши ҳар 72 соатда такрорланиб туради. Шунинг учун бу тур пайдо қиласадиган касаллик 4 кунлик безгак дейилади. *P.vivax* жуда кенг тарқалган қон паразити бўлиб, шизогония ҳар 48 соат давом этади, безгак ҳам ҳар 3 кунда ҳуруж қилиб туради. *P.falciparum* паразитида шизогония 24 ёки 48 соат давом этади, лекин безгак ҳуружи узоқ давом этгани сабабли энг хавфли ҳисобланади. *P.falciparum* пайдо қиласадиган касаллик тропик безгак деб аталади. *P.ovale* жуда кам, фақат Африкада учрайди.

Безгак плазмодийси одам қонига ўтгандан сўнг касаллик аломатлари пайдо бўлгунча бирмунча вақт ўтади. Бу вақт касалликнинг инкубация даври одатда 2 ҳафта давом этади. Баъзан 6 ойгача ва ундан кўпроқ ҳам давом этиши мумкин. Касаллик ҳароратнинг жуда тез ва кескин ( $40^{\circ}$  ва ундан юқори) кўтарилиши билан бошланади. Бирордан сўнг ҳарорат яна меъёрга келади, лекин иситмалаш ҳар доим маълум вақт (24, 48 ёки 72 соат) ўтгандан сўнг такрорланиб туради. Безгак ҳуружи шизогония натижасида ҳосил бўлган мерозоитларнинг эритроцитлардан қон зардобига чиқиши даврига тўғри келади. Мерозоитларнинг эритроцитларга кириб олгандан сўнг янги шизогонияга қадар касаллик ҳуружи тўхтайди. Безгак касаллигига кучли анемия (кам қонли)лик пайдо бўлади. 1  $\text{mm}^3$  қондаги эритроцитлар сони нормадаги 5 млн.дан бир млн.гача тушиб қолади. Касалланган кишининг қони, жигари ва талогида меланин тўпланиб қолади. Жигар шишиб кетади.

Безгак ер юзида энг кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, асрлар давомида жуда кўп одамларнинг ястигини қуритган. XIX аср охиригача касалликнинг сабаблари номаълум бўлиб келган. Фақат ўтган аср охирида ва XX аср бошларида безгак паразити топилиб, унинг ҳаёт цикли ўрганилгач, касалликка қарши кураш олиб бориш имкони туфилди.

Безгак касаллиги XIX асрнинг охири ва XX асрнинг 40-йилларига-ча Кавказ, Марказий Осиё, Волганинг ўрта ва қўйи қисмида ва Украи-

нада жуда көнг тарқалган эди. 1935 йилнинг ўзида мазкур ҳудудларда 9 млн. киши безгакка чалинганлиги маълум. Ўша даврда безгак Африка, Жанубий Америка, Осиё ва Европадаги жуда кўп мамлакатларда тарқалган эди. 30-йилларда фақат Ҳиндистоннинг ўзида ҳар йили 100 млн.дан ортиқ киши безгак билан оғриганлиги маълум.

Безгак касаллиги ва унинг қўзғатувчисини ўрганишда ҳамда безгакка қарши кураш чораларини ишлаб чиқишида рус олимларидан В.Я. Данилевский, И.И. Мечников, Е. Марциновский, В.Н. Беклемишев, Д.Л. Романовский ва С.М. Исаевлар, француз Ш.Л.А. Лаверан, инглиз Р. Росс, италиялик Д.Б. Грасси ва бошқаларнинг хизматлари foят каттадир.

Бизнинг мамлакатимизда безгакка қарши кураш бирданига бир қанча йўналишда олиб борилди. Биринчи наъбатда безгак билан касалланган ҳамма кишилар маҳсус система асосида мажбурий даволаниш курсларидан ўтказилди. Безгак пащасининг тез кўпайишини олдини олиш мақсадида қўлмак сувлар ва ботқоқликлар қуритилди. Пащашалар ва унинг личинкалари турли усууллар билан шу жумладан кимёвий воситалар ёрдамида қириб ташланди. Бу тадбирлар натижасида XX асрнинг ўрталарига келиб безгак касаллиги Ватанимизда бутунлай тутатилди. Ҳозир бу касаллик бутун Европа ҳудудида ҳам тутатилди. Лекин безгак Жанубий ва Марказий Америка, Осиё, айниқса, Африка мамлакатларида ҳозир ҳам көнг тарқалган. Ҳиндистонда ҳар йили 200 мингта яқин киши безгак билан касалланиши маълум. 1984 йили ер юзида 400 млн. киши безгак билан оғриган.

Безгак плазмодийси сутэмизувчиларда ва қушларда ҳам учрайди. Ҳайвонларга безгак паразитини *Aedes*, *Culex* ва бошқа авлодга кирувчи пащашалар тарқатади. Масалан, *Aedes* пащаси товуқлар қонида паразитлик қилувчи безгак плазмодийси (*P.galli*)ни тарқатади. Бу паразит тропик мамлакатларда товуқлар орасида эпизоотияга сабаб бўлиши мумкин.

Кейинги пайтларда пащашаларга қарши курашнинг биологик методлари тобо ҳа кўпроқ ёйилмоқда. Ҳусусан, иқлим бир мунча илиқ бўлган жойларда безгак пащаси личинкасини йўқотиш учун ҳовуз ва қўлларда гамбузия балиғи кўпайтирилмоқда. Шунинг билан бирга безгак юқтирувчи пащашаларга қарши генетик методлар ҳам ишлаб чиқилди. Бунинг учун эркак пащашалар йиғиб, рентган нури таъсирида стериллангач, табиатга қўйиб юборилади. Бу эркак чивинлар урғочисини уруғлантиради, лекин уруғланган тухумдан личинка ривожланиб чиқмайди ёки тухумдан чиқсан личинка нормал ривожлана олмайди.

**3. Пироплазмидлар (Piroplasmida) туркуми.** Бу туркумга сутэмизувчилар қони эритроцитларида паразитлик қилувчи жуда кичик организмлар киради. Улар ҳаёт циклининг бир қисми сутэмизувчилар организмида, иккинчи қисми қон сўрувчи яйлов каналари (*Ixodidae*

оиласи) организмида содир бўлади. Бу туркум бабезидлар (*Babesidae*) ва тейлеридлар (*Theileriidae*) оиласига олади.

Бабезидлар оиласига мансуб бўлган бабезия (*Babesia*), пироплазма (*Piroplasma*) ва бошқа авлодлар вакиллари эритроцитлар ичидаги 2 ёки 4 та мерозоитларга бўлинади (3б-расм). Тейлеридлар оиласига мансуб бўлган тейлерия (*Theileria*) уруғи турлари эса дастлаб лимфатик түгунлар ва айрим қон ҳужайралари (лимфоцитлар ва бошқалар)да паразитлик қилиб, шизогония йўли билан кўпаяди. Шундан сўнг эритроцитларга ўтиб олади ва яна бўлинниб кўпаяди. Пироплазмидлар кўпайиши ва фаолияти эритроцитларнинг ёмирилишига сабаб бўлади, лекин меланин ҳосил бўлмайди. Паразит ҳужайра ичидаги жинссиз йўл билан кўпаяди. Тейлерия паразитларини ҳам каналар юқтиради. Айрим ҳолларда тейлериоз билан касалланган ҳайвонларнинг 60-80 фоизи нобуд бўлади. Касал молларнинг сути ичишга ярамайди.


#### 4. МИКСОСПОРИДИЯЛАР (MYXOSPORIDIA) ТИПИ

Миксоспоридиялар типи икки синф: миксоспоралилар (*Myxosporea*) ва актиномиксидлар ёки актиноспоралилар (*Actinosporea*) синфларини ўз ичига олади. Умуртқасиз ҳайвонлар ва тубан умуртқалилар (асосан, балиқлар, ҳалқали чувалчанглар, баъзан судралиб юрувчилар) тана бўшлиғи, тўқималар ва ҳужайраларида паразитлик қиласиди. Ҳаёт цикли паразитлик қилувчи вегетатив стадия (трофонт) ва тарқалиш учун хизмат қилувчи споралик стадияларини ўз ичига олади. Паразитлик қилувчи стадияси икки тицдаги (вегетатив ҳам генератив) ҳужайралардан иборат. Миксоспоридиялар асосан жинссиз кўпаяди. Генератив ҳужайралардан редукцион (мейоз) бўлинниш натижасида жуда кўп споралар ҳосил бўлади. Спораларда спирал ўралган отилувчи ипчаси, капсула ва амёбасимон кўпинча икки ядроли муртаги (спорозоити) бўлади. Споралар хўжайин организмига тушиб қолганида отилувчи иплар капсуладан отилиб чиқиб, спорани ичак деворига ёпишиб олишига ёрдам беради.

Миксоспоридиялар яқин вақтгача книдоспоридлар таркибига киритилиб келинган эди. Ҳозирги систематикада книдоспоридиялар миксоспоридияларнинг синоними ҳисобланади.

##### 4.1. МИКСОСПОРАЛИЛАР (MYXOSPOREA) СИНФИ

Миксоспоралилар ёки шилимшиқ споралиларга асосан балиқларда, баъзан судралиб юрувчиларда паразитлик қилувчи бир неча юз туркиради. Улар табиатда жуда кенг тарқалган, ҳамма сув ҳавзаларида учрайди. Айрим миксоспоралилар балиқлар, айниқса, балиқ чавоқлари (еш балиқлар)да оғир касаллик пайдо қиласиди ва балиқчиллик ҳўжалликларига катта зиён келтиради.



18-расм. Миксоспоридия.

А — Мухоболus pfeifferi билан заарланган балиқ. Б — паразит: 1, 2 — қуролланмаган паразит капсуласини олдинги ва ён томондан күрениши, 3 — қуролланган капсула.

Миксоспоралилар тұқымалар ва тана бүшлиғида яшайды, ҳар хил органлар, жабралар, тери, мускуллар, үт ва сийдик пұфаклари, тоғай ва бошқаларни заарлайды. Органлар бүшлиғида учрайдиган вояға етган миксоспоралилар күп ядроли амёбага үхшаш бўлади (18-расм). Уларнинг катталиги бир неча мкм.дан 2 см.гача келади. Тұқымаларда паразит 1-2 см ва ундан ҳам йириқроқ цисталари шишлар ҳосил қиласди. Цисталари күп ядроли бўлиб, плазмодий танаси билан тўлган. Ядролари икки хил: *вегетатив* ва *генератив* ядроларга бўлинади. Вегетатив ядролари ўсиш ва моддалар алмашинуви, генератив ядролар эса кўпайиш функциясини бажаради. Генератив ядролар атрофига цитоплазма ажралиши натижасида жуда күп генератив ҳужайралар ҳосил бўлади. Бу ҳужайралар плазмодий танасида ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлади. Генератив ҳужайралар ядроининг бир неча марта бўлиниши натижасида күп ядроли споробластлар шакланади. Ҳар бир споробласт ичида 2 тадан күп ядроли спора ҳосил бўлади.

Миксоспоралилар спораси жуда хилма-хил ва мураккаб тузилган бўлиб, кўпинча икки, баъзан 3-6 тавақали бўлади. Спора ичида отувчи капсуласи, капсула ичида эса отилувчи ип ўрами жойлашган. Споранинг бүшлиғида эса икки ядроли амёбасимон муртаги жойлашган. Шу сабабли бундай спорани дафъатан күп ядроли дейиш мумкин.

Спораларнинг ташқи томондан қаттиқ пўст билан қопланган ва кўпинча узун ўсимталари бўлади. Балиқ танасидан сувга тушган спораларни бошқа балиқлар ютиши мумкин. Ичақда овқат ҳазм қилиш шираси таъсирида отилувчи ипчалар капсуладан отилиб чиқиб, ичак деворига санчилади. Споранинг тавақалари очилиб, амёбага үхшаш паразит чиқади ва ичак эпителийси орқали қонга ўтиб олади. Паразит

қон орқали турли органларга боради. Унинг ядролари бўлиниши натижасида кўп ядроли плазмодий ҳосил бўлади. Кейинчалик плазмодийда генератив ядролар шаклланади ва спора ҳосил бўлади.

Миксоспоридияларнинг генератив ва вегетатив ядролари диплоид хромосомали бўлади. Фақат спора ҳосил бўлиш жараёнида мейоз натижасида ядролар гаплоид бўлиб қолади. Бунинг натижасида спора ҳосил қилувчи ядролар (шу жумладан амёбасимон муртак, отувчи капсула ва тавақаларнинг ядролари) гаплоид бўлади. Фақат амёбасимон муртакнинг спора ичидан чиқишидан олдин муртак ядролари жуфт-жуфт бўлиб қўшилиши натижасида диплоид ядро ҳосил бўлади. Жинсий кўпайиш ана шундай содир бўлади ва уни *автогамия* дейилади.

Шундай қилиб, жинсий кўпайиш хусусияти ҳамда ҳаёт циклида ядросининг гаплоид ва диплоид фазалари нисбати ўзига хос бўлиши билан миксоспоридиялар бошқа споралилардан кескин фарқ қиласди. Уларда хивчинли стадияси бўлмайди. Бу билан миксоспоридиялар бошқа споралиларга ўхшаб хивчинлиларга эмас, балки сохта оёқлиларга яқин туради.

Бир ҳанча миксоспоридиялар тури балиқларнинг кўплаб нобуд бўлишига сабаб бўлади. Гулмой форел ўстириладиган хўжаликларга мия миксозомаси *Myxosoma serebralis* катта зиён келтиради. Паразит ёш балиқлар тоғай тўқимасини заарлаб уларнинг умуртқаларини қийшайишига сабаб бўлади. Ярим ҳалқа наилари заарланиши натижасида балиқларнинг тана мувозанати бузилади. Улар ўз ўқи атрофида айлана бошлайди ва ҳалок бўлади. Кудоа (*Kudoa*) уруғига кирувчи миксоспоридиялар овланадиган денгиз балиқларига катта зиён келтиради. Бу паразитлар балиқ мускулларини автолизи (емирилиб, суюқланиши)га сабаб бўлади. Касалланган балиқлар истеъмол қилишга ярамайди.

Актиномиксидлар ёки актиноспоралилар (*Actinosporea*) синфи вакиллари ҳалқали чуватчанглар ва сипункулиларда паразитлик қиласди. Улар миксоспоралилардан спорасининг янада ҳам мураккаброқ тузилиши билан фарқ қиласди.

## 5. МИКРОСПОРИДИЯЛАР (MICROSPORIDIA) ТИПИ

Микроспоридиялар ҳужайра ичидаги паразитлик қиласди, асосан ҳар хил бўғимоеқлиларни, баъзан умуртқали ҳайвонлар (асосан балиқларни) заарлайди. Бу тилга 900 га яқин тур киради. Спорасида отилувчи или бўлиши билан улар қисман миксоспоралиларга ўхшаб кетади. Лекин микроспоридиялар спораси юқорида қайд қилинганидек кўп ҳужайрали, микроспоридияларнинг спораси бир ҳужайрали бўлади.

Микроспоридиялар спораси жуда кичик (4-10 мкм) бўлиб, қаттиқ пўст билан қопланган. Спора ичидаги спирал ўралган итласи ва икки ядроли муртак (*спороплазма*) бор (19-расм).

Микроспоридияларнинг ҳаёт цикли ҳам миксоспоридияларнига ухшаш бўлади. Спораси озиқ билан хўжайини ичига тушганида отувчи капсуладан отилиб чиқсан ипчаси ичак эпителийсига ботиб киради. Ип билан бирга спорадан чиқсан икки ядроли спораоплазма эпителий ҳужайрасига кириб олади. Хўжайнин ҳужайрасида паразит шизогония орқали кўпайиб, кўп ҳужайрали занжирни ёки кўп ядроли плазмодийни ҳосил қиласди. Шундан сўнг плазмодий танаси ва занжир алоҳида ҳужайраларга ажралиб кетади. Ядролар бир марта бўлингандан сўнг ҳар қайси ҳужайра икки ядроли бўлади. Ҳужайра қаттиқ пўст билан ўралиб, спора ҳосил қилиш жараёнида плазмодийнинг иккала ядроси бир-бири билан қўшилади. Шундан кейин келадиган спорогония жараёнида юқорида таърифланган бир ҳужайрали споралар ҳосил бўлади. Спора ичидаги ядроларнинг қўшилиши жинсий кўпайиш процессидаги жинсий ҳужайраларнинг қўшилишига ўхшайди.


Асалариларнинг ўрта ичаги эпителий ҳужайралари, баъзан мальпиги найчалари, гемолимфаси, тухумдонлари ва сўлак безларида *Nosema apis* паразитлик қиласди. Овал шаклдаги паразитнинг узунлиги 5-6 мкм бўлиб, ичак ҳужайраларининг емирилишига сабаб бўлади. Заарланган арилар ичбуруг касаллигига йўлиқиб, кучсизланади, яхши учоммайди ва кўпчилиги ҳалок бўлади.

*Tut ipak қурти ноземаси* (*Nosema bombyci*) ифлосланган тут барги орқали ипак қуртига юқади. Ичак эпителийси орқали қонга ўтган паразит қуртнинг ҳамма органларини заарлайди. *N.bombyci* (19-расм) қуртларда “қора сон” (пебрина) касаллигини пайдо қиласди. Касалланган қуртларнинг териси қорамтири доғлар билан қопланади. Бундай қуртлар ахлати орқали ташки муҳитга жуда кўп споралар чиқади ва бошқа қуртларни ҳам заарлайди. Касалланган қуртлар кўпинча ҳалок бўлади. Кучсиз заарланган қуртлар ҳалок бўлмасдан пилла ичидаги фумбакка айланади. Фумбакдан нозема билан заарланган капалак чиқади. Капалак эса заарланган тухум кўяди. Шундай қилиб, касаллик наслдан-наслга ўтади.

Микроспоридияларнинг айрим турлари балиқларнинг

19-расм. Нозема микроспоридиясининг ипак қурти ичаги эпителийсида ривожланиш цикли.

Чапда — қурт ичаги эпителийсида жинсий кўпайиши ва спора ҳосил қилиши, ўнгда — спорани ҳужайрадан чиқиши ва амёбасимон паразит ҳосил бўлиб, қурт ичаги эпителий ҳужайрасига кириб олиши.



мускулида ва бириктирувчи түқималарида паразитлик қилиб, баъзан катта зиён етказади. Шимолий дарёларда яшайдиган балиқлардан баъзи бир турлари микроспоридиялар билан касалланиш натижасида кўплаб (25-50%) ҳалок бўлиши аниқланган. Айрим микроспоридиялар овланадиган ва қўлда боқиладиган моллюскалар, қисқибакасимонлар ва мўйнали ҳайвонларга ҳам катта зиён келтиради. Микроспоридиялар одамни ҳам заарлаши ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкинлиги аниқланган.

Асалари ва тут ипак қуртларида микросоридоз касаллигига қарши курашиш асосан профилактика тадбирларидан иборат. Заарланган ари оиласлари дезинфекция қилинади. Кучли заарланган оиласларни қириб ташлашга тўғри келади. Тут ипак қуртида пебрина касаллигини олдини олиш мақсадида капалак тухумлари текширишдан ўтказиб турилади. Паразит спораси топилган партиялардаги тухумлар оловда куйдирилади.

Микроспоридиялар орасида ҳар хил паразит чувалчанглар ва бўғимоёқлilarда паразитлик қилиб, уларни ёппасига қирилиб кетишига сабаб бўлувчи 300 дан ортиқ тури аниқланган. Шунинг учун кейинги даврда микроспоридиялар ёрдамида заарқунанда ва паразит ҳайвонларга қарши биологик кураш чораларини ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.


## 6. ИНФУЗОРИЯЛАР (INFUSORIA, CILIOPHORA) ТИПИ

Инфузориялар энг мураккаб тузилган бир ҳужайрали ҳайвонлардир. Уларнинг ҳаракатланиш органоидлари тана сиртида жойлашган жуда кўп киприклардан иборат. Айрим инфузорияларда киприклар ҳаётнинг маълум бир даврида ҳосил бўлади. Ҳамма инфузорияларда дифференциялашган, тузилиши ва функцияси билан бир-биридан аниқ фарқ қиласидиган катта ва кичик ядролар бўлади. Катта ядро макронуклеус битта бўлиб вегетатив, кичик ядро битта ёки бир нечта бўлиб, генератив ядро дейилади. Инфузорияларнинг жинсий кўпайиши бошқа барча ҳайвонлардан фарқ қиласиди. Конъюгация деб аталадиган бундай кўпайиш иккита инфузориянинг бир-бирига яқинлашуви, улар ўртасида мувакқат боғланишининг ҳосил бўлиши ва ядролар алмашинуви тариқасида боради. Кўпчилик инфузориялар денгизларда ва чучук сув ҳавзаларида, айрим турлари тупроқда ҳаёт кечиради. Улар орасида паразитлик қилиб яшовчи турлари ҳам бор.

Инфузориялар типига 8000 дан ортиқ тур киради. Улар киприкли инфузориялар ва сўрувчи инфузориялар синфларига ажратилади.

## 6.1. КИПРИКЛИ ИНФУЗОРИЯЛАР (СИЛАТА) СИНФИ

**Түзилиши.** Бу синфга инфузориялар типининг күпчилик турлари киради. Киприкли инфузориялар бир ҳужайралилар орасида анча йирик ҳайвонлар. Танасининг катталиги 30-40 мкмдан 1 мм.гача ва ундан ҳам йирикроқ бўлади. Киприклар улар ҳаётининг ҳамма даврларида сақланиб қолади. Цитоплазмаси икки қатламга — ташқи эктоплазма ва ички эндоплазмага аниқ ажралиб туради. Эктоплазма сиртдан эластик ва пишиқ пелликула билан қопланган (20-расм). Пелликула икки қаватли бўлиб, ҳар қайси қавати иккита мембранадан ташкил топган. Иккала қават оралиғи очиқ бўлади. Пелликула сирти бир-бири билан




20-расм. Инфузориялар.

А — туфелька (1 — опдинги томони, 2 — ҳазм вакуолалари, 3 — микронуклеус, 4 — киприклар, 5 — ҳалқум, 6 — озиқ қолдигининг чиқарилishi, 7 — қисқарувчи вакуола, 8 — макронуклеус, 9 — трихоцисталар, 10 — қисқарувчи вакуоланинг йифувчи найлари; Б — ўтрой инфузория сувойка (1, 2 — бўлининг кўпайиши, 3 — субстратдан узилиб чиқсан сувойка, 4 — жинсий конъюгация); В — кавш қайтарувчи ҳайвонлар ошқозонидан олинган офириосколекс инфузорияси (1 — озиқни ҳайдовчи киприклар, 2 — ҳалқум, 3-5 — киприклар, 6 — микронуклеус, 7 — макронуклеус, 8 — вакул; Г — балиқлар паразити ихтиофториус; Д, Е — ихтиофториуснинг кўп марта бўлининг кўпайиши).

туташиб, турли шакллар ҳосил қылувчи йүғон толалар ёрдамида жуда күп катакчаларга бўлинган. Катакчалар пелликула сиртини панжарага ўхшаб ўраб туради. Катакчаларнинг шакли ҳар хил, туфелька инфузориясида улар олти бурчакли асалари инларига ўхшайди (21-расм). Пелликулада толалар таянч скелет функциясини ўтайди ва инфузория танасининг муайян шаклини белгилаб беради.

Инфузориялар киприкларининг ультраструктураси хивчинларга ўхшаш бўлади. Киприклар эктоплазмада жойлашган кинетосом (базал танача)лардан бошланади. Киприкнинг кўндаланг кесимини электрон микроскопда текшириб унинг марказида иккита, четларида эса 9 та қўша бўлиб жойлашган фибриллалар (толачалар) борлигини аниқлаш мумкин. Кўш фибриллалар кинетосомага ўтгандан кейин учта бўлиб қолади. Киприкчалар локомотор функциясини бажаради. Туфелька инфузорияси сиртида жойлашган киприкчалар эшкакчаларга ўхшаш бир томонга бирданига синхрон силкинади ва ҳайвон сузуб кетади. Туфельканинг киприклири бир хил узунлиқда ва тана сиртида бир текис жойлашган. Шунинг учун туфелькага ўхшащ тенг киприклилар дастлабки содда тузилган инфузориялар ҳисобланади. Бошқа инфузорияларнинг киприклири тананинг маълум бир қисмларида тўп-тўп бўлиб жойлашади ёки айрим киприклар бир-бири билан ёпишиб, анча йирик ва кучли локомотор аппаратни ҳосил қилиши мумкин. Агар бир ёки икки қатор жойлашган киприклар бирга қўшилган бўлса, тўлқинланувчи парда



21-расм. Туфелька инфузорияси танаси ташқи қаватининг электрон микроскопда кўриниши:

1 — олти бурчак ҳосил қиладиган пелликула қобиқ, 2 — киприклар, 3 — базал таначалар (кинетосомалар), 4 — толачалар (фибриллар), 5 — трихоонисталар.

яъни мембрана ёки мембрanelла (парданинг узунлигига қараб) ҳосил қиласди. Бир-бирига яқин турган киприклар мүйқаламга ўхшаб ёпишиб үррү ҳосил қиласди. Оғиз тешиги атрофидаги киприклар ихтисослашиб озиқасини оғиз тешигига ҳайдовчи аппаратни ҳосил қиласди.

Күпчилик инфузорияларнинг эктоплазмасида калта таёқчага ўхшаш таначалар-трихоцисталар жойлашган. Трихоцисталар тана сиртига нисбатан перпендикуляр жойлашган бўлиб, пелликуланинг сиртқи қаватига маҳсус ўсимта орқали тегиб туради. Трихоцисталар ҳимоя вазифасини бажаради. Бирон қўзғалиш таъсирида, масалан, сувнинг кимёвий таркиби ўзгарганда ёки йиртқич ҳайвоnlар ҳужум қилганида трихоцисталар ташқарига отилиб чиқиб, узун таранг ипчаларни ҳосил қиласди. Ипчалар душман танасига ботиб кириб, уни чўчитади. Йиртқич инфузорияларда трихоцисталар ўлжани фалажлаш хусусиятига эга. Трихоцисталар қандайдир фалажловчи заҳарли модда ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлса керак, деган тахминлар мавжуд.

Айрим паразит инфузориялар озиқни бутун тана сирти билан шимб олади. Аксарият ҳамма инфузорияларнинг озиқланishi анча мураккаб тузилган овқат ҳазм қилиш органоидларининг фаолияти билан боғлиқ. Энг содда тузилган инфузорияларнинг (*Prorodon*, *Holophrya* авлоди) оғиз тешиги (цитостом) танасининг олдинги учидаги (терминал) жойлашган. Оғиз атрофидаги киприклар ихтисослашмаган, танадаги бошқа киприклар билан бир хилда бўлади. Бошқа инфузорияларда оғиз тешиги танасининг ён (қорин) томонига ўтади ва перистом деб аталувчи маҳсус оғизолди чуқурчасининг тубида жойлашган бўлади. Оғиз тешиги эктоплазма билан эндоплазма чегарасида жойлашган ҳалқум (цитофаринкс) ва у орқали эндоплазма билан боғланган. Оғиз тешиги атрофидаги киприклар кўпинча бир-бири билан ёпишиб, маҳсус мембранеллалар (ёки мембраналар)ни ҳосил қиласди. Туфельканинг оғиз тешиги атрофида уч қатор мембранеллалар жойлашган. Мембранеллалар тебраниб, озиқни оғиз тешиги томонга суради. Оғиз аппаратининг тузилиши анча мураккаб ва хилма-хил бўлади. Инфузорияларнинг кўпчилиги ҳар қандай сув ҳавзасида ҳам учрайдиган бактериялар, ўсимликларнинг чириётган бўлаклари, майда сув ўтлари билан озиқланади. Уларнинг оғиз тешиги доимо очиқ бўлганидан озиқ ҳалқумга тўхтovсиз келиб туради. Туфелька ҳалқумига сув оқими билан келган ҳар қандай зарралар озиқ учун яроқли бўлмаса ҳам келаверади.

Сув оқими билан келган заррачалар ҳалқумнинг тубига чўкиб қолади. Бу чўкмаг эндоплазмадан бироз суюқлик ажралиши билан ҳазм вакуоли ҳосил бўлади. Озиқага тўлган вакуола ҳалқумдан ажралиб, эндоплазмага ўтади ва цитоплазма оқими билан тана ичидаги айланиб юради. Эндоплазмада бир қанча вакуоллар бўлиши мумкин. Вакуолалар ҳаракати давомида эндоплазмадан ажраладиган ферментлар таъсирида озиқ ҳазм бўлиб, цитоплазмага сўрилади. Ҳазм бўлмайдиган озиқ қолдиқлари тананинг кейинги қисмida жойлаш-

ган махсус чиқа-риш тешикчаси — порошица орқали цитоплазмадан чиқарип ташланади.

Туфельканинг овқат ҳазм қилиш вакуолалари 1,5-2 дақиқада ҳосил бўлиб туради. Дастреб ҳазм вакуоласи ичидаги муҳит кислотали, ҳазм бўлиш жараёнининг кейинги даврларида ишқорий бўлади. Бу кўп ҳужайрали ҳайвонлар ичидаги озиқ моддаларнинг ҳазм бўлиш жараёнига ўхшаб кетади. Туфелька ҳаётини давомида тўхтосиз озиқланади.

Йиртқич инфузорияларнинг оғиз тешиги фақат озиқ ютилишидан олдин очилади. Уларнинг ҳалқуми пишиқ ва эластик таёқчалардан таркиб топган ҳалқа билан ўралган. Таёқчалар томоқдан озиқ ўтадиган вақтда таянч вазифасини бажаради. Шундай қилиб, инфузориялар ҳам бошқа бир ҳужайралар сингари озиқланади. Озиқ ҳужайра ичига ютилиб, унинг цитоплазмаси ажратиб чиқарадиган ферментлар таъсирида ҳазм бўлади.

Аксарият кўпчилик инфузориялар эктоплазма ва эндоплазмаси чегарасида қисқарувчи вакуолалари бўлади. Айрим содда тузилган вакишиларида вакуола худди амёба ёки хивчинилларга ўхшаш оддий пулфакчадан иборат. Лекин кўпчилик инфузорияларнинг қисқарувчи вакуолалари анча мураккаб тузилган системани ҳосил қиласди. Туфельканинг иккита қисқарувчи вакуолалари танасининг олдинги ва кейинги қисмида жойлашган. Ҳар қайси вакуола марказий резервуардан ва резервуар атрофида радиал жойлашган 5-7 та йиғувчи найлардан иборат. Резервуар жуда ингичка найча орқали ташқи муҳит билан бўланган. Цитоплазмадан ажралаётган суюқлик дастреб йиғувчи найларда тўпланади. Улар қисқарганда суюқлик резервуарга ўтиб, уни тўлдиради. Сўнгра резервуар қисқарип, суюқлик найча орқали ташқарига чиқарип юборилади. Йиғувчи найлар ва резервуар фақат суюқликка тўлган даврдагина аниқ кўринадиган бўлади. Одатда олдинги ва кейинги вакуолалар галма-галдан қисқарип туради. Туфелька вакуоласининг пульсация цикли уй ҳороратида 10-15 сония давом этади. Денгизда яшовчи ва паразит инфузорияларнинг қисқариш вакуола пульсацияси анча паст бўлади. Қисқарувчи вакуолалар осморегуляция вазифасини бажаради. Туфелька 40-50 дақиқа давомида вакуолалар орқали ўз танаси ҳажмига тенг суюқликни чиқарип ташлайди. Шундай қилиб, қисқарувчи вакуолалар ёрдамида оғиз тешиги ва пелликула орқали цитоплазмага доимо ўтиб турадиган сув чиқарип юборилади. Электрон микроскоп остида олиб борилган кузатишлар қисқарувчи вакуолалар жуда майданайчалар чигалидан таркиб топган махсус ҳужайра органоиди ҳисобига вужудга келишини кўрсатди.

Кўпчилик инфузориялар кислород миқдори ҳар хил бўлган муҳитда ҳаёт кечира олиши мумкин. Масалан, одатда кислородга бой муҳитда ҳаёт кечирадиган туфелька, бу газ жуда камайиб кетган муҳитда ҳам бемалол яшай олади. Лекин бу жараёнда аэроб моддалар алма-

шинуви анаэроб алмашинув (гликолиз)га ўтади. Айрим инфузориялар (масалан, кавш қайтарувчи сут эмизувлар ошқозонида яшовчилар) фақат кислородсиз мұхитда яшай олади. Кислород улар учун захарлы ҳисобланади.

Ядро инфузорияларда 2 хил бўлиб, битта катта ядро — *макронуклеус* ва битта ёки бир неча кичик ядролар эса *микронуклеуслар* дейилади. Туфельканинг битта катта ва битта кичик ядроси бор, улар иккаласи ҳам танасининг ўргасида жойлашган. Инфузориялар макронуклеуси ҳар хил шаклда: юмaloқ, ловиясимон (туфелька), тақасимон (сувойка), занжирсимон (карнайча) бўлади. Кўпчилик инфузориялар макронуклеуси хроматин (ДНК)га бой полиплоидли бўлади. Макронуклеус хромосомалари репликация (сонини икки марта ошиб кетиши) хусусиятига эга. Макронуклеуснинг ДНКси микронуклеуснига нисбатан бир неча ўнлаб, ҳатто минг марта кўп бўлади. Макронуклеуснинг полиплоидлиги эволюция жараёнда келиб чиқсан бўлиб, бир мунча мураккаб тузилган турлар учун хос. Содда тузилган инфузорияларнинг макронуклеуси эса полиплоидлик хусусиятига эга эмас. Полиплоидлик ядро функциясининг кучайиши билан боғлиқ бўлади. Макронуклеус — вегетатив ядро, унда ДНК матрицаси (нусхаси) бўйича информацион ва бошқа РНКлар синтез қилинади. Цитоплазма рибосомаларида РНК ёрдамида оқсил синтезланади.


Микронуклеус юмaloқ ёки тухумга ўхшаш бўлади. Микронуклеуслар полиплоид эмас, унда РНК синтез бўлмайди, лекин микронуклеуслар хромосомалари репликация (икки баробар ошиш) хусусиятига эга бўлади. Микронуклеус хромосомалари ирсий белгиларни ташувчи субстрат ҳисобланади.

**Кўпайиши.** Жинссиз кўпайиш инфузориялар танасининг кўндаланига тенг иккига бўлиниш йўли билан боради. Кўпчилик инфузорияларнинг макронуклеусида жинссиз кўпайишида митозга ўхшаш жараён содир бўлади. Дастлаб хромосомалар ҳосил бўлади, уларнинг сони икки марта ошади, лекин ядро бўлинмайди. Ядро бўлинмасдан хромосомалар сонини ортиши *эндомитоз* дейилади. Шундан сўнг инфузорияларнинг бўлиниши бошланади. Хромосомалар ингичкалалиб (деспирализация) кўринмайдиган бўлиб қолади. Макронуклеус чўзилиб, ўргаси ингичкалашади, хромосомалар янги ҳосил бўлаётган иккита ядролар ўргасида тақсимланади. Микронуклеус эса митоз йўли билан иккига бўлинади. Ана шундан кейин инфузория танаси иккига бўлинади. Ҳар икки инфузорияда ҳам танасининг етишмаган қисмлари (офиз аппарати, киприклар, қисқарувчи вакуолалар ва бошқалар) қайтадан ҳосил бўлади. Нормал уй ҳароратида туфелька бир суткада 1-2 марта бўлинади.

Кўпчилик инфузориялар жинссиз кўпайищдан олдин циста ҳосил қиласди. Циста ичиде *палинтомия* йўли билан инфузория танаси йириклишмасдан кетма-кет бўлинib, 4 та ёки кўпроқ жуда

майда инфузориялар ҳосил қиласы. Цистадан ёш инфузориялар чиқады. Улар озиқланып, тез үсады ва яна циста ҳосил қилиб, унинг ичіда бұлина бошлайды.

Инфузорияларнинг күп марталар жиннесиз күпайышдан сүнг конъюгация деб аталадынан жинсий күпайыш болыланады. Конъюгацияда иккита инфузория қорин (перистом) томони билан бир-бирига яқынлашады. Айрим инфузориялар конъюгациясыда пелликуланның тегиб турған жойи эрійди ва иккі конъюганттар үртасыда цитоплазмадан иборат күпrikча ҳосил бұлады (22-расм). Бошқа инфузорияларда эса бундай күпrikча ҳосил бўлмайды. Конъюгация давомида макронуклеуслар емирилиб, цитоплазмага сүрилади. Микронуклеуслар 2 марта редук-



22-расм. Инфузориялар конъюгацияси.

А — конъюгация бошланиши. Б — микронуклеуснинг биринчи мейотик бўлиниши (чапда — метафаза даври, ўнгда — анафаза). В — микронуклеуснинг биринчи бўлинишининг тамом бўлиниши (чапда) ва иккинчи бўлинишининг бошланиши (ўнгда). Г — микронуклеуснинг иккинчи бўлиниши. Д — микронуклеуслардан учтаси емирилиб, биттаси учинчи марта бўлина бошлаши. Е — пронуклеуслар алмашинуви. Ж — пронуклеуслар кўшилиб, синкарион ҳосил бўлиши. З — синкарионнинг бўлиниши. И, К — синкарион бўлакларининг биринчи макронуклеусга айланиши.

цион (мейоз) бўлиниши натижасида 4 та гаплоид хромосомали ядролар ҳосил бўлади. Улардан учтаси емирилиб, цитоплазмага сингиб кетади, тўртгичиси яна бўлиниб жинсий ядролар — *пронуклеусларни* ҳосил қиласди. Пронуклеуслардан бири *ҳаракатчан* (*миграцион*) бўлиб уруғ ҳужайрага, иккинчиси *стационар* (*ҳаракатсиз*) бўлиб, тухум ҳужайрага тўғри келади. Бир конъюгантнинг кўчма пронуклеуси иккинчи конъюгантга ўтиб, унинг стационар ядроси билан кўшилади, яъни инфузориялар ҳаракатчан ядролар билан алманишишади. Бунинг натижасида конъюгация охирида ҳар қайси инфузорияда диплоид хромосомали биттадан ядро *синкарионга* эга бўлиб қолади. Шундан сўнг инфузориялар ажralиб кетади, уларнинг ядролари қайтадан тикланади. Бунинг учун унинг синкариони бир неча марта бўлинади. Уларнинг бир қисмидан микронуклеус, қолган қисмларидан макронуклеус ҳосил бўлади. Макромолекулаларнинг кўп марта репликацияси натижасида унинг ДНК таркиби ортади ва полиплоид бўлиб қолади. Шундан сўнг инфузориялар жинсиз кўпайишга киришади.

Шундай қилиб, конъюгация натижасида инфузорияларнинг сони ортмайди, яъни ҳеч қандай кўпайиш бўлмайди. Лекин конъюгация инфузориялар ҳаётида жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу жараёнда биринчидан, ҳар қандай жинсий кўпайишда бўлганидек, бир организмда икки (ота ва она) организмларининг ирсий белгилари мужассамлашиши натижасида наслнинг яшовчанилиги ортади. Иккинчидан, конъюгация натижасида эски макронуклеус емирилиб, янгиси ҳосил бўлади. Бу билан макронуклеус ёшариб унинг эскиришига йўл қўйилмайди. Чунки макронуклеус инфузория танасидаги барча асосий ҳаёт жараёнларини, хусусан цитоплазманинг асосий таркибий қисми бўлган оқисиллар синтезини бошқариб туради. Шу сабабли кўпчилик инфузориялар фақат жинсиз кўпайиш билан узоқ яшай олмайди, улар жинсий кўпайиш орқали ядросини янгилаб туриши керак.

Инфузорияларда конъюгация билан бирга ядро аппаратини янгиланишининг бошқа йўллари ҳам бор. Бир қанча инфузорияларда бу жараён автогамия усулида боради. *Paramaecium aurelia* инфузориясида автогамия жараённада макронуклеус ва микронуклеусларда ўзгаришлар худди конъюгациядагидек боради. Лекин автогамияда бу ўзгаришлар фақат битта инфузориянинг ўзида боради. Синкарион эса микронуклеуснинг учинчи бўлинишидан кейин ҳосил бўлган иккита пронуклеусларнинг бир-бира билан қўшилиши натижасида шаклланади. Шундай қилиб, автогамияни ўз-ўзини ургулантиришдан борат жараёнга тенглаштириш мумкин.

**Эркин яшовчи инфузориялар.** Кўпчилик эркин яшовчи инфузориялар денгизларда ва чучук сув ҳавзаларида ҳаёт кечиради. Уларнинг бир қисми сув планктонида муаллақ яшайди. Бентосда ҳаёт кечирадиган инфузориялар орасида сув тубида ёки сув ўсимликларида ўрмалаб юрувчи турлари ҳам кўп учрайди. *Псаммофили инфузориялар* қирғоқ яқини-

даги құм зарралари орасидаги калиллар намлиқда яшашға мослашған. Уларнинг танаси ингичка ва узун бұліб, олдинги қисмидаги киприк-лар яхши ривожланған (23-расм). Инфузориялар орасыда ўтроқ яшов-чи турлари ҳам бұлади. Улар маңсус пояға орқали сув тубидаги предметларга, моллюскалар ёки қисқиңбақалар танасига ёпишиб олади (20-расмнинг Б қисміга қаранг).

Күпчилік инфузориялар бактериялар ва чириёттан ўсимликлар қол-диклари ва бир ҳұжайрали сув үтлари билан озиқланади. Инфузориялар орасыда ҳақиқиқиеттік үтхұрлари ҳам бор. Масалан, чучук сув инфузориялардан бири *Nassulla ornata* фақат ипсімөн күк-яшил үтлари билан озиқланади. Айрим йириктік инфузориялар ўзидан йирикроқ ту-фелькаларни ҳам ютиб юбориш қобилятига зерттеуде. Йириктік дидинийлар ўз үлжаси туфелькалардан бир неча марта кичик бұлади.

Айрим эркін яшовчи инфузорияларнинг узунлиғи 1,5 мм.гача етади. Уларни оддий күз билан ҳам илғаб олиш мүмкін. Инфузориялар бактерия ва айрим сув үтлари билан озиқланиб, сув ҳавзаларидаги озиқ занжирининг мұхым звеносини ташкил етади. Шунинг билан бирга уларнинг ўзи ҳам күпчилік умуртқасиз ҳайвонлар ва ёш балиқчалар учун озиқ бұліб ҳисобланади.

Инфузориялар орасыда бир қанча турлар тупроқда учрайди. Улар бошқа микроорганизмлар билан бирга тупроқда борадиган биологик жараёнларда мұхым ахамияттаға зерттеуде. Инфузориялар ва бошқа бир ҳұжайрали ҳайвонлар тупроқ микрофлораси билан жуда мураккаб болған. Бир ҳұжайралилар бактериялар ва бошқа микроорганизмлар билан озиқланиб қолмасдан, уларнинг күпайышини жадаллаштирув-чи биологик фаол моддалар ишлаб чиқариши аниқланған. Ең жаңа ғылыми мәдениеттегі майдонларда бу ҳайвонлар тупроқ ҳосилдер-лигига ижоби-й таъсир қилиши маълум.


Кавш қайтарувчи ҳайвонлар ошқозонининг олдинги қисміда эндодиноморфа түркүми (тeng киприклилар кенже синфи)га мансуб бұлған 120 турға яқын инфузориялар шайди (19-расмға қаранг). 1 см<sup>3</sup> ошқозон ширасида уларнинг сони 2 млн.гача. Биттеги сигир ошқозондаги массаси 1 кг.га етади. Инфузориялар ошқозонда клетчатканы ҳазыр бұлышыни осонлаштиради. Шунинг учун уларни кавш қайтарувчи ҳайвонлар билан симбиоз шайдиган хивчинилар дейиши мүмкін.

**Паразит инфузориялар.** Инфузорияларнинг күп турлары одам ва түрли ҳайвонлар организмінде шайди. Паразит инфузориялар орасыда айниқса, *ихтиофтириус* (*Ichthyophthirius multifiliis*) катта ахамияттаға зерттеуде (19-расмға қаранг). Паразит зофора балиқлар, гулмоҳи, дүңгешона, оқ амур балиқтарининг сүзгіч қанотлары ва жабраларидан шайди. Балиқларни инфузориянинг төміллери — сувда шайдиган жуда майда (20-30 мкм) “дайди” стадияси заарлайды. Бир неча күн ичида паразит териости тұқимаси ҳұжайралары ҳисобида озиқланиб, тез үсади. Унинг катталығы 0,5-1 мм.га етгач, теридан сувга

чиқади. Бир қанча вақт ўтгач, паразит сув тубига чўкиб цистага айланади. Паразитнинг танаси циста ичида кўп марта кетма-кет бўлиниш натижасида 2000 га яқин жуда майдо киприкли ёш инфузориялар — дайдилар пайдо бўлади. Дайди стадиясида инфузориялар цистани ташлаб чиқади ва бошқа балиқларни заарлайди.

Ихтиофтириус жуда кенг тарқалган, у урчилладиган зогора ва лососсимон балиқларга айниқса, катта зиён келтиради. Ихтиофтириоз касаллиги балиқ чавоқларини кўплаб қирилиб кетишига сабаб бўлади. Балиқлар териси, жабраси ва сузгич қанотлари устида япaloқ диск шаклида триходина авлодига мансуб инфузориялар паразитлик қиласиди. Триходина жуда тез кўпайиб кетганида ёш балиқчаларга катта зиён келтиради.

Одамнинг йўғон ичагида баъзан балантидий инфузорияси (*Balantidium coli*) учрайди. Инфузория танаси тухумсимон шаклда (23-расмга



23-расм. Ҳар хил инфузориялар.

А — карнай — *Stentor*. Б — спиростомиум — *Spirostomium*. В — балантидий — *Balantidium*: 1 — мемброналарнинг оғиз олди зонаси, 2 — олдинги йигувчи найлар, 3 — қисқарувчи вакуола, 4 — олдинги йигувчи найлар, 5 — макронуклеус, 6 — микронуклеус, 7 — ҳалқум, 8 — оғизолди, 9 — цитостом.

қаранг), олдинги томонида оғизолди чуқурчаси тубида оғиз тешиги жойлашган. Инфузория ичак бүшлиғида яшаганида одатда одамга зіён келтирмайды. Лекин у күпинча ичак эпителийсига кириб олиб, қон эритроцитлари ҳисобига озиқланы башлады. Инфузория ичак деворида яра ҳосил қилиб, оғир қонли ичбуруғ пайдо қилиши мумкин. Балантидий одатда чүчқаларнинг ичагида күп учрайди. Айниқса, чүчқа болалари балантидиоз билан күчли заарланади. Гигиена қоидаларига риоя қилинмаганда балантидий цисталари ифлос күл орқали одам ичагига тушади ва тұғри ичакда паразит цистадан чиқади.

Киприкли инфузориялар синфи тенг киприклилар, спирал киприклилар, тұғарак киприклилар ва бошқа кенжә синфларга бүлинади.

1. **Тенг киприклилар (Holotricha) кенжә синфи** әнг содда тузилган, лекин кенг тарқалған ва хилма-хил турларни ўз ичига олади. Танаси күп сонлы, күпинча бир хил тузилған, яғни жуда кам ихтисослашған киприклар билан қопланған. Айрим турлари танасининг бир қисмida киприклари бўлмайди ёки улар тутам-тутам бўлиб жойлашған. Айрим вакилларининг оғиз тешиги редукцияга учраган. Кўпчилик тенг киприклиларнинг яхши ривожланған оғиз тешиги бор. Оғиз тешиги терминал (танаси учки қисмida) жойлашған (*Holophrya*, *Didinium* авлод) ёки танасининг ён томонига силжиган (*Nassula*, *Paramaecium*). Тенг киприклиларнинг аксарият кўпчилик турлари эркін яшайди. Бактериялар, майда сув ўтлари ҳамда бошқа органик зарралар билан озиқланади. Дидиниум авлоди турлари йиртқич ҳаёт кечиради. Бу кенжә синфга кавш қайтарувчи ҳайвонлар ошқозонида симбиоз яшайдиган (эндолиниоморфа), шунингдек ҳайвонлар ва одамлар организмида паразитлик қилувчи (ихтиофириус, балантидium), турлари ҳам киради. Кўпчиликка яхши маълум бўлған туфелька инфузорияси ҳам тенг киприклилар кенжә синфи ва гименостоматалар (*Hymenostomata*) туркумига киради.


2. **Спирал киприклилар (Spirotricha) кенжә синфи** вакилларида киприклар оғиз атрофида соат мили айланадиган томонга спиралга ўхшаш буралиб жойлашған. Бу киприклар оғиз олдида бир неча қатор мембрanelлаларни ҳосил қиласи. Спирал киприклилар тузилиши ва ҳаёт кечириши билан хилма-хил бўлған бир ҳужайралилардан иборат. Бу кенжә синфнинг кўпчилик турлари энг йирик инфузориялар ҳисобланади (23, 24-расмларга қаранг).

Спирал киприклилар ҳар хил киприклилар (*Heterotricha*), қорин киприклилар (*Hypotricha*) ва кам киприклилар (*Oligotricha*) туркумларига бўлинади.

**Ҳар хил киприклилар (Heterotricha)** туркуми турларида оғиз атрофидан ташқари бутун тана юзаси бир хил майдада киприклар билан қопланған. Ҳар хил киприклилар энг йирик инфузориялардир. Уларнинг катта ядрои занжирсимон (трубач — *Stentor* авлодлари), спиралсимон (*Spirostomium*) бўлади. Бошқа бир вакили бурсария (*Bursaria*)нинг жуда кенг қопга ўхшаш оғизолди чуқурчаси бўлади. Айрим вакиллари ам-

24-расм. Стилонихия (*Styloynchia mytilus*).

А — қорин гомондан күрнисиши. Б — ён гомондан күрнисиши: 1, 4 — оядиги ва дум циррилар, 2 — адорал мембранеллалар, 3 — перистом, 5 — ҳазм вакуоласи, 6 — макронуклеус, 7 — микронуклеус, 8 — орқа туклар, 9 — қисқарувчи вакуола.



фибияларда паразитлик қиласы.

**Қорин киприклар** (*Hypotricha*) туркумига мансуб бўлган турлар чучук сувларда ва денгизларда кўп учрайди. Қорин қисмидаги жойлашган бир қанча киприклари бирлашиб, анча йўғон ўсимталар — цирриларни ҳосил қиласди. Чучук сувларда кенг тарқалган йирик инфузория *стилонихия* (*Styloynchia*) ана шу циррилари ёрдамида сув тубидаги нарсалар устида югуриб юриши мумкин (24-расм).

**Кам киприклар** (*Oligotricha*) туркумида киприклар фақат оғиз ёнидаги мембранеллалардан иборат. Уларнинг танаси енгил конуссимон чиганоқ ичидаги жойлашган. Чиганоқдан оғизолди мембранеллалари чиқиб туради. Ҳамма вакиллари денгиз планктони таркибига киради.

**З. Доира киприкли инфузориялар** (*Peritricha*) кенжасинфи вакилларининг кўпчилиги ўтроқ колония бўлиб яшайди. Фақат айрим турлари якка яшайди. Узун поясаси ёрдамида ўсимликлар, қисқичбақасимонларнинг танаси, моллюскаларнинг чиганогига ёпишиб олади. Кўпчилик турларининг поясаси қисқариши хусусиятига эга. Айрим вакилларининг поясаси бўлмайди. Киприклар параллел уч қатор бўлиб оғиз атрофини ўраб туради. Кўпчилик турлари бактериялар билан озиқланаб, сув ҳавзаларининг биологик тозаланишида катта аҳамиятга эга. Алоҳида яшечи турлари 100 мкм.гача, колониал вакиллари 1 см гача катталикда бўлади. Иккита туркумга: ўтроқ яшовчилар (*Sessilia*) ва дайдаб юрувчилар (*Mobilida*)га бўлинади. Биринчи туркумга типик мисол

тариқасида чучук сувларда күп учрайдиган *сувойкалар* (*Vorticella*)ни күрсатиш мүмкін (19-расмға қаранды). Сувойкалар якка яшайды, танаси құнғироқсімон гулга үхашаш бўлиб, узун қисқарувчи ипча ёрдамида бирон субстратга ёпишиб туради. Киприкли аппарати оғиз диски четирида уч қатор ҳилпировчи мембранныеллаларни ҳосил қиласади. Бу дискнинг марказида оғизолди чуқурчасида оғиз тешиги бўлади. Сувойка эркін сузиб юрувчи стадия ҳосил қилиш орқали сув ҳавзасида тарқалади. Бу даврда унинг оғиз диски мембраналари тортилиб, танасининг кейинги учидаги бир қатор киприклар ҳосил бўлади. Сувойка поясасини ташлаб, дайдувчи (эркін сузиб юрувчи) стадиясини ҳосил қиласади.

Колония ҳосил қиласади *Zoothamnium arbuscula* битта умумий поя орқали бирлашадиган 8-9 та шохчалардан иборат. Ҳар бир шохчада ўнлаб майда индивидлар ва 1-2 та йирик индивидлар жойлашади. Йирик индивидлар киприклар ҳосил қилиб, умумий поядан ажралиб чиқади ва сузиб кетади. Улардан янги колония ривожланиб чиқади. Шундай қилиб, колония индивидлар ўртасида хилма-хилликка, яъни *полиморфизм* хусусиятига эга.


Дайдиб юрувчи (*Mobilia*) турқуми вакилларида оғизолди мембраналари билан биргага танасининг кейинги қисмидә ҳам киприклар ва ёпишибчи диски бўлади. Уларга мисол қилиб, илгари қайд қилиб ўтилган балиқлар паразити *триходина* (*Trichodina*)ни күрсатиб ўтиш мүмкін.

## 6.2. СҮРУВЧИ ИНФУЗОРИЯЛАР (SUCTORIA) СИНФИ

Сүрувчи инфузориялар ўтроқ яшовчи ўнлаб йиртқич турлардан иборат. Улар якка ёки колония бўлиб яшайды. Бирон субстратга маҳсус пояса орқали ёпишиб олади. Бир қанчада инфузориялар субстратга поясасиз ёпишиб яшайды. Сүрувчи инфузорияларнинг етук даврида ҳеч қандай киприкли аппарати, оғзи, ҳалқуми бўлмайди. Деярли ҳамма турларида ўлжасини сўриш учун хизмат қиласадиган маҳсус пайпаслагич ўсимталарнинг бўлиши характерлидир (25-расм). Уларнинг ўлжаси бошқа инфузориялар бўлади. Яқиндан сузиб ўтаётган ҳайвонлар (хивчиниллар ёки бошқа инфузориялар) йиртқичининг пайпаслагичига тегиб кетса, улар пайпаслагичга ёпишиб қолади. Шундан сўнг бошқа пайпаслагичлар ҳам ўлжа томонга эгилади. Ўлжа танасидаги суюқлик пайпаслагичлар наий орқали йиртқич танасига оқиб ўтади, ўлжадан фақат пелликула қобиқ қолади.

Вояга етган инфузорияларнинг ядроси ҳам икки хил бўлади. Жинсий кўпайиши конъюгация типида содир бўлади. Кўпайиш даврида инфузорияларнинг киприклари пайдо бўлади. Юқорида кўрсатилган белгилар уларнинг инфузориялар типига мансуб эканлигини исботлайди.

Сүрувчи инфузорияларнинг жинссиз кўпайиши куртакланиш орқали боради. Аввал танасининг бир учидаги бўртиқча шаклида битта ёки бир нечта куртакчага пайдо бўлади. Куртакчага макронуклеуснинг бир



25-расм. Сұрвучи инфузориялар.

А — түфелькаларнің сұрағттан Sphaerogryta инфузориясы. Б — шохланған пайпаслагиғи Dendrocometes paradoxum: 1 — сұргичларға ёпишиб қолған киприкли инфузория, 2 — қисқарувчи вакуола, 3 — макронуклеус.

қисми ва битта микронуклеус үтади. Микронуклеус бир неча марта митоз йүли билан бүлинади. Шундан кейин ҳар бир құртакча она организмидан ажралади ва кипричалар ҳосил қылғац, сузіб кетади. Сұрвучи инфузорияларнинг дайди стадияси киприкли инфузорияларға үшшаб кетади. Айрим сұрвучи инфузорияларда құртак она организми ичіда ҳосил бўлади. Ривожланиб чиққан ёш инфузориялар (дайдилар) киприклар ёрдамида бирмунча вақт сузіб юради. Сұнгра бирон субстратта ёпишиб, пояча ҳосил қылади. Киприкларини йўқотиб, сұрвучи пайпаслагиғи ҳосил қылғац, ўтроқ ҳаёт кечиришга үтади.

### *БИР ҲУЖАЙРАЛИЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ*

Бир ҳужайрали ҳайвонлар ҳақиқий ихтисослашган органоидлар ва ядрога эга бўлган эукариот (ҳақиқий ядроли) организмлардир. Бу жиҳатдан улар бир ҳужайрали прокариотлардан фарқ қиласи. Шунинг учун содда ҳайвонларни ҳужайранинг пайдо бўлишига қадар узоқ давом этган органик олам эволюцияси натижасида келиб чиққан дейиш лозим.

Ҳайвонот дунёси эволюциясида бир ҳужайрали ҳайвонлар энг аввал пайдо бўлган ва тубан тузилган ҳайвонлар ҳисобланади. Эволюция жараёнда бу ҳайвонларнинг тузилиши тобора мураккаблаша борган. Хилма-хил яшаш мұхитига мосланиши натижасида тур-

лар сони ҳам орта борган. Содда ҳайвонларнинг (масалан, инфузорияларнинг) прогрессив йўл билан ривожланиши ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бир ҳужайралилар кенжә оламига мансуб бўлган типлар ўртасидаги филогенетик муносабатлар ҳамда улар орасида энг қадимги тубан тузилишига эга бўлган вакиллари тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Инфузориялар бир ҳужайралилар орасида энг мураккаб тузилган бўлса, споралилар, миксоспоридиялар ва микроспоридиялар паразит ҳаёт кечиради. Шунинг учун бу тўрт типга мансуб бўлган организмларни энг қадимий ҳайвонларга киритиш мумкин эмас.

Айрим зоологларнинг фикрича саркодалилар, хусусан чиганоқсиз амёбалар энг қадимий ҳайвонлар ҳисобланади. Чунки бир қанча органоидлар (офиз, порошица, пелликула)нинг ривожланмаганлиги, тана шаклининг доимий бўлмаслиги ҳамда ҳаракатланиш органоидининг ихтиосослашмаган сохта оёқлардан иборат эканлиги уларни морфологик жиҳатдан энг содда ҳайвонлар эканлигини кўрсатади. Лекин 1941 йилда Пашер дастлабки организмлар атроф муҳитнинг анорганик моддалари билан озиқланган бўлиши керак, шунинг учун дастлабки организмлар ўсимликларга ўхшаш аутотроф озиқланган деган фикрни ўргатга ташлайди. Кейинчалик бу фикрни бошқа бир қанча зоологлар ҳам қувватлади. Улар фикрича кўпчилик саркодалилар ўз тараққиёт цикли давомида хивчинли стадияларни ўтади. Масалан, фораминифералар ва радиолариялар хивчинли гаметалар ҳосил қиласиди. Буни саркодалиларнинг қадимий аждодлари тузилиши белгиларининг такрорланиши деб тушунтирилади. Айрим аралаш озиқланадиган миксотроф хивчинлиларнинг аутотроф (фотосинтез) озиқланишдан осонликча гетеротроф (сапрофит) озиқланишига ўтишини юқоридаги фикрнинг исботи тарагиасида кўрсатилади. Хивчинлиларнинг хивчини прокариот организмлар (бактериялар)нинг хивчини билан тенглаштирилади. Келтирилган далилларга асосланиб, саркодалилар энг қадимги гетеротроф хивчинлилардан келиб чиқсан, хивчинлилар барча содда ҳайвонлар, шунинг билан бирга бутун ҳайвонот дунёсининг аждоди ҳисоблананиши зарур бўлади. Лекин электрон микроскопда олиб борилган текширишлар хивчинлиларнинг хивчини анча мураккаб тузилганилиги, улар морфологик ва физиологик хусусиятларига кўра прокариот бактериялар хивчинидан катта фарқ қилишини кўрсатди. Юқорида келтирилган далиллар ҳозирги хивчинлилар ёки саркодалиларни барча содда ҳайвонларнинг дастлабки аждодлари эмаслигини кўрсатади.

А. И. Опарин ўзининг ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги гипотезасида органик моддалар тирик организмлар пайдо бўлишидан олдин нобиологик йўл билан синтез бўлган дейилади. Дастлабки организмлар эса атроф-муҳитдаги органик моддаларни диффузия йўли билан қабул қилиб, озиқланган бўлиши керак. Шунга асосан хивчинлилар ва саркодалилар жуда содда тузилган, ҳозиргача сақла-

ниб қолмаган энг тубан тузилишга эга бўлган гетеротроф эукариот организмлардан келиб чиқсан дейиш тўғрироқ бўлар эди.

Хивчинилар бир ҳужайрали ҳайвонларнинг бундан кейинги эволюциясида катта ўрин тутган. Инфузориялар киприкларининг хивчиниларга ўхшаш тузилганлиги уларни хивчинилардан келиб чиқсанлигини кўрсатади. Киприкли инфузориялар хивчинилар тараққиётининг дастлабки даврлариданоқ ажralиб чиқсан, бундан кейинги тараққиёт улар морфологик тузилишининг мураккаблашуви, ҳаракатланиш органларининг кўпайиши (*полимеризация*), ядро аппаратининг мураккаб қайта қурилиши (ядро дуализми ва макронуклеуснинг полиполоидлиги) орқали борган. Сўрувчи инфузориялар киприкли инфузориялардан келиб чиқсан бўлиб, кейинчалик ўзига хос озиқланиш таъсирида киприкларини йўқотган.

Споралилар типининг келиб чиқиши ҳам хивчинилар билан боғланган. Кокцидиялар ва қон споралилари гаметаларининг ҳақиқий хивчиниларга ўхшашлиги буни исбот қилади. Бундан ташқари хивчинилар ва споралилар ҳаёт циклида зигота редукцияни бўлиниш (мейоз) содир бўладиган, ҳаётининг асосий қисмини гаплоид хромосомалик ҳолда ўтказадиган ҳайвонлар ҳисобланади.

Миксоспоридиялар ва микроспоридиялар келиб чиқиши хивчинилар билан эмас, балки саркодалилар билан боғланган. Чунки уларнинг ҳаёт циклида хивчинли стадияси бўлмайди, плазмодий деб аталадиган муртаги эса амёбаларга ўхшаш тузилган бўлади.

Содда ҳайвонлар орасида хивчинилар синфи ҳайвонот дунёсининг бундан кейинги тараққиётида жуда муҳим ўрин тутган. Хивчиниларнинг қадимги колонияли формалари орқали кўп ҳужайрали ҳайвонлар келиб чиқсан.

Хивчинилар синфи филогенетик жиҳатдан тубан сув ўтлари билан ҳам боғланган. Яшил хивчинилардан фитомонадлар, қалқондор хивчинилар, эвгленасимонлар ва хризомонадаларни айни бир вақтнинг ўзида содда ҳайвонларга ҳамда тубан сув ўтларига киритиш мумкин. Ўсимликлар эволюцияси жараёнида шуларга ўхшаш бир ҳужайрали сув ўтларидан бошқа бир мунча мураккаб тузилган сув ўтлари келиб чиқсан. Кўп ҳужайрали ҳайвонлар эса гетеротроф озиқлана-диган колониал хивчинилардан келиб чиқсан дейиш мумкин.

### **III. КҮП ҲУЖАЙРАЛИЛАР (METAZOA) КЕҢЖА ДУНЁСИ**

---

#### **7. КҮП ҲУЖАЙРАЛИЛАРНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ**

##### **7.1. КҮП ҲУЖАЙРАЛИЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШИ**

**Күп ҳужайралиларниң тузилиши ва ҳаёт кечириш ҳусусиятлари.** Күп ҳужайралилар танаси ҳар хил тузилган ва турли вазифани бажаришга мослашган ҳужайралардан иборат. Бу ҳужайралар мустақил яшащ ҳусусиятига эга бўлмасдан яхлит организмнинг бир қисми ҳисобланади. Ҳужайралар турли даражада ихтисослашган бўлиб, маълум бир вазифани бажаришга мослашган. Масалан, мускул ҳужайралари фақат қисқариш, нерв ҳужайралари эса сезиш ҳусусиятига эга. Ихтисослашган ҳужайралар махсус тўқималарни ҳосил қиласиди. Юқорида (13-16 бетлар) кўп ҳужайрали ҳайвонларниң эпителий, биринкирувчи, мускул ва нерв тўқималари тўғрисида умумий маълумотлар берилган эди.

Мураккаб индивидуал ривожланиш цикли ҳамма кўп ҳужайралилар учун ҳос ҳусусиятдир. Бу жараёнда уруғланган ёки баъзан уруғланмаган тухумдан вояга етган организм шаклланади. Кўп ҳужайралилар индивидуал ривожланиш (*онтогенез*) уруғланган тухум ҳужайрасининг жуда кўп майда ҳужайраларга бўлиниши (майдаланиш) ва улардан аста-секин эмбрион варақлари ҳамда органларниң ҳосил бўлишидан иборат.

Кўп ҳужайралилар жинссиз ҳамда жинсий йўл билан кўпаяди. Жинссиз кўпайиш бирмунча содда тузилган кўп ҳужайралилар учун ҳос бўлиб, иккига бўлиниш, куртакланиш ёки кўп марта бўлиниш орқали содир бўлади. Жинсий кўпайишни кўп ҳужайралиларниң ҳамма типларида кузатиш мумкин. Жинсий кўпайиш гаметалар яъни ҳар хил жинсли ихтисослашган жинсий ҳужайралар иштироқида боради. Урғочи ҳужайра тухум (*оогамета*), эркаклик ҳужайра уруғ (*сперматозоид*) дейилади. Гаметалар қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган уруғланган тухум ҳужайра зигота деб аталади. Зиготадан индивидуал ривожланиш (*онтогенез*) жараёнида етук организм шаклланиш чиқади.

**Кўп ҳужайралиларниң келиб чиқиши.** Кўп ҳужайралиларниң бир ҳужайралилардан келиб чиққанлиги исбот қилинган. Лекин улар бир

хужайралиларнинг қайси гуруҳидан келиб чиққанлиги тұғрисида турли фикрлар мавжуд. Чунки күп ҳужайралы организмлар учун хос бўлган айрим белгиларни (масалан, күп ядролик) бир ҳужайралиларнинг турли гуруҳлари орасида қозатиш мумкин. Бу хусусият сохтаоёқлилар (нурлилар), хивчинилар (опалиналар) ва ҳамма инфузориялар учун хосдир. Айрим ҳолларда ядролар сонининг ортиши билан бирга бошқа органоидлар сони ҳам ортади (масалан, Hypermastigina туркими вакиллари), ҳатто баъзан күп ҳужайралы организм ҳам шаклнади (масалан, миксоспоридиялар). Лекин санаб ўтилган ҳайвонларнинг күпчилиги паразит ҳаёт кечиради ва уларнинг кейинги тараққиёти ҳеч қачон күп ҳужайралиларнинг келиб чиқишига олиб келомайди.

Күп ҳужайралиларнинг келиб чиқиши муаммосини ҳал этишда колония бўлиб яшовчи ҳайвонлар муҳим ўрин тутади. Күп ҳужайралиларнинг вольвоксега ўхшаш колонияли хивчинилардан келиб чиққанлигини ҳозир күпчилик олимлар тан оладилар. Колонияли бир ҳужайралилардан күп ҳужайралиларнинг пайдо бўлиши тұғрисида бир қанча назариялар бор.

1. *Гастрей назарияси* биноан күп ҳужайралиларнинг қадимги аждоди шарсизмон колонияли ҳайвонлар бўлган. Бу назариянинг асосчisi Э. Геккель (1874) ҳисобланади. Күп ҳужайралилар эмбрионал ривожланишида гаструла стадияси ички иккинчи эмбрион варафини бластула деворини бластула бўшлиғига ботиб кириши — *инвагинация* натижасида ҳосил бўлиши бу фикрни тасдиқлайди. Геккель фикрича күп ҳужайралиларнинг дастлабки аждоди *филогенез* жараёнида шарсизмон колониядан унинг бир бўлагини иккинчи бўлаги ичига ботиб кириши натижасида ҳосил бўлган. Гаструла бўшлиғи бирламчи ичак бўшлиғига айланган, у оғиз тешиги билан ташқарига очилган. Геккель “*гастрей*” деб атаган бу гипотик организм сувда киприклар ёрдамида сузуб юрган, жинсий кўпайган.

2. *Фагоциттелла назарияси*. Бу назарияни 1886 йилда И.И.Мечников асослаб берди. Тубан тузилган күп ҳужайралиларнинг гаструла стадияси инвагинация йўли билан эмас, балки айрим ҳужайраларнинг бластула бўшлиғи (бластоцел)га кўчиши — *иммиграция* натижасида ҳосил бўлган. Кейинчалик ички ҳужайралар тифиз жойлашиши билан бирламчи ичак бўшлиғи *гастроцел*, ундан ҳам кейинроқ бирламчи оғиз *blastopор* ҳосил бўлган.

Мечников ҳам Геккель сингари күп ҳужайралы ҳайвонларни колонияли бир ҳужайралилардан келиб чиққанлигини тан олади. Лекин унинг кўрсатишича ички қават кутблардан биридаги ҳужайраларнинг ботиб кириш билан эмас, балки ҳужайраларнинг ички бўшлиққа кўчиб ўтиши туфайли ҳосил бўлади. Ҳужайраларни ички бўшлиққа ўтиши уларни озиқни ҳазм қилишга ихтисослашуви билан боғлиқ. Шунинг

учун ҳам И. И. Мечников бундай ҳужайраларни *фагоцитобластлар*, ўз назариясини эса “*фагоцителла*” деб атайди.

Кўп ҳужайрали ҳайвонларнинг аждодларида иккита (эктодерма, эндодерма) қаватнинг пайдо бўлиши улардаги ҳужайраларнинг функционал ихтиослашувига олиб келди. Бунинг натижасида ташки қават ҳужайралари ҳаракатлантириш ва сезиш, ички қават эса ҳазм қилиш ва жинсий аъзолар системаси функциясини бажаришга мослашади. Кўпчиллик зоологларнинг фикрича кўп ҳужайралилар бевосита шарсизмон колония бўлиб яшовчи бир ҳужайралилардан келиб чиқсан. Лекин А. А. Захваткиннинг фикрича, Э. Геккелининг “Гастрея” ва И. И. Мечниковнинг “Фагоцителла” назариялари кўп ҳужайралиларнинг келиб чиқишини аниқ акс эттирмайди, чунки бластула ва гаструла вояга етган организмлар аждодлари тузилишини ифодаламайди, балки турларни табиатда тарқалишига имкон берувчи эркин ҳаёт кечирадиган личинкалари ҳисобланади. Кўп ҳужайралиларни қадимги аждодлари колония бўлиб яшашдан ғовак танлилар ва гидроид полипилар сингари ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтган ҳайвонлар бўлган. Лекин бу фикр ҳақиқатдан анча йироқ дейиш мумкин. Чунки ҳазм системаси ривожланмаган ва содда ўтроқ ҳайвонлардан мураккаб тузилишга эга бўлган ҳайвонларни келиб чиқишига ишониб бўлмайди.

Юқорида келтирилган назарияларнинг барчаси кўп ҳужайралиларни колониал бир ҳужайралилардан келиб чиққанлигини инкор қилмайди. Лекин айрим зоологларнинг фикрича кўп ҳужайралилар бевосита якка яшовчи бир ҳужайралилардан келиб чиқсан. Югославиялик олим Иован Ҳожи кўп ҳужайралилар бевосита кўп ядроли инфузориялардан келиб чиқсан деган фикрни билдириди.

И. Ҳожи инфузориялар танасидаги маълум вазифаларни бажаришга мослашган айрим қисмлари, яъни органоидлари кўп ҳужайрали ҳайвонларнинг худди шундай вазифаларни бажарадиган органларига айланган деган фикрни илгари суради. Шунга кўра у, кўп ҳужайралиларнинг тери қоплами эктоплазмадан, ичаклари эса эндоплазмадан, мускуллари мионемалардан, айирув органлари қисқарувчи вакуолалардан ва жинсий органлари инфузорияларнинг микронуклеусларидан ривожланган дейди. Ҳатто олим кўп ҳужайралиларнинг жинсий урчиши инфузорияларнинг конъюгациясига, тухумхужайраларнинг уруғланиши эса микронуклеуснинг миграцияланувчи ва стационар ядрочаларининг ўзаро қўшилишига мос келади, деб ҳисоблади. Шундай қилиб, И. Ҳожининг *целлюризация* (*cellula* — ҳужайра) назариясига биноан инфузориянинг танаси бир бутун кўп ҳужайрали организмга айланаб қўяқолган. Мазкур назария ҳақиқатдан узоқ бўлишига қарамай, зоологлар орасида уни қўллаб қувватловчилар ҳам учраб туради.

## 7.2. КҮП ҲУЖАЙРАЛИЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Күп ҳужайралилар (Metazoa) кенжә дунёси фагоцителласимонлар — Phagocytellozoa, тубан күп ҳужайралилар — Parazoа ва ҳақиқий күп ҳужайралилар — Eumetazoa деб аталадиган учта бўлимга ажратилади. Фагоцителласимонлар бўлимига фақат иккита турни бирлаштирувчи пластинкалилар (Placozoa) типи, тубан күп ҳужайралилар (Parazoа)га ғовактанилар (Spongia) типи киради. Фагоцителласимонлар ва ғовактанилар танасидаги ҳужайраларнинг ихтисослашмаганлиги, нерв системаси ривожланмаганлиги ва бир хил ҳужайраларни иккинчи хилдаги ҳужайраларга осон айланиши билан бошқа күп ҳужайралилардан кескин ажратилиб туради.

Ҳақиқий күп ҳужайралилар (Eumetazoa) бўлими жуда күп тип вакилларини бирлаштиради. Улар танаси ҳужайралари муайян вазифани бажаришга ихтисослашган, ҳақиқий нерв системаси ривожланган. Бу бўлим ҳам ўз навбатида радиал симметриялилар ёки икки қаватлилар (Radiata) ҳамда икки томонлама симметриялилар (Bilateria) кичик бўлиmlарга ажратилади. Радиал симметриялиларга бўшлиқчилар ва нинатерилилар типи киради. Икки томонлама симметрияли ҳайвонларни ҳам ўз навбатида тана бўшлиқча эга бўлмаган паренхиматоз ҳайвонларга (ясси чувалчанглар, немертиналар, моллюскалар типи), бирламчи тана бўшлиқлиларга (тўгарак чувалчанглар, тиканбошлилар типи), иккиламчи тана бўшлиқлилар, яъни целомик ҳайвонларга (ҳалқали чувалчанглар, игнатерилилар, хордалилар типи) ва аралаш тана бўшлиқлилар (бўғимоёқлилар типи)га ажратиш мумкин.

Эмбрионал тузилишига биноан целомли ҳайвонларни ҳам бирламчи оғизлилар (Protostomia) ва иккиламчи оғизлилар (Deuterostomia) гуруҳига ажратилади. Бирламчи оғизлиларнинг эмбрионал ривожланиши даврида ҳосил бўлган бирламчи оғиз (blastopор), улар вояга етган даврида ҳам оғиз тешиги бўлиб қолаверади. Бу гуруҳга ҳалқали чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар ва онихофоралар типи киради. Иккиламчи оғизлиларнинг эмбрионал ривожланишидаги ҳосил бўлган бирламчи оғиз вояга етган ҳайвоннинг чиқариш тешигига айланади. Иккиламчи, яъни ҳақиқий оғиз тешиги эса кейинчалик мустақил ҳолда, кўпинча чиқариш тешиги жойлашган қутбнинг қарама-қарши томонида ҳосил бўлади. Бу гуруҳга игнатерилилар, чалахордалилар ва хордалилар типи киради. Тукжағлилар ва погонофораларнинг эмбрионал ривожланиши юқорида кўрсатилган иккита гуруҳнинг бирортасига ҳам ўҳшамайди. Шунинг учун бу икки тип вакилларини бирламчи ёки иккиламчи оғизлиларга киритиб бўлмайди.


## IV. ФАГОЦИТЕЛЛАСИМОНЛАР (PHAGOCYTELLOZOA) БҮЛИМИ

---

### 8. ПЛАСТИНКАЛИЛАР (PLACOZOA) ТИПИ

1883 йилда немис зоологи Ф. Шульце Граце шаҳридаги университет аквариумларидан биринде тузилиши жиҳатдан бир ҳужайралилар билан кўп ҳужайралилар ўргасида турган ҳайвонни учратганини маълум қиласи ва уни трихоплакс деб атайди. Лекин кейинчалик трихоплакс ҳеч қандай асоссиз медузаларнинг личинкаси деб эълон қилиниши туфайли унга бўлган қизиқиш сусайиб кетади. Бу воқеадан тахминан юз йил кейинроқ содда ҳайвонларни ўрганиш билан шуғулланувчи немис олими К. Крелль лаборатория шароитида бу ҳайвоннинг жинссиз иккига бўлиниши йўли билан кўпайшидан ташқари жинсий кўпайшини ҳам аниқлади ва трихоплакс медузаларнинг личинкаси эмас, балки мустақил ҳаёт кечирадиган вояга етган ҳайвон эканлигини исботлади.

Трихоплакс ташқи кўринишидан амёбаларга ўхшаб кетадиган, сув ўсимликлари устида сирпаниб ҳаракатланадиган, 4 мм катталиктаги пластинкасимон денгиз ҳайвонидир. Трихоплакснинг ҳаракат йўналиши аниқ бўлмасдан гоҳ олдинга, гоҳ орқа томонга қараб ўзгариб туради. Шунинг учун унинг танаси олдинги ва кейинги томонларини аниқлаб бўлмайди (26-расм). Трихоплакс танасининг сув ости нарсаларига ёпишиб ҳаракатланувчи томони шартли равишда қорин деб қабул қилинган. Бу қисмдаги ҳужайраларнинг ҳар бири биттадан хивчинга эга. Танасининг ички томони сохта оёқ ёрдамида ҳаракатланадиган амёбасимон ҳужайралар билан тўлган. Бу ҳужайралар қорин томондаги ҳужайралардан улар хивчинларини йўқотиб, ичкарига ботиб кириши натижасида ҳосил бўлади, деб тахмин қилинади. Лекин булардан ташқари трихоплакс танасида орқадан қорин томонига чўзилган дуксимон ийрик ҳужайралар ҳам мавжуд. Бу ҳужайраларнинг функцияси яқин давргача номаълум эди. 1986 йилда немис зоологи Г. Вендерот тажрибалар асосида бу ҳужайраларнинг фагоцитар функциясини кўрсатиб берди. У лаборатория шароитида сақланаётган трихоплаксларни жонсизлантирилган ачитқи ҳужайралари билан озиқлантириб, озиқ зарралари хивчинларнинг ҳаракати туфайли трихоплакснинг елка томонига қараб ҳайдалишини ва бу ёрда дуксимон ҳужайралар томонидан ютилишини кузатди. Озиқ зарраларини ютиш



26-расм. Трихоплакс.

А — силжиб ҳаракатланытганида тана шаклининг ўзгариши. Б — кўндаланғ қесими: 1 — орқа эпителийси. 2 — ўрта қаватнинг мезенхима ҳужайралари. 3 — қорин эпителийси. 4 — мезенхима ҳужайрасидаги ҳазм вакуоласи.

учун трихоплакс танасининг орқа томонига кўтарилган дуксимон ҳужайралар яна аввалги ҳолатига қайтади. Бундай ўзига хос озиқланиш усулини Г. Вендерот *трансэпителнал цитофагия* деб атайди. Трихоплакс умумий тана тузилиши, озиқланиши жиҳатдан кўп ҳужайрали ҳайвонларнинг И. И. Мечников тахмин қилган аждодларига ўхшаб кетади ва унинг “майдо озиқ зарралари тананинг ташки қисмидаги хивчинли ҳужайралар томонидан, ийрик зарралар эса амёбасимон ички ҳужайралар орқали ютилади”, деган фикри нақадар тўғри эканлигидан далолат беради. Ҳамма тубан тузилишга эга бўлган кўп ҳужайрали ҳайвонлар сингари трихоплаксда ҳам регенерация қобилияти кучли ривожланган, ҳатто унинг бир-биридан ажралган айrim ҳужайраларидан янги ёш ҳайвон тарақкий этади.

Пластикалилар типига *Trichoplax adhaerens* ва *T. reptans* деб аталаувчи иккита тур киради. Биринчى тур Атлантика океани, Ўртаер ва Қизил денгизларда учрайди, иккинчى тур *T. reptans* Италиянинг Неапол шаҳридаги зоология станциясининг аквариумларида топилган. Трихоплаксларни бундан кейин мукаммал ўрганиш орқали кўп ҳужайрали ҳайвонларни бир ҳужайрали ҳайвонлардан келиб чиққанлигини исботловчи янги энг муҳим далилларга эга бўлиш мумкин.

## V. ПАРАЗОЙЛАР (PARAZOA) БҮЛИМИ


### 9. ФОВАКТАНЛИЛАР (SPONGIA, ЯНЫ ПОРИФЕРА) ТИПИ

Фовак танлилар — ўтроқ яшовчи тубан күп ҳужайралы ҳайвонлар. Асосан денгизларда, айрим вакиллари чучук сувларда тарқалган. Тұқима ва органлары ривожланмаган, танаси бир неча хил ҳужайралардан ва ҳужайра орасидаги моддалардан иборат. Тана бүшлиғи *хоаноциттар* деб аталаған ёқали хивчинли ҳужайралар билан қопланған. Нерв системаси ривожланмаган. Танасида жуда күп майда тешикчалари ва улардан тана бүшлиғига қараб кетадиган найчалари бўлади. Ана шу найчалар орқали фовактанлилар танасидан тўхтосиз сув ўтиб туради. Деярли ҳамма вакиллари оҳактош ( $\text{CaCO}_3$ ) ёки силикат ( $\text{SiO}_2$ )дан иборат минерал ёки органик скелетга эга.

**Тузилиши.** Тана шакли халтага ёки чуқурроқ қадаҳга ўхшаш, лекин бир қанча турлари муайян шаклга эга бўлмайди. Танаси сиртидаги жуда күп майда тешикчалар орқали *парагастрал тана бўйлиги* ташқи мұхит билан боғланған. Бу бўшилик танасининг юқори томонидаги тешик — оскулум орқали ташқи мұхитга очилади.

Танаси икки қават бўлиб жойлашган ҳужайралар — ташқи эктодерма ва тана бўшлигини қоплаб турадиган эндодерма ҳужайраларидан иборат. Эктодерма ва эндодерма оралиғида *mezoglea* деб аталаған структурасиз қават жойлашган. Кўпчилик фовактанлилар мезоглеяси қалин бўлиб, унда ҳар хил ҳужайралар тартибсиз жойлашган (26-расм). Скелет ана шу мезоглеяда ҳосил бўлади. Эктодерма ясси ҳужайралардан иборат. Эктодерма ҳужайраларидаги майда тешикчалар жуда ингичка найчалар орқали парагастрал бўшилик билан туташган. Эндодерма узун хивчинлицилиндрисимон ҳужайралар — хоаноцитлардан иборат. Хивчинлар асосини юпқа мембрана пардадан иборат ёқача ўраб туради.

Фовактанлилар тузилиш хусусиятига кўра аскон, сикон ва лейкон деб аталаған гуруҳларга бўлинади (27-расм). *Аскон* тузилиши энг содда фовактанлилар учун хос бўлади. Бундай фовактанлиларнинг мезоглеяси қалин бўлмайди, эктодермадаги тешиклар (поралар) ингичка найчалар орқали бевосита ёқачали хивчинли ҳужайралар билан қопланған парагастрал бўшиликка очилади. Кўпчилик фовактанлилар учун аскон тузилиши фақат эмбрионал ривожланиш даврида кўринади. Он-




27-расм. Фовактанлиларнинг тузилиш типлари.

А — аскон. Б — сикон. В — лейкон: 1 — тешиклар, 2 — хивчинли камералар, 3 — оскулум. Стрелкалар сув оқими йўналишини кўрсатади.

тогенезда аскон мураккаблашиб бориб, сиконни ҳосил қиласди. Мураккаблашув мезоглеяни қалинлашиб, алоҳида камераларни ҳосил қилишидан ҳамда хивчинли эндодерма ҳужайраларини камералар ичидаги жойлашганлигидан иборат. Лейконда мезоглея янада кўпроқ қалинлашади, хивчинли камералар мезоглеяга кўпроқ ботиб кирган бўлади. Лейконнинг мезоглеядаги камералари олиб келувчи найчалар орқали ташқи муҳит билан, олиб кетувчи найчалар орқали эса парагастрал бўшлиғи ҳам ясси эктодерма ҳужайралар билан қопланган бўлади. Фовактанлиларнинг хивчинли камералари жуда кўп бўлади. Масалан, бўйи 7 см, эни 1 см лейкониянинг хивчинли камераларининг сони 2 млн дан ошади.

**Ҳужайра элементлари.** Мезоглеяда юлдузсимон ҳужайралар, склеробластлар ва амёбацитлар жойлашган (28-расм). Юлдузсимон ҳужайралар таянч элементлар — колленцитлар ҳисобланади. Склеробластлар ичидаги скелет элементлари ҳосил бўлади. Амёбацитлар ҳаракатчан ҳужайралар бўлиб, уларни хоаноцитлардан олинган озиқни ҳазм қилувчи ҳужайралар ва ихтинослашмаган резерв ҳужайралар — археоцитларга ажратиш мумкин. Археоцитлар барча кўрсатилган ҳужайраларни, шу жумладан жинсий ҳужайраларни ҳам ҳосил қилиш хусусиятига эга. Текширишларнинг кўрсатишича фовактанлилар танасида қарийб ҳамма ҳужайралар бири иккincinnisinи ҳосил қилиши мумкин. Масалан, хоаноцитлар хивчинини ташлаб мезоглеяга ўтиши ва амёбацитларга айланиши ёки аксинча археоцитлар хоаноцитларга айланиши



28-расм. Фовактанлиларнинг тузилиши.

А — тана девориниң күндаланғ қесимі. Б — скелетti спикулалариниң ҳар хил шакллары: 1 — тана сирти ва найлари девориниң қопловчи ҳужайралар, 2 — ёқали хивчинил ҳужайралар, 3 — мезоглеядаги тухум ҳужайра, 4 — мезоглеядаги склеробласт, 5 — найчалар, 6 — юлдузсімөн ҳужайра.

мүмкін. Бұ ҳол фовактанлиларни жуда содда содда түзилганды, ҳужайралари түлиқ іхтисослашмаганligini күрсатади.

Одатда фовактанлиларнинг нерв системаси бўлмайди. Айрим зоологлар мезоглеяда ўсимталары орқали ўзаро боғланган юлдузсімөн ҳужайраларни аниқлашган. Лекин уларнинг нерв функцияси аниқланмаган.

**Физиологияси.** Сув тана сиртидаги тешикчалардан майда найчалар орқали парагастрал бўшиликка ўтади ва ундан оскулум орқали ташқи мұхитга чиқиб кетади. Камералардаги ёқачали ҳужайралар хивчинлариниң ҳаракатланиши сувни тана орқали оқиб туришини таъминлайды.

сүйнәрида бирмунча камроқ учрайди. Лойқа сув ғовактәнлилар най системасини беркитиб күяди. Шунинг учун улар балчиқлы лойқалана-диган сувларда күп учрамайды. Бундай жойларда учрайдиган турлар-ниң сув тубидан юқори күтариб турувчи гигант стикулалари (поялари) бўлади. Соҳилнинг сув кўтарилиб-қайтиб турадиган қисмида яшайдиган ғовактәнлилар бирон нарсага ёпишган бўртма, ёстиқча ёки қобиққа ўхлайди. Сувнинг чуқур қисмида учрайдиган ғовактәнлиларнинг крем-нийли скелети қаттиқ, лекин жуда мурт, саёз жойда яшайдиган кўпчилик ғовактәнлилар скелети эса анча мустаҳкам ва пишиқ бўлади. Ғовактәнлилар сувни ҳар хил механик ва органик ифлосланишдан сақлайдиган биофильтраторлар сифатида катта аҳамиятга эга.

Ғовактәнлилар бошқа организмлар билан симбиотик ёки комменсал муносабатда бўлиши мумкин. Масалан, чучук сув ғовактәнлилари танасида учрайдиган бир ҳужайрали сув ўтлари уларни кислород билан таъминлайди. Ғовактәнлилар эса сув ўтларига минерал моддалар етказиб беради. Бундай ўзаро фойдални муносабатни симбиоз дейилади. Ғовактәнлилар колониясида кўплаб ҳалқали чувалчанглар, қисқичбақасимонлар, илондумлилар, (нинатерилилар) яшайди. Ўз навбатида ғовактәнлилар ҳам краблар совут қалқонига, моллюскалар чиганоғига ёпишиб олади. Бир хил организмни иккинчиси томонидан субстрат тариқасида фойдаланиши билан боғлиқ бўлган бундай муносабатлар комменсализм дейилади. Комменсализм бир организм учун фойдали, иккинчиси учун бефарқ бўлади.

Пармаловчи ғовактәнлилар (*Cliona avolodii*) ўзига хос экологик гурӯҳни ҳосил қиласди. Улар оҳак субстрат — моллюскалар чиганоғи, коралл полиплар скелети ёки оҳак тошларни тешиб кириб олади. Тешикдан ҳайвон танасининг оксулемли қисми чиқиб туради. Пармаловчи ғовактәнлилар оҳакни емирувчи кислота ишлаб чиқариш хусусиятига эга.

Ғовактәнлиларнинг иқтисодий аҳамияти унча катта эмас. Айрим жанубий мамлакатларда юмшоқ органик скелетли туалет ғовактәнлилари ювиш ва ювениш учун, шунингдек ҳар хил техник мақсадларда фойдаланилади. Ўқув адабиётларда учрайдиган “булутлилар” номининг келиб чиқиши туалет ғовактәнлисининг юмшоқ ва ғовактәнасининг кўп миқдорда сув шимиб олиш хусусияти билан боғлиқ. Чунки қадимда кишилар “булутлар денгизлардан сув ичиб келиб, ёмғир ва қор ёғдиради, кўп сув шимадиган ғовактәнли булутнинг бир парчаси” деган содда фикрга эга бўлганлар. Айрим шишасимон скелетли ғовактәнлилардан совға сифатида фойдаланилади. Чучук сув бодягасининг майдаланган скелетидан бод касаллигига терини ишқалаш учун фойдаланилади. Скелетининг тузилишига биноан ғовактәнлилар учта синфга бўлинади.

**1. Оҳак скелетли ғовактәнлилар (*Calcarea, яъни Calcispongia*) синфи.**  
Скелети тўрт ўқли, уч ўқли ёки бир ўқли оҳак ниналардан иборат. Ден-



31-расм. Шишасимон ғовактанилар.


А — Венера саватчаси (*Euplectella*), Б — гиалонема (*Hyalonema*).

гизларнинг унча чуқур бўлмаган жойларида учрайди, танаси унча йирик бўлмайди. Аскон, сикон ёки лейкон типида тузилган. Асосий турлари *Sycon*, *Leucon* уруғларига киради (27-расм).

**2. Шишасимон скелетли ғовактанилар (*Hyalospongia*) синфи.** Катталиги 50 см гача, дengизларнинг чуқур қисмида яшайдиган ҳайвонлар. Танаси найсимон, халтасимон, баъзан қадаҳсимон ёки цилиндр шаклда. Якка ҳолда яловчи турлари

сиконоид тузилган. Кремний ниналари уч ўқли, жуда хилма-хил тузилган. Кўпинча нина учлари ёнишиб панжара ҳосил қиласди. Мезоглеяси яхши ривожланмаган. *Euplectella* авлодига мансуб айрим турларининг 1 м га ётадиган цилиндримон тана узунлиги 3 м гача бўлган нинадан иборат поя ёрдамида сув тубига қадалган бўлади (31-расм).

**3. Оддий ғовактанилар (*Demospongia*) синфи.** Кўпчилик ғовактанилар ана шу синфга киради. Скелети кремний ёки спонгийдан ёки уларнинг ҳар иккаласидан иборат. Скелет ниналари тўрт ўқли ёки уч ўқли бўлади. Бу синфга йирик шарсимон геодиялар (*Geodia*) ва алвон рангли дengиз апельсинлари (*Tethya*) авлоди, пўрак ғовактанилар (*Suberitidae*) ва пармаловчи ғовактанилар (*Clionidae*) оиласи, кремний-мугуз скелетлилар (*Demospongia*) туркуми, ғовактанилар зимокка (32-расм) ва бодягалар (*Spongellidae*) оиласи вакиллари киради. Чучук сув ҳавзаларида, жумладан Ўзбекистонда чучук сув ғовактанилиси бодяга (*Spongilla*) авлодига мансуб турлар тарқалган (29-расм).



32-расм. Зимокка туалет ғовактанлиси (*Spongia zimocca*).

### *ГОВАКТАНЛИЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ*

Ғовактанлилар — жуда қадимги организмлар. Уларнинг қазилма қолдиқлари кемброй ва протерозой жинслари таркибида учрайди. Ғовактанлилар тузилишининг кўпгина хусусиятлари, яъни тўқима ва органларини ихтиосослашмаганлиги, уларни жуда содда тузилганлигидан дарак беради.

Ғовактанлиларнинг паренхимула личинкаси Мечников кўрсатиб ўтган фагоцителлага жуда ўҳшашиб бўлади. Фагоцителлани ўтроқ яшашга ўтиши туфайли ғовактанлилар пайдо бўлган дейиш мумкин. Лекин ғовактанлилар эмбрион япроқларини тескари афдарилиши туфайли, уларнинг ташқи қаватидаги хивчинли ҳужайралари ботиб кириб, ички ёқачали хивчинли қават — хоаноцитларни, ички ҳужайралар эса ташқи дермал қаватни ҳосил қиласди. Бу далиллар ғовактанлилар ҳайвонот олами эволюциясининг дастлабки даврларида, яъни эмбрион варақлари шаклланишининг бошланғич даврларида ҳайвонларнинг умумий шажарасидан ажралиб, мустақил ривожланишга ўтган ҳайвонлар эканлигини исбот этади.

## VI. ҲАҚИҚИЙ КҮП ҲУЖАЙРАЛИЛАР (EUMETAZOA) БҮЛİMİ

---

### 10. БҮШЛИҚИЧЛИЛАР (COELENTERATA) ТИПИ

Бүшлиқиичилар типига 9000 га яқин тур киради. Құпчилик турлари денгизларда, айрим турлари чучук сувларда учрайди. Үтроқ, эркин, якка ҳолда ёки қолония бўлиб яшайди.

Танаси радиал ўқли симметрияга эга. Танаси орқали битта асосий ўқ үтказиладиган бўлса, тана органлари ана шу ўқ атрофидаги радиал нурлар бўйлаб жойлашади. Радиал симметрия сони тақрорланиб турадиган органлар сонига боғлиқ. Органлар сонига биноан ҳайвонлар 2, 4, 6, 8 ёки ундан кўпроқ симметрия юзасига эга бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан бүшлиқиичилар икки томонлама симметрияли ҳайвонлардан фарқ қиласди. Икки томонлама симметрияли ҳайвонлар танасида фақат битта симметрия юзаси бўлиб, бу юзани ўзаро тенг чап ва ўнг бўлакларга бўлиш мумкин. Нурли симметрия нисбатан ўзгармас муҳитда кам ҳаракат қилиб яшайдиган ҳайвонлар учун хос бўлади. Шундай қилиб, биологик нуқтаи-назардан нурли симметрияниң келиб чиқиши ўтроқ ёки сув тубига ёпишиб яшаш билан боғлиқ. Бундай ҳайвонлар танасининг бир қутби одатда ёпишиш учун хизмат қиласди; иккинчи қарама-қарши қутби эркин бўлиб, унда оғиз тешиги жойлашган. Оғиз қутби атроф муҳитга нисбатан бир хил шароитда бўлганлиги (масалан ўлжани ушлаш нуқтаи-назардан) туфайли кўпчилик органлар бир хил ривожланиш имкониятига эга бўлади. Ана шу сабабдан тана бўйлаб оғиз орқали ўтадиган ўқ атрофидаги жойлашган органлар бир хил ривожланиб, радиал ўқли симметрия ҳосил қиласди.

Бүшлиқиичилар — икки қаватли ҳайвонлар. Онтогенезда уларнинг танасида фақат икки қават, яъни ташқи эктодерма ва ички эндодерма ҳосил бўлади. Бу икки қават мезоглея парда орқали ажralиб туради. Бүшлиқиичилар танасини одатда бир уни очиқ, ичи бўш қопга ўхшатиш мумкин. Оғзи бир неча пайпаслагичлар билан ўралган. Озиғи тана бўшлиғида ҳазм бўлади, ҳазм бўлмаган озиқ қолдиги яна оғиз тешиги орқали чиқарилади. Эмбриология нуқтаи-назардан бўшлиқиичилар танасини гаструлага қиёслаш мумкин.

Ҳаёт кечириш хусусиятига биноан бўшлиқичиллар ўтроқ яшовчи полипларга ва эркин яшовчи медузаларга ажратилади. Полиплар одатда колония ҳосил қиласди, медузалар эса эркин яшайди. Лекин полиплар орасида ҳам якка яшовчи ва секин ҳаракатланувчи вакиллари бўлади. Полиплар колонияси якка полипни куртакланиши, лекин куртакларни ажралиб кетмасдан она организмида қолиши туфайли ҳосил бўлади. Колония бир хил полиплардан (мономорф колония) ёки ҳар хил полиплар (полиморф колония)дан иборат бўлиши мумкин. Ҳамма бўшлиқичилларнинг отувчи ҳужайралари бўлади.

Бўшлиқичиллар типи гидрозойлар, сцифомедузалар ва коралл полиплар синфида ажратилади.

## 10.1. ГИДРОЗОЙЛАР (HYDROZOA) СИНФИ

Гидрозойлар 2800 га яқин тубан тузилган бўшлиқичилларни ўз ичига олади. Уларнинг тана бўшлиғида тўсиқлар бўлмайди, ҳужайралари кам ихтисослашган, ҳалқуми ривожланмаган. Нерв системаси оддий тузилган, нерв ҳужайралари танасида тарқоқ жойлашган. Жинсий ҳужайралари эктодермада ҳосил бўлади. Кўпчилик турлари ҳаёт циклида полип ва медуза даврлари кетма-кет алмашиниб туради. Бироқ полип ёки медуза стадияси ҳаёт циклидан тушиб қолиши ҳам мумкин. Гидрозойларнинг личинкаси *планула* дейилади. Чучук сув полипларининг личинкаси бўлмайди.


Кўпчилик гидрозойлар денгизларда колония бўлиб яшайди. Гидро зойлар гидроидлар ва сифонофоралар кенжада синфида ажратилади.

### 10.1.2. ГИДРОИДЛАР (HYDROIDEA) КЕНЖА СИНФИ

**Тузилиши.** Гидроидлар орасида энг содда тузилган чучук сув гидрапари ҳисобланади. Гидраларнинг танаси чўзиқ қопча ёки цилиндрга ўхшайди; танасининг пастки субстратга ёпишган томони товоң дейилади. Товоңнинг қарама-қарши учидагизи тешиги жойлашган бўлиб, бу томони *орал қутби*, товоң томони эса *аборал* (яъни орал қутба қарама-қарши) қутби дейилади;

Гидра танаси девори ташқи эктодерма ва ички эндодермадан тузилган. Бу икки каватни базал парда ажратиб туради. Эктодерма ва эндодерма тана бўшлигини ўраб туради. Бу бўшлиқ гастрал бўшлиқка мос келади. *Гастрал* бўшлиқ ягона оғиз тешиги орқали ташқи муҳитга очилади. Оғиз тешиги атрофида 5-12 та пайпаслагичлар жойлашган. Гастрал бўшлиқ ана шу пайпаслагичлар ичига қараб давом этади (33-расм). Эктодерма ва эндодерма ҳужайралари оғиз тешиги четирида туташганидан гидроидлар ҳалқуми (яъни эктодерма билан қопланган олдинги ичаги) бўлмайди.

Гидра танаси бир неча хил ҳужайралардан тузилган. Эктодерма ва




33-расм. Гидра (*Hydra oligactis*).

А — бүйнгә кесмасы. Б — күйдаланған кесмасы. В — танаң деворининг бир қисми. Г — эпителий-мускул ұхжайрасы: 1 — эктодерма, 2 — эндодерма, 3 — базал мембрана, 4 — гастрап бүшлиқ, 5 — эпителиал-мускул ұхжайралар, 6 — интерстициал (оралик) ұхжайралар, 7 — отувчи ұхжайралар, 8 — перв ұхжайрасы, 9 — эндодермал эпителий ұхжайралари, 10 — безли ұхжайралар, 11 — оғиз тешіги, 12 — оғиз конуси, 13 — куртак, 14 — товон, 15 — тухум ұхжайра, 16 — әрқақлық гонада.

Эндодерма қаватлари цилиндрсімөн ёки кубсімөн эпителий-мускул ұхжайралардан иборат. Бу ұхжайраларнинг базал мембранага тегиб турадиган дүкка үшаш чүзиқ томонида мускул толалари бұлади. Мускуллар Гидра танаси бүйлаб жойлашған бўлиб, улар қисқарғанида гидра танаси ва пайпаслагичлари тортилади. Эндодермада мускул толалари танага күйдаланған бўлиб, ҳалқа шаклда жойлашған. Эндодерма мускуллари қисқарғанида гидра танаси ингичкалашып узайды.

Эпителий-мускул ұхжайралари орасида отувчи ұхжайралар жойлашған. Отувчи ұхжайралар уч хил бұлади. *Пинетранитлар* деб аталадиган отувчи ұхжайралар ичіда отувчи капсула бұлади. Капсула суюқлигіда орқага қайрилған илмоқчали майдада тукчаларга зәға бўлған санчилувчи стилет бұлади. Отувчи ұхжайра устида маҳсус сезгир түкта — *книдоцел* жойлашған (34-расм). Книдоцел 18 та бармоқсімөн үсімталар — микроворсинкалар билан ўралған хивчиндан иборат. Ўлжа ёки душман хивчинга тегиб кеттанида хивчин микроворсинкаларга тегиб отувчи



34-расм. Отувчи ҳужайра.

А — тинч ҳолатда. Б — отилувчи ишлари отилиб чиқарылган ҳолати. В — кидоцелниң гүзилиши: 1 — ядро, 2 — отувчи капсула, 3 — кидоцел, 4 — отилувчи иш, 5 — илмоқчалар, 6 — хивчин, 7 — микроворсиналар.

хужайрани қўзғатади. Отувчи капсула отувчи толани отиб чиқаради. Тола ҳайвон танасига найзага ўхшаб санчилади. Капсула ичидаги суюқлик тола ичидаги най орқали ўлжа танасига оқиб ўтади. Суюқлик майда ҳайвонларни фалажлаши мумкин. Бир марта фойдаланилган отувчи ҳужайра қайта тикланмайди; унинг ўрнига бошқаси ҳосил бўлади.

*Вольвенитлар* деб аталадиган бошқа бир хил отувчи ҳужайралар суюқлиги куйдирисх хусусиятига эга. Уларнинг ипи ўлжа танасидаги тукларга ўралиб қолиб, уни ушлаб туради.

Учинчи гуруҳ отувчи ҳужайралар — *глютинантлар* ёпишқоқ ишлар чиқаради. Бу ишлар ёрдамида гидра ҳаракатланади ёки ўлжасини ёпиштириб ушлаб туради.


Отувчи ҳужайралар пайпаслагичларда айниқса кўп бўлади. Эктодермадаги эпителий — мускул ҳужайралар асосида ихтисослашмаган жуда кўп майда интерстициал ҳужайралар тўп-тўп бўлиб жойлашган. Улар гидра танасидаги бошқа ҳужайраларни, шу жумладан отувчи ва жинсий ҳужайраларни ҳосил қиласиди. Эндодерма қавати асосан ҳазм қилиш функциясига эга бўлган эпителий-мускул ва махсус без ҳужайралардан иборат. Бу ҳужайралар мускул толалари гидра та-

насига нисбатан кўндаланг жойлашганилиги юқорида қайд этилган эди. Эндодерма ҳужайралари 1-3 та хивчинга эга; улар соxта оёқлар ҳосил қиласи ва гастрал бўшлиқдаги зарраларни қамраб олиб, ҳужайра ичида ҳазм қиласи. Шундай қилиб, бўшлиқчиллар ҳам ғовактанилларга ўхшаб озиқ моддаларни ҳужайра ичида ҳазм қилиш хусусиятига эга. Лекин шунинг билан бирга бўшлиқчиллар эндодермасидаги безли ҳужайралар гастрал бўшлиққа ҳазм шираси ишлаб чиқариши туфайли озиқ тана бўшлиғида ҳазм бўла бошлади. Бўшлиқчилларда озиқ ҳужайра ичида ва тана бўшлиғида ҳазм бўлиши билан бирга боради. Гидра ҳар хил майдо жониворлар, асосан қисқичбақасимонлар (дафния, циклоплар) билан озиқланади.

**Кўпайиши ва ривожланиши.** Гидралар жинссиз ва жинсий кўпаяди. Жинссиз кўпайиш куртакланишдан иборат. Гидра танасининг ўрта қисмида бўртиқ (куртак) ҳосил бўлади (35-расм). Куртак ўсиб, унинг учки қисмида оғиз тешиги ва пайпаслагичлар ҳосил бўлади. Куртак она организмидан ажралиб сув тубига тушади ва мустақил яшай бошлади.

Гидранинг жинсий кўпайиши кузда совуқ тушиши олдидан бошланади. Кўпчилик гидралар айрим жинсли, айрим интерстициал ҳужайралар бевосита тухум ҳужайрага айланади ёки кўп марта бўлиниб, сперматозоидларни ҳосил қиласи. Гидра танасининг жинсий ҳужайралар ҳосил бўладиган қисми бўртиб чиқади. Одатда тананинг товонга яқинроқ жойида тухум, оғизга яқинроқ жойида уруғ ҳужайралар ҳосил бўлади.

**Денгиз гидроид полиплари.** Гидрозойлардан асосан гидралар якка




35-расм. Гидра (*Hydra oligactis*).

А — эркак гонадалари. Б — урғочи гонадалари. В — куртакланаётган гидра.

яшайды. Денгиз гидрополиплари жуда күп индивидлардан иборат колония ҳосил қиласи. Колония куртакланиш орқали ҳосил бўладиган ёш полипларни она полипдан ажралиб кетмасдан унинг ўзи ҳам куртакланиб, янги полиплар ҳосил қилиши туфайли вужудга кела-ди. Бундай йўл билан ҳосил бўлган колония дараҳт ёки бутага ўхшаб кетади. Колония умумий поядан ва унда жойлашган жуда күп шохлардан иборат. Ҳар бир шохнинг учидаги индивид-гидрант жойлашган. Колониядаги ҳар бир индивид гидранинг битта куртагига ўхшаб кетади. Гидрантларнинг гастрал бўшлиғи колония пояси ва шохлари орқали ўтадиган бўшлиққа туташиб кетади. Шунинг учун ҳар бир гидрант тутиб олиб, ҳазм қилган озиқ колония индивидлари ўртасида текис тақсимланади. Колония пояси сиртдан юпқа, тиниқ ва пишиқ органик пўст-перидерма билан қопланган. Бир хил гидроидларда перидерма гидрант танасигача етади, бошқаларида бу пўст гидрантни ўраб турадиган косача, яъни *тека* ҳосил қиласи. Бу белгига асосан гидрозоид полиплар косачасиз (текасиз) ва косачали (текали) туркумларга ажратилади. Тека полип колониясини мустахкам бўлишини таъминлайди.

**Гидроид медузаларнинг ҳосил бўлиши.** Гидроид полиплар колонияси куртакланиш орқали гидрантларни ва *бластостил* деб атала-диган медуза ҳосил қиласиган индивидларни ҳосил қиласи. Бластостил шаклан ўзгарган гидрант бўлиб, ундан пайпаслагичлари ва оғиз тешигининг бўлмаслиги билан фарқ қиласи. Бластостил пери-дерма қобиқ-гонотека билан ўралган. Унинг учки қисмида қопқоқ-часи бўлади. Бластостил куртакланиш орқали жинсий насл — ме-дузаларни ҳосил қиласи. Обелия колониясида медуза ана шу усулда ҳосил бўлади. Кўпчилик гидроидларда медузалар бевосита гидрантлардан куртакланиш орқали ҳосил бўлади. Обелия колониясидаги блас-тостилларда ҳосил бўладиган медузалар қопқоқча очилиши билан сувга чиқиб сузиб кетади. Медузалар айрим жинсли, уларда жинсий ҳужайралар шакланади. Медузаларнинг тузилиши полипларга ўхшайди, лекин уларнинг танаси соябон шаклида бўлади (36-расм).

Медуза соябонининг устки қавариқ томони *эксумбрелла*, остки ботиқ томони *субумбрелла* дейилади. Субумбрелла томонидаги маҳсус пояча сиртида оғиз тешиги жойлашган. Оғиз тешиги гастрал, яъни ҳазм қилувчи бўшлиққа очилади. Бу бўшлиқ марказий ошқозон бўшлиғидан, ундан соябон четига қараб кетадиган радиал найдар ва соябон чети бўйлаб жойлашадиган ҳалқа найдан иборат. Одатда радиал найдар тўртта ёки тўрт кара миқдорда бўлади. Ошқозон, радиал ва ҳалқа найдар биргаликда гастроаскуляр бўшлиқ яъни ичак — найдар системасини ҳосил қиласи. Соябон четига жойлашган юпқа мускулли парда медузанинг ботиқ томонига очиладиган тешикни бирмунча торайтиради. *Елкан* деб атала-диган бу парда фақат гидрополиплар медузаси учун хос бўлади. Елкан медузани ҳаракатланишида катта аҳамиятга эга. Медуза соябо-




36-расм. Гидроид полип обелия.

А — колонияси (бироз катталашибилган). Б — колониянинг бир қисми (айрим индивидлар очиб кўрсатилган): 1, 2 — гидрант, 3 — тека, 4 — куртак, 5 — медузали бластоцел, 6 — гидротека, 7 — гонотека.

ни четларидан пайпаслагичлар осилиб туради. Пайпаслагичлар радиал наилар сингари тўртта ёки тўрт карра миқдорда бўлади. Мезоглеясининг кучли ривожланганилиги билан медузалар полиплардан фарқ қиласди. Мезоглеяниң асосий қисми сувдан иборат бўлганидан медузанинг танаси шаффофф шишага ўхшаб кетади. Планктонда ҳаёт кечирадиган барча организмлар танаси рангиз тиниқ бўлади. Бу ҳодиса планктон организмларининг ишобланани ранги ҳисобланади.

Медузалар нерв системаси полипларга нисбатан анча мураккаб тузылган. Танасида тарқоқ жойлашган нерв ҳужайралари билан бирга соябон четида нерв ҳужайралар тўғламидан иборат нерв тутунлари, яъни ганглийлар ҳам бўлади. Нерв ганглийлари нерв ҳужайралари ўсимтларни билан бирга яхлит нерв ҳалқасини ҳосил қиласди. Нерв ҳалқаси соябон елканчаси мускуллари ва сезги аъзолари ишини бошқаради.



37-расм. Гидромедузаларнинг сезги органлари.

А — пайпаслагичлари асосида жойлаши ан мувозанат органи. Б — кўз доғи. В — кўзи:  
1 — пайпаслагичи эктодермаси, 2 — эндодерма, 3 — пайпаслагич асоси, 4 — статоцист,  
5 — статоцист бўшиғи, 6 — сезгир ҳужайралар, 7 — ретинал ҳужайралар, 8 — пигмент ҳужайралар, 9 — гавҳар.

Медуза соябони четида мувозанат сақлаш органи — *статоцистлар* ва кўзга ўхшашиб сезги органлари жойлашган (37-расм). Мувозанат сақлаш органлари одатда эпителий чуқурчаларидан иборат. Чуқурчалар ташки эпителийни тана ичига ботиб киришидан ҳосил бўлади. Одатда чуқурчалар эктодермадан ажralиб чиқиб ёпиқ пуфакча — статоцисти ни ҳосил қиласди. Пуфакча девори сезгир эпителий билан тўлган бўлиб, унинг ҳужайраларидан бири пуфак ичига ботиб киради. Бу ҳужайра тўғноғич бошчасига ўхшаб, пуфак бўшиғига ботиб кириб туради. Тўғноғич бошчаси ичига битта ёки бир неча оҳак тошчалар ажralиб чиқиб, *статолитларни* ҳосил қиласди, улар барча мувозанат аъзолари учун хос бўлади. Пуфакчадаги сезгир ҳужайралар узун сезгир қилча билан таъминланган. Қилчалар тошчалар таъсир этганида қўзғалади. Статоцистлар соябон чети мускулларини стимуллаштириб турадиган аъзо ҳисобланади. Агар медуза статоцистлари кесиб олиб ташланса ҳаракатланмайди. Барча ҳайвонлар статоцистларининг тузилиши асосан ўхшашиб бўлади.

Медузаларнинг содда кўзчалари оддий кўз доғчалари шаклида бўлади. Пайпаслагичлари асосида икки гуруҳ ҳужайралар жойлашган. Улардан бир хиллари узун сезгир ҳужайралар, иккинчи хиллари эса қўнғир ёки қора пигмент сақловчи ҳужайралар ҳисобланади.

Кўз чуқурчаси типида тузилган кўриш органларида пигментлашган ҳужайралар чуқурча тубида жойлашган. Ана шундай чуқурчаларда жойлашган кўз ҳар қандай ташки таъсирдан ҳимояланган бўлади. Бундан ташқари кўзни ботиб кириши билан ёруғлик сезувчи қатлам юзаси кенгаяди, ретинал ҳужайралар сони ҳам ошади. Айрим меду-

заларда кўз косаси чуқурчаси эктодермадан ажралиб чиқадиган қуюқ тиник модда билан тўлиб туради. Бу суюқлик ёруғликни синдириш хусусиятига эга. Ёруғлик нурини кўз гавҳари кўзниңг тўр қаватига тўплаб беради. Медузалар айрим жинсли, жинсий безлар соябоннинг остида радиал наилар яқинида ёки оғиз поясасида эктодерма билан мезоглея оралифида жойлашган ҳужайралардан иборат.


Медузалар сув оқими ёрдамида ёки соябон чети ва елканидаги мускул толаларининг қисқариши туфайли сузуб юради. Соябон ва елкан мускулларининг бир варакайига қисқариши ва бўшаши туфайли соябон чуқурчасидан сув чиқарилади ва унга сув киради. Сув соябон остидан сиқиб чиқарилганида медуза қавариқ томони билан олдинга сузуб кетади.

**Жинсий қўпайиши ва насл алмашиниши.** Гидроид медузалар фақат жинсий йўл билан кўпаяди. Етилган жинсий ҳужайралар медуза танаси деворини ёриб сувга чиқади ва сувда уруғланади. Айрим гидрополиплар колонияси полиморф бўлади; яъни уларда гидрант ва медузадан ташқари куртакланиш орқали ҳимоя функциясини бажарадиган *нематофорлар* ҳам бўлади. Нематофорларнинг пайпаслагичлари ва оғзи бўлмайди, лекин жуда кўп отувчи ҳужайраларн бўлади.

Уруғланган тухум ҳужайра тўлиқ бир текис бўлиниб, бластула ҳосил қиласди. Бластуладан икки қаватли гаструланинг ҳосил бўлиши одатда миграция орқали содир бўлади. Бунда бластуланинг кейинги қутбидаги ҳужайраларнинг бир қисми бластула бўшлиғи — *blastocelga* кўчиб ўтиб, уни аста-секин тўлдиради. Ривожланишнинг бу даврида личинка ғовактанлиларнинг паренхимуласига ўхшаб кетади. Кейинчалик бластула бўшлиғидаги айрим ҳужайраларнинг емирилиши туфайли гаструла бўшлиғи шаклланади. Бу даврда бўшлиғичлilar личинкаси *планула* дейилади. Планула овал шаклда бўлиб, танаси майда кипричалар билан қопланган. Планула сувда бир қанча вақт сузуб юриб, кипргини йўқотади ва сув тубидаги нарсаларга ёпишиб олади. Унинг эндормасида гаструла бўшлиғининг шаклланиши охирига етади. Личинканинг товонига қарама-қарши томонида оғиз тешиги ва унинг атрофида пайпаслагичлар шаклланиши билан планула полипга айланади. Полип ўсиб, куртакланиш орқали қўпайиш натижасида янги колонияни ҳосил қиласди.

Шундай қилиб, гидроид полипларнинг ҳаёт циклида, тузилиши ва қўпайишига биноан бир-бирига ўхшамайдиган икки насли: ўтроқ полип ва эркин яшовчи медуза даврлари галланади. Полип фақат куртакланиб қўпаяди ва медузаларни ҳосил қиласди. Медузалар эса жинсий уруғланниб қўпайиш орқали янги полипларни ҳосил қиласди. Ҳар хил усулда қўпаядиган организмлар ҳаёт циклида жинссиз ва жинсий наслларининг тўғри тартибда галланиб туриши *метагенез* дейилади.

Қўпчилик гидроидлар ҳаётида юқорида таъкидлаб ўтилганидек



38-расм. Ҳар хил гидроойлар.

А — бутли заҳарли медуза (*Gonionemus*). Б — чучук сув медузаси *Craspedacusta*. В — порпига медузасининг тузилиши. Г — *Hydrocogallia* оқак колонияси. Д — Трахимедуза *Aglantha*.

жинссиз ва жинсий насллари такрорланиб туради. Айрим гидроидлар ҳаёттеги циклида медузаид насли йўқолиб кетади. Бундай ҳолларда медузалар колониядан ажралиб кетмайди, яъни бластостилда қолиб, жинсий ҳужайраларни ҳосил килади. Бир қанча гидрополипларда медузалар ўз шаклини тамоман йўқотиб, жинсий ҳужайралар билан тўлган халтага ўхшаб қолади. Шундай қилиб, дастлаб ҳақиқий эркин яшовчи наслдан иборат бўлган медузалар, аста-секин ўзгариб колониянинг жинсий ҳужайраларни ҳосил қиласиган органига айланниб қолади.

Айрим гидроидларда насл алмашинув тескари томонга йўналган бўлиши мумкин. Бундай турларда медуза насл гидроид наслдан устун туради. Гидрозойлар орасида полип стадиясидан иборат вакиллари (гидра) билан бир қаторда фақат медузалар ҳолида ҳаёт кечириувчи турлари (*Trachylida* туркуми) ҳам бўлади. Бундай медузалар плануласи полипга айланмасдан яна медузани ҳосил қиласиди (38-расм).

Гидрозойлар синфи бир неча туркумларни ўз ичидаги олади. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат.

1. *Leptolida* туркуми вакиллари тропик ва мўътадил иқлимда кенг тарқалган. Насл алмашиниши орқали қўпаяди. Денгиз тубида, сув ўтлари ва чиғаноқлар устида қалин бўлиб ўсади. Танаси узунлиги 1 мм дан 1 м гача бўлади. Кўпчилик турлари денгизларда, айрим турлари чучук сувларда (*Limnomedyzae* туркуми ва ҳамда *Graspedacusta* авлоди) учрайди. Япон денгизи ва Курил ороллари яқинда тарқалган бутли медуза *Gonionemus* жуда заҳарли ҳисобланади. Айрим турлари коралл полипларга ўхшаш оҳак скелетга эга бўлади (38-расм).


2. *Trachylida* туркуми вакилларининг ҳаёт циклида фақат медуза насл бўлади, насл алмашинмайди. Бу туркумга бутун дунё океанида кенг тарқалган *Adlantha* авлоди турлари киради. Айрим турлари (масалан, *Cunina*) *Leptolida* туркуми турлари ҳосил қиласиган медузаларда паразитлик қиласиди. *Polypodium hydriforme* осётрсимонлар тухумида паразитлик қиласиди.

3. *Hydrida* — гидралар туркумига якка яшайдиган полиплар киради. Гидралар насл алмашинмасдан кўпаяди.

#### 10.1.2. СИФОНОФОРАЛАР (SIPHONOPHORA) КЕНЖА СИНФИ

Сифонофоралар — сув юзасида ёки сув юзаси яқинида сузуб юрадиган, колония бўлиб яшовчи полиплар. Улар одатда суви илиқ денгизларда тарқалган.

Тузилиши ва экологияси. Сифонофоралар колонияси полиморф бўлиб, узунлиги 1-2 см дан 2-3 м гача етади. Тузилишига кўра сифонофораларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бир хил сифонофоралар колонияси асосини ичи ковак поя ташкил этади. Колония инди-



видлари поя бўйлаб жойлашган бўлиб, умумий гастроваскуляр най орқали ўзаро туташган (39 Б-расм). Бошқа сифонофораларнинг асосий пояси қисқарган бўлиб, индивидлар поянинг пастки кенгайган учидаги жойлашган (39 А-расм).

Кўпчилик сифонофоралар колониясининг устки қисмида маҳсус пуфак — *пневматофори* бўлади. Пневматофорнинг юқори қисми газга тўлган, пастки қисмида газ ишлаб чиқарадиган безлар жойлашган. Баъзи сифонофоралар пневматофори жуда ийрик очилиб ёпилувчи тешикчаси бўлади. Колония сув юзасида сузуб юрганида пневматофор тешиги ёпиқ, унинг ичи газга тўлган бўлади. Пневматофор сиқилганида ундан газлар чиқиб кетиб, колония сувга чўқади. Сув юзасида доим сузуб юрадиган колонияларнинг пневматофори ийрик, тешикчаси бўлмайди, пневматофор бўшлиғи мезоглея тўсиқ билан бир неча қисмга ажралган; пневматофори сув юзасига чиқиб туради. Пневматофор устида S-га ўхшаш эгилган “елкани” бўлади. Бундай сифонофоралар шамол ёрдамида сузуб юради. **Португалия кемачаси физалия** (*Physalia*) пневматофори қизғиш рангда бўлиб, узунлиги 20-30 см га етади.

Пневматофор остида (агар у бўлмаганида колониянинг энг юқори қисмида) сузуви кўнгироқлар — *нектофорлар* жойлашган. Нектофорлар медузаларга ўхшашиб тузилган, лекин уларнинг оғиз тешиги ва хартуми бўлмайди. Медузаларга ўхшаб нектофорлар соябони ритмик қисқариши туфайли коло-

39-расм. Сифонофоралар.

А — физафора *Physophora hydrostatica*. Б — сифонофораларнинг тузилиш схемаси: 1 — пневматофор, 2 — унинг тешиги, 3 — сузуви кўнгироқ (нектофор)лар, 4 — коплювчи пластиника (копқоқ), 5 — арқонча, 6 — озиқлантирувчи гастрозоидлар, 7 — цистозоидлар, 8 — жинсий индивид (гонофор)лар, 9 — колония танаси.

нияси аста-секин сузиг юради. Физалия ҳамда унга ўхшаб шамол ва сув оқими орқали сузиг юрадиган сифонофораларнинг нектофорлари бўлмайди.

Колониянинг бошқа индивидлари нектофорлардан пастроқда колония пояси бўйлаб фуж бўлиб жойлашган. Уларни кормидийлар дейилади. Ҳар бир кормидий озиқлантирувчи индивид *гастрозоид*, *арқонча*, *цистозоид*, яъни *пальпонлар*, пайпаслагичлар, қопловчи пластинка қопқоқча ва жинсий индивид *гонозоиддан* иборат. Гастрозоидлар оғизли, лекин пайпаслагичсиз полипчалардан иборат. Уларнинг оғиз тешиги гастрал бўшлиқда очилади. Ҳамма гастрозоидлар бўшлиғи колония танасидаги най орқали ўзаро қўшилган бўлади.

Арқонча бирмунча узун, одатда кўп марта шохланган пайпаслагичлардан иборат. Пайпаслагичларда отувчи ҳужайралар бўлади. Физалия пайпаслагичлари узунилиги 20 м га етади. Арқончалар озиқни тутиш ва ҳимоя вазифасини бажаради. Физалияният отувчи ҳужайралари куидириш хусусиятига эга бўлиб, одам ҳаёти учун хавф туғдиради.

Цистозоид, яъни пальпонлар оғизсиз полиплардан иборат. Уларнинг ёнида шохланмаган пайпаслагичи бўлади. Цистозоидлар айириш функциясини бажариши мумкинлиги тўғрисида таҳмин қилинади. Уларнинг пайпаслагичлари сезги вазифасини бажаради.

Гонозоидлар гидрополиплар медузоидлари ва гонофораларига ўхшашиб тузилган, айрим жинсли бўлади. Сифонофоралар орасида фақат бир жинсли (эркак ёки ургочи) гонозоидлар ҳосил қилалигидан турлари билан бир қаторда гермафрорит колонияли турлари ҳам бор.

Сифонофоралар колониясидаги қопқоқчалар шакли ўзгарган полиплардан иборат. Қопқоқча кормидийни устки томондан қоплаб туради.

**Кўпайиши.** Сифонофораларнинг тухум ҳужайралари ургочи гонозоидлар ичидаги ҳосил бўлади. Тухумдан планула личинкаси чиқади. Плануладан бир мунча мураккаб тузилган личинка ривожланади. Колониядаги айрим индивидлар куртакланиш орқали ҳосил бўлади.


**Келиб чиқиши.** Кўпчилик зоологларнинг фикрича сифонофоралар сузиг юришга мослашган колония бўлиб яшовчи полиплардан келиб чиқкан. Сузиг юрувчи полиплар колониясининг топилишини бунга далил қилиб қўрсатиш мумкин. Бундай гидроидлар колонияда полипоид ва медузоид индивидлар ҳосил қилали. Каспий денгизидаги *Moerisia* деб аталадиган сузиг юрувчи гидроид полип колонияси учрайди. Шундай қилиб, сифонофоралар колониялар гидроидлардан улардаги алоҳида индивидларнинг ихтисослашиши туфайли келиб чиқкан, деб фараз қилиш мумкин. У ҳолда колониядаги пупфак, сузувчи қўнгироқ ва гонофоралар медузаларга, гастрозоидлар ва полипонлар эса шакли ўзгарган полипларга мос келади.

## 10.2. СЦИФОИД МЕДУЗАЛАР (SCYPHOZOA) СИНФИ

**Тузилиши ва экологияси.** Сцифоид медузалар асосан эркин якка яшовчи бүшлиқчилар. Уларнинг ҳаёти асосан медуза даврида ўтади, полип даври жуда қисқа бўлади. Тащқи кўриниши билан сцифоид медузалар гидроид медузаларга ўхшаш, лекин анча йирик бўлиши, мураккаб тузилганилиги ва елкани бўлмаслиги билан улардан фарқ қиласди. Масалан, аурелия танаси диаметри 25-40 см га, қутб медузаси эса 2 м га етади. Танасининг асосий массаси қуюқ мезоглеядан иборат. Мезоглеянинг 98% ини сув ташкил этади. Медузалар танасининг шаффоф бўлиши душманлардан ҳимояланишида катта аҳамиятга эга, фақат айrim жиҳарли медузалар рангли бўлади. Баъзи медузалар масалан, *Pelagica noctiluca* қоронғида фосфорли нур таратади.

Сцифоид медузалар соябони четида 8 та, баъзан 16 та ропалиялар жойлашган. Соябон четидан жуда кўп пайпаслагичлари осилиб туради. Пайпаслагичлари ва хартумга ўхшаш оғиз бўлаклари эктодермасида кўп миқдорда отувчи ҳужайралар жойлашган. Танасининг йириклашуви туфайли сцифоид медузалар гастроускуляр система сининг тузилиши мураккаблашган.

Оғиз тешиги квадрат шаклида бўлиб, соябони остики томони ўргасида маҳсус пояча устида жойлашган (40-расм). Оғиз бурчакларидан хартумга ўхшаш йўғон ўсимталари осилиб туради.



40-расм. Сцифоид медузалар.

А — иллизогиз медуза. Б — аурелия: 1 — оғиз, 2 — ропалия, 3 — оғиз бўлаклари, 4 — ҳалқа най, 5 — радиал найлар, 6 — пайпаслагич, 7 — жинсий беzlар.

Хартум озиқни тутиш функциясини бажаради. Илдизофиз медузалар туркуми вакилларида хартуми күп бурмали бұлиб, бир-бири билан құшилиб үсади; оғиз ўрнида майда тешикчалар ҳосил бўлади. Бу тешикчалар орқали медуза ошқозонига майда plankton организмлар ўтади. Оғиз тешиги қисқа эндодермал ҳалқум орқали ошқозонга очилади. Ошқозон чала тўсиқлар ёрдамида тўртта камерага бўлинган. Камераларда жуда күп безли ҳужайраларга эга бўлган гастрал ишлар жойлашган. Озиқ безлар ишлаб чиқарадиган ферментлар таъсирида ошқозонда ҳазм бўла бошлайди. Озиқ зарраларини эндодермадаги ҳазм қиливчи ҳужайралар қамраб олиб ҳазм қиласди.

Медузалар ошқозонидан 8 та ёки 8 карра миқдорида радиал найчалар бошланади. Аурелия медузаси ошқозонидан бошланадиган найлар 16 та, улардан 8 таси, шу жумладан 4 та найлар ошқозон бўлмаларининг қоқ ўртасидан, қолган 4 таси эса ошқозон тўсиқлари устидан бошланади. Шохланган найлар орасида 8 та шохланмаган найлар жойлашган. Барча шохланган ва шохланмаган найлар соябон четида жойлашган ҳалқа най билан қўшилади. Найлар девори ҳилпилловчи эпителийдан иборат киприкли ҳужайралар билан қопланган. Найлар ошқозон, оғиз тешиги ва ҳалқум билан биргаликда медузанинг гастро-васкуляр системасини ҳосил қиласди. Киприкларнинг ҳилпираши туфайли сув гастро-васкуляр система орқали оқиб туради. Суюқлик шохланмаган найлар орқали ҳалқа найларга, шохланган найлар бўйлаб эса орқага, яъни ҳалқа найдан ошқозонга оқади. Бу мураккаб гастро-васкуляр системанинг ривожланганлигини медузалар танасининг йириклишуви билан боғлиқ дейиш мумкин. Чунки гастро-васкуляр найлар орқали кислород ва озиқ моддалар медуза танасининг ҳамма қисмига тарқалади, модда алмашинуви маҳсулотлари чиқариб юборилади.


Кўпчилик медузалар ҳар хил организмлар, жумладан анча йирик plankton билан озиқланади. Фақат илдизофиз медузалар жуда майдан планктон билан озиқланади. Бу жиҳатдан илдизогиз медузаларни говактанлиларга ўхшашиб фильтровчи организмлар дейиш мумкин.

Медузалар соябонининг қисқариши ва кенгайиши туфайли соябони остидан сиқиб чиқариладиган сув уларни соябон гумбази томонга суради. Медузалар соябони остида 8 қатор радиал мускуллар ва соябон чети бўйлаб ҳалқа мускуллар жойлашган. Мускул толалари гидроид полиплар сингари эпителий-мускул ҳужайралардан ҳосил бўлади.

Нерв ҳужайралари соябон чети бўйлаб жойлашган нерв ҳалқасини ҳосил қиласди. Нерв ҳалқаси бўйлаб ҳар қайси ропалия яқинида биттадан нерв тугуни жойлашган. Ропалиялар қисқарган ва шаклан ўзгарган пайпаслагичлардан иборат, Ҳар бир ропалияда бир нечта кўзчалар ва битта статоцит жойлашган. Кўзчалар ҳар хил тузилган. Гидроид медузаларнига ўхшашиб содда кўзчалар билан бирга бир мунча мураккаблашган пуфакча типидаги кўзчалар ҳам бўлади. Бундай кўзлар одат-

да күз чукӯрчасини эпителий остига чўкиши натижасида ҳосил бўлади. Пуфак устида жойлашган тери эпителийси юпқа ва шаффоф бўлиб, шох қават дейилади. Пуфакнинг туби ва ён деворлари пигмент ва сезгир ҳужайралардан иборат. Пуфакнинг шох қавати остида жойлашган қисми қалинлашиб, икки томонлама қавариқ линза-кўз гавҳарини ҳосил қиласиди. Пуфак бўшлиғи структурасиз шишасимон суюқлик билан тўлган. Мураккаб тузилишига қарамасдан кўз фақат ёруғлик ва қоронгиликни ажратади.

**Кўпайиши ва ривожланиши.** Кўпчилик сифоид медузалар айрим жинсли. Жинсий безлар тақасимон шаклда бўлиб, ошқозон камера-лари деворида жойлашган. Етилган тухумлар ва сперматозоидлар гастроаскуляр система орқали сувга чиқади. Тухум ҳужайралар сувда уруғланади. Уруғланган тухум ҳужайра тўлиқ ва бир текис бўлинади. Гаструляция инвагинация орқали содир бўлади. Гаструляциянинг бу хили юксак бўшлиқчиликлар, яъни кўпчилик сифоид медузалар ва олти нурли коралл полиплар учун ҳосил бўлади, уруғланган тухумдан планула личинкаси чиқади. Личинка субстратга ёпишиб, майда полип сифистомни ҳосил қиласиди (41-расм). Сифистомда аста-секин пайпаслагичлар ҳосил бўлади. Сифистом куртакланиш орқали янги си-



41-расм. Сифоид медузаларнинг ривожланиши.

1 — тухум, 2 — планула личинкаси, 3 — сифистом полипи, 4 — куртакланашган сифистом, 5 — сифистомнинг кўндаланган бўлиниши, 6 — ёш медуза эфира, 7 — стома медуза.

фистомларни ҳосил қилиши мүмкін, айрим турларда сцифистом күртаклари ажралиб кетмасдан колония ҳосил қиласы. Сцифистом күндаланғига күртакланиш орқали стробилага айланади. Стробила четлари чуқур кесилгандың бир неча дискдан иборат. Дисклар бирин-кетин стробиладан ажралиб чиқып, ёш медузалар эфираларга айланади. Эфиралардан аста-секин майды медузаларга ривожланып чиқады.

Шундай қилиб, күпчилик сцифоид медузалар насл алмашиниш, яғни жинсий ва жинссиз наслларини галма-галдан алмашиниши орқали күпаяди. Декин полип даври қисқа, полиплари жуда кичик бўлиши, медуза даври анча узоқ давом этиши билан гидроид медузалардан фарқ қиласы.

**Классификацияси.** Сцифомедузалар синфи 5 туркумга бўлинади. **Ставромедузалар** (*Stauromedusae*) туркуми ўтроқ яшовчи бир неча турларни ўз ичига олади. Медузалар поясаси ёрдамида субстратга ёпишиб яшайди. Ҳаёт циклида насл алмашиниши бўлмайди. Планула личинкаси бевосита ёш медузага айланади. Асосий вакилларидан луцернария (*Lucernaria*) ва *Haliclystus* ни кўрсатиш мүмкин.

**Кубомедузалар** (*Cubomedusae*) — майды медузалар, соябони четида тўрттадан ропалиялари ва пайпаслагичлари жойланган. Илиқ сувли денгизларнинг унча чуқур бўлмаган жойларида учрайди. Айрим медузалар, масалан, Австралия ва Индонезия қирғоқлари яқинидаги тарқалган *Chiropsalmus* медузаси одам учун хавфли, уларнинг “куйдириши” ўлимга сабаб бўлиши мүмкин.

**Coronata** туркуми турлари унча кўп эмас, денгизнинг чуқур қисмида учрайди. Соябони ҳалқа эгат орқали марказий дискка ва периферик “тож”га бўлинган.

**Semaestomeae** туркуми соябони дисксимон ясси, соябон четида жуда кўп пайпаслагичлари бўлади. Бу туркумга деярли ҳамма денгизларда кенг тарқалган денгиз лаганчаси аурелия (*Aurelia aurita*), шимолийден гизларда тарқалган кутб медузаси (*Cyanea capillata*) киради. Айрим вакиллари (*Pelagia*) қоронғида кучли нур тарқатади.

**Илдизофиз медузалар** (*Rhizostomida*) туркумига анча иирик, тропик денгизларда айниқса, кенг тарқалган медузалар киради. Соябони четида пайпаслагичлари бўлмайди. Озигини оғиз хартумлари орқали сувдан фильтрлаб олади. Қора денгизда илдизофиз медуза *Rhizostoma pulmo* учрайди. Айрим турлари тузланган ҳолда истеъмол қилинади.

### 10.3. КОРАЛЛ ПОЛИПЛАР (ANTHOZOA) СИНФИ

Коралл полиплар фақат денгизларда ўтроқ ҳаёт кечирадиган 6000 дан ортиқ бўшлиқчилардан иборат. Күпчилик турлари колония ҳосил қиласы. Катталиги ҳар хил, якка яшовчи полиплар бир неча миллиметрдан бир неча ўн сантиметргача, айрим турлари 1 м гача бўлади. Коралл полиплар насл алмашинмасдан ривожланади, яғни фақат по-

42-расм. Коралл полипларнинг тузилиш схемаси.


1 — пайпаслагич, 2 — оғиз тешиги, 3 — ҳалқум, 4 — ичак бўшлиғи тўсифи, 5 — мезентериал иплар, 6 — тухум.

лип шаклида учрайди, медуза даври бўлмайди.

**Тузилиши.** Танасигидро полипларга ўхшаш, лекин уларга нисбатан мураккаб тузилган. Якка полиплар цилиндрически танасининг яssi товои қисми субстратга ёпиши учун хизмат қилади. Колонияли полипларда эса ҳар қайси индивид товон орқали колониянинг поясига ёки шохига ёпишади. Оғиз тешиги ҳар бир полип танасининг учки қисмидаги жойлашган. Оғиз тешиги саккизта (саккиз нурлилар кенжасинфи), ёки олти карра миқдорда пайпаслагичлар билан ўралган (42-расм).

Оғиз найга ўхшаш узун ҳалқумга очилади. Ҳалқум давори гастрал бўшлиққа осилиб туради. Ҳалқум оғиз диски деворининг полип танасига ботиб киришидан ҳосил бўлганилиги туфайли эктодерма эпителийси билан қопланган. Ҳалқум найи яссилашганидан ҳалқум тешиги ҳам бир томонлама яссилашган тирқишига ўхшайди. Ҳалқумнинг бир учидаги иккала учидаги ҳам сифоноглиф деб аталағидиган оғиз эгатчалари жойлашган. Эгатчаларда жойлашган киприкларнинг ҳаракати туфайли сув гастрал бўшлиққа киради. Ҳалқумнинг бошқа қисми орқали сув гастрал бўшлиғидан оқиб чиқади. Шу усулда гастрал бўшлиғидаги сув доимо алмашиниб туради. Сувнинг янгиланиб туриши полип танасини кислород билан таъминланишида ва майдага планктон организмлар билан озиқланадиган полипларнинг озиқланишида катта аҳамиятга эга. Гастрал бўшлиқдан сувдаги кислород тўқималарга ўтади, карбонат ангидридидаги сув ҳазм бўлмаган озиқ қолдиқлари билан бирга гастрал бўшлиқдан чиқиб кетади.

Гастрал бўшлиқ эндодерма билан қопланган бўлиб, парда тўсиқ-септа ёрдамида камераларга бўлинган. Септанинг бир томони тана деворига ёшилган бўлиб, периферик камераларни ҳосил қилади, иккичи томони гастрал бўшлиқда эркин жойлашган. Ана шунинг учун ҳам гастрал бўшлиқнинг марказий қисми камераларга бўлинмаган. Септа-



нинг тана бўшлиғида эркин жойлашган қалинлашган учи мезентериал иплар дейилади. Мезентериал ипларда ҳазм қилувчи ферментлар ишлаб чиқаридиган безли ҳужайралар жойлашган. Септалар сони пайпаслагичлар сонига тенг бўлади. Септалар эндодерма билан қопланган мезоглеядан иборат.

Гистологик жиҳатдан ҳам коралл полиплар гидроидларга нисбатан анча мураккаб тузилган. Уларнинг юпқа базал мемранаси ўрнига қалин мезоглея; эктодермадаги эпителий-мускул ҳужайралари ўрнига ихтисослашган бўйлама ва ҳалқа мускуллар ривожланган. Бундай мускуллар септаларда ҳам бўлади. Улар ҳар бир септа бўйлаб ўтадиган йўғонлашув, яъни жиякни ҳосил қиласди. Коралл полиплар эктодермаси остида жойлашган нерв тугунлари гидроидларга нисбатан яхши ривожланган.

Колония бўлиб яшовчи коралл полипларнинг оҳак, баъзан (саккиз нурлилар) мугуз скелет ҳосил қиласди. Кўпчилик якка яшовчи коралларнинг скелети бўлмайди. Саккиз нурлилар скелети мезоглеяда тарқоқ жойлашган микроскопик оҳак ниналардан иборат. Қизил коралл танасидаги скелет ниналарнинг кўпи бир-бирига ёпишиб, бирмунча тифиз скелетни ҳосил қиласди. Олти нурлиларда дастлаб товоң пластинкаси, сўнгра полип танаси сиртида косача, яъни тека ҳосил бўлади. Кейинроқ текадан тана ичига скелет тўсиқ-склеросепта ботиб киради. Жуда кўп индивидлардан иборат полиплар колониясида қўшни индивидлар текаси ўзаро қўшилиб кетади. Саккизнурлилар скелети мезоглеяда, олтинурлилар скелети эса эктодермада жойлашган. Саккиз нурлиларда гастрал бўшлиқнинг саккизта камерасидан иккитаси торайган томон қаршисида жойлашган бўлиб, йўналтирувчи камералар дейилади. Септаларда мускулли валиклар жойлашган. Олтинурлилар септалари янада мураккаброқ тузилган. Уларнинг гастрал бўшлиғида тўсиқлар жуфт-жуфт бўлиб жойлашган, тўсиқлар сони камида 12 та ёки 12 карра миқдорда бўлади. Камералар бирданига ҳосил бўлмайди. Дастрлаб олти жуфт биринчи тартиб камералар, сўнгра улар орасида иккинчи тартиб камералар ҳосил бўлади. Битта жуфтликни ташкил этадиган тўсиқлар оралиғидаги камералар ички, ҳар хил жуфт тўсиқлар оралиғидаги камералар оралиқ бўлади. Склеросепталар ана шу оралиқ тўсиқларда жойлашади. Якка ҳолда яшайдиган йирик кораллар-актинияларнинг скелети бўлмайди. Актиниялар аста-секин ҳаракатланиши билан колонияли кораллардан фарқ қиласди. Уларнинг пайпаслагичлари айниқса сезгир бўлади. Актиниялар таъсиранганида танасини қисқартиради, пайпаслагичларини тортиб олиб, юмaloқланади. Актиниялар йиртқич бўлиб, қисқиҷбақалар, моллюскалар ва бошқалар билан озиқланади. Ўлжасини пайпаслагичлари билан тутади. Пайпаслагичларидан чиқадиган отилувчи ипчалари ўлжасини фалажлайди. Сўнгра актиния оғзини катта очади ҳалқумининг бир қисмини ташқари-


га чиқарыб ўлжани қамраб олади. Озиги гидрага ўхшаш тана бўшлиғида ва ҳужайра ичидаги (фагоцитоз) ҳазм бўлади.

**Кўпайиши ва ривожланиши.** Коралл полиплар жинсиз ва жинсий кўпаяди. Якка яшовчи полиплар (актиниялар) баъзан бўлинниб кўпаяди, колонияли турлари эса куртакланади. Коралл полиплар одатда айрим жинсли. Жинсий безлари септалар эндодермаси ва мезоглеяси ўртасида жойлашган. Сперматозоидлар септа эпителийсидан тана бўшлиғига, ундан оғиз тешиги орқали сувга чиқиб кетади; ургочисининг оғзи орқали кириб, тухум ҳужайрасини уруғлантиради. Кўпчилик актинияларнинг ривожланиши гастрал бўшлиқда полип етишиб чиққунгача давом этади. Айрим актиниялар тухуми сувда уруғланади. Тухумдан киприкли планула личинкаси ривожланиб чиқади. Планула олдинги томони билан субстратга ёпишиб олиб, полипга айланади.

**Коралл рифлари.** Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларининг тропик қисмида риф ҳосил қилувчи (мадрепор) кораллар тарқалган. Уларнинг бўйи анча баланд бўлиб 2 м, баъзан 4 м га (Асгорода) этади. Коралл рифларининг оҳак скелети анча оғир, улар сувнинг саёз жойларида ривожланади. Австралия, Индонезия, Океания соҳилларидағи рифлар кўпчиликка маълум. Рифлар Қизил денгизда ҳам учрайди. Кораллар қишида ҳарорат  $20^{\circ}$  дан пастга тушмайдиган сувларда айниқса, барқ уриб ривожланади. Рифлар танасида бир ҳужайрали сув ўтлари симбиоз яшайди. Шу сабабдан кораллар сувнинг ёруғлик етиб борадиган 50 м гача чуқурлигига тарқалган; кам шўрланган сувларда, дарёларнинг қуайлиш жойида учрамайди. Мадрепор кораллар ифлосланмаган, кислородга бой сувларда ривожланади.

Коралл рифлари жуда кўп денгиз ҳайвонлари учун яшаш ва кўпайиш жойи ҳисобланади. Денгизларнинг рифлар тарқалган жойларида сув ўтлари, моллюскалар, чувалчанглар, қисқичбақасимонлар, нинатерилилар, балиқлар ва бошқа бўшлиқчилар жуда хилма-хил бўлади. Коралл рифларида ҳаёт кечирадиган сув ўтлари ва ҳайвонлар биргаликда коралл рифлари биоценозини ҳосил қиласди. Бу биоценоздаги қаттиқ скелетта эга бўлган организмлар риф ҳосил бўлишида иштирок этади. Бошқа кўзга яққол ташланадиган организмлар учун эса рифлар пана жой ҳисобланади.

Рифлар қирғоқ рифлари, баръер рифлари ва атолларга ажратилади. Қирғоқ рифлари қирғоқни денгиз томондан ўраб туради. Баръер рифлари қирғоқдан нарироқда, унга параллел бўлиб жойлашади. Австралия яқинидаги баръер рифлари қитъанинг шимолий соҳиллари бўйлаб 1400 км масофага чўзилган. Атоллар сувдан бироз туртиб чиқиб турадиган ҳалқа коралл рифларидан иборат. Ҳалқа ичидаги лагуна деб аталадиган денгиз сувидан иборат қўл бўлади. Сув, шамол ёки қушлар ёрдамида ҳар хил ўсимликлар уруғи келиб ўсиб қолиши туфайли атолларда ҳаёт бошланади.



43-расм. Коралл полиплар.

А — денгиз патчаси, Б — горгонария (б — колониянинг бир қисми катталаштирилган), В — умбеллупла, Г — альциониум, Д — астрия.

Ч. Дарвин коралл рифларини “Бигл” кемасида саёҳат қилганида текшириб, баръер рифлари ва атолларни қирғоқ рифларидан келиб чиққанлигини кўрсатиб берди. Агар қирғоқ рифлари билан ҳар томондан ўраб олинган орол аста-секин чўка бошласа, рифлар оролдан ажралиб қолиб, баръер рифларига айланади. Орол бутунлай чўкиб кетиб, унинг атрофи кўтариладиган бўлса; атоллар ҳосил бўлади. Коралл полипларга учта кенжা синф киради.

### 10.3.1. САККИЗ НУРЛИЛАР (OSTOCORALLIA) КЕНЖА СИНФИ


Саккиз нурлиларнинг 8 та пайпаслагичлари ва 8 септаси бўлади, Скелети мезоглеяда ҳосил бўлади. Кенжা синфга альцеонария (*Alcyonaria*), горгонария ёки мугузсимон кораллар (*Gorgonaria*) ва денгиз патчаси (*Pennatularia*) туркумлари киради (43-расм). Альцеонариялар энг содда тузилган, улар скелети мезоглеяда тарқоқ жойлашган ниналардан иборат. Улар тропик денгизларнинг унча чуқур бўлмаган қисмида кўпроқ, мўътадил ва қутб денгизларда камроқ учрайди. Шимолий денгизларда. *Gersemia* уруғи вакиллари тарқалган. Горгонарияниң дараҳтсимон колонияси ўқи шохсимон моддадан иборат. Айрим кораллар скелетида йод бўлади, шунинг учун қадимда улардан доривор препарат сифатида фойдаланилган. Қизил коралл (*Coralium rubrum*), Ўртаер денгизида 50 м дан чуқурроқда учрайди. Унинг оҳак скелети қизил, алвон рангли ёки қўнгир-қизгиш тусда бўлади. Қизил кораллардан майда тақинчоқлар тайёрланган.

Денгиз патчасининг колониясида полиплар икки қатор бўлиб жойлашган. Колониянинг бош ўқи бирламчи полип ҳосил қиласи. Денгиз патчаси танасининг пастки қисми билан сув тубидаги қумга ёки лойга кириб олади.

### 10.3.2. ОЛТИ НУРЛИЛАР (HEXACORALLIA) КЕНЖА СИНФИ

Пайпаслагичлари ва тана бўшлиғи жуда кўп, уларнинг сони 5 карра миқдорда бўлади. Бешта туркуми маълум. Актиниялар (*Actinaria*) ва мадрепорлар (*Madreporaria*) кенг тарқалган.

Актиниялар анча йирик, цилиндрисимон якка яшовчи полиплар. Улар товони ёрдамида жуда секин ҳаракат қиласи. Актинияларнинг скелети бўлмайди, танасининг диаметри 60 см. Айрим актиниялар (масалан, *Sagartia* ва бошқалар) зоҳид қисқичбақасимонлар билан симбиоз яшайди. Зоҳид қисқичбақа актинияни чифаноғи устига ўтқазиб олиб юриб, уни кислородга бой бўлган тоза сув билан таъминлайди, актиния эса қисқичбақани куйдиргич ипли пайпаслагичлари ёрдамида ҳимоя қиласи (44-расм). Чифаноғи тор келиб ўсишга халақит қила бошласа, қисқачбақа эски чифаноғни ташлайди. Янгисини топиб унинг ичида кириб олади. Актинияни ҳам янги чифаноғи устига ўрнатиб олади.



44-расм. Актиния билан зоҳид қисқичбақа симбиози.

Мадрепор кораллар — оҳактошли жуда йирик колониал организмлар. Коралл рифлари асосан мадрепорлардан иборат.

### БЎШЛИҚИЧЛИЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ

Бўшлиқичлилар орасида гидрозойлар энг тубан тузилишга эга бўлган ҳайвонлар ҳисобланади. Уларнинг танаси икки қаватли қопчага ўхшаш бўлади; эктодермал ҳалкуми ва тана бўшлиғи тўсиги ривожланмаган. Гидро-

зойлар орасида ҳеч шубҳасиз денгиз гидроидлари энг қадимги ҳайвонлар ҳисобланади. Гидрозойларда медуза даври кейинроқ пайдо бўлган. Чунки медуза полипга нисбатан анча мураккаб тузилган. Медуза даврининг пайдо бўлиши ўтроқ яшовчи полипларнинг тарқалишини осонлаштиради. Лекин ҳозирги айrim бўшлиқичлилар иккиласми марта медуза даврини йўқотган.

Гидрозойлар орасида сифонофоралар кейинроқ пайдо бўлган. Улар танасидаги индивидлар ихтисослашиб, полиморф колонияни ҳосил қиласди. Эволюция давомида сцифомедузаларнинг полип стадияси мураккаблашмасдан медуза стадияси мураккаблашиб борган. Бу ҳодиса медузаларни эркин ҳаракат қилиши билан боғлиқ.

Коралл полиплар эволюцияси уларда метагенезнинг бўлмаслиги туфайли ўтроқ яшашга мослашув йўналишида борган. Коралл полиплар тузилишида ҳам бир қанча мураккаблашув белгилари пайдо бўлган. Чунки улар ҳазм қилиш системаси эктодермал ҳалкум ва эндодермал ичакка бўлинган. Ошқозон деворларида тўсиқлар пайдо бўлиши ичакнинг ҳазм юзасини кенгайтиради. Коралл полиплар ва сцифомедузалар тузилиши умумий плани гидрозойларга ўхшаш бўлганидан бу синфлар гидрозойлар билан генетик жиҳатдан боғланган дейиш мумкин.

## 11. ТАРОҚЛИЛАР (CTENOPHORA) ТИПИ

Тароқлилар — денгизларда якка яшовчи ҳайвонлар. Кўпчилик турлари сув қаърида, бошқалари сув тубида ўрмалаб ҳаёт кечиради.


Танаси бўшлиқчиларга ўхшаш икки қаватдан, яъни эктодерма ва эндодермадан иборат. Бу қаватлар ўртасида мезоглея бўлади. Кўпчилик тароқлиларнинг ёпишувчи ҳужайралари бўлади. Шаклан ўзгарган киприклар ёрдамида ҳаракатланади. 90 га яқин турлари битта синфни ташкил этади.

### 11.1. ТАРОҚЛИЛАР (CTENOPHORA) СИНФИ

Танаси одатда халтага ўхшаш бўлиб, унинг бир четида оғиз тешиги (орал қутби), иккинчи четида чиқарув тешиги (аборал қутби) жойлашган. Тананинг асосий ўқи ана шу икки қутби орқали ўтади. Асосий ўқ орқали иккита ҳар хил симметрия юзасини ўтказиш мумкин. Ана шунинг учун тароқлиларни икки нурли симметрияли ҳайвонлар дейиш мумкин. Аммо кўпчилик органлар (тароқ пластинкалар, радиал найлар, жинсий безлар) асосий тана ўқи бўйлаб 8 тадан жойлашади. Шунинг учун тароқлиларда икки нурли ва саккиз нурли симметрия белгилари мужассамлашган. Тароқлиларда биринчи марта дастлабки эмбрион япроқлари ва алоҳида мускул тўқимаси пайдо бўлади, тароқсимон пластинкалар ёрдамида ҳаракат қиласди. Мувозанат вазифасини маҳсус аборал органи бажаради (45-расм).

Тароқлилар танасининг икки ёнида шохланган иккита узун пайпаслагичлари жойлашган. Пайпаслагичлар чўзилиши ёки маҳсус халта ичига жойлашиб олиб, қисқариши мумкин. Пайпаслагичларда жойлашган жуда кўп ёпишқоқ ҳужайралар ўлжасини ушлаб туриш учун хизмат қиласди. Айрим тароқлиларнинг пайпаслагичлари бўлмайди.

Тароқлилар танаси сиртида орал қутбидан аборал қутби йўналишида 8 қатор тароқсимон пластинкалар жойлашган. Ҳар бир тароқ пластинка асослари орқали бир-бiri билан ёпишган қатор киприклардан иборат. Тароқчаларни бир меъёрда силкиниши туфайли ҳайвон ҳаракат қиласди. Мезоглеяси тиниқ қуюқ моддадан иборат. Мезоглеяда мускул



45-расм. Тароқлиларнинг тузилиш схемаси (кўндаланг кесмаси).

1 — тароқ пластинкалар қатори, 2 — пайпаслагич, 3 — мувозанат органи, 4 — оғиз, 5 — ҳалқум, 6 — ичак бўшлиғи, 7 — ичак найлари, 8 — бўйлама найлар, 9 — пайпаслагичлар қини.

ұжайралари түп-түп бўлиб тароқ пластинкалари ва пайпаслагичлари остида жойлашган.

**Ҳазм қилиш системаси.** Оғиз тешиги эктодермал ясси ҳалқумга очилади. Ҳалқум эндодермал ошқозон билан туташган. Ошқозон халтага ўхшаб ҳалқумга перпендикуляр йұналишда яссилашган. Пайпаслагичлари ана шу юзада жойлашганидан тананинг бу қисми пайпаслагичлар юзаси дейилади. Ошқозондан бешта най бошланади. Шу жумладан иккита учи берк найлар ҳалқумнинг икки ёни бўйлаб оғиз тешиги томонга йұналади. Битта ингичка най аборал томонга кўтарилади. Бу ерда икки марта шохланиб, тўртта калта ва ингичка найларни ҳосил қиласди. Улардан иккитасининг учи берк, иккитаси эса айириш тешиги орқали ташқарига очилади. Ошқозоннинг яна иккита найлари икки пайпаслагичлар юзаси томонга (тана ўқига перпендикуляр йұналишда) тарқалади. Улар шохланиб, иккитадан жуфт ва биттадан тоқ найларни ҳосил қиласди. Иккита жуфт найлар яна бир марта дихотомик шохлангач, саккизта учи берк меридионал найларга очилади. Меридионал найлар тароқсимон пластинкалар остида жойлашган. Тоқ найлар эса пайпаслагичлар асосига келади.

Шундай қилиб, ҳалқум ва ошқозоннинг яссилашганды, ошқозондан бошланадиган найлар ва пайпаслагичларнинг жойлашуви тароқлиларда симметрияning икки юзаси борлигини, яъни улар симметрияси кўп нурли эмас, балки икки нурли эканлигини кўрсатади.

**Нерв системаси.** Тароқлилар нерв системаси эктодермада жойлашган нерв тўридан иборат. Нерв ұжайралари тароқсимон пластинкалар остида тифиз жойлашиб, аборал томонга йұналган нерв занжирини ҳосил қиласди. Аборал орган мураккаб тузилган статоцистдан иборат. Унинг статолити калыций карбонат заррачасидан иборат бўлиб, киприкчаларнинг бир-бираига ёпишишидан ҳосил бўлган тўртта камарчада осилиб туради. Устки томондан статолит қопқоқча билан бекилган. Статолит камарларидан чиқадиган тўртта эгатча дихотомик шохланиб, саккизта тароқсимон пластинкаларга келади. Аборал орган тана мувозанатини сақлаш ва ҳаракатни бошқариш вазифасини бажаради.

**Кўпайиши ва ривожланиши.** Тароқлилар гермафрорит ҳайвонлар, фақат жинсий кўпаяди. Жинсий безлари колбасасимон бўлиб, гастроваскуляр системасининг меридионал найлари эндодермаси остида жойлашган. Етилган жинсий ұжайралар эндодермани ёриб меридионал найларга, у ердан оғиз орқали сувга чиқади. Тухумлари сувда уруғланади, тўлиқ, лекин нотекис майдаланади. Натижада муртакнинг бир қутби тез майдаланаётган микромерлардан, иккинчи қутби секин майдаланаётган макромерлардан иборат бўлади. Микромерлар эктодермани, макромерлар эндодермани ҳосил қиласди. Ҳалқуми бирламчи оғизblastopор эктодермасини тана бўшлиғига ботиб кириши туфайли ҳосил бўлади. Гастрал бўшлиқ эндодермаси ұжайраларининг бир қисми эктодерма ва эндодерма орасига (яъни бластоцел қолдигига) ботиб

кириб бутсимон пластинкани ҳосил қиласи. Бу пластинкадан кейин-чалик мезоглеяning ҳужайра элементлари ва пайпаслагич мускуллари ҳосил бўлади. Шундай қилиб, тароқлиларда биринчи марта дастлабки учламчи эмбрион қавати — мезодерманинг куртаклари ҳосил бўлади. Бу куртак мезоглеяга ботиб кирган бутсимон пластинкадан иборат.

Тароқлилар метаморфозсиз ривожланади.

**Классификацияси.** Тароқлилар пайпаслагичлilar (Tentaculata) ва пайпаслагичсизлар (Atentaculata) кенжа синфига бўлинади. Кўпчилик турлари пайпаслагичлilarга киритилади. Айрим пайпаслагичлilar танаси ясси тасмага ўхшаш узун бўлади. Масалан, Зуҳро камари *Cestis veneris*ning узунлиги 1,5 м га яқин (46-расм). Айрим тароқлиларнинг танаси тана ўқи бўйлаб яссилашган бўлиб, сузиши ва оғиз томони билан ўрмалаши мумкин (масалан целоплана — *Coeloplana*). Ўтроқ яшовчи *Tjalfiella* тароқлиси ёш даврида бошқа тароқлиларга ўхшаш, лекин ўтроқ яшашга ўтгандан сўнг оғизнинг ўрта қисми субстратга ёпишиб кетади; оғизнинг икки чети чўзилиб, озиқ тутадиган узун найга айланади (35 Г-расм). Ктеноплана деб аталадиган тароқлининг тароқсимон пластинкалари бор.

Пайпаслагичсизларнинг пайпаслагичлари бўлмайди. Уларга мисол тариқасида шимолий ва Узоқ шарқ денизларида кенг тарқалган Вегоени кўрсатиш мумкин.

**Филогенияси.** Тароқлилар айрим тубан тузилиш белгиларга эга. Масалан, киприклар ёрдамида ҳаракатланиш худди шундай белгилардан дейиш мумкин. Ривожланиш даврида мезодерма қаватини ҳосил бўлиши эса уларни чувалчангларга яқинроқ эканлигини кўрсатади. Ана шу сабабдан тароқлилар бўшлиқичлilar билан бирга битта умумий аждоддан келиб чиқкан дейиш мумкин.


## 12. ЯССИ ЧУВАЛЧАНГЛАР (PLATHELMINTHES) ТИПИ

1. Ясси чувалчанглар — энг тубан тузилган билатерал симметрияли ҳайвонлар. Улар танаси орқали фақат битта симметрия чизигини ўтказиш мумкин.

2. Ясси чувалчанглар уч қаватли ҳайвонлар. Онтогенезда уларнинг тўқима ва органлари учта муртак варақларидан, хусусан тана қоплагичини ҳосил қиласидиган эктодермадан, ичакни ҳосил қиласидиган эндодермадан ва улар оралиғида жойлашган мезодермадан келиб чиқади.

3. Кўпчилик ясси чувалчангларнинг танаси чўзиқ бўлиб, дорзо-венцрал (орқа-қорин) йўналишида яссилашган.

4. Ясси чувалчанглар танаси тўқималари бир неча қават бўлиб жойлашиб, ички органларни халтага ўхшаш ўраб турадиган тери-мускул халтасини ҳосил қиласи. Тери-мускул халтаси сиртқи эпителий ва унинг остида яхлит қават бўлиб жойлашган мускул толаларидан



46-расм. Ҳар хил тароқлилар.

А — цидиппи (*Cydippa*). Б — Зухро камари (*Cestus veneris*). В — ўрмаловчи тароқли цептолана (*Coeloplana*). Г — ўтроқ тароқли (*Tjalfiella*). Д — пайпаслагичсиз тароқли бороёс (*Bergoe cucumis*).

иборат. Одатда мускуллар ҳам ҳалқа ва бўйлама мускул қаватларини ҳосил қиласди.

5. Ясси чувалчанглар тана бўшлиғи бўлмайдиган паренхиматоз ҳайвонлар. Уларнинг ички органлари атрофи мезодермадан ҳосил бўладиган ғовак бириткирувчи тўқимадан иборат *паренхима* билан тўлган. Паренхима таянч, захира озиқ моддаларни тўплаш вазифасини бажаради. Паренхима моддалар алмашинувида ҳам аҳамиятга эга, унда ҳар хил ҳужайралар жойлашган.

6. Ичаги содда тузилган бўлиб, эктодермал олдинги ичак-ҳалқумдан ва эндодермал ўрта ичақдан иборат. Орқа ичак ва орқа чиқарув тешиги бўлмайди. Бир қанча паразит турларининг ичаги йўқолиб кетади.

7. Нерв системаси бир жуфт олдинги ганглийлардан ва улардан орқага қараб кетувчи нерв стволларидан иборат.

8. Айриш системаси *протонефридий* типида тузилган бўлиб, кенг тармоқланган найчалар системасидан иборат. Найчаларнинг паренхимада жойлашган учун берк қисми бир тутам кипприкларга эга бўлган юлдузсимон ҳужайралар билан туташган. Найлар маҳсус чиқариш (экскретор) тешик орқали ташқи муҳитга очилади.

9. Жинсий системаси гермафрордит бўлиб, жинсий ҳужайралар ҳосил қиласдиган жинсий безлардан ва жинсий ҳужайраларни ўтказадиган найчалар — жинсий йўллардан иборат.

10. Қон айланиш ва нафас олиш системалари ривожланмаган.


Ясси чувалчанглар типига кипприкли чувалчанглар, сўргичилар, моногениялар, тасмасимон чувалчанглар ва цестодсимонлар синфи киради.

## 12.1. КИПРИКЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР (TURBELLARIA) СИНФИ

Кипприкли чувалчангларнинг тана юзаси майдага киприкчалар билан қопланган, чўзиқ баргсимон шаклда бўлади. Денгиз ёки чучук сувларда эркин яшайди, айрим турлари қуруқликда ҳам учрайди.


**Тери-мускул ҳалтаси.** Кипприкли чувалчангларнинг тана узунлиги бир неча мм дан бир неча см гача етади. Айрим турлари (оқ планария) танасининг олдинги қисмидаги пайпаслагичга ўхашаш калта ўсимтаси бўлади (47-расм). Танаси цилиндрсимон ҳужайралардан иборат кипприкли эпителий билан қопланган. Айрим турларида цитоплазманинг ядро жойлашган қисми паренхимасига чуқур ботиб кириши туфайли алоҳида ҳужайралар орасидаги чегара йўқолиб кетади. Тана қоплағичининг бу типи ботиб кирган эпителий дейилади.

Эпителий ҳужайралари орасида ва паренхимада якка-якка ёки тўп-тўп бўлиб, қадаҳсимон ёки ноксимон безли ҳужайралар жойлашган. Бундай ҳужайралар тери безлари дейилади. Шундай ҳужайралардан бир хили таёқасимон *рабдитлар* ҳайвон таъсиранганида тана юзасига отилиб чиқиб бўқади ва тана сиртини қоплаб турадиган моддани ҳосил



47-расм. Киприкли чуваңчанглар.  
А — оқ планария, Б — күпкүзли.

қилади. Эпителий остида базал мембраңа деб аталаған эластик пластинка, унинг остида эса ҳалқа ва бүйлама мускуллар қаватлари ва ниҳоят икки йұналишда тарқалиб, бир-бири билан кесишадиган диагонал мускуллар жойлашган (48-расм). Эпителий ва мускуллар биргалиқда тери мускул халтасини ҳосип қилади. Бундан ташқары киприкли чуваңчангларда дорзовентрал, яни орқа-қорин мускуллари ҳам бұлади. Бұ мускулларнинг учи тананинг орқа ва қорин томонидаги базал мембранның ешиштегі тегінде танаси яссилашади. Майдароқ чуваңчанглар асосан киприкларнинг тәбрана туғайлы қаралатынды. Йирикроқ вакиллари эса мускуллари ёрдамида танасини эгиб ёки өзін сув тубида үрмалайды ёки киприклар юрады. Паренхима сийрак жойлашган бириктірувчи түқима ҳужайраларидан иборат. Ҳужайралар оралиғи су-



48-расм. А — оқ планариянинг тери-мускул халта кесмасы: 1 — тери эпителийсі, 2 — ҳалқали мускуллар, 3 — қийиңиқ мускуллар, 4 — бүйлама мускуллар, 5 — паренхима ҳужайралары, 6 — рабдит ҳосип қылупвчи ҳужайралар, 7 — рабдитлар, 8 — тери безлари. Б — айриш системасынчы ҳужайрасы: 1 — ядро, 2 — ҳилпилловчи киприклар, 3 — ҳужайра нағы.

49-расм. Оқ планариянинг ҳазм қилиш ва нерв системаси.

1 — оғиз, 2 — ҳалқум, 3 — ичакнинг олд ўсимтаси, 4, 5 — ичакнинг орқа ўсимталари, 6 — бош нерв тугуни, 7 — ён нерв толаси, 8 — кўзча.


юқлик билан тўлган. Бу суюқлик орқали ичакдан сўрилган озиқ моддалар бошқа ички органларга ўтади, айриш маҳсулотлари айриш системаси найларига ўтказилади.

Ҳазм қилиш системаси ҳалқумдан ва учи берк ўрта ичакдан иборат. Ҳазм бўлмаган озиқ қолдиқлари оғиз орқали чиқариб юборилади. Кўпчилик турлари йиртқич бўлиб, ҳар хил майда ҳайвонлар билан озиқланади. Оғиз тешиги қорин томонининг ўртасида, танасининг олдинги ёки кейинги учига яқин жойда жойлашган. Айрим йирик вакилларида оғиз тешиги ҳалқум чўнтаклари деб аталадиган жойга очилади (49-расм). Чўнтақ тубидан унинг бўшлиғига ҳалқум бўртиб чиқиб туради ва оғиз тешигидан чиқиб, ўлжасини ушлаш учун хизмат қиласди.

Майда вакилларининг ўрта ичаги учи берк оддий халтага ёки найга ўхшайди. Йирик вакилларининг ичаги шохланган. Кўп шохлиларнинг ҳалқуми ошқозонга очилади, ошқозондан эса ҳар томонга ичак шохлари таралади. Уч шохлиларда эса ҳалқумдан бирданига ичакнинг учта шохи бошланади, улардан бири олдинга, иккитаси орқага таралади. Бу шохлар ўз навбатида яна бир неча марта шохланиб, паренхимада кенг тарқалади ва барча тўқима ҳамда органларга етиб боради. Ичак озиқ моддаларни ташиш функциясини бажаради. Яssi чувалчангларда ҳам бўшлиқчилик сингари озиқ ҳужайра ичидаги фагоцитоз орқали ҳазм бўлади. Ҳалқум безлари суюқлиги ёрдамида қайта ишланган озиқ зарраларини ичак эпителийси ҳужайралари қамраб олиб ҳазм қиласди. Ичаксиз киприкли чувалчангларнинг ўрта ичаги бўлмайди; ҳалқуми паренхимага ботиб киради. Паренхиманинг ана шу жойида озиқ ҳужайра ичидаги ҳазм бўлади.

Нафас олиш органлари бўлмайди. Киприкли чувалчанглар танасига сувда эриган кислород бутун тана юзаси орқали диффузия йўли билан ўтади.

**Айриш системаси.** Махсус айриш системаси киприкли чувалчангларда биринчи марта пайдо бўлади. Айриш системаси иккита ёки бир неча найлардан иборат. Найлардан паренхимага жуда кўп




найчалар тарқалади ва улар күп марта шохланиб, жуда ингичка найчаларни ҳосил қиласди. Найчалар учки қисмида тирик юлдусимон ҳужайралар жойлашган. Ҳужайралар ичида бир бойлам киприклар бўлади. Киприкларнинг тебраниши ёниб турган шамнинг шамолда митилилашига ўхшайди. Ана шу сабабдан улар *митилиловчи ҳужайралар* дейилади. Киприклар силкиниб айиришнинг суюқ маҳсулотларини найларга чиқаради. Учки қисмида юлдусимон ҳужайралари бўлган шохланган найчалардан иборат бундай айириш системаси *протонефридијлар* дейилади. Моддалар алмашинуви маҳсулотлари паренхимадан найларга диффузия орқали ўтади. Протонефридијлар айириш билан бирга танадаги осмотик босимни бошқариш вазифасини ҳам бажаради.

Содда тузилган ичаксиз киприкли чувалчангларда маҳсус айириш органи бўлмайди, айириш маҳсулотларини ҳаракатчан амёбацитлар таңдан олиб чиқиб кетади.

**Нерв системаси.** Ясси чувалчангларда нерв ҳужайралари тананинг олдинги қисмида тўпланиб, қўш тугун — *мия ганглиясини* ҳосил қиласди. Ганглиядан орқа томонга нерв стволлари кетади. Стволлар нерв толаларидан ва улар бўйлаб жойлашган нерв ҳужайраларидан иборат. Айрим ичаксиз киприклиларнинг нерв системаси бўшлиқ ичиларга ўхшаб диффуз (тарқоқ) жойлашган нерв ҳужайраларидан иборат. Мия ганглийси тананинг олдинги қисмида жойлашган статоцистни иннервация қиласди. Бундай содда нерв системасининг мураккаблашуви икки йўналишида боради. Даставвал тарқоқ нерв ҳужайралари тартиб билан жойлашиб, нерв стволларини ва уларни бирлаштириб турадиган кўндаланг белбоғ — комиссураларни ҳосил қиласди. Иккинчидан ганглия ҳам йириклишиб, нерв системаси марказий қисмининг аҳамияти ортиб боради. Бир вақтнинг ўзида нерв системаси паренхимага чуқурроқ ботиб кира бошлайди. Учинчидан, тарқоқ нервлардан ҳосил бўлган бўйлама нерв стволларининг сони 5-6 жуфтдан 1-3 жуфтгача қисқаради, яъни *гомологик органларнинг олигомеризацияси* содир бўлади. Бўйлама нерв стволлари кўндаланг комиссуралар билан қўшилиб, панжара ёки нарвонга ўхшашиб шаклга эга бўлади. Нерв системасининг барча ясси чувалчангларга хос бўлган бу типи *ортогон* дейилади.

Кўп шохли киприкли чувалчангларда мия ганглийси танасининг ўрта қисмига яқин жойлашган. Ганглийдан ҳар томонга 11 жуфт нерв стволлари тарқалган. Стволлар кўндаланг комиссуралар билан қўшилиши туфайли нерв системаси мураккаб тўрни ҳосил қиласди. Нерв стволлариридан бир жуфти одатда бошқаларига нисбатан йўғонроқ ва узунроқ бўлади. Уч шохли киприкли чувалчангларда ҳам мия ганглийсидан бир неча жуфт нерв стволлари чиқади, лекин улардан бир жуфти йўғонлиги билан бошқалиридан ажралиб туради (50-расм).

**Сезги аъзолари.** Киприкли чувалчангларнинг сезги аъзолари кучсиз ривожланган. Туйғу вазифасини тери, айрим вакилларида эса тана ол-



50-расм. Киприкли чувалчанглар нерв системаси.


А — ичаксиз конволута (*Convoluta*), Б — учшоо ичакли *Bothrioplana*, В — түрги ичакли мезостома (*Mesostoma*), Г — күп ичакли *Planocerca*: 1 — мия ганглийси, 2 — бүйлама қорин нерв стволлари, 3 — ён ва орқа бүйлама нерв стволлари, 4 — күндаланг нервлар.

динги қисмидә жойлашган бир жуфтүү үсүмтәләри бажаради. Механик ва кимёвий таъсирни тана бүйлаб тарқалган ҳаракатсиз кипричкалар сезади. Бу кипричкалар худди бўшилиқчилар кнidoцелига ўхшашиб тузилган, лекин нерв ҳужайралари билан боғланганлиги билан улардан фарқ қиласи. Нерв ҳужайраларининг үсүмтаси мия ганглийси билан боғланган. Бундай сезги аъзолариниң сенсиллалар дейилади (51-расм). Айрим чувалчангларда мия ганглийси устида ёпиқ халтага ўхшашиб мувозанат сақлаш органи — статоцист бўлади.

Кўзлари битта ёки бир неча ҳужайрадан ҳосил булган қадаҳдан иборат. Ҳужайралардан чиқадиган нерв толалари кўриш нервларига бирлашиб мия ганглийсига боради.

51-расм. Киприкли чувалчангларда теридаги сезиш нерв учлари (сенсиллалар)нинг жойланиши.

1 — нерв ҳужайра билан боғланган сезгири туқчалар, 2 — нерв ҳужайралар, 3 — нерв ҳужайраси үсүмтаси, 4 — мия ганглийси, 5 — киприкли эпителий.



Пигментли қадаңнинг ботиқ томони ташқарига ўғирилган бўлганидан ёруғлик дастлаб рецептор ҳужайра танаси орқали ўтиб, унинг ёруғликка сезгир қисмига тушади. Бу хилдаги кўзлар тескари ағдарилган, яъни *инвертиргланган* дейилади.

Жинсий системаси гермафрорит, одатда мураккаб тузилган. Кўпчилик чувалчангларда жинсий безлари ривожланган. Жинсий безлар жуда хилма-хил тузилган. Қуйида кўп шохли ва уч шохли чувалчанглар жинсий системасининг тузилиши келтирилган.

Эркаклик жинсий системаси паренхимада ёйилиб жойлашган жуда кўп майда пуфакчалар, уруғ чиқарувчи найчалар ва тананинг икки ёнида жойлашган уруғ йўлидан иборат. Икки уруғ йўли қўшилиб, уруғ тўкувчи найни ҳосил қиласди. Бу най кўйикиш органи орқали ўтиб, клоакага очилади. Жинсий клоакага урғочилик жинсий системаси найи ҳам очилади.

Урғочилик жинсий системаси битта, иккита ёки кўп сонли тухумдонлар, улардан бошланадиган иккита тухум йўли, жинсий қин ва жуда кўп сариқдонлардан иборат. Сариқдонлар ривожланаётган эмбрион учун озиқ модда ҳисобланади, уларнинг найи тухум йўлига очилади. Сариқдон ҳужайралари уруғланиш хусусиятини йўқотган тухум ҳосил қиласувчи ҳужайралар — ооцитлар ҳисобланади. Урғочилик жинсий безлари йўли ҳам клоакага очилади. Кўпинча жинсий клоакага уруғ қабул қилгичнинг йўли ҳам очилади. Тухум ҳужайра тухум йўлида уруғланиб, сариқ модда ва қобиқ билан уралади. Тухумнинг бундай тузилиши бошқа ясси чувалчанглар учун ҳам хос бўлади.

Тўғри ичакли чувалчангларда уруғдонлар олигомеризацияга учраб, уларнинг сони иккитагача камаяди. Ичаксиз киприкли чувалчангларнинг жинсий безлари ривожланмаган. Тухум ҳужайралари тўғридан тўғри паренхимада жойлашган. Тухумлари терини йиртиб тана девори ёки оғиз тешиги орқали сувга чиқади. Тухумлари ички уруғланади.

**Кўпайиши ва ривожланиши.** Кўпчилик киприкли чувалчанглар фақат жинсий йўл билан кўпаяди. Ҳар хил систематик гуруҳларнинг эмбрионал ривожланиши турлича бўлади. Одатда тухум ҳужайраси тўлиқ, лекин нотекис бўлинади.

Кўп шохли денгиз киприкли чувалчанглари метаморфоз орқали ривожланади. Тухумдан чиқсан Мюллеров личинкаси (52-расм) вояга етган давридан кескин фарқ қиласди. Личинка танаси тухумсимон, ичаги халтага ўхшаш бўлади. Дастлаб личинка радиал симметрияга хос белгиларга эга бўлади. Личинка танасининг ўрта қисмida, яъни оғиз тешигидан олдинроқда 8 та эшқаксимон узун ўсимталар осилиб туради. Ўсимталар қирраларида узун киприклар жойлашган. Личинка дастлаб киприклар ёрдамида планктонда сузуб юради, кейинчалик майда чувалчангга айлангач, сув тубига чўкади. Бошқа туркумларга мансуб турлар бевосита (ўзгаришсиз) ривожланади.

52-расм. Денгиз ясси чувалчангларининг мюллеров личинкаси.

1 — кўз, 2 — бош ганглийси, 3 — халтасимон ичак, 4 — оғиз, 5,6 — ҳилпилловчи бўлаклар.

Макростоми туркумининг вакиллари кўндаланг бўлинниш орқали кўпайиш хусусиятига эга. Бунинг учун тананинг ҳалқумдан кейинги қисмидаги кўндаланг тортма пайдо бўлиб, чувалчанг танаси икки қисмга ажралади. Кейинги қисмда янги органлар ҳосил бўлади. Ёш чувалчанглар тўлиқ ажралиб кетмасдан 4, 8 ёки 16 та индивиддан иборат занжир ҳосил қилиши мумкин. Кейинчалик индивидлар ажралиб чиқиб алоҳида яшашга ўтади. Киприкли чувалчанглар 12 та туркумга бўлинади. Қуйида улардан айримлари келтирилган.


1. **Ичаксизлар (Aeoela) туркуми.** Тубан тузилган, асосан денгизларда яшовчи майдага чувалчанглар. Ичаги ва протонефридийлари бўлмайди; нерв ва жинсий системаси содда тузилган. Паренхимаси ҳазм қилиш вазифасини бажаради.

2. **Макростомидлар (Mokrostomida) туркуми.** Денгиз ва чучук сувларда яшайди. Содда тузилган, ичаги халтага ўхшаб кенгайган. Бу туркум вакиллари юқорида кўрсатилганидек жинссиз кўндаланг бўлинниш орқали кўпаяди.

3. **Тўғри ичаклилар (Rhabdocoela) туркуми.** Жуда майдага (0,5-5мм) чувалчанглар. Танаси бироз ясси, асосан цилиндрга ўхшаш. Ичаги найсимон, уни берк бўлади. Оғиз тешиги танасининг олдинги қисмидаги жойлашган. Айриш системаси бир жуфтаничалардан иборат. Чучук сув, денгиз ва қуруқликда учрайди. Айрим турлари моллюскалар ва бошқа умуртқасизларда паразитлик қиласи. Тўғри ичаклилар бошқа чувалчангларининг келиб чиқишини тушуниришда филогенетик аҳамиятга эга.

4. **Учшохлилар, яъни планариялар (Tricladida) туркуми.** Хилмачил турларни ўз ичига олади. Айрим қуруқликда яшовчи турлари 30 см га стади. Танаси баргимон ёки тасмимон, ўрта ичаги учшохли бўлади. Асосан чучук сувда, баъзан қуруқликда ва денгизларда ҳаёт кечиради. Чучук сувларда яшайдиган оқ планария (*Dendrocoelum lacteum*) ва кўп кўзли (*Polyclcelis*) шу туркумга киради (46-расм).

5. **Кўпшохлилар (Polycladida) туркуми.** Анча йирик (15 см гача),



баргсимон чувалчанглар. Денгизларда ҳаёт кечиради. Коралл рифларида тарқалган қўпшохлилар айниқса, чиройли рангда бўлади. Кўпшохлилар бир қанча содда тузилиш белгиларига эга (масалан, алоҳида сариқдони, баъзан жинсий йўли бўлмаслиги).

**Киприкли чувалчангларнинг келиб чиқиши.** Киприкли чувалчангларнинг келиб чиқиш муаммоси билатерал симметриянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Буни икки хил усулда тушунтириш мумкин. Зоологияда узоқ вақт давомида Ланг назарияси тан олинган эди. Бу назарияга киприкли чувалчанглар тароқлилардан келиб чиқкан. Кўп ичакли киприкли чувалчанглар ичагининг тузилиши ва киприкларининг ривожланганилиги тароқлиларга ўхшашлигига асосланган. Айниқса, рус олимни А. О. Ковалевскийнинг целопланани кашф этиши Ланге фикрича, бу назариянинг тўғрилигини исботлайди.


Графф томонидан ишлаб чиқилган, кейинчалик В.Н.Бекламишев такомиллаштирган назарияга кўра ичаксиз киприкли чувалчанглар энг содда тузилиган ҳайвонлар ҳисобланади. Ичаксизлар бўшлиқчилиларнинг энг қадимги аждодларидан келиб чиқкан. Бу чувалчанглар билан бўшлиқчилиларнинг планула личинкалари тузилишидаги умумий белгилар ана шундан дарак беради. Графф назариясини кўпчилик олимлар тан олишади.

## 12.2. СЎРГИЧЛИЛАР (TREMATODA) СИНФИ

Сўргичлилар синфига 400 дан ортиқ тур киради. Ҳамма вакиллари умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонларнинг ички органларида паразит яшайди. Катталиги бир неча мм, баъзан бир неча см гача, балиқларда паразитлик қиласидаги айрим сўргичлиларнинг узунлиги 1,5 м га етади. (*Didymozoidae* оиласи турлари).

**Тузилиши.** Танаси шакли киприкли чувалчангларга ўхшаш баргсимон, лекин паразит яшашга мосланиш белгилари мавжуд. Ясси танаси сиртида киприклари бўлмайди, оғиз ва қорин сўргичи деб аталадиган иккита сўргичлари ёрдамида ёпишиб яшайди. Оғиз сўргичи танасининг олдинги учида бўлиб, унинг ўртасида оғиз тешиги жойлашган, қорин сўргичи оғиз сўргичидан орқароқда жойлашган, фақат ёпишиш учун хизмат қиласи. Махсус мускулларнинг қисқариши ва бўшаши туфайли сўргичлар халтаси кенгаяди ёки то рапяди ва паразит хўжайини органларига ёпишиб олади.

Тана қоплағичи *тегумент* деб аталадиган киприксиз эпителийдан иборат. Эпителийнинг сиртқи қавати ядросиз цитоплазматик пластинкадан иборат. Бу қават ҳужайралари жуда кўп митохондрийлар ва вакуолаларга эга, лекин ҳужайралар ўртасида чегара йўқолиб, синцитий ҳосил қиласи. Эпителий сиртидаги ҳар хил пихлар қўшимча ёпишув органи ҳисобланади. Цитоплазматик ипчалар ёрдамида тегумент қават цитоплазманинг паренхимасига ботиб турадиган яд-



53-расм. Жигар қуртиning ҳазм қилиш (А) ва жинсий (Б) системаси.

1 — оғиз сүргичи, 2 — қорин сүргичи, 3 — ичак, 4 — күйикиш органи, 5 — тухумдон, 6 — сариқдон, 7 — сариқдон йүллари, 8 — уруғдон, 9 — уруғ йўли, 10 — бачадон.

роли қисми билан боғланган. Тегумент остида базал мембрана ва унинг остида ҳалқа бўйлама мускуллар жойлашади.

**Ҳазм қилиш системаси** найи оғиз тешигидан бошланади. Оғиз тешиги мускулли эктодермал ҳалқум, қизилўнгач ва эндодермал ўрта ичакдан иборат (53-расм). Ўрта ичак одатда икки шохга ажралган, йирик турларда эса кўп шохли бўлади.

**Айириш системаси** протонефридий типида бўлиб, одатда бир жуфт ийғувчи найлар ва улардан тарқаладиган жуда кўп найчалардан иборат. Найлар сийдик пуфагига, пуфак эса ташқарига очилади.

**Нерв системаси** ортогон типда тузилган бўлиб, бир жуфт мия ганглийларидан ҳамда улардан олдинга ва орқага кетадиган уч жуфт бўйлама нервлардан иборат. Нервлар кўндаланг нерв толалар билан қўшилган. Бўйлама нервлар орасида, айниқса, қорин нервлари яхши ривожланган.

**Сезги органлари** вояга етган ҳайвонларда ривожланмаган, сувда


эркин сузіб юрадиган личинкаларнинг бир ёки иккі жуфттодан оддий күзчалари — тери рецепторлари бұлади.

**Жинсий системасы.** Күпчилик сүргичилар гермафродит, жинсий системасы хилма-хил ва мұраккаб түзилген. Эркаклик жинсий органдың қорин сүргичидан орқароқда жойлашған бир жуфттодан иборат. Уруғдонлардан биттадан уруғ йўли бошланади. Қорин сүргичидан кейинроқда уруғ йўллари қўшилиб, уруғ чиқариши найнини ҳосил қиласиди (52-расм). Бу най уруғлантирувчи орган ичидан ўтади. Уруғлантирувчи орган махсус халтача — жинсий клоакада жойлашганды.

Тухумдан битта, уруғдонлардан кейинроқда жойлашади. Тухумдан оотип деб аталадиган халтачага очилади. Оотипга урғочилик жинсий безларининг йўли очилади. Тананинг иккى ёнида жуда күп пуфакчалар шаклидаги сариқдонлар жойлашган. Тананинг олдинги ва кейинги қисмидан чиқадиган сариқдон йўллари битта кўндаланған найга бирлашади ва оотипга келиб қўшилади. Оотипдан узун эгри-бугри бачадон бошланади. Бачадон етилган тухумхужайралар билан тўлган бўлиб, жинсий клоакага очилади. Оотипга уруғ қабул қилгич ва қисқа лауреров найи ҳам очилади. Бундан ташқари оотипни майда пўчоқ безлари ҳам ўраб туради.

Етилган тухумлар оотипга тушиб уруғланади. Бунинг учун уруғлантиргич орган бачадонга киритилади. Уруғлар бачадондан уруғ қабул қилгичга ва ундан оотипга ўтади. *Лауреров* найи орқали оотипдаги оптиқча уруғ ҳужайралари чиқариб турилади. Сариқдон ҳужайраларининг цитоплазмасида заҳира озиқ модда — гликоген тўпланади. Сариқдон ҳужайралари тухумхужайрани ўраб олади. Сирти сариқдон ажратадиган махсус модда бу ҳужайралар сиртида қаттиқ пўчоқ ҳосил қиласиди. Тухум етилгач бачадонга тушади, у жойдан ташқи муҳитга чиқиб кетади.

**Ривожланиши.** Сүргичиларнинг ҳаёт цикли жуда мұраккаб бўлиб, насл алмашиниш орқали боради. Жигар қурти (*Fasciola hepatica*)нинг ривожланиши қўйидагича боради. Сүргичиларнинг вояга етган даври *марита* дейилади. Жигар қуртининг маритаси жигарнинг ўт йўлларида паразитлик қиласиди ва шу жойга тухум қўяди. Тухумлари ўт йўли орқали ичакка, сўнгра ҳўжайини ахлати билан ташқи муҳитга чиқиб кетади. Тасодифан сувга тушиб қолган тухумлардан киприклар билан қолланган микроскопик личинка — мириацидий ривожланиб чиқади. Мириацидийнинг иккита оддий кўзчаси, нерв ганглийси ва бир жуфттодан ичине нефтьлари бўлади. (54-расм). Мириацидийнинг танаси кейинги қисмидан махсус партеногенетик тухумлари, яъни муртак ҳужайралар бўлади. Личинка танасининг олдинги учидаги кичикроқ мускулли хартуми бор. Хартуми учига махсус личинка безининг йўли очилади. Мириацидий ўз танасидаги заҳира глигоген ҳисобига яшайди. Мириацидийнинг бундан кейинги ривожланиши оралиқ ҳўжайини танасида давом этади. Бундай ҳўжайин чучук сувларда



54-расм. Жигар құрттарының ривожланыш цикли.

1 — вояга етган паразит (марита), 2 — тухум, 3 — мирадиций, 4 — личинкасининг сув шиллиги танасида партеногенетик күпайиши (а — спороциста, б, в — редиялар, г — церпарий), 5 — сувга чыққан церкарый, 6 — цистага айланған адолоскарий.

Учрайдиган ҳар хил қориноёқли моллюскалар ҳисобланади. Жигар құрттарының личинкаси кичик сув шиллиги — *Lymnaea truncatula* танасида ривожланади. Мирадиций хартумчаси ёрдамида шиллиқ танасини тешиб, унинг ички органларын кириб олади. Махсус без суоқлиги сув шиллиги тұқымаларини эритиб личинканы моллюска танасига ўтиб олишінга имкон беради. Моллюска танасида мирадиций киприкларини ташлаб, қопға үхшаш шаклға эга бўлган спороцистага айланади. Спороциста паразиттинг күпайиши ҳусусиятига эга бўлган вояга етган даври дейиш мумкин. У ҳолда мирадиций спороцистанинг личинкаси бўлади.

Спороциста даврида унинг ичидаги партеногенетик тухумлар бўлиниб, навбатдаги личинкалар — редияларни ҳосил қиласди. Редиянинг калта халтага үхшаш ичаги бўлади. Спороциста ёрилиб, редиялар моллюска танасига чиқади. Ўз навбатида редиялар ичидаги партеногенетик тухум ҳужайралардан яна янги личинкалар церкариялар ҳосил бўлади. Сўргичлари, икки шохли ичаги, айриш системаси ва нерв ту-

гунларининг тузилиши билан церкарий кўп жиҳатдан вояга етган паразит маритага ўхшаш, лекин ундан узун йўғон ва мускулли думининг ривожланганилиги билан фарқ қиласди. Церкариялар редия танасидаги тешик орқали моллюска танасига, сўнгра сувга чиқиб сузиб юради. Церкарийлар ҳам мирадиийларга ўхшаб озиқланмайди. Церкарий бир мунича вақт ўтгач сувдаги ўтларга ўтириб қолади ва думини ташлагач, танаси сиртида циста ҳосил қиласди. Паразит бу даврдаadolескарий дейилади. Сувлоққа келган ҳайвонлар ўтларни еб, паразитни юқтиради. Ичакда цистанинг қобиғи эрийди, ёш паразит ҳайвоннинг тана бўшлиғи орқали жигар ўтиб, аста-секин вояга етади.

Ҳамма сўргичлиларнинг ҳаёт цикли жигар қуртиникига ўхшамайди. Кўпчилик сўргичлилар учун сув шиллиғи биринчи оралиқ хўжайин ҳисобланади. Уларнинг сув шиллиғи танасидан чиқкан церкария личинкаси иккинчи оралиқ хўжайин (ҳар хил моллюскалар, балиқлар, итбалиқ, сув ҳашаротлари личинкалари ва бошқа ҳайвонлар) танасига ўтиб, ўз ривожланишини давом этиради. Церкария иккинчи оралиқ хўжайин думини йўқотиб, юпқа тиниқ пўст билан ўралади, яъни циста ҳосил қиласди. Паразит бу даврда метацеркарий дейилади. Агар метацеркарийли ҳайвонни бошқа бирор йирикроқ ҳайвон озиқ билан бирга ейдиган бўлса, унинг танасида паразит вояга етади.

Демак, сўргичлилар ҳаёт циклининг ҳар хил даврлари бошқа-бошқа ҳайвонларда ўтади. Организмida вояга етган паразит яшайдиган йирик сут эмизувчилар асосий хўжайин, паразит личинка даврида яшайдиган ҳайвонлар эса оралиқ хўжайин ҳисобланади. Сўргичлиларнинг оралиқ хўжайини кўпинча иккита бўлиб, улардан биринчиси доимо бирор чучук сув моллюскаси, иккинчиси эса албатта, асосий хўжайнинг ем бўладиган ҳар хил ҳайвонлар бўлади.

Шундай қилиб, сўргичлиларнинг ҳаёт цикли жуда кўп тасодифлар билан боғлиқ. Масалан, жигар қурти ҳаёти давом этиши учун унинг тухумлари албатта кўлмак сувга тушиши, сувда сув шиллиғи бўлиши, сувга йирик ҳайвонлар келиб туриши керак. Ривожланиш циклининг амалга ошишига монелик қилувчи тўсиқларнинг кўпайиши билан бирга бундай ноқулайликларнинг олдини олишга имкон берадиган бир қанча мосланишлар пайдо бўлган. Жуда кўп тухум қўйиш, личинка даврида партеногенетик кўпайиш ана шундай мосланишларга боғлиқ. Бу жиҳатдан айниқса, сўргичли *Leucocloridium paradoxum* ҳаёти диққатга сазовордир. Вояга етган паразит ҳашаротхўр сайроқи қушлар ичагида паразитлик қиласди. Қушлар ахлати билан ўтларнинг устига тўкилиб қолган тухумларини қаҳрабо шиллиғи (*Succinea*)ни ейди. Мирадиий личинкаси шиллиқ танасида узун тармоқланган спороцистани ҳосил қиласди. Спороцистада ёш паразит шаклланади (ривожланиши қисқарган). Спороциста ўсимталари шиллиқ пайпаслагичлари ичига ўтиб олиши туфайли пайпаслагичлар кучли шишиб кетиб, кўзга яққол ташланадиган рангга киради. Бундан ташқа-

ри спороцисталар кучли қисқариши туфайли моллюсканинг пайпаслагичлари ҳашаротларнинг личинкаларига ўхшаб қимиirlаб туради. Бундай ўхшашлик туфайли қушлар спороцистали пайпаслагичларни чўқиб, паразитни юқтиришади.


Сўргичилар насл алмашиниш орқали кўпаяди. Уларнинг личинкалиқ даврида муртаклик ҳужайраларининг бўлиниши орқали кўпайиши партеногенездан иборат. Партеногенезнинг бу хили *педагенез* (личинкалиқ даврида кўпайиши) деб ҳам аталади. Агар мириацидий личинка дейиладиган бўлса спороциста ва редияларни иккита урфочи насл дейиш мумкин. Сўргичилар ҳаёт цикли гермафрордит ва партеногенетик наслини алмашинувидан иборат. Бу ҳодиса, шунингдек айрим жинсли ва гермафрордит, айрим жинсли ва партеногенетик наслини алмашиниб туришини гетерогония дейилади. Педагенезнинг биологик аҳамияти асосий ҳўжайин танасида ривожланиш имкониятига эга бўлган паразитлар сонини кескин оширишдан иборат.

**Сўргичиларнинг патоген аҳамияти.** Кўпчилик сўргичилар одам ва ҳайвонларда паразитлик қиласи. Улар орасида жигар қурти (*Fasciola hepatica*) катта ҳўжалик аҳамиятига эга. Бу қуртнинг вояга етган даврида узунлиги 3-5 см бўлиб, деярли барча сутэмизувчилар, шу жумладан одам жигари ва ўт йўлларида паразитлик қиласи. Паразит таъсирида моллар жигарининг ўт йўллари бекилиб қолади ёки ўт суюқлигининг ўтиши қийинлашиб қолади. Айрим йиллари чорва моллари (қўйлар)нинг заарланиши эпизоотия тусини олган. Эпизоотия айниқса, ёмғирли баҳор мавсумида юқори бўлади. Жигар қурти билан одам ҳам заарланиши мумкин. Агар одам чучук сув шиллиги яшайдиган кўлмак сувларни қайнатмасдан ичганида жигар қурти адолоскариясини тасодифан ютиб юбориши мумкин. Жигар қурти билан зааррланган одам жигари ўт йўллари қотиб қолади, жигар паренхимаси емирилиб, жигари шишиб кетади ва оғрийди, шунингдек, сариқ касаллик пайдо бўлади.

Жигар қурти билан зааррланган ҳайвонлар маҳсус антигельминт препаратлар ёрдамида даволанади. Жигар қуртига қарши курашиш учун сув ҳавзаларини паразитнинг оралиқ ҳўжайини — кичик сув шиллигидан тозалаш, кўлмак сувлар ва ботқоқликларни қуритиш лозим.

Сутэмизувчи ҳайвонлар жигаридаги *Dicrocoelium endriticum* ҳам паразитлик қиласи. Бу паразитнинг узунлиги 0,5-1,2 см, биринчи оралиқ ҳўжайини қуруқликда яшовчи қориноеёқли моллюскалар, иккинчи оралиқ ҳўжайини чумолилар бўлади. Чумолилар шилиқлар ажратиб чиқарадиган церкарийли қопчаларни, сутэмизувчи ҳайвонлар эса ўт билан бирга чумолиларни еб зааррланади.

Мушук икки сўргичлиси (*Opisthorchis felineus*, 55-расм) мушук, ит ва одам жигаридаги паразитлик қиласи. Узунлиги 8-13 мм. Биринчи ора-



55-расм. Одамда паразитлек қилувчи сүргичилар.

А —мушук икки сүргичлиси *Opisthorchis felineus*. Б — урғочиси эркаги қорнида төрадиган қон икки сүргичлиси шистозома (*Schistosoma haematobium*): 1 — оғиз сүргичи, 2 — ҳалқум, 3 — ичак, 4 — қорин сүргичи, 5 — бачадон, 6 — сариқдон, 7 — тухумдон, 8 — уруғ қабул қылгыч, 9 — уруғдон, 10 — қовуқ, 11 — уруғ тұкув нағы.

ланган одам ҳалок бұлиши мүмкін. Паразит Сибир ҳамда Европаниң шарқый ва жанубий ҳудудларыда тарқалған.

**Қон сүргичлиси** (*Shistosoma haematobium*, 55-расм) икки жинсли ҳайвон. Эркаги танаси 12-14мм, урғочиси (20 мм) дан ҳам калта, бироқ анча кенг бўлади. Урғочиси ингичка, эркагининг қорин томонида жойлашган тарновсимон чуқурчасида жойлашган бўлади. Шистозомалар одамнинг қорин бўшлигидаги ийрик вена томирларида, шунингдек буйрак ва қовуқ веналарида яшайди. Урғочиси қовуқ девори ва орқа ичак венасига тухум қўяди. Мирацидий личинкаси бўлган тухумлар қовуқ деворини тешиб, унинг бўшлигига, ундан сийдик билан ташқарига чиқиб кетади. Сувда тухумдан чиққан мирапацидийлар айрим чучук сув қориноёкли моллюскалари танасига кириб олади. Моллюскалар танасидан сувга чиққан церкарийлар чўмилётган ёки шолипояда ишлётган одамлар терисини тешиб қон томирига ўтиб олади. Бу паразит пайдо қиласидиган касаллик шистозоматоз дейилади. Паразит бемфирида қовуқ, буйрак ва сийдик найининг деворини жароҳатлаши туфайли сийдик билан бирга қон ажралади. Заарлантган органларнинг яллиғланиши ва паразит тухумлари атрофида фосфорли тузларнинг тўпланиши туфайли қовуқда тош ҳосил бўлишига олиб келиши мүмкін. Касаллик жанубий миңтақаларда хусусан, Нил дарёси водийисида, Ҳиндистон, Жануби-шарқий Осиё, Жанубий Америка ва айрим бошқа миңтақаларда тарқалған.

Сүргичиларнинг жуда кўп турлари ёввойи ва уй ҳайвонларида

паразитлик қилиб, катта зиён етқазади. Масалан, *Echinostomatidae* оиласи турлари хонаки паррандалар ичагида яшаб, баъзан уларни қирилиб кетишига сабаб бўлади.

Сўргичилар синфи дигенетик сўргичилар ва аспидогастрлар кенжা синфига бўлинади.

### **12.2.1. ДИГЕНЕТИК, ЯЪНИ ИККИТА ХЎЖАЙИНДА РИВОЖЛАНДИГАН СЎРГИЧИЛИЛАР (DIGENEA) КЕНЖА СИНФИ**

Дигенетик сўргичилар деярли барча вакилларининг иккита сўргичи бўлади. Ривожланиш цикли жуда мураккаб бўлиб, насл ал-машинув орқали боради. Сўргичиларнинг асосий кўпчилик турлари ана шу кенжা синфга киради.

### **12.2.2. АСПИДОГАСТРЛАР (ASPIDOGASTERA) КЕНЖА СИНФИ**

Аспидогастрларнинг 40 га яқин тури маълум. Уларнинг ёпишув органлари жуда кенг ёпишув дискидан иборат. Диск бир неча қатор сўргич чукурчаларига бўлинган. Аспидогастрлар метаморфоз орқали ривожланади, лекин ҳаёт циклида насл галланиши бўлмайди. Типик вакили *Aspidogaster conchicola* икки паллалилардан бақачаноқнинг юраколди халтасида паразитлик қиласди. Бошқа вакиллари асосан моллюскалар, балиқлар ва тошбақаларда паразитлик қиласди.

### **12.3. МОНОГЕНИЯЛАР (MONOGENOIDEA) СИНФИ**

Моногениялар, яъни кўп сўргичилар балиқлар териси ва жабраларида яшайдиган эктопаразитлар. Баъзан улар сувда ҳам қуруқликда яшовчилар судралиб юрувчилар қовуғи ва бошқа органларида паразитлик қиласди.

**Тузилиши.** Моногениялар танаси чўзиқ ва ясси бўлиб, кейинги томонида ёпишув диски жойлашган (56-расм). Дискда хўжайин танасига ёпишиш учун зарур бўлган бир қанча илмоқлари, сўргичлари ёки икки тавақали клапанлари бўлади. Бундай ёпишув органлари уларни тез ҳаракатланадиган балиқлар танасидан тушиб кетмаслигига ёрдам беради. Моногениялар танасининг олдинги томонида ҳам унча катта бўлмаган сўргичлари бўлади. Сўргичларга ёпишқоқ суюқлик ажратадиган бир ҳужайраги безларнинг йўли очилади. Бу сўргичлар паразит танаси олдинги қисмини хўжайини танасига ёпишиб туриши учун хизмат қиласди.

Моногенияларнинг тана қоплағичи ва ички тузилиши сўргичиларга ўхшаш тузилган. Оғиз тешиги танасининг олдинги қисмida жойлашган, ичаги халтасимон ёки икки шохли бўлади. Айириш системаси — протонефридийлар танасининг олдинги учида бир жуфт


тешиклари билан ташқарига очилади. Нерв системаси ортоген типида бўлиб, бош ганглийларидан уч жуфт нервлар чиқади. Бу нервларни кўндаланг нерв толалари туташтириб туради. Сезги органлари яхши ривожланмаган. Фақат айрим турлари танасининг олдинги қисмida инвертиранганд (тескари ағдарилган) кўзлари бўлади.

Жинсий системаси гермафродит. Уруғдонлари битта ёки кўп, тухумдони битта.

**Кўпайиши.** Ҳаёт циклида хўжайин алмашиниш ва насл галланиш содир бўлмайди. Мисол тариқасида бақа кўп сўрғичлиси (*Polystoma integrum*) ҳаёт циклини кўриб чиқамиз. Бақа кўп сўрғичлиси вояга етган даврида бақанинг қовуғида яшайди. Баҳорда бақалар кўпайиши билан бирга паразит ҳам кўпая бошлайди. Паразит қовуқдан клоакага чиқуб, сувга бир қанча уруғланган тухум ташлайди. Тухумдан жуда майдо илмоқчалари бўлади. Личинка итбалиқ жабраларига ёпишиб олиб, киприкларини ташлайди. Личинка танасининг кейинги қисмida иккита йирик илмоқ ва сўреич ҳосил бўлади. Личинка вояга етиб тухум кўя бошлайди. Бу тухумлардан личинкаларнинг иккичи настии ривожланади, лекин бу личинкалар итбалиқ метаморфози тамом бўлгунча ривожланишига улгурмайди. Итбалиқнинг жабралари бақага айланишда йўқолиб кетади. Бу даврда паразит хўжайин

териси орқали бориб, унинг клоказига ва ундан сийдик пуфагига кириб олади. Бу личинка энди уч йилдан сўнг, яъни бақа вояга етиши билан бирга вояга етади. Шундай қилиб, бақа кўп сўрғичлисининг ривожланиши унинг хўжайини бақанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бақа кўп сўрғичлиси ривожланиши давомида жабралар эктопаразити ҳолатидан қовуқ эндопаразити ҳолатига ўтади.

Карпсимон балиқлар паразити дактилогирус (*Dactylogyrus vastator*, 56-расм) нинг ривожла-



56-расм. Моногенетик сўрғичлилар.  
А — спайник. Б — бақа кўпсўрғичлиси.  
В — дактилогирус: 1 — оғиз, 2 — ёпиштирувчи диск.

ниши бошқачароқ боради. Дактилодиус узунлиги 1-3 мм, балиқлар жабрасида паразитлик қиласи ва ўша жойга тухум қўяди. Туҳумдан киприкли личинка чиқади. Личинканинг олдинги қисмida икки жуфт кўзлари, орқа қисмida иммоқчалари жойлашган диски — церкомераси бўлади. Личинка шу жойининг ўзида ёки бошқа балиқлар жабрасига ўтиб вояга етади.

Гиродактилус (*Gyrodactylus*) деб аталадиган кўп сўргичли тирик туғади. Унинг бачадонида партеногенетик йўл билан битта эмбрион шаклланади. Бу эмбрион вояга етгунча унинг ичида иккинчи эмбрион, кейингиси ичида эса учинчи, учинчиси ичида тўртинчиси шаклланади.

Моногениялар гермафродит бўлиб, улар ўз-ўзини уруғлантиради. Шунинг билан бирга айрим турларида ўз-ўзини уруғлантиришга тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам ривожланган. Масалан, спайник (*Diplozoon paradoxum*, қаранг: 56-расм) ёш даврида якка яшайди. Кейинроқ паразитлар қорин сўргичлари орқали бир-бирига ёпишиб олишади. Паразитлардан бирининг уруғ йўли иккинчисининг тухум ўйлига очилиши туфайли улар бир-бирини уруғлантиради.


**Аҳамияти.** Моногениялар балиқчиликка катта зиён келтиради. Улар орасида айниқса, чучук сув балиқлари жабрасида паразитлик қиласидаги Dactylogyridae оиласи вакиллари катта патоген аҳамиятга эга. Улар теридаги шилимшиқ модда ва эпителий, баъзан қон билан озиқланаб, балиқларни ёппасига қирилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Gyrodactylidae оиласи вакиллари ҳам катта зиён келтиради. Волга дарёсида осетрсимон балиқларга нитша (*Nitzchia sturionis*) катта зиён келтиради. Бу паразит севрюга балиғини иқлимлаштирилганида Орол денгизига келиб қолган ва маҳаллий осетрсимон балиқларда (бақра) паразитлик қилишга ўтган.

#### 12.4. ТАСМАСИМОН ЧУВАЛЧАНГЛАР (CYSTODA) СИНФИ

Тасмасимон чувалчанглар вояга етган даврида умуртқали ҳайвонлар ва одам ичагида паразитлик қиласи. Уларнинг личинкаси умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар тана бўшлифи ва ички органдаридаги паразитлик қиласи.

**Тузилиши.** Танаси кўпинча узун тасмасимон бўлиб, кўп сонли бўғимлар — проглоттидларга бўлинган. Танасининг олдинги қисми кичик бошча — сколексни ҳосил қиласи. Тананинг сколексадан кейинги бўғимларга бўлинмаган қисми бўйин дейилади, ундан кейинда эса проглоттидлар жойлашган (57-расм).

Тасмасимон чувалчанглар бошчасида ёпишув органлари бўлади. Ёпишув органи моногенияларнига ўхшаш сўргичлар типида ёки иккита тирқишимон чуқурчадан иборат бўлиши мумкин. Кўпчилик тасмасимон чувалчанглар бошчасининг учидаги ҳар хил шаклдаги иммоқ-



57-расм. Тасмасимон чувалчанглар сүрғичлари ва проглоттидлари.

А — чўчқа тасмасимони. Б — қорамол тасмасимони. В — кенг тасмасимон.

чалар ҳам бўлади. Баъзан илмоқчалар хартумда жойлашган бўлади. Баъзан хартум тўртга бўлиб, жуда кўп илмоқлар билан таъминланган.

Проглоттидлар 3 тадан бир неча мингтагача бўлади. Олдинги, яъни танасининг бўйиндан кейинги қисмида жойлашган проглоттидлар жуда майда бўлади. Уларни ёш проглоттидлар дейилади. Чувалчанг бўйин қисмидан янги проглоттидлар ҳосил қилиб ўсади. Проглоттидлар тананинг кейинги қисмига силжиган сайин ўсиб, йирнеклаша боради. Тасмасимон чувалчангларнинг ана шундай жуда кўп бўғимлардан иборат танаси занжир, яъни стробила (цифоид медузаларнинг сцифистомалари стробилияциясига ўхашлиги учун) дейилади. Тасмасимон чувалчанглар танасининг узунлиги 1мм дан 10мм гача бўлади.

Тасмасимон чувалчанглар тери-мускул халтаси, тана қоплагичи ва тегументининг тузилиши киприкли чувалчанглар ва моногенияларга ўхашаш бўлади. Улардан цитоплазматик қоплам юзасида жуда кўп

ўсимталар (микротрихиялар) бўлиши билан фарқ қиласди. Фақат электрон микроскопда кўринадиган микротрихиялар озиқланиш вазифасини бажаради. Базал мембрана остида ташқи ҳалқа мускуллар ва ички бўйлама мускуллар жойлашган. Кўпинча бу икки қаватга учинчи ҳалқа мускуллар қавати ва орқа — қорин мускул қавати ҳам қўшилади. Чувалчанглар паренхимасида захира модда гликоген тўпланади.

Тасмасимон чувалчанглар ҳазм қилиши системаси редукцияга учраган. Улар ичак бўшлигига ҳазм бўладиган озиқ моддаларни бутун тана юзаси билан сўриб олади. Микротрихияларга эга бўлган тегумент бунга имкон беради.


*Айриши системаси* протонефридий типдаги буйраклар тана бўйлаб ўтадиган иккита айриш найчаларидан иборат. Найчалар тананинг кейинги қисмидан бошланади, олдинги бош қисмiga яқинлашгач, яна орқага бурилиб, танасининг кейинги қисмiga кетади ва у ерда ташқарига очилади. Тасмасимон чувалчангларда ён айриш найлари ўзаро кўндаланг найлар орқали қўшилганидан айриш системаси нарвон кўринишга эга бўлади. Тананинг кейинги томонида айриш найлари бирлашиб кичикроқ қовуқни ҳосил қиласди. Тасмасимон чувалчанглар танасининг кейинги етилган бўғимлари узилиб тушиб турганидан қовуқ ҳам узилиб тушади ва янги қовуқ ҳосил бўлмасдан ён найлар тўғридан-тўғри танадан ташқарига очилади.

*Нерв системаси* кучсиз ривожланган. Марказий нерв системаси бир жуфт мия гантглийлардан ва улардан тана бўйлаб орқага кетадиган нерв стволларидан иборат. Нерв стволлари кўндаланг нервлар билан ўзаро қўшилиб ортогон системасини ҳосил қиласди. Тананинг икки ёнида жойлашган иккита нерв стволлари бошқаларига нисбатан кучлироқ ривожланган. Нерв стволларидан тарқалган толалар тери остида қалин нерв тўрини ҳосил қиласди. Сезги аъзолари тана юзасида тарқоқ жойлашган сезгир ҳужайралардан иборат. Бундай ҳужайралар сколексда айниқса кўп бўлади.

*Жинсий системаси* гермафродит, сўргичиларникига ўхшаш тузилган.

Танаси бўғимларга бўлинган Тасмасимон чувалчангларнинг ҳар бир бўғимида жинсий органлар тақрорланади. Бўғимларга бўлинмаган тасмасимонларнинг (*Caryophyllaeus*) жинсий системаси битта бўлади.

Қўйида танаси кўп бўғимлардан иборат бўлган қорамол тасмасимон чувалчаяти (*Taeniarhynchus saginatus*) жинсий системасини кўриб чиқамиз. Еўйиндан кейин жойлашган ёш бўғимларнинг жинсий органлари ривожланмаган. Бундай органлар танасининг ўрта қисмида, таҳминан 200 сегментдан бошлаб ривожланган бўлади. Бу бўғимларда эркалий жинсий органлари паренхимада сочишган жуда кўп уруғдоглар, улардан бошланадиган уруғ чиқариш найлари ва найчалар бирлашиб, ҳосил қиласдиган умумий уруғ йўлидан иборат.



58-расм. Қорамол тасмасимони жинсий системасининг тузилиши.

А — урғочи жинсий системаси тузилиши схемаси. Б — онкосфералик тухум. В — гермафродит бүғим: 1 — уругдон, 2 — уруг чикариш найдары, 3 — уруг йўли, 4 — куйикиш органи, 5 — жинсий клоака, 6 — жинсий қин, 7 — тухумдон, 8 — сариқдон, 9 — оотип, 10 — бачадон, 11 — айрииш найди, 12 — кўндаланг айрииш найди.

Уруг йўли бўғим четида жойлашган қўшилиш органи ичидан ўтади. Куйикиш органи мускулли найдан иборат бўлиб, у ён томондаги чуқурча — жинсий клоакага кириб туради (58-расм).


Урғочилик жинсий органлари шохланган битта тухумдондан ва ундан чиқадиган тухум йўлидан иборат. Тухум йўли оотипга очилади. Оотипга бўғимнинг кейинги қисмида жойлашган тўрга ўхшаш сариқдон йўли ҳам очилади. Оотипдан иккита найд бошланади, улардан бири жинсий қин — клоакага очилади. Оотипдан олдинга йўналган, анча кенг иккичи найдининг уни берк бўлиб, бачадон дейилади. Етилган тухум ва сперматозоидлар оотипга тушади. Тухум ҳужайра ана шу жойда уругланиб, қобиқ билан қопланади. Уруғланган тухумлар бачадонда тўпланади. Бачадон тўлган сайин кенгайиб, бўғимнинг ҳамма қисмини эгаллаб олади (қаранг, 58-расм). Пировардида жинсий системанинг бошқа қисмлари аста-еекин йўқолиб боради. Тухум билан тўлган бундай бўғимлар “етилган” бўғимлар дейилади. Бу бўғимларчувалчанг танасининг кейинги қисмидан бир нечтадан узилиб ичакка тушади ва у ердан ахлат билан ташқарига чиқарилади. Тасмасимончувалчанглар жуда серпушт бўлади, масалан, одам ингичка ичагида паразитлик қиласидиган қорамол тасмасимончувалчангти ўртacha 18-20 йил яшайди ва ҳар йили 600 млн гача, умри давомида 11 млд га яқин тухум қўяди. Шундай қилиб, тасмасимончувалчанглар-

нинг ҳамма бўғимлари ўзининг мустақил жинсий системаси (тухумдон, уруғдон, тухум ва уруғ йўллари, жинсий клоака) га эга. Қорамол тасмасимон чувалчанги клоакаси навбат билан бўғимларнинг гоҳ ўнг, гоҳ чап четига очилади.

Тасмасимон чувалчанглар жинсий системаси тузилиши бир хилда бўлмайди. Масалан, кенг тасмасимон чувалчанг (*Diphyllobothrium*) баҷадони тананинг бир томонидан ташқарига очилади. Етилган тухумлар эса хўжайини ичагига тушади. Қовоқсимон занжирли (*Dipylidium caninum*) нинг бўғимларида жинсий органлари жуфт-жуфт бўлиб жойлашади.


**Кўпайиши ва ривожланиши.** Тасмасимон чувалчанглар ҳар хил уруғланади. Хўжайнин ичагига бир неча чувалчанг бўлганида улар бир-бирини уруғлантиради. Хўжайнин ичагига фақат битта чувалчанг бўлганида эса ҳар хил проглоттилар бир-бирини уруғлантириши, ҳатто битта проглоттид ўзини-ўзи уруғлантириши мумкин.

Личинкаларнинг ривожланиши ҳам бир хилда кечмайди. Қорамол ва чўчқа тасмасимон чувалчанги (*Taenia solium*) личинкалари тухум ичида, сербар тасмасимон чувалчанги (*Diphyllobothrium latum*) личинкаси ташқи муҳитда (сувда) ривожланади. Одатда тухумдан олти илмоқли личинка — онкосфера чиқади (59-расм). Баъзи чувалчангларнинг личинкаси 10 илмоқли бўлиб, ликофор дейилади. Личинканинг бундан кейинги ривожланиши хўжайнин алмаштириш орқали боради. Қорамол тасмасимон чувалчангининг тухуми асосий хўжайнин (одам) ичагидан ахлат билан ташқа-



59-расм. Қорамол тасмасимон чувалчангининг ривожланиши цикли.

А — асосий хўжайнин. Б — оралц хўжайнин: 1 — онкосферали тухум, 2 — гўштдаги финна, 3 — вояга етган паразит, 4 — одам ичагидан чиқадиган проглоттид.



60-расм. Ҳар хин финналар.

А — цистицерк. Б — ценур. В — эхинококк. Г — цистицеркоид. Д — плероцеркоид. 1 — пулфак девори, 2 — бошчаси, 3 — ишкі пулфаклар.

катталигидаги пулфаксимон давр — *финнага* айланади. Финна тасмасимон чувалчангларнинг инвазияли (юқумли) даври ҳисобланади. Тасмасимон чувалчанглар финнаси беш типда бўлиб, цистицерк, процеркоид, плероцеркоид, ценур, ёки эхинокок деб аталади. (60-расм).


*Цистицерк* ичи суюқлик билан тўлган пулфакдан иборат. Пулфак деворининг бир чети пулфак бўшлиғига ботиб кирган бўлади. Бу жойда личинканинг тўрт сўргичли бошчаси жойлашади. Финналар ана шу ҳолатда бир неча йил яшashi мумкин. Финна фақат асосий ҳўжайини, яъни одам ичагига тушгандан сўнг ривожланиб вояга етади. Яхши пиширилмаган финнали гўшт ёки жигар одам ичагига тушганида пулфак ичидаги бошча ташқарига чиқади. Пулфак смирилиб, личинка бошчаси ва бўйинчаси тез ўса бошлайди. Бўйинчанинг кейинги қисми кўндалангига бўлинниб кўплаб, янги ёш бўғимлар чиқаради ва узун проглоттидлар занжири ҳосил қиласади. Шундай қилиб, қорамол тасмасимон чувалчангли ривожланиши ҳўжайин алмашиниши ва мураккаб ўзгаришлар, яъни онкосферани финнага ва финнани вояга етган паразитга айланиши орқали содир бўлади. Чўчқа тасмасимон чувалчангли (*Taenia solium*) нинг ривожланиши ҳам худди шу тарзда содир бўлади. Сербар тасмасимон чувалчангнинг ривожланиши иккита оралиқ ҳўжайин орқали боради. Одам ичагидан чиқадиган тухумдан сувда сирти киприклар билан қопланган олти илмоқли личинка — *корацидий* чиқади. Корацидийни циклоп ютганида у ичакда киприкларини ташлайди, ичак девори орқали циклоп тана бўшлиғига ўтиб, чувалчангсимон майда личинка — *процеркоидга* айланади. Личинканинг кейинги қисмида шарсимон ўсимтаси бўлади. Ўсимтанинг шак-

ли моногенияларнинг ёпишув церкомерасига ўхшаб кетади, унда олтита илмоқча жойлашган. Касалланган циклопларни чўрган, налим ва баъзи лососсимон балиқлар ейдиган бўлса, процеркоид балиқнинг тана бўшлиғи, тухумдони, мускуллари ва бошқа органларига ўтиб олиб, церкомерасини ташлайди ва ўсиб плероцеркоидга айланади (60-расм). Плероцеркоид 1-1,5 см узунликдаги чувалчанг бўлиб, танасининг олдинги қисми ён томонида иккита тирқишиимон сўрғичлари бўлади. Плероцеркоид инвазияли (заарловчи) давр — финнага мос келади. Заарланган балиқ гўштини одам, ит ёки мушуклар еганида, уларнинг ичагига ёпишиб олиб 10-12 м гача узунликдаги вояга етган паразитга айланади.

**Қўй мия қурти** (*Milticeps multiceps*, 60-расм) асосий хўжайини, асан чўпон итлари, оралиқ хўжайини қўй ва бошқа баъзи уй ва ёвойи ҳайвонлар ҳисобланади. Ит ичидаги чувалчангнинг узунлиги 40 мм дан 80 мм гача бўлиб, итларга катта зиён етказмайди. Мия қуртининг пуфаксимон финнаси ёнғоқдек ёки ундан каттароқ бўлади, уни ценур дейилади.

Ценур деворида паразитнинг юзлаб бошчаси ҳосил бўлади. Бундай пуфак қўй ва бошқа ҳайвонлар мияси яримшарларидан бирида ҳосил бўлганидан ҳайвон фақат бир томони билан айланади. Ана шунинг учун бу касаллик “тир айланма” ёки “тентак касали” дейилади. Мия қурти болалар орасида ҳам учраб туради.

**Эхинококк** (*Echinococcus granulosus*, 61-расм) финнаси йирикроқ бўлади. Вояга етган эхинококк узунлиги 2-6 мм, унинг асосий хўжайини ит, бўри, чиябўри ва тулки ҳисобланади. Паразитнинг танаси 3-4 бўғимдан иборат бўлиб, асосий хўжайинига катта зиён келтирмайди. Асосий хўжайини ичагидан чиқадиган онкосферали тухумлари одам ва кўпчилик ўтхўр ҳайвонлар ичагига




61-расм. Ҳар хил тасмасимон чувалчанглар:

А — эхинококк. Б — монизия: 1 — илмоқлар, 2 — сўрғичлар, 3 — жинсий органлар, 4 — этишганд бўғимдаги онкосферали тухумлар.

тушганида личинкаси ичак деворидан ўтиб қон орқали жигар, ўпка ва баъзан бошқа органларга бориб, финна даврига айланади. Эхинококк финнаси жуда катта, боланинг бошидан ёки ундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин. Сигир жигарида 64 кг оғирликдаги финна топилган. Эхинококк финнаси жуда секин, бир йил давомида тахминан 1 см гача ўсади. Пуфак ўсган сари унинг ичида янгидан янги биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо тартибдаги пуфаклар пайдо бўлади. Пуфаклар деворида, унинг ичида суюқликда паразитнинг жуда кўп бошчалари сузиб юради. Одам (кўпинча ёш болалар) ит жунуга тегиб, эхинококкни юқтиришади. Итлар ва бошқа йиртқич сутэмизувчилар эхинококк билан зарарланган органларни ёки касал ҳайвонларни еб, паразитни юқтиради.

**Тасмасимон чувалчангларнинг зарари.** Тасмасимон чувалчанглар одам ва ҳайвонларга катта зиён келтиради. Касаллик туғдирувчи кўпчилик чувалчанглар Cyclophyllidea ва Pseudophyllidea туркумларига киради. Биринчи туркумдан ичак лигуласи (*Ligula intestinalis*, 62-расм) балиқларга айниқса катта зарар етказади. Унинг узунлиги 50-80 см бўлиб, карпсимон балиқлар (қора балиқ, зогора, лещ, қизил қўз балиқлар тана бўшлиғида паразитлик қиласи). Касал баликлар ўсищдан қолади, кўпинча ҳалок бўлади. Вояга етган лигу-



48-расм. Тасмасимон чувалчанг лигула.

А — балиқ тана бўшлиғидан олинганplerоцеркоид личинка, Б — лигула билан зарарланган балиқ, В — балиқ юрнининг ёриғидан чиққан лигула личинкалари.

ланинг узунлиги 1 м га яқин. У сувда сузуви ва сув бўйида яшовчи қушларнинг ичагида паразитлик қиласди. Лигула танаси бўғимларга бўлинмайди, лекин гермафродит жинсий органи танаси бўйлаб кўп марта такрорланади. Қуш ичагидан сувга тушган тухумдан корацидий личинкаси чиқади. Личинка биринчى оралиқ хўжайин диаптомус қисқичбақаси тана бўшлиғига ўтади. Уларнинг иккинчى оралиқ хўжайини балиқлар диаптомус қисқичбақасини еб заараланади. Қушлар эса касалланган балиқларни еб заараланади.

Одам ва сутэмизувчи ҳайвонларга эхинококк мия қурти, қорамол ва чўчқа тасмасимон чувалчанглари ҳам катта зиён келтиради. Чўчқа тасмасимон чувалчанг қорамол тасмасимонига ўхшайди, лекин ундан бир мунча кичиклиги (узунлиги 2-3 м), бошида сўргичлари билан бирга илмоқлари бўлиши, танасининг кейинги қисмидаги етилган бўғимлари 5-6 тадан узилиб чиқиши билан фарқ қиласди. Қорамол тасмасимонининг бошида илмоқлари бўлмайди, етишган бўғимлари биттадан узилиб чиқади ва ҳаракатчан бўлади. Бошида илмоқларининг бўлиши ёки бўлмаслигига биноан бу икки тур қуролланган (чўчқа тасмасимони) ва қуролланмаган (қорамол тасмасимони) дейилади. Чўчқа тасмасимони бачадонининг ҳар бир томонида 7-12 тадан, қорамол тасмасимонида эса 17-35 тадан ён шохлари бўлади. Чўчқа тасмасимони учун одам фақат асосий хўжайин эмас балки оралиқ хўжайин ҳам бўлиши мумкин. Ифлос қўл орқали тухумлар ошқозонга тушиб қолганида, тухумдан чиқадиган личинкалар одамнинг жигари, мияси, кўзи ва бошқа жойларига бориб, финнага айланади. Финналар оғир оқибатга, баъзан ўлимга сабаб бўлади.

Чўчқа тасмасимони тухумлари билан ёппасига заараланиш ичагида ана шу паразит бўлган одамнинг кўнгли айнаб, қусганида ҳам бўлиши мумкин. Кўнгил айнаганида чўчқа тасмасимони бўғимлари узилиб ошқозонга чиқади. Ошқозон шираси таъсирида тухумлардан личинкалар ички аъзоларга бориб финнага айланади.

Одамлар, айниқса ёш болалар учун *калта занжирсимон* чувалчанг *Hymenolepis nana* катта аҳамиятга эга. Паразитнинг узунлиги 1-4,5 см га етади, танаси 100-200 та майда проглоттилардан иборат. Калта занжирсимон одам ичагида яшайди. Унинг онкосфераси дастлаб ичак ворсинкасига кириб олиб, цистицеркоид типидаги финнага айланади. Цистицеркоид ичак бўшлиғига чиқиб вояга етади ва тухум қўя бошлайди. Тухумдан чиқкан личинкаси 19 кунда вояга етади. Паразит тухумларини одам ифлос қўллари орқали ўзидан ўзига ёки ифлосланган сув ёки озиқ-овқат билан четдан юқтириши мумкин. Бу паразит айниқса, болаларга кўп азоб беради. Касал боланинг қорни оғриб, ичи кетади ёки ичи қотади. Чувалчанг заҳари боланинг нерв системасига таъсир етади.

Паразит чувалчанглардан (*монезия*) *Monezia expansa*, қаранг: 61-


расм) мұхим иқтисодий аҳамиятга эга. Монезия отлар ва чорва моллари ичагида паразитлик қилиб, оғир ичак касаллигини пайдо қилаади. Монезия билан касалланған ҳайвонлар минглаб қирилиб кетади. Монезия майда финналари совутли каналар (*Oribatidae* оиласы) танасида ривожланади. Ҳайвонлар каналарни ўт билан бирға ютиб заарранади.

## 12.5. ЦЕСТОДСИМОНЛАР (CESTODARIA) СИНФИ

Цестодсимонларнинг тузилиши қўп жиҳатдан тасмасимонларга ўхшаш бўлиб, ҳазм қилиш системаси бўлмайди. Улардан бир қанча белгилари билан фарқ қиласди. Уларнинг ликофора личинкасида 6 та эмас, балки 10 та эмбрионал илмоқлар бўлади. Личинка церкомераси кўпинча вояга етган даврида ҳам сақланиб қолади. Ҳамма цестодсимонларнинг танаси бўғимларга бўлинмаган, жинсий аппарати ҳам битта бўлади. Жинсий системаси гермафродит бўлиб, жуда кўп фолликуляр уруғдонлардан ва битта икки бўлакли тухумдondon иборат. Саригдонлари ривожланган, бачадони алоҳида тешик билан ташқарига очилади. Жинсий қини ривожланган. Бошқа органлари тасмасимонларга ўхшаш бўлади.

Типик вакили *амфилина* (*Amphilina foliacea*, 63-расм) осетрсимон балиқларда паразитлик қиласди. Тана шакли баргимон овал, узунлиги 5 см. Вояга етган даврида ичакда эмас, балки тана бўшлиғида паразитлик қиласди. Оралиқ хўжайнини айрим ёнлаб сузарлар (*Amphipoda* туркуми) ва айриоёқ қисқиҷбақасимонлар (*Mysidacea* туркуми) ҳисобланади. Оралиқ хўжайнини танасида процеркоид типидаги личинкаси бўлган қисқиҷбақасимонлар билан асосий хўжайнини танасига ўтиб, вояга етади. Амфилина *амфилиналар* (*Amphiilidea*) туркумига киради.

*Гирокотилилдар* (*Gyrocotylidea*) туркуми вакиллари химералар (қадимги акуласимон балиқлар) ичагида паразитлик қиласди. Ясси танасининг кейинги қисмида ёпишиш диски, олдинги қисмида кичикроқ сўргичи бўлади. Метаморфоз орқали ривожланади. Личинкасининг кейинги қисмида церкомераси бўлади. Гирокотилилдар моногениялар билан тасмасимон чувалчанглар тузилиши белгиларини ўзида мужассамлаштирган оралиқ форма ҳисобланади.



63-расм. Амфилина.  
1 — бачадон тешиги,  
2 — уругдонлар, 3 —  
бачадон, 4 — саригдон-  
лар, 5 — тухумдон, 6 —  
оотип, 7 — жинсий қин,  
8 — жинсий қин теши-  
ги, 9 — эркаклик жин-  
сий тешиги. 10 — уруг-  
йўли.

## ЯССИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ. ПАРАЗИТЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Ясси чувалчанглар орасида ичаксиз киприкли чувалчанглар энг содда тузилган ҳайвонлар ҳисобланади. Киприклилар гипотетик плануласимон бўшлиқчилилардан келиб чиққан ҳисобланади. Ичаксиз киприкли чувалчанглардан тўғри ичаклилар келиб чиққан бўлиши керак. Ясси чувалчангларнинг бошқа ҳамма гуруҳлари филогенетик жиҳатдан ана шу тўғри ичаклилар билан боғланган.

Ҳозирги паразит ясси чувалчанглар филогенетик жиҳатдан тўғри ичакли киприкли чувалчанглар аждодлари билан боғланган.

Қадимги тўғри ичаклиларнинг эволюцияси уч хил йўналишда борган, улардан биридан ҳозирги тўғри ичаклилар, қолган иккита-сидан паразит ясси чувалчанглар пайдо бўлган.

Эркин яшовчи ҳайвонларнинг паразитликка ўтиши бир неча хил йўлда борган бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан квартирантлик деб аталадиган симбиозлик диққатга сазовор. Симбиознинг бу хилида ҳайвонлардан бири, яъни кичикроғи бошқаси (йирикроғи) танасидан пана жой сифатида фойдаланган. Ҳозирги моногенияларнинг киприкли чувалчангларга ўхшайдиган аждоди ана шундай квартирант бўлган. Улар балиқлар жабраси, териси ёки сузгичларига ёпишиб олиб, дастлаб юқоридан бу жойга тушадиган майда организмлар ёки балиқ танасидан ажраладиган шилемшиқ модда билан озиқланган квартирант кейинчалик хўжайини танасини жароҳатлаб, ўзига битмас-туганмас озиқ топиб олган, астасекин қон ва хўжайин танаси тўқималари билан озиқланишга ўтиб, паразитга айланган.

Қадимги моногенияларни паразитликка ўтиши тоғайли балиқлар (химералар ва акулалар) нинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Моногениялар эволюциясининг асосий йўналиши дастлаб ёпишув дискининг такомиллашуви, яъни паразитни хўжайин билан боғланишини янада мустаҳкамланишига ёрдам берадиган ёпишув дискини мукаммаллашувидан иборат бўлган. Айрим ҳолларда эктопаразитлик ички паразитликнинг пайдо бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Бу жараённи тушунтиришда юқорида таърифланган бақа кўп сўргичлисини мисол келтириш мумкин. Ҳозирги моногениялар орасида ҳам балиқларнинг оғиз бўшлиғи, ҳалқум ва қизил ўнгачида паразитлик қиласидиган турлари бор. Эҳтимол, эволюция давомида дастлаб жабраларда паразитлик қилган ҳайвон астасекин оғиз бўшлиғи орқали ичак бўшлиғида паразитлик қилишга ўтган. Ана шу йўл билан қадимги моногениялардан тасмасимонлар ва цестодсимонлар келиб чиққан. Юқорида гирокотилиларни морфологик жиҳатдан моноген-

гениялар билан тасмасимонлар тузилиш белгиларига эга бўлиши кўрсатиб ўтилган эди. Ана шундай далилларга асосланиб эктопаразит моногениялардан эндопаразит тасмасимонларнинг келиб чиқишини ту-шунтириб бериш мумкин.

Эндопаразит ҳаёт кечиришга ўтиш паразитларнинг тузилишини янада соддалашувига, яни ичак ва сезги аъзоларининг йўқолишига, жинсий органларин янада кучлироқ ривожланиб серпуштиликнинг ортишига сабаб бўлган. Индивидлар сонининг ортиши баъзаник ки-ламчи тарзда личинкалик метагенез (педагенез)нинг пайдо бўлиши билан боғлиқ (эхинококк, мия қурти). Эволюция давомида айrim цестодсимонларнинг оралиқ хўжайини пайдо бўлган (амфилина). Эктопаразитларнинг тарқалишида оралиқ хўжайин катта аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун уларнинг ҳаёт циклида оралиқ хўжайин бўлмайди.

Сўргичлилар эволюцияси симбиотик муносабатлар билан боғлиқ бўлса-да, тасмасимон чувалчангларга нисбатан бошқача борган. Ҳозирги сўргичлиларнинг ҳаёт цикли моллюскалар билан боғлиқ-лиги назарда тутиладиган бўлса, уларнинг эволюцияси қадимги эр-кин яшовчи киприклиларнинг моллюскалар билан симбиотик му-носабатларига бориб тақалади. Сўргичлиларнинг тўғри ичакли кип-приклиларга ўхшашиб личинкаси сув тубидаги тошлар остида яшаган ёки моллюскалар чиганоғидан пана жой сифатида фойдаланган. Чувалчанг чиганоғидан жабра бўшлиғига квартирантликка, аста-се-кин мустақил озиқланишдан паразит яшашга ўтган. Моллюска ичи-га ўтиши билан паразит жуда қулай озиқланиш имкониятига эга, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитидан яхши ҳимояланган бўлади. Бу ҳол паразит тузилишининг соддалашувига, унинг ташқи муҳит-га чиқмасдан ривожланишига имкон берди. Илгари хўжайин тана-сидан чиқиб, ташқи муҳитда вояга етадиган паразит, энди ундан чиқмасдан кўпайишга ва ривожланишга ўтади; паразит ҳаёти гетеро-гения хусусиятига эга бўлади, яъни, ҳаёт цикли икки хил жинсий на-слнинг алмашинувидан иборат бўлиб қолади. Унинг тузилиши содда-лашиб, гермафродитликдан партеногенетик урғочиликка ўтади, эркин яшовчи насли эса гермафродит бўлиб қолади.

Триас даврида сүякли балиқларнинг пайдо бўлиши билан сўргич-лиларнинг ҳаёт циклида иккинчи оралиқ хўжайин ҳам пайдо бўлган, гермафродит эркин яшовчи насли ҳам паразит яшашга ўтади. Гер-мафродит наслнинг анча кейинроқ паразит яшашга ўтиши унинг тузилишида эркин яшовчи ясси чувалчангларга хос белгилар (жинсий, айриш, ҳазм қилиш системалари ва бошқалар)нинг борлиги билан исботлаш мумкин.

## 13. ТҮГАРАК ЧУВАЛЧАНГЛАР (NEMATHELMINTHES) ТИПИ

Түгарақ чувалчанглар хилма-хил мұхитда ҳаёт кечирадиган 12 мінгдан ортиқ турларни үз ичига олади. Улар орасыда тупроқда ёки сув ҳавазаларида эркін яшайдиган ҳамда одам, ҳайвонлар ва ұсимликлар танасида паразитлик қиласынан турлары бор.

Түгарақ чувалчанглар учун хос бўлган хусусиятлар қўйидагилардан иборат:

1. Танаси ипсимон ёки дуксимон, бўғимларга бўлинмаган.
2. Тана бўшлиғи бирламчи бўлиб, тана суюқлиги билан тўлган.
3. Кўпчилик турлари айрим жинсли, жинсий органлари содда тузилган.
4. Қон айланиш ва нафас олиш системаси бўлмайди.
5. Айриш системаси бўлмайди ёки шаклан ўзгарган тери безларидан иборат ёки протонефрий типида тузилган.
6. Ҳазм қилиш системасида орқа ичак ва анал тешиги ривожланган.
7. Нерв системаси ортогон типида тузилган, сезги органлари яхши ривожланмаган.

Түгарақ чувалчанглар қоринкиприклилар, нематодалар, киноринхлар, қилчувалчанглар, оғизайлангичилар синфига бўлинади.


### 13.1. ҚОРИНКИПРИКЛИЛАР (GASTROPODA) СИНФИ

Танасининг шакли чувалчангсиз майды, узунлиги 1-1,5 мм. Қорин томони киприклар билан қопланғанлиги уларни киприкли чувалчанглар билан яқинлаشتыради. Қоринкиприклиларнинг чучук сув ва денгизларда тарқалган 160 га яқин тури маълум.

**Ташқи тузилиши.** Қоринкиприклилар — содда тузилган чувалчанглар. Чучук сувда яшовчи турлари танасининг олдинги қисми бошга ўхшаш танадан бир оз ажралиб туради, кейинги қисми эса думга ўхшаш иккита айрими ҳосил қиласы (64-расм). Айриси учига елим безларининг йўли очилган. Тана қоплагичининг қорин ва бош қисмидаги киприклар бўлади. Танасининг кейинги учидаги нокси-мон елим безларининг жойланиши ва тузилиши ҳам киприкли чувалчангларнига ўхшайди.

Қоринкиприклиларнинг силлиқ бўйлами мускуллари тана қоплагичи остида яхлит қават ҳосил қиласыдан тўп-тўп бўлиб танаси бўйлаб жойлашади. Шунинг учун уларнинг тери-мускул халтаси бўлмайди. Ичаги органлари бирламчи тана бўшлиғида жойлашган.

**Ҳазм қилиш системаси** тўғри най шаклида бўлиб, танасининг олдинги қисмидаги оғиз тешигидан бошланади ва кейинги томонда анал тешиги билан тугайди (қаранг: 64-расм). Ичаги ҳалқумдан, узун ўрта ичак ва қисқа орқа ичакдан иборат. Ҳалқум тешигининг қиррали бўли-



64-расм. Қорин киприклилар.

А — чучук сув қорин киприклиси *Chaetopterus maximus*. Б — чучук сув қорин киприклиси ички тузилиши. В — дениз қорин киприклиси *Macrodasy bidentirochi*: 1 — күзилүйгач, 2 — ичак, 3 — анал тешиги, 4 — уруғдонлар, 5 — уруғ йўли, 6 — ширрус, 7 — тухумдон, 8 — тухум, 9 — куйикиш бурсаси, 10 — дум, 11 — протонефридий.

ши ва ичагининг тузилиши билан қоринкиприклилар тўгарак чувалчангларга ўхшаб кетади. Озиғи ҳужайра ичидага ҳазам бўлади.

**Айриш системаси** бир жуфт буралган протонефридийлардан иборат. Ҳар бир нефридийнинг учидаги фақат биттадан ҳилпилловчи киприкли ҳужайларали бўлади. Айрим турларида протонефридийлар бўлмайди.

**Жинсий системаси** гермафродит ёки айрим жинсли. Жинсий безлари одатда жуфт, баъзан тоқ бўлади. Жинсий тешиги анал тешигига олдида жойлашган. Тухумлари тана ичидаги уруғланади.

Нерв системаси бир жуфт ҳалқумусти ганглийси ва иккита ён нерв

стволидан иборат. Тана қоплағичи сиртидаги сезгир тукчалар түйфу органлари, бошининг икки ёнида жойлашган киприкли чуқурчалари эса хеморецепторлар ҳисобланади.

**Филогенияси.** Қоринкиприклилар киприкли чувалчанглар билан тұғарак чувалчангларни бөғловчи звено бұлыб ҳисобланади. Танасининг айрим қисмларыда киприкли эпителийнинг бұлиши, тери безлари, протонефрийдің айриш системаси ва жинсий системасининг тузилиши уларни киприкли чувалчанглар билан яқинлаштиради. Киприкли эпителийнинг йүқола бориши, бирламчи тана бўшлиғи, айрим жинсли турларининг бұлиши, ичагининг тузилиши уларни тұғарак чувалчангларга яқинлигини кўрсатади.

### 13.2. НЕМАТОДАЛАР, ЯЬНИ ҲАҚИҚИЙ ТҰҒАРАК ЧУВАЛЧАНГЛАР (NEMATODA) СИНФИ

Нематодалар турли хил мұхитта яшашга мослашган бир неча ўн минг турларни ўз ичига олади. Уларни Ер юзининг деярли барча ҳавзаларыда ва сув тубидаги балчиқда учратиш мумкин. Нематодалар тупроқ биоценозидаги күп ҳужайралы организмларнинг асосий қисмини ташкил этади. Тупроқдаги ҳар қандай чириш жараёни нематодаларнинг иштирокисиз үтмайды. Нематодаларнинг бир қанча турлары одам, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг турли органларыда паразиттік қиласы. Нематодалар танасини қоплаб турадиган пишиқ кутикула уларни ҳар қандай заарарлы моддалар таъсиридан ҳимоя қилиб, хилма-хил мұхит шароитида яшашга имкон беради. Нематодаларнинг ҳаракатланиш тарзи ҳам барча мұхиттега тұғри келади.

**Ташқи тузилиши.** Танаси дұксимон, яньни, олдинги ва кейинги учى ингичкалашған, күндаланғ кесими тұғарак шаклда. Танасининг олдинги учыда оғиз тешиги, кейинги учига яқын жойда эса анал тешиги жойлашған. Танасининг анал тешигидан кейинги қисми дүмни ҳосил қиласы. Танасининг анал тешиги жойлашған томони қорин деб аталаади. Жинсий ва айриш системаси тешиклари ҳам ана шу қорин томондан ташқарига очилади.


Нематодалар танаси сиртдан күп қаватли кутикула билан қопланған. Кутикула нематода танасини механик таъсиридан ва заҳарли моддалардан ҳимоя қиласы. Бундан ташқары кутикула ички бўшлиқ тургори билан бирга соматик мускуллар учун таянч вазифасини ҳам бажаради.

Кутикула остида жойлашған *гиподерма* бирламчи личинка эпителийсі ҳужайраларининг құшилиб кетишидан ҳосил бўлган *синцитийдан* иборат. Нематодалар танасининг икки ён, орқа ва қорин томони бўйлаб 4 та бўйлама чизиқ үтади. Гиподермада мана шу чизиқларга мос ҳолда тўртта валиклар (йўғонлашувлар) ҳамда улар остида бўйлама мускуллар жойлашған. Гиподерма валиклари мус-

кул қаватини түрт бүлакка бүлиб туради. Орқа ва қорин мускуллар нематода танасини дорзо-вентрал йўналишда букканидан ва нематода ён томони билан ҳаракатланади.

Мускул ҳужайралари анча узун (от аскаридаси мускуллари узунлиги 0,5 см) бўлади. Кутикула, гиподерма ва мускул қаватлари биргаликда тери-мускул халтасини ҳосил қиласди. (65-расм) Халта бирламчи тана бўшлигини ўраб туради. Тана бўшлиғи таянч вазифаси билан бирга моддалар айланиш жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Тана бўшлиғи орқали моддалар ичакдан мускуллар ва бошқа органларга ўтади, моддалар алмашувининг охирги маҳсулотлари чиқариб ташланади. Шундай қилиб, бирламчи тана бўшлиғи организмнинг ички муҳити вазифасини ҳам бажаради.

Нематодаларда киприкли ҳужайралар бўлмайди, ҳатто спермато-зоидлари ҳам хивчинсиз бўлади.



65-расм. Ургочи аскариданинг кўндаланг кесмаси.

1 — гиподерманинг орқа валиги, 2 — мускул ҳужайраларининг плазматик ўсимгалари, 3 — мускул ҳужайралари, 4 — тухумдоннинг бўйлама кесмаси, 5 — ичак, 6 — кутикула, 7 — гиподерманинг ён валиги, 8 — айриш системаси найи, 9 — тухумдон, 10 — бачадон, 11 — тухум йўли бўйига кесмаси, 12 — гиподерманинг қорин валиги, 13 — тухум йўли.


66-расм. Эркин яшовчи нематодаларнинг тузилиш схемаси.

А — урғочиси. Б — эркаги: 1 — оғиз бўшлиғи, 2 — қизил ўнгач, 3 — булбус, 4 — ҳалқум олди нерв ҳалқаси, 5 — айриши тешиги, 6 — ўрта ичак, 7 — тухумдон, 8 — тухум йўли, 9 — бачадон, 10 — тухумдондаги тухум, 11 — жинсий тешик, 12 — орқа ичак, 13 — анал тешиги, 14 — уруғдон, 15 — уруғ йўли, 16 — уруғ тўкиш наи, 17 — спикулалар, 18 — бурса қовурғалари, 19 — бурса қовурғалари.

**Ҳазм қилиш системаси.** Нематодаларнинг оғиз тешиги танасининг олдинги учидаги жойлашган бўлиб, одатда учта (битта орқа, иккита ён) маҳсус ўсимтлар — лаблар билан ўралган. Найсимон ичагининг олдинги қисми оғиз бўшлиғи (стома) ва ҳалқумга бўлинади (66-расм). Айрим йиртқиц ва зоопаразитлар стомасида кутикула ўсимтасидан иборат тишлар бўлади. Ўсимлик паразитлари стомаси эса саншиб сўрвучи орган — *стилетни* ҳосил қиласи.


Ҳалқум деворида мускул ҳужайралари ва ҳазм безлари жойлашган. Бир қанча нематодаларда ҳалқум мускулларининг ҳужайралари кенгайиб, булбус ҳосил қиласи. Ҳалқум тирқиши учбурчак шаклда, унинг девори хитинлашган. Шундай қилиб, ҳалқум ҳаракатланиш ва ҳазм бези ишлаб чиқариш функциясини бажаради. Ҳалқум эктодермадан ҳосил бўлади. Ҳалқум юпқа деворли эндодермал ўрта ичакка ўтади. Ўрта ичак бир қават жойлашган цилиндрсизмон ҳужайралардан иборат. Орқа ичак калта, муртак эктодермасидан ҳосил бўлади. Айрим нематодалар ичаги турли даражада редукцияга учраган. Масалан, фиярия паразитининг орқа ичаги берк, анал тешиги бўлмайди.

Нематодалар ҳар хил усолда озиқланади. Эркин яшовчи нематодалар ҳар хил майда организмлар билан озиқланса, паразит турлари ҳайвон ёки ўсимлик ҳужайралари шираси, баъзан қон сўриб озиқланади. Ўсимлик паразитлари озиғи ичакдан ташқарида ҳазм бўлади. Стилет орқали ўсимлик тўқималарига ҳазм безлари ферментла-



ри чиқарилади. Нематодалар ана шу ферментлар таъсирида чала ҳазм бўлган озиқни стилети ёрдамида сўриб олади.

**Айириш системаси** бўйин безлари деб аталадиган бир ҳужайрали тери (гиподерма) безларидан иборат. Нематодаларда протонефридийлар ўрнига бўйин безларининг ривожланиши киприкларни йўқолиб кетиши билан боғлиқ. Бир қанча нематодаларнинг бўйин безлари йирик, уларнинг айириш йўли калта бўлади. Кўпчилик турларида бўйин безларининг чиқарув найлари гиподерманинг икки ён валигига жойлашган. Чиқариш найлари узун битта ҳужайрадан иборат. От



67-расм. Аскариданинг ички тузилиши.

А — урғочиси. Б — эркаги: 1 — лаблар, 2 — қизилўнгач, 3 — ичак, 4 — ҳалқумолди нерв ҳалқаси, 5 — қорин нерви, 6 — айириш системаси найи, 7 — фагоцитар ҳужайралар, 8 — тухумдон, 9 — тухум йўли, 10 — бачадон, 11 — жинсий қин, 12 — анал тешиги, 13 — уруғдон, 14 — уруғ йўли, 15 — уруғ чиқариш найи.

аскаридаси чиқариш найи узунлиги 40 см га етади. Найлар орқали моддалар алмашинувининг суюқ маҳсулотлари чиқарилади.


Нематодаларда сувда эримайдиган ва организмга тасодифан кириб қолган органик моддаларни тўплайдиган *фагоцитар ҳужайралар* ҳам бўлади. Бундай "тўпловчи буйраклар" гиподерманинг ён валиклари устида жойлашган. От аскаридасида бундай валиклар тўртта бўлади (67-расм).

**Қон айланиш ва нафас олиш системаси** ривожланмаган. Ичак бўшлиғидаги ва ички органлардаги эндопаразитлар паразит яssi чувалчанглар сингари кислород танқис бўлган шароитда ҳаёт ке-чиришга мослашган. Улар учун асосий энергия манбай гликоген-нинг анаэроб парчаланиши ҳисобланади. Бу жараёнда органик кислоталар (асосан, ёғ ва валериан кислоталари) ҳосил бўлади. Ана шу сабабдан нематодаларнинг тана бўшлиғи суюқлиги одам тери-си шиллик қаватига тасодифан тушганда ачиштиради.

**Нерв системаси.** Марказий нерв системаси ҳалқумни ўраб турадиган, нерв ҳалқаси, ундан тана бўйлаб олдинга (лабларга) ва орқага кетадиган б та нерв стволларидан иборат. (68-расм) Улардан гиподерманинг орқа ва ён валиклари бўйлаб жойлашган иккитаси бошқаларига нисбатан кучлироқ ривожланган бўлиб, асосий стволлар дейила-ди. Бу стволлар кўндаланг нервлар — комиссура-лар орқали ўзаро боғланган.

Тупроқда эркин яшайдиган ёки паразит нематодаларнинг сезги органлари яхши ривожланмаган. Одатда туйғу органлари вазифасини *папиллалар* шаклидаги сезги дўмбоқчалари ёки қыллар бажаради. Туйғу папиллалари оғиз атрофида, эркак нематодаларнинг дум қисмида ҳам жойлашган. Бошининг икки ёнида қадаҳсимон, спиралсимон ботик ёки тирқишига ўхшаш *амфидлар* — кимёвий сезги ор-ганлари жойлашган. Амфидлар ва папиллалар эркак нематодаларда яхши ривожланган. Айrim денгиз нематодаларида пигмент доғдан иборат оддий кўзча ҳам бўлади.

**Жинсий системаси.** Нематодалар одатда айrim жинсли бўлиб, жинсий диморфизм яхши ривожланган. Жинсий системаси тана бўшлиғида жойлашган



68-расм. Аскарида нерв системаси.

1 — оғизолди сўрғичлари ва нервлари, 2 — ҳалқум нерв ҳалқаси, 3 — ён нерв ганглийлари, 4 — қорин нерв ганглийси, 5 — ён нерв, 6 — ҳалқа нервлар, 7 — орқа ганглий, 8 — сезгир сўрғичлар ва нервлар, 9 — анал тешик, 10 — орқа нерв.

узун найчадан иборат. Урғочисининг жинсий органлари жуфт, эркағиники тоқ (битта) бўлади (66-расмга қаранг). Урғочиси жинсий системаси найларининг ингичка учки қисми тухумдан, ундан кейинги қисми тухум йўли дейилади. Тухумданда ҳосил бўлган тухумлар тухум йўлида уруғланади ва халтага ўхшаш кенгайган бачадонга ўтади. Бачадонлар қўшилиб жинсий қинни ҳосил қиласиди. Жинсий қин жинсий тешик билан ташқарига очилади.

Эркаги жинсий системасининг ингичка учки қисми уруғдан дейилади. Уруғдан бирмунча йўғонлашиб уруғ йўлини ҳосил қиласиди. Уруғ йўли калта ва кенг най — уруғ пуфагига очилади. Уруғ пуфагида уруғ тўпланади. Уруғ пуфаги бир мунча тор ва мускулли уруғ тўкувчи найга очилади. Уруғ тўкувчи най орқа ичакнинг кейинги қисмига очилади. Клоакага ичиди кутикуляр спикулалар бўлган жуфт куйикиш қопчаси ҳам очилади. Спикулалар нематодаларнинг уруғланишида жинсий қинни кенгайтириш вазифасини бажаради. Кўпчилик нематодалар эркагининг анал тешиги атрофида юпқа парда — бурса ҳосил бўлади. Бурса эркак нематодаларни урғочиси устида ушлаб туриш вазифасини бажаради.

Нематодалар уруғ ҳужайрасининг хивчинлари бўлмайди, уруғ ҳужайраси калта сохта оёқ ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади. Тухум ҳужайра она организмида уруғланади. Айрим турлари (ришта) тирик туғади.

**Ривожланиши.** Кўпчилик турларининг ҳаёт циклида насл алмашниш кузатилмайди. Фақат айрим вакилларида (масалан, бақа ўпкаси паразити (*Rhabdias bufonis*)да гетерогония кузатилади. Етилган тухум ёки личинка ташқи муҳитга чиқади ва ундан яна организмга тушади. Айрим нематодаларнинг тухуми оралиқ ҳужайинда ривожланади. Тухум ҳужайра тўлиқ, лекин бироз нотекис майдаланади.

Тухумдан чиқсан личинка вояга етган нематодага ўхшаш бўлади, унинг бундан кейинги ривожланиши ўзгаришсиз, лекин туллаш орқали боради.

Нематодалар танасидаги ҳужайралар сони доимий бўлиши билан бошқа чувалчанглардан фарқ қиласиди. Масалан, аскариданинг жинсий системаси 162, марказий нерв системаси 149 ҳужайрадан иборат. Нематодаларда янги ҳужайралар ҳосил бўлиши жараёни улар личинкаси ривожланишининг дастлабки даврларида тўхтайди ва шундан сўнг ҳужайралар сони умр бўйи доимий бўлиб қолади. Бу хусусият фақат нематодалар ва коловраткалар учун хосдир.

### **13.2.1. ПАРАЗИТ НЕМАТОДАЛАР ЭНГ МУҲИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯСИ**

Нематодалар табиатда энг кенг тарқалган организмлар бўлиб, улар орасида тупроқ ва сув ҳавзаларида эркин яшайдиган турлари кўпчи-

ликни ташкил этади. Күпчилик эркин яшовчи нематодалар одатда микроскопик катталиқда (0,8-1мм), айрим турлари 2-3 см келади. Нематодалар орасыда 3000дан ортиқ турлари одам, ҳайвон ва үсімлік-ларда паразитлік қылади. Күпчилик паразит нематодалар эркин яшовчи турларига нисбатан ийрик, баъзан 1м гача, ҳатто 8м га (кашалотлар йўлдоши паразити *Placentonema gigantissima*) этади.


**Одам аскаридаси** (*Ascaris lumbricoides*) нинг эркаги урғочисидан катта фарқ қылади. Эркаги урғочисидан қалтароқ (15-25 см), анча хипча ва думи қорин томонга спирал бураалган. Урғочисининг танаси узунроқ (20-40 см) ва йўғон бўлади.

Одам аскаридаси Ёр юзида деярли барча мамлакатларда тарқалган. Айрим мамлакатлар (масалан, Япония ахолисининг деярли ҳаммаси аскарида билан заарланган бўлади. Чунки бу мамлакатларда одам ахлатини органик ўғит сифатида сабзавот ва полиз экиладиган майдонларга сепилади.

Одам ичагидан чиққан аскарида тухумлари нам муҳитга тушиб қолганида бир ой давомида уларнинг ичидә личинкалар ривожланади. Бундай тухумлар энди одамни заарлайдиган, яъни, *инвазияли* дейилади. Тухумлар ифлос сув, сабзавот ва мевалар орқали одам ичагига тушганида улардан личинкалар чиқади. Личинкалар ичак деворини тешиб қонга, қон орқали ўпка альвеолаларига ўтиб олади. Бу даврда улар альвеолалар деворини яллиглантириб, зотилжам касалига ўхшаш йўтал пайдо қылади, баъзан ўпкадан қон кетади. Йўталганда личинкалар бронхлар ва кекирдак орқали оғиз бўшлиғига, у ердан нафас йўлларига ўтиб болани бўғиб қўйиши мумкин. Ичакданаги аскаридаларни сантонин ва ични сурадиган бошқа дорилар ёрдамида ҳайдалади.

Аскарида билан заарланган кишиларнинг қорни оғрийди, иштаҳаси йўқолади, катар касаллиги пайдо бўлади. Аскаридалар ичакда жуда кўп бўлса ичак бўшлиғини бекитиб қўйиб, перитонитга олиб келади. Болалар ичагидаги аскарида ошқозон ва ҳалқум орқали ҳаракат қилиб, оғиз ва бурунга кўтарилиши ҳатто у ердан нафас йўлларига ўтиб болани бўғиб қўйиши мумкин. Ичакданаги аскаридаларни сантонин ва ични сурадиган бошқа дорилар ёрдамида ҳайдалади.

**Болалар гижжаси.** (*Enterobius vermicularis*) майда 5-10 мм узунликдаги паразит. Эркаги танасининг кейинги учи спирал бураалган, урғочисиники бигизга ўхшаш ўткирлашган (69-расм). Гижжа асосан болаларнинг ингичка ва йўғон ичаги бўшлиғида яшайди. Урғочиси уруғлангандан сўнг орқа ичакнинг кейинги қисмига чиқиб олади. Тухумини орқа чиқарув тешиги атрофидаги терига қўяди. Тухум ичидә тез кунда личинкалар ривожланади. Ана шундай тухумлар ифлос қўл ва озиқ-овқат билан яна ичакка тушиб қолганида улардан личинкалар чиқади. Болалар гижжаси орқа чиқарув те-



69-расм. Паразит нематодалар.

А — олдинги томони билан ичак деворига кириб олган қылбопи чувалчанг, Б — ўн икки бармоқли ичак чувалчангиги эркаги, В — болалар гүйжасы урғочиси: 1 — оғиз, 2 — оғиз бүшлиғидаги тищчалар, 3 — қызилұңгач, 4 — қызилұңгач “пінәзча”си, 5 — ўрта ичак, 6 — уруғдон, 7 — уруғ түкүв нағы, 8 — жинсий халта (бұрса), 9 — спикулалар, 10 — тухумдон, 11 — дум, 12 — анал тешик, 13 — бачадон, 14 — жинсий тешик.

шиги атрофидаги терини қичитиб, кишини жуда безовта қиласади.

**Қылбош чувалчанг** — *Trichocephalis trichiurus* узунылығы 35-50 мм, күрічакда, баъзан йүғон ичакда яшайды. Танасининг олдинги ипга ўхаша ингичкалашган қысмын орқали ичак деворининг шилемшік қаватига кириб олади (қарант: 69-расм). Одам қылбош чувалчанг тухумлағы билан ифлосланған сув ва озиқ-овқатдан заарланади. Бу чувалчанг айрым мамлакатларда (масалан, Италияда) анча кенг тарқалған, лекин одам соғлиғига катта зиён келтирмайды.

**Үн икки бармоқли ичак қийшиқбөши ёки свайник** — *Ancylostoma duodenale*. Майда (10-18 мм), қызғыш чувалчанг, субтропик ва тропик мамлакатларда ва жанубий Европада тарқалған. Паразит таъсирида организмда анемия (камқонлик) пайдо бўлади, свайникнинг оғиз бўшлиғида хитин тищчалари бўлади. Улар ёрдамида паразит ичак деворига ёпишиб олади ва ичак эпителийси билан озиқланади. Тухумлари ахлат билан заҳ жойларга ёки сувга тушиб қолганида улардан

бир сутка давомида личинкалар чиқади. Личинкалар икки марта туллагач, инвазияли бўлиб, қолади.


**Трихина** — *Trichinella spiralis* ҳаётининг бир қисмини ичакда, қолган қисмини мускулларда ўтказади. Трихина турли ҳайвонлар (йиртқичлар, жуфт туёқлилар, ҳашаротхўрлар, кемирувчилар)ни зарарлайди. Вояга етган трихина ингичка ичақда яшайди. Урғочиси ичак бўшлиғига тирик личинкалар туғади. Личинкалар лимфа, сўнгра қон томирлари орқали тананинг ҳар хил жойларига бориб қолади. Личинкалар қўндаланг тарғил мускул толаларига ўтиб, 2 ҳафтагача озиқланганидан сўнг спирал буралади ва бириктирувчи тўқимадан иборат капсулага ўралади. Бир йилдан сўнг деворига аста-секин оҳак модда тўпланиш туфайли капсула оқиш тусга киради. Одам ва ҳайвонлар трихина капсуласи бўлган гўштни еб заарланади.

Ичакда капсуладан чиққан личинка жуда тез ўса бошлайди, 3 кундан сўнг вояга етади. Урғочи трихина уруғлангач, ичак деворига боши билан ёпишиб олади. Трихина икки ой яшаб, 2000 гача личинка туғади. Шундай қилиб, трихинанинг ҳаёт цикли фақат битта организмда ўтади. Бу организм паразит учун оралиқ ҳамда асосий хўжайин бўлади. Баъзан организмнинг қаршилиги камайганида паразитнинг ривожланиш цикли ўзгаради. Янги туғилган личинкалар ичак ворсинкаларидан яна ичакка қайтиб чиқиб, вояга етади. Бундай ҳолларда ичакда паразитнинг сони кескин ошиб кетади. Одам трихинали гўштни еганда паразитни юқтиради. Одам трихина учун ёниқ хўжайн ҳисобланади. Чўчқалар трихина билан ўлган каламушларни еб заарланади. Каламушлар эса бошиқа заарланган каламушларни еб заарланади.

Трихинеллёнинг асосий белгилари трихина билан заарланишдан сўнг бир ёнча кун ўтгач бошланади. Касал одамнинг ҳарорати 40° гача кўтарилиб бош ва мускуллarda оғриқ пайдо бўлади. Трихинеллэзга қарши курашда профилактика қоидаларига риоя қилиш, яни қушхоналарда сўйилган чўчқалар гўштини яхши текширудан ўтказиш, заарланган гўштларни куйдириш зарур.

**Ришта** — *Dracunculus medinensis* тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган. Танаси ипга ўхшаш, узунлиги 32-100 см. Ришта оёқ, баъзан кўл териси остидаги бириктирувчи тўқимада паразитлик қиласди (70-расм). Оёқ ёки кўлнинг ришта билан заарланган жойи терисида ҳўл яра ҳосил бўлади. Ярадан риштанинг бир уни чиқиб туради. Танасининг қолган қисми яра остида калавага ўшшаб ўралиб ётади. Ришта тирик личинкалар туғиб кўпаяди. Ришта билан заарланган одам оёғини сувда ювадиган бўлса, личинкалар сувга тушади ва уларни циклоплар ютиб юборади. Циклоп танасида личинка бироз ўсади. Одам личинка билан заарланган циклоп бўлган сувни қайнатмасдан ичганида риштани юқтиради. Одам танасида личинка бир йил давомида вояга етади.

Ришта йиртқич ҳайвонлар оёғи териси остида ҳам паразитлик қиласди.




70-расм. Паразит нематодалар.

А — урғочи ришта, Б — циклоп тана бүшлигидаги ришта личинкаси, В — банкрофт ипчasi пайдо қылган фил касаллиги.

ди. Аҳолини водопроводлар орқали ичимлик сув билан таъминлаш ва бошқа кўрилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистонда ришта аҳоли ўргасида тутатилган. Ришта билан зарарланиш ёввойи ҳайвонлар ўргасида сакланиб қолган.

**Банкрофт ипчasi** — *Wuchereria bancrofti* субтропик ва тропик мамлакатларда тарқалган. Одамларда элифантазис — фил касаллiği пайдо қиласи. Вояга етган паразит лимфатик безлар ва томирларда яшайди. Лимфа йўли бекилиб қолиши туфайли лимфа тўхтаб қолиб, зарарланган жой жуда йўғонлашиб кетади (70-расм).

Урғочи нематода лимфа томирларида жуда кўп тирик личинкалар туғади. "Кечки микрофилларий" деб аталадиган личинкалари кундузи ички органларга ўтиб олади, фақат кечаси периферик томирларда пайдо бўлади. Кечқурун ёки кечаси пашшалар қон сўрганида личинкалар пашшанинг ошқозонига ва ундан тана бўшлигига ўтиб олиб, бироз ўсади ва сўнгра хартуми асосида тўпланади. Пашшалар қон сўриш учун терини тешганида улар дастлаб хартумдан тери устига чиқади. Сўнгра ўzlари фаол ҳаракат қилиб хўжайн танасига киради.



71-расм. Ўсимликларнинг паразит нематодалари.

А,Б — бўртма нематодаси урғочиси ва эркаги, В — у зарарлаган бодринг илдизи. Г — лавлаги нематодаси, Д — зарарланган лавлаги, Е — лавлаги илдизидаги урғочи нематода цисталари: 1 — стилст, 2 — қизилўнгач, 3 — қизилўнгач безлари, 4 — нерв ҳалқаси, 5 — айириш тешиги, 6 — ўрта ичак, 7 — тухуммдан, 8 — тухум йўли, 9 — бачадон, 10 — жинсий тешик, 11 — анал тешиги, 12 — уруғдон, 13 — уруғ йўли, 14 — уруғ тўкув наийи, 15 — спикулалар.

**Бўртма нематодалари** (*Meloidogyne*) — ўсимликларнинг ер остики қисмлари (илдизи, туганаги) паразитлари (71-расм).

Ўсимликларнинг нематода заарлаган қисмida ҳар хил бўртмалар пайдо бўлади. Бўртма нематодаларида жинсий диморфизм жуда яхши ривожланган, вояга етган эркаги ипсимон, узунлиги 1,5-2 мм бўлиб, озиқланмайди, тупроқда яшайди. Урғочилари ноксимон шаклда, махсус стилети ёрдамида ўсимлик ҳужайраларини сўриб озиқланади. Урғочи нематода махсус тухум халта — оотекага юзтага яқин тухум қўяди. Тухумдан личинкалар тупроққа чиқиб, ўсимлик илдизини заарлайди. Қулай иқлим шароитида йил давомида нематодаларнинг бир неча насли ривожланади. Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё республикаларида бўртма нематодаларнинг 5 тури экинларга зиён келтиради. Сабзавот ва полиз экинларига жануб (*M. incognita*) ва арахис (*M. agenaria*) катта зиён етказади. Жанубий худудларда фўза ва бошқа экинларга фўза бўртма нематодаси *M. acrita* катта заар етказади. Бўртма нематодалари енгил тупроқли майдонларда экинларга айниқса, катта зиён келтиради, ҳосилнинг 40-60% ини нобуд қиласади. Заарланмайдиган экинларни алмашлаб экишга жорий этиш, инсоляция (тупроқни офтобда қуритиш), заарланмайдиган навлар экиш орқали ва қисман кимёвий препаратлар ёрдамида бўртма нематодаларига қарши кураш олиб борилади.

**Буғдой нематодаси** — *Anguina tritici* буғдой ва айрим бошоқли экинларга зиён келтиради. Заарланган буғдой бошоқларида дон ўрнига нематоданинг бўртмаси ҳосил бўлади. Бўртма ичиди 15-17 мингтacha анабиоз ҳолатидаги нематода личинкалари бўлади. Қуруқ донларда личинкалар 20 йилгача тирик сақланиши мумкин. Личинкалар дон билан нам тупроққа тушганида сув шимшиб бўккан бўртмадан тупроққа чиқади ва буғдой майсалари илдизи орқали барг қўлтиғига кириб олади. Буғдой бошоқ чиқараётганида гул тугунчасига ўтиб олади, ана шу жойда озиқланаб, вояга етади ва кўпаяди. Уруғланган урғочи нематодалар 2500 гача тухум қўяди, ҳар бир тухумдан инвазияли личинка ривожланади. Ҳар бир донда 6-8 урғочи нематодаларнинг насли ривожланади.

Нематодалар синфи иккита кенжা синфга бўлинади.

### 13.2.2. АДЕНОФОРАЛАР (ADENOPHOREA) КЕНЖА СИНФИ

Асосан, денгиз, чучук сув, баъзан тупроқда ҳаёт кечирадиган эркин яшовчи нематодалар. Туйғу органлари тери юзасида жойлашган қиллар, баъзан папиллалардан иборат. Амфидлари йирик, бошининг икки ёнида жойлашган. Паразит турларида туйғу органлари редукцияга учрайди. Бўйин безлари йирик, айриш найи қисқа. Танасининг орқа қисмida терминал дум безлари жойлашган. Дум безлари секрети сувда қотиб, нематодани субстратга ёпишиши учун хизмат қиласади. Кўпчи-

лик турлари фақат кислород етарлы бўлган шароитда яшайди. Кутикуласи ўтказувчан бўлганидан нематодани заарарли моддалар таъсиридан тўлиқ ҳимоя қилолмайди.

**Гигант свайник** — *Dioctophyme renale* итлар ва бошқа йиртқич ҳайвонлар, баъзан одам буйрагида паразитлик қиласди, узунлиги 1 м гача бўлади. Бу кенжада синфга қилбош чувалчанг ва трихина ҳам киради.

### 13.2.3. СЕЦЕРНЕНТЛАР (SECERNENTEA) КЕНЖА СИНФИ

Тупроқ ёки чучук сувда яшаб, ўсимлик ва ҳайвонларда паразитлик қиласдиган турларни ўз ичига олади. Туйгу органлари папиллалардан иборат бўлиб, фақат бош қисмида жойлашган. Амфидлари майда, кўпинча лабларида жойлашган. Бўйин бези шохланган, икки ёки бир найли. Думининг икки ёнида фазмидлар (дум безлари ёки туйгу органлари) деб аталаған органлари бўлади. Ён гиподермал ва терминал дум безлари бўлмайди. Кутикуласининг чала ўтказувчанлик, яъни ҳимоя хусусияти яхши ривожланган.

Сецирнентларга аскаридалар, болалар гижжаси, ришта, Банкрофт ипчаси, свайник ва барча ўсимлик паразитлари, шу жумладан, бўртма нематодалари, буғдой нематодаси, картошка поя нематодаси (*Ditylenchus destructor*), шоли нематодаси (*D. oguzae*), лавлаги нематодаси (*Heterodera schachtii*) ва бошқалар киради.

### 13.3. ҚИЛЧУВАЛЧАНГЛАР (NEMATOMORPHA) СИНФИ


Қилчувалчанглар ҳар хил бўғимоёқлиларда паразитлик қилувчи 225 га яқин турни ўз ичига олади.

**Ташқи тузилиши.** Танаси цилиндр шаклда, ипсимон, яъни сочга ўхшашиб, узунлиги 1-2 см дан 1,5м га етади (72-расм). Паразит яшовчи личинкаси оқишиб, эркин яшовчи вояга етган даврида қорамтири-қўнгир тусда бўлади.

Танаси пишиқ кутикула билан қопланган. Кутикула остида бир қават эпителий ва унинг остида бўйлама мускул қавати жойлашган. Бу қаватлар биргаликда тери-мускул халтасини ҳосил қиласди. Тана бўшлиғи бўлмайди. Ички органлар оралиғи ғовак бириктирувчи тўқимаси билан тўлган. Лекин ичак атрофи ва устки қисмида тана бўйлаб ўтадиган бўшлиқ нематодаларникига ўхшашиб бирламчи тана бўшлиғи ҳисобланади.

**Йчки тузилиши.** Ҳазм қилиш системаси нематодаларникига ўхшайди. Оғиз тешиги танасининг олдинги учидада жойлашган. Ичаги клоакага очилади. Кўпчилик турларида ичагининг олдинги қисми редукцияга учрайди.

Айриш ва қон айланиш системаси бўлмайди. **Нерв системаси** та-



72-расм. Құлчұвалчанлар.

А — әркаги. Б, В — танаасининг бөш ва кейинги томони. Г, Д — тухум ичидегі жағдайдан ташқарицады личинка.


наси олдинги қисмида жойлашған нерв ұлакаси ва үндан тана бүйлаб кетадиган қорин нерв стволидан иборат. Сезги органлари күксиз ривожланған.

**Жинсий системаси** айрим жинсли. Жинсий безлари бир жуфт. Уларнинг йўли орқа ичакка очилади. Орқа ичакнинг бу қисми клоака дейилади.

**Ривожланиши.** Құлчұвалчанлар метаморфоз орқали ривожланади. Личинка вояга етган давридан кескин фарқ қиласади. Личинкаси асосан, ҳашаротларда (күпроқ күпинча ўлаксахўлар, визилдоқ қўнғизлар, чигирткаларда) паразитлик қиласади. Чувалчанг озиқланниб бироз ўсгандан сўнг ҳашарот терисини тешиб, сувга чиқади. Бир мунча вақт сувда сузуб юриб, вояга етади ва уруғланади. Ана шундан сўнг урғочичувалчанг узун ипга тизилған тухумларини сув остидаги нарсаларга ёпишириб қўяди. Тухум қўйган құлчұвалчанг ҳалок бўлади. Тухумдан чиққан личинкалар эса бироз вақт сувда ёки нам жойларда яшайди. Сўнгра ҳашаротлар (одатда, уларнинг сувдаги личинкаси) терисини хартуми билан тешиб, улар танаасига кириб олади. Куруқликда яшайдиган ҳашаротлар эса заарланған ҳашаротларни еб, чувалчангни юқтиради.

### 13.4. КИНОРИНХЛАР (KINORHYNCHA) СИНФИ

Киноринхлар — денгиз ҳайвонлари. Улар сув ўтлари устида, сув тубидаги лойқада ёки құмда яшайди. 100 га яқин турни ўз ичига олади.



73-расм. Киноринхлар.

А — киноринхнинг тузилиши схемаси. Б — қылтувалчанг личинкаси. В — приапулид личинкаси. 1 — оғиз, 2 — оғиз бұртғы, 3 — бөннү пихлари, 4 — ҳалқум, 5 — орқа безлари, 6 — қызил ўнгач, 7 — ўрта ичак, 8 — қорин пластинкаси, 9 — жинсий без, 10 — қорин нерві, 11 — жинсий тәшік, 12 — анал тәшік, 13 — орқа ичак, 14 — дорзо-вентрал мускулар, 15 — орқа пластинкалар, 16 — бўйин пластинкалари, 17 — ҳалқумодди нерв ҳалқаси, 18 — илмоқтар, 19 — ҳалқум безлари, 20 — қорин нерв стволи бошлапғанчи, 21 — ичак.

**Тузилиши.** Тана узунлиги 0,18-1 мм бўлиб, кичикроқ бош, калта бўйин ва узун гавдадан иборат; сиртдан тифиз хитин пластинкалардан иборат совут билан қопланган. Бу пластинкалар чувалчанг танасини сиртдан бир қанча бўғим (зонит)ларга ажратиб туради. Шунинг учун киноринхлар танаси бўғимларга бўлинганга ўхшаб кўринади. Лекин танасининг ташқи метамерияси ички тузилишига таъсир қилмаслиги туфайли ҳақиқий тана ҳалқалари ривожланмаган. Бошида жойлашган бир неча қатор пихлари илмоққа ўхшаб орқага эгилган. Танасининг қолган қисмларида, айниқса, кейинги томонида кўп сонли хитин қиллар ва пихлар бўлади (73-расм).

**Тана қоплагачи кутикула ва унинг остидаги гиподерма синци-**

тийдан иборат. Мускуллар яхлит қават ҳосил қилмасдан, тўп-тўп бўлиб жойлашганлиги туфайли тери-мускул халтаси ҳосил бўлмайди. Барча мускуллари кўндаланг-тарғил мускуллардан иборат бўлиши билан киноринхлар бошқа тубан чувалчанглардан фарқ қиласди.

**Ҳазм қилиш системаси** тананинг олдинги томонидаги оғиз тешиги, орқа томонидаги чиқарув тешиги ва тўғри най шаклидаги ичақдан иборат. Ичак кенг ички бўшлиқда жойлашган.

**Айриш системаси** бир жуфт шохланмаган қисқа протонефридийлардан иборат. Ҳар бир протонефридийда биттадан ҳилпилловчи ҳужайралар бўлади. **Нерв системаси** ҳалқум атрофи ҳалқаси, қорин нерв стволидан иборат. Танасининг ташқи томонидан бўгимларга бўлинганлиги нерв системасининг тузилишига таъсир қиласди. Ана шунинг учун ҳам нерв ҳужайралари нерв стволида тўп-тўп жойлашади, яъни ганглийлар ҳосил қиласди.

**Сезги органлари** туйғу тукларидан ва бир жуфт оддий кўзчалардан иборат.

Киноринхлар айрим жинсли жинсий, безлари бир жуфт, безларнинг чиқариш йўли танасининг охирги сегментига очилади.

**Ривожланиши** яхши ўрганилмаган. Личинкаларининг зонитлари камроқ бўлади. Ҳайвонлар туллаш орқали ўсади. Бунда эски кутикула ташланиб, янги кутикула ҳосил бўлади.


**Филогенияси.** Дастрлаб киноринхлар оёқлари йўқолиб кетган ҳайвонлар сифатида бўғимоёқлилар типига киритилган. Лекин протонефридийларнинг ривожланганлиги уларни тўғарак чавалчангларга киришини кўрсатади. Тана қоплагичи ва ҳалқумининг тузилиши, туллаш орқали ўсиши уларни нематодаларга, протонефридийларининг бўлиши эса қорин киприклиларга яқинлаштиради. Шунинг учун филогенетик жиҳатдан киноринхларни чувалчангларнинг бирор гуруҳи билан яқинлаштириб бўлмайди.

### 13.5. ОФИЗАЙЛАНГИЧЛИЛАР (ROTATORIA) СИНФИ

Офизайлангичлиларнинг кўпчилик тури чучук сувда эркин яшайди. Айрим вакиллари ёпишган ҳолда ҳаёт кечиради. 1500 дан кўпроқ тури маълум.

**Ташқи тузилиши.** Офизайлангичлилар кўп ҳужайралилар орасида энг майдага ҳайвонлар ҳисобланади. Танасининг узунлиги одатда 1-2 мм дан ошмайди, улар орасида энг кичик вакили Ascomorpha *minima* узунлиги 0,04 мм ни ташкил этади. Кўпчилик турларининг танаси чўзиқ, баъзан шарсимон бўлади. Танаси айланувчи киприк аппаратли олдинги, ички органларга эга бўлган гавда ҳамда орқа, яъни оёқ бўлимларидан иборат (74-расм). Айрим турларининг оёқлари бўлмайди. Оғзи бошининг ён томонида жойлашган.

Бош бўлими бирмунча юпқа кутикула билан қопланган. Бошида гирдор бўлиб айланадиган бош айлангич аппарати бўлади. Бу аппа-



74-расм. Оғизайлангичлилар.

A-B—*Branchionus urceolaris* (A—урғочи, Б—эрқак, В—иротонефридији), Г—планктон *Notholca longispina*, Д—ұтрақ *Melicerta ringens* (индивидулар бир-бирининг ҳимоя нағига ёпишиб олған): 1—пайпаслагиғ, 2—мастакс, 3—“ошқозон”, 4—орқа чиқарув тешити, 5—сұлак безі, 6—қовуқ, 7—протонефридиј, 8—тухумдон, 9—тухум, 10—уруғдон, 11—куйикиш органдар.

рат одатда боши узра икки доира ҳосил қилиб жойлашган киприк-лардан иборат. Киприкларнинг биринчи қатори оғиз олдидан, иккинчиси оғиздан орқароқдан ўтади. Киприкларнинг бир йұналишда синхрон елпиниши туфайли оғизайлангичлилар суздади ҳамда сувдаги озиқ моддалар оғизга ҳайдалади. Гавда бўлими бирмунчча тифизроқ кутикула билан қопланган бўлиб, ҳар хил ўсимталарга эга бўлади.

Дум, яъни оёқ бўлими иккита айри ўсимта билан тугалланади. Айриси ёрдамида улар субстратга ёпишиб олиши ёки гоҳ айриси гоҳ

офизайлангичи ёрдамида субстратга дамба-дам ёпишиб, гидра сингари одимлаб ҳаракат қилишин мумкин.

**Ички тузилиши.** Тана бўшлиғи суюқлик билан тўлган. Ҳазм қилиш системаси олдинги, ўрта ва орқа ичакдан иборат. Ҳалқум девори киприклар билан қопланган. Ҳалқум кенгайиб жигилдон, яъни, мастаксга айланади. *Мастакс* девори хитиндан иборат жағлар ҳосил қиласди. Мастиксга сўлак безларининг йўли очилади. Мастикс ўз навбатида ошқозонга ёки ўрта ичакка очиладиган қизилтўнгач билан боғланган. Ошқозонга бир жуфт ошқозон безлари йўли очилади. Ичак клоака билан тугалланади.

**Айриш системаси** ҳўлпилловчи киприкли ҳужайраларга эга бўлган протонефридийдан иборат. Айриш органи йўли орқа ичакка очиладиган сийдик пуфагига айланади.

**Нерв системаси** ҳалқумусти нерв ганглийси, ундан танасининг олдинги ва орқа томонига кетадиган нерв стволларидан иборат.

Сезги органлари бир жуфт ёки битта кўзча, учта пайпаслагичлар (битта орқа, иккита қорин) дан иборат

Қон айланиш ва нафас олиш системаси бўлмайди.

**Жинсий системаси.** Айрим жинсли, жинсий диморфизм ривожланган. Урғочилари эркакларига нисбатан кўпроқ учрайди ва йирикроқ бўлади. Эркаклари анча майда, ичаги редукцияга учраган, урғочисини уруғлантиргандан сўнг ҳалок бўлади. Урғочисининг тухумдонлари икки бўлакдан иборат. Эркаклик жинсий аъзоси биттадан уруғдон ва уруғ йўлидан иборат. Уруғ йўли клоакага очилади. Клоакада куйикиш органи жойлашган.

**Ҳаёт цикли ва ривожланиши.** Офизайлангичларнинг ҳаёт цикли ҳақиқий жинсий насллари (эркаклари ва урғочилари)ни партеногенетик насллари билан галланиши орқали боради. Бу қуидагича содир бўлади. Қишлоаб чиққан тухумлардан баҳорда партеногенетик урғочилари пайдо бўлади. Улар ҳам ўз навбатида партеногенетик урғочилар ҳосил қиласди. Бир неча партеногенетик наслдан сўнг жинсий урғочи чиққадан башайлангичлilar ривожланиб чиқади. Улар одатдаги тухумларга нисбатан 2-3 марта кичик бўлган тухумлар қўя бошлайди. Бундай тухумлардан майда эркак индивидлар ривожланиб чиқади. Бу эркаклар урғочиларини уруғлантиради. Уруғланган урғочилар энди қалин қобиқ билан ўралган йирик тухумлар қўяди. Тухумлар қишлоаб қолади ва баҳорда улардан яна партеногенетик урғочилари пайдо бўлади. Ҳаёт циклида партеногенетик ва жинсий наслларнинг галланиб туриши гетерогония деб аталади.

Бир йил давомидаги ҳаёт цикли сони доимий бўлмасдан ўзгариб туради. Офизайлангичлilar ҳаёт цикли сонига ҳарорат, озиқланиш шароити, сув ҳавзасининг хусусиятлари, эркак наслнинг пайдо бўлиши каби омииллар таъсир кўрсатади.

**Оғизайлангичлилар** ҳаётида юқорида күрсатилған циклик үзгаришлар билан бирга мавсумий морфологик үзгаришлар ҳам пайдо бўлиб туради. Масалан, *Anigaea cochlearis* нинг қишлоғи узун пиҳли индивидлари баҳор ва ёзда калта пиҳли ва пиҳсиз насллари билан алмашинади. Бундай мавсумий насл алмашиниш цикломорфоз дейилади.

Оғизайлангичлиларнинг тухуми жуда тез ривожланади. Ёзги тухумлари одатда 3-4 кун ривожланади. Ривожланиши үзгаришсиз боради. Оғиз айлангичлилар органлари худди нематодаларни сингари доимий бўлиб, чекланган сондаги ҳужайралардан иборат. Масалан, *Eriphanes senta* танаси 959 ҳужайрадан, ташки қобиги 301 та, айриши системаси 24та ҳужайрадан иборат. Эмбрионал ривожланишдан сўнг коловраткаларнинг ҳужайралари бўлинисидан тўхтайди. Шунинг учун ҳам оғизайлангичлиларда регенерация қобилияти ривожланмаган.

**Экологик ҳусусиятлари.** Кўпчилик оғизайлангичлилар чучук сувда яшайди ва икки гурӯҳга: сув тубида ва планктонда яшовчиларга бўлинади. Сув тубида яшовчилар ўрмалаб юрувчилар ва ўтроқ яшовчиларга бўлинади. Кўпчилик ўтроқ оғизайлангичлилар ўз танаси атрофига қуюқ тиниқ моддадан иборат ҳимоя найчаси ҳосил қиласди.

Типик планктонда яшовчилар тана юзасида ҳар хил ўсимталар, пиҳлар, қиллар ҳосил бўлади. Бу ўсимталар ҳайвон танаси юзасини кенгайтириш, яъни унинг сузувланигини оширишга ёрдам беради.

Оғизайлангичлилар орасида айрим турлари қуруқлик шароитида ўта нам моҳларда яшашга мослашган. Қуруқлик ва чучук сувда яшовчи оғизайлангичлилар қурғоқчиликка жуда чидамли бўлади. Нам танқислигизда улар анабиоз ҳолатига ўтади. Оғизайлангичлилар тамоман қуруқ ҳолатда бир неча йил давомида анабиоз ҳолатига бўлиши, эҳтиётлик билан ҳўлланганда яна қайта жонланишини мумкин. Оғизайлангичлиларнинг қайта жонланишини биринчи марта 1701 йилда А. Левенгук кашф этган эди. Ана шундан бўён бу ҳодиса кўп олимлар томонидан қайта-қайта текшириб кўрилди. Улар 4 соат давомида  $-270^{\circ}$  гача совуққа ва  $100^{\circ}$  гача иссиқликка бардош бериши аниқланган.

**Филогенияси.** Оғизайлангичлиларнинг келиб чиқиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Уларнинг жуда майдалиги учун дастлаб бир ҳужайраларга киритишган. Кейинчалик ҳалқали чувалчангларнинг трохофора личинкасига қиёс қилиниб, уларнинг *неотеник личинкалари* деб ўлашган.

Кейинги даврда оғизайлангичлиларнинг трохофораларга ўхшашлиги конвергент ҳусусиятга эга эканлиги, бу ҳусусият уларнинг бир хил шароитда яшаши таъсирида келиб чиқиши аниқланди.

Оғизайлангичлиларнинг филогенияси тўғри ичакли киприкли чувалчанглар билан боғлиқ. Агар шундай дейиладиган бўлса у ҳолда

офизайлангичлилар орасида энг тубан формалари сув тубида ўрмаловчи, қорин томонида, яни оғиз атрофида киприклар билан қолланган майдончага эга бўлган турлари ҳисобланади. Бу киприкли майдонча тўғри ичаклиларнинг киприкли эпителийси қолдиги дейиш мумкин. Оғизайлангичлиларнинг тубан тузилишини улар протонефрийлари ва оғиз тешигини қорин томонида бўлиши кўрсатиб турибди. Бирламчи бўшлиқлилар орасида оғизайлангичлилар қоринкиприклиларга жуда яқин туради. Бинобарин уларнинг ҳар иккаласида ҳам тери-мускул халтаси бўлмайди, протонефрийлар ривожланган, киприкли эпителий тузилиши ўхшаш бўлади.

### ТЎГАРАК ЧУВАЛЧАНГЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ

Кўпчилик олимларнинг фикрича филогенетик жиҳатдан тўғарак чувалчанглар киприкли яssi чувалчангларга яқин туради. Бу икки груп ўргасида ўхшашлик тубан тузилишга эга бўлган вакилларда кўпроқ кўзга ташланади.

Оғизайлангичлилар ва қоринкиприклилар синфи вакиллари танасида киприклар билан қолланган жойларнинг бўлиши ҳамда протонефрийлари, ҳалқуми ва жинсий безларининг тузилишига кўра киприкли чувалчангларга яқин туради. Тўғарак чувалчангларнинг нерв системаси принцип жиҳатдан киприкли чувалчангларнидан фарқ қилмайди. Нематодаларнинг оғиз тешиги танасининг олдинги учидаги жойлашганилигини биламиз. Яssi чувалчанглар орасида фақат тўғри ичаклиларда оғиз тешиги ана шундай терминал, яни танаси учки қисмида жойлашган. Айрим жинсли хусусиятини ҳисобга олмаганимизда тўғарак чувалчанглар жинсий системасининг тузилиши (хусусан, оғизайлангичлиларда сариғдонларнинг бўлиши) ҳам киприкли чувалчангларга ўхшаш бўлади.

Бирламчи тана бўшлиғи, орқа ичак ва анал тешигининг ривожланганилиги билан тўғарак чувалчанглар яssi чувалчанглардан фарқ қилаади. Лекин бу белгилар прогрессив эволюция туфайли пайдо бўлганлигидан тўғарак чувалчангларни киприкли яssi чувалчанглардан келиб чиқсанлиги тўғрисидаги назарияга монелик қила олмайди. Айрим тўғри ичакли киприкли чувалчанглар паренхимаси лакунлари (тана бўшлиғи қолдиқлари) жуда кенг бўлиб, уларда паразит инфузориялар сузуб юради. Тўғарак чувалчангларнинг бирламчи тана бўшлиғи ана шундай лакунларнинг йириклишуви ва ўзаро қўшилишидан келиб чиқсан бўлиши мумкин.

Тўғарак чувалчанглар типи айрим синфлари тузилишида киприкли чувалчанглардан кескин фарқ қилувчи белгилар пайдо бўлган. Бу белгилар кутикуланинг қалинлашуви, киприкларнинг йўқолиши, ҳужайра таркибининг доимий бўлиши (нематодалар, оғизайлангичлилар), ҳалқа мускулларнинг бўлмаслиги, ҳалқум атрофи нерв

ҳалқасининг бўлиши, протонефридийлар ўрнига бўйин безларининг пайдо бўлиши, оғизайлангичилар ҳалқумининг чайновчи ҳалқумга айланиши, тери-мускул халтасининг алоҳида мускулларга ажralиб кетганилиги ва бошқалардан иборат. Келтирилган белгилар асосан алоҳида органларга тегишли бўлганидан тўғарак чувалчанглар тузилишининг умумий хусусиятларига таъсир этмайди.

## 14. НЕМЕРТИНАЛАР (NEMERTINI) ТИПИ

Немертиналар асосан денгизларда эркин ҳаёт кечирадиган, қисман, паразит яшайдиган чувалчангларни ўз ичига олади. Чўзиқ танаси ҳилпилловчи эпителий билан қопланган. Эпителий остида ҳалқа ва бўйлама мускуллар жойлашган. Танасининг олдинги учидаги узун хартуми бўлади. Хартум ўлжасини тутиши учун хизмат қиласи. Хартум махсус халтачага кириб туради.

Тана бўшлиғи бўлмайди, ички органлари оралиғи паренхима билан тўлган. Ҳазм қилиш системаси олдинги, ўрга ва кейинги қисмлардан иборат. Қон айланиш ва протонефридий типидаги айриш системаси ривожланган. Нерв системаси ортогон типидаги тузилган.

Жинсий системаси айрим жинсли, содда тузилган бўлиб, халтачалар шаклидаги фолликулалардан иборат. Жинсий ҳужайраларни чиқарадиган йўллар, қўшилиш органи бўлмайди. Немертиналар типига 750 га яқин турларни ўз ичига оладиган ятона синф киради.


### 14.1. НЕМЕРТИНАЛАР (NEMERTINI) СИНФИ

**Ташқи тузилиши.** Танаси чўзиқ, одатда цилиндр шаклида, баъзан дорзо-вентрал (орқа-қорин) йўналишида ясилашган. Катталиги 1-2 см дан 2 м гача, баъзан 30 м га етади. Кўпчилиги қорамтири тусли, баъзи вакиллари яшил, қизил, пушти ёки чипор тусда бўлади.

**Оғиз тешиги** танаси олдинги қисмининг қорин томонида жойлашган. Танасининг энг учки қисмидаги жойлашган тешигидан узун хартуми дамба-дам чиқарилиб турилади (75, 76-расмлар).


Танаси ҳилпилловчи эпителий билан қопланган (76-расм) Эпителий остида базал мембрана, унинг остида эса мускуллар жойлашган. Бир гуруҳ немертиналарда мускуллар ташқи ҳалқа ва ички бўйлама қаватлардан иборат. Бошқаларида эса ҳалқа мускуллар билан эпителий орасида яна битта бўйлама мускуллар қавати жойлашади. Бундан ташқари орқа-қорин мускуллар бойлами ҳам ривожланган. Ички органлари оралиғи ғовак паренхима билан тўлган.

**Ички тузилиши.** Ичаги тўғри най шаклида бўлиб, тана бўйлаб жойлашган. Эктодермал олдинги ичак қизилўнгач дейилади. Эндодермал ўрга ичакнинг икки ёнида ён ўсимталар, яъни чўнтакчалар ҳосил бўлади. Орқа ичак эктодермадан келиб чиқсан бўлиб, анал тешигига очилади.



75-расм. Ҳар хил немертиналар.

А — *Cerebratulus*. Б — *Cerebratulus*нинг олдинги учи. В — *Nectonemertes*. Г — *Malacobdella*: 1 — ҳартум, 2 — ён тирқишилар, 3 — оғиз тешиги.



76-расм. Немертиналарнинг тузилиши.

А — олдинги қисмийи бүйлакма кесмаси, Б — кўндаланги кесмаси: 1 — ҳартуми чиқадиган тешик, 2 — қорин нерв ганглийси, 3 — оғиз тешиги, 4 — ҳалкум, 5 — тана ичига тортилган ҳартум, 6 — ҳартум қинни бўшлифи, 7 — бош ганглийси, 8 — эпидермис, 9 — ҳалқа мускуллар, 10 — жинсий тешик, 11 — тухумдон, 12 — кўндалант мускуллар, 13 — ён нерв, 14 — ён қон томирп, 15 — ичак, 16 — паренхима, 17 — орқа қон томирп.

Немертиналар йиртқич ҳаёт кечиради, майда ҳайвонлар (чувалчанглар, қисқибашасимонлар, моллюскалар) билан озиқланади. Хартуми ёрдамида ўлжасини тутади. Лекин хартум ҳазм қилиш системаси билан боғлиқ эмас. У танасининг орқа томонида жойлашган маҳсус қин ичига жойлашган найдан иборат. Хартум қин ичига худди қўлқопнинг тескари ағдарилган бармоқлари сингари кириб туради (75-расм). Қиннинг мускуллари қисқарганида хартум қўлқопнинг бармоқлари сингари қайта ағдарилиб ташқарига чиқарилади. Бир қанча немертиналар хартумида нинага ўхшашиб ўтиристилети бўлади. Қуролланмаган немертиналар хартуми заҳарли секрет ишлаб чиқаради. Хартум немертиналарнинг ҳужум қилиш ва ҳимояланиш органи ҳисобланади.

Қон айланиш системаси чувалчанглар орасида биринчи марта пайдо бўлганлигидан анча содда тузилган. Асосий қон томирлари учта бўлиб, улардан бири орқа қон томири ичакнинг устида, иккита ён томирлар танасининг икки ёнида жойлашган. Қон томирлари тананинг олдинги учидаги ўзаро туташиб кетади. Бундан ташқари қон томирлари ўзаро кўндаланг томирлар орқали ҳам қўшилган бўлади.

Қон озиқ моддалар ва кислородни танадаги ҳамма органлар ва тўқималарга ташыйди. Қон таркибидағи нафас олиш пигментлари шу жумладан, гемоглобин қонни қизгиш, сариқ ёки яшил рангга бўяйди. Шундай қилиб, немертиналарнинг маҳсус нафас олиш органлари бўлмаса ҳам қон нафас олиш функциясини ўтайди.

Айриш системаси протонефридий типида тузилган, танаси олдинги қисмининг икки ёнида жойлашган иккита найдан иборат. Ҳар бир найдан жуда кўп майда найчалар тана бўйлаб тарқалган. Найчалар ҳилпилловчи киприкли ҳужайралар билан тамом бўлади. Модда алмашинув маҳсулотлари қондан айриш найчаларига диффузия орқали ўтади.

Нерв системаси яхши ривожланган. Марказий нерв системаси икки жуфт мия ганглийларидан ва улар билан боғланган нерв стволларидан иборат. Бир жуфт церебрал ганглий хартум қини устида, иккичи жуфти қиннинг остида жойлашган (қаранг: 75-расм) Ганглийлар комисуралар (нерв толалари) орқали бирлашган. Бош миядан орқага бир жуфт кучли ривожланган нерв стволлари чиқади. Нерв стволлари коннективалар (кўндаланг нерв толалари) орқали бирлашган. Сезги органлари ён тирқишилар ва церебрал органлардан иборат. Ён тирқишилар бош қисмининг икки ёнида жойлашган бўлиб, ҳилпилловчи киприкларга эга. Церебрал органлар ҳилпилловчи киприклар билан таъминланган анча чуқур, лекин тор найчалардан иборат бўлиб, мия ганглийлари билан боғланган. Иккала органлар ҳам кимёвий сезги вазифасини бажаради. Улар ёрдамида ҳайвонлар сувнинг кимёвий таркибини, озиқ бўладиган ҳайвонларни сезади. Сув тубида яшовчи немертиналарда туйғу органлари яхши ривожланган.

Бу органлар тана бўйлаб тарқалган сезгир тукчали ҳужайралардан иборат. Одатда мия устида 2,4 та ёки ундан кўпроқ инвертиранган кўзчалар ёруғликни сезади.

**Жинсий системаси** анча содда тузилган. Айрим жинсли. Кўп сонли тухумдонлари ва уруғдонлари ичакнинг икки ёнида ва ён чўнтаклар оралифида жойлашган. Жинсий йўллари кўпинча жинсий ҳужайралар етишиши даврида ҳосил бўлади.

**Ривожланиши.** Тухумлари сувда уруғланади. Уруғланган тухумлар тўлиқ спирал майдаланади. Немертиналарнинг турли систематик гуруҳларида тухумдан чиқадиган личинкалар ҳам ҳар хил тузилишга эга бўлади. Кўпчилик немертиналар тухумидан шакли каскага ўхшаш пилидий личинкаси ривожланиб чиқади. Личинка танаси киприклар билан қопланган. Танаси юқори қисми қуббага ўхшайди, икки ён томонидан иккита кенг ўсимтаси қулоқчинга ўхшаб осилиб туради. Қуббанинг тепасида эса бир тутам узун киприклардан ҳосил бўлган кокили диккайиб туради. Кокил эктодерманинг қалинлашувидан ҳосил бўладиган маҳсус пластинканинг устида туради. Личинка оғиз тешиги тананинг остки томони ўртасида жойлашган. Личинканинг ичаги ривожланган, ўрта ичаги қопга ўхшаш кенгайган. Немертиналар личинкаси эпителийси доимий бўлмайди.

Пилидий личинка онтогенезда гаструладан ривожланганидан иккита эмбрион ядроfiga эга бўлади. Личинка ривожланиши давомида унинг эпителийси ҳужайраларидан бир қисми эктодерма ва эндодерма оралифига кўчиб, ўрта қават (мезодерма) вараклари бошланғичини ҳосил қиласди. Бу қаватдан кейинчалик бириктирувчи тўқима ва айрим органлар ҳосил бўлади. Бундай тарқоқ, яъни, диффуз мезодерма бошланғичи мезенхима дейилади. Немертиналарнинг ҳақиқий қоплагичи қўйидагида ҳосил бўлади. Дастреб эктодермасида 7 та ботиқлиқ пайдо бўлади. Сўнгра бу ботиқликлар пилидий ичига ўсиб кириб, унинг ичаги ва мезенхимасини ўраб олади ва ўзаро қўшилиб, икки қаватли эктодермал халтани ҳосил қиласди. Халта личинканинг ўрта қисмини ўраб олган бўлади. Шаклланганчувалчанг пилидий қобигини ёриб сувга чиқади ва сув тубида ўрмалаб ҳаёт кечиришга ўтади.

**Экологияси.** Битта чучук сувда яшовчи турдан ташқари барча немертиналар денгизларда ҳаёт кечиради. Асосан, мўътадил иқлимда ва арктика сувларида, денгизнинг соҳил яқинидаги қум ва тошлоқ тубида яшайди. Айрим турлари сув қаърида сузиз юради. Бундай турларнинг танаси калта, танасининг кейинги қисми кенгайиб сузгичга айланган (қаранг: 76-расм). Айрим турлари краблар ва моллюскалар танасида паразитлик қиласди. Шимолий денгизларда *Malacobdella* немертинаси икки паллали моллюскалар мантия бўшлиғида паразитлик қиласди. Унинг танаси кейинги қисмидаги кучли сўргичи бўлади (қаранг: 74-расм).

**Филогенияси.** Энг муҳим тузилиш белгиларига кўра немертиналар

киприкли чувалчангларга яқин туради. Киприкли чувалчанглар сингари улар тана бүшлиғи ривожланмаган паренхиматоз ҳайвонларга киради. Нерв системаси асосий элементлари, кўзининг тузилиши, протонефридий айириш системаси, бир қанча турларидага тухум ҳужайрасининг спирал майдаланиши билан улар киприкли чувалчангларга ўхшайди. Немертиналар пилидий личинкасининг тузилиши ҳам кўп шохли киприкли чувалчангларнинг мюллеров личинкасига ўхшайди. Ана шу далилларга асосланган ҳолда немертиналарни киприкли чувалчанглардан келиб чиққан дейиш мумкин.

Қон айланиш системаси, орқа ичакнинг ривожланиши немертиналар эволюцияси прогрессив йўналишда борганилигини кўрсатади. Лекин хартумнинг пайдо бўлиши уларни тор доирада ихтисослашганлигини кўрсатади.

Немертиналар 2 кенжа синфга бўлинади.

#### **14.1.1. ҚУРОЛЛАНМАГАН НЕМЕРТИНАЛАР (ANOPLA) КЕНЖА СИНФИ**

Бу кенжа синф турлари хартумида ҳеч қандай ўткир ўсимталар бўлмайди. Оғиз тешиги қорин томонига сурилган бўлиб, мия ганглийсидан орқароқда жойлашади. Нерв системаси анча чуқурроқда тери остида, баъзан тери эпителийсида жойлашади. Европанинг Атлантика океани қирғоқлари бўйлаб қўмдаги уясида *Cerebratulus* яшайди. Бу кенжа синфга энг йирик, узунлиги 10 м, ҳатто 30 м га етадиган вакили гигант немертина *Lineus longissimus* ҳам киради. Бу ҳайвон тошларнинг остида ўз ўлжасини пойлаб ётади.

#### **14.1.2. ҚУРОЛЛАНГАН НЕМЕРТИНАЛАР (ENOPLA) КЕНЖА СИНФИ**

Оғиз тешиги танасининг олдинги қисмida (терминал) жойлашган. Хартуми битта ёки бир неча стилет билан қуролланган. Нерв системаси тери-мускул халтаси ичига ботиб кирган бўлиб, паренхимада жойлашади. Кўпчилик турлари жуда майда. Сув тубида, одатда қирғоқ яқинидаги тошлар остида *Amphiporus* (узунлиги 10-12 см), чучук сувларда *Stichostemma* (1-2 см). Европа ва Шимолий Америка дарё ва кўлларидаги учрайди. Бу кенжа синф вакиллари орасида пелагик ва паразит (*Malacobdella*) яшовчилари ҳам учрайди (қаранг: 74-расм).

### **15. ТИКАНБОШЛИЛАР (ACANTHOCEPHALES) ТИПИ**

Тиканбошлилар 500 га яқин паразит яшовчи турларни ўзи ичига олади. Вояга етган даврида умуртқали ҳайвонлар ичагида паразитлик қиласади. Танасининг олдинги учи хартум типидаги маҳсус ёпишув

органига айланган. Тана қоплағичи юпқа кутикула ва гиподермадан иборат. Тана бўшлиғи бирламчي. Ҳазм қилиш, қон айланиш ва нафас олиш системалари бўлмайди.


Тиканбошлилар айрим жинсли. Жинсий системасининг чиқариш йўли кўпинча айриш системаси йўли билан умумий найга қўшилиб кетади. Метаморфоз орқали ривожланади. Ҳаёт цикли хўжайин алмашиниш орқали боради. Бу типга фақат битта синф киради.

### 15.1. ТИКАНБОШЛИЛАР (ACANTHOCEPHALA) СИНФИ

**Ташқи тузилиши.** Танаси дуксимон бўлиб, ҳақиқий тана ва хартумдан иборат. Хартумнинг ичи ковак бўлиб, кўлқоп бармоқлари сингари тескари ағдарилиб чиқарилиши ва кириши мумкин (77-расм). Хартум деворидаги орқага қайрилган илмоқлари уни хўжайнин ичаги деворига ёпишиб туришига ёрдам беради. Ретрактор мускуллар ёрдамида хартум маҳсус қин ичига тортилади. Танаси юпқа кутикула билан қопланган. Кутикула остидаги гиподерма эмбрион эктодермаси ҳужрайларининг қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Гиподерма орқали лакунлар, яъни, наилар ўтади. Гиподермада захира озиқ моддалар (гликоген) тўпланади.

Хартум билан танаси чегарасида лемнискалар деб аталағидан бир жуфт ортиқлари жойлашган. Лемнискалар вазифаси аниқ маълум эмас. Тери-мускул халтаси ташқи ҳалқа мускуллар ва ички бўйлама мускуллардан иборат. Мускуллардан ичкарироқда кенг тана бўшлиғи жой олган.

**Ички тузилиши** Тиканбошлилар ҳақиқий паразитлар, тана юзаси орқали



77-расм. Тиканбошлиларнинг тузилиши.  
А — урғочи. Б — эркак: 1 — хартум, 2 — харгум қини, 3 — лемниска, 4 — қин мускуллари, 5 — лигамент, 6 — тухум, 7 — бачадон кўнғироғи, 8 — бачадон, 9 — қин, 10 — жинсий тешик, 11 — бош ганглий, 12 — нерв стволи, 13 — уругдонлар, 14 — уруг йўллари, 15 — цемент безлари, 16 — протонефридий, 17 — куйикиш органи, 18 — куйикиш халтаси.

озиқланади. Ҳазм системаси ривожланмаган. Тиканбошлилар тана юзасидаги поралар орқали хўжайини ичагида ҳазм бўлишга тайёр бўлган озиқ моддаларни шимиб олиши мумкин.

Айриши органи фақат айрим турларида ривожланган. Гигант тиканбош (*Macracanthorhynchus hirudinaceus*)нинг айриш органи бир-мунча ўзгарган протонефридийдан иборат. Сийдик йўли жинсий йўли билан бирлашиб кетган.

Тиканбошлилар айрим жинсли. Жинсий безлар жуфт. Эркагининг иккита овал уруғдони бўлади. Уруғдонлардан бошланган уруғ йўллари қўшилиб, битта уруғ тўкувчи найни ҳосил қиласди. Бу найнинг ички қисмини кучли мускуллар қоплаб олган бўлиб, қўшилиш органи вазифасини баъжаради. Бу орган қўшилиш органи халтаси ичидаги туради. Урчиш пайтида халтага чиқарилади ва урғочиси танасининг кейинги қисмини ўраб олади. Уруғ йўлига маҳсус цемент безлари йўли ҳам очилади. Безлар секрети уруғланган урғочиси жинсий тешигини елимлаб ташлайди.

Урғочилик жинсий системаси лигамент ичидаги жойлашган бўлиб, ёш урғочисида иккита тухумдондан иборат. Вояга етаётган даврида тухумдонлар жуда кўп тухум бўлакларига бўлинниб кетади. Бу бўлаклар лигамент деворини ёриб тана бўшлиғига ўтади. Тухумлар тана бўшлиғига уруғланади. Ҳар бир тухум бўлаги ўнлаб тухумлардан иборат. Уруғланган тухумлар тухум бўлакларидан ажралиб, якка-якка тана суюқлигида сузиб юради. Тана бўшлиғига урғочилик жинсий йўлининг воронкага ўхшаш кенгайган учун очилади. Жинсий йўлнинг кейинги қисми иккита торроқ тухум йўлини ҳосил қиласди. Тухум йўлларида тухумлар сараланади. Уруғланиб майдаланиш даврига ўтган тухумлар чўзиқ дуксимон бўлганидан тухум йўлига кетади. Уруғланмаган йўғонроқ тухумлар эса тана бўшлиғига қайтиб чиқарилади. Иккала тухум йўли ҳам тоқ бачадонига, бачадон эса жинсий қинга очилади. Жинсий қин жинсий тешик орқали танасининг кейинги қисмидаги ташқарига очилади. Личинкалари ва вояга етган тиканбошлилар кам сонли ҳужайралардан ташкил топган. Айрим турларида ҳужайралар сони доимий бўлади.

**Ҳаёт цикли.** Тиканбошлилар ҳаёт цикли метаморфоз ва хўжайнин алмаштириш билан боғлиқ. Личинка тухум ичидаги ривожланади. Ана шундай тухумлар оралиқ хўжайнин танасига ўтганида улардан личинкалар чиқади. Личинкаси танаси чўзиқ, олдинги қисмидаги жуда кўп илмоқчалари бўлади. Сувда яшовчи умуртқалилар (сув кушлари, амфибиялар, бошқалар) учун оралиқ хўжайнин асосан майдага қисқич бақасимонлар, қуруқликда яшовчи умуртқалилар паразити учун эса ҳашаротлар бўлади. Масалан, балиқлар паразити *Echinorhynchus salmonis* тухумлари ёнлаб сузарларда, чўчқалар паразити гигант тиканбош тухумлари эса май қўнғизи ва бронза қўнғизлари личинкаларидаги ривожланади.

Личинка оралиқ хұжайин ичагидан унинг тана бүшлиғига ўтиб, илмоқчаларини таштайди. Личинка метаморфоз орқали ривожланиб, ёш тиканбошни ҳосил қиласы. Ёш паразитнинг фақат жинсий системаси ривожланмаган бўлади. Унинг танаси кенгайиб, шарсимон шаклига киради ва қалин капсулага ўралади. Бундай личинка узоқ вақт давомида тирик сақланиши мумкин. Оралиқ хұжайин асосий хұжайин томонидан ейиладиган бўлса, асосий хұжайин ичагида паразит капсуладан чиқади. Унинг хартуми ағдарилиб чиқиб, хұжайин ичаги деворига ёпишиб олади ва вояга етади.

**Зарари.** Тиканбошлилар умуртқали ҳайвонларга катта зиён келтиради. Узунлиги 25 см га яқин бўлган гигант тиканбош асосан чўчқаларнинг ичагида паразитлик қилиб, ичак деворини яралайди. Чўчқалар тупроқдаги қўнғиз личинкаларини ёб, паразитни юқтиради. Чуҷук сув балиқларига *Pomphorhynchus laevis* тиканбоши катта зиён келтиради. Мўйловдор балиқлар ичагида паразитлар сони 300 га етиши мумкин. *Polymorphus* уруғи вакиллари ўрдакларга катта зиён келтиради, қўпинча, паррандаларни ёппасига қирилиб кетишига сабаб бўлади.

**Тиканбошлилар филогенияси.** Тиканбошлиларнинг келиб чиқиши тўғрисида умумий фикр йўқ. Танасининг цилиндрический шакли, гиподермаси тузилиши, бирламчи тана бўшлиғи, айрим жинсли бўлиши билан улар нематодаларга ўхшайди, лекин улардан гиподермасида лакунлар ва протонефридијларнинг бўлиши ҳамда жинсий системасининг тузилиши билан фарқ қиласы.

Бошқа бир ғояга кўра тиканбошлилар приапулидлардан келиб чиқкан. Чунки айрим приапулидлар танаси ёш даврида тиканлар билан қопланган бош, силлиқ бўйин ва гавда бўлимларига ажралади, айриш органи протонефридијлар йўли ҳам худди тиканбошлиларга ўхшаб жинсий йўлга очилади. Тиканбошлиларнинг приапулидлардан фарқи уларнинг паразит ҳаёт кечириши билан боғлиқ.

Тиканбошлилар филогенияси тўғрисидаги энг эски назария уларни ясси чувалчанглар билан яқинлаштиради. Хартумни цестодлар сколексига ўхшашлиги, ҳазм қилиш системасининг бўлмаслиги, айриш системасининг протонефридиј типида бўлиши, нерв системасида ортоген белгиларининг бўлиши ана шундан дарак беради. Лекин ёпишув органларининг тузилиши ва ичакнинг йўқолиб кетиши уларни паразит яшаши билан пайдо бўлган конвергент белгилар ҳисобланади. Тиканбошлиларни ясси чувалчанглардан мустақил ҳолда келиб чиқкан ва тор доирада ихтисослашган ҳайвонлар типи сифатида қаралиши лозим. Улар ҳайвонот дунёсининг учи берк шохчаси ҳисобланади.

## 16. ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР (ANNELIDES) ТИПИ

Ҳалқали чувалчанглар 9000 дан ортиқ юқсак тузилган чувалчангларни ўз ичига олади. Уларнинг асосий белгилари қуйидаги-лардан иборат:

1. Танаси бош, бўғимларга бўлинган гавда ва орқа анал бўлимлардан иборат.
2. Тери-мускул ҳалтаси яхши ривожланган.
3. Тана бўшлиғи иккиламчи — целом. Бу бўшлиқ тана бўғимлари-га мос ҳолда алоҳида целомик ҳалталарга бўлинган.
4. Оғиз тешиги простомиумнинг қорин томонида жойлашган. Ҳазм қилиш системаси яхши ривожланган.
5. Кон айланиш системаси одатда ёпиқ, яхши ривожланган.
6. Айриш системаси ҳар бир бўғимда бир жуфтдан жойлашган метанефрийлардан иборат.
7. Марказий нерв системаси бир жуфтдан бош ва ҳалқумости нерв ганглийлари, шунча ҳалқум атрофи ҳалқа нерв ганглийлари, нерв ство-ли ва қорин нерв занжиридан иборат. Қорин нерв занжири бир жуфт бўйлама нерв стволидан ҳосил бўлади. Нерв стволлари кўпинча ўзаро яқинлашиб қўшилиб кетади. Стволлар бўйлаб ҳар бир тана бўғимида бир жуфтдан нерв ганглийлари жойлашган.
8. Кўпчилик тубан тузилган ҳалқалилар айрим жинсли, метамор-фоз орқали ривожланади, личинкаси трохофора дейилади.

Ҳалқалилар типи 2 кенжада тирга бўлинади.


### 16.1. БЕЛБОҒСИЗЛАР (ACLITELLATA) КЕНЖА ТИПИ

Белбоғсизлар айрим жинсли, жинсий системаси оддий тузилган. Танасида белбоги бўлмайди. Метаморфоз орқали ривожланади. Личинкаси торхофора дейилади. Кенжада тири битта синфи ўз ичига олади.

#### 16.1.1. КЎПТУКЛИЛАР (POLYCHAETA) СИНФИ

Кўптуклилар танаси ҳар хил ўсимталар билан таъминланган ҳайвонлар. Уларнинг бош қисми — *акронида* бир жуфт пальпалари бўлади. Ўтроқ яшовчи кўптуклиларнинг пальпалари жуда кўп сонли шохланган ўсимталарни ҳосил қиласди. Бу ўсимталар "жабралар" дейилади. Кўптуклилар танасининг ҳар бир сегментида бир жуфтдан содда тузилган ҳаракат органлари — параподийлари бўлади.

**Ташқи тузилиши.** Танаси чўзиқ, цилиндриксимон ёки бирор яссиланган, 5 дан 800 гача ҳалқалар, яъни сегментлардан иборат. Олдинги оғизолди сегменти — *простомиум* ва охиригинал сегменти *тигидиум* бошқа тана сегментларидан фарқ қилиб, тананинг мета-



78-расм. Неренснинг олдинги (А) ва кейинги (Б) томони.

1 — пайпаслагичлар (антенналар), 2 — пальп, 3 — оғиз ёни мүйловлари, 4 — күзлар, 5 — простомиум, 6 — ҳидлаш чүкүрчасы, 7 — перистомиум, 8 — параподийлар, 9 — қиплар, 10 — орқа мүйлов, 11 — пигидий, 12 — анал мүйловлари, 13 — орқа қон томони.


мерлашмаган (сегментлашмаган) қисми ҳисобланади. Эркин яшовчи тубан тузилган вакилларида тана ҳалқалари бир хил тузилган ва бир хил катталиқда бўлиб гомоном дейилади. Ўтроқ ҳаёт кечирадиган ҳалқалилар танасининг турли қисмлари ҳар хил шароитда бўлиши туфайли сегментларининг катталиги ва тузилиши ҳам ҳар хил бўлади. Чунончи, ўтроқ кўйтуклилар танасининг олдинги қисмидада найдан чиқиб турадиган жуда кўп ўсимталари бўлади, тананинг кейинги най ичидағи қисмидада эса ўсимталар ривожланмайди. Кўптуклар бош бўлимни оғизолди — простомиумдан ва бош — перистомиумдан иборат (78-расм). Перистомиум кўпинча бир неча (2-3) тана сегментларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Унинг қорин томонида оғиз тешиги жойлашган. Битта ёки бир неча тана сегментларини бош бўлимига қўшилиш жараёни цефализация дейилади. Бу жараён бўғимоёқлиларда ҳам содир бўлади.


Простомиумда бир жуфт пайпаслагичлар, яъни пальплар ва бир

79-расм. Нереис параподийси.

1 — орқа мүйлов, 2 — орқа шохи, 3 — қиллар тутами, 4, 6 — қорин шохлари, 5 — қорин мүйлови, 7 — таянч қиллар.

жуфт ёки күпроқ түйғу органдары — *антенналар* жойлашган. Перистомиумда ҳар хил миқдорда мүйловлар, яғни циррилар бўлади. Тана сегментларидаги — параподийлар ўсимталар жуда содда тузилган ҳаракатланиш органи бўлиб, ҳалқаси чувалчангларда биринчи марта пайдо бўлади. Параподийлар мускулли, калта тана ўсимталари бўлиб, тананинг икки ёнида ҳар бир бўғимда бир жуфтдан жойлашган. Ҳар бир параподий яхлит базал ва иккига бўлинган устки бўлаклардан иборат (79-расм). Устки бўлакларининг орқа шохи нотоподия, қорин шохи невроподия дейилади. Орқа ва қорин шохлари асосидан биттадан сезгир мүйловлар чиқади. Ҳар бир шохда бир тутамдан қиллар жойлашган. Қиллар ингичка ва эластик бўлиб, уларнинг асосида параподийларнинг халтасимон чукурчаси жойлашган. Қиллардан бири жуда йўғонлашган бўлиб, таянч вазифасини бажаради. Параподийлар олдиндан орқага сурилганида қиллар субстратга тегиб, ҳайвонни олдинга суради. Параподийлар эркин яшовчи кўптуклиларда яхши ривожланган. Ўтроқ яшовчиларда эса параподийлар қисман редукцияга учрайди ва асосан танасининг энг фаол ҳаракатда бўладиган олдинги қисмида сақланиб қолади. Орқа қисмиде эса параподийнинг этдор қисмлари редукцияга учраганидан, қиллар чувалчанг танасининг тўғридан-тўғри ўзидан чиққанга ўхшаб кўринади. Тубан кўптуклилар, масалан, *Dinophilus* авлоди вакилларида параподийлар ва қиллар бўлмайди. Кўптуклилар танаси сиртдан юпқа кутикула билан қопланган. Кутикула остида бир қатор эпителий бўлади. Кутикула ана шу эпителийдан ҳосил бўлади. Содда тузилган вакилларида эпителийда киприклар бўлади. Кўпинча, эпителийда безли ҳужайралар жойлашган. Бу ҳужайраларнинг секрети қотиб, ҳайвон танаси атрофида шаффоф мугуз ёки хитиндан иборат найчани ҳосил қиласди. Кўпинча органик моддаларга қум зарралари аралашиб, найчани мустаҳкам қиласди. Айрим турларида эса органик моддага оҳак шимилади. Эпителий остида икки қават (ташқи ҳалқасимон ва ички бўйлама) мускуллар жойлашган. Содда кўптуклиларда бўйлама мус-





80-расм. Ҳалқалыларнинг кўндаланг кесими.

1 — метанефридий, 2 — меганефридий воронкаси, 3 — қорин нерв занжири ганглийси, 4 — терги эпителийси, 5 — кўндаланг мускуллар, 6 — бўйлама мускуллар, 7 — қилилар, 8 — ичак тифлоэоли, 9, 10 — орқа ва қорин қон томирлари, 11 — субнерврал иервлар.

куллар яхлит бўлади. Бошқа кўптуклиларда мускул қавати параподиялар ёрдамида 4 та бўйлама тасмага бўлинади. Бўйлама мускулларни ички томонидан бир қават перитонеал эпителий қоплаб туради. Мезодермадан ҳосил бўлган перитонеал эпителий иккиласми тана бўшлиғи — целомни ўраб туради. (80-расм).

**Ички тузилиши.** Целом ичак билан тана девори оралигини эгалайди. Бу бўшилик яхлит бўлмасдан метамер жойлашган жуфт халтачалардан иборат. Целом фақат простомиум ва пигидиумда бўлмайди. Целом халтачалари девори ичак устида ва остида ўзаро қўшилиб, мезентерий деб аталадиган тана бўйлаб жойлашган икки қаватли тўсиқни ҳосил қиласди. Ичак ана шу тўсиқ орқали тана деворига осилиб туради. Қўшни целомик халтачалар девори ҳам сегментлар чегарасида икки қаватли кўндаланг тўсиқ — септа яни диссептимент ҳосил қиласди. Септалар целомни тана сегментлари сонига тенг миқдордаги кўндаланг қисмларга бўлиб туради. Целом сувга ўхаши суюқлик билан тўлган. Суюқликда амёбасимон ҳужайралар сузиб юради.

Целом таянч, транспорт, айриш ва жинсий функцияларни баъжаради. Тери-мускул халтаси қисқарганида тана девори целом су-

юқлигига босим остида таъсир қилганидан чувалчанг танаси та-ранглашади. Тана чүзилганида ёки қисқарганида (масалан, чувалчанг ин қазиганда ёки ҳаракатланганида) суюқлик целомнинг бир қисмидан иккинчисига оқиб ўтади (диссепимент бўлмаганида ёки унда тешиклар бўлганида). Озиқ моддалар ичакдан целомга ўтиб, кейин тўқималарга тарқалади. Целомда моддалар алмашинувининг суюқ ва қаттиқ маҳсулотлари тўпланади. Целомда спермийлар ва тухум ҳужайралар етилади.

**Ҳазм қилиш системаси** оғиздан бошланади. Оғиз перистомиумнинг қорин томонида жойлашган. Ичаги эктодермал олдинги, эндодермал ўрга ва эктодермал орқа ичакдан иборат. Олдинги ичак кўпинча оғиз бўшлиғи ва мускулли ҳалқумга бўлинади. Кўпчилик йиртқич ва кўптуклилар ҳалқуми девори кутикуласи қалинлашиб, ўткир хитин тишлар, яъни жаф пластинкаларни ҳосил қиласи. Ҳалқум афдарилиб ташқарига чиқарилади ва ўлжани тутиш вазифасини бажаради. Йиртқичлик қилмайдиган турларда ҳалқум кучсиз ривожланган. Ўрта ичак тўғри найдан иборат, орқа ичак калта бўлади. Кезиб юрувчи кўптуклилар асосан йиртқич бўлиб, майда умуртқасизлар билан озиқланади. Ўтроқ яшовчилар сувда муаллақ турадиган органик моддалар ва майда организмлар билан озиқланади. Уларда озиқни йиғиши ва уни оғиз томонга ҳайдаш вазифасини бошидаги узун патсимон ўсимталари (пал-палар) бажаради. Бу ўсимталар нафас олиши органи — жабралар ҳам ҳисобланади. Нафас олиши органлари ҳар хил тузилган. Содда тузилган вакиллари тери юзаси орқали нафас олади. Кўпчилик кўптуклилар параподийларнинг бир қисми, масалан, орқа мўйлови жабрага айланади. Жабрага қон томирлари киради, унинг девори орқали сувда эриган кислород қонга ўтади. Жабралар патсимон, баргимон ёки шохланган шаклда бўлиб, тананинг муайян бир қисмида, масалан, бошида ёки параподийларда ҳосил бўлади.


**Қон айланиш системаси** тананинг орқа ва қорин томони бўйлаб жойлашган қон томирларидан иборат. Орқа қон томирлари ичак устидан, қорин қон томирлари эса ичак остидан ўтади. Қон томирлари бўшлиғи бирламчи тана бўшлиғи қолдиги ҳисобланади. Иккала қон томирлари ҳам перитонеал эпителий остидан ўтадиган майда томирлар ва лакунлар ҳамда целом деворини айланиб ўтадиган ҳалқа томирлар билан боғланган. Ҳалқа томирлар ҳар бир сегментда биттадан баъзан бир нечтадан бўлиб жойлашади. Ҳалқа томирлар орқали қон жабраларга боради; жабралардан ва моддалар алмашинуви маҳсулотларидан қонни тозаловчи нефридийлардан қайтади. Қон томирлари органларда жуда майда ингичка капиллярларни ҳосил қиласи. Капиллярлар тана органларини қалин ўраб олади. Қон айланиш системаи ёпиқ, чунки йирик қон томирларидан тўқималарга қон олиб борувчи капиллярлар тўғридан-тўғри қон олиб келувчи томирларга уланиб кетади, қон фақат қон томирлари ичидаги оқади. Орқа қон то-

мирининг ритмик қисқариши туфайли қон орқа қон томири бўйлаб орқадан олдинга қорин томирларига эса олдиндан орқага оқади. Тананинг олдинги қисмидаги ичак атрофида жойлашган ҳалқа қон томирлари орқали қон орқа томирдан қорин томирига, тананинг кейинти қисмидаги худди шундай томирлар орқали қон қорин томиридан орқа томирига ўтади.

Ҳалқали чувалчанглар қони одатда қизил рангли бўлади. Қизил ранг умуртқали ҳайвонлардаги сингари қон таркибида темир бирикмасининг бўлиши билан боғлиқ. Лекин ҳалқали чувалчангларда бу модда умуртқалилардаги сингари қон ҳужайраси таркибида эмас, балки плазмада эриган ҳолда бўлади.

Айриш системаси нефридийлардан иборат (81-расм). Одатда ҳар бир тана сегментида бир жуфтдан нефридийлар жойлашган. Шунинг учун ҳалқали чувалчанглар айриш системасини сегментар органлар — метанефридийлар дейилади. Ҳар бир нефридийнинг ички учи целиом бўшлиғи орқа девори ёнида туради. Унинг найи диссепментни тешиб кейинги сегмент бўшлиғига ўтади ва тананинг ён томонидан ташқарига очилади. Шундай қилиб, ҳар бир най икки сегментда жойлашади, яъни бириничи сегментдан бошланиб, иккинчи сегментда ташқарига очилади.

Нефридийлар ҳамма ҳалқали чувалчангларда ҳам бир хилда тузилмаган. Тубан ҳалқалиларда протонефридийлар бўлади. Бундай ҳолларда айриш найининг ички учида тұғноғичга ўхшашиб бир даста үсімталар — хивчинли ҳужайралар, яъни, соленоцитлар жойлашган. Соленоцитлар бошчаси ҳужайранинг



81-расм. Күптуклиларнинг айриш органлари.

А — протонефридий ва унинг ёнида алоҳида турган воронка. Б — метанефридий найи билан бирга қўшишиб ўстган воронка. В — протонефридий найи ва у билан бирга қўшишиб ўстган воронка: 1 — жинсий воронка, 2 — нефридийлар найи, 3 — ташқи тенник.

ядроли танаси бўлиб, ундан бошланадиган найча нефридиининг асосий найчасига келиб қўшилади. Соленоцитларнинг тузилиши протонефридийларнинг юлдузсимон ҳужайраларига, хивчинлар эса ҳилпилловчи ҳужайраларга ўхшайди. Соленоцитлар ҳам ҳилпилловчи ҳужайралар сингари осморегуляция вазифасини бажаради. Ал машинув маҳсулотлари протонефридиининг асосий найидан чиқиб кетади.


Кўпчилик чувалчантларда соленоцитлар редукцияга учрайди, уларнинг ўрнига киприклар билан ўралган целомга очиладиган тешикча пайдо бўлади. Ана шундай қилиб, протонефридиий метанефридиийга айланади. Ҳар иккала айриш системасини эктодермадан пайдо бўлиши уларнинг гомолог эканлигини кўрсатади.

Кўпчилик ҳалқалиларда нефридийлар жинсий безлар йўли билан қўшилиб кетади ва аралаш нефромиксияларга айланади. Уларнинг наий ва соленоцитлар — протонефридиийлардан, воронкаси жинсий йўлдан ҳосил бўлади.

Агар протонефридиийлардан метанефридиийлар ҳосил бўлган бўлса, у ҳолда жинсий йўллар метанефридиийларнинг ички учи (тешиги) билан қўшилиб, нефромиксия ҳосил қиласди. Ўтроқ кўптуклиларда айриув наилари қисқарган бўлиб, бир неча бўғимларида сақланаб қолган.

Нефридиийлардан ташқари айrim перитонеал ҳужайралар ҳам айриш функциясини бажаради. Тананинг айrim жойларида қон томирлари девори сариқ моддалар йирик ҳужайралардан иборат. Сариқ модда маддалар алмашинувининг сувда эри-майдиган маҳсулотлари (гуанин, яъни сийдик кислотаси тузлари) дан иборат. Хлороген ҳужайралар деб аталаадиган бу ҳужайралар экскрет маддалар билан тўлгач, ҳалок бўлади. Уларнинг ичидаги маддалар эса тана суюклигига чиқади ва у ердан нефридиийлар орқали ташқарига чиқарилади.

**Нерв системасининг** марказий қисми бир жуфт бош ганглийлари, улардан чиқиб, ҳалқумни айланниб ўтадиган иккита ҳалқум атрофи коннективалар ва



82-расм. Ҳалқалилар марказий нерв системаси.  
А — нарвон типи (тубан ҳалқалилар). Б — қорин нерв инжирни (юксак ҳалқалилар): 1 — бош ганглийси, 2 — ҳалқум ёни стволлар, 3 — бўйлама стволлар, 4, 5 — қорин нерв занжиридаги ганглийлар.

бир жуфт қорин нерв стволидан иборат. (82-расм). Иккита ҳар хил ганглийларни бирлаштирадиган нерв стволлари коннективалар, битта сегментдаги ганглийларни бирлаштирадиган нерв стволлари эса комиссуралар бўлади.


Тубан кўптуклиларда қорин нерв стволлари бир-биридан узоқроқ туради, уларнинг нерв ҳужайралари бир текис жойлашган. Бирмунча мураккаб тузилган кўптуклиларда қорин нерв стволлари ўзаро яқинлашган бўлиб, уларда ҳар бир сегмент қаршисида биттадан нерв ҳужайралар тўплами, яъни ганглиоз ҳужайралар пайдо бўлади. Иккала ганглиялар кўндаланг боғ — комиссура билан боғланади. Бундай нерв система нерв нарвони дейилади. Кўпчилик кўптуклиларда нерв стволлари янада кўпроқ яқинлашиб, ҳар бир сегментдаги ганглийлар бирга қўшилиб кетади. Нерв стволлари алоҳида бўлиб қолади ёки бирга қўшилиб кетади. Бундай нерв системаси қорин нерв занжири дейилади.

Нерв системасининг бундан кейинги мураккаблашуви уни тери эпителийсига тобора ботиб кириб, тана бўшлиғига ўтишидан иборат. Баъзан танадаги бир қанча сегментлар ўзаро қўшилиши туфайли нерв тугунлари ҳам концентрацияланishi (тўпланиши) мумкин.

Марказий нерв системасидан турли органларга жуда кўп нервлар чиқади. Бош миядан антенналар, пальпалар ва кўзларга; қорин нерв занжири ганглийларидан ўша сегментда жойлашган органларга нервлар чиқади.

**Сезги органлари** эркин фаол ҳаракат қилиб яшовчи турларда яхши ривожланган. Сезгир ҳужайралар терида кўп бўлади. Антенналар, пальпалар, простомиумдаги киприкли чуқурчалар, параподийлардаги мўйловлар маҳсус сезги органлари ҳисобланади.

Айрим ўтроқ яшовчи кўптуклиларда танасининг олдинги сегментларида 1-5 та ёки ундан кўпроқ мувозанат сақлаш органи — *статаоцисты* бўлади.




83-расм. Кўптуклилар кўзининг тузилиши.  
1 — мугуз, 2 — шиҳасиман тана ажратадиган ҳужайра, 3 — ёруғликка сезгир таёқча, 4 — кўриши нерви, 5 — кўриши ганлийси, 6 — тўр қават, 7 — шиҳасимон тана, 8 — гавзар.

вазифасини бажаради. Түрпарда икки хил ҳужайралардан иборат. Улардан бир хили ретинал ҳужайралар бўлиб, уларда ёруғликка сезгир таёқчалар жойлашган. Ретинал ҳужайралардан бош мияга нерв толалари чиқади.

Кўпчилик кўптуклиларнинг кўзи жуда содда тузылган. Кўптуклилар айрим жинсли, лекин жинсий диморфизм ривожланмаган. Жинсий безлари олдинги ва энг охирги сегментларидан бошқа ҳамма сегментларида ёки фақат айрим жинсий сегментларида ҳосил бўлади. Етилаётган гонадалар дастгаб жуда юпқа перитонал эпителий билан қопланган. Безлар етилгач, эпителий ёрилиб, унинг ичидаги жинсий ҳужайралар целом суюқлигига чиқади ва шу ерда етилади. Айрим кўптуклиларнинг уруғ ёки тухум йўли бўлмайди.

Жинсий ҳужайралар тана деворини ёриб ташқарига чиқади. Баъзи чувалчангларнинг калта найли воронка шакидаги мустақил жинсий йўли бўлади. Кўпчилик полихетларнинг жинсий воронкаси нефридиляр билан кўшилган бўлиб, нефридиляр айриш ва жинсий ҳужайраларни чиқариш вазифасини бажаради. Тухумлар ташқи муҳитда уруғланади.

Бир қанча кўптуклиларда жинсий ҳужайраларнинг етилиш даврида жинссиз кўпайиш ҳам содир бўлади. Бу жараён жинсий етилган бўғим параподийси ва қилларининг кучли ривожланиши, ичагининг редукция-




84-расм. Тинч океан палоласи. *Eunice virides*. Танасининг олдинги йўғон атотка кейинчи ингичка эпиток қисми.

га учраши ва рангининг кескин ўзгариб, эпиток деб аталаған тана қисмини ҳосил бўлишидан бошланади. Бундай жинссиз ривожланишга киришганчувалчанглар танасининг эпиток қисми қолган аток қисмидан кескин ажралиб туради. Одатда тананинг кейинги қисми эпитокка айланади. Айрим кўптуклилар жинсий вояга етган эпиток даврида океан тубидан сув юзасига кўтарилади, сузиб юриб жинсий кўпайишга киришади (84-расм). Кўпайиш даврида сон-саноқсиз миқдорда сув юзасига кўтарилади. Тухумга тўлган бундай чувалчанглар маҳаллий аҳоли ва денгиз ҳайвонлари учун мазали озиқ ҳисобланади. Бир қанча кўптуклиларда танасининг кейинги эпиток қисми аток қисмидан ажралиб чиқади. Узилган жойдан бош ҳосил бўлади. Тананинг жинссиз аток қисми эса етишмаган кейинги бўғимни ҳосил қиласди.


Айрим кўптуклилар (масалан, *Autolytus* ва *Myrianida*)нинг эпиток қисми аток қисмидан ажралмасдан аввал бош қисмини ҳосил қилиши, аток эса кейинги сегментни регенерация қилиши мумкин.

Баъзан шаклланган биринчи индивид ажралгунча унинг олдида бошқа янги индивидлар ҳосил бўлади. Натижада бирданига бир нечта, баъзан 30 гача жинсий индивидлардан иборат муваққат занжир



85-расм. Кўп туклиларнинг кўпайиши..

А — *Autolytus*нинг жинсий кўпайиши. Б, В — ички куртакланиш туфайли ҳосил бўладиган индивидлар (Б — урғочиси, В — эркаги).



86-расм. Трохофора (А) ва уни вояга етган чувалчанг-га (В) айланиши.

1 — оғиз тешиги, 2 — ичак, 3 — анал тешиги, 4 — протонефрийлар, 5 — тепа пластинка, 6 — прототрох (киприклар камари).

ҳосил бўлади. *Autolytus* ва бошқа айрим кўптуклилар худди шундай кўпаяди (85-расм). Кейинчалик жинсий индивидлар бирма-бир ажрабиб кетиб, жинсий кўпайишга киришади.

#### Ривожланниши. Кўптуклилар тухуми тўлиқ, лекин нотекис майдаланади. Тухумдан

кўптуклилар учун ҳос бўлганди трохофора личинкаси (86-расм) чиқади. Личинка танаси юмaloқ ёки ноксимон бўлиб, унинг тепасида бир дастаузун киприклардан иборат кокили бор. Личинка танасини бир қатор киприклар белбоғ шаклида ўраб туради. Оғиз тешигидан олдинда жойлашган белбоғ прототрох дейилади. Баъзан бундай белбоғ оғиз тешигидан орқароқда ҳам бўлади.

Ичаги уч бўлим — олдинги, ўрга ва орқа ичакдан иборат. Ичак билан тана девори ўртасида бирламчи тана бўшлиғи бўлади. Ичакнинг иккى ёнида бир жуфт метанефрийлар жойлашган.

Трохофора бирмунча вақт эркин яшагандан сўнг метаморфозга киришади. Унинг кейинги қисми чўзилиб, бир неча сегментни ҳосил қилади. Сегментларда параподийлар, қиллар ёки киприкли белбоғлар ривожланади. Бу даврда мезодерма ҳужайраларидан ҳар бир сегментда бир жуфтдан целом халтачалари ҳосил бўлади. Метаморфоз давомида тепа пластинкаси тери остига ботиб кириб, бош мияни ҳосил қилади. Қорин томонида эктодерма ҳисобидан қорин нерв стволлари, сезги органлари — кўзлар ва пальпалар ҳосил бўлади. Ана шундай қилиб, бирламчи бўшлиқли сегментсиз трохофора сегментли метатрохофорага айланади. Метатрохофора энди бош бўлим — простомиум, бир неча гавда бўлими ва дум — пигидийдан иборат бўлади.

Метатрохофора бир неча вақт сузуб юриб, кейин сув тубида ҳаёт кечиришга ўтгач, унинг метаморфози давом этади. Унинг анал томонида ўсиш зонаси ҳосил бўлади. Бу жойда ҳужайралар тўхтовсиз бўлиниб, янги тана сегментларини ҳосил қилади. Бирламчи тана бўшлиғи

целом билан алмашынади. Ҳар бир сегментта параподийлар, эктoderма ҳисобидан нерв стволлари, сезги органлари, нерв ганглийлари ҳосил бўлади.

**Экологияси.** Кўптуклилар — турларга энг бой бўлган ҳалқали чувалчанглар синфи. Улар асосан денгизларда яшовчи 5300 га яқин турни ўз ичига олади. Кўптуклилар орасида сувда сузуви, денгиз тубида ўрмалаб, ёки балчиққа кўмилиб оловчи ҳамда ингичка най ичидаги ўтроқ яшовчи турлари бор. Айрим турлари паразит ҳаёт кечиради. Кўптуклиларнинг бир неча тури чучук сув ҳавзаларида тарқалган.

Кўптуклиларнинг катталиги бир неча мм дан 3 м гача бўлади. Кўпчилик турлари соҳилга яқин жойларда сув тубида, кўпинча 1000 м дан чукурроқ, баъзан 8000 м гача чукурликда учрайди. Бир неча планктонда ҳаёт кечирадиган турларининг танаси шаффоф бўлади. Сув тубида ҳаёт кечирадиган турлари сув ўтлари орасида ўрмалаб юради, кум ёки лойни кавлаб кириб олади. Қум чувалчангি худди шундай ҳаёт кечиради. Денгиз тубида маҳсус найчаларда яшайдиган ўтроқ кўптуклилар айниқса хилма-хил бўлади.

**Амалий аҳамияти.** Айрим тропик турлари, масалан, палоло — *Eunice virides* озиқ-овқат сифатида фойдаланилади. Сув тубида яшайдиган турлари овланадиган балиқлар, қисқичбақалар ва бошқа ҳайвонларнинг асосий озиги ҳисобланади. Кўптуклилардан *Nereis diversicolor* 1939-40 йилларда Қора денгиздан Каспий денгизга акад. Л. А. Зенкевич раҳбарлигига интродукция қилинган.


Кўптуклилар кезиб юрувчилар ва ўтроқ яшовчилар кенжа синфларига бўлинади.

#### 16.1.1. КЕЗИБ ЮРУВЧИЛАР (ERRANTIA) КЕНЖА СИНФИ

Бу кенжага бош қисми — простомиум яхши ривожланган, тана сегментлари бирмунча гомоном бўлган ҳалқали чувалчанглар киради. Параподийлари яхши ривожланган, кўпинча жабраларга эга бўлади. Нефридийлари метамер жойлашган. Кўпчилиги йиртқич, эркин яшайди. Денгиз сичқони (*Aphrodite*) нинг танаси қалин ва узун қиллар билан қопланган (87-расм). *Lepidonotus* танаси параподий мўйловлари ўзгаришидан ҳосил бўлган икки қатор пластинкалар билан қопланган. Танаси шаффоф ва йирик кўзли *Alciope vanadis* планктонда ҳаёт кечиради. Нереис турлари жинсий вояга етган эпиток даврига эга.

Кезиб юрувчи кўптуклилардан *Myzostomida* уруғи вакиллари игнатерилилар (денгиз нилуфарлари) да паразитлик қиласиди.

Бу кенжага дастлабки ҳалқалилар *Dinophilus* уруғи турлари ҳам киради. Динофилус турлари жуда содда тузилганлиги туфайли баъзан алоҳида синф — бирламчи ҳалқалилар (*Archiannelida*) синфига киритилади.



87-расм. Ҳар хил күп тукли ҳалқалилар.

А — құм чувалчанги, Б — неренс, В — филлодоце, Г — амфитрикс, Д — сабедлярия, Е — серпуда, Ж — денгиз сичқони.

### 16.1.1.2. ЎТРОҚ ҲАЛҚАЛИЛАР (SEDENTARIA) КЕНЖА СИНФИ

Еоши кучсиз ривожланган ёки редукцияга учраган. Параподийлари кучсиз ривожланган. Танаси кўпинча бир неча гетероном сегментлардан иборат. Жабралари танасининг маълум қисмida, кўпинча, бошида жойлашган. Одатда найча ичида яшайди. *Chaetopterus* тунда шуълаланади. Қумчувалчанг *Arenicola* 30 см гача катталикда, қумда уя қазиб яшайди. Серпула (*Serpula*), спирорбус (*Spirorbus*) оҳак най ичида яшайди. Амфитрит (*Amphitrite*) ва сабеллария (*Sabellaria*) нинг бош қисмida узун жабра ўсимталари бўлади (87-расм).

## 16.2. БЕЛБОГЛИЛАР (CLITELLATA) КЕНЖА ТИПИ


Белбоғлилар гермафродит ҳайвонлар. Жинсий безлари метамер жойлашган. Танасида белбоғи ривожланган. Ўзгаришсиз ривожланади. Иккита синф (камтуклилар ва зулуклар) га бўлинади.

### 16.2.1. КАМТУКЛИЛАР (OLIGOCHAETA) СИНФИ

Камтуклилар тана ўсимталари (параподий, пальпа, жабралар) йўқолиб кетган ҳалқали чувалчанглардан иборат. Камтуклиларда параподийлар ўрнига фақат уларнинг қиллари сақланиб колади.

Жинсий системаси гермафродит. Жинсий безлари танасининг бир неча олдинги сегментларида жойлашган. Улар чучук сув ва тупроқда яшайди. 3400 га яқин турлари маълум.

**Ташқи тузилиши.** Танаси бироз яссилашган цилиндр шаклида, узунлиги 0,5 мм дан 3 м гача. Танасининг олдинги бўғими простомиум ҳаракатчан, унда њеч-ќандай ўсимта бўлмайди. Танаси 30-40 тадан 600 тагача сегментдан ташкил топган, фақат айrim турларида 7-9 та сегмент бўлади. Камтуклилар простомиумдан ташқари ҳамма тана сегментларида тўрт тутам-



88-расм. Ёмғир чувалчангি олдинги қисмининг тузилиши.

А — ён томондан. Б — қорин томондан кўринниши:  
1 — простомиум, 2 — ён туклар, 3 — қорин туклар, 4 — эркаклик жинсий тешиги, 5 — урочишлик жинсий тешик, 6 — уруф ўтказувчи эгатча, 7 — белбоғи.

дан (шу жумладан, 2 та қорин ва 2 та ён) қиллар бўлади. Ҳар бир тутамдаги қиллар сони камтуклиларда бир хил бўлмайди. Ёмғир чувалчангидан ҳар бир тутамда бир жуфтдан, яъни битта сегментда 4 жуфтдан қиллар бўлади. Қилларнинг жойланиши параподийларнинг орқа ва қорин бўлаклари ўрнига мос келади. (88-расм).

Камтуклилар танаси кейинги анал қисми, яъни, пигидиумда анал тешиги жойлашган.

Камтуклиларнинг тана девори ва тери — мускул халтаси кўптуклиларнига ўхшаёт тузилган.


Уларнинг тери эпителийси ҳужайралари орасида безли ҳужайралар кўп бўлади. Улар чувалчанг териси юзасига шилимшиқ модда ишлаб чиқариб туради. Безли ҳужайралар ёмғир чувалчангининг 31-37 сегментлари йўғонлашувидан ҳосил бўлган белбоғида айниқса кўп бўлади. Кўпайиш даврида бу безлар суюқлигидан пилла ҳосил бўлади.

**Ички тузилиши.** Камтуклилар тери-мускул халтасининг тузилиши кўптуклиларнига ўхшайди. Уларда орқа мезентерийсининг бўлмаслиги, сегментлари орасида тери устига целом суюқлиги чиқариб турадиган майдада тешикчаларнинг бўлиши билан фарқ қиласи. Овқат ҳазм қилиши системаси ихтисослашган бўлиб, ҳалқум, қизилўнгач, мускулли ошқозон, ўрга ва орқа ичак бўлимларига бўлинади (89-расм). Ёмғир чувалчангларида қизилўнгач кенгайиб жиғилдонни ҳосил қиласи. Қизилўнгачга *морренов бези* деб аталадиган уч жуфт безларнинг йўли очилади. Безлар ажратиб чиқарадиган оҳак чувалчанг озиғи — чириётган ўсимлик қолдиги таркибида гумус кислотани нейтраллаштиради. Ўрга ичакнинг устки қисми, унинг бўшлигига ботиб кириб, тифлозолни ҳосил қиласи. Тифлозол ичакнинг ички ҳазм қилиш юзасини кенгайтириш ва зифасини бажаради.

**Қон айланиш системаси** кўптуклиларнига ўхшайди. Қоннинг қон томирлар бўйлаб айлани-

89-расм. Ёмғир чувалчанг анатомияси.

1 — оғиз бўлаги (простомиум), 2 — ҳалқумусти нерв тугуни, 3 — ҳалқум, 4 — қизилўнгач, 5, 13 — ҳалқа қон томирлари, 6 — орқа қон томирли, 7 — уруғ халталари, 8 — уруғдонлар, 9 — уруғ воронкалари, 10 — уруғ йўли, 11 — ҳалқалар ўртасидаги түсиқ, 12 — метанефридийлар, 14 — ичак, 15 — ошқозон, 16 — жиғилдон, 17 — тухум йўли, 18 — тухум воронкалари, 19 — тухумдон, 20 — уруғ қабул қилгич (рим рақамлари тана ҳалқаларини кўрсатади).



шини орқа ва ҳалқум атрофидаги ҳалқа қон томирлари таъминлаб туради.

Камтуклилар териси орқали нафас олади. Терида капилляр қон томирлар қалин түр ҳосил қиласи.

Айриш органлари сегментларда бир жуфтдан жойлашган метанефрийлардан иборат. Ўрта ичак ва қон томирларини сиртдан қоплаб турадиган хлорагоген ҳужайралар ҳам айриш функциясини ба жаради. Хлорагоген ҳужайраларда тана бўшлиғидаги қаттиқ айриш маҳсулотлари тўпланади. Бу ҳужайралар маҳсулотлари тана бўшлиғига тушиб, маҳсус тешик орқали чиқариб юборилади.

Нерв системаси бошқа ҳалқаличувалчангларни кига ўхшаш бўлиб, бир жуфт ҳалқумости ганглийлар, ҳалқум атрофи коннективалар ва қорин нерв занжиридан иборат.

Сезги органлари кучсиз ривожланган. Кўзлари бўлмайди, ёмғир чувалчанглари териси юзасида ёруғликка жуда сезгир ҳужайралар бўлади.

Жинсий системаси гермафрордит бўлиб, тананинг олдинги қисимида жойлашган. Хусусан, тананинг 10-11 сегментларига мос келадиган қисимида икки жуфт уруғдонлар жойлашган. Уруғдонлар уч жуфт уруғ халталарида жойлашган. Уруғ ҳужайралари уруғ капсулаларидан уруғ халтачаларига тушади. Бу ерда уруғ етилгандан сўнг яна уруғ йўлига келади. Капсулалардан уруғ йўли бошланади. Тананинг ҳар бир томонидан биттадан уруғ йўли бошланиб, 15-сегментда ташқарига очилади.

Урғочилик жинсий безлари танасининг 13 ва 14-сегментларидан жойлашган майда тухумдононлар, улардан бошланадиган тухум йўллари ва 9, 10-сегментларда жойлашган уруғ қабул қилгичдан иборат. Функционал жиҳатдан белбоғчадаги бир ҳужайрали безларни ҳам урғочилик жинсий системасига киритиш мумкин. Чунки бу безлар ишлаб чиқадиган суюқлик пилла ҳосил қиласи. Суюқлик таркибидаги оқсили модда эса ривожланаётган эмбрион учун озиқ бўлади.

Камтуклиларда уруғланиш икки ҳайвон ўртасида уруғ ҳужайралар алмашинишидан иборат. Бунинг учун иккита ёмғир чувалчанг қорин томони билан бир-бирига яқин келади, уларнинг бош томони бир-бирига қараган бўлади. Чувалчанглар белбоғчаси ишлаб чиқарган ўзимлиш қоддаси улар танасини иккита муфта шаклида ўраб олади. Битта чувалчанг эркаклик тешигидан ажralиб чиқадиган уруғ ҳужайралар маҳсус тарновча орқали иккинчи чувалчангнинг муфтачасига, ундан унинг уруғ қабул қилгичига ўтади. Шундан сўнг чувалчанглар ажralиб кетишади. Муфтачалар эса чувалчанг ҳаракатланиши туфайли унинг бош томонига қараб силжий бошлайди. Муфтача бош томонга силжиб бораётганида унга 14-сегментдаги урғочилик жинсий тешигидан тухум ҳужайралар, 9 ва 10-сегментдаги уруғ қабул қилгич тешигидан уруғ ҳужайралар тушади ва

тухумхұжайралари ана шу муфтачалар ичидә уруғланади. Муфтача чувалчангнинг бөш томонидан силжиб тупроққа тушади, унинг икки учи тортилиб бекилади, девори қалинилашиб пиллана айланади. Тұхумлар ана шу пилла ичидә ривожланади.

Айрим камтуклиларда жинссиз күпайиш ҳам содир бұлади. *Архитомия* деб аталаған бундай күпайишида чувалчанг танаси иккиге бўлинади. Олдинги бўлакда тананинг етишмаган орқа қисми, кейинги бўлакда олдинги қисми шакиланади. Ёмғир чувалчанги *Lumbricus variegatus* ва энхитреидлар худди шундай күпаяди. Камтуклилар жинссиз күпайишининг бошқа бир хили *паратомия* чучук сувларда ҳаёт кечирадиган стилярия (*Stylaria*)ларда кузатиласы. Паратомия худди киприкли чувалчангларнинг жинссиз күп марта кўндалангига бўлиниб күпайишига ўшайди.


**Ривожланиши.** Камтуклилар метаморфозсиз ривожланади. Ривожланиш циклида трохофора личинкаси бўлмайди. Тұхумлари пилла ичидә ривожланади. Пилладан ёш чувалчанг чиқади. Тубан камтуклилар пилласида бирданыга бир неча тұхум ривожланади. Юксак камтуклилар (*Lumbricomorpha* туркуми) пилласида оқсили суюқлик бўлади, тұхумида оқсил кам бўлади. Пиллада ривожланадиган эмбрион суюқликдаги оқсилини ютади. Ана шу сабабдан унинг тұхумдан чиққан муртаги "яширин эмбрион" дейиласы. Эмбрион пилла ичидә бир неча метаморфоздан сўнг вояга етган чувалчангга айланади.

Камтуклилар ҳам кўлтуклилар сингари жуда юқори даражада репродукция құлиш хусусиятига эга.

**Экологияси.** Камтуклилар асосан чучук сувлар ва тупроқда, баъзан денгизларда ҳаёт кечиради. Чучук сувда яшовчи камтуклилар сув тубида ўрмалаб юради ёки сув тубидаги лойда қазилган инларидан ҳаёт кечиради. Ўтроқ яшовчи камтуклилар танасининг фақат кейинги қисми лойдан сувга чиқиб туради. Улар танасининг кейинги қисмини тебратиб, нафас олишни кучайтиради. (*Tubifex* ва башқалар, 90-расм). Қуруқлик камтуклилари тупроқда ин қазиб ҳаёт кечиради. Инидан фақат жуда нам ҳавода (ёмғирдан сўнг) ёки кечаси салқында чиқади. Камтуклилар ҳар хил чириётгандар органик қолдиқлар, жумладан, чириётгандар үсимлик қолдиқлари ва чириндига бой тупроқ билан озиқланади.

**Амалий аҳамияти.** Тупроқда яшовчи ёмғир чувалчанглари ва энхитреидлар тупроқ унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Ч. Дарвин ёмғир чувалчангларининг тупроқ ҳосилдорлигини оширишдағы аҳамиятига катта баҳо берган. Ёмғир чувалчанглари тупроқни кавлаб үсимлик илдизларини тупроққа чуқур киришига имкон беради, унга сув ва ҳаво киришини яхшилади. Улар фаолияти туфайли тупроқ қатламлари аралашади ва юмшайди.

Бир квадрат метр жойдаги чувалчанглар бир йил давомида 4 кг тупроқни, худди шу муддатда 1 га майдондаги чувалчанглар эса 10 т



90-расм. Чучук сувда яшовчи камтуклилар.  
А — тубифекс қызил чувалчанги. Б — стилария.

дан 30 та гача тупроқни ер юзасига чиқариши мүмкін. Ёмғир чувалчанглардың үсімлік қолдикаларының инларига ташиб кириб уларни чиришини тезлаштиради, тупроқни ўғитлаб, унда гумус ҳосил бўлишига ижобий таъсир қиласди. Улар тупроқни ичагидан ўтказиб, копролитлар ҳолида чиқаради. Копролитлар тупроқни структуралди, донадор қиласди, емирилишдан сақлайди, унга нам шимилишини яхшилайди.

Чучук сув камтуклилари (*Tubifex* ва бошқалар) ўз ичагидан кўп миқдорда лойқани ўтказиб сув ҳавзаларини чириётган органик қолдиклардан тозалайди. Камтуклилар балиқларнинг озиғи сифатида ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга. Қызил чувалчанг (*Tubifex*) аквариум балиқларига озиқ сифатида, эйзения чувалчанг (*Eisenia*) биогумус олиш учун маҳсус кўпайтирилади.

**Классификацияси.** Камтуклилар синфи иккита туркумга бўлинади.

1. *Найдоморфлар* (*Naidomorpha*) туркуми турлари асосан чучук сув ҳавзаларida ҳаёт кечиради. Қызил чувалчанг — *Tubifex* органик қолдиклар билан ифлосланган кўлмак ва секин оқадиган сув ҳавзаларida кўп учрайди. *Stylaria* (90-расм), *Aeolosoma* планктонда, энхитреидлар (*Enchytraeus*) тупроқда ҳаёт кечиради.

2. Ёмғир чувалчанглари (*Lumbricomorpha*) туркуми чучук сув ҳавзалари ва айниқса, тупроқда кенг тарқалган. Танасининг узунлиги бир неча см дан (*Eisena*) айрим тропик турлари (*Megascolicidae*)



dae)да 2,5 м га етади. Марказий Осиёда 20 дан ортиқ турлари учрайди. Сүфориладиган ерларда *Nicodrilus caliginosus* күп учрайди. Чучук сув қисқибашаларида "қисқибаша зулуғи" деб аталадиган чувалчанг *Branchiobdella* паразитлик қиласы.

### 16.2.2. ЗУЛУКЛАР (HIRUDINEA) СИНФИ

Зулуклар күпинча ҳайвонларнинг қонини сўриб эктопаразитлик қиласыдан ёки йиртқич ҳаёт кечирадиган ҳалқали чувалчанлар. Денгиз, чучук сув, баъзан қуруқлиқда яшайди. 400 га яқин тури маълум. Яшаш муҳити зулукларнинг ташқи ва ички тузилишига катта таъсир кўрсатади. Қўйида эктопаразит зулукларнинг тузилиши келтирлади.

**Ташқи тузилиши.** Зулукларнинг тузилиши бошқа ҳалқали чувалчанлардан кескин фарқ қиласы (91-расм). Уларнинг танаси дорзовентрал (орқадан қорин томонга) йўналишда сезиларли яссиланган. Терисида ўсимталар (параподийлар, қиллар, пайпаслагичлар, жабралар) бўлмайди. Фақат содда тузилган қадимги зулуклар ва қилдор зулукларнинг дастлабки бешта сегментларида камтуклиларнига ўхшаш қиллар бўлади. Танасининг олдинги ва кейинги учида биттадан сўргичлари бўлади. Олдинги сўргичи оғиз тешигини ўраб туради, кейинги нисбатан кучли ривожланган сўргичи устида анал тешиги бўлади. Иккала сўргич ҳам қорин томонига бироз силжиган.

Зулуклар танаси сегментлари бошқа ҳалқалиларга нисбатан доимий бўлади. Кўпчилик зулуклар танаси 33 (*Acanthobdella* туркуми вакилларида 30) сегментдан иборат. Улардан дастлабки 4 таси бирга қўшилиб олдинги сўргични, охириги 7 та сегментлар эса кейинги сўргични ҳосил қиласы. Лекин зулукларнинг ҳақиқий ички тана сегментлари сони ташқи сегментлар сонига мос келмайди. Одатда




91-расм. Зулуклар.

А, Б — тибиёт зулуғи (орқа ва қорин томондан), В — клепсина зулуғи, Г — сохта пиллали зулуқ, Д — балиқ зулуғи.

битта ҳакиқий сегментта 3 дан 5 тағача ташқи сегментлар түрін келади. Ташқи сегментлар фақат тана қоплағичи ва қисман мускулларга тегишли бўлади.

Зулуклар танаси ҳалин кутикула билан қопланган. Кутикула остидаги эпителийда шилимшиқ безли ҳужайралар кўп бўлади. Эпителий ҳужайралар асосида пигмент ҳужайралари жойлашган. Зулуклар танаси ранги ана шу пигмент ҳужайралар билан боғлиқ. Эпителий остида ҳалқа ва кучли ривожланган бўйлама мускуллар жойлашган. Ички органлар оралиғи ғовак паренхима билан тўлган. Фақат қилдор зулукларда вояга етган даврида целом бўлади. Бошқа зулукларда целом лакунар най шаклида торайган бўлади (92-расм).

**Ички тузилиши.** Ҳазм қилиш системаси олдинги, ўрта ва орқа ичакдан иборат (92-расм). Оғзи олдинги сўргичи тубида жойлашган бўлиб оғиз бўшлиғига, кейин ҳалқумга очилади. Хартумли зулукларда ҳалқум мускулли най, яъни хартумни ҳосил қиласиди. Хартум оғиздан чиқарилиб, ўлжасини тутиш учун хизмат қиласиди. Жағли зулукларнинг оғиз бўшлиғида 3 та (1-орқа, 2-ён) валиклар бор. Валиклар қирраларида гитинли тишчалар биргаликда аррага ўхшаш жағ-



92-расм. Тиббиёт зулугининг анатомияси.

А — ичаги олиб ташланган. Б — ичагининг тузилиши: 1 — оғиз сўргичи, 2 — жағлар, 3 — бош ганглий, 4, 5 — қорин нерв занжири, 6 — метанефрийд, 7 — ўнг ён лакун, 8 — қўшимча без, 9 — куйикиш органи, 10 — уруғ чиқариш найи, 11 — уруғдон ўсимтаси, 12 — тухумдон, 13 — қин, 14, 15 — уруғдонларнинг олдинги жуфти, 16 — қовуқ, 17 — уруғдонларнинг кейинги жуфти, 18 — тананинг олдинги қисми, 19 — оғиз, 20 — ҳалқум, 21 — ютиш белзлари, 22 — ичак ҳалтачалари биринчи жуфти, 23 — ичак ҳалтачалари ўнинчи жуфти, 24 — орқа ичак, 25 — тўғри ичак, 26 — орқа сўргич, 27 — метанефрийд, 28 — тери, 29 — ҳалқа мускуллар, 30 — бўйлама мускуллар, 31 — паренхима.


ни ҳосил қиласи. Зулук озиқланганида жағлар хўжайин танасини тешиб, уч нурли жароҳат пайдо қиласи. Зулук шу жароҳатдан қон сўриб олади. Ҳалқумга бир ҳужайрали сўлак безлари йўли очиласи. Тиббиёт зулуги безлари суюқлигидаги гирудин оқсими қонни ивиб қолишига йўл қўймайди. Гирудин туфайли зулук қолдирган жароҳатдан узоқ вақт давомида қон оқиб туради. Зулук сўрган қон бир неча ой давомида ивимасдан консерваланган ҳолда сақланади. Ҳалқум ингичка қизилўнгач орқали ўрта ичакка очиласи. Ўрта ичак бир жуфт (тиббиёт зулугида 10-11 жуфт) ён ўсимталар, яъни халтачалар ҳосил қиласи. Улардан энг сўнгги жуфт ўсимтаси жуда кенг бўлиб, тананинг охиригача етади. Озиқ ичакнинг охирги халтачалари асосида жойлашган бўлими орқали қонга сўрилади. Орқа ичак тўғри найга ўхаш бўлади. Паразит зулуклар қон сўради. Айрим эркин яшовчи зулуклар ҳар хил умуртқасизлар (моллюскалар, чувалчанглар) билан озиқланади.

Нафас олиш органлари одатда бўлмайди. Фақат айрим денгиз зулуклари (Branchellion) турлари танасининг ён томонида ташқи жабралар бўлади. Бошқа зулуклар тери орқали нафас олади.

Ҳақиқий қон айланиш системаси фақат қилдор ва хартумли зулукларда бўлади. Бундай система камтукли чувалчангларни кига ўхаш бўлади. Бироқ хартумли зулукларда ёк қон айланиш системаси функциясининг бир қисми целом қолдиги билан боғланади. Жағли зулукларда ҳақиқий қон айланиш системаси вазифасини тўла-тўкис целом қолдиги бажаради. Содда тузилган қилдор зулуклар танасининг марказий қисмини целом эгаллайди. Унда ичак, нерв занжири, орқа ва қорин қон томирлари жойлашади (93-расм). Хартумли зулукларда целомдан фақат 4 та тана бўйлаб ўтадиган найлар, яъни лакунлар (биттадан орқа ва қорин, иккита ён) сақланиб қолади. Орқа лакун орқали орқа қон томири, қорин лакун орқали қорин қон томири, унинг остида эса қорин нерв занжири ўтади. Ён лакунлар қалин мускулли бўлади. Ён лакунлар девори қисқариши туфайли зулук танасида целом суюқлиги айланади.

Хартумли зулукларда орқа ва қорин лакун-


93-расм. Зулукларда целомнинг эволюцияси.  
Қилдор (А), хартумли (Б), жағли (В) зулуклар танасининг кўндаланг қисми: 1 — целом, 2 — қорин нерв занжири, 3 — қорин қон томири, 4 — ичак, 5 — орқа лакун, 6 — ён лакун, 7 — қорин лакун, 8 — орқа қон томири.



битта ҳакиқий сегментга 3 дан 5 тагача ташқи сегментлар түғри келади. Ташқи сегментлар фақат тана қоплағичи ва қисман мускулларга тегишли бўлади.

Зулуклар танаси қалин кутикула билан қопланган. Кутикула остидаги эпителийда шилимшиқ безли ҳужайралар кўп бўлади. Эпителий ҳужайралар асосида пигмент ҳужайралари жойлашган. Зулуклар танаси ранги ана шу пигмент ҳужайралар билан боғлик. Эпителий остида ҳалқа ва кучли ривожланган бўйлама мускуллар жойлашган. Ички органлар оралиғи ғовак паренхима билан тўлган. Фақат қилдор зулукларда вояга етган даврида целом бўлади. Бошқа зулукларда целом лакунар най шаклида торайган бўлади (92-расм).

**Ички тузилиши.** Ҳазм қилиш системаси олдинги, ўрта ва орқа ичакдан иборат (92-расм). Оғзи олдинги сўргичи тубида жойлашган бўлиб оғиз бўшлиғига, кейин ҳалқумга очилади. Хартумли зулукларда ҳалқум мускулли най, яъни хартумни ҳосил қиласди. Хартум оғиздан чиқарилаб, ўлжасини тутиш учун хизмат қиласди. Жағли зулукларнинг оғиз бўшлиғида 3 та (1-орқа, 2-ён) валиклар бор. Валиклар қирраларида гитинли тишчалар биргаликда аррага ўхшаш жағ-



92-расм. Тиббиёт зулугининг анатомияси.

А — ичаги олиб ташланган. Б — ичагининг тузилиши: 1 — оғиз сўргичи, 2 — жағлар, 3 — бош ганглий, 4, 5 — қорин нерв занжири, 6 — метанефридий, 7 — ўнг ён лакун, 8 — қўшимча без, 9 — куйикини органи, 10 — уруг чиқариш найи, 11 — уруғдон ўсимтаси, 12 — тухумдон, 13 — қин, 14, 15 — уруғдонларнинг олдинги жуфти, 16 — қовуқ, 17 — уруғдонларнинг кейинги жуфти, 18 — тананинг олдинги қисми, 19 — оғиз, 20 — ҳалқум, 21 — ютиш безлари, 22 — ичак ҳалтачалари биринчи жуфти, 23 — ичак ҳалтачалари ўнинчи жуфти, 24 — орқа ичак, 25 — түғри ичак, 26 — орқа сўргич, 27 — метанефридий, 28 — тери, 29 — ҳалқа мускуллар, 30 — бўйлама мускуллар, 31 — паренхима.


ни ҳосил қиласи. Зулук озиқланганида жағлар хұжайин танасини тешіб, уч нурли жароқат пайдо қиласи. Зулук шу жароқатдан қон сүриб олади. Ҳалқумга бир ҳужайралы сұлак безлари йўли очиласи. Тиббиет зулуги безлари суюқлигидаги гирудин оқсили қонни ивиб қолишига йўл қўймайди. Гирудин туфайли зулук қолдирган жароқатдан узоқ вақт давомида қон оқиб туради. Зулук сўрган қон бир неча ой давомида ивимасдан консерваланган ҳолда сақланади. Ҳалқум ингичка қизилўнгач орқали ўрта ичакка очиласи. Ўрта ичак бир жуфт (тиббиёт зулугида 10-11 жуфт) ён ўсимталар, яъни халтачалар ҳосил қиласи. Улардан энг сўнгги жуфт ўсимтаси жуда кенг бўлиб, тананинг охиригача етади. Озиқ ичакнинг охирги халтачалари асосида жойлашган бўлими орқали қонга сўрилади. Орқа ичак тўғри найга ўхашаш бўлади. Паразит зулуклар қон сўради. Айрим эркин яшовчи зулуклар ҳар хил умуртқасизлар (моллюскалар, чувалчанглар) билан озиқланади.

Нафас олиш органлари одатда бўлмайди. Фақат айрим денгиз зулуклари (Branchellion) турлари танасининг ён томонида ташқи жабралар бўлади. Бошқа зулуклар тери орқали нафас олади.

Ҳақиқий қон айланиси системаси фақат қилдор ва хартумли зулукларда бўлади. Бундай система камтукли чувалчангларнига ўхашаш бўлади. Бироқ хартумли зулукларда ёк қон айланиси системаси функциясининг бир қисми целом қолдиги билан боғланади. Жағли зулукларда ҳақиқий қон айланиси системаси вазифасини тўла-тўқис целом қолдиги бажаради. Содда тузилган қилдор зулуклар танасининг марказий қисмини целом эгаллайди. Унда ичак, нерв занжири, орқа ва қорин қон томирлари жойлашади (93-расм). Хартумли зулукларда целомдан фақат 4 та тана бўйлаб ўтадиган найлар, яъни лакунлар (биттадан орқа ва қорин, иккита ён) сақланиб қолади. Орқа лакун орқали орқа қон томири, қорин лакун орқали қорин қон томири, унинг остида эса қорин нерв занжири ўтади. Ён лакунлар қалин мускулли бўлади. Ён лакунлар девори қисқариши туфайли зулук танасида целом суюқлиги айланади.

Хартумли зулукларда орқа ва қорин лакун-

93-расм. Зулукларда целомнинг эволюцияси.  
Қилдор (А), хартумли (Б), жағли (В) зулуклар танасининг кўндалант кесими: 1 — целом, 2 — қорин нерв занжири, 3 — қорин қон томири, 4 — ичак, 5 — орқа лакун, 6 — ён лакун, 7 — қорин лакун, 8 — орқа қон томири.



ларидаги қон томирлари бутунлай йўқолиб, целом қолдиғи, яъни лакунар система қон томири функциясини ўтайди. Лакун суюқлиги ҳам қон хусусиятларига эга бўлиб, қизил рангга бўялган қон тракибида гемоглобин ва амёбоид ҳужайралар бўлади. Шундай қилиб зулуклар мисолида бир хил физиологик аҳамиятга эга бўлган, бироқ келиб чиқиши ўхшаш бўлмаган органлардан бирини иккинчиси билан алмашиниши, яъни *субституцияни* кўриш мумкин.

**Айириш системаси** анча ўзгарган метанефридијлардан иборат. Айириш найи метамер жойлашган, фақат олдинги ва кейинги сегментларида бўлмайди. Масалан, танаси 33 сегментдан иборат медицина зулугида ҳаммаси бўлиб 17 жуфт метанефридијлар бўлади. Зулуклар метанефридијий найининг ички учи берк бўлади. Нефридијлар деворидан суюқлик диффузияланиб ўтади.

Нерв системаси бошқа ҳалқалиларни кига ўхшайди. Қорин нерв занжирида 20 ёки ундан кўпроқ ганглий бор. Ҳалқумости ганглийси тўртта, энг охири ганглий эса 7 та оддий ганглийларни қўшилишидан ҳосил бўлади.

Зулукларниң сезги органлари ҳар бир сегментда бир қатор қўндаланг бўлиб жойлашган "қадаҳсимон органлар"дан иборат. Бу органлар жуда баланд сезгири эпителий ҳужайралардан ҳосил бўлади. Ҳужайралардан қорин нерв занжирига нервлар чиқади. Қадаҳсимон органлар кимёвий сезги вазифасини бажариши мумкин. Кўпчилик зулукларда тананинг олдинги қисмидаги қадаҳсимон органлар кўзга айланади. Тери остида сиртдан қора пигмент билан ўралган кўз қадаҳи бўлади. Қадаҳ ичидаги ёргуликка сезгири ҳужайралар жойлашади. Кўзлар фақат ёргулик билан қоронғиликни фарқ қила олади.

**Жинсий системаси гермафродит.** Медицина зулуги жинсий системаси танасининг ўрта қисмидаги жойлашган 9 жуфт уруғ ҳалталаридан иборат. Уруғ ҳалталаридан бошланадиган ингичка уруғ йўллари тананинг икки ёнида умумий уруғ йўлига қўйилади. Тананинг олдинги томонида ҳар қайси уруғ йўли чигал ҳосил қиласи, кейин битта умумий уруғ тўкиш найига қўшилиади. Уруғ тўкиш найи қўшилиш органи ичидаги жойлашган. Қўшилиш органи зулук танасидан ташқарига чиқарилиши мумкин.

Урғочи жинсий системаси бир жуфт тухум ҳалталари ва уларниң ичидаги жойлашган тухумдонлардан иборат. Тухум ҳалталаридан бошланадиган тухум йўллари бачадонни ҳосил қиласи. Бачадон мускулли кенг жинсий қин билан боғланган. Урғочилик жинсий тешик қорин томонида, эркақлик жинсий тешикдан орқароқда жойлашган.

Шундай қилиб, зулуклар жинсий системасининг тузилиши ва тухум ҳужайраси ривожланишининг бир қанча хусусиятлари билан камтуклиларга ўхшаб кетади. Хусусан, бу икки гуруҳнинг гонадалари целом ҳалталаридаги жойлашади, тухумларини пиллага қўяди, муртаги пилла ичидаги ривожланади. Зулуклар тухумининг организмда уруғла-

ниши билан камтуклилардан фарқ қиласы. Уруғланиш сперматофор орқали ҳам содир бўлиши мумкин. У ҳолда уруғлар маҳсус сперматофор қопчиқ — ичидаги бўлади. Индивидлардан бири сперматофорини иккинчиси терисига тиқиб кўяди. Уруғлари тери орқали зулук паренхимасига, ундан жинсий системасига ўтади.

Копулятив органи бўлган зулуклар (*Hirudinidae* оиласи) да бу орган ургочилик жинсий йўлига киритилади. Пилла маҳсус тери безлар суюқлигидан ҳосил бўлади. Бу безлар танасини маълум сегментларида (тиббиёт зулугида 9-11 сегментларда) жойлашган. Бу сегментлар камтуклилар белбоғига мос келади. Зулуклар пилласини сув тубига, сув ўтларига ёки қирғоқдаги нам тупроққа кўяди.

Хартумли зулукларнинг ривожланиши *Naidomorpha* туркумидан кам фарқ қиласы. Жағли зулукларда эса *Lumbricimorpha* туркуми турларидаги сингари "яширин личинка" ривожланади. Тухум ҳужайрасининг майдаланиши камтуклиларга ўхшаш бўлади.

Зулуклар иккита кенжасини синфида бўлинади.

#### 16.2.2.1. ҚАДИМГИ ЗУЛУКЛАР (ARCHIHIRUDINEA) КЕНЖА СИНФИ

Тубан тузилган зулуклар. Танасининг олдинги бешта сегментида параподийлар қолдиги — қиллар сақланиб қолган. Целом ва қон томирлари бўлади. Битта туркуми (қилдор зулуклар *Acanthobdellida*), иккита тури маълум.

*Acanthobdella pelerina* шимолий ўлкалар ва Сибир қўлларида, A. ivanovi Камчатка қўлларидаги балиқларда паразитлик қиласы.

#### 16.2.2.2. ҲАҚИҚИЙ ЗУЛУКЛАР (EUCHIRUDINEA) КЕНЖА СИНФИ

Терисида қиллар бўлмайди. Целоми редукцияга учраган. Қон айланниш системаси тўлиқ ёки қисман редукцияга учраган. 2 туркумга бўлиниади.

1. Хартумли зулуклар (*Rhynchobdellida*) туркуми. Эркин яшовчи ва асосан балиқларда паразитлик қилувчи зулуклар. Мускулли хартумлининг бўлиши билан бошқа зулуклардан фарқ қиласы. Хартумини оғзидан чиқариб, ўлжасига ташланади.

Айрим хартумли зулуклар балиқларга жиддий заарар етказади. Балиқ зулуги — *Piscicola geometra* (90-расм) карпсимонлар қонини сўриб, ёш балиқларга катта зиён келтиради. Айрим турлари иссиққонли ҳайвонларда (мас., қушларда) паразитлик қиласы. Айрим хартумли зулукларда насли тўғрисида гамхўрлик қилиш инстинкти ҳам учрайди. Эркин яшовчи йиртқич зулук *Glossiphonia complanata* тухумдан чиқсан наслини қорин томонида олиб юради. Бу зулук чу-

чук сув ҳавзаларида кенг тарқалган, құнғир-күкиш тусда, катталиги 3 см га яқин, ҳар хил моллюскаларни тутиб ейди.

2. **Жағли зулуклар** (*Gnathobdella*) түркүми. Оғиз бұшлиғида учта маҳсус валиғи — жағлары бор. Жағлари күпинча хитин тищчалар билан қопланған.

Тиббиёт зулуғи (*Hirudo medicinalis*), (92-расм) Украина ва Кавказда учрайди. Бу зулукни тромб ҳосил бўлиши билан бөглиқ қон томирла-ри касалликлари гипертония, склерознинг бошланғич давлари, ин-сультнинг олдини олиш ва бошқаларни даволашда фойдаланилади. Зулукнинг сұлак безларидан қимматбаҳо доривор модда гирудин оли-нади. Қон сўраётган зулукка қон ички органлардан оқиб келиши ту-файли касал одамнинг аҳволи яхшиланиши қадимдан маълум. Тиб-биёт зулуғи маҳсус заводларда кўпайтирилади.

**Сохта пиллали,** яъни сохта от зулуғи *Naemopis sanguisuga* жуда кенг тарқалган. Марказий Осиёда бу зулук тоғли ҳудудлардаги тиник сувли кўл ва сойларда учрайди. Сохта от зулагининг жағлари кучсиз ривожланған. Йиртқич ҳаёт кечиради,чувалчанглар ва моллюскалар билан озиқланади.

Айрим зулуклар одамда ҳам паразитлик қиласи. Марказий Осиё-да (Тошкент, Самарқанд, Ашхобод атрофида) учрайдиган *Limnatis turkestanica* сув билан одамнинг ҳалқумига ўтиб қолганида паразитлик қилиши мумкин.

Қуруқлиқда яшовчи зулук *Naemodipsa ceylonica* Шриланка ва Зонд архепелаги тропик ўрмонларидан тарқалған. Одам ва сутэмизувчи ҳайвонлар қонини сўради.

### 16.3. ЭХИУРИДЛАР (ECHIURIDA) СИНФИ

Эхиуридларнинг систематик ўрни аниқ маълум эмас. Қўпчилик олимлар уларни ҳалқали чувалчангларга яқинлаштиришади. Денгиз тубида лойга кўмилиб ҳаёт кечиради. Танаси ва целоми сегментларга ажralмаган. Личинкаси ҳалқалиларга ўхнаш трохофора. 150 га яқин тури маълум.

**Ташқи тузилиши.** Танаси узунлиги 3 см дан 185 см гача. Танаси сегментларга ажralмаган, олдинги қисмида узун хартуми, орқа қисмида чиқарип тешиги бўлади. Оғзи хартуми асосида жойлашган (94-расм) Баъзи турларининг хартуми иккига ажralған. Хартумининг чуқурлашган қорин томонида киприклари бўлади. Киприклар сув ва ундаги майдада организмларни оғиз томонга ҳайдайди. Оғзидан кейинроқда 2 та йирик қайлари бўлади. Танасининг кейинги қисмида ҳам кўптуклиларнинг қилларига ўхшаш 2 қатор киприклари бўлади. Танаси бир қават эпителий билан қопланған. Эпителий тана сиртига кутикула ишлаб чиқаради. Эпителий остида 2 қатор мускуллар бор. Целом бўшлиғини перитонеал эпителий ўраб туради.

**Ички тузилиши.** Ҳазм қилиш системаси узун эгри-буғри найдан

94-расм. Эхиурид (*Echiurus echiurus*)нинг қорин томондан кўриниши.

1 — хартум, 2 — хартум ўсимтаси, 4 — жинсий тешиклар, 5 — анал қиллар, 6 — анус.


иборат бўлиб, олдинги, ўрта ва кейинги қисмларга бўлинади. Ичак танадан 10 мартағача узунроқ. Орқа ичак жойлашган бир жуфт анал халтачалари 12-300 та хилпилловчи воронкалар билан қопланган. Воронкаларнинг бир учи целомга, иккинчى учи анал халтасига очилади. Анал халтачалари нафас олиш ва айриш вазифасини бажаради.


**Қон айланиш системаси** тана бўйлаб унинг орқа қисмидан ўтадиган қон томиридан иборат. Қон томири иккига ажралиб, иккита ён хартум томирларини ҳосил қиласди. Бу томирлар хартумдан орқароқда битта умумий қорин қон томирига бирлашади. Қорин қон томири ичак ости бўйлаб тананинг орқа томонигача давом этади. Орқа ва қорин қон томирлар ичак атрофини айланиб ўтадиган иккита ҳалқа томирлари орқали туташган. Қони рангсиз, лейкоцитлари бўлади.

Айриш системаси уч хил кўринишга эга. Эхиурид личинкаси бир жуфт протонефридийдан иборат. Протонефридий метаморфоз жараёнида редукцияга учрайди. Вояга етган даврида анал халталари айриш вазифасини бажаради. Вояга етган эхиуридларда целомга очиладиган типик нефромиксиялар ҳам бўлади. Нефромиксиялар тананинг олдинги қисмida жойлашган бўлиб, қорин томондан ташқарига очилади. Кўпчилик эхиуридларда улар 1-4 жуфт бўлади.

**Нерв системаси** кучсиз ривожланган. Марказий нерв системаси қорин нерв стволи ва ҳалқум атрофи нерв ҳалқасидан иборат. Нерв системаси умумий тузилиши кўптуклilarга ўхшаса-да нерв ҳужайраларининг нерв стволи бўйлаб тарқоқ жойлашганлиги, яъни нерв ганглийларининг бўлмаслиги билан улардан фарқ қиласди. Айрим сезгир ҳужайралардан бошқа сезги органлари ҳам бўлмайди.

**Жинсий системаси.** Эхиуридлар айрим жинсли. Гонадалари тоқ, танаси кейинги қисмининг қорин томонида жойлашган. Жинсий диморфизм кескин ривожланган. Бонеллиянинг ургочиси яшил рангли, узунлиги 1-15 см гача, хартумининг учи иккига ажралган. Эркаги жуда майда (1-3 мм) бўлиб, ургочиси нефридийлари бўшлиғида яшайди. Эркаги танаси киприклар билан қопланган





95-расм. Бонеллияда жинсни фенотипик аниқлаш.

А — сузиг юрадиган личинка. Б — катта ёндағы урғочи личинка. В — урғочиси. Г — урғочиси бачадонидан олинган эркаги: 1 — ұлактамалды нерв ұлқасы, 2 — күз дөғи, 3 — прототрох, 4 — олд ичак, 5 — қорин нерв стволы, 6 — үртага ичак, 7 — анал киприклар, 8 — хартум, 9 — қүшиар, 10 — протонефрийді, 11 — тана, 12 — метанефрийді, 13 — анал ҳалта, 14 — урғочицик жинсий тешити, 15 — урғочиси хартумидагы личинкалар, 16 — целомдагы уруғ ұхжайралар, 17 — эркаклык жинсий тешити, 18 — уруғ йүлі, 19 — эркаклык жинсий тешити.

(95-расм), тузилиши жуда соңдалашған, қон айланыш системаси бұлмайды, ичагининг учи берк, оғзы бұлмайды. Эркакларининг ҳаёти үзига хос бўлади. Дастилаб улар урғочиси хартумида үрмалаб юради, сўнгра унинг ичагига, кейин нефридийларига ўтиб олади. Эркаклари нефридийлар орқали ўтадиган тухум ұхжайраларига уруғ чиқаруб, уларни уруғлантиради.

**Ривожланиши.** Кузатишлар личинкалар яшаётган муҳит шароитини жинс ривожланишидаги аҳамиятини күрсатади. Личинкалар алоҳида боқилганида улардан фақат урғочи жинс ривожланади. Агар личинка вояга етган урғочиси солинган идишда боқилса, улар урғочиси хартумига ўтириб олиб регрессив метаморфозга учрайди, яъни, тузилиши содалашади ва паразит эркагига айланади. Личинканинг эркак бонеллияда айланishi урғочиси хартуми қоплагиичи ишлаб чиқарадиган моддага боғлиқ.

#### 16.4. СИПУНКУЛИДЛАР (SIPUNCULIDA) СИНФИ

Сипункулидлар — денгизларда сув тубидаги лойни ковлаб ёки бўш найчаларда ва чиганоқларда яшайдиган чувалчангимон ҳайвонлар. 250 га яқин тури маълум. Систематик ўрни эхиуридлар сингари аниқ маълум эмас. Вояга етган даврида ёки личинкаларида ҳам ҳеч қандай метамер белгилар кўринмайди. Улар ҳам бирламчи сегментлашмаган целомик ҳайвонлар ҳисобланади.

Сипункулидлар танаси ингичкалашған хартумга ва бирмунча кенг

гавда қисмiga бўлинади. Хартуми танаси ичига маҳсус мускуллар ёрдамида тортилиши ёки чиқарилиши мумкин. Оғзи хартумининг учки қисмida жойлашган. Тери-мускул халтаси яхши ривожланган. Қон айланиш системаси бўлмайди. Айриш системаси нефромиксиялардан иборат.

Сипункулидлар айрим жинсли ҳайвонлар. Тухумидан трохофора личинкаси чиқади.

Сипункулидлар деярли ҳамма денгизларда учрайди. Танасининг ўртacha узунлиги бир неча сантиметр, энг йирик вакили *Siphonomecus multicinctus* нинг узунлиги 51 см га етади.

### ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ

Айрим киприкли чувалчанглар ва немертиналарда метамерияни айрим органларнинг тана ўқи бўйлаб кўп марта такрорланиши та-риқасида намоён бўлиши, трохофора личинкасини киприкли чувалчанглар ва немертиналарнинг мюллеров личинкасига ўхашалиги ҳалқали чувалчангларни киприкли ясси чувалчанглардан келиб чиққанлигини кўрсатади. Ҳалқалиларнинг юксак тузилиши асосий белгиси целом ва қон айланиш системасининг ривожланганигидир.

Целомнинг келиб чиқиши тўғрисида бир неча назариялар мавжуд.

1. Схизоцел назариясига кўра целом тўғарак чувалчангларнинг бир-ламчи тана бўшлиғи гомологи ҳисобланади. Лекин бу назария кўпчилик ҳайвонлар эмбрионал ривожланишида целомни ичак деворидан ҳосил бўлишини изоҳлаб беролмайди.

2. Миоцел назарияси бундан аввалги назарияга ўхшайди. Унга кўра целом мускул бошланғичидаги бўшлиқ сифатида ҳосил бўлган. Целом дастлаб фақат таянч аҳамиятига эга бўлган. Миоцел назарияси целомни бошқа функцияларини тушунтириб беролмайди.

3. Гоноцел назариясига кўра целом тубан чувалчанглар жинсий безларидан ҳосил бўлган. Ҳар бир целомик халтачалар бўшлиғи киприкли чувалчанглар ёки немертиналар жинсий безлари бўшлиғига мос келади. Дарҳақиқат целом жинсий функцияни бажаради. Агар целом гонадалардан ҳосил бўладиган бўлса, у ҳолда жинсий безларнинг бир қисми соматик ҳужайраларни ҳосил қилган, дейишга тўғри келади.

4. Энteroцел назарияга кўра целом бўшлиқчилар ва тароқлиларнинг гастроаскуляр системасидан ҳосил бўлган. Юксак бўшлиқчилар (медузалар) гастроаскуляр найи эндодермаси остида жинсий безлар ривожланишини қайд қилган ҳолда целомнинг жинсий функциясини энteroцел назария тўғри тушунтириб беради. Бу назария эътиборан гоноцел назарияни ҳам ўз ичига олади. Энteroцел назарияга кўра тароқлилар ичаги ва иккиласми тана бўшлиқчилар целомодуктлари (целом органлари) келиб чиқиши жиҳатдан жуда яқин органлар.

Иккиламчи оғизлиларда целом халталарини эндодермал ичакнинг ён бўртиқларидан, яни, энteroцел усулда ҳосил бўлиши ҳам энтероцел назариясини тўғрилигини исботлайди. Аммо бирламчи оғизлиларда целом ва мезодерма бошқа усулда ҳосил бўлади. Эмбрионал ривожланиши даврида целом мезодерма вараги ҳужайраларини ажralиб чиқиши туфайли, мезодерма варақлари эса иккита бошлангич мезодерма ҳужайраларидан, яни, телобластик усулда ҳосил бўлади.

Бир қарашда энteroцел усул билан телобластик усул ўргасида катта фарқ борга ўхшаса-да, улар бир-бирига жуда яқин туради. Чунки мезодермани ҳосил қиласидан бластомерлар ҳам дастлаб эндодермага тегишили бўлган. Кейинчалик эмбрион ривожланишининг соддалашуви натижасида мезодерма варақлари эндодермадан жуда эрта ажralиб чиқкан иккита ҳужайрадан ҳосил бўлган.

Қон томирлари бўшлиғи паренхима ичидаги ёриқсимон ёки найсимон бўшлиқлар тариқасида шаклланган. Паренхима тўқимасини зичлашишидан қон томирлари девори, унинг суюқлашуви натижасида қон ҳосил бўлган.

Шундай қилиб, ҳалқали чувалчанглар тубан чувалчангларнинг катта филогенетик тармоғи ҳисобланади. Улар орасида кўптуклилар марказий ўринни эгаллади. Чучук сув кўптуклилардан тупроқда яшашга мосланиш туфайли камтуклилар, улардан эса зулуклар келиб чиққан. Чучук сувда яшашга ўтиши туфайли ҳайвонларда метаморфоз йўқолган. Зулукларнинг паразит яшашга ўтиши билан целомни иккиламчи тарзда паренхима сиқиб чиқарган, ясси чувалчангларга ўхшаш конвергент белгилар пайдо бўлган.

Содда тузилган полимер ҳалқалилар кўп сонли бир-бирига ўхшаш сегментлардан иборат (гомоном сегментация). Уларнинг параподийлари ва ички органлари ҳам кўп сонли, бир хилда тузилган. Эволюция давомида сегментлар, параподийлар ва ички метамер органлар тобора ихтисослашади, сегментлар ва органлар сони камайиб, стабиллашиб боради. Целом тўсиги, метанефрийлар ва целомодуктлар сони камайиши (*олигомеризация*) туфайли сегментлар гетерономлиги кучайиб боради, нефрийлар ва целомик органдар (целомодуктлар)нинг бир қисми редукцияга учрайди.

## 17. БЎҒИМОЁҚЛИЛАР (ARTHROPODA) ТИПИ

БЎғимоёқлилар типи ниҳоятда хилма-хил тузилган ва ҳар хил муҳитга мослашган 2,0 млн.дан ортиқ умуртқасиз ҳайвонлар турлари ни ўз ичига олади. Улар ҳамма денгиз, океан ва чучук сув ҳавзаларида, айниқса Ер юзининг қуруқлик қисмida кенг тарқалган. Улар тупроқда, ўсимлик ва ҳайвонлар танасида, турли органик қолдиқларда ҳам учрайди.

БЎғимоёқлилар иссиқ ва нам тропик иқлимли ўлкаларда айниқса

күп учраб, хилма-хил бўлади. Бу ҳайвонларни сувсиз жазирама иссиқ саҳроларда, Арктика ва Антарктиданинг қаҳратон совуғида ҳам учратиш мумкин. Турларининг хилма хиллиги ва ер юзида тарқалиши жиҳатидан бўғимоёқлилар бошқа ҳамма ҳайвонларни бирга қўшиб ҳисоблагандা ҳам бир неча марта устун туради.

Бўғимоёқлилар типига мансуб бўлган ҳайвонлар тузилишининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Танаси қаттиқ ва пишиқ қутукула билан қопланган. Кутукуласини тана деворининг гиподерма қаватидаги ҳужайралар ишлаб чиқариб, унинг асосий қисми хитиндан иборат. Хитин мураккаб азотли бирикма бўлиб, пишиқ ва турли кимёвий таъсирларга чидамли. Кўпчилик ҳайвонлар кутукуласига кўп миқдорда оҳак шимилиши натижасида жуда қаттиқлашади. Кутукула ҳайвонлар танасини кимёвий ва механик жароҳатланишдан ҳимоя қилиши билан бирга тана органлари учун таянч скелет вазифасини ҳам ўтайди. Кўпинча кутукула қалинлашиб, жуда мустаҳкам тана қалқонини ҳосил қиласди. Қуруқликда ҳаёт кечиришга мослашган бўғимоёқлилар кутукуласининг сирти мумсимон ва ёғсимон мoddадан ҳосил бўлган парда — эпикутукула билан қопланган. Эпикутукула сувни ҳайвон танасидан бугланиб кетишига йўл қўймайди.

2. Бўғимоёқлилар танаси ва оёқлари бўғимларга бўлинган. Тана бўғимларининг тузилиши ва ўлчами ҳар хил (*гетероном*) бўлади. Кутукула ҳар бир тана бўғимида тўртта пластинка — склеритларни ҳосил қиласди. Орқа пластинка *тергит*, икки ён пластинкалар *плеврит* ва остки қорин пластинкаси *стернит* дейилади. Кутукула қалин ва қаттиқ бўлганлигидан ҳайвонларни эркин ҳаракатланишига тўскенилик қилиши мумкин. Шунинг учун склеритлар бўғимлар оралифида жуда юнса эгилувчан кутукула парда ёрдамида ўзаро қўшилган. Бўғимоёқлиларнинг оёқлари ҳалқали чувалчангларнинг параподий ўсимталаридан келиб чиқсан бўлиб, танасига ҳаракатчан бирикади. Оёқларнинг бўғимларга бўлинганилиги ва танага ҳаракатчан бирикканлиги туфайли бўғимоёқлилар хилма хил ва мураккаб ҳаракат қила олади.

3. Бўғимоёқлиларнинг танаси — бош, кўкрак ва қориндан иборат учта бўлимга бўлинади. Эволюция жараёнида тана бўлимларининг ўзаро қўшилиб кетиши натижасида улар сонининг тобора камайиб бориши кузатилади. Масалан, дарё қисқичбақасининг бош ва кўкрак бўлимлари қўшилиб, битта бошкўкракка бирлашганлиги сабабли улар танасини икки бўлим — бошкўкрак ва қоринга ажратиш мумкин. Каналарда эса ҳамма тана бўғимлари бир-бири билан қўшилиб кетган. Бош бўлими акрондан ва тўртта тана бўғимидан келиб чиқсан. Бўғимоёқлилар бошида сезги ва озиқланиш учун зарур бўлган аъзолар жойлашган. Бошнинг биринчи бўғими *акрон* ҳалқали чувалчанглар простомиумига мос келади. Бошқа тўртта бош бўғимлари ҳалқали

чувалчанглар тана бүгимларидан келиб чиқсан бўлиб, ҳар хил сис-  
тематик гуруҳларда турли даражада ўзгарган. Кўкрак бўлими 3-8  
бўгимлардан ташкил топган, унда юриш оёқлари ёки қанотлари (ҳаша-  
ротларда) жойлашган.

4. Бўғимоёқлиларнинг мускуллари танада тўп-тўп бўлиб жойлаш-  
ган кўндаланг тарғил мускуллардан иборат. Мускулларнинг бир учи  
тана аъзоларига, иккинчи учи тана қоплағичининг қалинлашган  
қисмларига келиб бирикади. Бу жиҳатдан улар ҳалқали чувалчанглар-  
нинг тери мускул халтаси девори ва силиқ мускулларидан кескин фарқ  
қиласди.

5. Тана бўшлиғи аралаш бўшлиқ — мискоцелдан иборат. Эмбрионал  
ривожланиш даврида кўп ҳолларда дастлаб сегментларга ажралган ик-  
киламчи тана бўшлиғи целом шакланади. Лекин кейинчалик унинг  
девори емирилиб целомик халталар бир-бири ва бирламчи тана бўшлиғи  
қолдиқлари билан аралашиб кетиб аралаш тана бўшлиғи, яъни миско-  
целни ҳосил қиласди. Шундай қилиб, бўғимоёқлиларнинг ички орган-  
лари мискоцелда жойлашган.

6. Овқат ҳазм қилиш системаси олдинги, ўрта ва орқа ичакдан  
ҳамда овқат ҳазм қилиш ферментлари ишлаб чиқарадиган бир қанча  
безлардан иборат. Ичагининг олдинги ва кейинги кутикула билан  
қопланган қисмida киприкли эпителий бўлмайди. Бўғимоёқлилар  
хилма-хил усулда озиқланади. Улар орасида қаттиқ ўсимлик ва  
ҳайвон тўқималари, турли органик қолдиқлар, шунингдек бошқа  
ҳайвонлар ҳисобига озиқланадиган йиртқичлар, қон сўрувчи тур-  
лар ҳам кўп учрайди. Оғиз органлари ва ичагининг тузилиши озиқ-  
ланиш усулига биноан ҳар хил бўлади.

7. Қон айланиш системаси очиқ бўлиб, танасининг орқа томонида  
жойлашган узунчоқ ёки пуфакка ўхшаш юракдан бошланади. Қон юрак-  
ка клапанли тешиклар — остийлар орқали ўтиб, тўғридан-тўғри ёки  
бир неча қон томирлари (артериялар) орқали тана бўшлиғига чиқиб  
кетади. Йирик дентиз қисқичбақасимонларининг қонида гемоцианин  
пигменти бор. Шунинг учун уларнинг қони кўкимтири рангда бўлади.  
Бу пигмент таркибида мис бор. Пигмент худди гемоглобинга ўхшаб  
кислородни бириттириб олиш хусусиятига эга. Қон айланиш система-  
си очиқ бўлганлиги сабабли бўғимоёқлиларнинг қони тана суюқлиги  
билан аралашиб кетган. Шунинг учун уни гемолимфа деб аталади.

8. Нафас олиш аъзолари жабра, ўпка ёки трахеялардан иборат. Жаб-  
ралар фақат бирламчи сувда яшовчи бирмунча йирик бўғимоёқлилар  
учун хос бўлиб, ҳалқали чувалчанглар параподийларининг ўзгариши-  
дан келиб чиқсан. Трахея ва ўпка қуруқликда ҳаёт кечиришга мослаш-  
ган бўғимоёқлилар учун хос бўлган нафас олиш аъзолари ҳисобланади.  
Трахеялар ҳайвонот дунёсида фақат бўғимоёқлиларда учрайдиган анча  
мураккаб система ҳисобланади. Майда қисқичбақасимонларда маҳсус  
нафас олиш аъзолари ривожланмаган. Уларнинг кутикуласи жуда ўтка-

зувчан бўлганидан тана юзаси орқали нафас олади. Бундай қисқичбақасимонлар фақат сув ҳавзаларида ва нам тупроқларда яшай олади.

9. Сувда ҳаёт кечирувчи бўғимоёқлилар айриш системаси ҳалқали чувалчанглар метанефридийларининг ўзгаришидан ҳосил бўлган бир жуфт найсимон безлардан иборат. Бу безларнинг ташқи чиқариш йўли кўкрак оёқлар ёки антенналар асосига очилганлиги сабабли, уларни коксал безлар дейилади. Қуруқликда яшовчи бўғимоёқлилар — ўргимчаклар, кўпёқлилар, ҳашаротларда ўзига хос ажратиш системаси — мальтиги найчалари ривожланган. Найчалар орқа ичакнинг олдинги қисмига очилади. Қуруқликда яшовчи бўғимоёқлилар намни жуда тежаб сарфлашга мослашган. Ҳазм бўлмаган озиқ қолдиги ва сийдикдаги ортиқча сув орқа ичак девори орқали яна қонга сўрилади. Бундан ташқари қуруқликда яшашга ўтган бўғимоёқлилар маҳсус ёф танаачаларида ёф тўплаш хусусиятига эга. Ҳайвон организмида сувга муҳтожлик сезилганда ёф оксидланиб, метаболитик сув ҳосил қиласди. Сувда яшовчи бўғимоёқлиларда ёф тўплашмайди.

10. Нерв системаси ҳалқали чувалчангларга ўхшаш тузилган бўлиб, бир жуфт бош нерв тугунлари, яъни бош мия, ҳалқумни айланиб ўтадиган нерв томирлари — коннективалар ва қорин нерв занжиридан иборат. Одатда бош мия *протоцеребрум*, *дейтоцеребрум*, *тритоцеребрум* деб аталадиган уч бўлимдан иборат. Бўғимоёқлилар бошқа умуртқасиз ҳайвонлардан нерв системаси ва сезги аъзоларининг анча мураккаб тузилганлиги ҳамда мураккаб турқ-атвори билан фарқ қиласди. Кўзлари битта линзадан иборат оддий ҳамда кўп линзалик мураккаб, яъни *фасеткали* бўлиши мумкин. Юксак бўғимоёқлиларнинг мураккаб кўзлари оддий нурлар билан бир қаторда қутблашган (электромагнит тебрианишлари, битта юзада бўладиган тарқоқ нурлар) ва ультрабинафша нурларни ҳам қабул қиласди. Бир қанча бўғимоёқлилар магнит тўлқинларини ҳам яхши сезади. Уларда овоз чиқариш, эшитиш, ҳид билиш, мувозанат сақлаш ва туйбу аъзолари ҳам ривожланган. Бўғимоёқлиларнинг рефлекси жуда хилма-хил ва мураккаб бўлади. Уларда кўпайиш ва насли тўгрисида фамхўрлик қилиш билан боғлиқ бўлган жуда мураккаб шартсиз (туфма) рефлекслар ҳам ривожланган. Шунинг билан бирга олий бўғимоёқлилар ҳаёти давомида ҳам турли шартли рефлекслар (кўникмалар)ни осон ҳосил қиласди.

11. Кўпчилик бўғимоёқлилар айrim жинсли ҳайвонлар. Улар фақат жинсий уруғланиш орқали, баъзан *партеногенез* (уруғланмасдан) кўпаяди. Азалдан сувда ҳаёт кечирадиган бўғимоёқлиларда уруғланиш ташқи, қуруқликда ҳаёт кечирадиганларида эса ички бўлади. Айrim вакиллари тухум қўймасдан тирик бола туғади. Кўпчилик бўғим оёқлилар анча мураккаб ўзгаришлар орқали ривожланади. Тухумдан чиқсан насл, агар у вояга етган даврга ўхшамаса, личинка ёки қурут дейилади. Тухуми сариқ моддасига бой бўлган турларининг ёш насли вояга етган даврига ўхшаш бўлади.

13. Бүгимоёқлилар фақат туллагандан сұнг үсади. Туллаш үсаёттан ҳайвон учун тор келиб қолған эски қалқоңнинг ёрилиши ва ҳайвон та-насидан тушиб кетишидан иборат. Туллаётган ҳайвоннинг эски кути-куласи фақат танаасидан әмас, балқы оёқлари, оғиз органлари, нафас йүллари, ичагининг олдинги ва кейинги қисмларидан ҳам тушиб кета-ди. Туллаган ҳайвоннинг қалқони жуда юпқа ва юмшоқ бўлади. Бу давр-да у кам ҳаракат бўлиб, озиқланмайди, пана жойга бекиниб олади. Янги қалқони қаттиқлашгунча ўтган бир неча соат ёки кун давомида ҳайвон үсади. Шундан сұнг үсиш навбатдаги туллашгача тўхтайди.

Бўғимоёқлилар типи жабра билан нафас олувчилар, трахеялилар, хелицералилар ва трилобитасимонлар кенжা типларига бўлинади.

## 17.1. ЖАБРА БИЛАН НАФАС ОЛУВЧИЛАР (BRANCHIATA) КЕНЖА ТИПИ

Жабра билан нафас олувчилар азалдан сувда яшовчи ҳайвонлар ҳисобланади. Уларнинг жабралари параподий ўсимталарининг ўзга-ришидан келиб чиқкан. Бир қанча жуда майда вакилларининг жабралари бўлмайди, улар тана юзаси орқали нафас олади. Қуруқликда ҳаёт кечиришга мослашган турлари (захкашлар) ўзига хос тузилган трахеялар билан нафас олади. Бу кенжা типга фақат қисқичбақасимонлар син-фи киради.

### 17.1.1. ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР (CRUSTACEA) СИНФИ

#### МОРФО — ФИЗИОЛОГИК ТАВСИФИ


Яшаш мұхити ва тарқалиши. Қисқичбақасимонлар бирламчи сув ҳайвонлари ҳисобланади. Асосий кўпчилик турлари сувда яшайди. Айниқса денгизларда кенг тарқалган. Улар чучук сувларда ҳам кўп учрайди. Бир қанча вакиллари қуруқликда ҳаёт кечиради (захкашлар, айрим краблар). Қисқичбақасимонлар (калануслар, диаптомуслар, дафниялар, циклоплар) денгиз ва чучук сув планктонининг 90 фоизидан ошиқроқ қисмини ташкил этади. Кўп турлари сув тубида ҳаракат қилиб ҳаёт кечирадиган бентос ҳайвонлари ҳисобланади (дарё қисқичбақаси, омарлар, краблар, лангустлар). Мўйловоёқли қисқичбақасимонлар эса ўтроқ ҳаёт кечирувчи бентос ҳайвонларга киради. Турли креветкалар сув қаридан сузиб юради. Қисқичбақаси-монлар орасыда сув ҳайвонлари танаасида паразитлик қилиб ҳаёт ке-чирадиган турлари ҳам бор.

Қисқичбақасимонлар энг кенг тарқалган ҳайвонлар бўлиб, уларни тропикадан бошлаб шимолий минтақалардаги барча сув ҳавзаларида, горлардаги кўлларда, ҳовузлар ва айрим кўлмак сувларда учратиш мум-кин. Улар кўпчилик денгиз ҳайвонлари, балиқлар учун асосий озиқ-

дир. Ер юзида энг йирик ҳисобланадиган типисиз китлар ҳам майда планктон қисқибакасимонлар билан озиқланади. Креветкалар, краблар, омарлар, дарё қисқибакалари ва бошқа озиқ учун ишлатиладиган турлари овланади.

Қисқибакасимонлар синфиға микроскопик катталикдан бир неча метргача, турли-туман тузилишга эга бўлган, 30 мингга яқин бўғимоёқлилар турни киради.

**Тана бўғимлари ва бўлимлари.** Қисқибакасимонларнинг танаси кўп сонли бўғимлардан иборат. Энг тубан тузилган айрим вакилларида тана бўғимлари бир хилда тузилган, яъни гомоном бўлиши туфайли бош, кўкрак ва қорин бўлимларини ажратиб бўлмайди. Кўпчилик қисқибакасимонларда эса тана бўғимлари ҳар хил тузилган, яъни гетероном бўлиб, танаси бош, кўкрак ҳамда қорин бўлимларига ажралади. Ҳар бир бўғимда бир жуфтдан ўсимталар бўлади. Ўсимталар оддий ҳолда икки шохли бўлиб, келиб чиқишига кўра параподийларга мос келади. Кўп ҳолларда ўсимталарнинг фақат битта шохчаси ривожланади. Икки шохли ўсимталар қисқибакасимонларни бошқа бўғимоёқлилар орасида энг тубан тузилсанлигини кўрсатади. Эволюция жараёнида қисқибакасимонларнинг ташки кўриниши турли даражада ўзгарган, чунончи бўгинлар сони камая бориб, уларнинг гетерономлиги ортган, оёқлар бир шохли бўлиб қолган, айрим тана бўлимлари бирга қўшилиб кетган. Кўпчилик вакилларида бош билан кўкрак қўшилиб, яхлит бошкўкракни ҳосил қиласди. Бош қисми ҳалқалии чувалчангларнинг простомиумига мос келадиган акрон-



96-расм. Дарё қисқибакаси оёқлари.

1 — антеннуда, 2 — антenna, 3 — юқори жағлар, 4, 5 — 1 ва 2 жуфт пастки жаглар, 6-8 — жағ оёқлар, 9-13 — юрии оёқлари (9-қисқич), 14, 15 — куйикини аъзосига айланган қорин оёқлар, 16-19 — қорин оёқлар, 20 — ипчалар, 21 — жабралар.

дан ва тўртта тана бўғимларидан ташкил топган бўлиб, 5 жуфт ўсимталарга эга. Биринчи жуфти бир шохли, баъзан икки шохли калта мўйловлари, яни антенуллалари ҳалқали чувалчангларнинг пальпаларига мос келади. Иккинчи жуфти мўйловлари — антенналари эса ҳалқали чувалчангларнинг биринчи тана бўғими параподийларидан ҳосил бўлган. Антенналар бир шохли, баъзан икки шохли бўлади. 2-4 бош бўғимларининг ўсимталари ҳалқали чувалчангларнинг параподийларидан келиб чиқкан бўлиб, улар оғиз органлари хусусан, бир жуфт юқори жағлар (мандибулалар) икки жуфт пастки, жағлар (биринчи ва иккинчи максиллалар)ни ҳосил қиласди. Жағлар озиқни ушлаб туриш ва чайнаш учун хизмат қиласди (96-расм).


Кўкрак ва қорин бўғимларининг сони ва шакли ҳар хил бўлади. Юксак қисқичбақасимонлар кўкраги 8, қорин бўлими 6 бўғимдан, бутун танаси эса 18 бўғимдан иборат (акрон бунга кирмайди). Қорин бўлимининг охирги бўғими анал пластинка, яни *тельсонни* ҳосил қиласди. Тубан қисқичбақасимонларнинг тельсонида фурка деб аталадиган бир жуфт айри ўсимтаси бўлади. Кўпчилик тубан тузилган қисқичбақасимонларнинг тана бўғимлари эркин бўлиб, бир-биридан яхши ажралиб туради. Олий қисқичбақасимонларда эса бўғимлар бир-бири билан турли даражада қўшилиб кетади. Кўпчилик қисқичбақалар бош қисмининг тузилиши бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, ўноёқли, жабраоёқли, ёнлаб сузуви ва бошқа бир қанча қисқичбақасимонлар бошининг олдинги бўғимлари яни биринчи антеннула бўғими (акрон) иккинчи антеннал бўғими билан бирга қўшилиб бошнинг олдинги бўлими *протоцефalon* деб аталадиган дастлабки бошни ҳосил қиласди. Бу бўлимда кўзлар ва икки жуфт мўйловлар жойлашган. Протоцефalon бошнинг кейинги бўғими, хусусан, мандибула билан ҳаракатчан қўшилган. Бошнинг бир-бири билан туташиб кетган учта (битта мандибула ва иккита максилла) бўғимдан ташкил топган кейинги қисми эса жаф бўлими, яни *гнатоцефalon* деб аталади. Гнатоцефalon қисми ўз навбатида бир неча кўкрак бўғимлари билан қўшилиб кетади. Дарё қисқичбақасида эса гнатоцефalon ҳамма кўкрак бўғинлари билан қўшилиб, бошкўкрак, аниқроғи жағкўкракни ҳосил қиласди. Бошқа кўпчилик қисқичбақасимонлар (тенгоёқлилар, куракоёқлилар, ёнлаб сузувилилар) бош бўлими бўғимлари биринчи ва иккинчи кўкрак бўғимлари билан қўшилиб кетадиган 5 та (акрон ва 4 та тана) бўғимларидан ташкил топган. Оғиз тешиги олд томондан кутикуладан ҳосил бўлган пластинкасимон юқори лаб билан тўсилган. Кўпинча охирги бош бўғимининг кейинги чети кенгайиб, бошқалқон *карапаксни* ҳосил қиласди. Бир қанча қисқичбақасимонларнинг карапакси орқа томонга ўсиб, бошкўкракни орқа ҳамда ён томонларидан қоплаб олади. Айрим ҳолларда карапакс танани бутунлай қоплаб турадиган икки тавақали чифаноқ қалқонни ҳосил қиласди. Ҳайвоннинг танаси ана шу чифаноқ ичида жойлашган (дафния, чифаноқли қисқичбақалар). Юксак

қисқиңбақасимонларда карапакс күкрап сегментлари билан бирга құшилиб кетган. Дарә қисқиңбақасининг бошқұкрап қалқони сиртидаги күндаланғ чуқурчаси бошнинг *гнатоцефалон* (жағ)ини күкрап билан құшилиш чегарасига тұғри келади. Дарә қисқиңбақаси ва бошқа бир қанча қисқиңбақасимонларнинг бошқұкрап қалқони күкрап бұғимлари билан бирикиб кетган. Дафния ва чиганоқли қисқиңбақаларнинг танаси ён томонидан сиқылған бўлиб, қалқони танасини икки ёнидан ўраб олади.

Қисқиңбақасимонларнинг оёқ үсімталари сони тана бұғимлари соңдан камроқ бўлади. Масалан юксак қисқиңбақасимонларнинг 18 тана бұғимларига 17 жуфт оёқлар тұғри келади. Уларнинг охирги тельсон бұғимида оёқ үсімталари ривожланмаган. Тубан қисқиңбақасимонларнинг қорин бұғимларида оёқ үсімталари бўлмайди. Оёқ үсімталари ҳалқали чувалчангларнинг параподийларидан келиб чиққан бўлиб, эволюция давомида яшаш мұхити таъсирида турли вазифаларни бажаришга мослашған ва шу билан бирга шакли ва тузилиши ҳам ўзгарған. Одатда қисқиңбақасимонларнинг икки шохли оёқлари бир неча хил вазифани бажаришга мослашған. Масалан, қисқиңбақасимонлар науплиус личинкаларининг оёқлари ҳаракатланиш функцияси билан бирга сезиш ва чайнаш вазифасини ҳам бажаради. Оёқлари асосида чайнөвчи пластинкаси бўлади.

Бош бўлимининг үсімталари беш жуфтдан иборат. Биринчи жуфт үсімталари антеннулалар бош бўлаги — акроннинг үсімтаси ҳисобланади, улар келиб чиқишига кўра ҳалқали чувалчангларнинг пальпаларига мос келади. Антеннуллалар одатда бир шохли бўлади, фақат юксак қисқиңбақасимонлар (дарә қисқиңбақаси)да иккапараларига мос келади. Антеннуллалар асосан туйғу ва ҳид билиш, айрим ҳайвонлар (циклогоп) да ҳаракатланиш органды вазифасини ҳам бажаради.

Бошнинг қолган ҳамма үсімталари чувалчанглар параподийларининг гомологлари ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги икки шохли бўлиб, ҳалқали чувалчангларнинг параподийларини эслатади. Икки шохли параподийлар дастлабки тана үсімталари бўлиб, яхлит асосий бўғим *протоподитдан* ва у билан туташған икки шохча: ички эндоподит ва ташқи экзоподитдан иборат. Протоподитда на-



97-расм. Тубан қисқиңбақасимонлар оёғининг тузилиши.

1 — протоподит, 2 — эндоподит, 3 — экзоподит, 4 — эпиподитлар (нафас олиш үсімталари).

фас олиш органи — жабралар вазифасини ўтайдиган энтиподитлар жойлашган (97-расм). Қисқиңбақасимонларнинг жуфт тана ўсимтапари эволюция жараёнида турли вазифаларни бажаришга мослашганилиги туфайли бир қанча ўзгаришларга учрайди. Шунинг учун ҳам тананинг турли қисмларида жойлашган ўсимтапар ҳар хил вазифани бажарганилиги туфайли уларнинг тузилиши бир-бирига ўхшамайди.

Бошининг жуфт ўсимтапарини антенналар науплиус личинкасида икки шохли, вояга етган ҳайвонларда эса бир шохли бўлади. Дарё қисқиңбақасининг эндоподит шохи узун, экзоподит шохи эса калта пластинка шаклида сақланиб қолган. Антенналар сезги ёки ҳаракатланиш (дафнияда) органи вазифасини ўтайди.

Бир жуфт юқори жағлар, яъни мандибулалар бошнинг иккичи ўсимтапари ҳисобланади. Улар озиқни майдалаш учун хизмат қиласади. Науплиус личинкасида бу ўсимтапар икки шохли бўлади. Индивидуал ривожланиш даврида шохлар редукцияга учраб, асосий бўғим протоподит йўғонлашади ва тишли юқори жағни ҳосил қиласади. Учинчи ва тўртингчи бош бўғимлари ўсимтапари юпқа пластинкага ўхшаш бўлиб, икки жуфт юқори жағлар, яъни биринчи ва иккичи максиллаларни ҳосил қиласади. Максиллалар одатда юпқа ва нозик баргчаларга ўхшаш ўсимтапардан иборат. Уларнинг шохчалари йўқолиб кетган, протоподит бўғимларida чайнаш ўсимтапари бўлади.

Кўкрак бўғимларининг ўсимтапари ҳар хил тузилган, кўпинча икки шохли, бир қанча турларида (масалан, дарё қисқиңбақасида) экзоподит шохчаси йўқолиб кетган. Кўкрак ўсимтапари тузилишига кўра ҳар хил вазифани бажаришга ихтисослашган. Аксарият ҳолларда улар ҳақиқий ҳаракат органлари бўлиб, сузиш ва ўрмалаш учун хизмат қиласади. Кўпинча олдинги 1-3 жуфт кўкрак оёқлари озиқни тутиб туриш ва майдалаш вазифасини бажаради. Улар жагоёқлар деб аталади (қаранг: 96-расм).

Тубан қисқиңбақасимонларнинг қорин оёқлари ривожланмаган. Юксак қисқиңбақаларда улар икки шохли бўлиб, нафас олиш ва ташқи жинсий органлар (масалан, урғочиларида тухумларини олиб юриш, эркакларида куйикиш) вазифасини бажаради. Ўноёқли қисқиңбақасимонларда эса энг охирги қорин бўғими ўсимтапари йирик яssi пластинкага айланган бўлиб, қорин бўлимининг учидаги тельсон ўсимтаси билан бирга думсузгични ҳосил қиласади. Қисқиңбақалар ана шу сузгични қорин томонига тез-тез букиб, орқаси билан олдинга сузиб кетади. Паразит яшовчи қисқиңбақасимонларда тана бўғимлари ўсимтапари қисқаради, баъзан тамоман йўқ бўлиб кетади.

Тана девори кутикула ва унинг остидаги гиподермал эпителий ҳамда базал мембрана қаватларидан иборат. Кутикула гиподермадан ҳосил бўлган ва анча мураккаб тузилган. Кутикула сирти оҳак билан шимдирилган бўлиб, қаттиқ ва мустаҳкам бўлади. Унинг ички қавати эса юмшоқ ва эластик хитин мoddасидан тузилган. Қисқиңбақасимонлар кутикуласининг тузилиши ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар-


дан сувни буғлантирмайдиган сиртқи эпикуттикула қавати бўлмаслиги билан фарқ қиласди. Шу сабабдан улар фақат сувда ёки ўта нам жойларда яшashi мумкин. Бу ҳол қисқичбақасимонларнинг дастлабки сув ҳайвонлари эканлигини кўрсатади. Кўлчилик қисқичбақасимонларнинг кутикуласи қалинлашган бўлиб, бошининг кейинги қисмида кўкрагани орқа ва икки ён томондан совутга ўхшаб ёпиб туради. Тубан қисқичбақасимонларнинг кутикуласи юмзоқ ва тиник бўлади. Кутикула ҳайвонларни ҳар хил механик таъсиридан сақлайди ҳамда ташқи таянч скелет вазифасини ўтайди. Кутикуланинг ички юзасида жойлашган турили хил бўртмалар мускулларнинг бирикиши учун хизмат қиласди.

Қисқичбақасимонлар ва ҳамма бўғимоёқлиларда кўндаланг-тарғил мускуллар ривожланган. Мускуллар тери-мускул халтаси ҳосил қилимасдан тўп-тўп бўлиб жойлашган. Бу мускулларнинг бир учи тана ёки оёқлар девори, бошқа учи унинг иккинчи томонига бирикади. Икки тавақали қисқичбақасимонларда тавақаларни қўшиб турувчи мускуллари тана бўйлаб кўндаланг жойлашган толалардан иборат.

**Ҳазм қилиш системаси.** Қисқичбақасимонларнинг оғиз тешиги бошининг остки томонида жойлашган. Ичагининг олдинги ва кейинги бўлимлари эмбрионал ривожланишида эктодерма япроқларидан ҳосил бўлади. Уларнинг ички юзаси хитин кутикула билан қопланган. Туллаш даврида ичакнинг бу қисмлари ҳам пўст ташлайди. Орқа чиқарув тешиги тельсон ўсимтасининг қорин томонида жойлашган. Қисқичбақасимонлар жигари бир жуфт овқат ҳазм қилувчи безлардан иборат (98, 99-расмлар).


Кўлчилик қисқичбақасимонларнииг ичаги тўғри найдан иборат. Айрим вакиллари, масалан, ўноёқли юксак қисқичбақасимонлар олдинги ичагининг оғиз тешигидан юқори томонга тик йўналган олдинги қисми қисқа ҳалқумни, кейинги қисми эса икки бўлмали ошқозонни ҳосил қиласди. Ошқозоннинг кардиал, яъни чайновчи ошқозон деб атала-диган биринчи бўлмаси деворида хитин тишчалардан иборат учта пластинкаси бўлади. Иккинчи пилорик бўлмасидаги юпқа кутикулали ўсимталар элак вазифасини бажаради. Бу ўсимталар орқали ўрта ичакка фақат суюқ озиқ ўтиши мумкин. Ошқозонда озиқ майдаланиши билан биргя қисман ҳазм ҳам бўлади. Озиқнинг майдаланмасдан қолган қисми эса пилорик ошқозондан тўғридан-тўғри орқа ичакка, ундан анал тешиги орқали ташқи муҳитга чиқарилади.

Ўрта ичак жуда калта бўлиб, жигар билан боғланган. Тубан қисқичбақасимонлар жигари ўрта ичакнинг ён ўсимталаридан ҳосил бўлган жуфт найдалардан иборат. Юксак қисқичбақасимонларда бу найдалар кетма-кет кўп марта шохланганилиги туфайли жигар йириклишади. Дарё қисқичбақасининг ана шундай найдалардан ҳосил бўлган жигари иккита бўлакдан иборат. Иккала найдча ҳам битта умумий найдча орқали ўрта ичакка очилади. Жигар суюқлиги ана шу найлар орқали ўрта ичакка тушади. Бу суюқлик ёғ моддаларни эмульсия (майда томчи-



98-расм. Дарё қисқибашаси анатомияси.

А — орқа томондан очиб кўрсатилган. Б — чайновчи ошқозон очиб кўрсатилган: 1 — рострум, 2 — чайновчи ошқозон, 3 — жигар, 4 — ичак, 5 — юрак, 6, 7 — артериялар, 8 — тухумдон, 9 — қорин нерв занжирли, 10 — жабралар.



99-расм. Дарё қисқибашаси танасининг бўйига кесмаси.

1 — ҳалқум, 2 — кардиал ошқозон, 3 — пилорик ошқозон, 4 — жигар, 5 — уруғдон, 6 — юрак, 7 — устки қорин аортаси, 8 — артерия, 9 — орқа ичак, 10 — ҳалқумодли коннектива, 11 — кўкрак эндоскелети, 12 — эркагининг копулятив органи, 13 — антеннула, 14 — антеннулла, 15 — нервости бўйлама артерияси.

лар) ҳолига келтиради; оқсил ва углеводларни парчалайди. Бундан ташқари жигар ҳужайралари майда озиқ-заррачаларини қамраб олиб, ҳазм қиласы. Шундай қилиб, қисқичбақаларнинг жигари бир вақтнинг ўзида жигар ва ошқозоности бези вазифасини бажаради. Жигар кучли ривожланган бўлганидан ўрта ичак калта бўлади. Бу безлар кучсиз ривожланиши аксинча ўрта ичакнинг узайишига олиб келади. Шу сабабли жигари кучли ривожланган дарё қисқичбақасининг ўрта ичаги ичакнинг умумий узуулитидан 20 марта қисқароқ бўлади. Суюқ озиқ ўрта ичакдан жигар найчаларига ўтиб, ҳазм бўлади.

Кўпчилик тубан қисқичбақасимонлар, масалан, циклоп ва саккулийнинг ўрга ичаги яхши ривожланмаган.

**Нафас олиш системаси.** Бир қанча майда қисқичбақасимонларнинг маҳсус нафас олиш органлари бўлмаганлиги сабабли фақат териси орқали нафас олади. Кўпчилик турлари эса жабра орқали нафас олади. Қисқичбақасимонларнинг жабралари ҳалқали чувалчангларни сингари тери билан боғлиқ бўлиб, оёқлар протоподити эпиподитидан келиб чиқсан пластинкага ўхшашиб шохланган ўсимталардан иборат. Жабралар аксарият ҳолларда кўкрак оёқларида жойлашган. Ўн оёқли қисқичбақасимонларнинг жабралари бошкўкрак қалқони остидаги маҳсус жабра бўшлиқларида жойлашган. Дарё қисқичбақаси жабралари З қатор бўлиб, жағоёқлари ва юриш оёқлари асосида жойлашган. Биринчи пастки қатор жабралар кўкрак оёқлари протоподити, иккинчи қатори оёқларнинг бошкўкрак қалқонига қўшилган ерида ва учинчи устки қатори танасининг ён деворида жойлашган. Бунақа жабралар ҳамма томони ингичка жабра илчалари билан қопланган ўқ стерженга ўхшайди. Бирмунча оддий тузилган жабралар протоподитларда жойлашган пластинкаларга ўхшаш бўлади (ёнлаб сузувишлар, сув хўтиги). Сув бошкўкрак қалқонининг бир чети билан тана оралиғида ҳосил бўладиган тирқиши орқали жабра бўшлиқларига киради, иккинчи четдаги худди шунга ўхшашиб тирқишидан чиқиб кетади. Сув иккинчи ва учинчи жуфт жағ оёқларининг ҳаракати туфайли жабраларни юваб туради. Гемолимфа билан тўлган тана бўшлифи ана шу жабралар ичига ҳам киради. Жабраларнинг жуда юпқа кутикуласи орқали газ алмашинуви содир бўлади.

Куруқликда ҳаёт кечиришга мослашган қисқичбақасимонларда атмосфера ҳавоси билан нафас олишга имкон берувчи маҳсус мосла-нишлар пайдо бўлган. Масалан, хурмо ўғриси қисқичбақасининг нафас олиш органи жабра бўшлиғи ўрнида ҳосил бўлган ўпкадан иборат. Захкашларнинг қорин оёқлари бўшлиғида жуда мураккаб тармоқланган, ҳаво тўлдирилган найчалари бўлади. Найчалар кутикулани тана ичига ботиб киришидан ҳосил бўлган бўшлиққа туташган. Бу хилдаги нафас олиш системасининг тузилиши азалдан қуруқликда яшаётган бўғимоёқлилар (ўргимчаксимонлар, ҳашаротлар)нинг трахеяларига ўхшаб кетади.

**Қон айланиш системаси.** Қисқичбақасимонлар ва бошқа бүгимоёқ-лиларнинг қон айланиш системаси очиқ. Гемолимфа томирларда қисман тана бўшлиғидан синусларда оқади. Қон томирлари девори эпителий билан қопланган, тана бўшлиғи деворида эса бундай эпителий бўлмайди. Қон айланиш системасининг тузилиши нафас олиш органларининг ривожланганилиги билан боғлиқ. Тана юзаси орқали нафас оладиган вакилларининг қон айланиш системаси ҳам жуда соддалашиб, фақат юракнинг ўзи сақланаб қолган ёки қон айланиш системаси бутунлай йўқолиб кетган (баргоёқлилар).


Қисқичбақасимонларнинг юраги одатда бир неча камерали найчага ёки пуфакка ўхшаш бўлиб, танасининг орқа қисмида жойлашган. Юракни мискоцел бўшлиғидан ҳосил бўлган халтасимон юраколди бўлмаси ўраб туради. Жабраларда кислород билан тўйинган гемолимфа маҳсус вена томирлари орқали юрак олди бўлмасига келиб қўйилади (100-расм). Юрак деворида тирқишиимон клапанли остийлар (тешик)лар жойлашган. Дарё қисқичбақасининг остийлари 3 жуфтади. Юрак кенгайганида клапанлар очилади ва гемолимфа юрак олди бўлмасидан юракка ўтади. Юрак қисқарганида аксинча клапанлар ёпилиб, гемолимфа юракдан чиқувчи артерия томирларига ўтади. Дарё қисқичбақасининг қон айланиш системаси анча мукаммал тузилган, унинг юрагидан олдинга учта, орқа томонга битта йирик артерия чиқади. Ҳар қайси қон томири бир қанча майда томирларга ажraladi ва тана бўшлиғига келиб қўшилади. Бу томирлар орқали оқиб келган гемолимфа тўқималарга кислород бериб, CO<sub>2</sub> газини олади. Шундан сўнг қорин синусига тўпланиб, жабраларга боради ва у ерда кислород билан бойийди. Жабралардан гемолимфа вена томирлари орқали яна юраколди бўлмасига келиб қўйилади.

100-расм. Дарё қисқичбақасининг қон айланиш системаси.

1 — антенналар артерияси, 2 — олдинги аорта (кўз артерияси), 3 — юрак, 4 — перикардий, 5, 6 — жабра артериялари, 7 — орқа (коринусти) артерияси, 8 — нервости артерияси, 9 — қорин вена синуси.


Бирмунча содда тузилган қисқичбақасимонларнинг юраги бир неча бўлмаларга бўлинган узун найга ўхшайди (айрим жабраоёқлилар). Баргоёқли қисқичбақасимонларда (дафния) қон томирлари бўлмайди, юрак гемолимфани аралаштириш вазифасини бажаради.

Кўпчилик қисқичбақасимонлар гемолимфаси рангсиз бўлади. Бироқ гемолимфаси қизил ёки кўкиш бўлган турлари ҳам мавжуд. Гемолимфанинг ранги унинг плазмасида эриган нафас олиш пигментлари — гемоглобин ёки гемоцианинга боғлиқ.



101-расм. Метанефридий типидаги айриш органи (антеннал без).

1 — қовуқ, 2 — айриш тешиги, 3, 4, 5 — най, 6 — целомик халта.




**Айриш системаси.** Қисқичбақасимонларнинг айриш системаси келиб чиқишига кўра ҳалқали чувалчангларнинг метанефридийлари билан узвий боғлиқ. Айриш системаси 1-2 жуфт антеннал ёки максилляр безлардан иборат (101-расм). Юксак қисқичбақасимонларнинг айриш органлари бош қисмида жойлашган бир жуфт узун чигал найчалардан иборат. Найчалар чигали бир учда целомик халтача, иккинчи учда эса сийдик пуфаги (қовуқ) жойлашган. Қовуқ антенналарнинг асосида ташқарига очилади. Шунинг учун юксак қисқичбақасимонларнинг ажратиш системаси *антеннал безлар* дейилади. Дарё қисқичбақаси айриш безларининг ранги яшил бўлганидан яшил безлар деб ҳам аталади. Юксак қисқичбақасимонлар личинкасининг ажратиш системаси *максилляр безлардан* иборат. Бу безларнинг чиқариш йўли иккинчи жуфт пастки жағларнинг асосига очилади.

Содда тузилган қисқичбақасимонларнинг кўпчилик турларида айриш системаси бир жуфт максилляр безлардан иборат. Бу безлар ҳам антеннал безларга ўхшаш тузилган, лекин уларнинг чиқариш йўли иккинчи жуфт максиллаларнинг асосида жойлашган. Максилляр безлар юксак қисқичбақасимонларда фақат личинкалик даврида бўлиб, вояга этиш даврида антеннал безлар билан алмашинади. Айрим қисқичбақасимонларда (*Leptostraca*) туркумида эса икки хил безлар ҳам ривожланган бўлиши мумкин.

**Нерв системаси.** Қисқичбақасимонлар нерв системасининг умумий тузилиш схемаси ҳалқали чувалчангларнига ўхшайди. Энг оддий ҳолларда (масалан, жабраоёклилар) нерв системаси бир жуфт бош ганглийлари, ҳалқум атрофи коннективалар, тананинг қорин томонидан ўтадиган нерв стволлари ҳамда нерв стволлари устида ҳар бир тана бўғимида бир жуфтдан жойлашган нерв ганглийлардан иборат. Қорин стволлари бир-биридан узоқлашганлиги ва қарама-қарши тугунлари ўзаро кўндаланг комиссуralар орқали қўшилиши туфайли нерв системаси нарвон шаклига киради (102-расм). Шунинг учун уни нарвон шаклидаги нерв системаси деб аталади.

Нарвон типидаги нерв системаси содда тузилган ва танаси жуда кўп бўғимларга бўлинган қисқичбақасимонлар учун хос. Эволюция жараёнида нерв системасининг бундан кейинги ўзгариши икки хил йўналишда борган. Биринчидан, иккала қорин нерв стволлари бир-



102-расм. Қисқичбақасимонлар марказий нерв системаси типлари.

А — жабраоёклилар. Б — эуфаузийлар. В — оғизоёклилар. Г — ўноёклилар. Д — куракоёклилар.

бўйлаб фақат 12 та қорин нерв тугунлари жойлашган. Чунки олтита олдинги бўғимларнинг тугунлари ўзаро қўшилиб, ягона ҳалқумости нерв тугунини ҳосил қиласди. Крабларда нерв тугунлари концентрацияси янада кучаяди. Уларда ҳамма қорин нервлари бирга қўшилиб битта яхлит кўкрак нерв тугунини ҳосил қиласган. Куракоёклилар ва чиғаноқли қисқичбақасимонларнинг қорин нерв тугунлари ҳам ана шу тариқа тўпланиб, яхлит кўкрак тугунини ҳосил қиласди.


Қисқичбақасимонларнинг бош мияси *protoцеребрум* ва *дeйтоцеребрум* бўлимларидан иборат. Қўпинча антенналарининг сегмент тугунлари ҳам бош мияга ёндошиб, учинчи бош мия бўлими — *тритоцеребрумни* ҳосил қиласди. Протоцеребрумдан кўзларга, дейтоцеребрумдан антеннуллаларга нервлар чиқади.

Қисқичбақасимонлар ва ҳамма бўғимоёклилар танасидаги нерв системаси таркибиға гормонлар ишлаб чиқарувчи маҳсус нейросекретор безлар ҳам киради. Бу безларнинг гормони гемолимфага тушиб, барча органлар фаолиятига, модда алмашинуви, туллаш, метаморфоз каби бир қанчада жаряиёнларга таъсир кўрсатади. Нейросекретор системаси безлари бош мия ва қорин нерв занжирининг турли қисмларида, шунингдек кўриш нервлари йўлида жойлашган. Безларнинг секретлари нерв толалари орқали маҳсус синус безларига, улардан эса гемолимфага тушади.

**Сезги органлари.** Қисқичбақасимонларнинг туйғу, ҳид билиш (кимёвий сезги), кўриш ва мувоғанат сақлаш аъзолари яхши ривожланган.

108-расм. Қалқондор  
*Triops cancriformis*.

А — орқа томондан ва  
Б — қорин томондан  
кўриниши: 1 — кўз, 2 —  
жуфт кўкракоёғининг  
ипсимон ўсимтаси, 3 —  
қорин, 4 — айриси, 5 —  
кўкракоёқлар.



**1. Қалқондорлар (Notostraca) кенжा туркуми.** Қалқондорларнинг бошқўкрак ва қисман қорин бўлимини ёпиб турувчи кўкрак қалқони яхши ривожланган (108-расм). Кўкрак бўғинларида оёқлар сони ҳар хил бўлади. Олдинги 1-10 кўкрак бўғимларида бир жуфтдан, кейингиларида эса 4-

6 жуфтдан оёқлар бор. Шунинг учун ҳам ҳамма кўкрак бўғимларининг сони 40 га яқин бўлгани ҳолда кўкракоёқлари 70 жуфтни ташкил этади. Биринчи ва иккичи жуфт кўкракоёқларида ипсимон узун сезувчи туклари бўлади.

Қалқондорлар ҳовуз ва қўлмак сувлари тубидаги балчиқдан ҳар хил органик қолдиқлар ва майда жониворларни топиб ейди. Озигини кўкрак оёқлари ўсимталари ёрдамида ушлаб туради ва оёқлар ўртасидаги тарновчаси орқали оғизга ҳайдайди. Озиқланишининг бундай усули энг қадими, яъни бирламчи ҳисобланади.

Қалқондорлар партеногенез орқали кўпаяди. Тухумлари турли нокулий шароитлар (иссиқ, совуқ ва қурғоқчилик)га чидамли бўлади. Туркум ҳаммаси бўлиб 9 та турни ўз ичига олади. Қуёш нури тушиб турадиган сув ҳавзаларида баъзан ёмғирдан сўнг ҳосил бўладиган ҳалқоб сувларда *Triops concriformis* ва *Lepidurus apus* ни учратиш мумкин.


**2. Шоҳдор мўйловли қисқичбақалар (Cladocera) яъни сув бургала-ри кенжা туркуми.** Шоҳдор мўйловлиларнинг танаси икки ён томондан яссилашган бўлиб, икки тавақали тиниқ хитин чифаноқ ичидан

жойлашган. Бир қанча турлари (масалан, дафния)нинг бош қисми пастга қараб эгилган тумшуқсимон ўсимта — рострумни ҳосил қиласди. Пешона қисмиди битта мураккаб фасеткали кўз, унинг олдида эса оддий наушиус кўзи жойлашган (109-расм). Фасеткали кўзниң омматидлар сони ҳар хил бўлади. Дафниянинг фасеткали кўзи 22, йиртқич вакилларини 300 тагача омматидалардан иборат. Рострум остида чўпга ўхшаган калта антеннаулалар жойлашган. Антенналар эса кучли ривожланган узун ва икки шохли патсимон қиллар билан қопланган. Антенналар ҳаракат қилиш вазифасини бажаради. Қисқичбақалар иккала антенналарини орқа томонга силташ билан олдинги томонга сакраб сизиб кетади.

Кўкрак бўлими 4-6 бўғимлардан ҳосил бўлган. Кўкрак сёқлари баргсимон бўлиб, улар жуда кўп патсимон қиллар билан таъминланган. Бу қиллар биргаликда сувдаги муаллақ майда озиқ заррачаларини ажратиб олиш (фильтраш) вазифасини бажаради. Кўкрак сёқларида нафас олиш вазифасини бажарувчи халтасимон ўсимталари ҳам бўлади. Қорин қисми олдинги томонга эгилган, бўғимларга бўлинмаган. Унинг учки қисми иккита тирноқсимон ўсимта билан тугайди.

Шоҳдор мўйловлиларнинг ранги қон плазмаси таркибидаги гемоглобин рангига боғлиқ. Плазмадаги гемоглобин миқдорига сув, сув таркибидаги кислород катта таъсир кўрсатади. Сувда кислород кўп бўлса, қон оч қизғиш, кислород камайиб кетганида эса тўқ қизил рангга кираади. Қон томирлари бўлмайди. Кўкрагининг орқа томонида жойлашган пухакка ўхшаш юраги қисқариб тана бўшлиғидаги қонни аралаштириб туради. Дафниянинг юраги ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ равишда бир минутда 150-500 марта қисқаради.

Шоҳдор мўйловлилар денгиз ва чуучук сувларда яшайдиган 400 га яқин турни ўз ичига олади. Чуучук сувларда дафния — *Daphnia pulex* (қаранг: 109-расм) ва босмина *Bosmina longirostris* кўп учрайди. Кўпчилик шоҳдор мўйловлилар баҳор ва ёзда уруғланмаган тухум қўйиб, партеногенез усулда кўпаяя



109-расм. Дафния *Daphnia pulex*.

1 — антеннаулалар, 2 — антенналар, 3 — оддий кўзча, 4 — фасеткали кўз, 5 — айниш бези, 6 — юрак, 7 — кўкрако-сёқлари, 8 — қорин, 9 — чиқарини камераси.

ди. Тухуми танасининг орқа томонига, қалқоннинг остидаги камераларга қўйилади. Бундай тухумлардан яна урғочилари ривожланниб чиқади. Кузда ҳаво совиши билан тухумларнинг бир қисмидан эркаклари ривожланади. Уруғланган тухум ҳужайралари умумий қалин қобиқча ўралиб, қишлийдиган стадия эфиппиумни ҳосил қиласди. Шундай қилиб, дафниялар ва бошқа бир қанча шохдор мўйловлиларнинг ривожланиш цикли коловраткаларникига ўхшаш гетерогения усулида боради.

Кўпчилик шохдор мўйловлилар чиганофининг катталиги ва шакли йил давомида ўзгариб туради. Масалан, ёз фаслида дафния чиганофининг бош қисмида қалпоқча пайдо бўлади, чиганофининг ўсимтаси чўзилади. Цикломорфоз деб аталадиган бундай фаслий ўзгаришларни босмина (*Bosmina logirostris*)да ҳам кўриш мумкин. Цикломорфоз ҳарорат таъсирида сув зичлигини ўзгариши билан боғлиқ. Чунки ҳарорат кўтарилиганида сувнинг зичлиги камаяди. Бундай сувда сузиш ва муаллақ туриш учун тана юзаси кенгроқ бўлиши лозим.

Шохдор мўйловлилар чучук сув ҳавзаларида ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар ва балиқлар, айниқса балиқ чавоқлари учун қимматли озиқ бўлади. Балиқчилик ҳўжаликлиарида маҳсус ҳовузларда дафния ва айрим бошқа қисқичбақалар кўпайтирилади.

### 17.1.1.2. ЦЕФАЛОКАРИДЛАР (CEPHALOCARIDA) КЕНЖА СИНФИ

Цефалокаридлар жуда майда (2,8 мм гача), денгиз тубидаги балчиқча кўмилиб ҳаёт кечиради. Узун ва ингичка танаси яхлит бош, 10 бўғимли кўкрак ва 9 бўғимли қориндан иборат. Ҳар бир кўкрак бўғимида бир жуфтдан оёқлари бўлади. Қорин бўлимининг оёқлари ривожланмаган, унинг узун қилга ўхшаш иккита ўсимтаси бор. Бош ўсимталари кичик ва содда тузилган, пастки жағларнинг тузилиши ва функцияси бошқа кўкрак оёқлардан фарқ қилмайди. Оёқлари ҳаракатланиш, нафас олиш ва озигини оғиз тешигига ҳайдаш функциясини бажаради. Цефалокаридлар тузилишининг бир қатор хусусиятлари хусусан антенналарнинг оғиздан орқароқда жойлашганлиги, охирги икки бош бўғим ўсимталарининг оғиз органларига айланмаганлиги бўғимоёқлилар тузилишининг энг қадимий белгиларидан ҳисобланади. Цефалокаридлар тузилишини ўрганиш орқали қисқичбақасимонларнинг оёқларини келиб чиқишини осон тушуниб олиш мумкин.

### 17.1.1.3. ЖАФОЁҚЛИЛАР (MAXILLOPODA) КЕНЖА СИНФИ

Жафоёқлиларнинг оғиз органлари яхши ривожланган бўлиб, озигини сувдан ажратиб олиш учун хизмат қиласди. Фасеткали қўзлари ва жабралари бўлмайди. Кўпчилик вакилларининг қон айланиш системаси ривожланмаган ёки жуда соддалашган. Кўкраги одатда 6 бўғимдан иборат. Кўкракоёқлари сузиш учун хизмат қиласди. Максиллоподалар

ҳар хил мұхитда яшашға мослашғанлиги туфайли жуда кенг тарқалған. Уларни дengiz va құлларнинг турли чуқурлигіда учратып мүмкін. Бир қанча вакиллари бошқа сув ҳайвонларыда, шу жумладан қисқиңбақасимонтар танасида паразитлик қилишга мослашған. Улар орасыда ўтроқ яшовчи вакиллари ҳам күп учрайди.


Максиллоподалар кенжә синфи мистакокаридлар куракоёқлилар карпхұрлар, мүйловоёқлилар ва халтакұраклилар түркүмларига бўлинади. Қўйида куракоёқлилар ва мүйловоёқлилар түркүмларига тавсиф берилади.

**2. Куракоёқлилар (Copepoda) түркуми.** Куракоёқлиларнинг бош бўлими анча мураккаб тузилган бўлиб, унга биринчى кўкрак бўғими ҳам киради. Кўкраги бешта, қорин бўлими эса тўртта бўғимдан ташкил топган. Бошининг устида науплиус кўзи, қорин томонида оғзи, узун антеннулласи, калта антенналари ва икки жуфт жафоёқлари жойлашган. Антеннуллалари одатда узун (баъзан танасидан ҳам узунроқ) бўлиб, сузгич вазифасини бажаради. Кўкрак оёқлари икки шохли, содда тузилган. Қорин бўлими оёқсиз, унинг учки қисмидаги айри шохчаси бўлади.

Урғочи қисқиңбақалар етилган тухумларини қорин қисмидаги битта, кўпинча иккита халтачасида ёпиштириб олиб юради. Тухумдан чиққан науплиус личинкаси жуда күп марта туллаш орқали вояга етади.

Куракоёқлиларнинг 1800 га яқин турлари маълум. Улар планктон ҳаёт кечиради, дengиз ва чучук сувларда яшайди. Айрим ҳолларда куракоёқлилар планктоннинг асосий қисмидаги ташкил этади. Майда сув ўтлари, бактериялар, органик моддаларнинг қолдиқлари билан озиқланади, паразитлик қилувчи турлари ҳам бор.

Турли хил чучук сув ҳавзаларида (құллар, ҳовузлар) ва шолипояларда *Циклоп Cyclops* (110-



110-расм. Циклоп (урғочиси).

1 — кўз, 2 — антеннулла, 3 — антenna, 4 — бошкұрак, 5 — кўкракнинг эркин сегментлари, 6 — қориннинг жинсий сегменти, 7 — тухумхалта, 8 — дум айриси, 9 — ичак, 10 — кўкрак мускуллари.

расм) ва *Diaptomus* уруғига мансуб қисқибчақасимонлар күп учрайди. Куракоёқлилар ноқулай шароитда қалин пүстгә ўралиш хусусиятига эга. Қулай шароит келиши билан жуда тез күпая бошлайды. Марказий Осиё шароитида куракоёқлиларнинг 30 дан ортиқ турлари учраши аниқланган. Сув ҳавзаларида балиқларнинг озиги сифатида циклопларнинг аҳамияти жуда катта. Шунинг билан бирга улар кенг тасмали чувалчанг, ришта ва бошқа паразит чувалчангларнинг оралиқ хўжайини сифатида салбий аҳамиятга эга.


Денгизларда куракоёқлиларнинг 1200 дан ортиқ тури тарқалган. Сувнинг унча чуқур бўлмаган жойларида калануслар айниқса кўп учрайди. *Calanus finmarchicus* Баренц дengизининг айрим жойларида планктоннинг 90% га яқинини ташкил этади. Кўпчилик балиқлар ва мўйловдор китлар асосан калануслар билан озиқланади.

Куракоёқлиларнинг бир қанча турлари ҳар хил ҳайвонлар, кўпроқ балиқлар танасида паразитлик қиласди. Паразит ҳаёт кечириш таъсирида уларнинг тана тузилиши турли даражада ўзгаришга учрайди. Балиқларнинг жабраларида циклопларга кўпроқ ўхшайдиган *Ergasilus* ҳамда ташқи кўриниши бошқа қисқибчақалардан фарқ қиласди. Ган *Lamproglena* ва *Achteres* паразитлик қиласди.

**3. Мўйловоёқли қисқибчақасимонлар (*Cirripedia*) туркуми.** Мўйловоёқлилар сув остидаги тошлар ва қояларга, кит, акула, краблар териси, моллюскалар чиганоғи, кемаларнинг сувости қисмига ёпишиб, ўтроқ ҳаёт кечиради. Ўтроқ яшаш таъсирида уларнинг ташқи кўриниши кескин ўзгарган. Танаси алоҳида пластинкалардан ҳосил бўлган чиганоқ билан қопланган. Куракоёқлари узун ва икки шохли мўйловларга айланган. Антеннуллалар ва танасининг бош қисми ўзгариб, ёпишув органини ҳосил қиласди. Чиганоқ, “томи”ни ҳосил қиласдиган қисми сурилиб очилади ва чиганоқдан “мўйловоёқлар” деб атадиган кўкрак оёқлари чиқади. Мўйловларнинг бир меъерда силкиниши натижасида оғиз тешигига майда озиқ заррачалари тушади. Ўтроқ яшаш таъсирида мўйловоёқлиларнинг тана тузилиши ҳам бир мунча соддалашган.

Мўйловоёқлилар метаморфоз орқали ривожланади. Уларнинг *циприсимон личинкаси* бошқа қисқибчақаларнинг науплиус личинкасига ўхшаш тузилган ва планктон ҳаёт кечиради. Бу личинка антеннуллалардаги цемент безлари ёрдамида секин ҳаракатланадиган ҳайвонларнинг терисига, сув остидаги тошларга ёпишиб олиб, ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтади. Ана шундан сўнг антенналар ва мураккаб кўзлари йўқолиб, кўкракоёқлари кучли ривожланган икки шохли мўйловларга айланади. Танасининг сиртига оҳак чиганоқ ишлаб чиқарилади.

Кўпчилик мўйловоёқлилар гермафрорит ҳайвонлар. Айрим жинсли турларининг эркаклари анча майда бўлиб, урғочиларининг мантияси остида яшайди. Баъзи бир йирик гермафрорит турларининг “қўшимча” эркаклари ҳам сақланиб қолган. Бундай эркаклар жуда



111-расм. Денгиз ёнгоқчаси (Balanus).

1 — қопқоқлар, 2 — уйта пластинкалары.

жуда тез үсади. Тропик денгизларда яшовчи турларининг личинкалари ёпишгандан сўнг 8-16 кун, шимолий денгизларда яшовчи турлари эса 3 ой давомида вояга етади.

Айрим мўйловоёқлилар ўтроқ эркин яшашдан паразит яшашга ўтган, паразитлик ҳаёт улар танасининг тузилишига ҳар хил таъсир қиласди. Юқори даражада ривожланган паразитларнинг танаси жуда соддалашган бўлиб, туркум, синф ва ҳатто бўғимоёқлилар типи учун хос бўлган барча хусусиятларни йўқотади. Лекин личинкасининг тузилишини ўрганиш орқали уларнинг мўйловоёқлилар туркумiga мансублигини аниқлаш мумкин. Бу жиҳатдан айниқса ўноёқли қисқичбақасимонлар паразитлари *саккулина* (112-расм) ва *пельтогастер* (*Peltogaster*) дикқатга сазовордир.


#### Саккулина краблар

112-расм. Краб қорнининг ости қисмига ёпишиб олган илдизбош саккулина паразити.

1 — саккулина танаси, 2 — паразитнинг краб танасида мурракбатармоқланган сўриш поясаси.

майда, уларнинг тана ўсимталари ва скелети йўқолиб кетган.

Мўйловоёқлилар денгизнинг ҳар хил чукурлигига ҳаёт кечиради. Улар орасида *денгиз ўрдакчалари* — *Lepas* ва *денгиз ёнгоқчалари* *Balanus* (111-расм) деярли барча денгизларда учрайди. Бир қанча иирик денгиз ёнгоқчалари (масалан, баландлиги 20 см бўлган Узок Шарқ денгиз ёнгоқчаси) соҳил литорал (сув кўтарилиш ва қайтиш чегараси) зонасининг юқори қисмida яшашга мослашган. Денгиз ёнгоқчалари ноқулай шароит туғилганида уйчасининг қопқоқларини зич ёпиб олиб, анабиозга ўхшаш ҳолатга ўтади. Ана шу ҳолатда улар бир нечада ой сувсизлик ёки чучук сув таъсирига чидаши мумкин. Денгиз ёнгоқчалари



қорин қисмининг пастки томонига ёпишиб яшайди. Унинг халтага ўхшаш танасида ҳеч қандай бўғимлар ёки ўсимталари бўлмайди. Паразит кучли тармоқланган пояча ёрдамида краб танасига ёпишиб олади. Пояча хитин қоплағичдан ўтиб, крабнинг танасида жуда кўп марта шохланади, бу шохлар оёқларининг учки қисмигача етиб боради. Бундай тармоқланган шохчалар ёрдамида саккулина ўз хўжайини тана суюқлигини сўриб олади. Паразит танасида фақат битта нерв ганглийси ва гермафродит жинсий органлари бўлади, бошқа ички органлари йўқолиб кетади. Саккулина қўйган тухумдан науплиус личинка чиқади. У бошқа мўйловоёқлилар сингари циприссимон личинкага айланади. Бу личинка краб танасига ёпишиб олгандан сўнг кўкрак ва қорин қисмини йўқотгач, ҳужайралар тўплами ҳолида хўжайини танасига ўтиб олади. Паразит анча йириклишгандан сўнг хўжайини хитин қоплағичини қорин томондан ёриб кириб, халтага ўхшаш танасининг бир қисмини чиқариб олади.

Мўйловоёқлилар, айниқса дengиз ёнгоқчалари кемаларнинг сувости қисмiga ёпишиб олиб, уларнинг оғирлигини оширади ва тезлигини камайтиради. Кеманинг  $1\text{ m}^2$  юзасида бир йил давомида 10-12 кг дengиз ёнгоқчалари тўпланиши мумкин. Ёқилғи сарфининг ошиши ва кемани тозалаш учун кетган харажатлар ҳисоблаб чиқилганда дengиз ёнгоқчалари ҳар йили АҚШ савдо флотига 120 млн. доллардан ортиқроқ зарар келтириши аниқланган. Бундан ташқари, қисқичбақалар сувости ишаотларига ёпишиб олиб, уларни ҳам ишдан чиқаради. Шунинг билан бирга дengиз ўрдакчалари ва ёнгоқчаларининг личинкалари бошқа планктон организмлар қаторида семга, сельд ва бошқа планктонхўр балиқлар учун озиқ бўлади.

#### 17.1.1.4. ЧИҒАНОҚЛИ ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР (OSTPRACODA) КЕНЖА СИНФИ

Бу кенжага синфга дengиз ва чучук сув ҳавзаларида тарқалган жуда майда қисқичбақасимонлар киради. Улар жуда ихтисослашган бўлиб, икки тавақали чиғаноқ билан қопланган, тана бўғимлари йўқолиб кетган. Оёқлари сонига қараб, уларнинг кўкрак бўлими 2-3 бўғимдан тузилганлигини аниқлаш мумкин. Науплиус личинкасининг бош қисмida ягона кўзчаси ва 5 жуфт ўсимталари (антеннулла, антенна, мандибула ва 2 жуфт максиллалар) жойлашган. 2-3 жуфт кўкрак оёқлари ўрмалаб юриш учун хизмат қиласиди. Айрим чучук сувда яшовчи турларида эса антеннуллалар ҳам ҳаракатланиш учун хизмат қиласиди. Юраги ва жабраси ривожланмаган.

Чиғаноқли қисқичбақаларнинг 2000 га яқин тури бор. Кўлчиллик турлари дengизлар, бир қанча турлари чучук сув планктони ва бентоси таркиби га киради. Тўрли хил майда микроорганизмлар билан озиқланади. Айрим вакиллари йиртқич. Дengизларда ҳаёт кечирадиган турларининг каттали-

ги 0,2-23 мм, чучук сувлардаги турлари 7 мм гача етади. Кичик сув ҳавзалари ва күлмак сувларда Cypris pubira кеңг тарқалган. Чиганоқли қисқибакаларнинг қазилма қолдиқлари протерозой эраси кембрий даври ётқизиқларида учрайди. Улар фораминифералар сингари нефт Захираларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

#### 17.1.1.5. ЮКСАК ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР (MALACOSTRACA) КЕҢЖА СИНФИ

Юксак қисқибакасимонлар күкрак ва қорин бўғимлари сонининг доимийлиги ҳамда қориноёқларининг бўлиши билан бошқа қисқибакасимонлардан фарқ қиласиди. Уларнинг боши 4, кўкраги 8, қорин бўлими эса 6-7 бўғимдан иборат. Қорин бўлими тельсон билан туғайди. Бир қанча қисқибакасимонларда акрон, 4 та бош бўғимлари битта кўкрак бўғими билан бирикиб мураккаб бош кўкрак, яъни бош капсуласини ҳосил қиласиди. Бошқа вакилларининг боши протоцефalon деб аталадиган акрон ва антеннал бўғимлардан иборат. Протоцефалонда жағ бўғимлари бир неча кўкрак бўғимлари ёки уларнинг ҳаммаси билан бирикиб, жағкўкракни ҳосил қиласиди. Ошқозон чайновчи ва фильтрловчи бўлмалардан иборат. Ҳазм безлари, юраги ва қон томирлари яхши ривожланган. Вояга етган ҳайвонларнинг айи-рув органлари антеннал безлардан иборат. Урғочисининг жинсий тешиги олтинчى, эркагиники эса саккизинчى кўкрак оёқларининг асосий бўғимида жойлашган.

Юксак қисқибакаларнинг 14000 дан ортиқроқ тури бўлиб, улар 14 туркумга ажратилади. Қуйида энг асосий туркумларга тавсиф берилган.

1. Тенгоёқлилар (*Isopoda*) туркуми. Тенгоёқлиларнинг танаси дорзо-вентрал (орқадан қорин томонга) ясилашган. Бош бўлими жағлар ва битта, баъзан иккита кўкрак бўғимларининг бирикишидан ташкил топган. Бошида йирик фасеткали кўзлари жойлашган. Карапакснинг қалқони бўлмайди. Кўкрак оёқларининг ҳаммаси бир хил узунында, бир-бирига ўхшаш тузилган ва бир шохли бўлади. Қорин бўлими кўкрагига нисбатан анча қисқа бўлиб, унинг бир неча ёки ҳамма бўғимлари тельсон билан бирикиб кетади. 5 жуфт олдинги қориноёқлари асосий калта бўғимдан ва иккита кенгайган баргсимон юпқа қобиқли жабра шохчалари (варақчалари)дан иборат. Бу шохчалар китоб varaқчалири сингари бир-бирининг устига таҳланиб туради. Варақчаларни қорин оёқлари экзоподити (ташқи шохчаси)дан ҳосил бўлган қалин хитин қопқоқча ёпиб туради. Варақчаларнинг юпқа қобиғи орқали сувда эриган кислород қонга ўтади. Шу сабабдан тенгоёқлиларнинг юраги ҳам қорин бўлимида жойлашган.

Тенгоёқлилар нафас олиш органининг ўзига хос тузилиши уларнинг қуруқликда яшашга осон мосланишига имкон беради. Қуруқликда ҳаёт


кечирадиган күпчилик захкашлар (*Oniscoidea*) кенже туркуми вакиллари ҳам қориноёклари ёрдамида нафас олади. Улар худди сувда яшовчи тенгөёқлилар сингари жабраларини қоплаб олган сув пардасида эриган кислород билан нафас олади. Бир қанча захкашларнинг хитин қоплағичи сиртида ҳар хил ўсмалар жуда мураккаб сув ўтказувчи найлар системасини ҳосил қиласи. Захкаш шудринг томчисига тегиб кетганида ҳам сув капилляр куч таъсирида танага шимилади ва қорин оёқларидаги жабраларга боради. Учинчи хил захкашлар эса ўзларининг жабраларини анал тешигидан чиқадиган суюқлик билан ҳўллаб туради. Айрим захкашлар атмосфера ҳавоси билан нафас олади. Бундай захкашларнинг қорин оёқлари ичидаги махсус бўшлиқ бор. Бу бўшлиқ атмосфера билан ингичка тешик орқали боғланган бўлганидан унга ҳаво кириб туради. Бўшлиқдан тана ичига шоҳланган учি берк найлар кетади. Бу система қуруқлиқда яшовчи бўғимоёқлиларнинг трахея системасига ўхшаш бўлганидан, уларни соҳта трахеялар дейилади.

Айрим тенгөёқлилар балиқларнинг терисида ва бошқа қисқичбақасимонларнинг жабра бўшлиғида паразитлик қиласи.

Тенгөёқли қисқичбақасимонларда тухум урғочи ҳайвонларнинг кўкрак халтасида ривожланади. Тухумдан чиқсан личинкаси кўкрак оёқларининг кучсиз ривожланганилиги билан вояга етган давридан фарқ қиласи.

Тенгөёқлилар денгиз ва чучук сув ҳавзаларида ҳамда қуруқлиқда яшашга мослашган 4500 дан ортиқроқ турни ўз ичига олади. Уларнинг асосий қисми денгиз бентоси таркибига киради. Бир қанча турлари планктонда учрайди. Ҳамма денгизларда, шўр сувли кўлларда ва дарёларнинг қуйи оқимида узунлиги 10 см келадиган *дэнгиз сувараги* (*Nesidiothes entomon*) учрайди. Чучук сув ҳавзаларида ҳам тенгөёқлилар жуда кенг тарқалган. Ҳовуз кўл ва тинч оқар сувларда сув ҳўтиқчалари *Asellidae* оиласи вакиллари кўп учрайди. Қуруқлиқда эса захкашлар (*Oniscoidea* кенже туркуми) кенг тарқалган (113-расм).

Тенгөёқли қисқичбақасимонлар орасида (*Oniscoidea*) айниқса катта амалий аҳамиятга эга. Марказий Осиё чўлларида кенг тарқалган *Hemilepistus cristatus* тупроқда 60-100 см чуқурликда ин қуради. Иннинг ичидаги ҳарорат қищда бирмунча илиқ (10 даражадан юқори), ёзда эса салқин (26 даражадан паст), намлиқ эса доимо бир хил (100% атрофид) бўлади. Захкашлар инларида оила бўлиб яшайди, индан фақат кечқурун ва эрталаб чиқади, қищда эса



113-расм. Тенгөёқли қисқичбақасимонлар.

А — захкаш *Porcellio*. Б — сув ҳўтиқчаси *Asellus aquaticus*.

карахт ҳолатта үтади. Захкашлар ўсимлик қолдиқлари билан озиқлашиб, тупроқ ҳосилдорлигини оширишда муҳим үрин тутади. Бундан ташқари улар ин қазиб, тупроқ қатламларини аралаштиради, тупроққа сув шимилиши ва ҳаво үтишини яхшилади. Шунинг учун улар ини атрофида ўсимлик яхши ўсади. Захкашларнинг тупроқ ҳосил қилишдаги фаолиятини ёмғир чувалчанглари билан тенглаштириш мумкин. Сернам суғориладиган майдонларда ва иссиқхоналарда кенг тарқалган *Hemilepistus zachvatkini* ўсимликларга бирмунча зиён келтиради.

Ҳар хил оёқлилар, яъни ёнлаб сузарлар (*Amphipoda*) туркуми. Ёнлаб сузарларнинг танаси икки ён томондан сиқилган, тузилиши тенгоеёқлиларга бирмунча ўхшаш бўлади. Боши яхлит бўлиб, биринчи, баъзан иккинчи кўкрак бўғимлари билан қўшилиб кетади. Фасеткали кўзлари бошининг икки ёнида жойлашган, икки жуфт мўйловлари яхши ривожланган, оғиз органи чайновчи типда бўлади. Бошининг орқа томонида бош қалқонининг остида мувозанат органи жойлашган. Кўкрак оёқлари 7 жуфт бўлиб, бир-биридан бир мунча фарқ қиласиди. Шу сабабдан бу ҳайвонларга ҳар хил оёқлилар номи берилган. Дастребни икки жуфт оёқлари одатда қисқичга ўхшаш бўлиб, озиқланиши учун хизмат қиласиди. Кейинги икки жуфт кўкрак оёқларининг тирноқлари орқага, охирги 3 жуфт кўкрак оёқлариники эса олдинги томонга эгилган. Деярли ҳамма кўкрак оёқларида баргга ўхшаш жабра пластинкалари жойлашган.

Ёнлаб сузарларнинг қорин бўлими б бўғимдан иборат, қорин оёқлари яхши ривожланган. Икки шохли уч жуфт олдинги қорин оёқлари тукчалар билан қопланган бўлиб, сузиш учун хизмат қиласиди. Кейинги 2 жуфт қорин оёқлари ҳам икки шохли, лекин улар орқа томонга эгилган бўлади. Бу оёқлар тельсон билан бирга сакровчи оёқлар, яъни уроподларни ҳосил қиласиди. Кўпайиш даврида ургочиларининг кўкрак қисмида тухум халтаси ҳосил бўлади. Бу халтадаги тухумлар ичида эмбрионлар ривожланади. Тухумдан чиқкан ўнасли вояга етган ҳайвонларга жуда ўхшаш бўлади.

Ёнлаб сузарлар туркумига 4500 дан ортиқ тур киради. Кўпчилик турлари денгизларда тарқалган бўлиб, сув тубидаги лойга кўмилиб яшайди ёки маҳсус наисимон инлар ичида ҳаёт кечиради. Ёнлаб сузарлар орасида планктонда ҳаёт кечирувчи вакиллари ҳам кўп учрайди.

Ёнлаб сузарлар оёқларининг турлича тузилганилиги туфайли хилма-хил ҳаракатланади. Улар кўкрак оёқлари ёрдамида сув тубида ёки сув ўтлари устида ўрмалаб юриши, олдинги кўкрак оёқлари ёрдамида сузиши ёки ураподлари ёрдамида сакраб ҳаракатланиши мумкин. Кўпчилик турлари шароит тақозоси билан бу уччала усул ёрдамида ҳам ҳаракатланиши мумкин. Улар фақат сув ҳавзаларининг жуда саёз жойларида ён томони билан сузади. Сувнинг чукурроқ жойларида эса бошқа қисқичбақалар сингари қорнида сузади. Шу сабабли “ёнлаб сузарлар” номи бу қисқичбақасимонлар учун унча тўғри келмайди.

114-расм. Ёнлаб сузар.


Ёнлаб сузарлар орасида ҳаммахўрлари кўпчиликни ташкил этади. Улар ҳар хил сув ўтлари, майда ҳайвонлар, турли органик қолдиқлар ва ҳатто сув тубидаги балчиқ билан озиқланиши мумкин. Планктондаги ёнлаб сузарлар орасида йиртқич вакиллари кўп учрайди. Айрим ёнлаб сузарлар, масалан кит битлари (*Cyamidae* оиласи) китлар терисини кемиради. Кўпчилик денгизларнинг сув қайтиш зонасида *Gammarus* ва *Anisogammarus* авлоди вакиллари жуда кўплаб учрайди. Чучук сувли кўлларда кўл ёнлаб сузари *Gammarus lacustris* (114-расм), оқар сувларда *G.culex* ва *G.balcanicus* кенг тарқалган. Биркенча ёнлаб сузарлар фор, қудуқ, булоқ ва ерости сувларда ҳам ҳаёт кечиради.



Ёнлаб сузарлар кўпчилик овландиган балиқларнинг асосий озиғи бўлиб ҳисобланади. Янгидан барпо этиладиган сув ҳавзаларида балиқчиликни ривожлантириш учун ёнлаб сузарларни кўпайтириш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

**Ўноёқлилар (Decapoda) туркуми.** Ўноёқлилар йирик ва энг мураккаб тузишган қисқичбақасимонлар (115-расм). Уларнинг бош қисми протоцефalonда икки жуфт мўйловлари ва поччали бир жуфт фасеткали кўзлари жойлашган. Пояча ҳаракатчан бўлиб, кўриш майдонини кенгайтириш учун хизмат қиласди. Поячада жойлашган ички секреция безларнинг гормонлари пигментни ҳужайра ичидаги тарқалиши, туллаш, модда алмашинуви ва қон таркибидаги шакар ва кальций моддаларнинг миқдорини бошқариш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Қисқичбақаларнинг мураккаб кўзлари пигмент ҳужайралар қавати билан бир-биридан ажralиб турадиган жуда кўп, баъзан бир неча минглаб майда омматидлардан ташкил топган. Омматидларнинг тўр қаватига фақат тик нурлар тушади. Ҳар қайси омматид буюмнинг кичик бир қисмини кўради, нерв системасида эса буюмнинг умумий тасвири ҳосил бўлади. Ана шу тариқа мозаик кўриш амалга ошади. Пигмент омматидларнинг остки қисмida ёруғлик камайганида тўплана бошлади, шу сабабдан қия тушган нурлар ҳам тўр қаватга етиб боради ва қисқичбақа буюмнинг хира тасвирини кўради. Сувда яшайдиган қисқичбақалар фақат 1 м гача узоқликдаги нарсаларни яхши кўра олади. Шунинг учун уларга озиқни ёки пана жойларни топишда кўпроқ ҳид билиш, туйғу ва кимёвий сезиши аъзолари ёрдам беради.

Кўпчилик узундумли қисқичбақасимонларнинг антеннуллалари 2-3 шохли бўлади. Хивчинларда жойлашган жуда кўп туклар ҳид билиш,





115-расм. Үноёқли қисқиңбақасимонлар.

А — креветка. Б — зоҳил қисқиңбақа (чиғаногидан чиқариб олинган). В — тош қраб.

түйғу ва кимёвий сезги вазифасини ўтайди. Антеннұллаларнинг асосий бүгімларида эса мувозанат аязолари — статоцистлар жойлашған. Статоцистлар бүшлиғи деворида илмоқсисмон ва ипсисмон сезгир туклар бўлади. Илмоқсисмон тукларга битта ёки бир неча статолитлар тегиб туради. Статолитларнинг у ёки бу тукларга таъсир кўрсатиши тана ҳолатини аниқ белгилашга имкон беради.

Жағлар кучли ривожланган бўлиб, озиқни узиб олиш ва майдалаш учун хизмат қиласиди. Кейинги жағларнинг йирик пластинкасисмон ташқи қисмининг ҳаракати туфайли жабра бүшлиғидаги сув доимо алмашиниб туради.

Ўноёқлilarнинг ҳамма кўкрак бүгімлари уч жуфт жағ бүгімлари билан қўшилиб, яхлит жағкўкракни ҳосил қиласиди. Жағкўкракни орқа томондан карапакс ёпиб туради. Кўпчилик турларда карапакснинг олдинги қисми ўткир учли ўсимта — *рострумни* ҳосил қиласиди. Олдинги уч жуфт кўкрак оёқлари жағоёқларга айланган. Жағоёқлариди озиқ ушилаш ва уни оғиз тесигига суриш учун хизмат қиласиди. Қолган 5 жуфт кўкрак оёқлари ўрмалаш вазифасини ўтайди. Шунинг учун бу қисқичбақасимонлар ўноёқлilar деб аталади. Олдинги жуфт кўкрак оёқлари озиқни тутиш учун хизмат қиласиди. Кўпчилик қисқичбақасимонларнинг тутиш оёқлари қисқичли бўлади. *Краблар* ва зоҳид қисқичбақаларнинг фақат биринчи жуфт оёқлариди; креветкаларнинг олдинги икки жуфт оёқлариди, дарё қисқичбақалари, омарлар ва айрим креветкаларнинг олдинги уч жуфт оёқлариди қисқичлар ривожланган. Одатда олдинги кўкрак оёқларининг қисқичлари бошқаларига нисбатан кучлироқ бўлади. *Лангустлар* ва бошқа айрим ўноёқлilarда қисқичлар бўлмайди. Кўпинча қисқичлар асимметрик тузилган, улардан бири йирикроқ бўлади. Омарларнинг йирик қисқичи дengiz салар чифаногини майдалаш, кичик кескувчи қисқичи эса креветка ва балиқлар танасини бўлаклаш учун хизмат қиласиди. Тропик дengizларда ҳаёт кечирадиган *чорловчи крабларнинг* ўнг қисқичи улкан чап қисқичига нисбатан жуда йирик бўлади. Айрим ўноёқлilarнинг кейинги кўкрак оёқлари ҳам ўзгарган бўлиши мумкин. Масалан, зоҳид қисқичбақаларда бу оёқлар қисқарган бўлиб, қисқичбақа танасини чифаноқ ичиди ушлаб туриш учун хизмат қиласиди.

Ўноёқлilarнинг жабралари оёқжаглар ва юриш оёқларининг асосий бўғими билан боғланган ёки кўкрак оёқларининг устида уларнинг танага биринкан жойида жойлашған. Карапакс жабраларни икки ён томондан тўлиқ ёпиб олиши туфайли жабра бўшлиғи пайдо бўлади. Сув жабра бўшлиғига қисқичлар асосида ёки юриш оёқларининг асосий бўғимлари ўргасида жойлашған маҳсус тешниклар орқали киради ва карапакснинг олдинги томонидан чиқиб кетади. Қуруқликда ҳаёт кечирадиган қисқичбақалар (масалан, пальма ўғриси *Birgus latra*)нинг жабра бўшлиғи ўпка вазифасини бажаради. Бу бўшлиқнинг ички деворида жуда кўп майда қон томирлари билан таъминланган жойида газ

алмашинуви содир бўлади. Лекин жабралар қисман сақланиб қолганинидан улар сувда ҳам bemalol нафас олаверади.

Ўноёқлиларнинг қорин бўлими ҳар хил тузилган. Сувда сузувчи креветкаларда қорни яхши ривожланган ва икки ёндан сикқилган бўлиб, сузгич оёқлар — *pleopodlar* билан таъминланган. Ўрмаловчи омарлар, дарё қисқичбақалари ва лангустларнинг қорин қисми узун, лекин орқадан қорин томонга ясиласшанидан, ҳаракатланишда фаол иштирок этолмайди. Кўпчилик зоҳид қисқичбақаларнинг қорин қоплағичи жуда юмшоқ, чиганоқча мос равишда спирал буралган, қориноёқларининг бир қисми йўқолиб кетган бўлади. Уларга яқин турадиган камчатка краби ва пальма ўғрисининг қорин қисми анча калта бўлиб, танасининг остида тахланиб туради. Ҳақиқий крабларнинг қорин қисми жуда ҳам кичрайган, бўғимлар сони эса қисқарган, қорин оёқлари яхши ривожланмаган, дум сузгичи умуман бўлмайди. Қорин оёқлар жинсий функцияни бажаради. Эркак қисқичбақасимонларнинг биринчи ва иккинчи жуфт қорин оёқлари куйикиш органига айланган. Урғочи қориноёқлilar етилган тухумини ёпиштириб олиб юради.

Ўноёқлиларнинг ранги хилма-хил бўлади. Сув тубида яшайдиган турлари кулранг ёки кўкимтири, сув ўтлари орасида учрайдиган турлари эса ҳимоя рангидан — яшил бўлади. Айрим ўноёқлилар тана қоплағичининг ранги ташқи муҳит рангининг ўзгариши таъсирида ёки бир сутка давомида ўзгариб туради. Масалан, чорловчи краблар ранги сув қайтганида қорамтири, сув кўтарилиганида эса очиқроқ рангта киради. Қисқичбақалар танасининг ранги тана қоплағичидаги каротиноид пигмент — актосантинга боғлиқ. Тоза ҳолда бу фермент қизил рангли бўлади. Пигмент организмда оқсиллар билан бирикмади. Ўқори ҳароратда бирикма тез емирилади. Шунинг учун пиширилаётганда қисқичбақа қизаради.

Қисқичбақасимонларнинг бир қанча турларида ин қуриш инстинкти яхши ривожланган. Бу инстинкт айниқса қуруқликда яшайдиган турларидан бир мунча мураккаб бўлади. Дарё қисқичбақалари сув ҳавзаларининг соҳилга яқин пана жойларида қисқичлари ёрдамида лойни ковлаб оддий ин қуради. Чорловчи крабларнинг инлари эса бирмунча мураккаб бўлади. Зоҳид қисқичбақалар қориноёқли моллюскаларнинг бўш қолган чиганоғини эгаллаб олади. Ўноёқли қисқичбақалар бошқа ҳайвонлардан ўз танасини ниқоблаш мақсадида ва душманларга қарши қурол сифатида фойдаланаади. Уятчан краблар (*Dorippidae* оиласи) ўз танасини икки паллали моллюскалар чиганоғи билан ётиб олади. *Majidae* ва *Dromiidae* оиласига мансуб краблар елкасига ғовактанилар, гидроидлар ёки мишанкаларнинг колониясини ўтқазиб олади. Бир қанча зоҳид қисқичбақалар ўз душманларидан сақланиш мақсадида актинияларнинг кўйдирувчи пайпаслагичларидан фойдаланишади. Кўпчилик зоҳид қисқичбақалар ва актиниялар биргаликда ёки ҳар қайсиси алоҳида ҳаёт кечира олиши мумкин. Айрим қисқичбақалар ва актиниялар, масалан, зоҳид қисқичбақа *Pagurus bernhard-*

dus va aktinias *Sagartia parasitica* фақат биргалиқда ҳаёт кечиради. Актиния қисқиңбақаны душманлардан ұмоя қилиш билан бирга үзи ҳам қисқиңбақанынг озигіға шерик бўлади. Икки организмнинг ана шундай ўзаро ҳамкорлиқда ҳаёт кечириши симбиоз деб аталади.

Кўпчилик денгиз ўноёқлиларнинг тухумидан вояга етган даврига ўхшамайдиган личинка чиқади. Бу личинкалар науплиус, метанауплиус, зоеа, мизид даврларини ўтгандан сўнг вояга етади. Содда тузилган науплиус ва метанауплиус тубан ўноёқлилар (масалан, креветкалар) учун хос. Кўпинча қисқиңбақалар тухумидан анча мураккаб тузилган зоеа личинкаси ривожланиб чиқади. Узун думли қисқиңбақалар (омарлар)-нинг зоеа личинкаси ривожланиб, мизид стадиясига ўтади. Кўпчилик чучук сувда, совуқ денгизларда ва сувнинг чуқур қисмидә ҳаёт кечирадиган ўноёқлиларнинг тухумлари йирик ва сариқликка бой бўлади. Шунинг учун барча личинкалик стадиялари тухум ичида ўтади. Тухумдан вояга етган даврига ўхшайдиган, лекин жуда кичик қисқиңбақалар чиқади. Улар урғочисининг қориноёқларига ёпишиб олади. Қисқиңбақалар бир неча йилдан (реветкалар) 20-23 йилгача (дарё қисқиңбақаси, краблар), баъзи турлари (омарлар) 50 йилгача яшайди.

Ўноёқлиларга 8500 дан ортиқроқ тур киради. Уларнинг асосий кўпчилиги денгиз ва океанларда тарқалган. Айниқса, тропик денгизларнинг унча чуқур бўлмаган зоналарида қисқиңбақалар кўп учрайди. Чучук сув ҳавазаларида дарё қисқиңбақалари, краблар ва креветкаларнинг бир неча тури тарқалган. Тропик крабларнинг айрим турлари, масалан *арвоҳ краб* *Oscipode rotundate*, зоҳид қисқиңбақалар (*Coenocita*), қароқчи краб ёки *пальма ўғриси* (*Birgus latro*) қуруқлиқда яшашга мослашган. Ўноёқлилар 3 та кенж туркумн ташкил этади.

Узун қоринлилар (*Natantia*) кенж туркуми. Энг тубан тузилган ўноёқлиларга киради. Уларнинг яхши ривожланган ва узун қорин бўлимидаги оёқлари сузиш учун хизмат қилади. Кенж туркумга вакил сифатида ҳар хил креветкалар (*Pandalus*, *Crangon* ва бошқалар)-ни кўрсатиш мумкин (қаранг: 115-расм). Айрим креветкалар чучук сувларда яшайди. Ўрга Ер денгизи ҳавзаси, Кавказ, Қрим, Марказий Осиё ҳудудларида *Potamon potamios* креветкаси кенг тарқалган.

Чала қоринлилар (*Reptantia*) кенж туркуми хилма-хил тузилган ва кўп сонли турларни ўз ичига олади. Чала қоринлиларнинг қориноёқлари бирмунча кучсиз ривожланган бўлиб сузища иштирок этмайди. Бу кенж туркум бир неча алоҳида бўлимларга ажратилади. *Лангустлар* (*Palinura*) бўлимига мансуб лангустлар (*Palinurus*) анча йирик. Уларнинг қорин бўлими яхши ривожланган, лекин қисқиңлари бўлмайди. Дарё қисқиңбақалари (*Astacura*) бўлимига киравучи ўноёқлилар ҳам лангустларга ўхшашиб бўлиб, қисқиңлари яхши ривожланган. Бу бўлимга омарлар (*Nomarus*) ва дарё қисқиңбақаларининг бир неча оиласлари киради. Чучук сув ҳавазаларида дарё қисқиңбақаларидан кенг бармоқли *Astacus* (*Potamobius*) *astacus* ва ингичка бармоқли *Astacus leptodactylus*

кенг тарқалған. Биринчи тур Шарқий Европанинг Болтиқ дengизи ҳавзаси дарёларида, иккинчи тур эса Қора, Азов, Каспий, Орол дengизлари ҳавзалари ҳамда Фарбий Сибирнинг дарё ва құлларида тарқалған.

**Чала думлилар** (Anomura) кенжә түркүмігің үз танасида қорин оёқли моллюскаларнинг чиганогига солиб олиб юрадиган зоҳид қисқичбақалар киради. Улардан айрим турлари, масалан, зоҳид қисқичбақа, арвоҳ краб ва қароқчи краб қуруқликда яшашга мослашған. Қароқчи краб Тинч ва Ҳинд океанларидағы айрим оролларда, тупроқдаги унча чуқур бўлмаган инларда ҳаёт кечиради. Кечаси инидан чиқиб, мевалар билан озиқланади. Ургочи қисқичбақалар кўпайишдан олдин дengизга тушади. Тухумдан чиққан личинкалар бир неча ой планктонда яшайди. Сўнгра дengиз тубига чўкиб, моллюскаларнинг бўшаган чиганоги ичиға кириб олади. Лекин қуруқликка чиққандан сўнг чиганогини ташлаб, вояга етган қароқчи қисқичбақага айланади. *Камчатка краби* (Paralithodes camtschatica) ҳам ташқи томондан крабларга ўхшаса-да, чала думлилар бўлимига киради. У ҳеч қажон моллюскалар чиганогидан фойдаланмайди, қорин қисми асимметрик тузилганди.

**Калтадумлилар, яъни краблар** (Brachyura) бўлими турларининг қорни жуда кичик ва кўкраги остига этилган, мўйловлари калта, бошкўкрак қалқони кенг бўлади. Асосан дengиз ва океанларда ҳаёт кечиради. Ўзоқ Шарқ дengизларида тарқалған япон краби танасининг узунилиги 3 м га етади. Краблар орасида бир неча турлари чучук сувларда яшашга мослашған.

Ўноёқлилар озиқ-овқат сифатида муҳим амалий аҳамиятга эга. Озиқ-овқат учун дарё қисқичбақалари, омарлар, лангустлар, креветкалар ва краблар ишлатилиади. Ҳар йили 1 млн тоннага яқин қисқичбақалар оваланади. Faқат оваландиган креветкалар миқдори бир йилда 700 минг тоннани ташкил этади. Айрим мамлакатларда креветкалар сунъий боқиб кўпайтирилади. Камчатка крабини овлаш айниқса яхши йўлга қўйилганди. Бу крабни шимолий дengизлар, хусусан Баренц дengизида кўпайтириш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

## 17.2. ТРАХЕЯЛИЛАР (TRACHEATA) КЕНЖА ТИПИ

Трахеялилар қуруқликда яшашга мослашған. Трахеялар ёрдамида нафас оладиган бўғимоёқлилардир. Кўпчилик трахеялиларнинг бош бўлими акроннинг 4 та тана бўғими билан қўшилишидан ҳосил бўлган. Бош ўсимталари бир жуфт мўйловлар ва 3 жуфт оғиз органларидан иборат. Мўйловлар қисқичбақаларнинг антеннуллаларига мос келади. Қисқичбақаларнинг антенналарига мос келадиган ўсимталар трахеялиларда бўлмайди, — бўғимнинг ўзи қисман редукцияга учрайди. Оғиз органлари бир жуфт юқори жағлар — мандибулалар ва икки жуфт пастки жағлар — максиллалардан иборат. Тана бўлимлари ва бўғимлари сони кенг миқёсда ўзгариб туради.

Куруқлиқда яшовчы ҳайвонлар сиғатида трахеялиларнинг тана қоплаги чи сув ўтказмайдиган бўлади. Айрим тубан тузилган трахеялилар (масалан, икки жуфт оёқлилар) нинг тана қоплаги чи ички эластик хитинли эндокутикуладан ҳамда ташқи анча тифиз экзокутикуладан иборат.

Кўпчилик трахеялилар кутикуласи сиртдан жуда юпқа (0,4 мм қалинликда) сув юқтирмайдиган мумсимон ва ёғсимон парда — эпикутикула билан қопланган.

Трахеялиларнинг айирув органи — мальпиги найчаларининг тузилиши ҳам сувни тежаб сарфлаш учун хизмат қилади. Чунки мальпиги найчалари ташқи муҳитга эмас, балки ичакнинг орқа қисмига очилади. Сийдиги билан ажралган ортиқча суюқлик ичак девори орқали яна қайтадан сўриб олинади. Трахеялилар организмида соидир бўладиган биохимёвий реакциялар ҳам сувни тежашга қаратилган. Шу сабабдан улар организмида оқсилилар парчаланиши натижасида мочевина эмас, балки сийдик кислотаси ҳосил бўлади. Бу модда осонликча кристалл ҳолатга ўтади, уни организмдан ювиб чиқариш учун кўп сув зарур бўлмайди. Бундан ташқари трахеялиларнинг тана бўшлиғидаги ёғ моддаси парчаланганида организм учун зарур сув ҳосил бўлади.


Шундай қилиб, трахеялилар ҳамма органларининг тузилиши сувни тежаб сарфлашга мослашган. Ана шу туфайли кўпчилик трахеялилар тупроқдан қуруқликка чиқишган. Кўпгина турлари ҳаво муҳитини ҳам эгаллашган. Қуруқликка чиқиш туфайли трахеялиларда ички уруғланиш пайдо бўлган. Деярли ҳамма трахеялилар айрим жинсли бўлади.

Трахеялилар орасида кўпоёқлилар ҳалқали чувалчангларга ўхшаш тузилиш белгиларига эга. Лекин оғиз органларининг тузилишига кўра трахеялилар қисқичбақасимонларга ўхшаб кетади. Шу сабабдан трахеялилар қисқичбақасимонлар ва трилобитасимонлар билан бирга ҳалқали чувалчангларнинг уч хил гуруҳидан келиб чиқсан бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Трахеялилар кенжे типи кўпоёқлилар ва ҳашаротлар синфларига бўлинади.

### 17.2.1. КЎПОЁҚЛИЛАР (MYRIAPODA) СИНФИ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

**Ташқи тузилиши.** Кўпоёқлиларнинг чувалчангсимон танаси яхлит бош ва бўғимларга бўлинган гавдадан иборат. Гавдасидаги бўғимлар сони пауроподларда 14 та, симфилларда 18 та бўлса, лабоёқлиларда 181 тага етади. Бош бўлими гавдадан ажралиб чиқсан акрондан ва у билан кўшилиб кетган 3 (пауроподалар, икки жуфт оёқлилар) ёки 4 (симфиллар) тана бўғимларидан ҳосил бўлган. Пауроподлар ва икки жуфт оёқлиларнинг охирги бош бўғими эркин бўлганидан “бўйин” деб аталади. Бошнинг бундай тузилиши тубан кўпоёқлилар учун хос бўлган белги-



116-расм. Күпөёқлиларнинг тузилиши.

А — ички тузилиши. Б — оғиз органлари: 1 — мўйлов, 2 — ҳалқумусти ганглий, 3 — заҳар безли жафоёқ, 4 — қизилпўнгач, 5 — сўлак бези, 6 — қорин нерв занжири, 7 — оёқ, 8 — ўрта ичак, 9 — мальпиги найчалари, 10 — уруғдон, 11 — уруғ пуфаги, 12 — уруғ йўли, 13 — кейинги без, 14 — олдинги без, 15 — ташқи жинсий ўсимталаар, 16 — юқори лаб, 17 — юқори жағлар, 18 — биринчи жуфт пастки лаблар, 19 — иккинчи жуфт пастки лаблар, 20 — жафоёқлар.

дир. Бошида бир жуфт мўйловлари, юқори жағлар — мандибулалар ва бир ёки икки жуфт пастки жағлар — максиллалар бўлади (116-расм). Мўйловлари туйгу ва ҳид билиш органи вазифасини бажаради. Оғиз органларининг тузилиши ҳар хил систематик гурухларда турлича. Симфиyllлар ва лабоёқлиларнинг оғиз тешигини олд томондан хитин тери бурмасидан ҳосил бўлган юқори лаб тўсиб туради. Бир жуфт мандибулалар иккита, калта бўлиб, уларнинг ички қирралари тишчали плас-

тинкалардан ташкил топган. Кўпчилик кўпоёқлиларнинг икки жуфт пастки жағлари асосий бўғимдан ва унинг устида жойлашган жағ пай-пастагичлар ҳамда чайнаш пластинкаларидан иборат. Пауроподлар ва икки жуфтоёқлилар юқори лаби ва жағларидан орқароқда битта тоқ мураккаб тузилган пластинкаси жойлашган. Бу пластинка лабоёқлиларнинг биринчى пастки жағларига мос келади.

Тубан тузилган кўпоёқлилар гавдасининг бошдан кейинги қисми гомоном бўғимлардан ташкил топган. Лабоёқлиларнинг танасида бундай бўғимлар навбатлашиб жойлашади. Икки жуфтоёқлилар танасида дастлабки тўртга бўғимдан ташқари ҳамма бўғимлар жуфт-жуфт бўлиб кўшилиб кетади.

Шундай қилиб, бўғимларининг бир хилда тузилганилиги сабабли кўпоёқлилар гавдасининг айрим бўлимларини ажратиб кўрсатиб бўлмайди. Фақат кивсякларнинг бир жуфт оёқлари бўлган биринчى тана бўғими ва ундан кейинги оёқсиз "бўйин бўғими билан бирга кўкрак дейиш мумкин. Кўпоёқлиларнинг юриш оёқлари ҳам бир хилда тузилган бир қатор бўғимлардан иборат. Юриш оёқларининг учки қисми тирноқча айланган. Фақат лабоёқлиларнинг биринчى жуфт жағоёқлари бошқача тузилган. Ҳусусан улар анча йириқ, асосий бўғими жуда йўғонлашган, охирги бўғими илмоққа ўхшаш бўлади. Бу оёқларнинг асосида заҳар бези жойлашган. Без илмоқнинг учига очилади. Жағоёқлар (қарант: 116, Б-расм), яъни лабоёқлар деб аталадиган бу оёқлар ёрдамида ҳайвонлар ўз ўлжасини тутади ва ўлдиради. Лабоёқлиларнинг заҳари бўғимоёқлилар ва умуртқалилар учун хавфлидир. Бундай қирқоёқ бармоқни чақиб олганида қўл шишиб, оғрий бошлайди.

Кўпоёқлиларнинг танаси гиподермадан ҳосил бўлган хитинли кутикула билан қопланган. Айрим кўпоёқлилар кутикуласига оҳак моддаси шимилган бўлади. Кутикулада кўп микдорда ҳимоя вазифасини бажарувчи жуда кўп тер безлари бор. Кивсяклар танасининг орқа томонида жойлашган бу безлар маҳсус тешиклар орқали тери устига очилади. Безларнинг суюқлиги ана шу тешиклардан сепилади.

Ички тузилиши. Кўпоёқлиларнинг овқат ҳазм қилиш системаси тўғри най шаклида бўлади ва ҳамма бўғимоёқлиларнига ўхшаш бўлимлардан иборат (қарант: 116-расм). Оғиз тешиги бошининг пастки томонида жағларининг ўртасида жойлашган бўлиб, ичакнинг олдинги қисми — ҳалқумга очилади. Кивсякларнинг уч жуфт сўлак безлари бўлади. Бу безларнинг ҳар қайсиси алоҳида йўл билан оғиз бўшлиғига ёки оғиз тешиги ёнига очилади. Кўпоёқлилар жағларининг ёнига очиладиган 2 жуфт безларини ҳашаротларнинг ипак безларига тенглаштириш мумкин. Ўрта ичак анча узун. Озиқ ўрта ичакда ҳазм бўлади ва сўрилади. Орқа ичак эса жуда калта бўлади. Кўпчилик кўпоёқлилар йиртқич ҳаёт кечиради. Улар орасида ўтхўрлари кам учрайди.

Айриш системаси тана бўшлиғида жойлашган икки жуфт узун мальпиги найчаларидан иборат. Найчаларнинг тана бўшлиғида жойлаш-

ган учи берк бўлади, иккинчи учи эса ўрта ва орқа ичак чегарасида ичак бўшлиғига очилади. Асосий модда алмашинув маҳсулотлари ҳисобланадиган сийдик кислотаси конкреция ҳолида мальпиги найчалари бўшлиғига ва уларнинг эпителий деворига ажратилиди. Айириш органларига мальпиги найчалари, қорин қон томири ёки қорин нерв занжири бўйлаб жойлашган лимфатик безлар ҳам киради. Бу безлар моддалар алмашинувининг қаттиқ маҳсулотларини тўплаш вазифасини бажаради. Айиришда ёғ танача ҳам қатнашади. Бу таначалар тана бўшлиғида жойлашган ҳужайралар тўпламидан иборат. Тана ҳужайралари ичидаги ёғ томчилари ва сийдик кислотаси конкрецияси бўлади. Ёғ таначалар қўшимча озиқ ҳамдир.

Нафас олиши системаси шохланган ингичка ҳаво найчалари — трахеялардан иборат. Трахеялар эмбрион ривожланиши даврида эктодерманинг тана ичига чукур ботиб кириши орқали ҳосил бўлади. Трахеяларнинг ички юзаси хитин билан қопланган. Бу хитин найчалар деворида спирал жойлашган йўғонлашмаларни ҳосил қилади. Йўғонлашмалар трахея найларини пучайиб қолишига йўл қўймайди. Трахея найлари қорин томонида жойлашган стигмалар — нафас тешниклари билан боғланган. Одатда кўпоёқлиларнинг ҳар бир тана бўғимида бир жуфтдан, икки жуфт оёқлиларда 2 жуфтдан, кўпчилик лабоёқлиларда эса ҳар икки бўғимда бир жуфтдан нафас тешниклари бўлади. Айрим кўпоёқлиларнинг (лабоёқлилар) трахея найлари кучли шохланган. Танадаги трахея найчалари ўзаро туташиб, яхлит трахея системасини ҳосил қилган. Икки жуфт оёқлиларда эса ҳар бир трахея найи алоҳида нафас тешигига очилади. Трахея найчаларининг учки қисми барча тўқималарга тарқалади. Тана мускуларининг қисқариши ва бўшашиб туфайли трахея найчаларидаги ҳаво алмашинади.

Қон айланиши системаси яхши ривожланган бўлиб, юракдан ва ундан бошланадиган артерия қон томирларидан иборат. Юрагининг тузилиши ва жойланиши ҳашаротларнига ўхшайди. Бу орган ичакнинг устида жойлашган тана бўғимлари сонига тенг миқдорда алоҳида камераларга бўлинган узун найчадан иборат. Ҳар қайси камеранинг икки ёнида жойлашган клапанли бир жуфт тешиклар — остийлар тана бўшлиғига очилади. Клапанлар қўшни камералар орасида ҳам жойлашган. Юрак маҳсус қанотсимон мускуллар ёрдамида тана деворига осилган бўлиб, орқадан олдинги томонга қараб тўлқинсимон қисқариш хусусиятига эга. Юракдан чиқадиган қон томирлари кўпоёқлиларда турлича ривожланган. Юракнинг кейинги учи ҳашаротларнига ўхшаш берк ёки иккита қон томирлари билан боғланган бўлади. Қон айланиши системаси мураккаб тузилган. Лабоёқлилар юрагининг олдинги учи аорта қон томири билан боғланган. Аортадан мияга ва қорин томонга қон томирлари чиқади. Бундан ташқари ҳар бир юрак камерасидан ҳам иккитадан артерия томирлари чиқади. Юракдан чиқадиган қон томирлари кўп марта тармоқланиб, тана бўшлиғи — миксоцелга очилади.

Шундай қилиб, гемолимфа юрақдан қон томирлари орқали тана бўшлиғига келиб қўйилади. У ердан яна остийлар орқали юракка ўтади. Юракда қон орқадан олдинга, қорин томирида эса, аксинча олдиндан орқа томонга оқади.

**Нерв системаси** бош мия, яъни ҳалқум усти ганглийси, ҳалқумни ўраб турадиган коннективалар ва қорин нерв занжиридан иборат. Бош мия анча мураккаб тузилган. Ундан антенналар (мўйловлар), кўзлар ва бошқа органларга нервлар чиқади. Қорин нерв занжири бошда жойлашган ҳалқумости ҳамда узун қатор бўлиб жойлашган тана ганглийларидан иборат. Ҳалқумости ганглийсидан оғиз органларига нервлар чиқади. Қорин нерв ганглийлари ҳар бир бўғимда бир жуфтдан бўлади, улар бир-бири билан кўндаланг ва бўйлама нерв толалари орқали туташган. Иккижуфтоёқлиларнинг олдинги тана бўғимларида бир жуфт, қолган бўғимларида икки жуфтдан нерв ганглийлари бўлади.

**Сезги органлари** туйғу, ҳид билиш ва кўришдан иборат. Туйғу ва ҳид билиш функциясини антенналар бажаради. Антенналар сезгири тукчалар ва қадоқчалар билан таъминланган. Бундан ташқари кўпчилик кўпоёқлилар бошининг икки ёнида мўйловларининг асосида *темешвар органлари* жойлашган. Бу органлар нерв ҳужайралари билан таъминланган чуқурчалар ёки сезувчи ҳужайралар тўпламидан ҳосил бўлган пуштачалардан иборат. Темешвар органлар хеморецепторлар ҳисобланади. Кўпоёқлиларнинг кўзлари турли даражада ривожланган. Кўпчилик турларида 2, 4 ёки ундан кўпроқ оддий кўзчалар бошининг икки ёнида, яъни антенналарнинг асосида жойлашган. *Костянкалар* кўзлари икки тўп бўлиб сийрак жойлашган кўп сонли омматидлардан иборат. Ниҳоят айрим кўпоёқлиларда (пашишатутарлар) ҳақиқий фасеткали кўзлари бўлади.

**Жинсий системаси.** Кўпоёқлилар айрим жинсли. Кўпчилик турларининг жинсий безлари содда, тубан тузилган айрим вакилларида (пауроподалар) жуфт бўлади. Кўпчилик кўпоёқлиларнинг жинсий безлари тоқ бўлади. Тоқ безлар жуфт безларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Кивсякларнинг тухумдони ва уруғдонининг учки қисми аввалига тоқ бўлиб, олдинга йўналган томони иккига ажралади ва иккинчи тана бўғимида ташқарига очилади. Симфиллар ва пауроподларда ҳам жинсий тешиги иккинчи тана бўғимида очилади. Лабоёқлилар жинсий безлари йўли анал тешиги олдидағи бўғимида жойлашган. Эркакларининг ана шу бўғимидағи оёқлари куйикиш органлар — гоноподларга айланади. Кўпчилик кўпоёқлиларнинг куйикиш органи бўлмайди. Эркаклари уруғ ҳужайраларини бир томчи суюқликка ёки сперматофорга қўяди. Ургочилари эса бу уруғларни жинсий бези йўлига киритиб олади. Уруғланган тухумини тупроқдаги чуқурчаларга қўяди. Айрим кўпоёқлилар (костянка) нинг ургочиси тухумларини ўз танаси билан ўраб олади.

**Ривожланиши.** Кўпоёқлиларнинг тухуми сариқликка бой бўлгани-

дан майдаланиш тұла бұлмасдан тухумнинг сиртида боради. Постэмбрионал ривожланиси эса бир неча хил бұлади. Бир қанча лабоёқлилар (*геофиллар, сколопендралар*) тухумидан оёқпари ва тана бүғимлари тұла ривожланған, яны вояга етган даврига үхшайдиган ёш ҳайвон чиқады. Бу үзгаришсиз, яны тұппа-тұғри ривожланыштың. Иккінчи хил ривожланиси — *анаморфоз* айрим лабоёқлилар ва икки жуфтоёқлилар учун хос бұлади. Аnamорфозда тухумдан чиққан ёш ҳайвоннинг тана бүғимлари тұлық бұлмайды. Постэмбрионал ривожланиси даврида ҳар бир туллашдан кейин тананинг кейинги учига яна битта бүғим құшилиб боради. Янги бүғимлар тельсоннинг олдидә жойлашған ўсиш зонаси ҳисобидан ҳосил бұлади. Масалан, лабоёқлилар тухумидан 12 жуфт оёқли личинка чиқады. Туллаган сайин личинка танасидаги бүғимлар сони орта боради. Икки жуфт оёқлиларнинг тухумдан чиққан личинкаси ҳашаротларнинг личинкасига үхшаш уч жуфт оёқларга ега бұлади.

Күпөёқлилар 10000 дан күпроқ, ғақат қуруқұлқында яшайды. Танаси узун чувалчанғсимон ҳайвонлар турини үз ичига олади. Улар асосан кечаси фаол ҳаёт кечиради. Қундузи ёрғылышдан қочиб, тошлар, дараҳт пүстлөгі ва бошқа нарсаларнинг остига яшириниб олади. Энг үйрік кивсаяқтар ва сколопендралар тропик мамлакаттарда тарқалған бўлиб, узунылиги 28 см га етади. Ҳамма күпөёқлилар йиртқыч ҳайвонлар бўлиб, турли майда ҳашаротлар, чувалчанглар ва бошқа тупроқ ҳайвонлари билан озиқланади. Улар орасида айрим турлари заҳарли ҳисобланади.


Күпөёқлилар типи симфиллар, пауродалар, икки жуфтоёқлилар, лабоёқлилар деб аталаған 4 кенжә синфга ажратиласы.

#### 17.2.1.1. СИМФИЛЛАР (SYMPHYLA) КЕҢЖА СИНФИ

Бир неча мм катталиктаги күпөёқлилар. Тупроқда, тұқылған барглар ва тошлар остида яшайды. Оғиз аппарати 3 жуфт жағлардан иборат. Бошида трахея системасининг иккита нафас тешиги бұлади. Күзлары ривожланмаган. Танаси 15 та бүғимлардан ташкил топған, юриш оёқлари эса 12 жуфт. Типик вакили *сколопендrella Scolopendrella immaculata* (117-расм)нинг узунлиги 8 мм га яқин, Марказий Осиё ва жанубий Европада көнг тарқалған.

#### 17.2.1.2. ПАУРОПОДАЛАР (PAUROPODA) КЕҢЖА СИНФИ

Пауродалар жуда майда (1-2 мм), көнг тарқалған күпөёқлилар (қаранг: 117-расм). Җириётгап үсімлік қолдиклары ва тупроқнинг усткі қатламида шунингдек, тұқылған барглар остида учрайди. Бошқа күпөёқлилардан бүғимларнинг камлиги (7-10 та) ҳамда иккала мүйловларнинг ҳам икки шохли бўлиши билан фарқ қиласы. Тундра ва саҳро минтақаларидан бошқа ҳамма ерда тарқалған. 350 дан ортиқ турни үз ичига олади.



117-расм. Күпөёқлилар.

А — сколопендрелла. Б — лабоек лахимер. В — лабоек литобус. Г — икки жуфтөек полидесма. Д — пауропод: 1 — бош, 2 — антенна, 3 — оёқжаг, 4 — гавда, 5 — анал тешик, I - XIX — тана бүгимлари, 6 — бүйин бүгими.

### 17.2.1.3. ИККИ ЖУФТОЁҚЛИЛАР (DIPLOPODA) КЕНЖА СИНФИ

Ҳар бир тана бүгимида икки жуфтдан юриш оёқларининг бўлиши туфайли бу ҳайвонлар икки жуфтөёқлилар номини олган. Уларнинг бу хусусияти тана сегментларининг жуфт-жуфт бўлиб қўшилиши билан боғлиқ. Бошида бир жуфт калта мўйловлари, икки жуфт жағлари ва кўзлари жойлашган (қаранг: 117-расм). Бошидан кейинги бўйин бўгимида оёқлар бўлмайди. Ундан кейинги учта тана бўгимларида бир жуфтдан оёқлари бор. Охирги 1-3 тана бўгимларида оёқлар бўлмайди. Биринчи тана бўгимидан бошқа ҳамма бўгимларида эса икки жуфтдан оёқлар бўлади. Кўпчилик турларининг танаси ёмғирчувалчангига ўхшаш цилиндрсизмон шаклда, танаси кальций моддаси билан тўйинган қалин қалқон билан қопланган.

Икки жуфт оёқлилар асосан тупроқдаги чириётган ўсимлик қол-

диқлари, айрим турлари үсімлик тұқымалари билан озиқланади. Улар құёшнинг тик тушувчи нурларига ва сувсизликка жуда сезгир бўлади. Икки жуфт оёқлилар чириндили тупроқларда кўплаб учрайди. Кўпчилик икки жуфт оёқлиларнинг душманларидан ҳимоя қилувчи заҳарли безлари бўлади.

Икки жуфт оёқлиларнинг 30000 га яқин тури мавжуд. Улар орасида айниқса ҳар хил *кивсяклар* (*Juliformia*), хусусан ўрмонларда *кулранг кивсяқ* (*Sarmatoiulus kessleri*), чўлларда кум кивсяги (*Schizophyllum sabulosum*), *Крим кивсяғи* (*Pachyiulus flavipes*) кенг тарқалган. Икки жуфтоёқлилар тупроқ ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

#### 17.2.1.4. ЛАБОЁҚЛИЛАР (CHILOPODA) КЕНЖА СИНФИ

Лабоёқлилар бошқа кўпоёқлилардан бир мунча йирик бўлиши ва фаол ҳаёт кечириши билан фарқ қиласди. Бошқа кўпоёқлилар сингари уларнинг ҳаёти ҳам тупроқ билан боғлиқ. Кундузи тош, ёғоч ва тўқилган баргларнинг остида ҳамда бошқа пана жойларда яшириниб ётади, фақат тунда ўлжа қидириб тупроқ устига чиқади. Ясси танаси деярли бир хилдаги бўғимлардан иборат. Бошида яхши ривожланган мўйловлари ва бир неча кўзчалари жойлашган. Баъзан бу кўзчалар тўплами мураккаб фасеткали кўзларни ҳосил қиласди (пашша тутарлар). Тупроқ ичиди доимий ҳаёт кечирадиган вакилларининг кўзлари ривожланмаган. Оғиз органлари уч жуфт.

Лабоёқлиларнинг биринчи ва охирги оёқлари қолган тана оёқларидан бошқача тузилган. Биринчи юриш оёқларининг тузилиши туфайли бу ҳайвонлар лабоёқлилар дейилади. Бу оёқларнинг учки қисми ўроққа ўхшаш эгилган бўлиб, ўткир тирноқли оёқжағлар лабоёқларни ҳосил қиласди (117-расм). Оёқжағлар ёрдамида улар ўлжасини тутади ва ушлаб туради. Жафоёқларининг охирги бўғими асосида заҳарли безлар жойлашган. Безларнинг йўли тирноқларнинг учки қисмига яқин жойда ташқарига очилади. Улар ўлжасини тирноқлари билан жароҳатлайди ва заҳарини жароҳат орқали танасига юборади. Тропик мамлакатларда тарқалган айрим лабоёқлиларнинг заҳари йирик сутэмизувчилар ва одамга ҳам таъсир қилиши мумкин. Охирги юриш оёқлари бошқаларига нисбатан узун бўлиб, орқа томонга эгилган. Танасининг бошқа бўғимларида бир жуфтдан оёқлари бўлади. Лабоёқлилар кенжасинфи геофиллар, сколопендралар, қаттиқ қалқонлилар ва узун оёқлилар туркумларига бўлинади.

1. Геофиллар (*Geophilomorpha*), яъни мингоёқлилар туркуми. Геофиллар доимо тупроқ зарралари орасида яшайди. Танаси узун тасмага ўхшаш, сарғиш ёки кўнғир тусда бўлиб, 31 дан 177 жуфтгача оёқлар билан таъминланган (117-расм). Ингичка ва узун эгилувчан танаси тупроқдаги турли ёриқлар ва коваклар орқали ҳаракат қилиб, ўлжа қидиришга мослашган. Улар тупроқда яшовчи турли умуртқасиз ҳайвонлар,

шу жумладан ёмғир чувалчангларини қидириб топиб, уларнинг қонини сўриб озиқланади. Мингоёқлилар доимо қоронғида яшаганликлари туфайли кўзлари ривожланмаган. Мўйловлари, танасининг энг охирги бўғимидағи оёқлари ҳамда тана сиртида жойлашган туклари туйғу ванифасини бажаради.

Геофиллар ўзига хос кўпайиш хусусиятига эга. Кўпайиш даврида иркаклари тупроқдаги ер ости йўллари деворларига тортилган тўр ишларига бир томчи уруғлари — сперматофорини ташлаб кетади. Шу йўлдан тасодифан ўтаётган урғочилари сперматофорни оёқларига илаштириб олиб, жинсий тешигига жойлаб қўяди. Бир неча кундан сўнг урғочи мингоёқ бир тўп (15-30 та) уруғланган тухум қўяди ва тухумларни ёш насли чиққунга қадар ўз танаси билан ўраб ётади. Тухумдан чиққан ёш насллари ҳам бир неча вақт урғочиси фамхўрлиги остида яшайди.

Мингоёқлар ёмғир чувалчангларини қидириб, тупроқнинг анча чуқур қатламларига ҳам кириши мумкин. Марказий Осиё ва бошقا жанубий миңтақалардаги қуруқ чўлларда тарқалган 7-15 см катталиклиги йирик сарик мингоёқ (*Himantaria*) тупроқда 1-1,5 м чуқурликкача кириб олиши аниқланган.

**2. Сколопендралар (Scolopendromorpha), яъни катта қирқоёқлилар туркуми.** Сколопендралар энг йирик кўпёқлилар, узунлиги 10-26 см гача бўлиб, танаси 21-23 та бир хил бўғимлардан ташкил топган. Улар асосан тропик ва субтропик ўлкаларда тарқалган. Сколопендралар кундузи турли пана жойларда — тош ва ёғочларнинг остига, турли ёриқларга бекиниб олади, фақат тунда овга чиқади. Яесси танасидағи узун оёқлари ҳаракатланиш ва ўлжасини тутиш учун хизмат қилади. Қорин томони ҳар икки бўғимида бир жуфтдан нафас тешиклари бўлади. Катта қирқоёқлилар ҳар хил ҳашаротлар (қўнғизлар, сувараклар, чигирткалар ва бошқалтар) ҳамда уларнинг личинкалари билан озиқланади. Жанубий Америка қитъасида ва Ямайкада тарқалган гигант сколопендра (*Scolopendra gigantea*) майдада умуртқали ҳайвонлар (бақалар, калтакесаклар, қушлар)га ҳам ҳужум қилиши мумкин. Тупроқ юзасида яшовчи қирқоёқлиларнинг яхши ривожланган икки тўп кўзлари бўлади. Доимо тупроқ қаърида яшовчи кўр қирқоёқлиларнинг кўзлари йўқ.

Сколопендраларнинг эркаги ҳам кўпайиш даврида ер ости йўлларига тортилган ҳалқа тўрга сперматофорини қўйиб кетади. Жанубда кенг тарқалган ҳалқали қирқоёқ (*Scolopendra singulata*) партеногенез йўли билан кўпаяди. Қирқоёқ тухум қўйиш олдидан тупроқнинг чуқур қатламларига кириб, калавага ўшаб юмалокланиб олади. У тухумларини шу алфозда ўз танаси билан ўраб, бир неча ҳафта давомида озиқланмасдан ётади. Тухумдан чиққан ёш қирқоёқлилар вояга етган даврига жуда ўшаш бўлади.

Йирик сколопендралар шу жумладан ҳалқали сколопендра ҳам

заңарлы бұлади. Заңар таъсирида чаққан жой тез шишиб кетади, баъзан ҳарорат күтарилади, киши ҳолсизланади. Лекин касаллик аломатлари бир-икки кундан кейин ўтиб кетади.

Жанубий районларда 4 см катталиктаги чүл сұқыр қирқөєги күп учрайди. Доимо тупроқ ичида яшаганлиги туфайли бу қирқөөкінинг күзла-ри йүқөлиб кетган.

3. Қаттиқ қалқонлилар (*Lithobiomorpha*) түркүми. Қаттиқ қалқонлилар тупроқ устидаги түқилған барглар ва ёғочлар остида, умуман турли ўсимлик қолдиқлари орасида учрайди. Танаси ясси, құнғир ёки қызығыш тусда бұлиб, 15 та бүғимлардан ташкыл топган. Ташқи күриниши сколопендраларга үхшаб кетади, лекин улардан анча ийрик бөш қисмы, узун оёқлари ва тана бүғимлари сонининг анча кам бўлиши билан фарқ қиласи. Улар ўзи жойлашиб олган пана жойдаги ҳашаротлар ва уларнинг личинкасига кундузи ҳам ҳужум қиласеради.

Эркак қалқонлилар ўз сперматофорларини ёғоч ва тошлар остига түқилған түрга құяди. Үргочилари тухумларини бутун танаси билан ўраб ётади. Тухумдан чиққан ёш наслининг оёқлар сони (ҳаммаси бўлиб 7 жуфт) тўлиқ бўлмайди. Ўсиш ва туллаш давомида оёқлар сони тўла тикланади.

Марказий Осиёда оддий қалқондор *Lithobius forficatus* тарқалған (қаранг: 117 Б-расм). Бу ҳайвонни зах ва қоронги жойларда учратиш мумкин. Қаттиқ қалқонлилар бирмунча паст ҳароратда ҳам актив бўлади. Шунинг учун улар эрта баҳорда пана жойларда яшириниб олган турли зааркунанда ҳашаротларни қириб, фойда келтиради.

4. Пашишатутарлар яъни узуноёқлилар (*Scutigeramorpha*) түркүми. Танаси нозик, 15 жуфт оёққа эга бўлган ҳашаротлардир. Бошқа лабоёқлилардан нафас тешиги танасининг орқа томонда жойлашганлиги, оёқларининг жуда узун бўлиши ва жуда тез югуриши билан кескин фарқ қиласи. Пашишатутарлар тупроқ устида очиқ яшашига мослашганлиги туфайли күзлари яхши ривожланган бўлиб, мураккаб фасеткали күзларга үхшаб кетади. Пашишатутарлар кечаси фаол ов қиласи. Эркаклари сперматофорини үргочиларининг кўз ўнгидаги очиқ жойга құяди. Үргочиси уни олиб, жинсий тешигига жойлаштиради. Үргочилари тухумларини биттадан қўяди ва ўзи билан бир мунча вақт олиб юради. Тухумдан чиққан ёш насли оёқларининг сони тўлиқ бўлмайди.

Марказий Осиё, Крим, Кавказ ва бошқа Ўрта Ер дengизи ҳавзасидаги мамлакатларда катталиги 2-3 см келадиган оддий пашишатутарлар (*Scutigera coleoptrata*) кенг тарқалған. Бу ҳайвонни хонадонларда ҳам күп учратиш мумкин. Оддий пашишатутар кундуз куни пана жойларда бекиниб ётади, кечаси пашишаларни ов қиласи.

Пашишатутарлар ҳаёт фаолиятининг бир қатор хусусиятлари ўргимчаксимонлар ва ҳашаротларга үхшаб кетади. Хусусан танасининг сирти сув ўтказмайдиган эпикитикула билан қопланганлиги туфайли улар бирмунча қуруқ ҳаво муҳитида ҳаёт кечиради.


## 17.2.2. ҲАШАРОТЛАР (INSECTA) СИНФИ

### ҲАШАРОТЛАРНИНГ ТАШҚИ ТУЗИЛИШИ

**Бошининг тузилиши.** Ҳашаротларнинг танаси бош, кўкрак ва қорин бўлимларидан ташкил топган (118-расм). Боши акрон ва 4 бўғимдан, кўкраги 3 бўғимдан, қорин бўлими 6-11 бўғим ва тельсондан иборат.


Бош қисмининг бўғимлари бирга қўшилиб кетган бўлиб, умумий хитти кутикула билан қопланган. Боши ҳаракатчан, ундан ингичка бўйин орқали аниқ ажралиб туради. Бошининг олдинги учидаги яъни унинг остки томонида оғзи жойлашган (119-расм). Бошининг икки ёнида бир жуфт мураккаб кўзлари ва баъзан уларнинг ўргасида бир неча майди оддий кўзчалар якка-якка бўлиб жойлашган. Бошида 4 жуфт ўсимталар ривожланган. Улардан биринчиси антенналар, яъни мўйловлар акрон билан боғлиқ. Мўйловлар хилма-хил тузилган, шаклига кўра қўлсизмон, ипсизмон, арасизмон, тароқсизмон, патсизмон, тиззасизмон, гўғногисизмон бўлади (120-расм). Биринчи тана бўғими (интеркаляр бўғим) ҳашаротларда тўлиқ редукцияга учраган. Қолган уч жуфт ўсимталар эса 2, 3, 4-тана бўғимларига тегишилдири. Бу ўсимталар оғиз тенини атрофида жойлашиб, оғиз аппаратини ҳосил қиласади.

Ҳашаротларнинг оғиз органлари озиқ хили ва озиқланиш усулига мувофиқ ҳар хил тузилган. Кўпинча ҳашаротлар личинкаси ва вояга




118-расм. Қора суварак эркаги (А) ва урғочиси (Б)нинг ташқи тузилиши.


1 — мўйлов, 2 — жағпайпаслагичлар, 3 — олдк'украк б'фими, 4 — устқанот, 5 — сон, 6 — болдир, 7 — панжа, 8 — қориннинг ўнинчи б'фими, 9 — церкилар, 10 — бош, 11 — ўрта к'украк б'фими, 12 — орқа к'украк б'фими.



119-расм. Ҳашаротлар бошининг олдинги (А) ва ён (Б) томондан кўриниши.  
1 — боз капсуласи, 2 — оддий кўзлар, 3 — фасеткали кўзлар, 4 — антenna, 5 — мандибула, 6 — юқори жағ, 7 — мўйловлар бирикадиган жой, 8 — пастки лаб, 9 — пастки жағ.



120-расм. Ҳашаротлар мўйлови хиллари.  
а — қилсимон, б — ипсимон, в, г — арасимон, д — тароқсимон, с — тўғноғичсимон, ж — чўқмормисмон, з — дуксимон, и — пластинка-тўғноғичсимон, к — тароқ-тиззасимон, л — ногўғри, м — патсимон, н — қилдор.



121-расм. Ҳашаротлар оғиз органлари.

А — чайновчи-кеми्रувчи. Б — кемирувчи-сүрүвчи. В — сүрүвчи, Г — санчиб сүрүвчи: 1 — устки лаб, 2 — устки жағ, 3 — остки жағ, 4 — остки лаб, 5 — ияқости, 6 — остки жағ пайпаслагичлари, 7 — остки лаб пайпаслагичлари.

етган даврида турліча озиқланғанлығы сабабли уларнинг оғиз органлари ҳар хил тузилған бўлиши мумкин (121-расм). Оғиз органларининг кемирувчи, кемирувчи-сүрүвчи, сүрүвчи, санчиб сүрүвчи, яловчи ва бошқа хиллари мавжуд. Оғиз органларининг тузилиши ва ишланини солиштириб кўриб, улар ўртасида умумий ўхшашликлар борлигини билиш мумкин. Шунинг учун оғиз органларининг барча маълум хиллари содда тузилған ягона оғиз органидан келиб чиққан дейиш мумкин. Уз навбатида бундай содда тузилған оғиз органи ҳам бўғимоёқлиниң одатдаги тана бўғимлари ўсимталаридан ҳосил бўлган.

Сувараклар, чигирткалар, кўнғизлар, капалакларнинг құртлари ва бошқа ҳашаротлар учун хос бўлган кемирувчи оғиз орган энг қадими, яъни бирламчи ҳисобланади. Чунки қуруқликда пайдо бўлган қадимги ҳашаротлар дастлаб бирмунча қаттиқ органик қолдиқлар — детритлар билан озиқланған, кейинчалик улар йиртқичлик ва ўсимлик тўқималари билан озиқланишга ўтишган. Бунинг учун озиқни ушлаб туриш ва уни кемириш зарур бўлган. Суюқ озиқ (қон, ўсимлик нектари ва шираси, чириётган суюқ органик қолдиқлар) билан озиқланиш бутунлай бошқа тиғдаги оғиз органларини келиб чиқишига олиб келган. Кемирувчи оғиз органининг барча қисмлари тўлиқ бўлиши, кўпоёқлилар оғиз аппарати билан ўхшашлиги ва ниҳоят ҳамма ҳашаротлар личинкалари учун хос эканлиги унинг келиб чиқиши бирламчи эканлигидан да-лолат беради. Кемирувчи оғиз органига мисол қилиб суваракнинг оғиз органини кўрсатиш мумкин. Суваракнинг оғиз тешигини олд томондан хитин қоплағичдан ҳосил бўлган ягона устки лаб пластинкаси ёпиб туради. Бу лабнинг келиб чиқиши бош бўғимлари билан боғлиқ эмас.

Лабнинг остида майда тищчали бир жуфт яхлит пластинкасимон юқори жағлар ёки маңдидулалар жойлашган. Улар бошнинг иккинчи бүғим ўсимталаридан ҳосил бўлган ва чайнашда иштирок этади. Учинчи ва тўртингч бош бўғимлари ўсимталари пастки жағлар ёки 1 ва 2 жуфт максиллалар дейилади. Уларнинг бўғимларга бўлингандиги ҳақиқий юриш оёқларидан келиб чиққанлигидан далолат беради. 1-жуфт пастки жағлар оғизнинг икки ёнида жойлашган бўлиб, ҳар қайсиси асосий бўғим, устунча ва унинг устида жойлашган ташқи ва ички ўсимталар ҳамда беш бўғимли пастки жағ пайпаслагичлари ташкил топган. Ички ўсимталари чайнаш, ташқи ўсимталари ва жағ пайпаслагичлари эса туйғу вазифасини ұтайди. 2-жуфт жағларнинг асосий бўғимлари: ияқ ости ва ияқ бирга қўшилиб кетган, унинг ташқи ва ички ўсимталари эса алоҳида бўлади. 2-жуфт жағлар оғизнинг остки томонида жойлашган бўлиб, пастки лаблар дейилади. Оғиз бўшлигининг гипофаринкс деб аталадиган хитин ўсимтаси ҳам оғиз аппаратига киритилади. Гипофаринкс ва остки лаб ёрдамида ҳашаротлар суюқ озиқни ялаб олади.

Озиқ хили ва озиқланиш усули таъсирида кемирувчи оғиз орган тобора ўзгара борган ва ундан бошқа хил оғиз органлари келиб чиққан. Ариларнинг кемирувчи — сўрувчи оғиз органи юқори лаб ва юқори жағларнинг тузилишига биноан кемирувчи типдаги оғиз органига жуда ўхшаш, лекин пастки жағлар бошқача тузилган. 1-жуфт жағларнинг ўсимталари кучли ривожланган ва чўзилган, жағ пайпаслагичлари эса редукцияга учраган (қаранг: 121-расм). 2-жуфт пастки жағларнинг ички ўсимталари бирга қўшилиб, тилча деб аталадиган найга ўхшаш ўсимтани ҳосил қиласиди. Тилча устига 1-жуфт жағларнинг ўсимталари келиб тушганида гул нектарини сўришга мослашган найча ҳосил бўлади. Юқори жағлар озиқланишда иштирок этмайди. Улар ёрдамида ишчи арилар гул чангиди йигади, мумдан катакчалар ясади, вояга етган қуртлар эса катакчалар деворини тешади.

Капалакларнинг сўрувчи оғиз органи ҳам суюқ нектар билан озиқланишга мослашган, лекин кемирувчи-сўрувчи оғиз органига нисбатан кучли ўзгаришга учраган. Бу типдаги оғиз органида юқори лаб, юқори жағлар ва пастки лаб (2-максиллалар) редукцияга учраган (қаранг: 121-расм). Пастки лаб фақат пластинкадан иборат бўлиб, унда уч бўғимли пастки лаб пайпаслагичлари жойлашган. 1-жуфт жағларнинг ҳар қайси узун тарновга ўхшаш ўсимтага айланган. Бу ўсимталар бир-бирининг устига тахланганида тарновчалар берк найни ҳосил қиласиди. Хартум капалакнинг боши остида спиралга ўхшаш ўралган бўлади. Спирал ёзилиб хартум нектар сўриш учун гул ичига киради. Хартумнинг узунлиги капалаклар озиқланадиган гулнинг тузилишига боғлиқ. Айрим капалаклар хартумининг узунлиги 20 см га етади.

Пашшалар ва қандалаларнинг оғиз қисмлари ҳайвонлар терисини ёки ўсимлик пустини тешиб, қонни ёки ўсимлик ширасини сўришга мослашган санчиди сўрувчи аппаратга айланган. Чивинларнинг пастки лаб-

122-расм. Пашшанинг яловчи оғиз органлари.

1 — пастки жағ пайпаслагич, 2 — устки лаб, 3 — гипофаринкс, 4 — фильтрловчи аппарат наилари, 5 — оғиз тешити, 6 — пастки лаб юзаси, 7 — пастки лаб.




лари узун тарновчага айланган. Унинг устини худди шунга ўхшашиб устки лаб ёниб олиши туфайли найсимон филоф ҳосил бўлади. Бу филоф ичидаги устки ва пастки жағлар ҳамда гипофаринкс ҳисобидан ҳосил бўлган 5 та ўтқир қиллар жойлашган (қаранг: 120-расм). Ҳашарот озиқ сўраётганида қиллар филофдан чиқарилиб, ўсимлик ёки ҳайвон танасига санчиласди, суюқ озиқ филоф наий орқали сўриб олинади.

Яловчи типдаги оғиз органи суюқ озиқани ялаб олишга мослашган бўлиб, чи-виниларда ривожланган (122-расм). Яловчи оғиз органида фақат пастки лаблар яхши ривожланиб, фильтрлаб ўтказилган суюқ озиқана шу начага келиб тушади. Юқори жағлар ҳамда 1-жуфт пастки жағлар редукцияга учраган.

Юқорида оғиз органларининг энг муҳим типларининг таърифи келтирилди. Айрим ҳолларда оғиз органи иккиласми соддалашуви ёки бутунлай редукцияга учраши ҳам мумкин. Бундай ҳодиса вояга етган даврида озиқланмайдиган кунликлар ва бўкалар, шунингдек айрим ҳашаротларнинг эркаклари учун хосдир. Оғиз органларининг бош капсуласида жойлашиш хусусиятига биноан ҳашаротлар очиқ жағлилар ва ёпиқ жағлилар кенжә синфларига ажратилади. Очиқ жағлиларнинг оғиз органлари бошининг сиртида, ёпиқ жағлиларда эса махсус оғиз капсуласи ичидаги жойлашади.

**Кўкрак бўлими.** Ҳашаротларнинг кўкраги олд, ўрта ва орқа кўкрак деб аталадиган учта бўғимдан тузилган, ҳар бир кўкрак бўғими 4 та хитин қоплағич — склеритлардан иборат. Орқа склерити *тергит*, қорин склерити *стернит* ва иккита ён склеритлар *плеврит* дейлашади. Ён томондан кўкрак бўғимиларида эса бир жуфтдан қанотлари жойлашган. Оёқлари стернит билан плевритлар, қанотлари эса тергитлар билан плевритлар туташган жойда кўкрак бўғимларига келиб кўшилади. Кўкрак оёқлар бешта бўғимдан иборат. Асосий бўғими чаноқ, ундан кейинги калта бўғими ўйноғич, йўғон ва



123-расм. Ҳашаротлар оёғи хиллари.

А — югурувчи (визилдоқ құнғиз), Б — сузвучи (сувсар құнғизининг кейинги оёғи), В — сакровчи (чигиртканинг орқа оёғи), Г — кавловчи (бузоқбошининг олдинги оёғи), Д — тутувчи (бешиктерватарининг олдинги оёғи), Е — сүргичли (құнғир сувсар эркагининг олдинги оёғи), Ж — тұпловчи (асаларининг кейинги оёғи), З — юрувчи (қылтумшук құнғиз панжасы): 1 — чаноқ, 2 — үйногич, 3 — сон, 4 — болдир, 5 — панжа.

йирик бұғими сон; ингичка ва узун бұғими болдир, охирғи бұғими панжа дейилади. Панжалар эса ұз навбатида 5 тағача майда бұғимлардан иборат. Панжалар иккі ёки баъсан битта тирноқ билан тугайды. Ҳаракатланиш усули ва яшаш мұхити таъсирида оёқлар турлы даражада ўзгаришга учрайди (123-расм). Юқорида көлтирилган тавсиф югурувчи типдаги оёқларға тегишли. Сувараклар, құнғизлар, қандалалар, пардақанотлилар, капалаклар, чумолилар ва бошқа жуда күпчилек ҳашаротларнинг оёқлари худди шундай тузилган. Чигирткалар, чирилдоқтар, темирчакларнинг оёқлари сақровчи типда бұлиб, кейинги оёқларининг сон ва болдир бұғими күчли ривожланған. Ер қазувчи бузоқбошиларда эса оёқлари калта куракка ўшаш, ўтқир хитин тишталар билан таъминланған. Сув қандалалари ва құнғизларининг орқа оёқлари кенгайған ва узун тұклар билан қоғланған эшкакни ҳосил қылади. Гул chanгини йиғувчи арилар орқа оёғининг болдир қисмидә маҳсус чуқурчадан иборат саватча ҳосил бўлади. Бешиктебратарларнинг олдинги оёқлари тутувчи органга айланған.

**Ҳашаротларнинг қаноти** кўкрак қисмидаги ён томонидаги тана қоплагич бурмасидан келиб чиқкан. Қанот жуда юпқа иккі қават пластинкага ўшаш бўлиб, ҳар иккала қават ұртасида жуда тор тирқиши бўлади.

124-расм. Ҳашаротлар қанотининг тузилиши.

А — қанотининг томирланиши. Б — қанотининг кесмаси. 1 — костал томир, 2 — субкостал томир, 3 — радиал томир, 4 — медиал томир, 5 — кубитал томир, 6 — анал томир, 7 — югал томир, 8 — трахея.


Бу тирқиш тана бўшлиғининг давоми ҳисобланади. Қанотларда тўрлар хитин найчалардан иборат. Найчалар орқали трахеялар ва нерв толалари ўтади.


Тўрлар қанотлар учун таянч вазифасини ҳам бажаради. Қанотдаги тўрларнинг шакли турли систематик гурӯҳларни аниқлашда катта аҳамиятга эга. Қанот бўйлаб жойлашган турлар костал, субкостал, радиал, медиан, кубитал, анал ва югал деб аталади (124-расм).

Ҳашаротлар онтогенезида қанотлар терининг халтасимон ўсимтадарни сифатида пайдо бўлади. Ўсимта аста-секин дорзовентрал йўналишда яссилана боради, унинг устки ва остки қаватлари яқинлаша бориши билан гемолимфа тана бўшлиғига тўклилади, унинг юмшоқ тўқималари эса йўқолиб, юпқа пластинка қанотларга айланади.

Қанотларнинг ҳаракати жуда мураккаб бўлиб, бир томондан уларни ҳашарот танаси билан тувашиш хусусиятига, иккинчи томондан махсус мускулларнинг қисқаришига боғлиқ. Одатда ҳар бир қанот ҳар хил елкали ричагдан иборат. Қанотлар кўкрак тергитлари ва плевритлари га юпқа эластик мембранилар орқали туашган. Туташиш жойидан сал кейинроқда ён пластинкаларнинг калта устунчаси жойлашган. Бу устунча қанот ричаги учун таянч вазифасини ўтайди. Қанотларнинг ҳаракати қўйидагича содир бўлади. Кўкракдаги дорзовентрал ва бўйлама мускуллар тергитларни кўтаради ёки туширади (125-расм). Тергитлар тушганида қанотларнинг қисқа елкаси босилади, яъни кўтариш пластинкаси юқорига кўтарилади. Тергит кўтарилиганида эса қанотларнинг пластинкаси пастга тушади. Қанотлардаги бир қанча кичикроқ мускуллар ҳашаротларнинг ўз тана ўқи атрофида бурилиши учун хизмат қиласи. Йирикроқ ҳашаротлар (капалаклар) қанотларини бир секунд ичida 5-10 марта, майда пашшалар 500-600 марта, жуда майда захкаш пашшалар эса 1000 марта гача тебрантиради.

Кўпчилик ҳашаротларнинг олдинги ва кейинги жуфт қанотлари бир хилда ривожланмаган. Фақат тубан тузилган ҳашаротлар, масалан, нижничиларнинг қанотлари деярли бир хил катталикда бўлади. Тўғриқанотларнинг олдинги қаноти қалин ва қаттиқ устки қанот — элитрани ҳосил қиласи. Устки қанот остки пардасимон қанотни муҳофаза қилиб туради. Қандалаларда устки қанотининг асосий қисми қаттиқлашган, шу сабабдан





125-расм. Ҳашаротлар қанотининг ишлаш схемаси.


А — қанот күтарилиган; Б — қанот туширилган: 1 — тергит, 2 — қанот, 3 — устун, 4 — ён пластиинка, 5 — дорзо-вентрал мускул, 6 — бўйлама мускул, 7 — оёқларниң асосий бўғими.

улар чалақаттиққанотлилар деб аталади. Икки қанотлиларнинг орқа қанотлари редукцияга учраган, қанот қолдиқлари эса овоз чиқариш вазифасини бажаради. Айрим ҳашаротлар (бургалар, битлар)нинг қанотлари паразит яшаш таъсирида бутунлай йўқолиб кетган. Тубан ҳашаротларда қанот ривожланмаган.

**Қорин бўлими** ҳар хил сондаги бўғимлардан иборат. Энг тубан тузилган ҳашаротлар (масалан, *Protura*) туркумининг вакилларида қорин бўлимида 11 та бўғим бўлиб, охирги бўғими тельсон билан тугайди. Юксак ҳашаротларнинг қорин бўлимидаги бўғимлар сони 4-5 тагача қисқариши мумкин. Қорин бўлимида одатда оёқлари бўлмайди. Бироқ тубан тузилган *Protura* туркумига мансуб бўлган қанотсиз ҳашаротларнинг биринчи учта қорин бўғимларида жуда майда қориноёқлар сақланаб қолган. Тизандурларнинг ҳамма қорин бўғимларида грифелькалар деб аталадиган маҳсус ўсимталар ривожланган. Суваракларнинг охирги қорин бўғимларидан ҳам бир жуфт грифелькалар сақланаб қолган. Бирмунча тубан тузилган ҳашаротлар (сувараклар, чигирткалар ва бошқаларда) охирги қорин бўғимларининг ўсимталари — icerkilар бўлади. Ургочи ҳашаротларнинг энг сўнгти қорин бўғимида жойлашган уч тавақали тухум қўйич органи ҳам қорин оёқлардан келиб чиқсан.

Тана қоплаги чамма бүғимоёқлилар сингари учта асосий қават — кутикула, гиподерма ва базал мембранадан ташкил топган (126-расм). Кутикула гиподермадан ҳосил бўлади ва уч қаватдан иборат. Кутикуланинг ташки қисми эпикутинула липопротеин моддалардан ҳосил бўлган ва сувнинг организмдан бугланишига йўл кўймайди. Сувда ва тупроқда яшовчи ҳашаротларнинг кутикуласи қисқичбақасимонларни кига ўхшашиб тузиленади. Кутикула таркибига кирадиган оқсил моддалар уни пишиқ қилиади. Кутикула сиртида жойлашган ҳар хил ўсимтлар, туклар ёки қиллар гиподермадан ҳосил бўлади. Улар терморегуляция, сезги, муҳофаза қилиш ва бошқа функцияларни бажаради.

Ҳашаротлар тана қоплаги чамма бўлади. Тана ранги кўпинча гиподермадаги бўёвчи пигментга боғлиқ бўлади. Айрим ҳашаротлар ёки уларнинг қуртлари рангига ички органлар ва тана суюқлиги ранги ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, айрим шира битлари, капалаклар қуртининг яшил ранги, хирономус пашшалари қуртларининг қизил ранги гемолимфа суюқлигидаги гемоглобин билан боғлиқ. Айрим капалаклар, кўнғизлар



126-расм. Ҳашаротларнинг ички тузилиш схемаси.

1 — антенна, 2 — фасеткали кўз, 3 — оддий кўз, 4 — мия, 5 — сұлак бөзи, 6 — юрак, 7 — тухумдон, 8 — дум қили, 9 — жинсий тешик, 10 — малъпиги найчалари, 11 — ўрга ичак, 12 — панжа, 13 — болдир, 14 — сон, 15 — ўйноғич, 16 — чаноқ, 17 — қорин нерв занжирни, 18 — ҳалқумости ганглий, 19 — иккинчи остики жағ, 20 — биринчи остики жағ, 21 — юқори жағ, 22 — юқори лаб.

ва бошқа ҳашаротларнинг хилма-хил товланадиган ранги пигмент билан эмас, балки жуда юпқа кўп қаватли хитин пластинкаларнинг тана сиртига нисбатан ҳар хил бурчак ҳосил қилиб жойлашишига боғлиқ. Ҳашаротлар танасининг ранги уларни бошқа йиртқич ҳайвонлардан яширинишга имкон беради. Тана ранги заҳарли ҳашаротлар учун огоҳлантириш вазифасини ўтайди.

Ҳашаротларнинг тана қоплағичида ҳид таратиш, мум ишлаб чиқариш ва туллаш безлари бор. Ҳид безлари бир ҳужайрали ёки кўп ҳужайрали бўлади, тананинг турли жойларида жойлашади ва турли вазифаларни бажаради. Капалакларда бундай безлар маҳсус тангачалар ёки қиллар билан боғланган. Суваракларнинг ҳид безлари қорин бўлимининг орқа томонида жойлашган. Ҳид одатда бир жинс иккincinnини тез топиб олиши учун зарур. Масалан, эркак капалаклар ҳид орқали урғочиларини бир неча км масофадан сезади. Урғочи суваракни эса эркагининг ҳид бези ажратгаётган суюқлик жалб қиласди. Бу суюқлик ялаётганида урғочиси уруғланади. Бир қанча ҳашаротларда ҳид безлари суюқлиги муҳофаза қилиш функциясини ҳам бажаради. Бундай безлар қандалаларнинг кўкрак бўлимида, қўнғизларнинг қорин бўғимларида жойлашган.

Мум безлари арилар, паҳмоқ арилар, шира битлари (қалқондорлар) ва бошқалар учун хосдир. Асалариларнинг мум безлари қоринининг 306 бўғими стернити остида жойлашган. У маҳсус тешикча орқали тана сиртига ажралиб чиқиб, мум пластинкасини ҳосил қиласди. Бу мумдан ҳашаротлар катаклар қуриш учун фойдаланади. Қалқондорларнинг мум безлари секретидан мум қалқон ҳосил бўлади.

Ҳашаротларнинг личинкаларида туллаш безлари ҳам кўп учрайди. Безларнинг секрети туллаш даврида эски кутикулани емиради, лекин янги ҳосил бўлган кутикулага таъсир кўрсатмайди.

### ҲАШАРОТЛАРНИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ

**Мускул системаси.** Ҳашаротлар танасида 1,5 мингдан 2,4 минггача яхши ихтисослашган асосан кўндаланг тарғил толали мускуллар бўлади. Ҳашаротларнинг кўкрак ва оёқ скелет мускуллари яхши ривожланган. Скелет мускуллари одатда кутикула склеритларининг ички юзасига бирикади. Ҳашаротларнинг кўндаланг-тарғил мускуллари умуртқали ҳайвонларнидан бошқачароқ тузилган. Саркоплазма ва унда бир қатор бўлиб жойлашган ядролари ҳужайра марказида бўлиб, уларни фибрillалар (мускул толалари) ўраб туради. Умуртқали ҳайвон-ларнинг мускулларида эса фибрillалар ҳужайрада бир текис тарқалган, ядролар жуда сиртқи юпқа саркоплазма қаватида жойлашган.

Скелет мускуллари, айниқса, қанотларни ҳаракатга келтирувчи мускуллар жуда тез, яъни секундига 1000 мартағача қисқариш хусусиятига


эга. Бу хусусият мускулларнинг битта нерв импульсига жавобан бир неча марта қисқариши туфайли амалга ошади.

Тез қисқараётган мускулларда моддалар алмашинуви жараёни кучаяди, мускуллар ишлаши туфайли ажралиб чиқадиган иссиқлик ҳисобига ҳашаротнинг тана ҳарорати кўтарилади. Шу сабабли учиб бораётган ҳашарот танаси ҳарорати атроф муҳит ҳароратига нисбатан юқори бўлади. Қанотларнинг ўзида ҳеч қандай мускуллар бўлмайди. Уларнинг учишида кўкрак мускуллари айниқса кўкракни сиқувчи дорзовентрал мускулларнинг аҳамияти катта. Кўкрак бўлими дорзовентрал томонга сиқилганида қанотлар кўтарилади, ён томонлардан сиқилганида қанотлар туширилади.

**Овқат ҳазм қилиш системаси.** Ҳашаротларнинг оғиз бўшлиғи юқори лаб ва бошқа оғиз органлари билан ўралган. Суюқ озиқ билан озиқланадиган турларда эса оғиз бўшлиғи ингичка найни ҳосил қиласди. Оғиз бўшлиғининг кейинги томонида пастки лаблар асосига 1-3 жуфт сўлак безларининг йўли очилади. Сўлақдаги ферментлар озиқ таркибидаги тез ҳазм бўладиган крахмал ва шакарга таъсир кўрсатади. Қон сўрувчи ҳашаротлар сўлаги таркибida қонни ивишига қаршилик қиласидиган моддалар — *антикоагулянторлар* бўлади. Бундан ташқари сўлақдаги қичитқон моддалар терини қитиқлаб, ҳашарот чаққан жойга қонни оқиб келишини кучайтиради. Ариларнинг сўлак безлари секрет нектар билан аралашиб асал ҳосил қиласди. Ишчи ариларнинг маҳсус ҳалқум безлари “асалари сути” деб атадиган оқисил модда ажратиб чиқаради. Бу модда билан арилар она ари ривожланадиган қуртларни боқишиади. Капалакларнинг қуртларида сўлак безларининг бир жуфти ўз функциясини ўзгартириб, ишак безларига айланади. Бу безлар ишлаб чиқарган суюқлик ҳавода қотиб ишак ишга айланади. Қуртлар бу ишдан пилла тўқийди. Оғиз бўшлиғи ва ҳалқум кучли мускуллар орқали бош қутиси деворига ёпишиб туради. Бу мускулларнинг қисқариши туфайли озиқ ҳалқумга сўриб олинади.

Ҳашаротларнинг ичаги олдинги, ўрта ва кейинги бўлимлардан иборат (126, 127-расмлар). Олдинги ичак қисқа ҳалқумдан бошланади. Ҳалқум ингичка ва узун қизилўнгач билан тулашган. Қизилўнгачнинг кейинги қисми кенгайиб жигилдонга айланади. Жигилдон озиқ тўпланаидиган орган бўлиб, ундан озиқ оз-оздан ичакнинг кейинги қисмiga ўтиб туради. Ишчи асаларилар жигилдонига нектар йигади. Бу ерда нектар сўлак безлари секрети билан аралашади. Арилар бу суюқликни жигилдондан катакларга тўқади. Катакларда суюқлик асалга айланади. Қаттиқ озиқ билан озиқланадиган сувараклар, тўғриқанотлилар ва йиртқич қўнғизларда жигилдондан кейин кавшовчи ошқозон жойлашган. Ошқозон девори кутикуласи кўп сонли қаттиқ бўртмалар шаклидаги тишчалар ҳосил қиласди. Бу тишчалар ёрдамида озиқ қайтадан майдаланади.

Ҳашаротларнинг ўрта ичаги ҳам озиқланиш усулига ва овқат хи-



127-расм. Қора суваракнинг тузилиши.

А — ички тузилиши орқа ва ёндан кўриниши: 1 — сўлак бези резервуари, 2 — сўлак бези, 3 — жигидон, 4 — мускулли ошқозон, 5 — ўрта ичак, 6 — маългити найчалари, 7 — орқа ичак, 8, 9 — трахея, 10 — қорин нерв занжири, 11 — уруғдон, 12 — жиисий безлар, 13 — юрак, 14 — бош мия, 15 — симпатик нерв системаси, 16 — орқа ичакнинг пилорик (кўр) ўсимиталари; Б — куттикуласининг тузилиши: 1 — эпикуттикула, 2 — экзокуттикула, 3 — эндокуттикула, 4 — гиподерма, 5 — қил, 6 — тери бези; В — ургочилик жинсий аъзоси: 1 — тухумдлон найлари, 2 — тухум йўли, 3 — уруғ қабул қилгич, 4 — безлар.

лига мувофиқ ҳар хил тузилган. Суваракларда ўрта ичагининг олдинги қисмida саккизта кўр ўсимталар жойлашган. Қўнғизларда эса бундай ўсимталар жуда ҳам кўп бўлади; ариларда бўлмайди. Ўрта ичакда озиқ ҳазм бўлади ва сўрилади. Ҳашаротларнинг жигари бўлмайди. Кўр ўсимталари жигар сингари ичакнинг безли ва сўрувчи юзасини кенгайтириш учун хизмат қиласди. Ичак деворида жуда кўп бурмалар бор. Овқат ҳазм қилиш ферментлари озиқ хилига қараб ҳар хил бўлади. Озиги асосан оқсилдан иборат бўлганидан қон сўрувчи ҳашаротлар ичагида протеолитик ферментлар, нектар билан озиқланадиган ҳашаротларда эса углеводларга таъсир қилувчи ферментлар кўпроқ бўлади. Бир талай фитофаг (ўсимликхўр) ҳашаротлар ичагида бактериялар ва бир ҳужайрали организмлар симбиоз яшайди. Улар ҳашаротларга қаттиқ клетчаткани ҳазм қилишга ёрдам беради.

Ҳашаротларнинг ўрта ичаги эпителийси ичакдаги озиқ атрофидан жуда юпқа парда — *перитрофик мембрана* ҳосил қиласди. Бу мембрана ферментларни озиқ ичига, овқат ҳазм қилиш маҳсулотларини ичак бўшлиғига ўтказиши таъминлайди ва озиқнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради. Бундан ташқари мембрана ичак деворини емирилишдан сақлайди.

Ичакнинг кейинги бўлими ёки орқа ичак ҳам кўпинча икки қисмга: йўғон ва тўғри ичакка бўлинади. Тўғри ичак кенгайиб, клоака деб аталаидиган ёпиқ ҳалтасимон ўсимтани ҳосил қиласди. Орқа ичакда одатда ҳашаротларнинг *ректал безлари* жойлашган. Орқа ичаги ҳам олдинги ичаги каби эктодермадан келиб чиқкан. Орқа ичакнинг функциялари тўғрисида кейинроқ баён қилинади.

Ҳашаротлар жуда хилма-хил озиқланиш билан бошқа умуртқасиз ҳайвонлардан ажralиб туради. Улар орасида фақат ўсимлик билан озиқланадиган *фитофаглари*, бошқа тирик ҳайвонлар билан озиқланадиган йиртқич *зоофаглари*, ҳайвонлар мурдаси ва гўнги билан озиқланадиган *некрофаглари* ва *копрофаглари*, чириётган ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари билан озиқланадиган *санрофаглари*, шунингдек ҳар хил озиқ еяверадиган полифаглари бор. *Кератофаглар* ҳатто пат, соч, мум, шох каби бошқа ҳайвонлар ўзлаштиrolмайдиган озиққа ҳам мослашган.

**Нафас олиш системаси.** Кўпчилик ҳашаротларнинг яхши ривожланган трахеялар системаси бўлади. Фақат айрим, асосан тубан тузилган ҳашаротларнинг трахеялари ривожланмаган, улар тана қоплағичи орқали диффузия йўли билан нафас олади. Нафас олиш системаси танасининг икки ёнида жойлашган нафас олиш тешиклари ёки стигмалардан бошланади. Стигмалар 10 жуфт ёки ундан камроқ бўлади. Улар ўрта ва орқа кўкрак ҳамда 8 та қорин бўғимларида жойлашган. Стигмалар очиб ва ёпиб турувчи маҳсус мослама билан таъминланган. Стигмаларнинг тешиги танада қўндаланг жойлашган йўғон ва қўндаланг трахея найларига очилади. Бу найлар тана бўйлаб ўтувчи иккита асосий трахеялар орқали ўзаро туташган. Асосий тра-

хея найларидан бирмунча ингичкароқ найлар бошланади, улар ҳам кўп марта кетма-кет шохланиб, ингичка найларни ҳосил қиласди. Бу найлар ҳамма органларни ўраб туради. Найлар кўп марта шохланади ва учки ҳужайралар билан тамом бўлади. Трахеялар ҳатто айрим ҳужайраларнинг ичига ҳам кириб боради. Баъзан трахеяларнинг айрим қисмлари кенгайиб ҳаво халтачаларини ҳосил қиласди. Бундан ташқари яхши учадиган — кўпчилик пардақанотлилар, пашша ва бошқа ҳашаротларнинг қорин бўшлиғида ҳаво халтачалари бўлади. Ана шу ҳаво халтачалари туфайли ҳашаротларнинг трахея системасида ҳаво алмашинади. Халтачалар ҳашаротлар танасининг солиштирма оғирлигини камайтиради. Ҳаво халтачалари ҳашаротлар учайтганида сарф бўладиган резерв ҳаво сақланадиган жой ҳам бўлиб хизмат қиласди. Стигмаларда ёпиб очувчи аппаратнинг бўлиши туфайли қуруқликда яшовчи ҳашаротларнинг нафас олиш жараёнида сув буғланиши кескин камаяди. Стигмалар жуда қисқа вақт очилганида ҳам кислороднинг диффузияси ҳавога нисбатан юқори бўлгани туфайли трахеяларга киришга улгуряди, сув буги эса трахеялардан чиқишга улгурмайди. Трахеялар ҳашаротларнинг эмбрионал ривожланиши даврида эктодермадан ҳосил бўлади. Трахея найлари бир қават эпителий ҳужайраларидан иборат бўлиб, трахеолалардан ташқари ҳамма трахея найларининг ички юзаси хитин модда билан қопланган. Йирик трахеяларда хитин қавати қалин, ингичка трахеяларда эса жуда юпқа бўлади. Трахея найларининг ички юзасида хитин моддадан иборат спирал йўғонлашув пайдо бўлади. Фақат трахеолаларда бундай йўғонлашув бўлмайди. Спирал йўғонлашув трахеяларни доимо очиқ бўлишига имкон беради, нафас чиқаришдан кейин ҳам найлар девори ёпишиб қолмайди.

Нам жойларда ҳаёт кечирадиган кам ҳаракат ҳашаротларнинг нафас олиш тешиги доимо очиқ бўлади. Трахея системаси орқали газ алмашинуви пассив, яъни диффузия орқали содир бўлади. Моддалар алмашинуви жуда тез кечадиган фаол ҳаёт кечириувчи ҳашаротларнинг трахеяларида газ алмашинув жараёни қорин бўлимининг сиқилиши ва бўшаши орқали борадиган нафас олиш ҳаракатлари билан боғлиқ. Нафас олиш тезлиги ҳашаротларнинг тури, унинг физиологик ҳолати ва муҳит шароитига боғлиқ. Масалан, асалари тинч ҳолатда ҳар дақиқада 40 марта, ҳаракатланганида 120 марта нафас олади.

Сувда яшовчи ҳашаротлар нафас олиш системасининг тузилишида ҳар хил мосланишлар пайдо бўлади. Уларни нафас олиш хусусиятларига кўра иккι гуруҳга ажратиш мумкин. Бир қанчага ҳашаротлар сувда яшаб, атмосфера ҳавосидан (сув қандалалари, кўнғизлари, пашшалар личинкаси), бошқалари эса сувда эритган кислород билан нафас олади (нинацилар, булоқчилар ва кунлик капалакларнинг личинкалари).

Атмосфера ҳавоси билан нафас оладиган сув ҳашаротларининг тасасида нафас олиш билан боғлиқ бўлган ҳаво сақладиган бўшлиқлар,

туклар, ҳаво ўтказиш найлари ёки бошқа хил мосламалар пайдо бўла-ди. Масалан, сув чаёнчалари қорнининг учки қисмидаги узун ўсимтаси ҳаво ўтказиш найи ҳисобланади. Бу най нафас олиш тешиклари (стиг-малар) билан тулашган. Сув чаёни нафас олиши учун дум ўсимтасини сувдан чиқариши кифоя. Сув қўнғизларининг нафас олиш тешиклари қорин бўлимининг орқа томонидан, яъни элитраси (уст қаноти) нинг остида жойлашган. Элитра танасига зич ёпишмаганлиги туфайли унинг остида бўшлиқ, яъни ҳаво камераси ҳосил бўлади. Қўнғиз сув юзасига кўтарилиб, қорнининг кейинги учини сувдан чиқаради ва элитраси остига ҳаво тўлдириб олади. Қўнғиз сувга шўнғиганида ана шу ҳаво ҳисобидан нафас олиб туради.

Ҳашаротларнинг ҳаво ўтказувчи найлари бутун танага тарқалган бўлиб, кислородни тўппа-тўғри тўқималарга ва ҳужайраларга етказиб беради, яъни трахея найчалари қисман қон томирлари вазифасини ҳам ўтайди. Бу жараёнда трахеяларнинг учки ҳужайра ичида жойлашган шохчалари — трахеолалар муҳим вазифани бажаради. Тинч ҳолатда тўқималар кислородни кам сарфлаганлиги туфайли трахеолаларга тўқи-ма суюқлиги киради ва ҳаво сиқиб чиқарилади. Фаол ҳолатда эса ак-синча, суюқлик трахеолалардан ҳужайралар ва тўқималарга ўтади, трахеолалар трахеялардан келадиган ҳаво билан тўлиши натижаси-да ҳужайраларга кўпроқ кислород келади.

Кўпчилик ҳашаротлар (кунликлар, булоқчилар, ниначилар)нинг сувда яшовчи личинкалари трахея жабралар ёрдамида сувда эриган кислород билан нафас олади. Уларнинг ташки нафас олиш тешиги ривожланмаган, трахея системаси ёпиқ. Трахея жабралар личинка-ларнинг қорин бўлимида жойлашган ипсимон ёки баргсимон юпқа деворли ўсимталардан иборат. Трахеялар ана шу ўсимталар ичида жойлашган. Сувда ҳаёт кечирадиган кунликлар личинкасининг тра-хея жабралари пластиинка шаклида бўлиб, локомотор органлар вази-фасини ҳам бажаради. Бентос (сув туби)да яшовчи кунликлар, бу-лоқчилар ва бошқа ҳашаротлар личинкаларининг трахея жабрала-ри ипсимон шаклда, вояга етаётган ҳашаротларни қуруқликка чиқи-ши даврида трахея жабралари йўқолиб, ташки нафас олиш тешикла-ри пайдо бўлиши билан ёпиқ трахеялар системаси очиқ системага айланади. Айрим ҳашаротларнинг, масалан, лютка ниначилари, баъ-зи пашибаларнинг сувда яшовчи личинкаларида трахея системаси ри-вожланмаган. Кислород, ички органларига тана қоплагичи орқали диффузия йўли билан ўтади.

**Қон айланиш системаси.** Трахея системасининг мураккаблашуви қон айланиш системасининг содалашувига олиб келади. Қон айланиш сис-темаси фақат юрак ва ундан чиқадиган калта аорта қон томиридан ибо-рат, қон (гемолимфа) тана бўшлиғига айланади. Ҳашаротларнинг юраги узун найга ўхаша бўлиб, қорин бўлимининг орқасида, ичакнинг усти-да жойлашган. Юракнинг кейинги учи берк, ички бўшлиғи қўнда-

ланг түсиқлар билан бир неча бўлмаларга бўлинган. Кўпчилик ҳашаротларда бундай бўлмаларнинг сони 8 та бўлади (қаранг: 127-расм). Ҳар бир бўлманинг ён томонида иккитадан клапанли тешикчалари (остийлар) бор; юрак ва ундан бошланадиган бош аорта томири девори мускул толалари билан таъминланган. Аорта бош яқинида тана бўшлифига очилади; гемолимфа аортадан ана шу бўшлиққа келиб тушади. Юракни юраколди синуси ўраб туради. Бу синус тана бўшлиғидан майдага тешикчали юпқа диафрагма парда орқали ажрапиб туради.

Юракнинг остида диафрагмага қанотсимон мускулларнинг уни келиб тулашган. Юрак эластик толалар ёрдамида қорин тергитларида осилиб туради. Кўпчилик ҳашаротларда худди шундай диагфрагма парда ичакнинг остида ҳам бўлади. Қанотсимон мускуллар қисқарганида дифрагма пастга тортилади, юраколди синуси кенгайиб, гемолимфа билан тўлади. Гемолимфа остийлар орқали юрак бўшлифига ўтади. Юрак деворидаги мускулларнинг кетма-кет тўлқинсимон қисқариши на-тижасида қон юрақдан аортага чиқади ва ундан боши яқинида тана бўшлифига келиб қуйилади. Ичакости диафрагма мускуллари қисқарганида гемолимфа тана бўшлиғида олдинги томонидан кейинги томонига оқади (127, А-расм). Қисқариш хусусиятига эга бўлган маҳсус қўшимча ампулалар гемолимфани оёқ, қанот ва мўйловларнинг бўшлиғида ҳам айланишга ёрдам беради. Юракнинг қисқариш тезлиги — пульс ҳашаротлар турига ва унинг физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Масалан, арвоҳ капалак (*Sphinx ligustri*) юраги тинч ҳолатда бир дақиқада 60-70, учганида 140-150 марта қисқаради.

Ҳашаротларнинг гемолимфаси газларни ташишда иштирок этмайди, у орқали фақат озиқ моддалар ва модда алмашинув маҳсулотлари ташилади. Шу сабабли ҳашаротлар қонида эритроцитлар ёки шунга ўхшаш қон элементлари, шунингдек гемоглобин ҳам бўлмайди. Гемолимфа эса рангсиз, сарғиш ёки яшил тусда бўлади. Фақат айрим пашшалар, хусусан хирономидлар личинкаларий гемолимфасида гемоглобин борлиги сабабли қони қизил тусда бўлади. Бундай личинкаларда трахея системаси бўлмаганлиги туфайли гемоглобин гемолимфага диффузия ўйли билан ўтадиган кислородни боғлаш хусусиятига эга. Ҳашаротларнинг гемолимфасида фагоцитозга учратадиган маҳсус ҳужайралар — гемоцитлар бўлади.

Бир қанча ҳашаротларнинг гемолимфаси таркибида кучли заҳарли моддалар бор. Айрим қўнғизлар (хон қизи, малҳамчи)нинг гемолимфаси оёқларининг бўғинларидағи тешикларидан майдага томчилар ҳолида чиқиб туради. Заҳарли гемолимфа ҳашаротларни бошқа йиртқич ҳайвонларга ем бўлиб кетишдан сақлаб қолади.

**Айриш системаси.** Ҳашаротларда айриш системаси ўрта ичак билан орқа ичак чегарасида жойлашган мальпиги найчаларидан иборат (қаранг: 127-расм). Бу найчалар орқа ичак ўсимталаридан иборат бўлиб,


эктордермадан келиб чиққан. Уларнинг сони бир жуфтдан бир неча юз жуфтгача, тўғри қанотлиларда 120; пардақанотлиларда 150 жуфтгача етади. Шира битлари ва айрим тубан ҳашаротларда мальпиги найчалари умуман бўлмайди. Кўпчилик ҳашаротларнинг мальпигий найчалари девори мускуллар билан таъминланмаганини туфайли ҳаракатланиш (қисқариш) хусусиятига эга. Найчаларнинг тана бўшлиғида осилиб турган қисмининг уни берк бўлади. Иккинчи уни эса ўрта ичак билан орқа ичак чегарасида ичак бўшлиғига очилади. Модда алмашинув маҳсулотлари сувда эриган сийдик кислотаси тузлари ҳолида гемолимфадан найчалар бўшлиғига, у ёрдан ичак бўшлиғига тушади. Найчалар ва ичақда сийдик кислотаси кристалл ҳолида чўкмага тушади, сув эса қайтадан гемолимфага сўрилади. Сувнинг асосий қисми орқа ичақдаги ректал безлари ёрдамида сўрилади. Сийдик кислотаси кристаллари ҳазм бўлмаган озиқ қолдиқлари билан бирга анал тешигидан чиқариб ташланади. Айриш системасининг бу хусусияти қуруқликда, айниқса, қуруқ иқлимда сувни тежаб сарфлашга имкон беради. Ўта нам жойда яшайдиган ёки суюқ озиқа билан озиқланадиган ҳашаротлар (масалан, шира битлари)нинг айриш системаси сийдик таркибидаги сувни қайта шимиб олиш хусусиятига эга бўлмайди.

Ҳашаротларнинг ёғ танаси ҳам айриши вазифасини бажаради. Ёғ танаси ички органлар орасида жойлашган ғовак тўқимадан иборат бўлиб, унда модда алмашинув маҳсулотларида сийдик кислотаси қаттиқ модда ҳолида тўпланади. Бу моддалар организмдан ташқарига чиқариб юборилмайди. Шунинг учун ёғ танани “тўплаш буйраги” дейиш мумкин. Лекин ҳашаротлarda ёғ тана асосан қўшимча озиқ бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бу модда метаморфоз билан ривожланадиган ҳашаротларнинг катта ёшдаги қуртларида ва узоқ муддат оч яшаш хусусиятига эга бўлган ҳашаротлар (масалан, тўшак қандалаларида яхши ривожланган). Ҳашаротларда бу модда метаморфоз жараёнида ёки озиқ танқислиги даврида сарфланади.

Кўпчилик ҳашаротлар юрагининг икки ёнида жойлашган юраколди ҳужайралар — *нефроцитлар* ҳам айриш функциясини бажаради. Нефроцитлар тана бўшлиғидаги ёт маддаларни ютиш хусусиятига эга бўлган *фагоцитлар* органлар ҳисобланади. Айрим тубан ҳашаротлар (тизанурлар, тўғриқанотлилар)нинг юраги остида жойлашган амёбасимон ҳужайралар тўплами ҳам фагоцитоз, яъни гемолимфадаги қаттиқ заррачаларни қамраб олиш хусусиятига эга.

Шуълаланувчи ҳашаротлар, масалан шуълаланувчи қўнғиз (*Lampyris*)ларнинг шуълаланувчи органлари ҳам ёғ танасининг юпқа тиниқ гавда қоплагичи жойлашган бир қисми ҳисобланади. Кислородли муҳитда маҳсус фермент таъсирида ёғ таркибидаги люциферин маддаси оксидланиб, ёёду чиқаради. Шуълаланиш ҳодисаси нерв системаси томонидан бошқарилиб турилади.

**Нерв системаси.** Ҳашаротларнинг нерв системаси бошқа ҳамма



128-расм. Ҳашаротлар марказий нерв системасининг тузилиши.

1-3 — бош миянинг олдинги, ўрта ва кейинги бўлимлари, 4 — оёқ нерви, 5-8 — қорин нерв ганглийлари, 9 — ўрта кўкрак ганглийси, 10, 11 — қанот нервлари, 12 — олдинги кўкрак ганглийси, 13 — ҳалқумости ганглий, 14 — тулаштирувчи нерв, 15 — мўйлов, 16 — мураккаб кўз, 17 — миянинг оптик қисми, 18 — оддий кўзлар, 19 — орқа кўкрак ганглийси.

бўғимоёқлиларнига ўхшаш қорин нерв занжири типида тузилган бўлсада, турли даражада мураккаблашган. Марказий нерв системаси ҳалқумости нерв тугунларидан ҳосил бўлган бош миядан, ҳалқумости ва қорин нерв занжири ҳамда нерв тугунларидан иборат.

Ҳашаротларнинг бош миясиprotoцеребрум, дейтоцеребрум ва тритоцеребрум деб аталадиган учта бўлимдан иборат (128-расм). Бош мия учта бош сегментлари ганглийларининг қўшилишидан ҳосил бўлади.

Протоцеребрум бошнинг акрон қисмига мос келади. Унинг икки ёнида кўзларни бошқарадиган иккита бир жуфт кўриш бўлаклари жойлашган. Бош миянинг ўрта бўлими дейтоцеребрум анча йирик бўлиб, мўйловларни идора қилади. Унинг остки қисми маҳсус ҳидлов бўлакларини ҳосил қилади. Бош миянинг учинчи бўлими тритоцеребрум ҳашаротларда бўлмайдиган интеркаляр бош сегменти яъни, мўйловлар сегментига мос келади. Ундан юқори лабга нервлар чиқади.

Ҳалқумости нерв тугуни мандибула, максилла ва пастки лаб бўғимларига мос келувчи уч жуфт ганглийларни бирга қўшилишидан ҳосил бўлган. Ундан юқори жағлар, пастки жағлар ва пастки лабларга кетувучи уч жуфт нервлар чиқади.

Ҳашаротларнинг мураккаб ҳулқи protoцеребрумдаги замбуруғсимон тана билан bogлиқ. Чунки бош миянинг бу қисми энг мураккаб ҳулқа эга бўлган ҳашаротлар, айниқса жамоа бўлиб яшовчи арилар, термитлар ва чумолиларда кучли ривожланган. Ҳатто бир турнинг ҳар хил табақаларига тегишли бўлган индивидлар бош миясининг замбуруғсимон ўсимтаси турли даражада ривожланган. Масалан, ҳаётий фаолияти хилма-хил ва мураккаб бўлган ишчи чумолиларда замбуруғсимон тана малика ва эркак чумолиларга нисбатан кучли ривожланган.


Қорин нерв занжири учта кўкрак ва 8 тагача қорин нерв тугунларидан иборат. Кўпчилик ҳашаротларда айрим қорин нерв тугунлари бир-

га қүшилиб кетганлиги сабабли уларнинг сони анча қисқаради. Баъзан қорин ва кўкрак ганглийлари бирга қўшилиб, яхлит кўкрак нерв массасини ҳосил қиласди, натижада қорин бўлимидаги фақат нервларнинг ўзи сақданиб қолади. Одатда личинкаларнинг қорин нерв тугуллари сони вояга етган ҳашаротларга нисбатан кўпроқ бўлади. Масалан, асалари личинкасида қорин нерв тутуни 10 та, вояга етганида эса 6 та бўлади.

Ҳашаротлар марказий нерв системасининг бош ва ҳалқумости нерв марказларида нейросекретор ҳужайралар жойлашган. Ҳужайраларнинг нейросекретлари аксонлар орқали гемолимфага оқиб келади. Нейросекретлар ҳашаротларнинг гормонал системасида муҳим аҳамиятта эга. Ривожланиш, моддалар алмашиниши, тулаш жараёнларига таъсир кўрсатадиган безлар фаолиятини нейросекретлар идора қиласди.

**Сезги органлари.** Ҳашаротларнинг сезги органлари хилма-хил ва анча мураккаб тузилган. Уларда механик, товуш, кимёвий, намлик, ҳарорат, ёруғлик ва бошқа хилма-хил таъсиротларни қабул қиливчи механорецепторлар, хеморецепторлар, терморецепторлар ва фоторецепторлар бор. Ҳашаротларнинг рецепторлари жуда сезгирилиги билан бошқа ҳайвонлардан фарқ қиласди. Масалан, хеморецепторлар ҳавога аралашган ҳидли моддаларнинг айрим молекулаларини, фоторецепторлар эса айрим фотонларни ҳам қайд қилиш хусусиятига эга. Ҳашаротлар гравитацион таъсир, намлик ва ҳатто электромагнит майдонининг ўзгаришига ҳам сезгир бўлади.

Ҳашаротлар сезги органларининг морфологик ва функционал асосини кутикула билан боғланган сезги органлар — *сенсиллалар* ташкил этади. Сенсиллаларнинг трихоид, базикоид, қўнфироқсимон, тангачасимон, конуссимон, хордотонал ва бошқа хиллари мавжуд. Улар бир-биридан фақат кутикула билан боғланган қисмининг тузилиши билан фарқ қиласди. Трихоид ва базикоид сенсиллаларнинг кутикуляр қисми тана сиртида жойлашган ковак тукча ёки ўсимта танача шаклида бўлади. Бошқа хил сенсиллаларнинг кутикуляр қисми яссилашган ёки тана қоплагичи остида жойлашган. Трихоид ёки туксимон сенсиллалар меҳано- ва хеморецепторлар ҳисобланади. Конуссимон сенсиллалар эса ҳарорат ва намликнинг ўзгаришини сезади. Сенсиллалар бутун танада тарқалган бўлиб, айниқса ҳашаротларнинг мўйловлари, оғиз органлари, оёқлари ва думидаги ўсимталарида кўп бўлади. Эркак асаларининг мўйловларида 30 мингта яқин тангачасимон ҳидлов сенсиллалари жойлашган. Оғиз органларида жойлашган сенсиллалар хемо, термо, гигро ва меҳанорецепторлар, оёқлар ва дум ўсимталарида гиллар эса меҳано ҳамда хеморецепторлар функциясини бажаради. Сенсиллалар якка-якка ва тўп-тўп бўлиб жойлашган ёки бир неча минг сенсиллалар биргаликда тимпанал, жонстон ва бошқа типдаги мураккаб тузилган органларни ҳосил қилиши мумкин. Ҳамма сенсиллалар битта умумий бошланғич сенсиллалардан келиб чиқкан.



129-расм. Ҳашаротлар механорецептор сенсиллаларининг тузилиши.

1 — сезгир түкча, 2 — кутикула, 3 — кутикула найча, 4 — кўриниши ўзгарган хивчин, 5 — сезгир ҳужарада-ниг периферик ўсимтаси, 6 — сезгир ҳужайра, 7 — сезгир ҳужайранинг марказий ўсимтаси.

Туйғу органлари функциясини асосан *трихоид сенсиллалар* деб аталадиган механорецепторлар (129-расм) бажаради. Трихоид сенсиллаларнинг асосий элементини битта ёки бир неча *сенсор* (сезгир) нейрон ташкил этади.


Сенсор нейроннинг аксони марказий нерв системаси билан боғланган, унинг дендрити эса таранг тортилган киприкча ёки унинг сиртида жойлашган ўсимтасар (туклар) билан туташган маҳсус найчалопс ичига кириб туради. Киприкча

ҳолатининг ҳар қандай ўзгариши унинг мембранасига берилади. Мембрана сколопсга таъсири қилганида рецепторлик потенциали юзага келади. Одатда трихоид сенсиллалар ҳашаротлар танасининг ташқи муҳит билан контактда бўладиган қисмларида (масалан, оёқлар) ва тухум қўйичларда, айниқса оёқ ва тана бўғимларида кўп бўлади. Улар жуда хилма-хил механик таъсиirlарни қабул қилиб, ҳаракатланиш (юриш, сузиш, учиш) жараёнида тана ҳолатини аниклаш ва бошқариш вазифасини бажаради. Ҳаво оқими (шамол)га сезгир механорецепторлар одатда анча ингичка ва тана қоплағичи билан ҳаракатчан қўшилган. Эшитиш функциясини *хордотонал сенсиллалар*, яъни сколиофорлар деб аталадиган механорецепторлар бажаради. Улар ҳар ҳил частотали тебранишлар, жумгадан товуш тебранишларини ҳам қабул қилишга ихтисослашган. Хордотонал сенсиллаларнинг сенсор ҳужайраси дендрити ва у билан туташган киприкчанинг сколопс найдаси атрофика қалин фибрилляр қин — сколопоид таначаси бўлиши билан трихоид сенсиллалардан фарқ қиласди. Хордотонал сенсиллаларнинг тукласи бўлмайди, уни сиртдан маҳсус юпқа қалпоқча қоплагб туради. Бу қалпоқчанинг остки юзасига киприкчанинг найдаси туташган. Сенсиллалар якка-якка ёки гурух бўлиб жойлашиди ва хордотонал органларни ҳосил қиласди. Одатда улар кутикуланинг юмшоқ қисмлари (оёқ ва тана бўғимлари)нинг остки юзаси билан боғланган паст частотали тебранишларни қабул қиласди. Айрим ҳашаротлар (чивинлар) мўйловларида жойлашган хордотонал органлар юқори частотали тебранишларга ҳам сезгир

бұлади. Хордотонал сенсиллалар тебранишни узоқдан, яғни тебраниш манбай билан контактсиз қабул қыла олиш билан трихоид сенсиллалардан фарқ қиласы. Шунинг учун улар асосан ҳашаротларнинг маңусы эшитиш органлари — *тимпанал органлар* таркибиға киради.

Ҳашаротларнинг тимпанал органлари маңусы тимпанал мембрана ва у билан ҳамда трахея наий билан бөгланған хордотонал сенсиллалар (сколпофорлар, сколопсидлар)дан ташкил топған. Бу органлар олдинги оёқлар болдирида (темирчаклар, чирилдоқлар, бузоқбошида), күкракда (сув қандалалари), қоринда (чиғиртқалар, жизилдоқлар, айрим қаттық қанотлилар), қанотларда (түркәнотлилар) жойлашған. Тимпанал органлар, айниқса сайроқи ҳашаротларда яхши ривожланған. Уларнинг сони 2-4 дан бир неча ўнгача ва ҳатто юздан ортиқ (жизилдоқлар) бўлиши мумкин. Темирчакларнинг тимпинал органлари олдинги оёқларнинг болдир қисмидә жойлашған иккита тор тирқиши билан бошлилади (129-расм). Бу тирқишилар ногора бўшлиғига очилади. Бўшлиқнинг ички томонида иккита ногора пардаси жойлашған. Ногора пардаларнинг оралиғидан трахея наилари ўтади. Бу наилар товушни кучайтирувчи резонаторлар вазифасини ўтайди. Тимпанал органнинг трахея наий ва ногора пардаси билан туташған уч гурӯҳ хордотонал сенсиллалар (сколпофорлар) ташкил этади (130-расм). Хордотонал сенсиллалар сезувчи ҳужайраларнинг аксонлари тимпанал нервни ҳосил қиласы. Бошақ ҳашаротларнинг тимпанал органлари ҳам шунга ўхшаш тузилган, хордотонал сенсиллалар ёки сколпофорлар ҳар хил частотали товуш тебранишларини қабул қиласы. Улар орасыда юқори частотали ҳамда паст частотали сенсиллалар бор. Одатда сенсиллалардан бир гурӯхи шу турға мансуб бўлған индивидларнинг товуш тебранишлари частотасини қабул қилишга созланған бўлади.

Ҳашаротларнинг *тимпанал органлари* секундига 15000 дан 175000 гача бўлған товуш тебранишларини қабул қиласы. Улар айниқса ультратовуш тебранишларига сезгир бўлади. Тунлам капалаклар кўрша-



130-расм. Темирчакнинг тимпанал органдары.


А — олдинги болдиридаги тимпанал органнинг иккита тешиги. Б — оёқнинг тимпанал орган бўлған жойидан кўндаланг кесмаси: 1 — кутикула, 2 — эшитиш тешиги, 3 — қалпоқсиз мон ҳужайра, 4 — сколипофор, 5 — ногора парда, 6 — трахеялар, 7 — ногора парда бўшлиғи, 8 — оёқ бўшлиғи, 9 — сколопоид тарнана.

палаклар тарқатадиган 30000-80000 частотали товуш тебранишларини сезади ва улардан сақланиш учун ўз йұналишини ұзгартыриб туришади. Юқорида трихоид сенсиллалар ҳам эшитиш функциясини бажарип тұғрисида эслатилған эди. Трихоид сенсиллалар 50 дан 400 гача частотали тебранишларни сезади. Уларда контакт сезги органлари бұлиб, ҳашаротлар үтирган юзанның тебранишларини қабул қылади. Трихоид сенсиллалар мүйловларда ва церкиларда көп бұлади. Айрим трихоид сенсиллаларнинг тукталари кутикула билан ҳаракатчан бирикади. Бундай сенсиллалар шамолнинг йұналишини ва ҳаво оқимини аниқлашга ёрдам беради. Паща ва чивинларнинг иккінчі жуфт қанотлары қолдигидан ҳосил бўлган визилдокларида тана ҳолатини бошқаришга ёрдам берадиган хордотонал сенсиллалар жойлашган.

Қанотли ҳашаротлар мүйловларининг асосида мураккаб тузилған жонстон органдарни учиш тезликни бошқаришга ёрдам беради. Эшитиш органлари — ривожланған ҳашаротлар овоз чиқариш хусусиятига ҳам ега бўлади. Бу органлар ҳар хил тузилған. Ҳамма тұғриқанотлиларнинг овоз чиқариш хусусияти қанотлар билан боғлиқ. Темирчаклар олдинги чап қанотларидаги айрим томирлари тищчали камончага айланған. Ўнг қанотининг шунга мос келадиган қисмida баланд томирлар билан чегараланған маҳсус резонатор пластинка ойналаси бўлади. Ҳашарот чап қанотидаги камончани ўнг қанотидаги ойналаси томирига ишқалайди ва ойнача пластинкаси тебраныб овоз чиқаради. Чигирткаларнинг камончаси эса орқа оёқнинг сон қисмida жойлашган қатор тищчалардан иборат. Эркак чигирткалар камончани устқанотнинг қалинлашган томирига ишқалаб, овоз чиқарышади. Жизилдокларнинг овоз чиқариш органдарни охирги күкрак бўғимининг остки томонида жойлашган хитин пардадан иборат. Маҳсус мускуларнинг жуда тез-тез қисқариши натижасида парда тебраниб, овоз чиқаради. Эркак ҳашаротлар сайрашининг асосий моҳияти урғочиларини жалб қилишдан иборат.


Ҳашаротларнинг хеморецепторлари ҳид билиш ва таъм билиш сенсиллаларидан иборат. Ҳид билиш сенсиллаларининг кутикулалы қисми құлсымон ва конуссимон ковак үсимталар ёки маҳсус пластинкалар шаклида бўлиши мумкин. Сенсиллалар бўшлиғида рецептор ҳужайраларнинг сезигир туклари жойлашган. Уларнинг деворида эса жуда майда тешиклари бўлади (131, 132-расм). Рецепторлар ҳидли моддаларга таъсирчан бўлади. Ҳид билиш сенсиллалари мүйловлар ва жағпайпаслагичларида айниқса көп бўлади. Урғочилари тарқатадиган ҳидли модда — жинсий феромонларга эркак ҳашаротлар жуда сезигир. Масалан, ипак қуртининг эркаги 1 см<sup>3</sup> ҳавога шу мөдданинг 100 та молекуласи аралашганини ҳам сезади. Ҳид озиқни қидириб топишга ҳам ёрдам беради.

Таъм билиш сенсиллалари оғиз органлари ва панжаларнинг охирги бўғимида жойлашган. Сенсиллаларнинг кутикуляр қисми тешикчаси туклар ёки конуссимон үсимталардан иборат. Ҳар бир сенсилла бир



131-расм. Ҳашаротлар ҳид билиш сенсиллаларининг тузилиши.

1 — дискоид кутикула пластиинка, 2 — тешикчалар, 3 — хивчинни ўраб турадиган кутикула найча, 4 — шакли ўзгарган хивчин, 5, 7 — сезгир ҳужайранинг периферик ва марказий ўсимталари, 6 — сезгир ҳужайра, 8 — кутикула.




132-расм. Ҳашаротлар таъм билиш сенсиллалари.

1 — тешик, 2 — кутикула конуси, 3 — хивчинни тутиб турувчи кутикула найча, 4 — шакли ўзгарган хивчин, 5 — сезгир ҳужайранинг периферик ўсимтаси, 6 — сезгир ҳужайра, 7 — сезгир ҳужайранинг марказий ўсимтаси, 8 — кутикула.

неча рецептор ҳужайралардан иборат. Ҳужайралар бир хиллари нордонга, бошқалари ширинликка ва тоза сувга сезгир бўлади ёки механорецепторлик вазифасини ўтайди. Чивинлар ва капалаклар фақат оғиз органлари билан эмас, балки олдинги оёқларининг панжалари ёрдамида ҳам сув эритмалар таъмини аниқлаши мумкин.

Ҳашаротлар танаси сиртида ҳароратни сезадиган юпқа кутикулали терморецепторлар бор. Кутикула остида ҳароратга сезгир нейронлар жойлашган. Терморецепторлар чигирткаларнинг мўйловлари асосида жойлашган. Кўпчилик ҳашаротларининг терморецепторлари калта ва йўғон тукчалардан иборат. Суваракларда бундай тукчалар оёқ панжалирида жойлашган. Улар ҳароратнинг  $1^{\circ}$  га ўзгаришини ҳам сезади. Ҳашаротларнинг мўйловлари ва жаф пайпаслагичларида ҳаво намлигини сезадиган сенсиллалар жойлашган.


Ҳашаротларнинг кўриш органлари асосан иккита мураккаб фасеткали кўзлардан иборат. Бу кўзлар қисқичбақасимонларнинг фасеткали кўзларига ўхшаёт, лекин омматидийларнинг бирмунча мураккаб тузилганилиги билан фарқ қиласи. Фасеткали кўзлардаги омматидийларнинг сони ҳашаротларнинг ҳаёт кечириш хусусиятларига боғлиқ. Одатда фаол ҳаёт кечирадиган (пашшалар, чивинлар, кўнғизлар, йиртқичлар) ҳашаротларда омматидийлар жуда кўп. Омматидийлар сони битта турнинг турли даражада ихтиослашган индивидлари орасида ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, эркак ариларнинг ҳар бир кўзида 13090, ишчиларида 6300, ургочиларида 4920 дан омматидийлар бор. Ҳар бир омматидий ёруғлик ўтказувчи оптик аппаратидан ва сезигир рабдомидан иборат. Оптик аппарат кутиуланинг шаффоғ қисмидан ҳосил бўлган шоҳсимон қават ва гавҳар конусдан ташкил топган (132, 133-расм): улар биргалиқда ёруғлик ўтказувчи линза вазифасини бажаради. Сезигир аппарат 4-12 ихтиослашган хивчинсиз рецептор ҳужайралардан ҳосил бўлади. Ҳужайраларнинг сезигир қисми — рабдомлари эса омматидийнинг марказий қисмida жойлашган микроворсинкалар тўпламидан иборат. Улар биргалиқда кўзнинг ёруғликка сезигир элементи рабдомни ҳосил қиласи.



133-расм. Кундузги (А) ва кечки (Б) ҳашаротлар омматидилари нинг тузилиши.

1 — гавҳарнинг тиниқ қисми, 2 — билтур конус, 3 — пигмент ҳужайралар, 4 — рабдом, 5 — сезигир ҳужайралар, 6 — базал мембрана, 7 — сезигир ҳужайраларнинг асосий ўсимтаси.

Омматидийларнинг четларида экранлаштирувчи пигмент ҳужайралар жойлашган. Кундузги ҳашаротларда бу ҳужайраларнинг пигментлари ҳаракатсиз бўлиб, ёруғликни бир омматидийдан иккинчисига ўтишига тўқсиналик қиласи. Кечки ва тунги ҳашаротларда эса пигмент ҳужайра ичидаги кўчиб юриш ва уларнинг устки қисмida тўпланиш хусусиятига эга.



134-расм. Ҳашаротлар фасеткали кўзининг тузилиши.

1 — гавҳар-тиниқ кутикула, 2 — билтур конус, 3 — омматидилар ўргасидаги пигмент.

Шунинг учун тунги ва кечки ҳашаротларда ёруғлик нурлари бирданига бир неча ёруғлик сезувчи ҳужайраларга тушади. Шу туфайли кўзнинг умумий сезигирлиги икки баравар ошади. Омматидийларнинг сезигир ҳужайраларидан кетадиган нерв учлари кўриш нервларини ҳосил қиласди.

Кўпчилик ҳашаротларда мураккаб фасеткали кўзлар билан бир қаторда бир неча оддий кўзлар ҳам бўлади. Ариларда учта шундай кўзчалар мўйловларининг ўртасида жойлашган. Ҳар бир кўзча ёруғлик нурини синдирувчи оптик линздан ва унинг остида жойлашган бир қават сезувчи рецептор ҳужайралардан ташкил топган. Кўзчаларни пигментли майда ҳужайралар ўраб туради. Кўпчилик ҳашаротларнинг личинкаларида фақат оддий кўзчалар ривожланган, лекин уларнинг тузилиши вояга етган ҳашаротларнинг кўзчаларидан фарқ қиласди.

Ҳашаротларнинг фасеткали кўзлари мозаик кўриш хусусиятига эга. Омматидийларнинг бири иккинчисидан пигментли ҳужайралар билан ажralиб турганидан ёруғлик нурининг фақат тик тушадиган қисмини қабул қиласди. Нурнинг қия тушадиган қисми эса омматидийларнинг ёруғлик сезадиган ҳужайраларига етиб бормасдан пигментли ҳужайралар томонидан ютилади. Ҳар бир омматидий предметнинг фақат кичик бир нуқтаси тасвирини олади. Ҳамма омматидийларга тушадиган нурлар биргаликда предметнинг умумий тасвирини ҳосил қиласди. Юксак ҳашаротларнинг кўзлари рангларни ажратади. Лекин уларни яқин масофани кўра оладиган далтониклар дейиш мумкин. Масалан, асаларилар тўрт хил: яшил-сариқ, кўк-яшил, кўк-бинафша ва ультрабинафша рангларни яхши ажратади. Узун тўлқинли нурларни эса фарқлай олмайди. Ҳашаротлар кўпроқ ҳаракатланадиган нарсаларни яхши фарқ қиласди. Асаларилар ўз уларининг ташқи кўринишинигина эмас, балки уя атрофидаги манзарани ҳам эслаб қолиш хусусиятига эга. Агар уя атиги бир неча метрга суриб қўйилганида ҳам асаларилар уни топишга қўйналишган. Ҳашаротлар буюмларнинг шаклини яхши ажратади олиши ва қутблangan нурни ҳис қилиши маълум. Қутблangan нурни сезища фасеткали кўзлар билан бирга оддий кўзчалар ҳам муҳим ўрин тутади. Бундан ташқари оддий кўзчалар ёруғлик кучининг ўзгаришига ҳам жуда сезигир бўлади.

**Насл тўғрисида ғамхўрлик.** Ҳашаротлар нерв системасининг жуда мураккаб тузилганлиги уларнинг турқ-атворида ўз аксини топади. Уларда мавжуд бўлган хилма-хил ва жуда мураккаб инстинктлар асосан насл тўғрисида ғамхўрлик билан чамбарчас боғлиқ. Оддий ҳолда насл тўғрисида ғамхўрлик урғочисининг личинкаси учун озиқ бўладиган моддага ёки унинг яқинига тухум қўйишдан иборат. Капалаклар, чивинлар, кўнғизлар ва бошқа кўпчилик ҳашаротлар насли тўғрисида худди шундай ғамхўрлик қиласди.

Бирмунча мураккаб инстинктга эга бўлган ҳашаротлар ўз авлоди учун озиқ ғамлашга тушади, ёш личинкаларининг ривожланиши учун

қулай бўлган маҳсус пана жой қуради. Бундай ҳаракат инстинктлари пардақанотли ҳашаротларда анча хилма-хил ва мураккаб бўлади. Овчи арилар чақиб фалажланган ҳашаротларни ўз инларига келтириб, насл учун ғамлайди. Тухумдан чиққан личинка ана шу озиқни еб вояга етади. Якка яшовчи арилар эса тухум қўйиш учун тупроққа ёки турли ёғочларнинг ичига бир неча катакчалардан иборат ин қуради. Ҳар бир катакчага нектар ва гул чангси солгач, унга биттадан тухум қўйиб, иннинг оғзини елимлаб ташлайди. Шунинг билан бирга урғочи ари тухумларини ва личинкасини ортиқча намлиқдан сақлаш мақсадида, шунингдек уларни озиққа ботиб кетмаслиги учун бир қанча мураккаб чора-тадбирларни амалга оширади.

Жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротларда авлоди тўғрисида ғамхўрлик инстинкти айниқса яхши ривожланган. Ишчи асаларилар урғочиси ва эркагини боқиши, личинкаларини қўриқлаши, қишига гул нектари ва чангидан иборат озиқ ғамлаш, инни тоза тутиш каби хилма-хил ишларни амалга оширади. Термитлар инда намлик ва ҳарорат пасайиб кетганида личинкаларини индаги бошқа камераларга қўчиради.

Ҳашаротларнинг бошқа организмлар билан симбиоз ҳаёт кечиришида инстинктив хулқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айрим ҳашаротлар ташқи муҳитдан озиқланиши билан бирга ўзлари ҳам хўжалик юритади. Масалан, термитлар индида замбуруғ ўстиради. Улар замбуруғнинг мева ҳосил қиласидан гифларининг учини қирқиб олиб озиқланишади. Бундай озиқ термитлар учун муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун янги колонияяг асос соладиган урғочи термит уруғланишга учиб кетишдан олдин замбуруғ мицелийсининг бир бўлагини ичак деворидаги маҳсус ҳалтачага солиб олади. Айрим чумолилар шира битлари билан симбиотик муносабатда ҳаёт кечиради. Чумолилар шира битлари ишлаб чиқарадиган ширин суюқлик билан озиқланади ва уларни бошқа йиртқиҷлардан ҳимоя қиласи.

**Жинсий системаси.** Деярли барча ҳашаротлар айрим жинсли. Улар орасида гермафрорит турлар ҳам учрайди. Қўпчилик ҳашаротларда жинсий диморфизм яхши ривожланган бўлиб, эркаги урғочисидан турли ўсимталарнинг ривожланганлиги билан фарқ қилиши мумкин. Масалан, капалакларнинг эркаги урғочисига нисбатан кичикроқ ва бошқа рангда бўлади. Айрим қўнғизларнинг (буғу қўнғиз, шоҳли қўнғиз) эркаги танасида турли ўсимталар ривожланган. Айрим урғочи ҳашаротлар (чирилдоқ, темирчаклар, яйдоқчилар)нинг қорин бўлимида тухум қўйгичи бўлади. Бирқанча ҳашаротлар эркаклари қанотли бўлиб, урғочиларининг қанотлари кучсиз ривожланган ёки бутнлай ривожланмаган (одимчи капалаклар) бўлади.

Ҳашаротларнинг жинсий безлари жуфт бўлади. Урғочиларининг тухумдонлари бир қанча тухум найчаларидан иборат. Бу найчаларининг кенгайган уни тухум йўли билан боғланган. Тухум найчаларининг сони систематик аҳамиятга эга. Одатда серпушт ҳашаротларда тухум найча-

лари ҳам кўп бўлади. Масалан, суваракларнинг ҳар бир тухум йўлида 4, асал ариларда — 200, термитларда — 2500 гача тухум найчалари бўлади. Бу найчаларнинг берк учки қисмида бирламчи жинсий ҳужайралар жойлашган. Улардан келгусида овоцитлар ҳосил бўлади. Овоцитлар қатор жойлашади. Тухум пўстини ҳосил қиласидиган фолликуляр эпителий ҳужайралар овоцитларни қоплаб туради. Шундай қилиб, етилган овоцитлар тухум найчасининг тухум йўлига чиқиш жойида туради. Овоцитлар оралиғида озиқлантирувчи ҳужайралар жойлашган. Ана шу ҳужайралар ҳисобига овоцитлар ўсиб, тухум ҳужайрасига айланади. Тухумлар етила борган сайин тухум йўли томонга сурилаверади. Уларнинг ўрнига бирламчи жинсий ҳужайралардан янги тухум ва озиқлантирувчи ҳужайралар ҳосил бўлади. Иккала тухум йўллари битта жинсий қинга бирлашади. Бу қинга уруг қабул қилгич ва куйикиши халтаси очилади. Уруғланиш даврида эркагининг жинсий органи ана шу халтага тушади. Уруғ ҳужайралар куйикиши халтасидан уруғ қабул қилгичга ўтказилади. Бир қанча ҳашаротлар ҳаётида фақат бир марта куйикишса-да уруг қабул қилгичида сақланадиган уруғ ҳужайралари ҳашаротнинг бутун умри давомида ўз ҳаётчанлигини йўқотмасдан сақланиб қолади. Масалан, она ариларнинг уруғ қабул қилгичида уруғ ҳужайралари 4-5 йил давомида тириклик хусусиятини сақлаб қолади. Урғочи ҳашаротлар қорнининг кейинги учида тухум қўйгичлари жойлашган. Улар ёрдамида ҳашаротлар тупроққа ёки ҳайвон тўқималарига, ўз тухумини қўяди.

Эркак ҳашаротларнинг уруғдонлари бир жуфт бўлади. Уруғдонлардан бошланувчи уруғ йўллари битта умумий сийдик тўкиш йўлига очилади. Сийдик тўкиш найи куйикиши органининг ичидан ўтади. Уруғ тўкиш найи тўғри ичакнинг кенгайганд қисми — клоакага очилади.

### ҲАШАРОТЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ ВА РИВОЖЛANIШИ

**Кўпайиши.** Ҳашаротлар фақат жинсий йўл билан кўпаяди. Сувараклар бирданига 16 та тухум қўяди, улар ўз тухумларини маҳсус қопчиққа жойлаб бирмунча вақт судраб олиб юради. Уй чивини бирданига 150 тагача, ҳаёти давомида 600 га яқин тухум қўяди. Асаларининг маликаси бир кунда 1000 тагача, ҳаёти давомида эса 10000 млн га яқин тухум қўяди. Кўпчилик ҳашаротларнинг тухум ҳужайраси уруғлангандан сўнг ривожлана бошлайди. Шунинг билан бирга ҳашаротлар орасида партеногенез ҳодисаси ҳам кенг тарқалган. Жамоа бўлиб яшайдиган ҳашаротлар партеногенез орқали фақат эркакларини ҳосил қиласади. Асалариларнинг урғочиси бир вақтнинг ўзида уруғланган ва уруғланмаган тухумлар қўяди. Бу ҳодиса тухум қўйиладиган катакларнинг тузилишига боғлиқ бўлади. Ишчи арилар тайёрлаган катакларнинг бир қисми бошқаларига қараганда чуқурроқ ва бошқачароқ тузилган. Маликаси тухумини катакча тубига қўйиш учун қорин қисмини сиқиб,

тұхум құйғичини үзәди. Шу туфайли урға қабул қылгичнинг тешиги бекилади ва жинсий йүллардан чиқаётган тұхумлар уруғланмасдан қолади. Бундай катақларга құйилған уруғланмаган тұхумлардан фақат әркак арилар чиқади. Бошқачароқ тузилған катақларға құйилған уруғланған тұхумлардан еса озиқнинг мұл-құллығи ва хилига қараб урғочиси (маликаси) ёки ишчи арилар етишиб чиқади.

Баъзан ҳашаротлар *гетерогенития* (иккى жинслик ва партеногенетик наслаларнинг галланиши) йўли билан ҳам кўпаяди. Бу ҳодиса одатда урғочиси қанотсиз бўлған ҳашаротлар орасида учрайди. Масалан, ёз давомида шира битларининг партеногенетик йўл билан тирик личинка туғадиган урғочилари ривожланади. Бу личинкалардан фақат урғочилари ривожланади. Партеногенетик урғочи ҳашаротларнинг охириги бўғинининг наслидан еса урғочи ва әркак ҳашаротлар ривожланиб чиқади. Уруғланған урғочи ҳашаротлар қўйған тұхумлар қишлоғ қолади ва баҳорда улардан яна урғочилари чиқади. Айрим чўпсимонлар, ёнғоқ-ясрлар ва ўсимлик битларининг эркаклари умуман номаълум, улар фақат партеногенез усулда кўпаяди.

Айрим ҳашаротлар (асосан, иккى қанотлилар) личинка даврида ҳам кўпайиш хусусиятига эга. Бу ҳодиса *педагенез* дейилади. Масалан, *Miastor* пашишаларининг личинкалари бирин-кетин педагогенез йўли билан личинкаларни бир неча янги наслини ҳосил қилади. Кейинги насл личинкалари ривожланиб, әркак ва урғочи ҳашаротларга айланади. Уруғланған тұхумлардан яна педагогенетик личинкалар ривожланади. Баъзи ҳашаротлар, масалан, яйдоқчиларнинг кўпайишида *полиэмбриония* ҳодисасини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса тұхум ҳужайрасини майдаланиш даврида бир қанча мустақил ривожланиши хусусиятига эга бўлған гуруҳларга ажратилиши ва ҳар бир гурухдан алоҳида личинкалар ривожланиб чиқишидан иборат. Шу усул билан битта тұхумдан 100 тагача, баъзан ундан ҳам кўпроқ эмбрион ҳосил бўлиши мумкин. Полиэмбрионияның биологик мөҳияти паразит индивидлари сонини кескин оширишдан иборат.

Ҳашаротларнинг ривожланиши эмбрионал ва постэмбрионал даврларга ажратилади.

**Эмбрионал ривожланиши.** Кўпчилик ҳашаротларнинг тұхуми сариқ моддага жуда бой бўлиб, *центролецитал* типда тузилған. Бунинг маънosi шундаки, сариқ моддаси кўп бўлиб ҳужайра ядрои атрофида тўпландыган. Центролецитал типдаги тұхумларда ядро бир неча марта майдалангандан сўнг цитоплазма сиртига қўчади. Майдаланиш давом этавериши натижасида цитоплазма сиртида бир қават ҳужайралардан иборат бўлған *blastoderma* ҳосил бўлади. Бластодермада бўлажак эмбрионининг қорин томонига мос келадиган қисми қалин тортиб сариқликка ботиб кирган *муртак* чизигини ҳосил қилади. Кейинроқ муртак чизиги ҳужайраларни тез бўлиниши ва унинг ўрта қисми сариқликка ботиб кириши билан мезодерма варақлари бўлиниб кети-

тухум қўйгичини чўзади. Шу туфайли уруғ қабул қилгичнинг тенниги бекилади ва жинсий йўллардан чиқаётган тухумлар уруғланмасдан қолади. Бундай катакларга қўйилган уруғланмаган тухумлардан фақат эркак арилар чиқади. Бошқачароқ тузилган катакларга қўйилган уруғланган тухумлардан эса озиқнинг мўл-қўллиги ва хилига қараб урғочиси (маликаси) ёки ишчи арилар етишиб чиқади.

Баъзан ҳашаротлар гетерогония (икки жинслик ва партеногенетик наслаларнинг галланиши) йўли билан ҳам кўпаяди. Бу ҳодиса одатда урғочиси қанотсиз бўлган ҳашаротлар орасида учрайди. Масалан, ёз давомида шира битларининг партеногенетик йўл билан тирик личинка туғадиган урғочилари ривожланади. Бу личинкалардан фақат урғочилари ривожланади. Партеногенетик урғочи ҳашаротларнинг охирги бўғинининг наслидан эса урғочи ва эркак ҳашаротлар ривожланиб чиқади. Уруғланган урғочи ҳашаротлар қўйган тухумлар қишилаб қолади ва баҳорда улардан яна урғочилари чиқади. Айрим чўпсимонлар, ёнгоқясарлар ва ўсимлик битларининг эркаклари умуман номаълум, улар фақат партеногенез усулда кўпаяди.

Айрим ҳашаротлар (асосан, икки қанотлилар) личинка даврида ҳам кўпайиш хусусиятига эга. Бу ҳодиса педагогенез дейилади. Масалан, *Miastor* пашишаларининг личинкалари бирин-кетин педагогенез йўли билан личинкаларнинг бир неча янги наслини ҳосил қиласади. Кейинги насл личинкалари ривожланиб, эркак ва урғочи ҳашаротларга айланади. Уруғланган тухумлардан яна педагогенетик личинкалар ривожланади. Баъзи ҳашаротлар, масалан, яйдоқчиларнинг кўпайишида полиэмбриония ҳодисасини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса тухум ҳужайрасини майдаланиши даврида бир қанча мустақил ривожланиш хусусиятига эга бўлган гуруҳларга ажратилиши ва ҳар бир гуруҳдан алоҳида личинкалар ривожланиб чиқишидан иборат. Шу усул билан битта тухумдан 100 тагача, баъзан ундан ҳам кўпроқ эмбрион ҳосил бўлиши мумкин. Полиэмбриониянинг биологик моҳияти паразит индивидлари сонини кескин оширишдан иборат.

Ҳашаротларнинг ривожланиши эмбрионал ва постэмбрионал даврларга ажратилади.

Эмбрионал ривожланиши. Кўпчилик ҳашаротларнинг тухуми сариқ моддага жуда бой бўлиб, центролецитал типда тузилган. Бунинг маъноси шундаки, сариқ моддаси кўп бўлиб ҳужайра ядрои атрофида тўпланган. Центролецитал типдаги тухумларда ядро бир неча марта майдалангандан сўнг цитоплазма сиртига қўчади. Майдаланиши давом этавериши натижасида цитоплазма сиртида бир қават ҳужайралардан иборат бўлган *blastoderma* ҳосил бўлади. Бластодермада бўлажак эмбрионнинг қорин томонига мос келадиган қисми қалин тортиб сариқликка ботиб кирган муртак чизигини ҳосил қиласади. Кейинроқ муртак чизиги ҳужайралари тез бўлинниши ва унинг ўрта қисми сариқликка ботиб кириши билан мезодерма варақлари бўлинниб кети-

шын туфайли қатор целомик халталар пайдо бўлади. Сариқ моддадан ёки муртак чизигининг олдинги ва кейинги қисмларидағи алоҳида ҳужайралар ҳисобидан эндодерма ҳосил бўлади. Бластодерма эса эктодермага айланади.

Муртак варақлари ҳосил бўлишининг дастлабки даврларида ёк муртак қобигининг шаклланиши ҳамма ҳашаротлар учун хос бўлган хусусиятдир. Бу жараён одатда куйидагича содир бўлади. Дастлаб муртак чизиги билан сариқлик чегарасида пуштача пайдо бўлади, кейинроқ шу жойда икки қават бурмалар ҳосил бўлади. Бурмалар аста-секин ўсиб муртак чизигини қоплаб олиши натижасида икки қаватли муртак қобиги шаклланади. Та什қи қобиқ сероз, ичкиси амнион деб аталади. Амнион билан муртак оралигига суюқлик тўлдирилган амнион бўшлиги пайдо бўлади. Шундай қилиб, бу даврда муртакни ташқи муҳитдан тухум қобиги — хорион, икки қаватли муртак қобиги ва амнион бўшлиги ажратиб туради. Шундан кейин муртак чизиги олдинги томондан бошлаб бўғимларга ажрала бошлайди. Бош бўлими ва ундан кўз ҳамда мўйлов бўлакларига хос бўлган қисмлар кейинроқ йўқолиб кетадиган интеркаляр (оралиқ) бўғин, учта кўқрак ва охирги навбатда 11 та қорин бўғимлари ҳосил бўлиши билан эмбрион шаклланади. Ичакнинг олдинги ва ўрга қисми иккита эктодерма бурмалари ҳисобидан ҳосил бўлади. Ҳашаротларнинг ўрта ичаги турли йўллар билан ҳосил бўлиши мумкин. Бир хил ҳашаротларда ичак сариқ моддадаги эндодермал ҳужайралари ҳисобидан, бошқаларида олдинги ва кейинги ичакнинг айрим бошланғич ҳужайраларидан ва ниҳоят айрим ҳашаротларда фақат олдинги эктодермал ичак ҳисобидан ҳосил бўлади. Мальпиги найчалари эса орқа ичак эктодермаси ҳисобидан шаклланади. Нерв системаси дастлаб эктодерманинг қорин пуштачаси ҳолида шаклланади ва кейинроқ ичкарига ботиб киради. Шундан сўнг целомик халтачалар емирилиб, уларнинг бўшлиғи қўшилиб кетиши туфайли миксоцел (аралаш тана бўшлиғи) ҳосил бўлади. Эркин қоладиган ҳужайралар ҳисобидан мускуллар, юрак, ёғ танача ва бошқа бир қанча ички органлар келиб чиқади. Ҳашаротларда бошланғич жинсий ҳужайралар эмбрионал ривожланишнинг дастлабки даврларида ёк ҳосил бўлади. Эмбрион сариқлик модда ҳисобидан озиқланиб ўсади. Ривожланишнинг сўнгги даврларида муртак қобиқлари ёрилиб, эмбрион тухумдан чиқади. Кейинчалик муртак қобиқлари сўрилиб кетади. Тухум пустидан чиқиши билан ҳашаротларнинг эмбрионал ривожланиши тамом бўлиб постэмбрионал ривожланиши бошланади.



Постэмбрионал ривожланиш. Тухумдан чиқсан ҳашаротлар личинкасининг ривожланиши турли йўналишида боради. Тубан тузилган мўйловсизлар (Protura) туркуми вакиллари тухумидан чиқсан ёш насли қорин бўлимидаги учта охирги бўғимининг етишмаслиги билан вояга етган давридан фарқ қиласи. Бу бўғимлар ҳашарот туллагандан сўнг ҳосил бўлади. Бу жараён кўп оёқлилардаги сингари қолдиқ анаморфоз

орқали ривожланиш дейилади. Бошқа ҳамма ҳашаротларда тухумдан чиққан личинкасининг қорин бўғимлари тўлиқ бўлади, ривожланиши эса анаморфозсиз боради.

Ёпиқ жаглилар кенж синфига мансуб бўлган бошқа тубан тузилган ҳашаротларнинг тухумидан чиққан ёш насли вояга етган даврига жуда ўхшашиб бўлганидан уларнинг ўсиши ва ривожланиши давомида ҳеч қандай муҳим ўзгаришлар содир бўлмайди. Ривожланиш эса метаморфозсиз (ўзгаришсиз) тўппа-тўғри боради.

Эволюцион тараққиётнинг бирмунча юқори поғонасида турдиган қанотли ҳашаротлар метаморфоз орқали ривожланади. Метаморфоз ҳайвонлар личинкасининг имаго (етук) даврига ўтиши давомида содир бўладиган жараёнларнинг мажмуудан иборат. Ривожланиш хусусиятига биноан қанотли ҳашаротлар гемиметаболик — чала ўзгариш ва голометаболик — тўлиқ ўзгариш орқали ривожланадиган гуруҳларга ажратилади.

Чала ўзгариш билан ривожланиш хусусияти бирмунча тубан тузилишга эга бўлган ҳашаротлар — ниначилар, кунликлар, тўғриқанотлилар, сувраклар, қандалалар, тенг қанотлилар ва бошқа бир қанча туркумлар учун хос. Уларнинг тухумдан чиққан личинкалари умумий тузилишига кўра вояга етган ҳашаротларга турли даражада ўхшашиб бўлади. Улардан асосан қанотлари ва иккиласиң кичиклиги билан фарқ қиласди. Тўғри қанотлилар, бешиктерватарлар, сувраклар, қандалалар, тенг қанотлилар ва бошқа айрим туркумларга мансуб бўлган ҳашаротларнинг личинкалари тузилиши ва ҳаёт кечириши билан имаго даврига жуда ўхшашиб бўлиб, личинкалари қанотларнинг жуда калталиги, жинсий вояга етмаганлиги ва кичиклиги билан фарқ қиласди (135-расм). Қадимги қанотли ҳашаротлар (ниначилар ва кунликлар) постэмбрионал ривожланиши эса бошқачароқ боради. Уларнинг тухумдан чиққан ёш насли имагосидан личинка даври учун хос бўлган баъзи провизор органларининг бўлиши билан фарқ қиласди. Юқорида кўрсатилгандек, уларнинг личинкалари сувда ҳаёт кечиришга мослашган, кейинчалик йўқолиб кетадиган органларга эга бўлади. *Лютик ниначилари* личинкалари қорин




135-расм. Чигиртканинг чала метаморфоз билан ривожланиши.

А — тухум, Б — ҳар хил ёшдаги личинкалар. В — вояга етган ҳашарот.

Бұлімининг кейинги қисміда жойлашған пластинкасімон ўсимтапар, яғни трахея жабралар ёрдамида нафас олади. Бу пластинкалар єрдамида ва қорин бұлімининг букилиши туфайли личинкалар сувда сузіб юради. Бөшқа ниначилар (масалан, тоғ ниначиси) личинкалари жаңа орқа ичагидан сувни күч билан итариб чиқарып сузіб юради. Уларнинг ичагида трахея жабралари ҳам бұлади. Айрим кунликларнинг личинкалари қорин бұлімининг иккі ёнінде жойлашған трахея жабраларыдан әшкак сифатыда фойдаланади. Ниначилар ва кунликлар личинкалари охирғи даврда кам ҳаракат бўлиб қолади, уларнинг тузилиши қайта ўзгаради, провизор (личинкалик) органлари йўқолиб, имагинал (вояга етган ҳашаротларга хос) органлар пайдо бўлади. Личинкалар сув юзасига, кейин ўсимликка чиқиб олиб, охирғи марта туллайди ва вояга етган даврига ўтади. Ниначилар имаго даврида тулламайди. Кунликлар личинка пўстидан чиққандан сўнг қанотли субимаго (имагодан олдинги) даврини бошдан кечиради. Субимаго яна бир марта туллаб, имагони ҳосил қиласади.

Шундай қилиб, чала ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар тухум, личинка ва субимаго даврларини ўтади. Постэмбрионал ривож-



136-расм. Тут ипак қуртининг тұлиқ метаморфоз орқали ривожланиши.  
А — капалак. Б — қурт. В — пилла. Г — пилладан чиқарып олинган ғумбак.

ланиш давомида улар личинкасининг тузилишида кескин ўзгаришлар юз бермайди.

Тўлиқ ўзгариш билан ривожланиш қанотли юксак ҳашаротлар, яъни қаттиқ қанотлилар, тангача қанотлилар, икки қанотлилар, парда қанотлилар ва бошқалар учун хос. Улар личинкасининг танаси чувалчангсимон шаклда бўлиб, кўпинча “қурт” деб аталади. Личинкаларнинг тузилиши ва ҳаёт кечириши вояга етган ҳашаротлардан кескин фарқ қиласди. Буни биз капалаклар мисолида кўриб чиқамиз. Капалак куртларининг танаси кўп сонли гомоном бўғимлардан иборат бўлиб, уч жуфт кўкрак оёқлари билан бирга беш жуфт бўғимларга бўлинмаган сўргичли калта қорин оёқлар билан таъминланган (136-расм). Оғиз аппарати кемирувчи типда тузилган кўпчилик ҳашаротлар қуртлари танаси сиртида ҳар хил (кўпинча заҳарли) ўсимталари ва туклари бўлади. Қуртлар кўпинча маҳсус ҳимоя, яъни кўзга яхши ташланадиган огоҳдантирувчи рангда бўлади. Қуртлар ички тузилиши, хусусан ипак безларининг бўлиши, қорин нерв системасининг кўп сонли ганглийлардан иборатлиги ва ичагининг кучли ривожланганилиги билан вояга етган ҳашаротлардан кескин фарқ қиласди. Тўла ўзгариш билан ривожланадиган бошқа ҳашаротларнинг личинкалари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Умуман, куртлар етук ҳашаротларга нисбатан бирмунча содда тузилишга эга бўлиб, уларнинг бошлангич қанотлари ва мураккаб кўзлари бўлмайди.


Тўлиқ метаморфоз билан ривожланадиган ҳашаротлар личинкаларини тузилишига кўра бир неча хилга ажратиш мумкин (137-расм):

1. Кўкрак бўғинларида уч жуфт оёқлари бўладиган чувалчангсимон личинкалар (кўнғизлар).

2. Кўкрак оёқлари билан бирга қорин бўлимидаган ҳам соҳта оёқлари бўладиган личинкалар (капалаклар, пардақанотлилар туркумидан арракашлар ва яйдоқчилар).

3. Тана бўғимлари аниқ кўринмайдиган, кўкрак оёқлари бўлмаган кам ҳаракат, лекин бош қисми яхши ривожланган личинкалар (кўпчилик пардақанотлилар ва кўнғизлар, хусусан чумолилар, арилар, пўстлоқхўр ва узунтумшуқ кўнғизлар). Бир қанча ҳолларда оғиз аппарати редукцияга учраганилиги сабабли личинкалар тўғридан-тўғри озиқ бўладиган субстратнинг ўзида, масалан, хўжайин танасида ривожланади (паразит пардақанотлилар) ёки уларни вояга етган ҳашаротлар озиқлантиради (термитлар, чумолилар, асаларилар).

4. Бошсиз ва оёқсиз личинкалар (пашшалар, сўналар, сўқирлар). Тўлиқ метаморфоз билан ривожланадиган ҳашаротлар личинкаси 4-5 марта туллаш орқали ўсади. Уларнинг провизор органлари личинка даврининг охиригача сақланиб қолади. Личинкалар охири тулашдан кейин гумбакка айланади. Гумбак даврида личинка органлари қайтадан ҳосил бўлади ва гумбакдан вояга етган қанотли ҳашарот чиқади. Лекин айрим ҳашаротларнинг личинкалик даври битта эмас, балки




137-расм. Тұлық метаморфоз билан ривожланадиган ҳашаротлар личинка-сининг хиллари.

А — дон визилдоқ құнғизи, Б — олтпікүз, В — дон құнғизи, Г — филтумшүк құнғиз, Д — қивини, Е — карам күяси, Ж — раис аракашиннің сохта құрти.

иккита ёки ундан күпроқ ҳам бўлиши мумкин. Бундай ривожланиш гиперметаморфоз, яни ортиқча метаморфоз дейилади. Масалан, малҳамчи құнғизларнинг тухумидан боши ва жағдари йирик бўлган жуда серҳаракат триунгулид личинкаси чиқади. Личинка чигирткаларнинг тупроқ ичидаги тухум хумчасини қидириб топиб, унинг ичига кириб олади ва у ерда иккинчи личинкалик даврига ўтади. Бу личинканың танасичувалчангисимон, оёқлари жуда калта бўлади. Личинка чигиртканнинг тухумлари билан озиқланади. Кейинчалик личинка хумчадан чиқиб, туллайди ва сохта ғумбакка айланади. Сохта ғумбак ҳаракатсиз, унинг оёқлариrudiment ҳолида бўлади. Келгуси йил баҳорида сохта ғумбакдан учинчи ҳақиқий личинка вояга етади. Кейинроқ бу личинка янги ҳақиқий ғумбакни ҳосил қиласади.

Ҳашаротларнинг ғумбаги тузилиши хусусиятларига кўра учта гурӯҳга бўлинидади (138-расм).

1. Эркин, ҳаракатчан очиқ ғумбаклар. Бундай ғумбакларда вояга етәётган ҳашаротнинг қанотлари ва оёқлари танасида очиқ жойлашган бўлиб, ташқи томондан яхши кўриниб туради. Бу гурӯҳга булоқчилар, пашшалар, сувда яшовчи тўр қанотлilar ва айрим құнғизларнинг ғумбаклари мисол бўлади. Бундай ғумбаклар бирмунча ҳаракатчан



138-расм. Ҳашаротлар гүмбаклари.


А — құнғизнинг очиқ (эркін) гүмбаги. Б — калалакнинг ёпиқ гүмбаги. В — пащшанинг яширип (бочкасімон) гүмбаги: 1 — антенна. 2 — оёқ, 3 — қанотлар бошланғичи, 4 — стигмалар.

бұлади. Масалан, пащшаларнинг сувдаги гүмбаги қорин томонини тез-тез әғиш билан сузіб юради.

2. Эркін, қысман ҳаракатчан ёпиқ гүмбакларда бошланғич қаноттар ва оёқтар махсус хитин билан қоғланған бўлиб, танага зич ёпишиб туради (калалаклар ва бошқа айрим ҳашаротлар). Бундай гүмбаклар танасини бироз қимирлатиши мумкин. Кўпчилик калалаклар гүмбаги махсус пила ичида ривожланади.

3. Ҳаракатчан бочкасімон ёки аниқ шаклга эга бўлмаган гүмбаклар (чивинлар).

Гүмбак даврида ҳашаротнинг кўпчилик тўқималари ва органлари (мускуллар, оғиз аппарати, овқат ҳазм қилиш, нерв системалари, ҳаракатланиш органлари ва бошқалар) тамоман қайта шаклланади. Бунинг учун личинкаларнинг тўқималари амёбасімон ҳужайралар, яъни фагоцитлар ёрдамида емирилиб бўтқасімон массага айланади. Вояга етаётган ҳашаротнинг органлари махсус имагинал диск (139-расм) деб аталағдан эмбрионал ҳужайралар ҳисобидан ҳосил бўлади. Имагинал диск ихтисослашмаган ҳужайралар тўпламида иборат бўлиб, ҳашаротларда личинкалик даврда ёки тананинг айрим қисмларида, хусусан келажакда янги органлар ҳосил бўладиган жойларда, масалан, юриш оёқлари асосида кўкракнинг қанотлар ҳосил бўладиган



139-расм. Чивин ичагидаги имагинал дисклар.

1 — орқа ичак учун ҳалқа диск, 2, 3 — ўрта ичак мускули ва эпителий бошланғичи учун имагинал диск, 4 — сўлак бэзи имагинал диски, 5 — олдинги ичак диски.


қисмида, ичакнинг сўлак безлари, олдинги ва кейинги қисми ҳосил бўладиган бўлимларида пайдо бўлади. Личинкалик тўқималар гистолизга учраши билан имагинал диск ҳужайралари тез кўпайиб аниқ бир йўналишда ихтисослаша бошлайди ва янги ҳақиқий органларни ҳосил қилиди. Ички органлардан асосан нерв системаси ва трахеялар кам ўзгаришга учрайди. Органлар қайта қурилиши билан фумбак ичидағи личинка яна бир марта туллайди, фумбак қобиги ёрилиб, ундан вояга етган ҳашарот чиқади.

Метаморфоз жараёни ҳашаротларнинг гормонал системаси томонидан бошқариб турилади. Личинка бош миясидаги нейросекретор ҳужайралар проторакал безлари ишини фаоллаштирувчи гормон ишлаб чиқади. Бу гормон нерв толалари орқали кардиал танага ўтиб, у ерда тўпланиши ёки проторакал безларга ёхуд гемолимфага чиқиши мумкин (140-расм). Активлашган проторакал бези маҳсус туллаш гормони — ёдизон ишлаб чиқара бошлайди. Экдизон кутикуланни емидраган фермент синтез бўлишини активлаштиради. Метаморфоз жараёнининг амалга оширилиши ёндош таналар ишлаб чиқарадиган ювенил гормони томонидан назорат қилиниб турилади. Гемолимфадаги гормоннинг миқдори кўп бўлганида, туллаш навбатдаги личинка даврининг ривожланиши билан тугалланади. Бу гормон кам ишлаб чиқарагилганида эса туллаш метаморфоз билан тугалланади. Натижада личинка фумбакка айланади. *Ювенил гормони* эса фумбакнинг вояга етган ҳашаротга айланышга сабаб бўлади.

Капалак қуртларида ёндош тана олиб ташланганида қуртнинг ривожланиш даврлари қисқариб, пакана капалак пайдо бўлади. Агар сўнгги ривожланиш давридаги капалак қуртига ёндош тана улаб кўйилганида личинкалик даври яна биттага кўпаяди. Метаморфоздан сўнг бундай қуртдан бирмунча йирик капалак чиқади. Ҳашаротнинг вояга етиши билан ювенил гормони ишлаб чиқариш ҳам кучаяди. Лекин бу даврда гормон

140-расм. Ҳашаротлар метаморфозининг гормонал назорат қилиниши.

1 — бош мия, 2 — нейросекретор ҳужайралар, 3 — кардиал тана, 4 — ёндош таначалар, 5 — проторакал безлар, 6 — гонада, 7 — кутикуланнинг туллаши, АГ — гормоннинг фаоллашуви, ЮГ — ювенил гормон, ЛГ — личинкали гормон.



жинсий безлар фаолиятини назорат эта бошлайди. Ҳашаротларда бундай безлар тананинг турли қисмида жойлашиши мумкин. Пашиша ва чивинларнинг кардиал ва ёндош таналари, шунингдек проторакал бези мия устида жойлашган ҳалقا бези комплекси таркибиға кирган бўлиб, юракнинг учки қисмини ўраб туради.

Личинкалик даври ҳар хил ҳашаротларда турлича давом этади. Чивинларнинг қурти бир неча кун, капалакларники 2-4 ҳафта, ниначиларнинг личинкаси бир йилга яқин (айрим турларида 2-3 йил), май кўнғизи қурти 4-5 йил давомида вояга етади. Айрим жизилдоқлар эса 17 йилгача яшashi маълум.

**Ҳашаротлар ҳаётида мавсумийлик.** Ҳашаротлар ҳаёт циклида айрим ривожланиш босқичлари йил фаслининг маълум бир даврига мос келади. Бу ҳодисага мавсумийлик цикли деб аталади. Мавсумийлик кўп жиҳатдан ҳашаротлар учун хос бўлган диапауза билан боғланган. Диапауза бу ўсиш ва ривожланишининг жуда секинлашуви билан боғлиқ бўлган чуқур физиологик тинчлик ҳолати бўлиб, ҳашаротларда ноқулай шароит таъсирига мослашувдан иборат. Диапауза ривожланиш циклининг тухум, личинкалик, гумбаклик ёки имаго даврида пайдо бўлиши мумкин. Бу даврда организмнинг ноқулай шароитга чидамлилиги кескин ошади.

Ҳашаротларнинг фаол ҳолатдан диапауза даврига ўтиши нейрогуморал системаси томонидан назорат қилинади. Нейросекретор ҳужайралар бошқарниб турадиган ички сектреция безлари гормони ҳашаротларнинг ривожланишини тұхтатиши ёки активлаштириши мумкин. Бу механизмни ишга туширувчи асосий омил кун узунлиги ҳисобланади. Куннинг қисқариши бошқа об-ҳаво шароитининг қулай бўлишига қарамасдан ҳашаротларга ноқулай шароит яқинлаша бошлаганидан далолат беради. Диапауза турнинг сақланиб қолишида жуда катта аҳамиятга эга. Қулай шароит туғилиши билан диапауза тамом бўлиб, ҳашаротларнинг ривожланиши давом этади. Масалан, кўпчилик капалаклар диапаузани гумбак даврида ўтказади, қурт даври эса озиқ мўл бўлган баҳор фаслига тўғри келади. Совуқ ҳаво, электр заряд, кислота ва бошқа омиллар таъсир этиш билан ҳашаротларни диапаузадан чиқариш мумкин.

**Метаморфознинг келиб чиқиши.** Кўриб чиқилган ривожланиш типлари орасида ҳозирги тубан тузилган ёпиқ жағлилар учун хос бўлган метаморфозсиз тўппа-тўғри ривожланиш бирламчи ҳисобланади. Олимларнинг фикрича ҳашаротлар қадимги кўпоёқлилардан келиб чиқкан бўлиб, метаморфозсиз ривожланган. Ҳозирги ҳашаротларда метаморфоз ривожланиш тупроқда ҳаёт кечирувчи, кам ҳаракат ва нисбатан тубан тузилган ёпиқ жағлилар кенжә синфи турларида сақланиб қолган. Кейинчалик яшаш муҳитининг кескин ўзгариши, хусусан ҳашаротларнинг тупроқ устига чиқиши, ўсимликларнинг яшил қисми билан озиқланишга ўтиши ва ниҳоят ҳаво муҳитини эгаллаши


туфайли уларнинг тана тузилиши ҳам мураккаблашиб борган. Янги пайдо бўлган ўзгаришлар кўпроқ вояга етган ҳашаротлар учун тегишли бўлган, уларнинг ёш даври эса яшаш мұхитининг нисбатан доимийлиги туфайли кам ўзгаришга учраган. Шу тариқа тухумдан чиққан ёш ҳашарот билан унинг вояга етган даврининг тузилиши ўртасида фарқ пайдо бўлган. Метаморфознинг бундан кейинги мураккаблашуви икки йўл билан борган. Бирмунча тубан тузилган очиқ жағлиларнинг личинкаси имаго каби очиқ фаол яшаётга ўтиган ва озиқланган. Эмбрионал ривожланиш даврининг узайиши натижасида тухумдан чиққан личинка вояга етган ҳашаротга тобора ўхшайдиган бўлган.

Пана жойларда ҳаёт кечирадиган личинкаларда эса тубан тузилиш белгилари (тана шаклинингчувалчангсимон бўлиши, бўғимларнинг гомономлиги, оёқларнинг оддий тузилиши ва бошқалар) сақланиб қолган. Личинкаларнинг бир хил мұхитда яширип ва кам ҳаракат, вояга етган ҳашаротларнинг эса бошқа хил мұхитда очиқ ва жуда актив ҳаёт кечира бошлаши билан уларнинг тузилишидаги фарқ ҳам тобора кучая борган. Натижада бир ривожланиш давридан иккинчисига ўтиши туллаш орқали бир меъёрда бориши мумкин бўлмай қолган. Чунки ривожланиш фақат туллаш орқали борганида личинканинг имагога ўтиш даври жуда узоқ давом этган бўларди. Бу борада ҳатто тубан тузилган кунликларнинг чала ўзгариш орқали ривожланишида ҳам 20 мартадан ортиқ туллаш бўлишини эслатиб ўтиш кифоя. Фумбак даврининг пайдо бўлиши организмнинг жуда тез ва тубдан ўзгариши, туллашлар сонининг кескин камайишига, бунинг натижасида ривожланиш даврининг қисқаришига имкон берди.

Шундай қилиб, тўла метаморфоз билан ривожланадиган ҳашаротлар личинкалик даврининг тузилиши ва ҳаёт кечириш хусусиятлари ривожланиш циклида фумбак даврининг бўлиши билан чала метаморфозли ҳашаротлардан кескин фарқ қиласади.

### ҲАШАРОТЛАР ҲАЁТИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротлар. Бир қанча ҳашаротлар минглаб индивидлардан иборат йирик жамоа (оила) ҳосил қилиб яшаш хусусиятига эга. Одатда жамоа тузилиши ва бажарадиган вазифалари билан бир-биридан фарқланадиган бир неча гурӯҳ индивидлардан ташкил топади. Жамоанинг келиб чиқиши шу жамоа ичida ижтимоий инстинктнинг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Ҳашаротлар жамоаси функционал жиҳатдан яхлит бўлғанлиги туфайли, ундаги ҳар қайси индивиднинг мустақил яшаб кетиши имконияти жуда чекланган. Шу сабабдан, баъзан ҳашаротлар оиласига “ўта организм” сифатида қаралади. Биргаликда яшаш эволюция давомида индивидлар орасида меҳнат тақсимотини юзага келтирган. Улардан бир гурӯҳи ин қуришга, бошқалари озиқ йигиш, учинчи гурӯҳлари насл тўғрисида



141-расм. Термитлар полиморфизми.

А — ишчи, Б — навкар, В — қанотли әрқак, Г — ёш урғочиси, Д — вояга етгап урғочи.

ғамхұрлик қилиш каби вазифаларни бажаришга ихтиослашған. Бундай кооперация туфайли тузилиши ҳамда бажарадиган вазифалари билан бир-бираидан фарқ қыладыған индивидлардан таркиб топған жамоа бұлып яшовчы ҳашаротлар *полиморфизм* іюзага келған (141-расм). Күпчилік ҳашаротлар жамоаси бир неча табақа-касталардан ташкил топади. Термитлар ва чумолилар оиласыда нормал ривожланған урғочи ва әрқак ҳашаротлар билан бирга күп миқдорда ишчи индивидлари ҳам бұлади. Ишчиларнинг сони бөшқа жинсий индивидлар сонидан бир неча іоз баравар күпроқ бұлади. Ишчилар оиласыда инни кенгайтириш, озиқ йиғиш, личинкани парваришлиш ва боқищ билан боғлиқ бұлған барча юмушларни бажаради. Айрим қолларда табақаланиш янада чуқурлашиб бориб, кучли жағларға зәр атқарып күнде күнде индивидларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Оиладаги турли табақага мансуб индивидлар бир-бираидан тузилиши ва инстинкті билан фарқ қылади. Ишчи ва қўриқчи ҳашаротлар одатда вояга етмаган пуштисиз индивидлардан иборат.

Эволюция жараёнида жамоадаги индивидлар анча мукаммал информация алмашинуў хусусиятига зәр атқарып келеди. Масалан, асаларилар турли ликиллатиши ҳаракатлари (рақс) орқали нектар йиғиладиган жойнинг йўналиши ва масофасини билдириши мумкин. Арининг юқорига ҳаракати қуёшга томон йўналишига мос келади. Ҳаракат орқали информация алмашиниши бөшқа бир қанча ҳашаротлар учун ҳам хос бўлған хусусиятдир.

Жамоа бўлип яшовчы ҳашаротларда насли тўғрисида ғамхұрлик ҳам

анча хилма-хил ва мураккабдир. Ҳашаротлар личинкаларини фақат озиқ билан таъминлаб қолмасдан балки уларни озиқлантиради ва қўриқ-лайди. Бу ҳодиса чумолиларда айниқса яққол кўзга ташланади. Ишчи чумолилар личинкаларни доимо иннинг бир камерасидан шароити бир мунча қулай бўлган бошқа камераларга кўчириб туради. Ишчи чумолиларнинг бундай ҳаракатларини бошқа ҳоллардаги каби туғма инстинкт бошқаради. Ишчи чумолиларни личинкалар ажратиб чиқара-диган маҳсус ҳидли моддалар бошқариб туради. Оптимал шароитда бу моддалар кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Шароит ёмонлашуви билан бу моддаларнинг кам ишлаб чиқарилиши ишчи чумолилар учун личинкаларни бошқа жойга кўчиришга сигнал бўлиб хизмат қиласди. Натижада улар ҳаракатсиз личинкаларни бошқа камераларга кўчира бошлишади.

Ҳашаротлар жамоасининг озиқланишида нектар, гул чанги йиғиш, бошқа ҳайвонларни овлаш билан бир қаторда маҳсус “хўжа-лик юритиши” ҳам катта аҳамиятга эга. Худди шу мақсадда термитлар ўз уясида замбуруғ ўстириш билан шуғулланади. Улар замбуруғ гифининг учидан узиб олиб таътил қилиб туришади. Ургочи термит янги колонияга асос солар экан замбуруғ мицелийсининг бир қисмини узиб, ичагининг олдинги қисмидаги маҳсус халтачага солади ва янги инига келтириб ўстиради.

Чумолилар билан шира битлари ўртасидаги ўзаро симбиотик муно-сабатлар, индивидларнинг бир-бирини озиқлантариши ва жамоадаги бошқа мураккаб ҳатти-ҳаракатлар узоқ давом этиб келаётган эволю-циянинг натижасидир.




142-расм. Ҳашаротларнинг ниқобланиши.

А — одимчи капалак қуртининг майда шохчага ўхшашлиги. Б — цейлон барг-симон чўпчиси.

**Ҳимоя ранги ва мимиқрия.** Ҳашаротлар танасининг ранги ва шакли хилма-хил бўлиб, кўпинча атроф муҳит рангига, баъзан нарсаларнинг шаклига жуда ўхшаш бўлади. Бу ўхшашлик уларга душманларидан қутублиб қолиш ёки ўз ўлжасини сездирмасдан қўлга тушириш имконини беради. *Одимловчи капалак* (*Sabera pusaria*) қурти ҳавф туғилганида орқа оёқлари билан шохга ёпишиб, танасининг олдинги томонини қўтариб, қимирламасдан қотиб туриши дараҳт бутогини эслатади (142-расм). Қурт шу алпозда қимир этмасдан бир соатдан ортиқроқ туриши мумкин. Жанубий Америкада тарқалган бир қўнғизчанинг қўриниши ҳайвонлар экспериментини эслатади.

Ҳашаротларнинг ҳимоя ранги табиатда узоқ давом этган табиий танланиш натижасида пайдо бўлган фойдали мослашувдан иборат. Бундай мослашув туфайли ҳеч қандай ҳимоя воситасига эга бўлмаган ҳашаротлар ўз душманларидан сақланиш имконига эга бўлади.

Ҳашаротларнинг огоҳлантирувчи ранги ҳам ҳимоя рангининг ўзига хос бир шакли ҳисобланади. Одатда бирон-бир ишончли ҳимоя воситасига эга бўлган, масалан заҳарли найзаси (арилар), заҳарли ёки бадбўй ҳидли бези (капалакларнинг қурти) ёки қони заҳарли бўлган ҳашаротлар (малҳамчи, хон қизи ва бошқалар) кўзга тез ташланадиган рангда бўлади. Уларнинг ранги “менга тегма” маъноси ни англатиб туради. Табиатда ҳеч қандай ҳимоя воситасига эга бўлмаган ҳашаротларнинг ана шундай воситага эга бўлган ҳашаротларга тақлид қилиши — мимиқрия ҳодисаси кўп учрайди. Бу жиҳатдан, айниқса капалаклар ва пашшаларнинг заҳарли найзаси бўлган ариларга тақлид қилиши кенг тарқалган. Масалан, кўпчилик *жилдира-ма пашшалар* (*Sygridae*) қўриниши ва ранги билан асаларилар, сариқ арилар ёки тукли ариларга жуда ўхшаб кетади. Мимиқрия хусусияти капалаклар орасида ҳам кенг тарқалган (143-расм).



143-расм. Ҳашаротларнинг тақлид қилиши.

А — қовоқари, Б — қовоқарига тақлид қиласидиган капалак.

## ҲАШАРОТЛАРНИНГ ТАБИАТ ВА ИНСОН ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳашаротларнинг табиатдаги аҳамияти. Табиатда фақат заарарли ёки фақат фойдали организмлар бўлмайди. Ҳайвонларнинг фойдали ёки заарарли эканлиги тўғрисида сўз юритилганда кишилар уларнинг ҳаёт фаолияти тўғрисида ўз манфаатлари юзасидан субъектив хулоса чиқаришади. Жуда хилма-хил ва кўп сонли бўлиши туфайли ҳашаротлар табиатда содир бўлиб турадиган моддалар алмашинувшида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Улар гулли ўсимликларни чанглатиб, ҳосилни оширади. Европа мамлақатларида ўсадиган гулли ўсимликларнинг 30 фоизга яқини тропик ўлкаларда, ярмидан кўпроғи ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Пардақанотлилар асосий чанглатувчи ҳашаротлардир. Чангланишда иккӣ қанотлилар, капалаклар, қисман қўнғизлар ҳам иштирок этади. Айрим ўсимликлар, масалан, гречиха, кунгабоқар каби ўсимликлар фақат ҳашаротлар билан чангланади. Ҳашаротлар ёрдамида чангланадиган ўсимликлар энтомофилл дейилади. Энтомофилл ўсимликлар ҳашаротлар чанглатмаса мутглақо уруғ ҳосил қўлмайди. Эволюция жараёнида ҳашаротлар билан гулли ўсимликлар ўртасида ўзига хос мосланишлар пайдо бўлган. Хусусан ҳашаротларнинг сўрувчи хартуми гулдан нектар йиғишга, ҳидни сезиши ва рангларни ажратса билиш қобилияти эса нектар берувчи гулларни осон топишга ёрдам беради. Гулли ўсимликлар гулининг тузилиши, ранги, ҳиди ва нектар ишлаб чиқариши ҳашаротларни жалб қилишга мосланиш белгисидир. Гулли ўсимликлар (ёпиқ уруғлилар) ва чанглатувчи ҳашаротларни эволюцияси ўзаро чамбарчас бөглиқ эканлиги кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган.

Ҳашаротлар табиатда моддалар айланиши жараёнида ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳашаротлар ҳар хил озиқланниш занжири таркибига киради. Улар бир қанча ҳайвонларнинг асосий озиги ҳисобланади. Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар ва бўғимоёқларнинг бир қанча турлари ҳашаротлар билан озиқланади.

Ҳашаротлар тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўсимлик қолдиқлари билан озиқланадиган ҳашаротлар тупроқни органик моддалар билан бойитади. Термитлар, чумолилар ва бошқа бир қанча ҳашаротлар ин қазиб тупроқни юмшатади ва ғовак қиласиди; унинг ҳаво ва сув ўтказиш хусусиятини яхшилади; тупроқни чиринди моддалар билан бойитиб, емирилишдан сақлайди. Ўсимлик қолдиқлари, айниқса нина барглилар ҳазонининг чиришида ҳашаротларнинг аҳамияти катта. Ҳашаротлар учун қулай шароит бўлмаган ботқоқ тупроқларда ўсимлик қолдиқлари парчаланмасдан торф ҳосил қиласиди.

Ҳашаротлар орасида ҳайвонларнинг мурдалари билан озиқланувчи некрофаглар (ўлаксахўрлар) ва гўнгхўр капрофаглар табиий санитар-

лар вазифасини бажаради. Гүнгүр ҳашаротлар ҳайвонларнинг гүнтини парчалаб, унинг чиришига ва тупроқ ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Ҳашаротларнинг инсон фаолиятидаги аҳамияти. Ҳашаротлардан олийнадиган маҳсулотлар инсон учун озиқ ва кийим-кечак, фармацевтика ва бўёғчилик саноати учун зарур хомашё бўлиб ҳисобланади. Озиқ-овқат ва ишак олиш мақсадида кишилар асалари ва тут ишак қуртини қадимдан қўлга ўргатишган. Ҳозир асаларичилик ва пиллачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади.

Ҳашаротлардан олийнадиган маҳсулотлар фармацевтика ва саноатида, турли дори-дармонлар ва бўёғлар олиш мақсадида ҳам фойдаланилади. Асалари заҳари ва шпанка чивинидан олийнадиган кантаридин моддасидан дори-дармонлар тайёрланади. Кокциллар, хусусан, мексика кошенилидан кармин бўёғи, ёнғоқясарлардан танин, айрим червелардан эса лак ва мум тайёрлашда фойдаланилади.


Қишлоқ хўжалиги экинлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари зааркунандалари. Ҳашаротлар орасида тирик ўсимлик тўқималари билан озиқланувчи турлари кўпчиликни ташкил қиласди. Улардан бир қанча турлари қулагай шароитда тез кўпайиб кетиб, қишлоқ хўжалик экинларига ва боғларга катта зиён етказади. Ҳашаротлар ўсимликларнинг турли органларига зиён келтириши мумкин. Улардан бир хиллари ўсимлик ёки уларнинг органларини кемириб ёки уларни тешиб заар келтирса, бошқалари эса ўсимлик тўқималари ичига кириб олиб, ҳар хил бўртмалар ҳосил қиласди. Ҳашаротлар ишлаб чиқарадиган секретлар таъсирида пайдо бўладиган бундай бўртмалар ўсимликларнинг илдизи, мева-си, барги ва бошқа органларида учратиш мумкин. Ҳашаротлар таъсирида ўсимликлар бошқа касалликларга чидамсиз бўлиб қолади, ҳосилдорлиги камайиб кетади ва кўпинча қуриб қолади.

Ҳашаротларни вақти-вақти билан тез кўпайиб кетиши қишлоқ хўжалиги экинлари учун айниқса катта хавф туғдиради. Чигирткалар, шира битлари, кўнгизлар, қандалалар, капалаклар ва бошқа ҳашаротларнинг баъзи турлари айрим йиллари жуда тез кўпайиб кетиш хусусиятига эга. Ҳашаротларнинг бундай кўпайишига одатда одамларнинг ўзлари сабабчи бўлади. Бир хил экинни ҳар йили бир майдонга экшавериши ўша ўсимлик билан озиқланадиган ҳашаротларнинг тез кўпайиши учун қулагай шароит туғдиради. Заҳарли моддалар муттасил қўлланилганида зааркунандалар билан бирга уларнинг кушандаси бўлган йиртқич ҳашаротлар ва қушлар ҳам қирилиб кетади. Зааркунандаларнинг заҳар таъсирига чидамлилиги эса аста-секин ошиб боради. Оқибатда зааркунандаларнинг тез кўпайиб кетишига ҳеч нарса тўскинлик қилолмайди.

Ҳашаротлар орасида озиқ-овқат маҳсулотлари, мўйна ва жун кийим-кечакларга зиён келтирувчи турлари ҳам кўп учрайди. Бунга мисол қилиб куя капалаклари қуртларини, омбор узунтумшуқ кўнгизлари ва бошқа бир қанча ҳашаротларни кўрсатиш мумкин.


Зааркунанда ҳашаротлар эҳтиёт чоралари күрилмаганида Ер шарининг бошқа, илгари бу ҳашаротлар бўлмаган районларига тарқалиши ва уларнинг кушандалари бўлмагани туфайли тез кўпайиб кетиши мумкин. Европадан Америка қитъасига тоқ ипак қуртининг тарқалиши ва аксинча Америкадан Европа ва бошқа қитъаларга колорадо кўнғизларининг тарқалиши бунга яққол мисол бўлади.

Одам ва ҳайвонларда паразитлик қиливчи ҳамда қасаллик тарқатувчи ҳашаротлар. Ҳашаротлар орасида бургалар, битлар, кўпчилик икки қанотлилар (чивинлар, исказтопарлар, пашшалар) (144-расм) ва айрим қандалалар қон сўриб, одам ва ҳайвонларни безовта қиласди, ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини кескин камайиб кетишига сабаб бўлади. Икки қанотлилар туркумига мансуб бўлган ҳашаротлар айниқса кенг тарқалган бўлиб, улар гнус деб аталади. Ҳамма гнуслар эктопаразитлар (ташқи паразитлар) ҳисобланади.



144-расм. Исказтопар (*Phlebotomus*).

А — вояга етган эркак ва урғочи исказтопарлар. Б — қурт. В — қутр.



145-расм. Яйдоқчилар.

А — қоншира битига тухум құяғттан афслинус *Aphelinus mali*. Б — капалак тухуми үстидаги трихограмма *Trichogramma evanescens*. В — пүстлоқ остидаги шоҳдум құртига тухум құяғттан талисса *Thalessa lunularis*.

Ҳашаротлар орасида бўқалар (иккиқанотлилар туркуми) эндопаразит (ички паразит) ҳисобланади. Уларнинг личинкалари уй ҳайвонларининг териси остида, нафас олиш йўлларида ва ошқозонида паразитлик қиласади. Бўқалар уй ҳайвонларига (қорамоллар, қўйлар, эч-килар, отлар) катта зиён етказади. Эндопаразитлар орасида турли зараркунанда ҳашаротларнинг тухумлари ва қуртлари ичиди паразитлик қиласидан яйдоқчиларнинг личинкалари фойдали ҳисобланади (145-расм). Улардан қишлоқ ҳўжалик зараркунанда ҳашаротларига қарши биологик усуlda курашда фойдаланилади.

Паразит ҳашаротлар касаллик тарқатувчилар сифатида айниқса катта зиён етказади. Улардан бир гурӯҳи (чивинлар, мошкарлар, исқабтопарлар, қонсўрувчи пашшалар) касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни оғиз органлари орқали юқтираса, бошқалари (битлар, бургалар, пашшалар) сўлак, ахлати ёки бошқа ифлосликлар орқали юқтиради. Безгак чивинлари одамларга безгак паразитини қон сўраётганида юқтиради. Тошмали терлама касали қўзғатувчиси битларнинг ахлати билан одам терисига тушиб қолади ва кейин жароҳатланган тери орқали қонга ўтади. Пашшалар бактериялар ва гельминтларнинг тухумларини оёқлари, хартуми ёки ичагидан чиқадиган ахлати орқали юқтиради.

Зараркунанда ва паразит ҳашаротларга қарши кураш. Ҳашаротларга қарши кураш чоралари уларнинг биологиясини ўрганиш асосида олиб борилади. Масалан, безгак пашшасининг ривожланиши,

тәріқалиши ва қишлош жойини яхши үрганиш унга қарши мұваффақиятли курашиш имконини берди. Ҳар хил зааркунанда ҳашароттарға қарши түрліча кураш олиб борилади. Мавжуд кураш чоралари профилактика, агротехник, механик, кимёвий ва биологик тәдбиrlарға тәжрибесінде.


1. Профилактика ва агротехника тәдбиrlары зааркунанда ҳашароттарнинг тәріқалиши ва тез күпайишига имкон бермайдыган чоралар тәдбиrlарни үз ичига олади. Бунинг учун дағында да ғарнанда өзіңдердің күнгизлери, ривожланиши ва қишлош мүмкін болған бегона үтлар, үсімлик қолдикларидан тозалаш, экинларни юқори агротехника тәдбиrlары асосында парварылғанда қишил, алмашлаб екишни жорий этиш ва зааркунандаларга чыдамлап болған үсімлик навларини үстириш каби бир қанча ишларни амалға ошириш зарур. Парасит ҳашароттарға қарши курашда эса мұхым чоралардан бири шахсий гигиенага амал қилиш ва уй-жойларни тоза тутищады.

2. Механик тәдбиrlар ҳашароттарни териб йүқотищдан иборат. Масалан, тоқ ишак күрті, қалқалы ишак күрті ва карам капалаги тухум сөкі құрт даврида, зааркунанда қүнгизлар эса имаго (вояға етган) даврида ийғиб олиб йүқотилади. Чигирткаларнинг қанотсыз даврига қарши курашда эса уларнинг йұлиға соң қазиб йүқотиши яхши самара беради.

3. Кимёвий тәдбиrlар ҳашароттарни зақарлы кимёвий моддалар — инсектицидлар ёрдамида қириб ташлашдан иборат. Күпчилик кимёвий препараттар одам ва чорва молларынан қам заарарлы таъсир этади. Бундан ташқары улар ишлатылғанда зааркунанда ҳашароттар билан биргә фойдалы ҳашароттар қам күплаб қирилиб кетади. Шунинг учун қам зақарлы моддалар ҳамма ежелгі чоралари қысеба олинған қолда, чекланған миқдорда ва фақат зарурат туғилғанда қўлланилади.

4. Биологик кураш усули зааркунанда ҳашароттарға қарши уларнинг күшандаларини (қүшлар, сутемизувчилар, сувда ҳам қуруқликда яшовчилар) жалб қилиш, йиртқич ва паразит ҳашароттар, касаллик туғдирувчи микроорганизмлар, шунингдек, зааркунанда ҳашароттарни жалб қыладынан ҳидли моддалар (феромонлар)ни қўллашдан иборат. Ҳашаротхўр ҳайвонлардан самарарадор фойдаланиш усуллари бу ҳайвонларни ҳимоя қилиши ва улар ҳаётін үтүн қулай шароит яратишдан иборат.

Үсімликларнинг хавфли зааркунандаларига қарши курашда айниқса йиртқич ва паразит ҳашаротлардан (146-расм) фойдаланиш катта ахамиятта зертте. Мамлакатимизда йиртқич ҳашаротлардан етти нұқтада хон қизи қүнгизи ва тиллакүз пашшасидан шира битларига қарши курашда самарали фойдаланилмоқда. Биологик кураш усулида паразит ҳашаротлардан фойдаланиш айниқса яхши самара беради. Бу мақсадда яйдоқчилардан трихограмма, афелинус, габрабракон, хальцидлар ва таҳин пашшасидан фойдаланилади. Яйдоқчилар тухумларини түрли зааркунанда капалакларнинг тухумлари, личинкалари ва гүмбакларига,



146-расм. Фойдали ҳашаротлар.

А — гул чивини *Syrtphis* sp. (чапда) ва унинг қурти (барг устида); Б — олтинкүз *Chrysopa perla* (чапда) ва унинг қурти (барг устида); В, Г — сассиқ сулув құнғызы *Calosoma sycophanta* (чапда) ва унинг қурти (ұнғда); Д — етти нұқтали хон қизи *Coccinella semtempunctata* ва унинг қурғы; Е — қоратанли құнғызы *Blaps* sp.; Ж — Страфилин (Staphylinidae).

тәхин пашиаси эса капалак құртларига құяды. Заарқунаңдаларга қарши курашиб учун яйдоқчилар (трихограмма, габрабракон) махсус пілбораторияларда құпайтирилиб, екин экилған майдонларға тарқатылады. Ҳозир тиіллакұз пашиаси ва етти нүқталы хон қизи құнғизини ҳам лаборатория шароитида құпайтириш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Биологик курашда айрим ҳашаротлар (яйдоқчилар, овчи арилар, йиірткіч ҳашаротлар) заарқунаңдалар кеңг тарқалған ҳудудларға бошқа жойлардан олиб келинади. Бунга мисол қилиб олма дараҳити иллизининг хавфли заарқунаңдаси — қон бити (*Eriosoma lanigerum*) га қарши Америка қытъасидан Европага келтирилған афелинус *Aphelinus malii* яйдоқчисини, цитрус үсимликлари заарқунаңдаси ішерия (*Iscaria purchasi*) га қарши тұғмача құнғизлардан родолияни келтирилғанини күрсатиш мүмкін. Афелинус ва родолия баъзи мамлакатлар иқлимиға мослаشتырылған.

Кейинги йилларда заарқунаңда ҳашаротларнинг эркагини урғочисининг жинсий гормонлари — феромонлари ёрдамида жалб құлиштүйли билан ішкөтиш ишлари айниқса кең құламда олиб борилмоқда. Феромонлар тунлам капалаклари (масалан, ғұза, олма тунламлари) га қарши курашда айниқса самаралидір. Қишлоқ хұжалиғи заарқунаңдаларига қарши курашнинг микробиологик ва генетик усуулари ҳам құлланилади.


### 17.2.3. ҲАШАРОТЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Ҳашаротлар систематикасида оғиз органлари ва қанотларининг тузылиши асосий үрин тутади. Ҳашаротлар яшириң жағлилар ва очиқ жағлилар деб аталаған иккі кенжә синфға ҳамда 30 дан ортиқ туркумларға ажратылади.

#### 17.2.3.1. ЯШИРИН ЖАҒЛИЛАР (ENTOGNATA) КЕҢЖА СИНФИ

Бу кенжә синфға анча майда ва содда тузилған ҳашаротлар киради. Улар тупроқда, ҳашаклар орасыда, дараҳит түнкалары ва тошлар остида, шунингдек бошқа сернам ва қуёш түшмайдыған жойларда ҳаёт кечиради. Кенжә синфға мүйловсизлар (*Protura*), оёқдұмлайлар (*Collembola*), иккі дұмлайлар, яғни айридумлайлар (*Diplura*) туркумлары киради (147-расм).

Яшириң жағлиларнинг кемириувчи ёки сүрүвчи оғиз органлари махсус капсула ичига яширинган, сиртдан фақат уларнинг учкى қысмі күриниб туради. Қорин бүліми 10-11 тағача бүғимлардан иборат, қорин оёқлариrudiment ҳолида бүләди ёки сакровчи айрига айланған. Күзлари бүлмайды ёки фақат оддий күзлари бүләди. Құпчилик турларыда трахеялары бүлмайды. Улар тана сирти орқали нафас олади.



147-расм. Тубан ҳашаротлар.

А — мүйловсизлар (протура). Б — оёқдумли сминтур. В — күшдүм кампода. Г — қылдум.

Яшириң жағлиларнинг трахеялари жуда күчсиз ривожланган. Қанотлари бүлмайды, метаморфозсиз ривожланади. Мүйловсизлар туркуми вакиллари эса анаморфоз орқали ривожланади.

Яшириң жағлилар үсимлик қолдиқлари ва тупроқ микрофлораси билан озиқланиши туфайли тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида фаол иштирок этади. Оёқдумлиларнинг айрим вакиллари ўтлоқ үсимликларда ҳамда сабзавот экинларига зиён келтиради.

### 17.2.3.2. ОЧИҚ ЖАҒЛИЛАР, ЯЬНИ ҲАҚИҚИЙ ҲАШАРОТЛАР (ESTOGNATA) КЕҢЖА СИНФИ

Бу туркумга мансуб бўлган ҳашаротларнинг оғиз органлари бошининг юзасида оғиз тешигининг атрофида жойлашган, кўзлари фасеткали, трахея системаси яхши ривожланган. Очиқ жағлилар орасида фақат қылдумлилар туркумининг вакиллари бирламчи қанотсиз ҳашаротлар ҳисобланади.

Очиқжаглилар бирламчи қанотсиз ҳашаротлар (*Apterygota*) ва қанотли ҳашаротлар (*Pterygota*) бўлимларига ажратилади. Бирламчи қанотсизлар бўлими фақат қылдумлилар туркумидан иборат. Қанотли ҳашаротлар бўлими ҳам ўз навбатида қанотининг тузилишига бинаон қадимги қанотлилар ва янги қанотлиларга; ривожланишига биноан чала метаморфоз билан ривожланадиган ва тўлиқ метаморфоз билан ривожланадиган ҳашаротларга ажратилади.

## A. БИРЛАМЧИ ҚАНОТСИЗ ҲАШАРОТЛАР (APTERYGOTA) БҮЛİMİ

### ҚИЛДУМЛИЛАР (THYSANURA) ТУРКУМИ

Қилдумлилар чүзиқ танасининг узунлиги 8-20 мм бўлиб, тангачалар билан қопланган. Қорин бўлими ўнта бўғимдан иборат. Қорин сёҳлариrudimentti сақланиб қолган (147-расм). Қорин бўлимининг кейинги томонида учта кўп бўғимли дум ўсимтаси бор. Оғиз органлари кемирувчи типда тузишган, оддий ва фасеткали кўзлари бор. Чала ўзгариш орқали ривожланади. Қилдумлилар жуда ҳаракатчан ҳашаротлар. Улар тошлар ва барглар остида, ўсимлик қолдиқлари орасида ҳамда тупроқдаги ёриқларда ва ҳатто хонадонларда ҳам учрайди. Ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. 400 га яқин тури маълум. Қанд тангачалиси (*Lepisma saccharina*) ва *maxillaris* (*Machilis*) уруғи турлари кенг тарқалган.

### B. ҚАНОТЛИ ҲАШАРОТЛАР (PTERYGOTA) БҮЛİMİ


#### Б. 1. ЧАЛА ЎЗГАРИШ БИЛАН РИВОЖЛАНАДИГАН ҲАШАРОТЛАР (НЕМІМЕТАВОЛА) КЕНЖА БҮЛİMİ

##### ҚАДИМГИ ҚАНОТЛИ ҲАШАРОТЛАР ГУРУХИ

Бу гурӯҳга мансуб ҳашаротларнинг қанотлари доимо ёйилиб турди, қўнгандан қанотларини йифиб ололмайди. Улар энг қадимги ҳашаротлар бўлиб, кунликлар ва ниначиларни ўз ичига олади.

### КУНЛИКЛАР (EPHEMEROPTERA) ТУРКУМИ

Кунликлар узунлиги 10-15 мм келадиган қадимги қанотли ҳашаротлар. Орқа қанотлари олдингисига нисбатан жуда қисқа ёки умуман ривожланмаган. Қорин бўлимининг учки қисмидаги кўп бўғимли учта узун




148-расм. Кунликлар.  
А — личинка. Б — субимагони туллаб имагога айланиши.

ўсимталари (2-церки ва 1-парацерки) бўлади (148-расм). Имагосининг оғиз органи редукцияга учраган бўлиб, озиқланмайди, ичаги эса ҳаво билан тўлган. Имаго даврида 2-3 соат, баъзан бир неча кун яшайди. Сувга тухум қўйгач ҳалок бўлади. Личинкалари 1-3 йил умр кўради. Кунликларнинг оғиз органлари кемирувчи бўлиб, ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. Личинкаси танасининг иккى ёнида трахея жабралари бўлади. Личинкалар жуда кўп (25 мартағача) туллаб, қанотли субимаго даврига айланади ва сувдан учиб чиқади. Субимаго бир неча минут ўтгандан сўнг яна туллаб, ҳақиқий имаго даврига айланади. Кунликларнинг личинкалари сув ҳайвонлари учун озиқ бўлади. 1600 га яқин тури маълум. Оддий кунлик *Ephemera vulgata* кенг тарқалган.

### БАҲОРИЛАР (PLECOPTERA) ТУРКУМИ

2. Танаси чўзиқ, мўйловлари кўп бўғимли. Вояга етган ҳашаротларнинг оғиз органлари яхши ривожланмаган. Бир жуфт фасеткали кўзлари ва учта оддий кўзчалари бўлади. Қанотлари пардасимон. Қорни нинг учидаги кўп бўғимли ипсисимон церкилари бўлади (149-расм). Баҳорилар вояга етган даврида озиқланмайди, бир неча кун яшайди. Ургочиси тухумини тоза сувга қўяди. Личинкаси сувдаги тошлар остида қишлиб, 1-3 йил яшайди, бир неча (20-30) мартағача пўст ташлаб вояга етади. Личинкалар трахея-жабралар ёрдамида сувдаги кислород билан нафас олади, сув ўтлари ва майда ҳайвонлар билан озиқланади.

Баҳориларнинг 2000 га яқин тури маълум. Улар балиқларнинг асо-



149-расм. Баҳорилар.

А — вояга етган ҳашарот. Б — личинка.


сий озиғи ҳисобланади. Ўзбекистоннинг тез оқадиган дарёлари ирмоқтарида *Perla* авлоди турқалган.

### НИНАЧИЛАР (ODONATA) ТУРКУМИ

Анча йирик қадимги ҳашаротлар. Иккала жуфт қанотлари ҳам бир хилда пардасимон тузилган. Мўйловлари калта, кўзлари жуда йирик бўлади. Оғиз органлари кемирувчи типда тузилган. Қорин бўлими ингичка ва узун бўлади. Личинкаси сувда ривожланади. Личинканинг шастки лаблари ўзгариб қисқичли ниқоб ҳосил қиласди (150-расм). Бу ниқоб ўлжасини тутишга ёрдам беради.

Ниначилар ва уларнинг личинкалари йиртқич ҳаёт кечиради. Вояга стган ниначилар ўлжасини ҳавода панжалари ёрдамида тутиб олади. Улар сой ва дарёларнинг бўйларида кўп учрайди. Ниначилар фойдали ҳайвонлар. Турли ҳашаротлар, жумладан чивинлар, пашибалар, оқ қанотлилар ва бошқаларни тутиб ейди. Личинкалари майда сув ҳайвонлари — чивинлар, кунликлар ва бошқа ниначилар личинкаси ҳамда балиқ чавоқлари билан озиқданади. Лекин ниначиларнинг ўзи ҳам балиқлар учун озиқ ҳисобланади.

Ниначиларнинг 4500 га яқин тури маълум. Асосан иссиқ минтақаларда тарқалган. Ўрта Осиённинг тоф ва тоғолди зонасида йирик ҳалқали кордулегастер (*Cordulegaster annulatus*), адирлардаги



150-расм. Шайн ниначи.

А — имаго. Б — личинка. В — личинканинг ниқобли боши.



дарё воҳаларида мовий шайин ниначилар (*Aeschna*), ўқ ниначилар (*Coenagrion*), люткалар (*Lestes*), сулув ниначилар (*Calopteryx*) ва бошқа 50 дан ортиқ тур учрайди.

## Б. 2. ЯНГИ ҚАНОТЛИ ҲАШАРОТЛАР ГУРУХИ

### ТҮҒРИҚАНОТЛИЛАР (ORTHOPTERA) ТУРКУМИ


Олдинги қанотлари терига ўхшаш қалинлашган, узун энсиз ва түғри бўлади. Орқа қанотлари эса кенг елтигичга ўхшаб устқанотларнинг остига тахланиб туради. Оғиз органлари кемирувчи, орқа сёғлари сакровчи тиңда тузилган. Кўтчиллик турларида овоз чиқариш ва эшитиш органлари ривожланган. Бу туркумга 20000 дан ортиқ тур киради.

Тўғриқанотлилар очиқ майдонларда яшайдиган ўтхўр ҳашаротлар



151-расм. Осиё чигирткаси.

А — имаго (тухум юйётган ургочиси ва эркаги). Б — личинка. В — хумчалари.




152-расм. Бузоқбоши (*Gryllotalpa gryllotalpa*).

Бұлганидан қуруқ икімділі дашт ва өзін зоналарда күп учрайди. Тұхумларини түп-түп қилип тупроққа маҳсус құзача ичига құяды (151-расм). Тұғриқанотлилар жуда очқұз, ҳамма нарсаны еяверадиган ҳашаротлар. Айрим турлари, масалан, осиё чигирткасы *Lacusta migratoria*, саҳро чигирткасы *Schistocerca gregaria* ва бошқалар жуда катта гала ҳосил қилиш хусусиятига эга. Бундай гала миграция даврида йүлидаги учраган ҳамма үсімліктарни еб битиради. Чигирткалар галаси баъзи йиллари Эрон ва Афғонистондан Марказий Осиё республикаларига учеб үтади. Тұғриқанотлилар туркумига чигирткалар билан биргә *төмірчаклар, чирилдоқлар* ва *бузоқбошлар* киради (152-расм).

#### СУВАРАКЛАР (BLATTOIDEA) ТУРКУМИ

Суваракларнинг танаси ясси, уст қанотлари дағалроқ, нозик орқа қанотлари тахланыб туради. Урғочи суваракларнинг қанотлари эркакларига нисбатан калтароқ ёки умуман ривожланмаган. Кўпчилик тур-



153-расм. Сувараклар.

А — сарық суварак *Blattella germanica*. Б — қора суварак *Blatta orientalis*.

лари учолмайди, лекин тез югуради. Оғиз органлари кемирувчи типда тузилган бўлиб, ҳамма озиқни еяверади.

Суваракларнинг 4000 дан ортиқ тури маълум. Марказий Осиёда 22 тури тарқалган. Табиатда тошлар ва ҳашаклар остида, баъзан тупроқда учрайди. Синантроп турлари қора *суварак* *Blatta orientalis*, сарик *суварак* *Blattella germanica* (153-расм) ва бошқалар хонадонларда яшайди; нон увоқдари, сабзавот, шакар, ёғ ва турли озиқ-овқат қолдиқлари билан озиқланади. Улар озиқ-овқатларни ифлослантириши ва айрим касаллик (ичбуруғ таёғчаси, паразит чувалчанглар тухуми)ни тарқатиб одам соғлигига зиён етказади.

### ЧАЛА ҚАТТИҚҚАНОТЛИЛАР ЯЪНИ ҚАНДАЛАЛАР (НЕМІРТЕРА) ТУРКУМИ


Қандалалар уст қанотларининг кўкракка туташган қисми хитинлашганлигидан уларга чала қаттиқ қанотлилар номи берилган. Оғиз органлари суюқ озиқни сўриб олишга мослашган санчиб-сўрувчи типда тузилган. Бу туркумга биологик томондан хилма-хил бўлган 40000 га яқин турлар киради (155-расм). Кўпчилик турлари тупроқ, ўрмон тўшал масида ва яшил ўсимликларда учрайди. Айрим турлари чучук сувда яшайди (*сув чаёни* — *Nera*, *сув хўтиччалари* — *Notonecta*). Улар орасида умуртқали ҳайвонлар ва одам қонини сўрувчи турлари ҳам бор (*тўшак қандаласи* *Cimex lectularius*). Лекин кўпчилик турлари яшил ўсимликлар шираси билан озиқланади. Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалган *хасва* (*Euryaster integriceps*) фалласимонларнинг барги ва донини сўриб, катта зиён келтиради. Қандалалар орасида *йиртқичлар* (*Reduviidae*) оиласи ҳашаротларни қириб фойда келтиради.

### БЕШИКТЕБРАТАРЛАР (МАНТОИДЕА) ТУРКУМИ

Бешиктебратарлар — оғиз органлари кемирувчи типда тузилган йиртқич ҳашаротлар. Уларнинг биринчи кўкрак бўғими узайиб, узун бўйинни ҳосил қиласди. Олдинги оёқлари тутиш органига айланган, унинг тишчалар билан қопланган ўткир қирраси болдири қисмидаги тарновчага кириб туради. Қанотлари калта ва кучсиз ривожланганидан учолмайди.

Бешиктебратарлар ўлжасини пистирмада туриб пойлайди. Хавф туғилганида олдинги оёқларини кўтариб олиб, гавдасини секин-аста икки ён томонга қимирилата бошлиайди. Шу сабабли улар бешиктебратарлар деб аталган.

Бешиктебратарлар ташқи муҳитга яхши мослашган, ҳимоя ранги уларга ўлжасини осон тутиб олишга ва душманлардан сакланишга имкон беради. Ургочи бешиктебратарлар тухумларини тўп-тўп қилиб қўпиксимон суюқликдан ҳосил бўладиган пилла ичига қўяди (154-расм).




154-расм. Оддий бешиктерватар *Mantis religiosa* (қорнининг кейинги қисмидан ажралиб чиқаётган күпикдан тухумхалта оотека ҳосил бўлади).

Бундай пиллалар дараҳтлар ва буталарнинг эски шохларига ёпишириб қўйилади. Баҳорда улардан личинкалар чиқади.

Бешиктебратарлар иссиқ ўлкаларда тарқалган. 2000 дан ортиқ тури маълум. Кўп турлари тропик иқлимда учрайди. Марказий Осиё тоголди ҳудудларида *калта қанот кулранг бешиктебратар* (*Bolivaria brachyptera*), адирларида яшил рангли оддий *бешиктебратар* (*Mantis religiosa*), дараҳт ва бутазорларда *дараҳт бешиктебратару* (*Hierodula tenuidentata*) учрайди. Бешиктебратарлар турли зараркунанда ҳашаротларни қиради.

### ТЕНГ ҚАНОТЛИЛАР (НОМОРТЕРА) ТУРКУМИ

Бу ҳашаротларнинг икки жуфт қанотлари ҳам бир хилда тузилган ва жуда сийрак тўрланган. Айрим вакилларининг қанотлари редукцияга учраган (қаранг: 155-расм). Оғиз органлари санчиб-сўрувчи хартумдан иборат. Ўсимлик шираси билан озиқланади. Тенг қанотлилар жуда майдо ҳашаротлардир. Уларнинг катталиги 1-2 мм, айрим турларининг узунлиги 6-7 мм га, баъзан 18-20 мм га етади. Бир қанча турлари партеногенез орқали кўпаяди. Кўпчилик турлари гетерогония типидаги насл алмасиб кўпайиш хусусиятига эга. Гетерогония кўпинча озиқ бўладиган хўжайнин ўсимликни алмаштириш билан бирга боради. Мисол тариқасида ток *филлоксераси* ҳаёт циклини кўриб чиқамиз. Баҳорда қиши тухумдан чиққан урғочи филлоксера ток баргига ўтиб, унинг ширасини сўради ва бўртмалар ҳосил қиласди. Бу бўртмаларнинг ичига урғочиши партеногенетик тухумлар кўяди. Тухумлардан чиққан личинкалардан етишган партеногенетик урғочилар яна баргда ривожланади. Лекин кейинги наслларда партеногенетик урғочилари бирмунча бошқачароқ белгилар (масалан, узунроқ хартум ҳосил қиласди). Бу насли ўсимликнинг илдиз системасига ўтиб олади ва қишлиайди. Баҳорда улар яна



155-расм. Чала метаморфоз билан ривожланадиган ҳашаротлар.

А — тенг қанотлилар (шира бити урғочисининг қанотсиз ва қанотли шакли). Б — қандалалар (1 — хасва, 2 — гүшак қандаласи). В — сув қандаласи (гладиши).

кўпая бошлайди, улардан бир қисми токнинг поясига кўтарилиб, қанотли урғочи жинсий индивидларга айланади. Бундай индивидлар ток пўстлогига икки хил партеногенетик тухумлар қўйишади. Бир хил тухумлардан эркак, бошқаларидан урғочи индивидлар етишиб чиқади. Урғочилари уруғлангаёт, ток пўстлоғи остига тухум қўйиб ҳалок бўлади. Бу тухумлардан баҳорда филлоксералар чиқади. Шундай қилиб, филлоксеранинг икки йил давом этадиган ҳаёт цикли жинсий наслнинг бир неча партеногенетик жинссиз насл билан алмашинишидан иборат. Бу хилдаги насл алмашиниш йўли билан кўпайиш гетерогония дейилади.

Тенг қанотлилар туркуми шира битлари (*Aphidinea*), барг бургачалари (*Psillinea*), саратонлилар (*Cicadinea*) ва кокцидлар (*Coccinea*) каби кенжা туркумларга ажратилади.


Шира битлари жуда майда (1-7 мм) хилма-хил ва кенг тарқалган ўсимлик заарқунандаларидан иборат. Улар ўсимликларнинг барги, новдаси, илдизи ва бошқа органларини сўриб озиқланади. Кўпчилик турларининг танасида мум безлари бўлади. Бу безлар чиқарган мум ҳашарот танасини қоплаб олиб, уни ҳимоя қиласи. Айрим чумолилар шира битлари ишлаб чиқарган ширин суюқлик билан озиқланади. Токка филлоксера — *Phylloxera vastatrixhani*, мева дарахтларига қон бити — *Erio-*

*soma lanigerum*, олма бити — *Aphis pomii*, сабзавот экинларига *карам бити* — *Brevicoryne brassicae*, катта гүза битлари — *Aphis gossipii* ва *Acyrthosiphon gossipii* зарар келтиради.

Барг бургачалари ҳам шира битларига ўхшаб кетади. Лекин улардан кейинги оёқларининг болдир қисми кучли ривожланиб, сакровчи типда бўлиши билан фарқ қиласди. Уларнинг кўпчилиги асалга ўхшаш ширин суюқлик ажратиб чиқаради. Даражатларнинг баргидаги яшайди. Улар орасида олма асалчиси ва нок асалчиси мева дараҳтларига катта зиён келтиради.

Саратонлар, яъни жизилдоқлар тенг қанотлилар орасида энг йирик ҳашаротлар бўлиб, жанубий кенгликлар, айниқса тропик иқлимда тарқалган. Ўрта Осиё ва Қримда кўп учрайдиган йирик сайроқининг узунлиги 4 см га етади (156-расм). Саратонлар ўсимлик шираси билан озиқланади. Уларнинг личинкаси тупроқда бир неча йил давомида ривожланади. Америка қитъасида учрайдиган ўн етти йиллик саратон *Tibicinia septemdecim* энг узоқ яшайдиган ҳашаротлардан ҳисобланади.

Қалқондорлар, яъни қуртлар кенг тарқалган бўлиб, вояга етган рида ҳар хил ўсимликлар барги, новдаси ва меваларида маҳсус мум қалқон остида ҳаёт кечиради. Урғочисининг қаноти редукцияга учраган бўлиб, ўсимлик шираси билан озиқланади. Эркагининг бир жуфт қанотлари ва оёғи бор, лекин оғиз органлари ривожланмаган. Эркак ҳашарот озиқланмайди, ургланишдан сўнг ҳалок бўлади. Олма ва нокка *вергулсимон қалқондор* — *Lepidosaphes ulmi*, цитрус ўсимликларига лимон қуртчаси *Psudococcus citri* зиён келтиради. Қалқондорларнинг бир қанча турларидан бўёғлар олинади. *Кактус кошенили Dactylopis cacti* дан қимматбаҳо кармен бўёғи тайёрлаш учун фойдаланилади.



156-расм. Оддий сайроқи саратонли (*Lyristes plebeja*).

А — пўстлоқдаги тухумлари. Б — биринчи ёшдаги личинка. В — катта ёшдаги личинка. Г — Е — вояга етган урғочилари.

## ТЕРМИТЛАР (ISOPTERA) ТУРКУМИ

Термитлар тропик икълимда тарқалган, жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротлардир. Термитлар оиласи мураккаб полиморф бўлиб, бир неча хил индивидлар: ишчилар, навкарлар, эркаклари ва ургочисидан иборат. Ишчиларининг каттадиги 0,8-1 см бўлиб, жинсий вояга етмаган ургочи ёки эркак индивидлардан иборат. Уларнинг боши катта, мўйлови, оёқлари ва жағлари яхши ривожланган, лекин қаноти бўлмайди. Ишчи термитлар оиласа эркак, ургочи, навкарлар ва личинкаларини боқиши, ин қуриш вазифасини бажаради (қаранг: 141-расм).


Навкарларининг боши жуда ийрик, устки жағлари кучли ривожланган ва ўткир бўлади. Эркаги ишчиларига ўхшашиб, лекин мустақил озиқланолмайди. Она термит жуда ийрик бўлиб, кўпайиш вазифасини бажаради. Оиласа жуда кўп (баъзан бир неча миллион) ишчилар, бир неча эркаги, кўплаб навкарлари ва битта она термит бўлади. Қанотлар она ва эркак термитларда фақат кўпайиш даврида ҳосил бўлади, кейин синиб тушади.

Тропик мамлакатларда яшайдиган термитлар 2-3 м баландликда ин ясади. *Turkiston termiti Hodotermes turkestanicus* Марказий Осиёнинг даشت ва саҳроларида кенг тарқалган, 80-100 см чўкурликда ин қуради, ёки ёғочларининг ичидаги яшайди. Бу термит оиласи бир неча юзта индивиддан иборат. Термитлар ўсимлик қолдиқлари, яшил ўсимликлар билан озиқланади. Уларнинг ичагида ўсимлик клетчаткасини ўзлаштиришга ёрдам берадиган бир ҳужайрали хивчинилар симбиоз яшайди. Туркистон термити ёғоч иншоотларга зиён келтиради.

## БИТЛАР (ANOPLEURA) ТУРКУМИ

Битлар сутэмизувчиларда паразитлик қиласидиган қанотсиз майдага (0,5-5 мм) ҳашаротлардир. Боши кичик бўлиб, олдинги томондан сиқилган. Оғиз органлари санчиб-сўрувчи типда тузилган, оёқларининг тирноқлари илмоқсимон бўлади. Бу илмоқлар ёрдамида битлар соч ёки кийим толасига ёпишиб олади. Одам битларининг кўзлари яхши ривожланмаган, ҳайвонларнинг битларида эса кўзлар редукцияга учраган. Улар қон сўриб озиқланади. Битлар сирка деб аталашиб тухумларини соч толаларига ёки ички кийим ипларига ёпишиб кўяди.

Битлар жуда ихтисослашган паразитлар. Ҳар бир тур ҳайвоннинг ўзига хос битлари бўлади. Одамда кийим бити *Pediculus vestimenti*, бош бити *Pediculus capitis* ва чов бити *Phthirus pubis* паразитлик қиласиди (157-расм). Кийим ва бош бити жуда хавфли. Улар тепки, яъни қайталама терлама касаллаги қўзғатувчиларини юқтиришиб билан инсон саломатлигига катта зиён келтиради. Одам бити одамсимон маймунларда ҳам паразитлик қиласиди. Бу ҳол одамни одамсимон маймунларга яқинлигини билдиради.



157-расм. Одам битлари ва уларнинг сиркалари.

А — бош бити. Б — кийим бити. В — чов бити.

## Б. 2. ТҮЛИК ҮЗГАРИШ БИЛАН РИВОЖЛАНАДИГАН ҲАШАРОТЛАР ТУРКУМЛАРИ


### ҚАТТИҚ ҚАНОТЛИЛАР, ЯЬНИ ҚҮНФИЗЛАР (COLEOPTERA) ТУРКУМИ

Қаттиқ қанотлиларнинг олдинги қанотлари хитинлашган қалин бўлиб, устқанотлари элитгани ҳосил қиласди. Юпқа пардасимон остиқ қанотлари, устқанот остида тахланиб туради. Учаётганда остиқанотлар самолёт паррагига ўхшаб айланади, устқанотлар эса икки томонга ёйилиб, кўтариш юзасини ҳосил қиласди. Устқанот ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. Оғиз органлари кемирувчи типда тузилган. Кўпчилик қўнғизларнинг танасида сассиқ ҳид тарқатадиган ёки заҳарли моддалар ажратадиган безлар бўлади. Бундай моддалар уларни бошқа ҳайвонлардан ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Масалан, тўпчи қўнғизлар кўланса ҳидли азотли моддаларни ҳавода портлатиб, душманларини қочиради.

Қўнғизларнинг личинкаси тупроқда, сувда ёки чиринди моддалар орасида ривожланади. Личинкасининг кўкрак оёқлари уч жуфт, гумбаги эркин типда бўлади.

Қўнғизларнинг 200 мингта яқин тури маълум. Кўпчилик турлари тупроқ юзасида, тупроқда ва ҳазон остида ҳаёт кечиради. Айрим турлари иккиласми сувда яшашга ўтган (сувсузарлар, сувсарлар). Улар орасида ўсимликхўрлар, аралаш озиқланадиган турлари ва йиртқичлари бор (158-расм).

**Зааркунанда қўнғизлар.** Қўнғизлар орасида жуда кўп турлари қишлоқ хўжалик экинларининг хавфли зааркунандалари ҳисобланади.



158-расм. Қаттиқ қанотлилар.


А — түнг құнғизи. Б — хон қызы имагоси ва личинкаси. В — лавлаги филтумшүғи. Г — типограф ва унинг дараҳт ғөчидағи изи. Д — сувсар құнғиз. Е — поліз құнғизи.

Улардан асосийларини санаң үтәмиз. *Пластинка мүйловли құнғизлар* (Scarabaeidae) оиласидан май құнғизи (*шарқ май құнғизи* — Melolontha hippocastani) дараҳтларга катта зиён етказади. Құнғиз личинкаси түпроқда 3-4 йил ҳаёт кечиради. Личинканинг бесүнақай танаси ёйсімон букилган, боши йирик ва құнғир туңда бұлади. Личинка дараҳтларнинг илдизига, вояга етган пайтида барғига зиён етказади.

**Баргұр құнғизлар** (Chrysomelidae) бир неча үн минг турларни үз ичига олади. Улар түрли дараҳтлар ва қишлоқ хұжалик экинлари баргини еб, зиён келтиради. Баргұрлар орасида айниқса *Колорадо құнғизи* картошкага зиён келтиради. Құнғизнинг асп ватани Шимолий Америка бўлиб, XX аср бошларидан дастлаб Фарбий Европага, ундан эса Россияга тарқалган. 80-йилнинг охирига келиб, құнғиз Үзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Вояга етган колорадо құнғизининг устқаноти пушти рангли бўлиб, ўнта қора чизиқлари бор (159-расм). Ургочи құнғизлар 2400 га яқин тухум қўяди. Унинг қизғиши құнғир тусли личинкалари картошкага катта зарап келтиради. Бир ёз мавсумида колорадо құнғизининг 2-3 бўғини ривожланади.

**Қирсилдоқ құнғизлар** (Elateridae) нинг “сим қуртлар” деб аталадиган личинкалари фалла ва поліз экинлари илдизига зиён етказади.

**Мүйловдор** (Cerambycidae) ва **пүстлоқхұр** (Ipidae) құнғизлар ли-



159-раси. Колорадо құнғизи.  
а — құнғиз, б — картошка барғидаги тухумлари, в — қурти, г — құнғиз ва уннан қуртлары зараплаган картошка үсімлиги.


чинкаси дараҳтларнинг ёғочлик қисмінде кіттә зиён келтиради. Урғочи құнғизлар пояннинг пүстілғы остида ва ёғочлы қисмінде йүл очиб тухум құяды.

**Хартумли (Curculionidae)** құнғизлар личинкасы дараҳтларга ва омборхонада сақланыпташып, донларга зарап етказади. Құнғизлар-

шыннан бош қисми чўзилиб, узун хартумчага айланған. Хартуми учида кемириувчи жағлары бўлади. Олма гулхўри *Anthonomus pomorum* олма ва нок гул куртакларига тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкаси гул муртагини ейди.

Омборхонада сақланыпташып, донларга омбор узун тумшуклиси (*Sitophilus granarius*), яъни мита (160-расм) кіттә зиён келтиради. Урғочи құнғиз тумшуги билан донни тешиб унга тухум қўяди. Личинкаси доннинг ички қисмини еб, вояга етади.

Йиртқич құнғизлар бошқа умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади. Визилдоқлар (Carabidae) оиласига мансуб бўлган құнғизлар ва уларнинг



160-расм. Омбор узун тумшук құнғизи (*Sitophilus granarius*).

А — имаго. Б — қурт. В — ғұмбак. Г — зарапланган дон.

личинкалари зааркунанда ҳашаротларни қиради. Сулув құнғизлар (*Calosoma*) ҳар хил ҳашаротларнинг личинкасини қириб фойда келтиради.

Хон қизи құнғизлари (*Coccinellidae*) фойдали ҳашаротлар ҳисобланади. Құнғизларнинг катталигы 5-7 мм дан ошади. Танасининг орқа томони юмалоқ, қорин томони ясси. Құнғизларнинг устқаноти қизил ёки сарық рангда бўлиб, қора нуқталарга эга. Безовта қилинган құнғизлар ва уларнинг личинкалари ўз танасидан қизғиши ўтқир ҳидли заҳарли суюқлик ажратиб чиқаради. Шунинг учун уларга қушлар ва бошқа ҳашаротхўр ҳайвонлар тегмайди. Құнғизларнинг кўзга яхши ташланаб турган ранги огоҳлантирувчи ранг бўлиб ҳисобланади. Хон қизи құнғизлари ва уларнинг личинкалари шира битлари, қалқондорлар, ка-палақларнинг ёш қуртчалари ва бошқа майдада ҳашаротлар билан озиқланади. Улар орасида етти нуқтати хон қизи *Coccinella septempunctata* (қаранг: 145-расм) айниқса фойдали ҳисобланади. Битта құнғиз бир кунда 50 дан 270 тагача, ҳаёти давомида 4-6 минггача шира битини ейди. Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларида полиз экинлари (қовун, бодринг, қовоқ)га полиз құнғизи (*Epilachna chrysomelina*) зиён келтиради.

Сувсар құнғизлар (*Hydrophilidae*)нинг товон тешарлар деб атала-диган личинкалари айниқса жуда очкўз бўлади. Улар майдада қисқич бақасимонлар, итбалиқлар, балиқ чавоқлари билан озиқланади. Бу құнғизлар балиқчиликка катта зиён келтириши мумкин. Құнғизлар эски ҳовузлар ва тинч оқадиган сув ҳавзаларида яшайди. Құнғизлар сузгичга айланган кейинги оёқлари ёрдамида сузади. Олдинги оёқлари эса ўрмалаш ва ўлжасини тутиш учун хизмат қиласади. Улар ҳамма ҳашаротларга ўхшаб атмосфера ҳавосидан нафас олади. Құнғиз сув юзасига қўтарилиганида трахея найчаларига ва устқаноти остига ҳаво ғамлаб олади. Улар бир сув ҳавзасидан иккинчисига учиб ўтиши ҳам мумкин.

Малҳамчи (*Meloidae*) құнғизларининг личинкалари чигирткалар тухуми ва ёш личинкалар билан озиқланади. Уларнинг қонида заҳарли модда қантаридин бўлади. Кантаридиндан баъзан тибиётда малҳам дорилар тайёрлаш учун фойдаланилади.

Фойдали құнғизлар қаторига гўнгхўр құнғизларни (*Plastinka mуйловилар* — *Scarabaeidae* оиласи)ни ҳам киритиш зарур. Улар ҳар хил ҳайвонларнинг тезаги билан озиқланади. Майдароқ (5-8 мм) гўнг құнғизлари тухумларини тўғридан-тўғри ҳайвон тезагига қўяди. Личинкаси тезакда тез ривожланиб, тупроқда гумбакка айланади. *Geotropilar* эса тезак остидан ин қазиб, унга тухум қўяди, иинин тезак билан тўлдиради. Бўхча құнғиз (*Scarabaeus sacer*)лар эса тезакдан шар ясашади ва уни думалатиб олиб бориб инига қўйишади. Шарларнинг бири унинг ўзи учун озиқ бўлади, бошқасига эса тухум қўяди. Личинкаси тезак ичида ривожланиб вояга етади.

## ТАНГАҚАҢОТЛИЛАР, ЯҢИ КАПАЛАКЛАР (LEPIDOPTERA) ТУРКУМИ

Капалакларнинг қанотлари майда тангачалар билан қопланган. Айрим капалаклар қанотининг чиройли рангда бўлиши ана шу тангачалардаги пигмент билан боғланган. Оғиз органлари сўрувчи хартумдан иборат. Хартум спирал шаклда бошининг остида тахланиб туради. Ўш қисмидаги жуфт мураккаб кўзлари ва ҳар хил шаклдаги мўйловлари бор. Куртларида уч жуфт кўкрак оёқларидан ташқари 3-5 жуфт сохта қорин оёқлари ҳам бўлади. Сохта оёқлари бўғимларга бўлинмаганилиги билан кўкракдаги ҳақиқий юриш оёқларидан фарқ қиласди. Кўпчилик капалакларнинг личинкаси очиқ яшайди, бир қанча турлари тупроқда, ўсимлик тўқималарида ҳаёт кечиради. Фумбаклари ёпиқ типда бўлади.


Вояга етган капалаклар гул шарбатини сўриб озиқланади. Бир қанча капалакларнинг оғиз органи редукцияга учраган, вояга етган даврида озиқланмайди. Капалаклар қуртларининг оғиз органлари кавшовчи типда бўлиб, қаттиқ озиқни чайнашга мослашган. Қуртлари ўсимлик тўқималари билан озиқланади. Улар орасида мевали дараҳтлар ва экинларга зиён келтирадиган турлари кўп учрайди. Бир қанча капалакларнинг қуртлари дон, ун, юнг каби ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотлари билан озиқланаби, катта зарар келтиради.

Тангачақанотлилар кенг тарқалган. Улар 100000 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Кўпчилик турлари иқтисодий аҳамиятга эга бўлмасада, табиатнинг инсонга эстетик завқ бағишивчи муҳим таркибий қисми сифатида ҳимоя қилинади. Капалаклар орасида бир қанча турлари хавфли зааркурнанда ҳисобланади. *Тут ипак қурти* ипак олиш мақсадида хонакилаштирилган. Тангачақанотлилар 70 га яқин оиласаларга ажратилади. Қуйида асосий оиласаларнинг вакиллари билан танишиб чиқамиз.

**Оқ капалаклар** (*Pieridae*) оиласига мансуб бўлган капалакларнинг қанотлари оқиши ёки сарғиш бўлади. Оқ капалаклар (*карам капалаги* — *Pieris brassicae*, 161-расм ва бошқалар) нинг қуртлари карам, турп, шолғом ва бошқа карамдошлар оиласига мансуб бўлган ўсимликларга зарар етказади. Бу оиласага шаффофф қанотли дўлана капалаги ҳам киради. Капалакнинг қурти дўлана дараҳтига зиён келтиради.

Ёз фаслида далаларда нимфалилар (*Nymphalidae*) оиласига мансуб бўлган йирик рангдор *садафдор капалаклар ва баҳмал капалаклар* (*Satyridae*) оиласи турлари кўп учрайди.

**Ҳақиқий ипак капалаклар** (*Bombycidae*) оиласи капалакларнинг оғиз органлари ривожланмаган. Улар вояга етган даврида озиқланмайди. Бу капалаклар тропик иқлимда тарқалган. Улардан *тут ипак қурти* (*Bombycis mori*) ипак тола олиш учун боқилади. Тут ипак қурти бундан 3,5-5 минг йил аввал хитойлилар томонидан хонакилаштирилган бўлиб,



161-расм. Карам капалаги (*Pieris brassicae*).


А — капалаги. Б — тухумлари. В — қурти. Г — гумбаги.

ҳозир табиятда учрамайди. Оқиши капалак, қанотлари, қалин түклар билан қопланган, аммо яхши ривожланмаганлиги туфайли уча олмайди. Қуртлари қорин қисмининг орқа учида шохга ўхшаш ўсимтаси бор. Ҳозир ипак қуртининг жуда кўп зотлари мавжуд. Ипак қуртлари Марказий Осиё, Закавказье, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Кичик Осиё, Жанубий Европа мамлакатларида ва бошқа бир қанча жойларда парвариш қилинади.

**Барг ўровчилар** — Tortricidae оиласи капалакларининг қуртлари барг ўрайди, ёки меваларнинг ичидаги яшайди. Кенг тарқалган олма меваҳўри *Laspeyresia pomonella* (162-расм) майда тунги капалак бўлиб, қуртлари олма, олхўри, баъзан нок, ўрик меваларини “қуртлатиб” боғдорчиликса катта зиён келтиради. Ка-

162-расм. Олма меваҳўрининг ривожланиши.


1 — капалак, 2 — зараланган олма, 3 — қурт. 4 — гумбак, 5 — дарахт пустлоғи остидаги гумбак, 6 — дарахт пустлоғи остидаги капалак.



палак баргларга 100 га яқын тухум құяды. Тухумдан чиққан құртчалар дастлаб ёш барглар билан, кейинроқ меваларнинг юмшоқ түқимаси ва мева ичидағи уруғлар билан озиқланады. Воята етган құртлар дараҳт пүстілөғи остида ёки бирор ковакда пилла үраб, ғумбакта айланады. Олма мевахүрининг бир мавсумда 2-3 насли ривожланады. Бириңчи насли баҳор ойларі охири ёзниң бошида, иккінчи насли ёзда етишиб чиқады. Кузга келиб құртлар дараҳт поясининг пастки қисмінде ёки тупроқда қишлоғады. Улардан келгуси йил баҳорда капалаклар етишиб чиқады.

**Тунламлар** — *Noctuidae* капалаклар орасыда энг жирик оша бўлиб 30 мингдан ортиқ турни ўз ичига олади. Капалаклари кўримсиз, кулранг ёки қўнғир рангли бўлади. Құртлари ўсимликларнинг хавфли зараркунандаси ҳисобланади. *Кузги тунлам* (кўк құрт) *Agrotis segetum* фўза, маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа экинларни заарлайди. *Кўсак құрти* *Helionis obsoleta* фўза, маккажўхори ва бошқа экинларга катта зиён етказади.

**Арвоҳ капалаклар**. *Sphingidae* оиласига мўйловлари ёйсимон, харуми узун бўлган анча жирик, танаси йўғон капалаклар киради. Орқа қанотлари олдинги қанотларига нисбатан калта бўлади. Капалаклар



163-расм. Жуфтсиз ипак құрти (*Ocneria dispar*).

А — эркаги. Б — тухум қўяётган урғочиси. В — ҳар хил ёшдаги құртлар. Г — пилла ичидағи ғумбаги.


гул нектари билан озиқланади. Капалаклар қанотини жуда тез-тез қоқиб гулнинг устида пайдо бўлади. Арвоҳ капалаклар қуртлар, турли хил ўсимликларнинг ер усти қисмлари билан озиқланади.

*Тўлқин қанотилар* Orygidae оиласи капалакларининг хартуми ривожланмаган. Қуртлар танаси узун туклар билан қопланган. Турли ўсимликларнинг барглари билан озиқланади. Фумбаги ўсимлик қолдиқлари остида юпқа пилла ичида ривожланади. *Тенгсиз ишак қурти* Ocneria dispar (163-расм) турли мевали ва мевасиз дарахтларга катта зарар етказади.

Асл куялар Tineidae оиласи вакилларининг қуртлари жундан тўқилган уст-бош кийимларига, мебел ва доналарга зиён келтиради. Қуртларнинг бош қисмидаги туклар тартибсиз жойлашган. Капалаклари кўримсиз оқиш рангли, оғиз органи ривожланмаган.

#### БУРГАЛАР (ARHANEPTERA) ТУРКУМИ

Танаси икки ён томондан яссилашган, қанотсиз ҳашаротлар. Кейинги сўёғлари кучли ривожланган, сакровчи тицда тузилган (164-расм). Оғиз органдари қон сўришга мослашган. Иssiқ қонли ҳайвонлар (сутэмизувчилар ва қушлар)нинг терисида паразитлик қиласи. Фақат вояга етган бургалар қон сўради. Чувалчангси-мон личинкаси полнинг ёрифида, ахлат ичида, қушлар ва сутэмизувчиларнинг инларида ривожланади, чириётган органик моддалар билан озиқланади. Одамда одам бургаси *Pulex irritans* (165-расм) паразитлик қиласи. Бургалар ўз хўжайинига нисбатан кам ихтисослашган. Масалан, одам бургаси бошқа сутэмизувчиларнинг ҳам қонини сўради. *Каламуши бургаси* Xenopsylla cheopis одамлар орасида ўлат касаллигини тарқатади.



164-расм. Одам бургаси.

А — имаго. Б — личинка. В — гумбак.

мизувчиларнинг инларида ривожланади, чириётган органик моддалар билан озиқланади. Одамда одам бургаси *Pulex irritans* (165-расм) паразитлик қиласи. Бургалар ўз хўжайинига нисбатан кам ихтисослашган. Масалан, одам бургаси бошқа сутэмизувчиларнинг ҳам қонини сўради. *Каламуши бургаси* Xenopsylla cheopis одамлар орасида ўлат касаллигини тарқатади.

## ТҮРҚАНОТЛИЛАР (NEUROPTERA) ТУРКУМИ

Қанотлари қалин түрләнган ва тиниқ бүләди. Личинкасининг оғиз органлари сұрувчи типда тузилган, йиртқич ҳаёт кечиради. Озиги ичакдан ташқарыда ҳазм бүләди. Тутылған ўлжанинг терисини личинка ўткыр жағлари билан тешіб, унинг танасига сұлагини түкади. Сұлак таъсирида ўлжанинг ички органлари емирилиб, суюқ ҳолга келади. Личинка ана шу суюқ озиқни сұриб олади. Түрқанотлилар иссиқ иқлимдә кенг тарқалған 3500 га яқын турларни ўз ичига олади.

Тиллакұзлар (*Chrysopidae*) оиласига майды, ҳаворанг қанотли, құзлары товланиб турувчи ҳашаротлар киради. Уларнинг имагоси ва личинкаси йиртқич ҳаёт кечиради. *Оддий тиллакұз* *Chrysopa valga* жуда кенг тарқалған. Оддий тиллакұзнынг личинкаси ҳаракатчан бүләди, асосан шира битләри билан озиқланади. Вояға еттан урғочи тиллакұз баргларнинг остық қысмуга шира битләри колонияси яқыннан тухум қўяди. Тұхымлари маҳсус узун поячада ўрнашған.


Чумоли шерлари (*Mutmelonidae* оиласи) вакиллари ташқи кўринишидан ниначиларга ўхшаб кетади, лекин қанотлари ниначиларникига ўхшаш икки томонга ёйилиб турмасдан қорин қысменинг устига тахланиб туради. Қуртлари ташланғық ерларда, ариқлар ва деворлар ёнида курган воронкага ўхшаш инларининг тубида ҳаёт кечиради. Воронка ичига тушиб қолған чумолилар ва бошқа майда ҳашаротларни кучли ўроқсимон жағлари ёрдамида тутиб олиб сұради. Ўлжа қочмоқчи бўлиб, воронка деворидан юқорига кўтарила бошлагандан унга тупроқ сочиб уриб туширишга ҳаракат қиласади. *Оддий чумоли шери* (*Mutmeleo formicaries*) Европа ва Осиёning чўл зоналаридан, мўътадил ва иссиқ иқлимли районларда кенг тарқалған.

## ИККИ ҚАНОТЛИЛАР (DIPTERA) ТУРКУМИ

Икки қанотлилар энг хилма-хил ҳашаротлар туркумларидан бири бўлиб, 80 мингга яқын турларни бирлаштиради. Улар энг юксак тузилған ҳашаротлар. Қанотлари бир жуфт, унча йирик бўлмайди, одатда яланғоч, тук ёки тангачалар билан қопланмаган бўләди. Икки қанотлиларда иккинчи жуфт қанотларининг қолдиги тўғноғиҳисимон ўсимтани ҳосил қиласади. Бу ўсимта мувозанат сақлаш вазифасини баҷаради. Бирқанча икки қанотлилар учганида қанот қолдиги рудименти ёрдамида овоз чиқаради. Икки қанотлиларнинг бош бўлими жуда ҳаракатчан. Оғиз органлари яловчи, санчыб сұрувчи ёки сұрувчи типда тузилған. Личинкасининг вояға етиши даврида метаморфоз кескин намоён бўләди. Личинкалари оёқсиз, бир қанча турларидан эса бошсиз бўләди. Гумбаги эркин ёки бочкасимон типда тузилған. Улар орасида йиртқич, қон сұрувчи ва тўқима паразитлари бор. Личинкалари сувда, тупроқда ёки чириётган органик қолдиқларда

ривожланади. Икки қанотлилар авлоди түғрисида деярли фамхўрлик қилмайди. Бу фамхўрлик фақат урғочиларининг личинка учун озиқ бўладиган муҳитга (масалан, *уй пашшалари*\* — гўнг ва ахлатга, гўшт чивинлари — гўшт ёки мурдага, *пашшалар* — сувга) тухум қўйишдан иборат. Икки қанотлилар учта кенжак туркумга бўлинади.

Узун мўйловлилар (*Nematoocera*) кенжак туркуми вакилларининг мўйловлари узун ва кўп бўғимли, қорин бўлими ингичка бўлади. Қуртлари оёқсиз, лекин уларнинг боши ривожланган бўлиб, оғиз органлари кемириувчи типда тузилган. Фумбаклари ҳаракатчан бўлади. Бу кенжак



165-расм. Безгак (*Anopheles*) ва оддий (*Culex*) пашшаларнинг ривожланишини таққослаш.

А — тухумлар. Б — қуртлар. В — гумбаклар. Г — вояга стган урғочи чивинлар: 1 — безгак пашшаси тухумларидағи қалқытичлар, 2 — нафас олиш тешиги, 3 — нафас олиш сифони, 4 — нафас олиш шохчалари, 5 — пастки жағ пайпаслагачлари.

\* Баъзи адабиётларда "чивин" тушунчаси қон сўрувчи пашшаларга нисбатан қўлланилади.

туркумга пашшалар, искалтопарлар, мошкаралар, гурра ясарлар, узунояк-лар, захкашлар ва бошқалар киради.

Оддий пашшалар (*Culicidae*) оиласи вакилларининг оғиз органлари санчиб-сўрувчи тицда бўлиб, эрқаклари гул нектари билан озиқланади, урғочилари эса қон сўради. Тухумларининг етилиши учун урғочилари қон сўриши зарур.

Урғочи пашшалар тухумларини тинч оқадиган ҳовуз ва кўлмак сувларга, биноларнинг сув босган ертўлаларига, нам тупроқларга, ҳатто сувли бочкаларга қўяди. Қуртлари атмосфера ҳавоси билан нафас олади. Бунинг учун улар вақт-вақти билан сув юзасига кўтарилиб туради. Бир мавсумда пашшаларнинг 4-6 насли ривожланиши мумкин. Қон сўрувчи оддий пашша *Culex pipiens* ва безгак пашшаси *Anopheles maculipennis* ҳаммага маълум (165-расм).

Бу икки тур қўйидаги хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиласи.

Оддий пашша	Безгак пашшаси
<p>1. Қўнганида қорни субстратга нисбатан параллел туради.</p> <p>2. Урғочиси тухумларини тўп қилиб қўяди, тухумлари қайикчага ўхшаш тўп бўлиб сузиб юради.</p> <p>3. Қуртларида стигмаси нафас найчаси учида жойлашган.</p> <p>4. Қуртлари сув юзасига нисбатан бурчак остида жойлашади.</p> <p>5. Гумбакларининг нафас олиш найчаси ингичка.</p>	<p>1. Қўнганида қорни субстратга нисбатан бурчак остида туради.</p> <p>2. Урғочиси тухумларини сувга сочиб ташламайди. Тухумлар сувда якка-якка бўлиб сузиб юради.</p> <p>3. Қуртларининг нафас олиш найчаси йўқ, стигмаси ўтроқ жойлашган.</p> <p>4. Қуртлари сув юзасига нисбатан параллел жойлашади.</p> <p>5. Гумбакларининг нафас олиш найчаси йўғон.</p>

Пашшаларнинг ҳид билиш органи яхши ривожланган. Улар тер ҳидини ва нафас олганда чиқадиган карбонат ангидрид гази концентрациясининг ўзгаришини яхши сезади. Пашшалар жуда серҳараси ҳашаротлар. Улар қон сўриш учун бир неча км масофага учиб бориши мумкин. Тажрибада пашшалар 18 км масофага ҳам учиб бориши маълум бўлди. Кундуз кунлари пашшалар дараҳтларнинг коваги, ертўлалар ва ўтлар орасида яшириниб ётади. Кун ботгандан кейин фаол қон сўришга ўтади. Шаҳар шароитида биноларнинг ертўлаларида пашшалар қишида ҳам ривожланади ва фаол қон сўради.

Пашшалар уй ҳайвонлари ва одамларнинг тинчлигини бузиши билан катта зиён келтиради. Пашшалардан безовта бўлган чорва молларининг маҳсулдорлиги пасайиб кетади. Безгак пашшалари тропик мамлакатларда одамлар ўртасида безгак касалини тарқатади. Айрим

паишшалар вирусли япон энцефалити, туляремия қасаллигини тарқатиши маълум.

Паишшаларга қарши курашиш учун кўлмак сувларни қуритиш, ҳовуз сувларини вақт-вақти билан оқизиб туриш, сув ҳавзаларини органик чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслик зарур.

Букур паишшалар (*Simuliidae*) жуда майда, кўкрак қисми букур бўлган ҳашаротлар. Личинкаси тезоқар дарёларда ривожланади. Урғочиси тухумларини тўп-тўп қилиб сув остига кўяди. Тухумдан чиқсан личинкалари сув остидаги нарсаларга танасининг кейинги томони билан ёпишиб олади. Бош томонида жойлашган еллигичсизон тукчалар ва қилчалар ёрдамида сувни фильтрлаб ўзига озиқ топади. Букурларнинг эркаги гул шираси билан озиқланади, фақат урғочилари қон сўради. Айрим жанубий ҳудудларда букурлар фақат ўсимлик шираси билан озиқланади. Ўрта минтақада ва айниқса тайга зонасида қонхўр букурлар кўп учрайди. Улар Сибир яраси, туляремия, мохов қасаллиги қўзгатувчила-рини ҳам тарқатади.

Куя паишшалар (*Psychodidae*) оиласи вакиллари жуда майда бўлиб, танаси узун туклар билан қопланган. Улар кичик капалакчаларга ўхшайди. Улардан исқабтопарлар (*Phlebotomus*), тропик ва субтропик иқлимда, Марказий Осиёнинг чўл минтақаларида тарқалган. Уларнинг фақат урғочиси қон сўради, эркаклари гул нектари билан озиқланади. Исқабтопарларнинг қуртлари органик қолдиқларга бой бўлган жуда нам жойларда, масалан, форлар, дараҳтларнинг коваги, ёки судрагиб юрувчилар ва кемирувчиларнинг инларида ривожланади. Бир йилда уларнинг икки насли вояга етади.

Искабтопарлар одамларга лейшманиоз (паишшахўрда) ва папатачи иситмаси каби қасалликларни юқтиради.


Фурра ясралар (*Cecidomyiidae*) жуда майда паишшалар, имагоси озиқланмайди, фақат 2-3 кун яшайди. Қуртлари ўсимликларнинг турили органлари (гуллари, меваси, новдаси, барги, новданинг ўсиш нуқтаси) да бўртма (фурра) ҳосил қиласди. Бўртмалар қуртлар ажратиб чиқарадиган ўстирувчи моддалар таъсирида ҳосил бўлади. Ҳар бир ҳашарот фақат муайян бир ўсимликда ўзига хос фурра ҳосил қиласди. Бўртмаларнинг шаклига қараб ҳашарот турини айтиб бериш мумкин. Галла экинлари хавфли заарқунандаси *Гессен паишшаси* (*Mayetiola destructor*) Европа, Осиё ва Шимолий Америкада тарқалган.

2. Калтамўйлов тўғри чокли иккисанотлилар (*Brachycera-Orthorrhapha*) кенжак туркуми вакилларининг танаси калта, қанотлари калта ва кучли, мўйловлари уч бўғимли бўлади. Қуртларнинг бош капсуласи кучли редукцияга учраган. Фумбаги ёпиқ типда тузилган. Имаго чиқиши олдидан фумбак пўстини бош кўкрак устидан "т" шаклида йиртилади. Бу кенжак туркумга сўналар, қитир паишшалари ва бошқа айрим ҳашаротлар киради (166-расм).

Сўналар (*Tabanidae*) оиласига энг йирик қон сўрувчи ҳашаротлар

166-расм. Калта мүйлов иккиқанотлилар.

А — сұна. Б — вольфарт пашаси. В — қонхүр ит пашаси. Г — қонхүр құй пашаси.



киради. Танасининг узунлиги 25 мм га етади, күзлари йирик, қызғыш тилла рангда товланиб туради. Эркак ва уруғланмаган ёш урғочи сұна гул нектари билан озиқланади. Урғочи чивинлар фақат уруғланғандан сұнг қон билан озиқланышга үтиб, қорамолларга, одам ва ёввойи ҳайвонларга ҳужум қилаади. Улар бу даврда кеми-рувчилар, калтакесақлар ва ҳатто ҳайвонларнинг 2-3

кунлик мурдаларига ҳам ҳужум қилиши мүмкін. Қон билан озиқланган сұналар 2-4 кундан сұнг сувга ёки ариқлар бүйидаги нам тупроқларға тухум қўяди. Личинкаси тупроқда ривожланади. Бир мавсумда урғочи сұна 3500 гача тухум қўяди.

Сұналар куннинг иссиқ ва ёруғ иайтида ҳайвонларга ҳужум қиласади. Улар одатда ҳаракат қиласетган ҳар қандай буюмга, ҳатто қозоз ёки бошқа материалдан ясалған буюмларға ҳужум қиласеради. Қон сұраётган сұна ҳеч нарсага эътибор бермайди.

Сұналар чорва молларини безовта қилиб, уларнинг маҳсулдорлигини пасайтириб юборади. Улар ҳайвонлар орасида туляремия, Сибир яраси касаллукларини тарқатади. Ҳўқиз сұнаси (*Tabanus bovinus*) кенг тарқалған турлардан бири ҳисобланади.

**Қитир чивинлар** (*Asilidae*) йиртқич ҳашаротлар, چүл ва саҳро минтақаларида кўп учрайди. Оғиз органи санчувчи типда. Сұлаги таркибида анча кучли таъсири қиласиган заҳари бўлади. Улар ўзидан йирикроқ ҳашаротларни ҳам тутиб еяверади. Личинкаси тупроқда йиртқич ҳаст кечиради.

Қитир чивинлар жуда очкўз бўлиб, хилма-хил ҳашаротлар, шу жумладан ҳар хил чивинлар, қандалалар, қўнғизлар, заҳарли пардақанотлиларни овлайди. Ўлжаси терисини хартуми билан тешиб, заҳарли сўлагини томизади. Сўлак таъсирида ҳайвон дарров үлади. Гигант қитир чивини 4-5 см га етади.

**3. Калтамўйлов доира чокли икки қанотлилар** (*Brachycera-Cyclorrhapha*) кенжә түркүми вакилларининг танаси калта ва миқти, мўйловлари уч бўғимли, личинкасининг бош бўлими бутунлай редукцияга учраган. Личинкасининг пўсти фумбакка айланиш даврида тушиб кетмасдан бочкасимон шаклга киради ва қотиб, сохта пилла-пупарийни ҳосил қиласди.

Жилдирама яъни гул чивинлари (*Syrphidae*) оиласига мансуб бўлган ҳашаротлар танасининг ранги кўпинча заҳарли парда қанотлилардан сариқ ариларга ўхшаб кетади. Жилдирама чивинлар имагоси гул нектари билан озиқланади. Улар қанотларини тўхтовсиз қоқиб, ҳавода бир жойнинг ўзида муаллақ туриш қобилиятига эга. Чивинларнинг личинкаси чиринди моддаларга бой ифлос сувларда, ўсимликлардаги шира битлари колониясида, арилар ёки чумолилар инида йиртқич ҳаёт кечиради. Бир қанча жилдирама чивинларнинг личинкаси шираларнинг хавфли кушандаси ҳисобланади. Масалан, кенг тарқалган *Syrphus balteatus* ва *S.ribesii* личинкалари бир кунда 200, ҳаёти давомида 2000 гача шираларни қиради.

Асл чивинлар (*Muscidae*) оиласи жуда кенг тарқалган кулранг ёки қорамтири рангли ҳашаротлар. Имагоси гул нектари, органик моддаларнинг чиқиндилари, ахлатлар билан озиқланади. Айрим турлари қон сўради. Личинкалари орасида фитофаглари, сапрофаглари, йиртқич ва паразитлари бор.

Үй чивини (*Musca domestica*) бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган *сипанитрон* ҳашаротларга киради. Фақат аҳоли яшайдиган жойларда учрайди. Чивин хартумининг ястиқчага ўхшаш кенгайган учки қисмида оғиз тешиги жойлашган. Юмшоқ лаблари ёрдамида суюқ озиқни сўриб олади. Чивинлар қаттиқ озиқ билан ҳам озиқланиши мумкин. Бунинг учун улар озиқ (масалан, қанд)га хартуми орқали озроқ ҳазм шираси чиқаради. Чивин ҳазм шираси таъсирида суюқланган озиқни хартуми орқали сўриб (ялаб) олади. Чивинда ҳид билиш ва таъм билиш органлари яхши ривожланган. Зарур бўлган озиқни ҳидидан топади. Таъм билиш органи оёқ панжаларининг учида жойлашган.

Үй чивинининг қуртлари чириётган органик моддаларга бой ахлат уюмлари, ҳожатхоналарда ёки одам ва ҳайвонларнинг тезакларида ривожланади. Бир йилда чивиннинг 10-12 авлоди ривожланади. Личинкаси тупроққа чиқиб фумбакка айланади. Үй чивинлари ифлосликлар орқали иҷбуруғ, қорин терламаси, ўпка сили, конъюктивит (қўз касалликлари) ва полиомиелит каби вирус, бактерия ва бошқа касалликларнинг қўзғатувчиларини ҳамда паразит гельминтларнинг тухумларини ва ҳар хил йирингли касалликлар микробларини одамларга юқтириши мумкинлиги аниқланган.


Це-це чивинлари (*Glossina urupi*) ҳам асл чивинлар оиласига киради. Бу чивинлар тропик Африкадаги ёввойи ҳайвонлар (антилопа) қонидан одамларга жуда хавфли уйқу касаллигини қўзғатадиган трипаносомани юқтиради.

Асл чивинлар орасида бир қанча турлари ўсимлик түқималари билан ҳам озиқланади.

**Кулранг гүшт чивинлари** (*Sarcophagidae*) оиласи личинкалари бузилаётган гүштда, гүнг ва бошқа чириётган органик моддаларда яшайди. Улар ўрта миңтақаларда кенг тарқалган. Күпчилик турлари тирик тугади. *Вольфрат чивини* (*Wohlfhatria magnifica*) Жанубий Европа ва Ўрта Осиёда тарқалган. Ҳайвонлар ёнидан учиб ўтаётган чивин жинсий тешигидан тирик личинкаларин ҳайвонлар терисининг жароҳатланган жойига, қулоқ ва бурун йўлларига, кўзга куч билан сепиб ўтиб кетади. Личинкалар организмнинг тирик түқималари ҳисобидан ҳаёт кечиради.

**Бўкалар** личинка даврида тери ости түқималарида паразитлик қиласди (167-расм). Вояга етган ҳашаротларнинг оғиз органлари ривожланмаганлигидан озиқланмайди. *Бўкалар ошқозон бўкалари, тери бўкалари ва томоқ-бурун бўкалари* оилаларига ажратилади.

**Ошқозон бўкалари** (*Gastrophilidae*) нинг танаси сарғиш туклар билан қопланган. Ургочи бўкалар иссиқ ёз кунлари тухумларини от, хачир, тия ва бошқа ҳайвонларнинг бўйин, оёқ, қорин, елка қисмидаги жунларига ёпишириб қўяди. Тухумдан чиқсан қуртчалар терини қичитади. Ҳайвонлар юнгини ялаганида қуртчалар уларнинг оғзига, кейин ошқозонига тушади ва унинг деворида паразитлик қилишга ўтади. Қуртлар фумбакка айланишдан олдин молларнинг ахлати билан туп-



167-расм. Ошқозон бўкаси (*Gastrophilus intestinalis*).

А — жундаги тухуми. Б, В, Г — ҳар хил ёшдаги қуртлари. Д — эркаги. Е — ургочиси. Ж — от ошқозони деворидаги личинкалар.

роққа тушиб, ғумбак даврига ўтади. 25-30 кундан сүнг ғумбакдан қанотли ҳашарот чиқади. *От бұқаси Gastrophilis intestinalis* ер юзида кең тарқалған, отларни күчсизланиб озіб кетишига олиб келади.

**Териости бўқалари** (*Hypodermatidae*) нинг ургочилари тухумларини ҳайвонлар жунига қўяди. Куртлари эса тери остида паразитлик қиласди. Майда кемирувчиларда қуртлар миграция қилмасдан тери остида ривожланади. Йирик ҳайвонларда эса қуртлар ҳайвон елкасидаги териси остида паразитлик қиласди. Улар бу жойга териости бириткирувчи тўқимаси, мускуллар ёки ички органлар орқали 3 ой давомида миграция қиласди. Паразит личинкалар терини тешиб, атмосфера ҳавоси билан нафас олади. Вояга етган қуртлари ана шу тешик орқали тупроққа тушиб, ғумбакка айланади. Ғумбакдан чиқсан ҳашаротлар тўптўп бўлиб ҳайвонларни таъқиб қиласди.

*Корамол бўқаси Hypoderma bovis* Европа, Шимолий Африка ва Осиёда кенг тарқалған. Узунлиги 14 мм, танаси қорамтири сарғиш туклар билан қопланған. Ургочи бўқалар ёзда асосан йирик шохли молларнинг оёғидаги жунларига бир неча юзта тухум қўяди. Личинкалари ҳайвонларнинг елка териси остида паразитлик қиласди. Терида йирингли шишлилар пайдо қиласди. Келгуси йил феврал-март ойларида қуртлар тери остидан тупроққа тушиб ғумбакка айланади. Ғумбакдан 3-5 ҳафта ичида имагоси чиқади. Имаго атиги бир неча кун яшайди.

Териости бўқалари ҳайвонларни жуда безовта қилиши туфайли уларнинг маҳсулдорлигининг кескин пасайиб кетишига сабаб бўлади. Моллар озиқланмай қўйиши натижасида жуда озіб кетади. Бўқаларнинг қуртлари молларнинг терисини тешиб, сифатини бузади. Айrim ҳолларда териости бўқалари личинкаси одамда ҳам паразитлик қилиб, бош териси остига миграция қилиши мумкин. Қуртлар қўзга тушиб қолганида одам кўр бўлиб қолиши мумкин.

**Бурун-томуқ бўқалари** (*Oestridae*) тирик тугади. Ургочи бўқалар личинкаларини ҳайвонларнинг бурун бўшлиғига сепиб кетади. Қуртлари бурун бўшлиғида ривожланади ва ғумбакка айланиш учун тупроққа тушади.

Чорва молларига, айниқса майда шохли молларга қўй бўқаси *Oestrus ovis* катта заар келтиради. Бўқанинг катталиги 10-12 мм, танаси сарғиш-қулранг тусда бўлади. Ургочи бўқа қўй ёнидан учиб ўтаетиб, унинг бурун бўшлиғига қуртларини сепиб кетади. Қуртлар бурун бўшлиғидан нафас йўллари ва мияга, пешона суякларига ёки бошқа жойларга ўтиши мумкин. Вояга етган қуртлар яна бурун бўшлиғига орқали тупроққа тушиб ғумбакка айланади. Ғумбакдан 3-4 ҳафта ичида имагоси чиқади. Имаго 25 кун яшайди, унинг жинсий йўлларидаги тухумларидан 12-20 кун ичида личинкалар чиқади. Ҳашаротлар личинкаларини қўйгандан сүнг ҳалок бўлади.

Бўқалар билан заарланган ҳайвонларнинг нафас олиши қийинла-

шиб, бурун бўшлиғидан қон аралаш йиринг келади. Бурун бўшлиғи ва мияда жойлашиб олган қуртлар қўйларда *соҳта айланма* (тентак) ка-саллигини пайдо қиласди. Касаллик қиши фаслида айниқса қўпаяди. Ка-салланган ёш ҳайвонлар кўпинча нобуд бўлади. Нафас йўллари заар-ланганида эса қўйлар зотилжам касаллиғидан ҳалок бўлади.

Тахин чивинлари (*Tachinidae*) оиласи вакиллари ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар, асосан ҳашаротларнинг танасида паразитлик қиласди. Та-хинларнинг танаси қалин ва қаттиқ туклар билан қопланган. Тахин-лар ҳашаротлар ёки улар личинкалари танасига, кўпчилик ҳолларда ҳашаротлар озиқланадиган ўсимлик баргларига тухум қўяди. Личинка ўз хўжайини тўқималари билан озиқланабибояга етади. Тахинлар икки қанотлилар орасида энг фойдали ҳашаротлардир. Улардан тоқ ишак қуртининг кушандаси стурмия (*Sturmia scutellata*) ва хасва қандаласи кушандаси тилларанг фазия (*Clytiomyia helluo*)ни кўрсатиб ўтиш зарур.


Қон сўрувчи пашшалар (*Hypnoboscidae*)нинг тана тузилиши ҳайвонлар жуни ва пат қоплами орасида ҳаракатланишга мослаш-ган. Танаси яssi ва кенг, қанотлари танасига тифиз тегиб туради, оёқ тирноқлари ўткир. Айрим турларининг қанотлари редукцияга уч-раган. Улар узун хартуми ёрдамида сутэмизувчилар ва күшларнинг қонини сўради. Айниқса қўй чивини *Melophagus ovinus*, от чивини Нір-робоска *equina*, им чивини *H. longipennis* кўпчиликка маълум. Қўй чи-вини ҳайвонлар қонининг камайиб кетиши, терисининг яллиглани-ши ва жунларининг тўкилишига сабаб бўлиши мумкин.

#### ПАРДАҚАНОТЛИЛАР (HYMENOPTERA) ТУРКУМИ

Пардақанотлиларнинг қанотлари шаффоф, тўрсимон томирланган, яъни қанотлардаги бўйлама ва кўндаланг томирлар ўзаро кесишиб ка-такчаларни ҳосил қиласди. Олдинги жуфт қанотлари орқа қанотларига нисбатан анча катта бўлади. Оғиз органлари кемирувчи ёки сўрувчи типда тузилган. Ургочиларида тухум қўйиш органи ривожланган, юк-сак пардақанотлиларда бу орган санчувчи найзага айланган. Кўпчи-лик турларининг қуртларида оёқлар бўлмайди. Лекин арракашларнинг соҳта қуртлар деб аталувчи қуртларида уч жуфт кўкрак оёқлари билан бирга 6-8 жуфт қорин оёқлари ҳам бўлади. Фумбаклари эркин типда тузилган.

Пардақанотлиларнинг нерв системаси мураккаб тузилган. Улар ўзи-нинг жуда мураккаб психик фаолияти билан бошқа ҳашаротлардан аж-ралиб туради. Пардақанотлиларнинг ҳатти-ҳаракатлари ин қуриш, насл учун озиқ ғамлаш, наслни ҳимоя қилиш каби мураккаб инстинктларни ўз ичига олади.

Пардақанотлилар табиатда ва инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Улар орасида ўсимликларни чанглатишга ёрдам берувчи ва қишлоқ ҳўжалиги зааркунандаларини қириб жуда катта фойда келтирувчи ва-



168-расм. Пардақанотлилар.

А — чумолининг ҳар хил индивидлари (чалдан ўнгта — ишчи, эркак, навкар). Б — аракаш. В — тухум қўйиш учун капалак қуртини заарлаётган паник яйдоқчиси. Г — трихограмма яйдоқчиси.

киллари билан бир қаторда ўсимликларга заар етказувчи турлари ҳам бўлади.

Пардақанотлилар хилма-хил ва кенг тарқалган ҳашаротлар туркумларидан бири ҳисобланади (168-расм). Улар турларининг сони 150 мингдан ошиқ, айрим маълумотларга қараганда 300 мингта етади. Бу туркум вакиллари қорин бўлимини кўкраги билан қандай қўшилишига биноан ботиқ қорингиллар ва хипча беллилар кенжака туркумларига ажратилиди. Биринчи кенжака туркум вакилларида қорин бўлимининг биринчи бўғими кенг юза орқали кўкракка бирикади. Хипча беллиларда эса қорин бўлими кўкракка “бел” деб аталадиган ингичка бўғим орқали бирикади. Бел қорин бўлими иккинчи бўғимининг ингичкалашувидан ҳосил бўлади. Биринчи кенжака туркумга *арракашлар*, *шоҳдумлилар* киради. Хипча беллилар эса *арисимонлар*, *сарық арилар*, *чумолилар*, *яйдоқчилар*, *бўртма ясрлар* ва бошқа парда қанотлиларни ўз ичига олади. Хипча беллилар орасида бир қанча турлари жамоа бўлиб яшайди.

Аракашлар — *Tenthredinidae* оиласидаги урғочи ҳашаротларнинг аррага ўхшаш тухум қўйичи бўлади. Улар тухум қўйичи ёрдамида

ўсимлик тўқимасини арралаб тухум кўяди. Ўсимлик тўқималарида озиқланувчи қуртларнинг кўкрак ва қорин қисмидаги оёқлари ривожланган бўлиб, “сохта қуртлар” дейилади. Бу оёқлар уларни ўсимликтан тушиб кетмаслиги учун зарур. Арракаши қуртлари тузилишининг капалак қуртлари билан ўхшашлиги бу икки гуруҳнинг филогенетик жиҳатдан яънлигини билдирамайди, балки бир хил яшаш муҳити таъсирида юз берган параллелликни кўрсатади. Чунки сохта оёқлар қуртларни ўсимликда ушлаб туришга ёрдам беради.


**Шоҳдумлилар** (*Siricidae*) оиласи вакилларининг кейинги қорин бўғимида узун қаттиқ ўсимтаси бўлади. Личинкалари ўсимликларнинг ёғочлик қисмига зиён келтиради.

**Арисимонлар** (*Apidae*) оиласига киравчи ҳашаротларнинг танаси тук билан қопланган. Орқа оёқларида панжасининг биринчи бўғими кенгайиб, гул чангини йиғишига мослашган маҳсус чуқурча “саватча”ни ташкил қиласиди. Оғиз органларининг тузилиши ҳам гул нектарини сўриб олишига мослашган. Қуртларини нектар ва гул чангни билан боқади. Бу оиласинг кенг тарқалган турларига мисол қилиб *асалари*, тукли арилар ва *арракаши ариларни* келтириш мумкин.

**Асалари** (*Apis mellifera*) жамоа бўлиб яшовчи ҳашарот. Унинг ҳар бир оиласида 10000 дан 50000 гача, баъзан 100000 гача ишчи, битта она (маликаси) ва бир неча юз эркак ари — *трутенылар* бўлади. Оиладаги барча арилар битта она арининг насли ҳисобланади, лекин улар тузилиши билан бир-биридан фарқ қиласиди. Она ва эркак арилар ишчиларига нисбатан йирик, қорин бўлими йўғон ва узунроқ бўлади. Эркакларининг мўйловлари анча узун, кўзлари эса йирик, лекин қанотлари ишчиларига нисбатан калтароқ бўлади (169-расм). Она ва ишчи арилар қорнининг учки қисмидаги чақувчи найзаси бўлади. Эркак ариларнинг заҳар безлари ва найзаси бўлмайди.

Ишчи арилар жинсий вояга етмаган урғочилар ҳисобланади. Бошининг икки ёнида фасеткали кўзлари бор. Кўзларнинг ўртасида учта оддий кўзчалар бошининг олдинги томонида эса бир жуфт мўйловлари жойлашган. Ишчи арилар гулнинг ҳиди ва рангини яхши ажратади. Уларнинг фасеткали кўзлари сариқ, кўк ва одам кўзи илғамайдиган ультрабинафша нурларни яхши ажратади, лекин қизил рангни фарқлай олмайди. Юқори жағлари кемириувчи типда тузилган бўлиб, ишчилар улар ёрдамида мумдан катаклар ясашади ва чангдонлардан гул чангни ялади. Пастки лаб ва пастки жағлар суюқ нектарни сўришга мослашган найсимон узун хартумдан иборат. Орқа оёқларининг панжа қисмидаги саватчага ишчи арилар гул чангини йиғади. Улар чаққанида найзаси тери остида узилиб қолади ва ҳалок бўлади.

Асаларилар оиласида қаттий мөҳнат тақсимоти мавжуд бўлиб, эркак ва она арилар кўпайиш, ишчи арилар эса оиласи боқиши вазифасини бажаради. Гумбакдан чиққан ёш ишчи арилар дастлабки кунларда уяни тозалаш, кейинроқ она ва эркак ариларни ҳамда қуртларни



169-расм. Асалари.

А, Б — урғочи ари ва унинг боши. В, Г — ишчи ари ва унинг боши. Д, Е — эркак ари ва унинг боши.

боқиши билан машғул бўлади. Бу даврда уларнинг маҳсус безлари “асалари сути” деб аталадиган суюқлик ажратиб чиқара бошлайди. Бу суюқлик билан ишчи арилар она арини боқишиади. Бир неча кундан сўнг улар бошқа ишчи арилар келтирган озиқни қабул қилиш билан шугулланана бошлайди. Ўн саккиз кунлигига ишчи ариларнинг мум безлари ривожланади. Бу даврда улар катаклар қуриш билан машғул бўлади. Уядаги охирги кунларда ишчилар уяни қўриқлаш билан шугулланади. Ҳаётининг сўнгги 2-3 куни давомида арилар нектар йига боштайди. Битта ари жигилдонига 30-40 мг нектар кетади. Нектар жигилдонда ва катакларда ари сўлаги ферментлари таъсирида оддий углеводородгача парчаланиб, асалга айланади. Асалари оиласи бир мавсумда 100-120 кг асал ва 25-30 кг гул чангиги йигади. Ишчи арилар 25-40 кун яшайди.

Эркак арилар уяда фақат ёз мавсумида яшайди. Кузда уларни ишчи арилар ҳайдаб чиқаради. Она арилар 7 йилгача умр кўради. Умри давомида бир неча юз минг тухум қўяди.

Асаларилар гулли ўсимликларни чанглантириб, уларнинг ҳосил-

дорлигини оширишга ёрдам беради. Биттә асалари оиласи бир мавсум давомида 30-40 минг гулни чанглатиб чиқади.

Пахмоқ арилар (*Bombus* уруғи) анча йирик ва йүғон бўлиши ҳамда танасининг қалин узун туклар билан қопланганилиги билан асаларидан фарқ қиласди. Қишилаб қолган она ари баҳорда бирор пана жой топиб, ўзига ин қуради ва бир неча катақ ясад тухум қўяди. Бу тухумлардан фақат ишчилари етишиб чиқади. Кузда уяда эркаклари ва ёш урғочилари пайдо бўлади. Трутенъялар уруғланишдан кейин ҳалок бўлади, ёш урғочилари эса қишилаб қиласди.

Пахмоқ арилар айниқса бирмунча совуқ иқлимли шимолий минтақаларда ўсимликларни чанглантиришда катта аҳамиятга эга. Айрим ўсимликлар (себарга) фақат пахмоқ арилар ёрдамида чангланади.

Яйдоқчилар (*Ichneumonoidea*) катта оиласи личинкалик даврида турли ҳашаротлар ва баъзан ўргимчаксимонларда паразитлик қилувчи ҳашаротларнинг бир неча оиласарини бирлаштиради. Урғочи яйдоқчилар қорнининг учки қисмида ипга ўхшаш тухум қўйичи бўлади. У ёрдамида яйдоқчи ўз тухумини ўлжаси танасига қўяди (168-расм). Айрим турлари ҳатто ўсимлик тўқимаси ичидаги яширин яшайдиган ҳашарот личинкасини ҳам топиб, жароҳатлаш хусусиятига эга. Масалан, рисса яйдоқчиси (асл яйдоқчилар оиласи) пўстлоқ остида жойлашган пўстлоқхўр қўнғиз қуртлари бўлган жойни аниқ топиб, пўстлоқни тухум қўйичи билан тешади ва қурт танасига тухумини қўяди. Тухумдан чиққан личинка ўз хўжайини тўқималари билан озиқланиб, вояга етади ва ўша жойда фумбакка айланади. Трихограммалар (*Scelionidae* оиласи) тухумини капалакларнинг янги қўйилган тухумига қўяди. Личинкаси капалак тухуми билан озиқланиб, вояга етади. Табиатда яйдоқчилар зааркунанда ҳашаротлар сонини чеклашда катта аҳамиятга эга. Улардан қишилоқ хўжалигига зааркунанда ҳашаротларга қарши биологик курашда фойдаланилади.

Чумолилар (*Formicidae*) оиласи вакиллари бошқа пардақанотлилардан қорни кўкрак бўлимига 2 бўғимли ингичка пояча (бел) билан қўшилганлиги, боши йирик, кучли жағлар мавжудлиги билан ажralиб туради. Чумолилар жамоа бўлиб яшайди. Уларнинг оиласи бир неча минг, ҳатто миллионлаб индивидлардан таркиб топган. Индивидлар орасида бир неча она чумоли, ўнлаб эркак чумоли ва бир неча минглаб ишчилари бўлади. Одатда чумолиларнинг қанотлари бўлмайди. Лекин эркак ва урғочи чумолилар кўпайиш даврида қанот ҳосил қиласди. Уруғланиш тамом бўлгач, қанотлари синиб тушади. Ишчи чумолилар кўпайиш қобилиятини йўқотган урғочилардан иборат. Улар уя қуриш, озиқ йигиш, қуртларни боқиши каби ишларни бажаради. Ишчилари орасида энг йириклари навкарлар вазифасини бажаради (қаранг: 168-расм).

Ишчи чумолилари жигилдонида чала ҳазм бўлган озиқ билан қурт-

лар, навкарлар ва она чумолиларни озиқлантиради. Ишчи чумолилар ҳам ўзаро озиқ алмашып туришади. Шундай қилиб, айрим чумолиларнинг топған озиғи барча оила аъзолари ўргасида тенг тақсимланади.

Чумолилар тупроқда жуда мураккаб камерали инлар қуради. Сариқ ўрмон чумолиси ер остидаги лабиринтлар ва ер устидаги гумбаздан иборат мураккаб ин қуради. Иннинг ер ости қисми 1-3 м чуқурликкача давом этадиган кўп марта тармоқланган йўлаклардан иборат. Бу ерда улар қишини ўтказади. Гумбаз остида эса чумоли қуртлари ривожланади.

Баҳор мавсумида урғочилари қўйган тухумдан фақат қанотли эр-как ва урғочи чумолилар чиқади. Улар уядан учиб чиқиб, ҳавода куйикишгандан сўнг қанотларини ташлашади. Куйиккан урғочи чумолилар тупроқда кичикроқ ин қуриб, янги оиласа асос солади. Улар қўйган тухумдан энди фақат ишчи чумолилар етишиб чиқади.

Қўпчилик чумолилар фойдали ҳашаротлар ҳисобланади. Кенг баргли ва нина баргли ўрмонларда яшайдиган сариқ ўрмон чумолиси *Formica rufa* зааркунанда ҳашаротларни қириб, дараҳтларни ҳимоя қилади. Марказий Осиё чўлларида тарқалган чопқир фаэтон чумоли *Cataglyphis* майда зааркунанда ҳашаротлар, мева ва донлар, шунингдек нектар билан озиқланади. Ҷўл ва саҳроларда учрайдиган қир чумоли *Messor aralocaspicus* ёввойи ва маданий ўсимликларнинг дони билан озиқланади. Хонадонларда учрайдиган сариқ фиръави чумолиси *Formica pharaonis* зааркунанда ҳисобланади. Бу чумоли турли хил ширинликларни хуш кўради. Бое қора чумолиси *Lasius niger* ширя битлари ажратган ширин суюқликни ялайди ва уларни йиртқич ҳашаротлардан ҳимоя қилади.

## 17.3. ТРИЛОБИТАСИМОНЛАР (TRILOBITOMORPHA) КЕНЖА ТИПИ


Тубан тузилган энг қадимги бўғимоёқлилар. Палеозой эрасининг охирларида қирилиб кетган. Қазилма ҳолида бир неча синфлари маълум.

### 17.3.1. ТРИЛОБИТАЛАР (TRILOBITA) СИНФИ

Трилобиталарнинг тузилиши ҳалқали чувалчангларга ўхшаш, танаси гомоном бўғимлардан иборат, оёқлари ихтисослашмасдан бир хилда тузилган. Қўпчилик вакилларида танасининг кейинги бўғимлари қисман ўзаро қўшилиб, дум қалқонини ҳосил қилади. Орқа қалқони эса тана бўйлаб ўтувчи иккита эгатча орқали марказий ва икки ён бўлакларга бўлинади (170-расм). Бош қалқонининг устида жойлашган бир жуфт мураккаб кўзлари 15 дан 15000 гача майда кўзчалардан иборат. Бош қалқонининг остидаги оғиз тешиги олдида бир жуфт узун ипсизмон антенуллалари, оғиз тешиги яқинида эса тўрт жуфт бош оёқлари

170-расм. Трилобитаси-  
монлар.

А — содда түзилган трилоби-  
танинг тузилиш схемаси  
(қорин томондан күриниши).  
Б — дум қалқони яхши ривож-  
ланган трилобита (орқа то-  
мондан күриниши). В — три-  
лобитанинг кўндаланг кеси-  
ми: 1 — антеннула, 2 — бош  
қалқони, 3 — мураккаб  
кўзлар, 4 — оёқлар, 5 — нафас  
олиш ўсимтаси — эпиподит,  
6 — танаси орқасининг ўрга  
қисми, 7 — танаси ён томони,  
8 — дум қалқони, 9 — жабра  
япроқлари, 10 — оёғининг  
асосий бўғими, 11 — чайнов-  
чи ўсимта.



жойлашади. Ҳар бир тана бўғимида бир жуфтдан оёқлар бўлади. Ту-  
бан түзилган вакилларининг гавдаси бош ва бўғимларга бўлинган та-  
надан иборат. Бош қалқонининг устки томонида тўртта бош бўғимла-  
рининг чегараси аниқ кўриниб туради. Шундай қилиб, трилобиталар-  
нинг боши ҳалқаличувалчангларнинг простомиумига ва бўғимоёқ-  
лиларнинг акронига мос келадиган қисм ҳамда тўртта бош бўғими-  
дан ташкил топган. Бош бўлимининг тузилиши билан трилобиталар  
бўғимоёқлиларга нисбатан ҳалқаличувалчангларга яқин туради.

Трилобиталарнинг оёқлари оддий тузилган, бир шохли бўлади. Бу  
шох ҳам қисқичбақасимонлар икки шохли оёғининг эндоподитига мос  
келади. Оёқларнинг асосий бўғимида ташқи томонидан жабра япроқ-  
чалари билан таъминланган узун ўсимта эпиподит, ички томонидан эса  
чайнаш ўсимтаси бириккан бўлади. Қарама-қарши жойлашган оёқлар-  
нинг чайнаш ўсимталари биргаликда чайновчи органни ҳосил қиласди.  
Шундай қилиб, трилобиталарнинг оёқлари бирданига бир неча функ-  
цияни, яъни ҳаракат қилиш (ўрмалаш), нафас олиш, озиқни ушлаш ва  
уни майдалаш вазифасини бажаради.

Трилобиталар айрим жинсли ҳайвонлар бўлган, метаморфоз орқа-  
ли ривожланган. Улар палеозой эрасининг кембрий, силур ва девон  
дэврларида дengизларда жуда кенг тарқалган. Кўпчилик турлари ден-

гиз тубида ўрмалаб юрган, хавф туғилганида қорин томонига буралиб, қаттиқ пўстли орқа томони билан душманга рўпара бўлган. Кўпчилик турлари сувнинг саёз жойларида, бошқалари анча чуқурликда ҳаёт кечирган. Трилобиталар ер қатламлари ёшини аниқлашда ҳамда бўғимоёқлилар эволюциясини тушунтиришда жуда муҳим аҳамиятга эга.

## 17.4. ХЕЛИЦЕРАЛИЛАР (CHELICERATA) КЕНЖА ТИПИ

Хелицералиларнинг танаси бошкўрак ва қориндан иборат. Бошкўрак еттита бош ва кўкрак бўғимларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Унда 6 жуфт, баъзан 7 жуфт бир шохли оёқлар жойлашган. Қорин бўлимидаги оёқлари ўзгариб кетган ёки бутунлай ривожланмаган. Айрим вакилларининг қорни олдинги ва кейинги бўлимларга бўлинган бўлади.

Антеннула ва бош бўлаги(акрон)нинг йўқлиги билан хелицералилар бошқа бўғимоёқлилардан фарқ қиласди. Бошкўракнинг биринчи жуфт оёқлари озиқни майдалаш ва эзиш вазифасини бажарадиган *хелицерага*, иккинчи жуфти эса сезиш ва баъзан тутиш вазифасини бажарадиган *педипальпаларга* айланган. Одатда педипальпаси бошқа юриш оёқларига жуда ўхшаб кетади.

Хелицералилар 70000 дан ортиқ бўғимоёқлиларни ўз ичига олади. Кўпчилик вакиллари қуруқликда ҳаёт кечиради. Бу кенжатипга қиличдумлилар, қисқичбақачаёнлар, яъни гигант қалқондорлар ва ўргимчаксимонлар синфи киради.

### 17.4.1. ҚИЛИЧДУМЛИЛАР (XIPHOSURA) СИНФИ

Қиличдумлилар — жуда кам учрайдиган қадимги денгиз ҳайвонлари. Палеозой эрасида кенг тарқалган, кейинчалик қирилиб кетган. Ҳозирги даврда улардан фақат 5 тури тарқалган. Узунлиги 50-90 см га етади.

**Ташқи тузилиши.** Қиличдумлиларнинг кенг ва ясси танаси икки бўлим: яхлит бошкўрак ва қориндан иборат. Қорин бошкўрак билан ҳаракатчан қўшилган бўлиб, 6 жуфт пластинкасимон жабраоёқдарга эга. Қорнининг кейинги учида ҳаракатчан узун дум ўсимтаси жойлашган (171-расм).

Бошкўрак кенг ва қалин қалқон билан қопланган бўлиб, қалқоннинг олдинги томонида икки жуфт кўзлари жойлашган. Бошкўракнинг остки томонида оғзининг олдинги қисмида уч бўғимли кичкина хелицераси, оғиз атрофида 5 жуфт юриш оёқлари бўлади. Хелицералиларнинг педипальпасига мос келадиган биринчи жуфт оёқлари кичик қисқич билан таъминланган, лекин тузилиши билан бошқа юриш оёқларидан деярли фарқ қилмайди. Ҳамма оёқлари бир шохли бўлиб, асосий

171-расм. Қиличдум (қорин томондан күріниши).

1 — бошқұрак қалқони, 2 — қорин қалқони, 3 — дум үсімтаси, 4 — хелицералар, 5 — педипальпалар, 6 — оёклар, 7 — еттінчи бүгім үсімталары рудиментлари, 8 — жинсий тәшик қопқоқлари, 9 — жабра қопқоқлари, 10 — жабра оёклари.

бүгіміда қылға үхшаш чайнаш үсімтаси бўлади. Охириги бешинчи жуфт оёкларидан рудиментар жабра үсімтаси бўлади. Шундай қилиб, оёклар ўрмалаш билан бирга, озиқни ушлаш ва майдалаш функциясини ҳам бажаради.


Қорин бўлимида 6 жуфт баргисимон рудиментар оёклар бор. Бу оёкларнинг биринчи жуфти жабра қопқоқчаларини ҳосил қиласди.

Қолган қориноёқларда жуда кўп пластинкасимон жабра япроқчалари жойлашган. Дум үсімтаси тельсон билан қорин бўлимининг кейинги учта бўгімининг қўшилишидан ҳосил бўлган.

Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз тешиги, ҳалқум, мускулли ошқозон, ўрта ичак ва орқа ичакдан иборат. Ҳалқуми ва мускулли чайновчи ошқозони йирик тишчали кутикула билан қосланган. Майдалангандан озиқ ўрта ичакка тушади. Ўрта ичакка икки жуфт жигар йўли очилади. Жигар кучли ривожланган бўлиб, жуда кўп марта тармоқланган найчалардан иборат. Майдадан озиқ зарралари жигар ҳужайраларининг фагоцитоз қилиши туфайли ҳазм бўлади. Орқа ичак дум үсімтасининг асосида анал тешиги орқали ташқарига очилади.

Қон айланиш системаси ҳамма бўғимоёқлиларга үхшаш очиқ бўлади. Юраги найсимон бўлиб, саккизта остийлар, яни юраколди бўлмасига очилувчи тешиклар билан таъминланган. Юракнинг кейинги уни берк, олдинги учидан эса олдинга битта аорта чиқади. Аортадан тўртта калта ён артериялар чиқади. Бу артериялар яна иккита йирик артерияларга бирлашади. Гемолимфа артериялардан ички органлар оралигидаги бўшлиққа қўйилади. Тана бўшлиғидан гемолимфа анусларга йигилади ва у ердан юраколди бўлмасига, сўнг остийлар орқали юракка боради. Нафас олиш пигменти гемоцианин туфайли гемолимфа кўкиш рангли бўлади.

Нерв системаси бош мия, ҳалқум атрофи нерв ҳалқаси ва қорин нерв занжиридан иборат. Бош мияси анча мураккаб тузилган бўлиб,



унда күриш нервлари билан бир қаторда хелицералиларда йүқолиб кетген антеннулаларни бошқарувчи ганглийлар қолдиги ҳам бўлади. Ҳалқум атрофи ҳалқа нерв коннективалари хелицералар, кўқрак оёқлар ва жабра қопқоқчаларини иннервация қилади. Қорин нерв занжирида 6 та нерв ганглийси бўлиб, улардан охиргиси йирикроқ ва бир неча ганглийларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Қорин нерв занжиридан чиқадиган қорин нервлари нерв томирлари орқали ўзаро туташган.

Қиличдумлиларнинг икки жуфт кўзлари бор. Улардан бир жуфти оддий кўзлар бўлиб, улар бошкўқракнинг устида марказий чизиқдан икки томонда жойлашган. Бу кўзларнинг ёнида йирик иккинчи жуфт кўзлар жойлашган. Йирик кўзлар ўзига хос тузилган. Улар жуда кўп майдага қўзчалардан тарқиб топган бўлса-да, лекин тиниқ умумий кутикула билан қопланган ва алоҳида қисмларга ажралмаган.

Жинсий системаси ва ривожланиши. Қиличдумлилар айрим жинсли, жинсий безлари жуфт бўлиб, бир-бири билан туташган найсимон халтачалардан иборат. Жинсий тешиги биринчи қорин сегментидаги жабра қопқоқчаларининг остига очилади.

Эмбрионал ривожланиши метаморфоз орқали боради. Личинкасининг кўқрак сегментлари тўлиқ ривожланган, лекин қорин қисми унча яхши ривожланмаган. Личинкада дум ўсимтаси ўрнига дум қалқони ривожланган. Ташқи кўриниши билан личинка трилобиталарга бир-мунча ўхшаш бўлганидан *трилобитасимон личинка* дейилади.

Қиличдумлилар тропик ва субтропик денгизларда, хусусан Атлантика океанининг Шимолий ва Марказий Америка қирғоқларида, Тинч океанининг Малайя архипелаги, Ҳинди-Хитой, Филиппин яқинидаги ҳамда Япония ороллари атрофида учрайди. Улар сувнинг қирғоққа яқин жойларидаги 4-6 м чуқурлиқда яшайди.

#### 17.4.2. ГИГАНТ ҚАЛҚОНДОРЛАР, ЯЊИ ҚИСҚИЧБАҚА — ЧАЁНЛАР (EURIPTERIDA, GIGANTOSTRACA) СИНФИ

Бу синф умуман қирилиб битган, энг тубан тузилишга эга бўлган хелицералиларни ўз ичига олади. Палеозой давридаги денгизларда яшаган. Танаси яхлит бошкўқрак ва 12 бўғимли қориндан иборат. Қорин бўлимни олдинги ва кейинги қисмга бўлинади. Олдинги қисмидаги шакли ўзгарган оёқлардан иборат жабра қопқоқчалари ва 4 жуфт жабра оёқлари бўлган.

Бошкўқраги устида майда кўзчалар ва уларнинг ён томонидаги йирик мураккаб кўзлар жойлашган. Хелицерасида кичик қисқиҷи ҳам бўлган. Педипальпалари ва 1 жуфт оёқлари баъзан ушлаш учун хизмат қилган. Бир қанча турларининг орқа оёқлари кураксимон шаклда бўлиб, сузиш учун хизмат қилган. Қорин қисмидаги анал пластинка (тельсон) ёки нинага ўхшаш тикан — ўсимтаси жойлашган.


Қиличдумлилар палеозой эрасининг силур ва кембрый даврларида

денгизларда ва қысман чучук сувларда яшаган йиртқыч ҳайвонлар бұлиб, узунлиги 1,8 м га етган. Улар ташқи күрениши билан улкан чаёнларға ўхшаб кетган.

### 17.4.3. ҮРГИМЧАКСИМОНЛАР (ARACHNIDA) СИНФИ

Үргимчаксимонлар қуруқлиқда яшайдиган жуда хилма-хил тузилған бұғимоёқлиларни үз ичига олади. Үргимчаксимонлар учун умумий белгилар қуидагилардан иборат: бош қисмида мүйловлари бұлмайды, фақат оддий құзлари ривожланған. Бошқұрак бұлимида олти жуфті үсімталары бұлған, улардан икки жуфти — хелицера ва педипальпалар овқат қазым қилишда иштирок этади, қолған түрт жуфти эса юриш оёқлашы қосаланады. Үргимчаксимонлар үпка ёки трахеялар ёрдамида нағас олади, айриш органдары коксал безлары билан бир қаторда қорин бүшшлиғида жойлашған мальпигиң нағчаларидан иборат.

Ташқи тузилиши. Үргимчаксимонларнинг тана бұғимлари ва бұлими-лары түрли даражада ривожланған. Айрим вакиллари (чаёнлар, соль-пугалар) нинг танаси күп сонли бұғимлардан иборат. Улар күкраги-




172-расм. Үргимчаксимонлар.

А — чай (қорин томондан күрениши). Б — сольпуга. В — қорақурт. Г — қана (Б, В, Г — орқа томондан күрениши): 1 — хелицералар, 2 — педипальпалар, 3-6 — оёқлар, 7 — жинсий тешик, 8 — тароқсимон пластинка, 9-12 — нағас олиш тешиклари, 13 — олдқорин бұлимиңнинг охирғи бұғими ва заҳарлы наштар.

нинг олдинги бўғимлари ёки ҳамма кўкрак бўғимлари бош бўлими билан бирикиб, битта бошкўкрак бўлимни ҳосил қиласди. Кўпчилик ўргимчаксимонларнинг қорин бўғимлари ҳам бошкўкрак сингари қўшилиб кетиб, танаси иккита яхлит бўлимни — бошкўкрак ва қоринни ҳосил қиласди. Бир қанча ўргимчаксимонлар (каналар)нинг ҳамма тана бўлимлари ва бўғимлари бирга қўшилиб кетган (172-расм).

Ўргимчаксимонлар танасининг тузилиши ундаги бўғимлар соңига кўп жиҳатдан боғлиқ. Кўп бўғимли ўргимчаксимонларнинг (сольпугалар, чаёнлар) танаси чўзиқ бўлади. Тана бўғимлари соңининг қисқариши билан унинг чўзиқлиги ҳам камайиб боради. Танаси бўғимларга бўлинмаган ўргимчаксимонлар танаси юмалоқ шаклда (каналар). Ўргимчаксимонларнинг катталиги 0,2 мм дан (айрим каналар) 20 см гача (айрим чаёнлар ва ўргимчаклар) бўлади.

Ўргимчаксимонларнинг олти жуфт оёқларидан биринчи жуфти — хелицералари ва иккинчи жуфти — педипальпалари (жада пайпаслагичлари) озигини ушлаб туради ва майдалашда иштирок этади. Кўпчилик ўргимчаксимонлар (сольпугалар, чаёнлар, сохтачаёнлар, пичанўрарлар, айрим каналар ва бошқалар) нинг хелицералари калта бўлиб, оғиз тешигининг олдинги томонида жойлашади (173-расм). Хелицералар уч бўғимдан иборат, энг устки бўғими ҳаракатчан, ўткир илмоқни ҳосил қиласди. Каналар хелицерасининг уни ўткирлашган, тищчаси икки бўғимли ўсимталардан иборат. Педипальпа бир нечта бўғимдан иборат, асосий бўғимидағи чайнавочи ўсимтаси озиқни майдалайди. Педипальпанинг бошқа бўғимлари пайпаслагич вазифасини бажаради.



173-расм. Бутли ўргимчак *Araneus diadematus*.

1 — бошкўкрак, 2 — хелицералар, 3 — педипальпалар, 4 — оёқлар, 5 — қорин бўлими.


фасини бажаради. Чаёнлар ва сохта чаёнларнинг педипальпаси узун қисқичга айланган. Ўргимчаклар ва сольпугаларда педипальпалар юриш оёқларига ўхшашиб бўлиб, сезги аъзоси вазифасини бажаради.

Ўргимчаксимонларда тўрт жуфт юриш оёқларининг ҳаммаси бир хилда тузилган бўлиб, 6-7 бўғимли оёқларнинг учки қисмida тирноқлари бўлади. Қорин бўлимида оёқлари ривожланмаган, лекин кўпчилик ўргимчаксимонларнинг эмбрионал ривожланиши даврида дастлаб

қорин оёқларнинг пайдо бўлиши ва кейинчалик йўқолиб кетиши кўзга ташланади. Чунончи айрим ўргимчаксимонларда қорин оёқлар бошқача шаклда бўлиб, вояга етган даврда ҳам сақланиб қолади. Чаёнлар ва сохта чаёнларнинг ўпка халтаси, ўргимчакларнинг ўргимчак безлари шакли ўзгарган қориноёқлардан иборат.

Тана қоплағичи уч қаватли кутикула ҳамда унинг остида жойлашган гиподерма ва базал мембранныдан иборат. Кутикула юпқа бўлиб, унинг ташқи экзокутикула қавати мумга ўхшаш модда липопротеиндан иборат эпикутикула билан қопланган. Эпикутикула организмдан сувни буғланишига йўл қўймайди, танани қуриб қолишдан сақладайди. Ана шу сабабдан ўргимчаксимонлар Ер юзининг энг куруқ жойларидаги ҳам яшай олади. Чаён ва ўргимчакларнинг заҳар безлари, ўргимчаклар, сохта чаёнлар ва айрим каналарнинг ўргимчак безлари тери эпителийсидан ҳосил бўлади.

**Овқат ҳазм қилиш системаси.** Ўргимчаксимонларнинг хелицера ва педипальпасининг асосий бўғими оғиз органи вазифасини бажаради. Ичагининг олдинги ҳалқум бўлими мускулли сўрувчи кенг ошқозонни ҳосил қиласди (174-расм). Ошқозон суюқ озиқни сўриб олиш учун хизмат қиласди. Олдинги ичакка бир жуфт сўлак безлари йўли очилади. Бу



174-расм. Ўргимчакнинг тузилиши.

А — ички тузилиши. Б — хелицералар ва педипальпалар: 1 — хелицера асосидаги заҳар бези, 2 — сўрувчи ошқозон, 3 — ичакнинг кўр ўсимгалари, 4 — юрак, 5 — тухумдон, 6 — тухум йўли, 7 — ўргимчак безлари, 8 — ўпка, 9 — жигар, 10 — юрак тешиги, 11 — маълиги найчалари, 12 — хелицеранинг тирноқсизмон учки бўлими, 13 — хелицеранинг асосий бўғими, 14 — педипальпа, 15 — педипальпа асосий бўғими, 16 — педипальпа асосий бўғими.

безлар ва жигар суюқлиги оқсил моддаларни парчалаш хусусиятига эга. Ўргимчаксимонлар тутган ўлжасини ўлдириб, унинг танасига сұлак бези суюқлигини түқади. Суюқлик таъсирида ўлжасининг ички түқималари парчаланиб, суюқ ҳолга келади. Шундан сүңг улар суюқ озиқни сұриб олади. Шундай қилиб, ўргимчакларнинг озиғи ичакдан ташқаридан ҳазм бўлади.

Ўрта ичакнинг қисми узун ён ўсимталарни ҳосил қиласи. Бу ўсимталар ичак ҳажмини ва унинг сўриш юзасини кенгайтиради. Ичак бўшлиғига бир жуфт ҳазм қилиш бези — жигар йўли очилади. Жигар ҳазм қилиш ферментлари ишлаб чиқариш ва озиқни сўриш вазифасини бажаради. Бундан ташқари жигар ҳужайраларида озиқ ҳам ҳазм бўлади.

Кўпчилик ўргимчаксимонлар йиртқич озиқланади. Лекин улар орасида умуртқали ҳайвонлар, баъзан ҳашаротларнинг қони ва тана суюқлигини сўрувчи паразитлар, ўсимлик шираси билан озиқланадиган зараркунандалари ва чириётган органик қолдиқларни истеъмол қилувчи сапрофит турлари ҳам кўп учрайди.

Айриш системаси бир жуфт шохланган — мальпиги найчаларидан иборат. Найчаларнинг йўли ичак бўшлиғига унинг ўрта ва орқа бўлими чегарасида очилади. Мальпиги найчаларининг тузилиши ҳашаротларникига ўхшаш бўлса-да, эктодермадан келиб чиққанлиги билан улардан фарқ қиласи. Ўргимчаксимонларнинг айриш маҳсулоти заррачалар шаклидаги гуанин моддасидан иборат. Шундай қилиб, ўргимчаксимонлар ҳам ҳашаротлар сингари моддалар алмашинув маҳсулотларини қуруқ кристалл зарраси ҳолида ажратиб, намликни тежаб сарфлайди. Уларнинг бу хусусияти қуруқликда яшаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўргимчаксимонларда айриш вазифасини бажарувчи *коксал* безлар ҳам бор. Бу безлар икки жуфт (баъзан бир жуфт) халтага ўхшаш органлардан иборат бўлиб, ёш ўргимчаксимонларда айниқса яхши ривожланган. Вояга етган ҳайвонларда безлар қисман редукцияга учрайди. Коксал безлар тана бўшлиғига жойлашган эпителийли халтача, кўп марта буралган найча ва калта чиқариш йўли ҳамда учинчи ва тўртинчи жуфт юриш оёқларининг асосида очиладиган сийдик чиқарув тешигидан иборат.

Нафас олиш аъзолари ўпка ва трахеялардан иборат. Айрим ўргимчаксимонлар ўпка (чаёнлар, қилоёқлилар, айрим содда ўргимчаклар), бошқалари трахеялар (солъпугалар, сохта чаёнлар, пичанўрарлар ва айрим каналлар) орқали нафас олади. Кўпчилик ўргимчаксимонларда бу иккала нафас олиш аъзолари ҳам учрайди. Ўпка тана бўшлиғининг қорин бўлимида жойлашган халтачалардан ва тана сиртидаги нафас олиш тешикчаларидан иборат. Халтачалар бўшлиғига жуда кўп бир-бiriга параллел жойлашган баргсимон бурмалар осилиб туради. Нафас олиш тешиги орқали бурмалар орасига ҳаво киради. Бурмаларда

гемолимфа айланиб юради. Чәёнларнинг ўпка халтачалари 4 жуфт, қилоёсөв тубан ўргимчакларда эса икки жуфт бўлади.

Трахеялар қорин бўшлиғида жойлашган нафас олиш тешиклари — стигмалар билан бошланади. Ҳар бир стигмадан бир бойлам узун, учи берк ингичка найчалар кетади. Нафас олиш тешиклари биринчи ва иккинчи бўғимларда жойлашган. Трахеялар ташқи эктодерма эпителий-сининг тана бўшлиғига чуқур ботиб киришидан келиб чиққан. Кўпчилик ўргимчакларда нафас олиш функциясини қорин бўлиммининг олдинги қисмида жойлашган бир жуфтдан ўпка ва трахеялар бажаради. Айрим майда ўргимчаксимонлар, масалан, каналарнинг нафас олиш аъзолари бўлмайди, уларда газ алмашинув юпқа тана қоплағичи орқали содир бўлади.

Ўпка ва трахеялар келиб чиқиши билан бир-бирига боғлиқ аъзолар. Ўпка халталари қадимги сувда ҳаёт кечирган ўргимчаксимонлар ажоддларининг қорин жабраоёқларидан келиб чиққан. Жабраоёқларнинг тана бўшлиғига ботиб кирган ташқи тана қобигидан ўпка бўшлиғи ҳосил бўлган. Қорин жабраоёқларнинг орқа томонида жойлашган жабра пластиинкалардан эса ўпка япроқчалари ҳосил бўлган. Трахеялар эса ўпкалардан анча кейинроқ, улардан мустақил равишда келиб чиққан.

**Қон айланиш системаси.** Қон айланиш аъзолари юрак, юраколди бўшлиғи, аорта ва тана бўшлиғи — лакунлардан иборат. Ўргимчаксимонлар юраги ҳар хил тузилган. Танаси бўғимларга бўлинган чәёнларнинг юраги қорин бўлимнида ичакнинг устида жойлашган узун найдан иборат. Юракнинг икки ёнида 7 жуфт тирқишиимон тешиклар — остийлар очилади. Ўргимчаклар юраги бирмунча калта бўлиб, 3-4 жуфт остийларга эга. Каналарнинг юраги эса бир жуфт тешикли калта халтачадан иборат. Жуда майда каналарнинг юраги ривожланмаган. Юракнинг олдинги ва кейинги учидан биттадан олдинги ва кейинги артериялар чиқади. Ўргимчакларда эса фақат олдинги аорта бўлади. Гемолимфа ҳар бир артериядан тана бўшлиғига тўкилади. Суюқлик тана бўшлиғидан юраколди бўшлиғига ва ундан остийлар орқали юракка ўтади. Гемолимфада нафас олиш пигменти гемоцианин бўлади.

**Нерв системаси.** Йирик ва ўртача катталикдаги ўргимчаксимонларнинг нерв системаси яхши ривожланган. Бош мияси кўзларни идора қилиб турадиган олдинги бўлим — протоцеребрум ва хелицерани идора қиласиган кейинги бўлим — тритоцеребрумдан иборат. Акрон ўсимталари антеннуллаларнинг йўқолиб кетиши туфайли миянинг оралиқ бўлими — дейтоцеребрум ривожланмаган. Қорин нерв занжирининг тузилиши тана бўғимларининг ривожланшишига мос келади. Танаси кўп бўғимли вакиллари (масалан, чәёнлар)да қорин нерв занжирининг кўкрак бўлимидаги нерв тугунлари бирга қўшилиб, йирик бошкўкрак нерв тугунини ҳосил қиласиди. Нерв занжирининг қорин бўлимидаги 7 та кичикроқ нерв тугунлари бўлади. Сольпугларда йирик бошкўкрак нерв

тугунларидан ташқари яна битта кичикроқ тугуни бұлади. Қорин бұлымидаги бүгімлар сонини камайиши нерв тугунларининг концентрацияланишига сабаб бұлади. Үргимчакларда барча нерв тугулары бошқұркак нерв тугулары билан құшилиб кетади. Каналарда тана бұлымлары бирлашиб кетиши туфайли қорин нерв занжирининг барча тугулары бош мия билан бирга құшилиб, умумий иирик нерв массасини ҳосил қиласы.

Үргимчаксимонлар педипальпасида механик таъсирға сезгири жуда күп тукталар жойлашган. Педипальпалар, оёқлар ва тана сиртида жойлашган маҳсус тукталар ҳавонинг тебранишини қабул қиласы. Кимәвий сезги, ҳыд билиш вазифасини лирасимон аъзо үтайди. Бу орган кутикулада жойлашган тор чұқурчадан иборат. Чуқурчанинг тубига нерв учлары келиб туради. Күпчилик үргимчаксимонларнинг 12, 8, 6 жуфтадан күзлари бор. Күзлар бошқұркакнинг орқа қисміда жойлашган. Чаёнлар ўз жуфтини бир неча см наридан, айрим үргимчаклар эса 20-30 см дан таниб олади.

**Жинсий системаси.** Үргимчаксимонлар айрим жинсли, жинсий дегенеңдегі үргимчаклар ва каналарда яхши ривожланган. Үргимчакларнинг эркаклари анча кичик бұлиб, педипальпалари күйикиш аязоларыга айланган.

Жинсий безлари жуфт бұлади, лекин қўпинча безлар қисман құшилиб, тоқ органни ҳосил қиласы. Масалан, чаён эркагининг бир жуфт уруғдонлари бор, лекин урғочиларининг тухумдонлари бирга құшилган. Үргимчаксимонларда уруғланиш ички бұлыб, күйикиш маҳсус сперматофорлар орқали содир бұлади. Сперматофор уруғ билан тұлған халтациядан иборат. Эркак сохта чаёнлар ва күпчилик каналарнинг эркаклари сперматофорларини тупроққа ташлайды, урғочилари эса уларни жинсий органлари билан илиб олади. Үргимчаклар эркаги педипальпасиңнинг учкі бүгіміда копулятив үсімтаси бұлади. Улар педипальпаси ёрдамида спермаларни урғочисининг жинсий тешигига үтказади.

Күпчилик үргимчаксимонлар тухум қўйиб құпаяди. Лекин күпчилик чаёнлар, сохта чаёнлар ва айрим каналар тирик туғади. Уларнинг уруғланган тухуми жинсий безларининг йўлида ривожланади. Эмбриони урғочисининг жинсий органларидан иштаб чиқариладиган оқсил билан озиқланади. Үргимчаксимонлар эмбриони танаси вояға етган даврига нисбатан күп бүгімли бұлади. масалан, үргимчаклар эмбриони қорин бұлыми 12 та бүгімдан иборат, 4-5 бүгімларда оёқлари бұлади. Кейинчалик ҳамма қорин бүгімлари бирга құшилиб кетади, оёқлары эса редукцияга учрайди. Чаёнлар эмбриони қорин бүшлигининг олдинги қисмидаги олтита бүгімларыда оёқлари бұлади. Эмбрион ривожланишининг сұнғы даврларыда биринчи жуфт қориноёқлари — жинсий безларнинг қопқоғига, иккінчи жуфти эса тароқсимон үсімталарга айланади, қолган қориноёқлари ҳисобидан ўпка ҳосил бұлади. Бу далиллар үргимчаксимонларни күп бүгімли ҳайвонлардан келиб чиққанлигини күрсатади.

Күлгичлик ўргимчаксимонлар ўзгаришсиз ривожланади. Метаморфоз ривожланиш каналар учун хос. Ўргимчаксимонлар бир неча туркумларга бўлинади.


#### 17.4.4. ЎРГИМЧАКСИМОНЛАР КЛАССИФИКАЦИЯСИ

##### 17.4.4.4.1. ЧАЁНЛАР (SCORPIONES) ТУРКУМИ

Чаёнларнинг танаси яхлит бошқўрак ва кўп бўғимли қориндан иборат. Педипальпаси қисқичсимон бўлади. Қорин бўлими 12 бўғимли бўлиб, 7 бўғимли кенг олдинги ва 5 бўғимли ингичка кейинги қоринга бўлинади (175-расм). Кейинги қорин бўлими бўғимлари ўзаро ҳаракатчан қўшилган бўлиб, учки қисми — тельсонда бир жуфт заҳар безлари ва найзаси жойлашган. Найзасининг учига заҳар безларининг йўли очилади.

Чаёнлар заҳарли найзасидан ўлжасини ўлдириш ва душманлардан ўзини ҳимоя қилиш учун фойдаланади. Чаён ўлжасини педипальпаси билан тутиб олгач, қоринни елкаси устидан ошириб, унинг танасига найзасини санчади. Чаёнлар одам учун унча хавфли эмас, лекин тропик мамлакатларда учрайдиган чаёнлар заҳари одамлар, айниқса болалар организмига кучли таъсир кўрсатади.

Чаёнлар иссиқсевар, жанубий миintaқаларда кенг тарқалган йиртқич ҳайвонлар. Улар кундузи тошлар остида ёки дараҳтларнинг ковагида ва бошқа пана жойларда яшириниб, тунда овга чиқади.



175-расм. Ҳар хил ўргамчаксимонлар.

А — қилоёқ *Telyphonus caudatum*. Б — пичанўрап *Phalangium opilio*. В — қушхўр ўргимчак *Poecilotheria regalis*.

Чаёнлар — энг қадимги ўргимчаксимонлардан. Уларнинг тури 600 дан ортиқ. Бир неча тури Марказий Осиёда учрайди. Кўпчилик турлари майда. Бизнинг минтақамизда чипор чаён *Buthus eupeus* кенг тарқалган. Унинг узунлиги 6,5 см га етади.

#### 17.4.4.2. СОХТА ЧАЁНЛАР (PSEUDOSCORPIONES) ТУРКУМИ

Ташки тузилиши чаёнларга ўхшаш, лекин жуда майда (1-12 мм) ҳайвонлар. Қорин бўлими 11 бўғимдан иборат, педипальпаси йирик қисқичга ўхшаш. Хелицераларининг ҳаракатчан бўғими учига тўр безларининг йўли очилади. Бу безларнинг суюқлигидан ин қуриш учун фойдаланилади. Икки жуфт трахеялари ёрдамида нафас олади.

Сохта чаёнлар урғочиси сперматофорлар ёрдамида уруғланади. Уруғланниш қуидаги содир бўлади. Эркак ва урғочиси бир-бирига қарама-қарши туриб олади. Эркаги ерга спермалари билан тўлган шилимшиқ суюқлик чиқаради. Суюқлик қотиб, сперматофорни ҳосил қиласди. Урғочиси сперматофорни жинсий тешигига киритади. Уруғланган тухумлари урғочининг қорин томонидаги маҳсус чиқариш камерасида ривожланади. Личинкаси тухумдондан ажралиб чиқадиган сариқлик билан озиқланади. Камерадан чиқсан личинкалар дастлаб унинг сиртига ёпишиб олади. Личинкалар фақат туллашдан кейин мустақил яшай бошлияди.

Сохта чаёнларнинг 1300 га яқин тури маълум. Одатда тупроқда, тошларнинг остида, баъзан хонадонларда эски китоблар орасида учрайди. Майда ҳашаротлар билан озиқланади. Хонадонларда *китоб сохта чаёни Chelifer cancroides* яшайди.

#### 17.4.4.3. ҚИЛОЁҚЛИЛАР (PEDIPALPI) ТУРКУМИ

Ташки тузилиши чаёнларга бирмунча ўхшаб кетади, лекин қорин бўлими икки қисмга бўлинмаган (175-расм). Айрим турларининг қорин бўлими учидан узун итчаси бўлади. Педипальпалари қисқичга ёки тутивчи оёққа айланган. Биринчи жуфт юриш оёқлари туйғу вазифасини бажарувчи узун ва ингичка қилни ҳосил қиласди.

Қилоёқлилар бир ёки икки жуфт ўпкалар ёрдамида нафас олади. Улар фақат тунда ов қиласидаган йиртқичлар, кундузу эса инларидан яшириниб ётади. 180 дан ортиқ турлари маълум, асосан тропик иқлимда тарқалган.

#### 17.4.4.4. СОЛЬПУГАЛАР, ЯЊИ ФАЛАНГАЛАР (SOLIFUGAE) ТУРКУМИ

Сольпугалар — йирик ўргимчаксимонлар, узунлиги одатда 50-70 мм, фақат айрим вакиллари 10-15 смгача етади. Танаси қўнғир-сарғиш рангли бўлади. Бошқа ўргимчаксимонлар орасида сольпугалар тана-

сининг кўп сонли бўғимларга бўлингандиги билан ажралиб турди. Уларнинг бошкўраги икки қисмдан иборат (қаранг: 172-расм). Тўртта сегментларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган олдинги қисмида хелицералари, педипальпалари ва икки жуфт қорин оёқлари, иккита эркин жойлашган бўғимлардан ҳосил бўлган кейинги қисмида эса фақат икки жуфт юриш оёқлари бўлади. Олдинги бош-кўрак қисмини йирик бош қалқони ёпиб турди. Бош қалқонининг олдинги четидаги бир жуфт кўзлари жойлашган. Хелицералари жуда йирик, уларнинг асосий бўғими йўғон, қисқичлари кучли ривожланган бўлади. Қисқичлари ўткир хитин тишчали бўлади. Йирик педипальпалари юриш оёқларига бирмунча ўхшаш бўлса-да, тирноқлари бўлмайди. Педипальпалар ҳар хил функцияни бажаради. Хусусан ҳаракатланишда иштирок этади. Туйғу ёки ўлжани тутиб туриш учун хизмат қиласди. Бундан ташқари қўшилиш даврида сольпугаларнинг эркаклари педипальпалари ёрдамида урғочисини ушлаб турди.

Сольпугаларнинг оёқлари бир-биридан бирмунча фарқ қиласди. Бироз қисқароқ ва ингичкароқ олдинги оёқлари туйғу вазифасини бажаради. Қолган икки жуфти эса ҳақиқий юриш оёқлари бўлиб, уларнинг панжалари бўғимларга бўлинган, учидаги тирноқлари бўлади. Орқа оёқлари бошқаларига нишбатан узунроқ.

Қорин бўлими ўнта бўғимдан иборат, ҳар бир бўғимнинг тергити ва стернити бўлади. Қорин бирмунча ингичкароқ бўғим орқали кўқрак билан туташади.

Сольпугаларнинг танаси ва оёқлари жуда кўп ҳар хил узунликдаги туклар ва қиллар билан қопланган. Улар жуда тез югуради ва яхши сакрайди, тик жойларга ҳам осон чиқа олади. Душмани билан тўқнаш келганида уни қўрқитишга уринади. Танасининг олдинги қисмини кўтариб олади, қисқичларини очади, педипальпаси ва олдинги оёқларини кўтариб олиб, душманига ҳамла қиласди, ҳатто айрим турлари хелицераларини бир-бирига ишқалаб, гичирлашга ўхшаш овоз чиқаради.

Кўпчилик сольпугалар тунги йиртқич ҳайвонлар, кундузи улар ҳар хил пана жойларга, тошлар орасига, кемирувчилар инига ёки ўзлари ковлаган инларга яшириниб олади. Кечаси ов қилишга чиққан сольпугаларни сунъий ёруғлик, айниқса ультрабинафша нурлар жалб қиласди. Фақат айрим турлари кундузи ҳам ов қиласди. Марказий Осиё ҳудудида тарқалган унча катта бўлмаган оқишиш тилларант кунсевар сольпуга кундузи фаол ҳаёт кечиради.

Сольпугалар жуда очкӯз бўлиб, ҳашаротлар, кўпоёқлар, ўргимчаклар, заҳқашлар ва бошқа ҳайвонлар билан озиқланади. Йирик турлари ҳатто қушларнинг жўжасига, майда калтакесакларга ёки кемирувчиларнинг боласига ҳам ҳужум қилиши мумкин. Улар ўз ўлжасини тез ушлаб, терисини хелицералари ёрдамида йиртиб, жароҳатланган жойга ҳазм қилиш ширасини томизади. Ҳазм шираси таъсирида суюлган озиқни сўриб олади. Сольпугалар ҳеч еб тўймайдиган ҳайвонлар. Улар

қўлда боқилганда қорни тўйиб, ёрилиб кетгандан сўнг ҳам хелицерали-  
ри ҳаракатдан тўхтагунча овқат еяверишган.

Сольпугалар сўлаги заҳарли эмас. Лекин йирик сольпугалар хелице-  
раси одам терисини қонатиши мумкин. Бундай ҳолларда баъзан хели-  
цералардаги озиқ қолдиги жароҳатланган жойга тушиб, терини яллиг-  
лантиради.

Сольпугаларнинг эркаги урғочисини тунда унинг ҳиди орқали  
топиб олади. Педипальпалари ҳид билишда катта аҳамиятга эга. Эр-  
каги уруғ билан тўлган сперматофорини урғочиси жинсий тешигига  
жойлади. Уруғланган урғочи ўзига ин қазиб, 30 дан 200 гача тухум  
қўяди. Тухумдан чиққан ёш бўғимлари дастлаб ҳаракатсиз ва ним-  
жон бўлади, уларни урғочиси қўриқлайди. Қишида сольпугалар ка-  
рахтлик ҳолатига ўтади.

Кўпчилик сольпугалар тропик, субтропик ва мўътадил иқлимли  
ҳудудларда, асосан қуруқ дашт ва чўлларда ҳаёт кечиради. Бу тур-  
кумга 60 дан ортиқроқ тур киради. Улар айниқса Африка қитъасида,  
Жанубий-Фарбий ва Марказий Осиёда кенг тарқалган. Марказий Осиё,  
Кавказ ва Кримда, Россиянинг жанубий ҳудудларида *Galeodes* уруғи  
вакиллари кўп учрайди. Улар орасида 5 см келадиган *оддий сольнуга*  
*Galeodes araneoides* кенг тарқалган. Марказий Осиё чўлларида қўнғир-  
сағиши қора тукли *каспий сольнугаси* *Galeodes caspius* кенг тарқалган.  
Бу сольпуганинг катталиги 6,5 см га етади. Қорақумда учрайдиган *ту-  
муранг сольнуга* (*Galeodes fumigatus*) янада каттароқ бўлиб, унинг узун-  
лиги 7 см га етади. Karshchia уруғига қарашли унча йирик бўлмаган  
сағиши рангли сольпугалар Марказий Осиё ва Закавказъенинг тоғли  
ва тоғолди ҳудудларида тарқалган.

#### 17.4.4.5. ПИЧАНЎРАРЛАР (OPILLIONES) ТУРКУМИ

Ташқи кўриниши ўргимчакларга ўхшаш бўлади. Лекин улардан та-  
насининг бўғимларга бўлинганилиги билан фарқ қилади (175-расм).  
Қорин бўлими 9-10 бўғимдан иборат. Хелицераси қисқичга ўхшаш,  
оёқлари жуда узун ва ингичка бўлади. Трахеялар билан нафас олади.

Пичанўрарларнинг 3200 дан кўпроқ тури маълум. *Оддий пичанўрап*  
*Phalangium opillio* жуда кенг тарқалган бўлиб, иморатларнинг девори-  
да ва дараҳтларда учрайди.

#### 17.4.4.6. ЎРГИМЧАКЛАР (ARANEI) ТУРКУМИ\*

Ўргимчакларнинг бошкўкрак ва қорин бўлимлари бўғимларга  
бўлинмаган, лекин бу бўлимлар бир-бири билан қисқа ва ингичка  
пояча орқали туташган бўлади. Хелицераларининг учки бўғими  
ҳаракатчан тирноққа ўхшайди. Педипальпалари узун пайпаслагич-  
га ўхшаш бўлиб, эркакларида қўшилув органи вазифасини бажара-

ди. Ўпкалари бир ёки икки жуфтдан, кўпчилик турларида бир жуфт трахея бойламлари ҳам бўлади. Қорин бўлимининг икки бўғимидан қорин оёқлари ўзгариб, икки жуфт тўр ишлаб чиқарувчи сўгалларни ҳосил қиласди (қаранг: 173-расм).

Ўргимчакларнинг қорин бўшлиғида жуда кўп безлари бўлади. Айрим ўргимчакларда бу безларнинг сони 1000 га етади. Безларнинг йўли қорнининг кейинги қисмига, яъни тўр сўгалларининг олдидаги пластинка-га очилади. Безлар ишлаб чиқарган ёпишқоқ суюқлик ҳавода қотиб, ип ҳосил қиласди. Бир неча юзлаб безлар ишлаб чиқарадиган жуда ингичка ипчаларни битта умумий ипга ёпиштириб ўргимчак инини ҳосил қиласди. Бу иплар ҳар хил (қуруқ, ҳўл ёки ёпишқоқ) бўлганидан улардан ўргимчаклар тутувчи ўргимчак ини ва пилла ясаш учун фойдаланишади.

Ҳаёт кечириш хусусиятларига кўра ўргимчакларни дайдилар ва ўтроқ яшовчилар, яъни тўр тўқувчиларга ажратиш мумкин. Дайди ўргимчаклар тутувчи тўр тўқимайди, ўлжасини ерда ёки ўсимликлар устига чиқиб олиб пойлайди. Кўпчилик ўргимчаклар уяди ёки тўри устида ўтроқ ҳаёт кечиради. Тутқич тўрларнинг катта-кичиклиги ва шакли жуда хилма-хил, ҳар бир тўр ўзига хос бўлади. Ўтроқ ўргимчакларнинг тутқич тўри ини яқинида ястаниб ётади ёки дараҳтлар ва буталарнинг шохлари орасига тортилган бўлади. Бир қанча ўргимчаклар ер юзасига чуқурча шаклида ин қуради, ин деворларига ўргимчак тўрини тўшайди, инни тўрдан ясалган қопқоқча ёпиб туради. Сув ўргимчаги *Argyroneta aquatica* сув тубида қўнғироқча шаклидаги тутқич тўр тўқиади. Тўрни сув остидаги ўсимликларга ёпиштириб, уни ҳаво билан тўлдиради. Ўргимчак вафт-вағти билан сув юзасига чиқади ва тана юзасидаги туклари орасига ҳаво олиб, инга қайтади.

Ўргимчаклар тўрга тушган ҳашаротларни иплар билан ўраб ташлайди, сўнгра унинг танасини хелицералари ёрдамида йиртиб, сўлагани томизади. Сўлак таъсирида парчаланиб, суюқ ҳолга келган ички тўқималарни ўргимчак сўриб олади. Ўргимчаклар ишлардан тухуми атрофига пилла тўқиши учун ҳам фойдаланади. Урғочи ўргимчаклар пилласини ўзи билан олиб юради ёки уни қўриқлади. Ўргимчак иплари ўргимчакларни ҳаво оқими ёрдамида тарқалишида ҳам катта аҳамиятга эга. Енгил шабада эсиб турдиган куз кунлари тухумдан чиқсан ёш ўргимчаклар ўтларнинг устига чиқиб олиб, узун ип чиқара бошлайди. Ип маълум бир узунликка етгандан сўнг ўргимчак оёғини йиғиб олиб, ўсимликтан сакрайди, шамол эса уни учирив кетади.

Ўргимчакларда жинсий диморфизм яхши ривожланган. Эркаклари урғочиларига ниобатан кичик бўлади. Эркак ўргимчаклар педипальпасидаги найсимон ўсимтаси қўшилиш органи ҳисобланади. Ўсимтанинг найи ташқарига очилади. Эркак ўргимчак уруф билан тўлган ўсимтасини урғочиси уруф халтасига киритади. Эркак ўргимчаклар куйикиш пайтида рақсга ўхшаш турли ҳаракатлар қиласди.

Айрим ўргимчакларнинг эркаги урфосига ўлдирилган ўлжа инъом этади. Уруғланган урфочи ўргимчак қочишга ултурмаган эркагини еб қўяди.

Ўргимчакларнинг ҳаётида сезги органлари муҳим аҳамиятга эга. Танаси юзасидаги жуда сезгир туклар туйғу вазифасини бажаради. Ўргимчаклар туклар ёрдамида яқиндан учиб ўтаётган ҳашаротларни ёки тутқич тўри илларининг тебранишини сезади. Бир қанча ўргимчаклар овоз чиқариш ва уни эшиши хусусиятига эга. Бу органлар тананинг турли жойларида, хусусан хелицера ва педипальпалари, кўкрак ва қорин қисмларида жойлашган. Ҳид билиш вазифасини олдинги оёқларининг панжасидаги тарзал органлари ёки тана сиртида ва маҳсус ўсимталарида жойлашган лирасимон органлар бажаради. Бу органлар таъм билиш вазифасини ҳам бажаради. Ҳид билиш органлари кўйикиш даврида катта аҳамиятга эга. Ўргимчакларнинг кўзлари 4 жуфт, баъзан 3 жуфт бўлади. Кўпчилик ўргимчакларда, айниқса тўр тўқийидиган вакилларида кўзлари яхши ривожланмаган. Тўрдаги ўргимчаклар фақат ҳаракатланадиган иирик нарсаларни кўради. Сакровчи ўргимчакларнинг кўзлари яхши кўради, ҳатто улар нарсаларнинг рангини ҳам фарқ қиласди. Тажриба йўли билан ўргимчакларда шартли рефлекслар ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бир қанча ўргимчакларда ҳимоя ранги ва мимикрия хусусияти яхши ривожланган.

Кўпчилик ўргимчакларнинг ҳаёти бир йилда тугайди. Уларнинг пилла ичидаги тухуми ёки ёш насли қишилаб қолади. Жанубий, айниқса тропик иқлимда ҳаёт кечирадиган айрим ўргимчаклар анча узоқ яшайди. Масалан, қушхўр ўргимчаклар (175-расм) 7-8 йилдан 20 йилгача умр кўради.


Ўргимчаклар кўп миқдорда зааркунанда ҳашаротларни ўйқотиб фойда келтиради. Уларнинг ўзи ҳам бошқа ҳайвонлар, масалан, кеми-рувчилар, судралиб юрувчилар ва ҳашаротларга ем бўлади. Кўпчилик ўргимчакларнинг заҳар безлари суюқлиги фақат ҳашаротларга таъсир қиласди. Лекин улардан айрим вакилларининг заҳари одам ва ҳайвонлар учун хавфли ҳисобланади. Марказий Осиё, Кавказ, Қрим ва Эроннинг чўл ва дашт минтақаларида учрайдиган қорақурт *Latrodectus tredecimguttatus* (қарант: 172-расм) ҳамда Америка ҷўлларида тарқалган қора бева *L.mactans* айниқса жуда заҳарли ҳисобланади.

Қорақуртнинг урфоси 10-20 мм, эркаги 4-7 мм бўлиб, қорин қисмининг орқасида қизил доғлари бўлади. Ўргимчак чўлдаги қўриқ ерларда, жарликлар ва тог ён бағирларида кўп учрайди. Урфочи қорақурт тупроқ устидаги чукурчаларда, кеми-рувчиларнинг инига, иирик тошларнинг остига ин қуради. Инининг оғзига тутқич тўрини тортиб қўяди. Иссиқ ёз мавсумида (июнь, июль) қорақуртлар пана жой қидиришга тушади. Қорақуртлар билан заҳарланиш айниқса ана шундай миграция даврида кўпроқ содир бўлади. Қорақурт заҳари туялар ва отларга

айниқса күчли таъсир күрсатыб, уларни одатда ўлимга олиб келади. Қорақурт заҳари одамга ҳам күчли таъсир қиласы да баъзан ҳалокатта олиб келиши мумкин. Қорақурт чаққан одам қорақуртга қарши зардоб билан эмланади.

Заҳарлы ўргимчаклардан Марқазий Осиё, Европанинг жанубида кенг тарқалған бий-тарантул (*Lycosa singoriensis*)ни ҳам күриш мумкин. Бий 25-35 мм катталикда бўлиб, танаси қалин туклар билан қопланган. У чуқур вертикал инларда яшайди. Инининг остига тўр тўшайди. Бий кўпроқ нам, еости сизот сувлари тупроқ юзасига яқин жойлашган ерларда учрайди. Бий чаққанида оғриқ сезилса-да, унинг заҳари одам учун хавфли эмас.

#### 17.4.4.7. КАНАЛАР (ACARI) ТУРКУМИ




176-расм. Иксод канаси *Ixodes ricinus*.

А — урғочи кананинг орқа томондан кўриниши. Б-В — хартумининг орқа ва ёрни томондан кўриниши: 1 — хартум, 2 — тана, 3 — юриш обёлари, 4 — хартумининг асосий бўғими. 5 — педипальпаси, 6 — гипостом (хартуми асосидаги ўсимтас), 7 — хелицералар, 8 — қопловчи плас-тинкалар.

Каналар майда, баъзан микроскопда кўринадиган катталикдаги ҳайвонлар бўлиб, ҳар хил ҳаёт кечиради. Улар орасида ҳайвонлар, одам ва ўсимликларда паразитлик қиливчи, сапрофитлари ва йиртқич турлари учрайди. Каналарнинг 10 000 га яқин тури маълум.

Каналарнинг танаси ҳар хил даражада




177-расм. Иксод каналарнинг ички тузилиши.

1 — хартум, 2 — ҳалқум, 3 — сўлак бэзи, 4 — жсне органи, 5 — ўрта ичак, 6 — ўрта ичак кўр ўсимгалари, 7 — ректал пупфак, 8 — мальпигти найчалари, 9 — тухумдон, 10 — тухум сатпи, 11 — нерв йўни, 12 — трахея.

да бўғимларга бўлинган. Улар орасида танаси кўп сонли бўғимларга бўлинган вакиллардан тортиб, танаси яхлит бўлган вакиллари ҳам кўп учрайди. Кўпчилик каналарнинг хелицера ва педипальпалири биргаликда санчиб сўрувчи хартумни ҳосил қиласиди (176-расм). Бир қанча турларининг нафас олиш органлари бўлмайди. Кўпчилик каналарда эса трахеялар ривожланган. Қон сўрувчи каналарнинг ичаги жуда кенгайиб ён халталаҳни ҳосил қиласиди (177-расм).

Айрим каналарнинг эркакларида ҳақиқий копулятив органи бўлади. Кўпчилик ҳолларда урғочи кана сперматофор ёрдамида уруғланади. Тухумдан чиққан личинкасининг оёқлари 3 жуфт бўлади. Личинка вояга етмаган нимфага айланади, нимфанинг оёқлари 4 жуфт бўлади. Айрим вакилларининг бир нечта нимфа даври бўлиши мумкин.

Каналар хилма-хил усулда озиқланади. Улар орасида кўпчилик вакиллари тупроқда, тўкилган баргларнинг остида ва моҳларда ҳаёт кечириб, сапрофит озиқланади, бошқалари йиртқичлик қиласиди ёки турли ҳайвонларда паразитлик қиласиди. Паразит каналар ўз хўжайи-




178-расм. Паразит аргазид каналар.

А — товуқ канаси, В, Г — каламуш канаси, В — персия канаси, Г, Е — ит канаси (А, В — орқа томондан, Б, Г — қорин томондан, Г — личинка, Д — нимфа, Е — имаго: 1 — анал тешик, 2 — нафас олиш тешиги, 3 — жинсий тешик).

нининг қони, тана суюқлиги, тери ёки пати билан озиқланади. Одамлар ва ҳайвонлар паразитлари орасида *иксад каналари* (Ixodidae) ва *аргаз қагалари* (Argasidae) кенг тарқалган (178-расм). Бу каналар қон сўриш билан бирга одамлар учун хавфли бўлган тошмали ва қайтала ма терлама, канда энцефалити, туляремия ва йирик шохли молларда учрайдиган пироплазмоз касалликларини қўзғатувчи микроорганизмларни тарқатади.

Одам ва ҳайвонлар терисида қичима канаси *Sarcoptes scabiei* (179-расм) паразитлик қиласди. Кана микроскопик катталиқда (0,15-0,3 мм) бўлиб, терининг шох қаватида ўзига йўл очади. Қичима канаси билан зааралган тери жуда қичишиб, яра ҳосил қиласди. *Хуснбузар канаси Demodex folliculorum* (179-расм) одам терисидаги ёғ безлари ва соч халтасида паразитлик қиласди. Баъзан без кўпайиб, юзда ва терининг турли жойларида хуснбузар тошиб кетишига сабаб бўлади.

Паразит каналар орасида *тайга канаси* (*Ixodes persulcatus*) Узоқ Шарқда, *ит канаси* (*I. ricinus*) эса Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Вояга етган каналар ўт-ўланлар ва буталарга ўрмалаб чиқиб, хўжайин устига ўзини ташлайди. Қон сўриб бўлган каналар ерга тушиб хазонлар остига тухум қўяди. Тухумдан чиқсан личинкалар калтакесак, қушлар ва майда сутэмизувчиларни, нимфалари эса бирмунча йирикроқ ҳайвонларнинг қонини сўради. Вояга етган каналарнинг асосий хўжайинлари йирик сутэмизувчилар ва одамлар ҳисобланади. Шундай қилиб, иксод каналар ривожланиши давомида учта хўжайинда паразитлик қиласди. Лекин бир қанча каналарнинг личинкалик ва нимфалик даври битта хўжайнада, вояга етган даври эса иккинчи хўжайнада ривожланади. Айрим каналар эса ривожланиш давомида ўз хўжайнини тарқ этмайди, яъни битта хўжайнада ривожланади. Марказий Осиё ҳудудида паразит каналардан *Hyalomma* ва *O-*



179-расм. Одамда паразитлик қиласдиган каналар.

А — қичима кана *Sarcoptes scabiei*, Б — ҳуснбузар кана.

nithodorus авлодларига мансуб бўлган турлар кент тарқалган. Бу каналар молхоналар ва хонадонлар девори ва полидаги ёриқларда учрайди. Ҳар хил касалликларни қўзғатувчи вируслар, бактериялар, спирохеталар, паразит бир ҳужайрали ҳайвонлар каналар ёки ҳашаротлар ёрдамида бир ҳайвондан иккинчисига ўтади. Каналар ва ҳашаротлар орқали юқадиган касалликлар трансмиссив дейилади. Табиатда трансмиссив касалликларнинг табиий манбай мавжуд. Лекин ёввойи ҳайвонлар организмида одатда шундай касалликларга қарши иммунитет пайдо бўлиши туфайли уларга касаллик катта зиён етказолмайди. Табиий манбага тушиб қолган одам ёки уй ҳайвонлари бу касалликларни каналар ёхуд ҳашаротлар орқали юқтириши мумкин. Трансмиссив касалликларнинг олдини олиш учун каналар ва ҳашаротлардан сақланиш чораларига риоя қилиш лозим.

Каналарнинг бир қанча турлари ўсимликлар билан ҳам боғланган. Турли хил ўсимликлар баргида ўргимчак каналар (*Titranenchiidae*) паразитлик қилиб, катта зиён келтиради. Ўсимликларнинг турли органларида бўртма ҳосил қилувчи каналар (*Eriophyidae*) зиён келтиради.


Тупроқда сапрофит ва йиртқич озиқданадиган совутли каналар (*Oribatidae*), сув ҳавзаларида эса йиртқич сув каналари (*Hydrachnidae*) кўп учрайди.

#### 17.4.5. ИМИЛЛАБ ЮРУВЧИЛАР (TARDIGRADA) СИНФИ

Бу синф қуруқлиқда, чучук сув ва баъзан денгизларда учрайдиган 180 га яқин жуда майдо ҳайвонлар турини ўз ичига олади. Имиллаб юрувчиларнинг ҳайвонлар системасидаги ўрни ҳозиргача номаълум.

**Ташкин тузилиши.** Боши танадан ажралмаган, калта танасида бўғимлар сони жуда оз, содда бўғимларга бўлинмаган тўрт жуфт оёқларининг учида тирноқлари бўлади. Антенналари бўлмайди. Нафас олиш ва қон айланниш аъзолари ривожланмаган.

Имиллаб юрувчилар катталиги 0,1-1,2 мм бўлган, калта ва йўғон



180-расм. Имиллаб юрувчилар *Macrobiotus hufelandi*.

А — нормал ҳолда. Б — қуриб қолган: 1 — ҳалқумисти нерв тугуни, 2 — стилет, 3 — сұлак беззлари, 4 — ҳалқум, 5 — ўрга ичак, 6 — тухумдон, 7 — мальпиги найчалари, 8 — ўрта ичакнинг йўғонлашган қисми, 9 — тесикча, I-IV — оёқлар.

ҳайвонлар. Оёқларининг 3 жуфти бўртма шаклида бўлиб, танаси-нинг икки ёнида, тўртинчи жуфт оёқлари эса танасининг кейинги қисмida жойлашган (180-расм).

Ички тузилиши. Оғиз тешиги танасининг олдинги томонида жойлашган. Ичаги тўғри, ҳалқумига бир жуфт сўлак безларининг йўли очилади. Оғиз бўшлиғида эса бир жуфт ўтқир нинаси (стилет) жойлашган. Унинг ёрдамида ҳайвон ўсимликлар ҳужайраси қобигини тешади ва унинг ширасини сўриб олади. Ичак деворида мальпиги найчаларига ўхшаш иккита ўсимтаси бўлади.

Нерв системаси метамер хусусиятга эга, ҳалқумусти ганглийси, ҳалқумолди коннективалари ва қорин нерв занжиридан иборат. Нерв занжирида 5 жуфт ганглийлари жойлашган. Сезги аъзолари бир жуфт майда кўзчалардан ҳамда танасининг олдинги ва кейинги томонида жойлашган сезгир сўргичлардан иборат.

Силлиқ мускуллари алоҳида дасталар ҳолида жойлашган бўйлама ва кўндаланг мускуллардан иборат.

Имиллаб юрувчилар айрим жинсли, қуруқлиқда ҳаёт кечирадиган турлари орасида урғочилари кўпроқ учраб туради. Эркак индивидлар урғочиларига нисбатан икки марта кичикроқ бўлади. Урғочиси туллаш даврида эски пўстини ичига тухум кўяди.

Ривожланиши ва биологияси. Имиллаб юрувчилар ўзгаришсиз ривожланади. Личинкаси ўсиш даврида бир неча марта туллайди.

Имиллаб юрувчилар одатда нам моҳларда кўп учрайди. Кўпчилик турлар қурғоқчиликка жуда чидамли бўлиб, қуруқ ҳолда икки йилгача тирик қолиши, нам текканида эса яна қайтадан жонланиши мумкин. Қуруқ ҳолда сақланган имиллаб юрувчилар  $150^{\circ}$  ҳароратда ва  $-270^{\circ}$  соvuқда ҳам қисқа муддат давомида тирик қолиши аниқланган.

Имиллаб юрувчилар жуда секин ҳаракат қиласидаги ҳайвонлар ҳисобланади. Улар бир минут ичида 2 мм йўл боса олади.

## БЎГИМОЁҚЛИЛАР ТИПИННИГ ФИЛОГЕНИЯСИ

Бўғимоёқлилар типининг аждодлари танаси кўп бўғимларга бўлинган примитив тузилган кўп тукли ҳалқаличувалчанглар бўлган. Кўпчилик олимларнинг фикрича бўғимоёқлилар билан ҳалқаличувалчанглар тузилишидаги умумий ўхашашлик уларни битта умумий Articulata (бўғимлилар) типига бирлаштириш учун асос бўлади.

Бўғимоёқлилар турли кенжак типларининг вакиллари бир-биридан танасининг бўлимларга бўлиниши, бош бўлимининг ихтисослашиш даражаси, оёқларининг тузилиши ва личинкасининг ривожланиш хусусиятлари билан кескин фарқ қиласиди. Ҳалқаличувалчанглардан бўғимоёқлиларнинг келиб чиқиш жараёни тана тузилиши мураккаблашуви орқали борган. Бу жараёнда чувалчангларнинг юпқа кутикуласи пишиқ ташқи тана скелетига айланган, тери-мускул ҳалтаси алоҳида

мускулларга ажралиб кетиши туфайли аралаш тана бүшлиги — миксоцел пайдо бүлган, параподийлардан юриш оёклари ва орқа қон томиридан эса юрак келиб чиққан, мураккаб кўзлар ривожланган. Цефализация (бошнинг шаклланиши) жараёнида тананинг олдинги бўғимларидан бош бўлими ҳосил бўлиши ва олдинги параподийлар оғиз органлари (жағлар)га айланиши туфайли танадаги гомоном бўғимлар ўрнига гетероном бўғимлар пайдо бўлган. Юқорида келтирилган фикрларнинг далили сифатида сувда ҳаёт кечирадиган айрим бўғимоёклиларда нафас олиш органи ташки тери жабраларидан иборат эканлигини айтиб ўтиш кифоя. Тубан қисқичбақасимонларнинг жабраси ҳам параподийлардан келиб чиққан оёклар билан боғланган. Бироқ оёклар бўғимларга бўлингандиги билан параподийлардан фарқ қилаади. Бўғимоёклиларнинг антеннулласи пайпаслагичлардан ҳосил бўлган.

Бўғимоёклиларнинг энг тубан тузилган вакиллари жабра билан нафас олувчилар ва трилобитасимонлар орасида учрайди. Бу иккала кенжатип вакиллари тузилишида дастлабки бўғимоёклиларга ҳос бўлган бир қанча содда белгилари бўлса-да, улар ўртасида муҳим тафовутлар ҳам мавжуд. Хусусан, қисқичбақасимонларнинг оёклари ҳалқали чувалчанглар параподийларига ҳос бўлган айри шохли, трилобитасимонларники эса бир шохли бўлади. Трилобитасимонларнинг ҳамма тана бўғимларидаги оёклари бир хил тузилган бўлса, қисқичбақасимонларнинг оёклари ихтинослашган. Бош бўлимининг ихтинослашиш даражасига кўра трилобитасимонлар тубан қисқичбақасимонлардан юқори туради. Чунки ҳамма трилобиталарнинг боши танасидан ажралиб туради. Тубан қисқичбақасимонлар бош бўлими дастлабки бош (протоцефалон) ва алоҳида жаф бўғимларидан иборат. Бу далиллар жабра билан нафас олувчилар ва трилобитасимонлар бўғимоёклилар эволюциясининг дастлабки даврлариданоқ мустақил ривожланишга ўтган иккита аждоддан келиб чиққанлигини кўрсатади. Қадимги қисқичбақасимонлар кембрый ётқизиқларидан бошлаб учрайди. Эволюция давомида ҳалқали чувалчангларнинг дастлабки тўртга бўғимларининг параподийлари антенналар ва уч жуфт жағларни ҳосил қилган.

Трахеялилар кенжатипи филогенетик жиҳатдан жабра билан нафас олувчилар билан боғланган. Бу иккала гуруҳда ҳам бош бўлимининг шаклланиши бир хил йўналишда борган. Лекин трахеялиларда антенналар ийқолиб кетиб, фақат уларга мос келувчи бўғим ганглийлари сақланиб қолган. Трахеялилар ва жабра билан нафас олувчиларнинг оғиз органлари ҳам ўхшаш бўлади. Шунинг учун улар ягона аждодлардан келиб чиққан дейиш мумкин.

Хелицепералиларнинг филогенетик йўли трилобитасимонлардан бошланади. Трилобиталар палеозой охиригача яшаган, уларнинг авлодлари эволюция давомида антеннуллаларини ийқотган, бошидаги биринчи жуфт ўсимтлари хелицепераларга, иккинчи жуфти педипальпаларга, қолган икки жуфти эса олдинги икки жуфт юриш оёкларига айланган.

Тана бўғимларидан олдинги икки жуфти кўпчилик хелицералиларда бош бўлими билан бирлашиб яхлит бошқўракни, қолган бўғимлари эса олд ва кейинги қорин бўлимларини ҳосил қилган. Шу сабабдан хелицералилар трилобитасимонлар орқали ҳалқали чувалчанглар билан филогенетик боғланган. Хелицералиларнинг тубан тузилган вакиллари трилобитасимонлар сингари сувда ҳаёт кечиради ва жабра билан нафас олади, олий хелицералиларга мансуб бўлган ўргимчаксимонлар эса қуруқлиқда яшашга мослашган.

Шундай қилиб, бўғимоёқлилар эволюцияси икки хил параллел филогенетик йўналишида борганилгини тахмин қилиш мумкин. Улардан биринчисида дастлаб жабра билан нафас олувчилар, кейинроқ трахеялилар келиб чиқкан. Иккинчи йўналиш трилобитасимонлар орқали хелицералиларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бу жараёнда биринчидан олигомеризация туфайли ҳалқали чувалчангларда тана бўғимларининг сони тобора камая борса, иккинчидан айрим бўғимларининг ихтинослашуви кучайган. Олигомеризация ўз навбатида тана бўғимларининг гетерономлиги, органларнинг ихтисослашуви ҳам кучайшига сабаб бўлган.

Жабра билан нафас олувчилар филогенияси. Бу кенжада тубан тузилиш белгилари жабраоёқлиларда сақланиб қолган. Чунки улар танаси кўп сонли гомоном бўғимларга бўлинган, нерв системаси қорин нерв нарвони типида тузилган, юраги узун найсимон, оёқлари калта икки шохли бўлади. Шунга ўхшашиб тубан тузилиш белгиларини баргоёқлилар ва цефалокаридлар туркумлари вакилларида ҳам кўриш мумкин. Тана бўғимлари сони жабраоёқлиларда 31 гача, баргоёқлиларда эса 46 гача етади. Шохдор мўйловлиларнинг вакилларида эса 8 тагача камаяди.

Чиганоқли қисқичбақасимонлар ва жағоёқлилар бўғимоёқлилар эволюциясининг иккинчи йўналишини ташкил қиласди. Уларнинг танаси кам миқдордаги бўғимлардан (чиганоқлиларда — 10, жағоёқлиларда — 14) иборат. Бу икки туркум битта умумий полимер ҳалқали чувалчанглардан келиб чиқади.

Олий қисқичбақасимонлар кенжада синфи филогенетик жиҳатдан бошқа қисқичбақасимонлар билан қариндош эмас. Чунки улар бошқа кенжада синфлар вакилларига нисбатан ҳам соддароқ тузилиш белгилари (қорин оёқларининг ривожланганлиги, бирламчи бош протоцефалоннинг бўлиши)ни кўриш мумкин. Бу кенжада синфда юпқа совутлилар энг тубан тузилган бўлиб, уларнинг икки жуфт айириш органи — целомодуктлари (антеннал ва максилляр безлари), еттинчи қорин бўғими сақланиб қолган. Тенгоёқлилар ва ёнлаб сузарлар эса энг мураккаб тузилган бўлиб, уларнинг бош бўлимига 1 ва 2 жуфт кўкрак бўғимлари қўшилиб кетган. Олий қисқичбақасимонлар бошқа кенжада синфлардан мустақил йўналишда қисқичбақасимонларнинг энг дастлабки содда тузилган аждодлардан келиб чиқкан.

**Трахеялилар филогенияси.** Бу кенжә типдә күпөёқлиларнинг келиб чиқиши ҳозиргача узил-кесил ҳал қилинмаган. Баъзи олимларнинг фикрича, күпөёқлиларнинг айрим гуруҳлари бўғимоёқлиларнинг алоҳида синфлари бўлиб, улар филогенетик жиҳатдан ўзаро боғланмаган. Бошқа олимлар эса барча қўпөёқлилар битта умумий аждоддан келиб чиқсан синфнинг вакиллари деб ҳисоблайдилар. Кўпөёқлилар орасида лабоёқлилар энг тубан тузилган бўлиб, уларнинг тубан вакиллари танасидаги бўғимларнинг сони жуда кўп (177 гача), бўғимлар эса гомоном тузилишга эга бўлади. Икки жуфтойёқлиларда эса тана бўғимларининг кўпчилиги иккиласми тарзда жуфт-жуфт бўлиб қўшилиб кетган.

Кўпчилик олимларнинг фикрича ҳашаротлар филогенетик жиҳатдан кўпөёқлилар билан боғлиқ. Тана бўғимларининг кўплиги, бўғимларнинг бирмунча гомоном бўлиши, деярли ҳамма тана бўғимларида оёқларнинг ривожланганлик белгилари кўпөёқлиларни ҳашаротларга нисбатан тубан тузилганлигидан далолат беради. Ҳашаротлар орасида ёпиқ жағлилар энг тубан тузилиш белгиларига эга бўлиб, танаси энг кўп бўғимдан иборат. Қорин бўлимида оёқларнингrudimentар қолдиги сақланиб қолган, қанотлари ҳеч қачон бўлмайди, ўзгаришсиз ривожланади. Шунинг билан бирга оғиз органларининг оғиз капсуласи ичидаги жойлашганлиги, санчувчи ва сўрувчи оғиз органларининг ривожланганлиги уларни яхши ихтинослашганлигини кўрсатади. Шу сабабли ёпиқ жағлилар ҳашаротларнинг аждоди бўлолмайди, улар умумий аждодлардан анча эрта ажralиб чиқиб, мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтган гуруҳ ҳисобланади.

Очиқ жағлилар оғиз органларининг дастлабки ҳолати ўзгармасдан сақланиб қолган ҳашаротлар ҳисобланади. Лекин улар бошқа ҳамма белгиларига кўра ёпиқ жағлиларга нисбатан мураккаб тузилган. Очиқ жағлилар орасида қилдумлилар содда тузилган.

Трахеялиларда олигомеризация (бўғимлар сонининг камайиши) жаёнин тана бўғимлари, оёқлар, трахеялар ва нафас тешниклари билан боғлиқ. Агар кўпөёқлиларнинг бўғимлари кўп бўлса, бу кенжә типнинг мураккаб тузилган гуруҳи ҳашаротларда бўғимлар сони 18-17 дан 11-12 тагача камаяди.

**Хелицералилар филогенияси.** Дастлабки хелицералилар қадимги трилобитасимонлардан келиб чиқсан қисқичбақачаёнлар ҳисобланади. Улар трилобитасимонлар билан деярли бир вақтда яшаб, кембрий даврида қирилиб кетган. Қиличдумлилар ҳам қадимги хелицералилардан бўлиб, силур давригача яшаган. Дастлабки ўргимчаксимонлар силур даврида пайдо бўлган, уларнинг тузилиши ҳозирги чаёнларга ўхшаган, лекин сувда яшаган. Қуруқлиқда яшашга мослашган хелицералилар карбон даврида барқ уриб ривожланган.

Хелицералилар орасида қисқичбақачаёнлар ва қиличдумлилар энг тубан тузилганлар ҳисобланади. Ўргимчаксимонлар филогенияси

қисқичбақачаёнлар билан бөглиқ. Чунки бу иккала синф вакилларида ҳам бошкұраги үсімталари сони ва функцияси үхашаш, антеннуллала-ри бұлмайды. Үргимчаксимонларнинг ўпкасы жабрали қориноёқлардан келиб чиққан. Силтур даврида яшаган чаён Palaeophotus қисқичбақачаёнларга үхашаш бўлганидан оралиқ форма ҳисобланади.


Чаёнлар, қилоёқлilar, бийлар ва айрим каналар энг тубан тузилган үргимчаксимонлардир. Уларнинг танасидаги бўғимлар сони кўп бўла-ди. Эволюция давомида айрим үргимчаксимонлар бўғимлари олиго-меризацияга учрайди. Тана бўғимлари ва тана бўлимларининг бирлашиб кетиши үргимчаклар эволюцияси учун хос бўлган умумий ху-сусият ҳисобланади. Айрим турқумлар учун хос бўлган қорин бўлими үсімталари (жинсий тешик қопқоғи, тароқсимон үсімта, ўпка, үргим-чак сўгаллар) ҳам олигомеризацияга учрайди. Масалан, тубан чаёнларда ўпка 4 жуфт, олий үргимчакларда бир жуфт бўлади. Бошқа үргимчакларда эса ўпка бутунлай йўқолиб, трахеялар билан алмашинади.

## 18. ОНИХОФОРАЛАР (ONYCHOPHORA) ТИПИ

Онихофоралар Жанубий яримшарнинг тропик ва мўътадил иқли-мida қуруқлиқда ҳаёт кечиради. Чувалчансимон танаси бўғимларга бўлинган. Бу типга 70 га яқин тур киради. Ҳамма онихофораларнинг бош бўлими танадан аниқ ажралмаган. Танаси гомоном бўғимлардан иборат бўлиб, улар ўртасидаги чегара аниқ кўринмайди. Ҳар бир тана бўғимида бир жуфтдан содда тузилган оёқлар бўлади. Ташиб хитин қоплагичи бўлмайди, тери-мускул халтаси силлиқ мускуллардан ибо-рат. Тана бўшлиғи аралаш (миксоцел) ҳисобланади. Қон айланыш сис-темаси очиқ бўлиб, юраги орқа томонда жойлашган. Айриш органла-ри ҳалқалиичувалчангларга үхашаш ҳар бир бўғимда жойлашган мета-нефридийлардан иборат. Трахеялар ёрдамида нафас олади. Бу типга ягона бирламчи трехеялилар синфи киради.

### 18.1. БИРЛАМЧИ ТРАХЕЯЛИЛАР (PROTRACHEATA) СИНФИ

Бирламчи трахеялилар ҳалқалии чувалчангларга үхашаш секин ҳара-кат қыладиган ҳайвонлар. Үзунлиги 15 см гача, танаси 13 дан 43 гача бўғимлардан иборат. Ҳар қайси бўғимида бир жуфтдан оёқлари бўла-ди. Боши 3 бўғимдан иборат бўлиб, бир жуфт антенналари бор. Ан-тенналарнинг асосида бир жуфт кўзлари жойлашган. Бу антенналар қисқичбақасимонларнинг антеннуллаларига ва ҳашаротлар ҳамда кўпёқлilarнинг мўйловларига мос келади. Иккинчи бош бўғими үсімталари оғиз органларига айланган. Оғиз бўшлиғида хитин тиши-чали иккита бўртикча жағ вазифасини бажаради. Бошининг учинчи бўғим үсімталари оғиз сўрғичларига айланган. Бу сўрғичлар боши-нинг ён томонида жойлашган, уларнинг учки қисмига маҳсус ши-



181-расм. Бирламчи трахеяли перипатойдиснинг тузилиши.

1 — антенна, 2 — күз, 3 — мия, 4 — қорин нерв стволи, 5 — ичак, 6 — бачадон, 7 — тухумдон, 8 — орқа ичак, 9 — ануc, 10, 11 — тухум йули, 12 — шилимшиқ, 13 — сұлак бэзи, 14 — шилимшиқ бес наи, 15 — қызилтүнгач, 16 — ҳалқум, 17 — ҳалқумени сүргичи.

лимшиқ безларининг йўли очилади (181-расм).

Онихофоралиларнинг юриш оёқлари конуссимон бўртиқча шаклида бўлади. Оёқларининг хитин тирнокчалари панжалар билан таъминланган. Жуда содда тузилган оёқлари кўптуклиларнинг параподийларига ўхшаш бўлади.

**Тана қоплагичи** жуда юпқа ва нозик, тиканчали хитин кутикула ва бир қаватли эпителий ҳужайралар билан қопланган. Эпителлий остида бириктирувчи тўқима қавати, унинг остида эса кучли ривожланган силлиқ

мускул қавати жойлашган. Бу қават ташки ҳалқасимон ва ички бўйлама мускуллардан иборат. Жойланиши ва келиб чиқишига кўра мускуллар ҳалқаличувалчангларникига ўхшаш бўлади. Тана бўшлиғи бўғимоёқлиларникига ўхшайди.

**Овқат ҳазм қилиш системаси** олдинги, ўрта ва кейинги ичакдан иборат. Оғзи қорин томонида маҳсус оғиз бўшлиғининг тубида жойлашган. Оғиз бўшлиғига бир жуфт узун найсимон сұлак безларининг йўли очилади. Оғиз тешиги ҳалқумга очилади, ҳалқум эса қызилтүнгач орқали ўрта ичакка ўтади.

**Нерв системаси** бирмунча содда тузилган бўлиб, мияси бўғимоёқлиларга ўхшаш учта бўлимдан иборат. Мия ҳалқумдаги ҳалқа коннективалар ёрдамида иккита қорин нерв толаси билан боғланган. Нерв ҳужайралари бу толалар устида бир текис жойлашганидан қорин нерв занжирни ҳосил қўлмайди. Сезги аъзолари бир жуфт оддий кўзлар, антенналар ва жуда кўп тери сезиш сўргичларидан иборат.

**Нафас олиш системаси** содда тузилган трахеялардан иборат. Тери юзасида жуда кўп нафас тешикчалари бўлади. Бу тешикчалардан уни берк бир даста трахея найчалари бошланади. Трахеялардан ҳаво диффузияланиб тана суюқлигига ўтади.

Юраги узун найсимон бўлиб, орқа томони бўйлаб танасининг олдинги учидан кейинги томонга чўзилган.

**Айриш системаси** метамер жойлашган жуфт органлардан иборат.

Уларнинг ташқи тешиги оёқларининг асосига очилади. Бу органларнинг тузилиши, жойлашган ўрни, функцияси ва мезодермадан келиб чиққанлиги уларни ҳалқали чувалчангларнинг айриш органлари билан боғлиқлигини кўрсатади.

**Жинсий системаси ва ривожланиши.** Айрим жинсли. Эркак индивидлари урғочиларига нисбатан кичик. Улар учун ички уругланиш хос. Уругланиш сперматофор орқали содир бўлади. Деярли ҳамма турлари тирик тугади. Айрим вакилларининг муртаги бачадон ичидаги ривожланиди, бачадон девори орқали она организм билан боғланган бўлади. Шундай қилиб, уларда сутэмизувчилар сингари ҳомила йўлдошига ўхшаган орган шаклланади. Ўзгаришсиз ривожланади.

**Экологияси.** Бирламчи трахеялилар асосан нам тропик ўрмонларда дараҳтларнинг ерда йиқилиб ётган танаси ва тошлар остида учрайди. Улар Марказий ва Жанубий Америкада, Марказий ва Жанубий Африка, Ҳиндистон, Малайя архипелаги, Австралияда тарқалган. Улар орасида энг йириги *Peripatus torquatus* 15 см га етади.

**Филогенияси.** Бир қанча тузилиш белгилари билан бирламчи трахеялилар кўп тукли ҳалқалиларга ўхшаш бўлади. Хусусан танасини бир хил тузилган ҳалқалардан иборат бўлиши, оёқларини параподийларга ўхшашлиги ва айриш органларининг тузилиши уларни кўп туклиларга яқинлигини кўрсатади. Шунинг билан бирга бир қанча белгилари, яъни миксоцеллининг бўлиши, оёқларни оғиз органларга айланиси, юраги, трахеялари, миасининг уч бўлақдан иборатлиги уларни бўғимоёқлилар билан яқинлаштиради.

Бирламчи трахеялиларга хос бўлган айрим белгилар уларни жуда содда тузилганилигидан дарак беради. Бунга мисол қилиб нерв системасини кўрсатиш мумкин. Иккичи томондан жинсий системасининг тузилишида ва эмбрионал ривожланишида бир қанча иккиламчи ихтинослашган белгилар сезилади.

Онихофоралар тузилишининг умумий хусусиятлари уларни бўғимоёқлилар типига киритишга имкон бермайди. Чунки бўғимоёқлиларга хос бўлган қаттиқ ташқи скелет онихофораларда ривожланмаган. Боши эса фақат З бўғимдан иборат. Оёқларининг тузилиши бўғимоёқлиларнига ўхшайди.

Бирламчи трахеялиларнинг аждоди кўп тукли ҳалқалилар бўлган. Уларнинг эволюцияси бўғимоёқлилар билан параллел борган.

## 19. МОЛЛЮСКАЛАР (MOLLUSCA) ТИПИ

Моллюскалар хилма-хил тузилган энг қадимги ҳайвонлар гуруҳи ҳисобланади. Улар қуйидаги хусусиятлари билан бошқа ҳайвонлардан ажралиб туради.

1. Кўпчилик моллюскалар билатериал симметрияли ҳайвонлар. Бироқ бир қанча турларида органларининг жойланиши ўзгариб, тана

симметрияси бузилиши натижасида ассиметрик шаклга киради.

2. Күпчилик моллюскаларнинг танаси бўғимларга бўлинмаган. Фақат тубан тузилган моллюскаларда метамерлик тузилишга хос бўлган белгиларни кўриш мумкин.

3. Танаси бош, гавда ва оёқ деб аталадиган уч бўлимдан иборат. Фақат икки тавақали моллюскаларда бош бўлими бўлмайди. Ҳаракатланиш органи қорин деворидан ҳосил бўлган ягона ўсимтадан иборат.

4. Моллюскалар иккиласи тана бўшлиқли ҳайвонлар бўлиб, целим қолдиғи юраколди халтаси (*перикардий*) ва жинсий безлари бўшлиғидан иборат. Ички органлари оралигини эса биринтирувчи тўқима тўлдириб туради.

5. Ҳамма моллюскалар танасининг асоси *мантия* деб аталадиган тери бурмаси билан ўралган. Мантияси билан танаси оралиғида *мантия бўшилиги* ҳосил бўлади. Бу бўшлиқда жабралар ва айрим сезги органлари жойлашган. Айриш, орқа чиқарув ва жинсий безларнинг тешиги ҳам ана шу бўшлиқка очилади.

6. Моллюскалар танасининг орқа томонида мантиядан ҳосил бўлган чиганоги жойлашган. Чиганоқ танани ҳимоя қилиб туради. Бир қанча моллюскаларнинг чиганоги тарихий тараққиёт давомида редукцияга учраган.

7. Қон айланиш системаси очиқ бўлиб, қони томирлар орқали оқиши билан бирга лакунлар ва синуслар деб аталадиган найлар орқали ҳам оқиб ўтади. Юраги қоринча ва бўлмача деб аталадиган икки ёки ундан кўпроқ камераларга бўлинади.

8. Нафас олиш органлари одатда *ктениидий* деб аталадиган жабралардан иборат. Фақат қуруқликда ҳаёт кечирадиган ва бир қанча чучук сув қориноёкли моллюскалари ўпка орқали нафас олади.

9. Айриш органи ҳалқали чувалчангларнинг метанефридиийларига ўхшаш тузилган бир жуфт найсимон буйракдан иборат. Буйраги юраколди халтасидан бошланиб, чиқарии сифони деб аталадиган мантия бўшлиғига очилади.

10. Нерв системаси танасининг ҳар хил қисмида тарқоқ жойлашган нерв тугунларидан иборат. Фақат тубан тузилган моллюскаларнинг нерв системаси ҳалқум атрофи нерв ҳалқаси ҳамда тана бўйлаб йўналган нерв толаларидан иборат бўлади.

11. Денгизда ҳаёт кечирадиган моллюскаларнинг личинкалари трохофара ёки трохофорага ўхшаш елканли личинка — *веллердан* иборат.

Моллюскалар типига хилма-хил тузилган 150000 га яқин тур киради. Кўпчилик моллюскалар денгизларда ва чучук сув ҳавзаларида ҳаёт кечиради. Улар орасида қуруқликда яшайдиган турлари ҳам кўп. Бу тип ёнбош нервлилар ва чиганоқлилар кенжা типига ажратилади.

## 19.1. ЁНБОШ НЕРВЛИЛАР (AMPHINEURA) КЕНЖА ТИПИ


Бу кенжә типге бир неча мм дан 35 см гача қатталиқдаги иккى ёнлама симметриялы моллюскалар киради. Ички тана халтаси бўлмайди. Мантия кутикуласи сиртдан оҳак тантгачалар билан қопланган. Кўпчилик моллюскаларнинг танасини орқа томондан ўзаро ҳаракатчан туашшган алоҳида қалқончалардан иборат чиганоқ ётиб туради. Бошида кўзлари, пайпаслагичлари ва статоцистлари бўлмайди. Нерв системаси тана бўйлаб жойлашган икки жуфт нерв томирларидан иборат. Бу томирлар ҳалкум атрофида ва анал тешигидан кейинги жойда ўзаро туашади. Ёнбош нервлиларга 1300 га яқин моллюскалар тури киради улар қалқондорлар, яъни хитонлар ҳамда қалқонсизлар, яъни эгатча қоринлилар синфига бўлинади.

### 19.1.1. ҚАЛҚОНДОРЛАР, ЯЪНИ ХИТОНЛАР (LORICATA, POLYPLACOPHORA) СИНФИ

**Ташқи тузилиши.** Танаси орқадан қорин томонга ясислашган узун-чоқ овал шаклида; бош, гавда ва қорин бўлимларидан иборат (182-расм). Боши танасидан аниқ ажралиб чиқмаган бўлиб, қорин томонга силжиган. Кенг ва ясси мускулли оёғи танани қорин томонидан қоплаб туради. Бу мускулларнинг қисқариши туфайли хитонлар аста-секин сирғалиб ҳаракат қиласди. Хитонларнинг тери қоплағичи танасининг ҳамма томонидан осилиб тушиб турадиган мантия бурмаларини ҳосил қиласди. Бу бурмалар билан танаси ўртасида танани ҳалқа шаклида ўраб олган бўшлиқ мантия эгатчаси жойлашган. Мантия эгатчаси ичидаги 4 жуфтдан 80 жуфтгача патсимон жабралари жойлашган.

Хитонлар танаси орқа томондан 8 та пластинкадан иборат чиганоқ билан қопланган. Пластинкалар бир қатор кетма-кет жойлашган ва бир-бири билан ҳаракатчан тулашиб тургани туфайли хитон захкашлар сингари қорин томонига букилиб, юмаланиши мумкин. Чиганоқнинг тузилиши мускулларининг тузилишида ҳам ўз аксини топади. Мускулларининг тўп-тўп бўлиб чиганоқ пластинкаларига кетма-кет бирикиши ҳалқали чувалчанглар танасида органларнинг жойлашишини эслатади.

**Овқат ҳазм қилиши системаси.** Оғиз тешигиги бошининг остида жойлашган бўлиб, олдинги ичакнинг кенгайган мускулли учки қисми — ҳалкумга очилади. Ҳалқумида жойлашган мускулли тилчасининг усти қалин шоҳсимон кутикула билан қопланган. Кутикула сиртида бир неча қатор шоҳсимон тишчалар — радиула, яъни қирғичи жойлашган. Бу тишчалар ёрдамида моллюска қоя ва тошларга ёпишиб олган сув ўтлари ва бошқа озиқани қириб олади.



182-расм. Хитон (Tonicella magnorea).

А — орқа томондан. Б — қорин томондан: 1-8 — чиганоқ пластинкалари, 9 — мантия, 10 — бош, 11 — оёқ, 12 — жабралар, 13 — оғиз тешиги, 14 — анал тешиги, 15 — буйрак тешиги, 16 — жинсий тешик.

Ҳалқумдан тор найча шаклидаги қизилүнгач бошланади. Қизилүнгач ўрга ичакнинг халтасимон кенгайган олдинги қисми — ошқозонга ўтади. Ёнбош нервлиларнинг ўрта ичаги жуда узун бўлиб, унга жигар найлари йўли очилади. Ўрта ичак бир неча марта букланиб туради. Унинг кейинги томони — орқа ичак мантия бўшлиғига очилади. Хитонлар тошларга ёпишган майда сув ўтларини қирғичлар ёрдамида қириб олади.


**Нафас олиш органлари.** Қалқондорларнинг 4 жуфтдан 80 жуфтгача жабралари бўлади. Бу жабралар тананинг икки ёнида мантия эгатчаси ичдида жойлашган. Жабралар патсимон шаклда тузилган. Ҳар қайси жабра ланцетсимон пластинкага ўхшаш бўлиб, унинг юзасида тик жойлашган майда япроқчалари худди китоб варақлари сингари бир-бирининг устига тахланиб туради. Жабралар ҳилпирорчи киприкли эпителлий билан қопланган. Жабра пластинкаларига вена қони келиб туради. Бу қон жабра япроқчаларида углерод газини чиқариб, кислород билан бойийди ва жабрадан чиқиб кетадиган қон томирларига ўтади. Эпителлий киприкчаларининг ҳаракатланиши туфайли жабрани доимо сув ювиб ўтиб туради.

**Қон айланиш системаси.** Юраги танасининг кейинги қисмida ичакнинг устидаги жойлашган бўлиб, марказий қоринча ва иккита ён бўлма-

чыдан тузилган. Қон юрак бүлмачаларидан клапанлы 1 ёки 2 жуфт теншиклар орқали қорингчага тушади. Қоринчанинг кейинги учи берк, олдинги учидан кенг аорта томири бошланади. Аортадан органларга артериялар чиқади. Артериялардаги қон органлар ҳамда тұқымалар орасида жойлашган лакунларға келиб қуйлади. Лакунларда қон кислородни тұқымаларға бериб, ён томонда жойлашган жабраларға етиб боради. Қон томирлари жабраларға келиб, жуда күп майды томирчалар — капиллярларға тармоқланади. Ҳар қайси жабрадан қон дастлаб вена, сүнгра эса иккита йирик қон томирига тушади. Бу томир орқали қон яна юракка келиб қуйлади. Шундай қилиб, қалқондорлар қон айланыш системаси туаш бүлмайды.

**Айириш органлари.** Ычакнинг икки ёнида биттадан букилган найчалар жойлашган. Найчаларнинг танага қаратылған воронкасімон учи юрак олди бүлмаси целом билан bogланған, ташқи учи эса айириш теншиги орқали мантия этатчасига очилади. Ҳар қайси найлардан ён томонға жуда күп учи берк найчалар тарқалади. Шундай қилиб, моллюскаларнинг айириш органлари ҳалқали чувалчангларнинг жинсий воронкалары (целомодуктлари)ға мос келади.

**Нерв системаси** бошқа моллюскаларға нисбатан жуда содда тузилған бүлиб, ҳалқали чувалчангларға бирмунча үхшаш бүлади. У күриниши билан күшалоқ занжирни эслатади (183-расм). Нерв системаси-



183-расм. Моллюскаларнинг марказий нерв системаси.

А — ёнбош нервилар. Б — қориносқилилар. В — икки паллалилар: 1 — бош нерв ёйи, 2 — си (мантия-чети) нерв стволи, 3 — осек стволи, 4 — ҳалқумости ёйи, 5 — бош ганглиялар, 6 — осек ганглиялар, 7 — мантия (плеврал) ганглиялар, 8 — ички (висцерал) ганглиялар.

нинг асосий қисмлари ҳалқум атрофи ҳалқа томири ва тана бўйлаб кетадиган икки жуфтি нерв стволларидан иборат. Улардан бир жуфти педал нерв стволлари сёғининг ичидан, иккинчи жуфти плевровисцерал томирлар танасининг четлари бўйлаб мантия эгатчалари остидан ўтади. Педал нерв стволлари кўндаланг нервлар ёрдамида туташган. Плевровисцерал стволлар эса параллел жойлашган педал нерв стволлари билан туташиб туради, ҳалқум атрофи нерв ҳалқаси бош томонни, педал нерв стволлари оёқни, плевровисцерал томирлар эса тананинг бошқа аъзоларини нервлар билан таъминлади.

**Сезги органлари.** Қалқондорларнинг сезги органлари кучсиз ривожланган. Танасининг икки ёнида жабралар асосида сезувчи эпителий ҳужайралари кимёвий сезги органлари ҳисобланади. Бу органлар бошқа моллюскаларнинг осфрадийларидан кескин фарқ қиласди. Моллюсканинг орқа томонида эстетлар деб аталадиган жуда кўп миқдорда майда туйғу органлари жойлашган. Эстетлар чўзиқроқ бир тўп сезгир ҳужайралардан иборат. Уларнинг бир чети чиганоқнинг ташқи қатлами, иккинчи учи эса нерв толалари орқали плевровисцерал нерв стволлари билан туташади. Мувозанат сақлаш органи ва пайпаслагичлари бўлмайди.

**Жинсий системаси.** Хитонлар айрим жинсли ҳайвонлар. Уруғдан ёки тухумдони ичаги устида жойлашган ва тоқ бўлади. Жинсий бези иккита чиқариш йўли орқали мантия эгатчасига очилади. Етилган жинсий ҳужайралари сувга чиқарилади. Куйикиш органлари бўлмайди.


**Ривожланиши.** Уруғланган тухумдан чиқадиган личинкаси ҳалқали чувалчангларнинг трохофорасига ўхшаш бўлади ва сувда сузуб юради. Кейинчалик личинканинг орқа томонида чуқурча пайдо бўлади. Чуқурча устида чиганоқ пластинкалари ҳосил бўлади. Личинканинг қорин томонида бўртикка ўхшаш оёқ ва икки жуфт кўз шаклланади. Личинка киприклари ва кўзчаларини ташлаб, сув тубига чўқади ва вояга етади.

## 19.2. ЧИГАНОҚЛИЛАР (CONCHIFERA) КЕНЖА ТИПИ

Танаси чиганоқ ичида жойлашган. Чиганоғи яхлит ёки икки тавақали бўлади. Нерв системаси тарқоқ тугун типида тузилган. Ён нерв стволлари орқа ичакдан кейинроқда туташган бўлади. Кўзлари ва пайпаслагичлари бошида жойлашган. Мувозанат сақлаш органлари ривожланган.

Чиганоқлилар моноплакофоралар, қориноёқлилар, куракоёқлилар, пластинка мўйловлилар ва бошоёқлилар деб аталадиган синфларга бўлинади.

### 19.2.1. МОНОПЛАКОФОРАЛАР (MONOPLACOPHORA) СИНФИ



184-расм. Неопилинанинг тузилиши схемаси.

1 — бош пайпаслагичи, 2 — оёқ мускуллари, 3 — буйрак, 4 — ташқи буйрак тешиги, 5 — жабра, 6 — юрак қоринчаси, 7 — анал тешик, 8 — юрак олди бўлмаси, 9 — жинсий без, 10 — буйракни целом билан бирлаштирувчи най, 11 — плевровисцерал нерв, 12 — велум.

Оғзининг олдинги томонида бир жуфт пайпаслагичлари ва велум деб аталадиган тери бурмаси бўлади. Кўзлари ривожланмаган. Велумнинг учки қисмида жойлашган бир жуфт пайпаслагичлари кимёвий сезги орғанлари вазифасини бажаради. Неопилинанинг мантияси совутлиларнинг мантиясига ўшаб танаси атрофида ҳалқа шаклида жойлашган; боши, оёғи ва чиганофининг четларини ўраб туради. Мантияси, боши ва оёғи орасидан анча кенг мантия эгати ўтади. Кенг ва яssi товоңдан иборат оёғи бошининг кейинги томонида жойлашган. Мускуларининг жойлашуви метамер хусусиятга эга бўлиб, 8 жуфт мускуллари оёғидан чиганофининг орқа томонига таралади. Оёғидан орқароқда кичик бўртиқчаси устида анал тешиги, оёғининг икки ёнида эса 5-6 жуфт патсимон жабралари жойлашган.

Овқат ҳазм қилиш системаси ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон, ўрта ва орқа ичакдан иборат. Ҳалқумида жойлашган қирғичи шоҳсимон тишчалар билан қопланган.

Қон айланиш системаси юрак ва қон томирларидан иборат. Юраги

МОНОПЛАКОФОРАЛАР  
қазилма қолдиги кембрий,  
силур ва девон ётқизиқларида  
учрайди. Уларнинг чиганоғи  
қубба, ликопчча ёки спиралси-  
мон шаклда бўлган. Бу синф  
нинг ягона тирик вакили *не-  
опилина* — *Neopilina galatheae*  
1952 йилда Тинч океанинг  
Шарқий қисмида 3590 м чу-  
курликда топилган.

Неопилинанинг тана диаметри 3 см гача бўлган конусга ўхшаш чиганоғ билан қопланган. Чиганоғнинг учки қисми бир оз олдинга сурилган, пастки қисми эса доира шаклида кенгайган. Танаси кичкина бош, анча баланд гавда ва дискка ўхшаш кенгайган оёқдан иборат (184-расм). Боши танасининг олдинги томонида жойлашган бўлиб, гавдасидан аниқ ажралмаган, унда оғиз тешиги жойлашган.

Пайпаслагичлари ва велум деб аталадиган тери бурмаси бўлади. Кўзлари ривожланмаган. Велумнинг мантияси совутлиларнинг мантиясига ўшаб танаси атрофида ҳалқа шаклида жойлашган; боши, оёғи ва чиганофининг четларини ўраб туради. Мантияси, боши ва оёғи орасидан анча кенг мантия эгати ўтади. Кенг ва яssi товоңдан иборат оёғи бошининг кейинги томонида жойлашган. Мускуларининг жойлашуви метамер хусусиятга эга бўлиб, 8 жуфт мускуллари оёғидан чиганофининг орқа томонига таралади. Оёғидан орқароқда кичик бўртиқчаси устида анал тешиги, оёғининг икки ёнида эса 5-6 жуфт патсимон жабралари жойлашган.

бир жуфт қоринча ва икки жуфт юраколди бўлмасидан ташкил топган. Қоринчалардан чиққан қон аорта орқали жигар, ичак, жинсий безлар ва бошқа ички органларни ўраб олган лакунар системага, у ердан жабраларга боради. Жабраларда оксидланган қон юрак олди бўлмаларига ва у ердан қоринчаларга қуйилади. Ҳар бир юрак қоринчалари юпқа деворли целомик халтачалардан иборат перикардий ичидаги жойлашган. Моноплакофораларда бир жуфт анча кенг дорзal целомлар ҳам бўлади. Дорзal целомлар чиқариш наилари орқали ташқарига очилади.

Айриш системаси б жуфт буйраклардан иборат. Улардан икки жуфти перикардий бўшлиқларидан, қолган 4 жуфти дорзal целомик бўшлиқлардан бошланади. Буйракларнинг чиқариш тешиги жабралар яқинида мантия эгатчасига очилади.


Моноплакофораларнинг нерв системаси ёнбош нервилларникига ўхшаш тузилган. Бошида бир жуфт пайпаслагичлар, улардан орқароқда бир жуфт кимёвий сезги органлари бўлади.

Дорзal целомнинг бўлиши, қон айланиш, айриш ва нафас олиш системаси органларининг метамер жойлашганлиги неопилинанинг тубан тузилганлигини кўрсатади.

### 19.2.2. ҚОРИНОЁҚЛИ МОЛЛЮСКАЛАР (GASTROPODA) СИНФИ

Қориноёқлиларнинг кўпчилик вакиллари денгизларда ҳаёт кечирали, бир қанча турлари чучук сув ҳавзаларида ва қуруқликда яшашга ўтган. Улар орасида паразит турлари ҳам учрайди. Қориноёқлилар жуда хилма-хил бўлиб, оджабралилар, орқажабралилар ва ўпқалилар кенжака синфларига ажратилади.

Қориноёқлилар танаси асимметрик тузилган. Бош қисми танасидан аниқ ажралиб туради. Ягона оёғи кенг ва яси товоңдан иборат (185-расм). Чиганоғи яхлит бўлиб, айрим вакилларида редукцияга учраган. Улар танасининг устки томони чўзилиб, кенг ички халтага ўхшаш ўсим-



185-расм. Қориноёқли моллюскалар.

А — ток шиллиги. Б — яланноч шиллиқ: 1 — чиганоқ, 2 — пайпаслагичли бош, 3 — оёқ, 4 — нафас олиш тешиги, 5 — жинсий тешик, 6 — кўз.

186-расм. Қанотоёқли моллюска *Clione limacina*.


1 — оғизолди ўсимтаси, 2 — пайпаслагичи, 3 — сүзгичи (оёғининг ён томонлари), 4 — құшилиш органды, 5 — ички халтаси (танаси), 6 — оёғининг ўрта қисметі.


тани ҳосил қиласы. Қориноёқлиларнинг асимметрик түзилишини танасининг ўнг томонда жойлашған мантия комплексі органларининг редукцияға учраши, шунингдегі ички халтасининг чиганоқ шаклиға мос ҳолда спирал буралғанлигі да үз ифодасини топади.

**Ташқы түзилиши.** Қориноёқлиларнинг бош қисмінде оғиз тешігі, 1-2 жуфт пайпаслагиҷлары ва бир жуфт күзлари жойлашған. Бошининг олдинги қисми хартумга үхшаш чүзилған. Оёғи одатда кенг ва ясси қорин ўсимтадан иборат. Моллюска оёқ мускуларининг тұлқинсімөн қисқарышы туғайлы секин-аста силжиб ҳаракат қиласы. Яшаш тарзи оёғининг түзилишини ҳам үзгартыриши мүмкін. Масалан, сувда сузадиган елқа-оёқлиларнинг оёғи иккі ён томонига жуда кенгайып, кенг қанотсімөн эшкакни ҳосил қиласы.

Оёғининг устида жойлашған танаси спирал шаклида буралған. Танасининг пастки томони мантия бурмаларини ҳосил қиласы. Мантия остида мантия бүшиғи ва мантия комплексінде киругача органлар жойлашған. Мантиясы чиганоқ ҳосил қиласы.

Чиганоғи одатда спирал шаклда буралған бўлиб, унинг ингичка учкиси берк, кенгайған қисмидә эса тешігі бўлади (187-расм). Бу тешікдан моллюсканинг боши ва оёғи чиқиб туради. Айрим тубан түзилған қориноёқлилар (масалан, фалтакчалар) чиганоғи конуссимөн спирал шаклда буралған бўлади. Моллюска танаси ўсан сайин чиганоқ ҳам янги кенгроқ спираллар ҳосил қилиб, иириклиша боради. Чиганоқ соат стрелкаси ҳаракати йўналишида ёки унга тескари буралған бўлиши мүмкін. Хавф туғилганида моллюска танасини чиганоқ ичига тортиб олади. Айрим моллюскалар оёғининг орқа томонда чиганоқ оғзини ёпиб оладиган қопқоқчаси ҳам бўлади. Чиганоқ одатда юпқа ташқы органик ва унинг остида жойлашған оҳак ҳамда чинни қаватдан иборат. Айрим моллюскалар чиганогининг ички юзаси садаф қават билан қопланган. Қориноёқли моллюскаларда чиганоқ турли даражада редукцияға учраган бўлиши мүмкін. Масалан, шиллиқ қуртлар ва яланнеч жабрали моллюскалар чиганоғи мантия остида жойлашған юпқа






187-расм. Қориноёқли моллюскалар чиганоқлари.

1 — оддий шиллик, 2 — фалтакча, 3 — кичик шиллик, 4 — ўтлоқ тириктуғари, 5 — битиния.

пластинка ёки майда оxaк танаачалар шаклида сақланиб қолган. Сувда ва қуруқликда ҳaёт кечирадиган қориноёқлиларда бутунлай йүқолиб кетади.

Мантия бўшлиғи чиганоқнинг пастки қисмида жойлашган бўлиб, унга орқа чиқарув тешиги, сийдик йўли ва баъзан жинсий безларнинг йўли очилади. Сувда ҳaёт кечирадиган моллюскаларнинг мантия бўшлиғидаги жабралар жойлашган, қуруқликда ва баъзан чучук сувда яшовчи моллюскаларнинг мантия бўшлиғи эса ўпкага айланган.

**Овқат ҳазм қилиши системаси.** Оғиз тешиги бошининг остки томонида жойлашган. Айрим йиртқич вакилларида бошининг олдинги қисми ҷузилиб, ҳартумни ҳосил қиласди. Оғиз тешиги оғиз бўшлиғи орқали ҳалқумга ўтади. Ҳалқумда битта ёки иккита жағлар ҳамда пластинкасимон мускулли тилча қирғичи (радула) бўлади. Бу тилчанинг сирти кутикула ҳамда майда тишчалар билан қопланган. Моллюсканинг жаглари ҳам кутикуладан ҳосил бўлади. Тишчалар ёрдамида моллюска озиқни узиб олади ёки сув ўтлари ва сув остидаги нарсалардан ҳар хил микроорганизмларни қириб олади. Ҳалқум бўшлиғига бир жуфт сўлак безларининг йўли очилган (188-расм). Айрим йиртқич моллюскалар сўлак бези таркибида эркин хлорид кислотаси бўлади. Бу кислотанинг сўлакдаги миқдори 4% га етади. Кислотали сўлак ёрдамида бошқа йиртқич моллюскалар чиганоги ва игнатериллар терисини емирди. Ҳалқум анча узун қизилўнгачга очилади. Қизилўнгачнинг кенгайган қисми жигилдон деб аталади. Ҳалқум ва қизилўнгач эктодермал олдинги ичакдан иборат.



188-расм. Қориноёқли моллюскаларнинг тузилиши схемаси.

1 — чиганоқ, 2 — күз, 3 — пайнаслагич, 4 — бош нерв ганглийси, 5 — оёқ нерв ганглийси, 6 — плеврал ганглий, 7 — висцерал ганглий, 8 — статоцист, 9 — оёқ, 10 — юрак, 11 — юракодди халтаси бўшлиғи, 12 — жабралар, 13 — айриш органлари, 14 — қирғич, 15 — сўлак бези, 16 — жигар, 17 — орқа ичак, 18 — жинсий без.

Ўрта ичакнинг олдинги қисми халтасимон кенгайган бўлиб, ошқозон деб аталади. Ошқозон бўшлиғига “жигар” йўли очилган. Жигар моллюскаларда ичакдан келиб чиқсан. Жигар секрет ишлаб чиқариш билан бирга ичак сингари озиқни сўриш вазифасини ҳам бажаради. Жигар суюқлиги углеводларга таъсир қиласди. Бундан ташқари жигарда ёф ва гликоген тўпланади. Тубан қориноёқлилар ошқозонидан озиқ сараланади. Озиқнинг бир мунча майдада бўлаклари ошқозон эпителийси киприкчаларининг ҳаракати туфайли жигар найчалари орқали жигар бўшлиғига тушади ва жигар ҳужайралари томонидан қамраб олиниб, ҳазм (фагоцитоз) қилинади.

Ошқозон ингичка ичак билан туташган. Ингичка ичак бир неча марта буралиб, орқа ичакка уланади. Орқа ичак бош яқинидаги чиқарув тешиги орқали ташки муҳиттга очилади. Айрим тубан қориноёқлиларнинг орқа ичаги юрак қоринчаси орқали ўтади.

**Нафас олиши системаси.** Қориноёқлилар жабралар ёки ўпка билан нафас олади. Ҳақиқий жабралар ктенидий типидаги жуфт органлар бўлиб, патсимон шаклда ва танасининг икки ёнида жойлашган. Ҳар бир ктенидий ясси устунчча — ўқдан ва унда икки қатор бўлиб жойлашган япроқчалардан иборат. Дастроб ктенидийлар бир жуфт бўлади. Лекин кейинчалик тана асимметрияси туфайли улардан бири редукцияга учрайди ёки бутунлай йўқолиб кетади. Ктенидийларнинг асосида кимёвий сезги органи — осфрадийлар жойлашган.

Бир қанча моллюскаларда бирламчи ёки ҳақиқий жабралар йўқолиб

кетиб, ўрнига уларга мос келадиган бошқа хил нафас олиш органлари пайдо бўлади. Сувда ҳаёт кечирадиган қориноёқлиларда бундай органлар тананинг турли қисмларидан ўсимта ҳолида шаклланади. Бундай ўсимталар физиологик жиҳатдан ктенийларга мос келади, лекин уларнинг аналоги бўлмаганингидан иккиласи *адаптив жабралар* дейилади. Қуруқликда ҳаёт кечиришга ўтган моллюскаларда ктений йўқолиб, унинг ўрнига ўпка пайдо бўлади, яъни сувдан нафас олиш ҳаводан нафас олиш билан алмашинади. Бунда моллюскалар мантия бўшлигининг бир қисми танадан ажралади, унинг деворида жуда кўп қон томирлари пайдо бўлади ва мантия бўшлиғи ўпка бўшлиғига айланади. Айрим ўпкали моллюскалар қайтадан сув муҳитида яшашга ўтишган бўлса-да, ўпка билан нафас олишади.

**Қон айланиш системаси.** Юраги ҳар хил тузилган. Примитив вакиларининг юраги қоринча ва иккита бўлмадан иборат бўлиб, бошидан орқароқда жойлашган. Асимметрияning пайдо бўлиши, яъни ўнг жабрани редукцияга учраши билан ўнг юрак бўлмаси ҳам аста-секин йўқолиб кетади. Олий қориноёқли моллюскалар юрагининг фақат ўнг бўлмаси сақланиб қолади, чап бўлмаси эса бутунлай йўқолиб кетади. Шунинг билан бирга юракнинг ўрни ҳам ўзгаради. Масалан, олджабралилар ва ўпкалиларнинг юраги ошқозонининг олдида, орқа жабралиларда эса ошқозоннинг орқасида жойлашган. Иккинчи тана бўшлиғи (целом)дан ҳосил бўлган перикардий (юраколди халтаси) юракни ўраб туради.

Юрак қоринчасидан аорта бошланади. Аорта иккита аорта томирига ажралади. Улардан бири бошга, иккинчиси эса ички органларга боради. Органлар яқинида аорта arterияларга бўлинади. Ўпкали моллюскаларда йирик қон томирлари анча майда капиллярларга бўлинади. Қон томирлардан бириктирувчи тўқимада жойлашган лакунларга тўкилади. Бирмунча йирик лакунлар ошқозон, жигар ва жинсий безларни ўраб туради. Қон лакунлардан жабралар ёки ўпкага боради; у ерда оксидлангач, яна юракка келиб қуйилади. Шундай қилиб қоринёқлиларнинг юрагига кислород билан тўйинган arterия қон келади. Қон рангиз бўлиб, унинг таркибида амёбоцит ҳужайралари бор.

**Нерв системаси.** Тубан тузилган вакилларининг нерв системаси ёнбош нервлиларнига ухшаш тузилган, нерв ганглийлари бўлмайди ёки ганглийлар жуда кучсиз ривожланган. Нерв ҳужайралари эса нерв томирлари бўйлаб жойлашади. Олий қориноёқлиларда нерв ҳужайралари нерв томирининг маълум жойларида тўпланиб, бир неча нерв тугуларини ҳосил қилади. Олджабрал қориноёқлиларда беш жуфт нерв ганглийлари бўлади. Шу жумладан, биринчи жуфти церебрал ганглийлар ҳалқум устида, иккинчи жуфти педал ганглийлар сёғининг олдинги қисмida, учинчи жуфти плеврал ганглийлар педал ганглийлар устида, тўртингич жуфт висцерал ганглийлар орқа ичакнинг остида, бешинчи жуфт париетал ганглийлар эса плевровисцерал

метрия белгилари пайдо бўлган, унинг ўнг жабраси чап жабрасидан кичикроқ, чиганоғи қулоқсимон. Маржон рифларида учрайдиган Docoglossa да эса ўнг ктенидий бўлмайди. Типик вакили дengiz ликопчаси — *Patella* деярли ҳамма дengизларда қирғоқ яқинида учрайди.

2. Битта юраколди бўлмалилар (*Monotocardia*). Мантия комплекси органлари биттадан, фақат тананинг чап томонида жойлашган. Чучук сувда ёки қуруқликда яшашга мослашган бир қанча вакилларида ктенидий бутунлай бўлмайди ёки у иккиласми жабралар билан алмаси нади. Педал ганглийлари ривожланган.

Денгизнинг литорал қисмида одатда *Littorina* кўп учрайди. Атлантика ва Тинч океанларнинг Шимолий қисмида учрайдиган *Buccinum* истеъмол қилинади. Кўл, ҳовузда *Viviparus* ва *Bithynia* учрайди (136-расм).

Олджабралилар оёғида чиганоғи тешигини ёпиб турувчи қопқоқча-си бўлиши билан ўпкали моллюскалардан фарқ қиласди.

Денгизларда учрайдиган эшкакоёқлилар (*Heteropoda*) планктон ҳаёт кечиради. Моллюска оёғи ўрта қисми ён томонлардан сиқилган тик сузгични ҳосил қиласди, кейинги қисми думга ўхшаш чўзиқ бўлади. Улар йиртқич ҳаёт кечиради. Айрим турлари ниналиларда паразитлик қиласди.

### 19.2.2. ОРҚАЖАБРАЛИЛАР (*OPISTHOBRANCHIA*) КЕНЖА СИНФИ

Орқажабралиларнинг мантия комплекси органи олдинги томондан танасининг ўнг томонига силжиган. Ягона жабраси юрагининг ортида жойлашган. Одатда чиганоғи редукцияга учраган. Гермафродит. Фақат денгизларда учрайди. Ёпиқжабралилар (*Tectibranchia*) ва яланғоч жабралилар (*Nudibranchia*) туркумларига бўлиниади. Ёпиқжабралиларнинг ктенидийси ва одатда чиганоғи бўлади. Бу туркумга қанот оёқлилар (*Pteropoda*) ва Шимолий денгизларда кенг тарқалган *денгиз авлиёси* (*Clione limacina*) киради (186-расм). Денгиз авлиёсининг чиганоғи бўлмайди, танаси пуштиқизиши рангда, тишсиз китларнинг озиги ҳисобланади.

Яланғочжабралилар ктенидийси редукцияга учраган; унинг ўрнига иккиласми жабра ҳосил бўлади. Чиганоғи бўлмайди. Шимолий денгизларда кенг тарқалган *Dendronotus* *Catriona* уруғларига мансуб яланғочжабралилар танасининг орқа томонида жуда кўп жабралари бўлади.

### 19.2.2.3. ЎПКАЛИ МОЛЛЮСКАЛАР (*PULMONATA*) КЕНЖА СИНФИ

Ўпкали моллюскалар ёки шиллиққуртларнинг ктенидий жабралари йўқолган. Нафас олиш органи — ўпкаси мантия бўшлиғидан ҳосил бўла-

ди. Товонининг олдинги қисмиди шилимшиқ бези жойлашган. Без сүюқлиги товонини ҳўллаб туради. Моллюска ана шу шилимшиқ модда ҳосил қиласиган юпқа парда устида сирпаниб ҳаракат қиласи.

Ҳамма ўпкалилар гермафрордит. Фақат қуруқлиқда ва чучук сув ҳавзаларида ҳаёт кечиради. Ўпкали моллюскалар ўтроқ қўзлилар ва почча қўзлилар туркумларини ўз ичига олади.

**1. Ўтроқ қўзлилар** (*Basommatophora*)га асосан чучук сувларда ҳаёт кечирадиган шиллиққуртлар киради. Улар ўпкасини ҳавога тўлдириш учун дамба-дам сув юзасига кўтарилиб туради. Кўзлари иккинчи жуфт пайпаслагичлари асосида жойлашган. Бу туркум вакилларидан чучук сув шилифи (*Lymnaea stagnalis*) кўл ва ҳовузларда учрайди. Унинг каталиги 6-7 см га етади. Бу шиллиққурт сув ўсимликлари ва майдо жони-вролар билан озиқланади. Чучук сув ҳавзаларида кичик сув шилифи (*Lymnaea truncatula*) кенг тарқалган. У шиллиққурт турли ботқоқликларда, кўлмак сувлар ва булоқларда учрайди. Бу кичкина моллюска қорамоллар ва одамнинг хавфли паразити жигар қуртининг оралиқ ҳўжайини ҳисобланади. Моллюскалар кўп учрайдиган жойларда қорамоллар ҳам жигар қурти билан кўпроқ заарлланган бўлади. Чорва молларини жигар қурти билан заарланишини олдини олиш учун бу шиллиққуртларни сувга оҳак сепиб йўқотилади.

Чучук сувларда сув ғалтакчалари ҳам кўп учрайди. Улар орасида шохли ғалтакча *Planorbarius cornutus* айниқса кўп тарқалган. Унинг каталиги 25-30 мм, чиганоғи қўнгир ёки мalla рангда бўлади. Бош қисмида ипсизмон узун пайпаслагичлари бўлади. У сув тубидаги лойга ва ўсимликларга ёпишган ҳар хил майдо организмлар, ўсимлик қолдиқлари, ҳайвонларнинг мурдалари билан озиқланади.

Ўтроқ қўзлиларнинг айрим вакиллари денгизларнинг бирмунча чучук сувли кўрфазларида ва қуруқлиқда ҳаёт кечиришга мослашган.

**2. Поячакўзлилар** (*Stylommatophora*) туркуми вакиллари асосан қуруқлиқда ҳаёт кечиради. Улар энг юксак тузилган қориноёқлилар ҳисобланади. Пайпаслагичлари икки жуфт бўлиб, кўзлари иккинчи жуфт пайпаслагичларининг учки қисмida жойлашган. Пайпаслагичлари ва териси туйғу ҳамда ҳид билиш вазифасини бажаради. Кўпчилик поячакўзлиларнинг яхши ривожланган чиганоғи бўлади. Жанубий Европа мамлакатларида кенг тарқалган *ток шилиғи* (*Helix pomatia*) чиганоғининг баландлиги 5 см га етади. Шиллиқ ўсимликларнинг яшил қисмлари билан озиқланганидан катта зиён келтиради.

Жанубий мамлакатлarda, шунингдек, Марказий Осиё республикаларида яланғоч шиллиқ қуртлар кенг тарқалган. Улар чиганоғининг қолдиги мантия билан қопланган. Баъзи турларида чиганоқ қолдиги ҳам бўлмайди. Улар салқин, нам ва қуёш тушмайдиган жойларда учрайди. Иссиқ ёз кунлари дарахтларнинг ковагига ёки тупроқка кириб бекиниб олади. Яланғоч шиллиқлар яшил ўсимликлар билан озиқланиб катта зиён келтиради. Айниқса ёғингарчилик кўп бўлган йиллари

улар тез күпая бошлайды. Ёз қуруқ ва иссиқ бўлганида улар кўплаб қирилиб кетади. Яланғоч шиллиқлар орасида дала шиллиғи *Agricolimax* ағон кенг тарқалган. Салқин жойларда учрайдиган қаҳрабо шиллиғи *Succinea* сўргичиларнинг оралиқ хўжайини ҳисобланади.

### 19.2.3.ПЛАСТИНКАЖАБРАЛИЛАР (LAMELLIBRANCHIA), ЯЬНИ ИККИПАЛЛАЛИЛАР (BIVALVIA) СИНФИ


Пластинкажабралилар чиганоғи иккита палладан иборат бўлиб, тасини икки ён томондан қоплаб туради. Боши бўлмайди. Оёғи понасимон. Пластинкасимон жабралари мантия бўшлиғида оёғининг икки ёнида жойлашган. 15 мингдан ортиқроқ тури маълум. Кўпчилик вакиллари денгизларда, ҳаёт кечиради.

**Ташқи тузилиши.** Танаси чўзиқ, икки ёндан сиқилган, билатериал симметрияли, гавда ва оёқ бўлимига ажралади, боши редукцияга учраган (190-расм). Понасимон оёғи қорин томондан чиқиб туради. Оёгини сув тубига тираб, гавдасини аста-секин тортиб олиши орқали жуда секин ҳаракатланиши мумкин. Ҳаракатланмасдан бирор субстратга ёпишиб олиб яшайдиган вакилларининг оёғиrudimentgar бўлади (мидиялар) ёки бутунлай йўқолиб кетади (устрицалар). Кўпчилик ҳарасиз моллюскалар оёғининг остки юзасига биссус безларининг йўли очилади. Безлар ажратиб чиқарган суюқлик сувда қотиб, ипакка ўхшаш пишиқ толали биссус ипларини ҳосил қиласди. Бу толалар ёрдамида моллюска сув остидаги нарсаларга маҳкам ёпишиб олади. Айрим тубан пластинкажабралилар (*Protobranchia* туркуми)нинг оёқлари худди қориноёқлиларга ўхшаш ясси бўлиб, сирпаниб ҳаракат қиласди.

Моллюсканинг танаси мантия билан қопланган. Мантия иккита бурма шаклида танасининг икки ёндан осилиб туради. Бу бурмалар билан моллюска танаси ўргасидаги мантия бўшлиғида оёғи ва жабралари жойлашган. Мантия бурмалари орқа томондан бир-бирига қўшилиб кетган, олдинги ва кейинги томонининг учлари эркин бўлади. Кўпинча мантия бурмаларининг чети бир неча жойдан туташиши натижасида мантия бўшлиғи тешиклари ҳосил бўлади. Кўпчилик ҳолларда мантия бурмачаларининг икки жойи туташади ва учта мантия тешик ҳосил

190-расм. Бақачаноқнинг ташқи тузилиши.


1 — оёқ, 2 — жабра сифони, 3 — клоказа сифони, 4 — чиганоқ чўққиси, 5 — чиганоқни қўшувчи пайлар.




бұлади. Улардан иккитаси устки ва остки тешиклар торроқ, учинчиси тешик анча кенг бұлади. Остки тешик кириш сифони бұлиб, у орқали мантия бұшлиғига сув билан биргә озиқ моддалар ва кислород киради. Устки тешик — чиқарыш сифони орқали сув ва озиқ қолдиқлари чиқиб кетади. Қорин қысманинг олдидә жойлашған кенг тешикдан оёғи чиқиб туради. Құмда күмилиб яшайдыган турларининг кириш ва чиқарыш сифони наға үшашаузун бұлади. Сифонлар құмдан чиқиб туради. Шунинг учун мантия бұшлиғига доимо тоза сув келиб туради.

Мантия бурмаларининг сиртидаги эпителий ҳужайралари чиғаноқ ҳосил қиласы. Иккала чиғаноқ моллюска танасини ён томондан қоплаб туради. Күпчилик вакилларда чиғаноқнинг иккала палласи ҳам бир хил катталиқда. Ёпишиб ёки сув тубида ҳаракатсиз ҳаёт қе-чирадыган моллюскаларнинг остки ва устки чиғаноқларининг шак-ли ҳамда катталиги ҳар хил бұлади. Баъзи моллюскалар, масалан кема құрты, чиғаноғи редукцияға учраб, танасининг фақат кичик бир қисмини ёпиб туради. Чиғаноқдаги ҳалқалар сони моллюска ёшига мос келади.

Икки паллалипарнинг чиғаноғи паллалари орқа томондан эластик моддадан иборат лигамент пай ва маҳсус құлф ёрдамида туашкан. Лиғамент пай чиғаноқ паллаларини қия очилиб туришига имкон беради, құлф эса бирининг чуқурчасига иккінчиси кириб турадыган тиши-мон иккита үсімтадан иборат. Чиғаноқ паллалари биттә ёки иккита мускуллар ёрдамида ёпилади. Мускул то-лалари чиғаноқнинг бир палласидан иккінчиси томонға چүзилған. Мол-люскалар үлгандан сүңг ҳам сақла-ниб қоладыган чиғаноқларда бу мус-кулларнинг изини күриш мүмкін. Мускуллар қысқарғанида чиғаноқ-лар ёпилади. Мускуллар бұшаңға-нида эса лиғаментнинг эластиклигі



A



B

191-расм. Икки паллали моллюскалар чиғаноғининг түзилиши.

А — ташқы күрініши: 1 — құлфининг тишил-ри, 2 — пластиника шақылдаги ён тишилари, 3 — спұвчы мускуллар изи. Б — чиғаноғи ва мантия кесмасы: 1 — чиғаноқнинг конхиолин қавати, 2 — чиғаноқнинг чинни қавати, 3 — чиғаноқнинг садаф қавати, 4 — мантиянинг ички эпителий-си, 5 — мантиянинг ўрга бириктирувчы түқима қавати, 6 — мантиянинг ташқы эпителийси.


түфайли чиганоқлар ўз-ўзидан очилиб кетади. Чиганоқ мантия бурмаларида жойлашган безлар ажратиб чиқарадиган секрет ҳисобидан йириклашади. Қишида одатда моллюскаларнинг ўсиши тұхтаганлиги сабабли чиганоқда йиллик ҳалқалар ҳосил бұлади.

Икки паллалиларнинг чиганоғи уч қаватли бұлади (191-расм). Энг сиртқи қавати — периостракум органик модда конхиолиндан, унинг остидаги ўрта қават эса оxaк молладан, энг ички қават садафдан иборат. Садаф күп қаватли жуда юпқа оxaк япроқчалар ҳамда уларнинг орасида жойлашган конхиолиндан ҳосил бұлади. Садаф қаватни, шуннингдек, чиганоқнинг ўзини ҳамда марвариддорларда ҳосил бұладынан марваридни ҳам мантия эпителийсі ишлаб чиқаради. Чиганоқ билан мантия эпителийсі орасыга бирор ёт нарса, масалан, құм зарраси ёки, үлкі ҳужайралар тушиб қолғанида ёт нарса атрофига мантия садаф ишлаб чиқара бошланды. Садаф тобора йириклаша бориб, марваридга айланади.

**Овқат ҳазм қилиш системаси.** Оғиз тешиги гавдасининг олдинги учида оёғининг устида жойлашган. Оғизнинг икki ёнида иккита парраклари бор. Бу парракларни ҳұлпилловчи киприклар қоплаган. Киприкларнинг елпиниши таъсирида озиқ зарралари сув билан бирға оғиз тешигига яқынлашади. Оғиз тешигидан озиқ қисқа қизилұңгач орқали ошқозонга тушади. Ошқозонга жигар йўли очилади. Ошқозоннинг кейинги томонига бир учи ёпиқ халтага ўхшаш ўсимта ҳам очилади. Бу ўсимта ишлаб чиқарадиган ферментлар таъсирида озиқ қисман ҳазм бұлади.


Ўрта ичак ошқозондан бошланади, бир неча марта буралиб, тана-нинг кейинги қисмида орқа ичакка уланиб кетади. Орқа ичак юрак қоринчасини тешиб ўтади ва орқа томонда орқа чиқариш тешиги билан тамом бұлади (192, 193-расмлар).

Икки паллалиларнинг бош қисми редукцияга учраганлиги сабабли овқат ҳазм қилиш системасининг бош бўлимига тегишли қисмлари бўлмайди. Иккипаллалилар пассив озиқланади. Уларнинг озиғи сувда муаллақ ҳолда бўладиган ҳар хил заррачалар — детрит, планктон ор-



192-расм. Бақачаноқ (*Anadonta*)нинг ички тузилиши.

1 — мантия чизиги, 2 — олдинги ғливчи мускуллар, 3 — оғиз, 4 — сөк, 5 — оғиз пайпаслагич, 6 — ички чап ярим жабра, 7 — ташки чап ярим жабра, 8 — ўнг мантия, 9 — кириш сифони, 10 — чиқиш сифони, 11 — орқа ичак, 12 — перикардий.



193-расм. Икки паллали моллюскаларнинг тузилиш схемаси.

1 — оғиз, 2 — олдинги ёпувчи мускул, 3 — церебро-плеврал ганглий, 4 — ошқозон, 5 — жигар, 6 — олдинги аорта, 7 — буряканинг ташқи тешиги, 8 — юрак олд бўлмасига очиладиган буряк, 9 — юрак, 10 — перикардий, 11 — орқа аорта, 12 — орқа ичак, 13 — орқа ёпувчи мускул, 14 — анал тешик, 15 — висцерал-паристал ганглий, 16 — жабралар, 17 — жинсий без тешиги, 18 — ўрга ичак, 19 — жинсий без, 20 — педаль ганглий.


ганизмлар ва бактериялардан иборат. Озиқ сув билан бирга мантия бўшлиғи орқали ўтиб, оғиз бўшлиғида фильтрланади.

**Нафас олиш системаси.** Жабралар одатда иккита ктениидийлардан иборат бўлиб, мантия бўшлиғида оёғининг икки ёнида жойлашган. Содда тузилган вакилларининг ктениидийлари икки томонлама еллигичли бўлиб, умумий ўқдан ва икки қатор жайлашган япроқчалардан иборат. Ипсимон жабралиларнинг япроқчалари жуда узун ипчалар шаклида бўлади.

**Қон айланиш системаси юрак ва қон томирларидан иборат.** Юраги танасининг орқа томонида бўлиб, юраколди халтаси (перикардий)да жойлашган. Одатда юраги битта қоринчадан ва иккита бўлмачадан иборат. Юрак бўлмачалари сони жабралар сонига мос келади. Айрим тубан икки паллалилар, масалан, Ағса авлоди турларининг юраги иккита бўлади. Бошқа иккипаллалиларда юрак эмбрионал ривожланишда дастлаб иккита бўлади, кейинчалик бу иккала юрак орқа ичакни ўраб олиб қўшилиб кетади ва ягона юракни ҳосил қиласади. Шунинг учун ҳам орқа ичак гўё юрак қоринчасини тешиб ўтгандек бўлиб қўринади.

Юрак қоринчасидан иккита йирик олдинги ва кейинги аорта чиқади. Олдинги аорта ичак устида жойлашган, ундан қон ички органларга, оёққа ва мантияниң олдинги қисмига боради. Орқа аорта ичакнинг остики томонида жойлашган бўлиб, иккита орқа мантия артерияларига ажралади. Қон артериялардан биринкирувчи тўқималардаги лакунларга, у ердан эса перикардий остида жойлашган веноз лакунларига ўтади. Лакунлардан қон жабра томирларига келади, у ердан жабра капиллярларига ўтиб оксидланади ва жабралардан қайтадиган томирлар орқали юрак бўлмаларига қўйилади.

**Айириш системаси.** Пластинкажабралиларнинг айириш системаси метанефрийларга ўхшаш тузилган. Бир жуфт буряклар танасининг кейинги икки ёнида жойлашган. Улар кенг найсимон халтачалардан



195-расм. Овқат учун ишлатиладиган иккипаллали моллюскалар.

А — устрицалар, Б — мидия.

ган хўжаликлар ташкил этилган. Уларнинг гўшти витаминларга бой маҳсулот сифатида истеъмол қилинади. Англия, Франция, АҚШ ва Япония каби мамлакатларда устрицалар кўп миқдорда овланади.

*Денгиз тароқчалари* (*Pecten*) дengиз тубида яшайди, лекин субстратга ёпишиб олмайди. Чиройли доирасимон шаклдаги чиганоги сиртида радиал чизиқлар тортилган бўлади. Хавф сезганида моллюска чиганоги ни зарб билан ёпади. Чиганоқ ичидан отилиб чиқсан сув уни кўтариб ташлайди, яъни у бир сакраб тушади. Денгиз тароқчалари гўштидан консервалар тайёрланади. Узоқ Шарқ дengизларида кўп учрайди.

*Мидиялар* (*Mytilus*) чиганоги қорамтири тусада, улардан бири текисроқ, иккичиси эса қавариқ бўлади. Моллюскалар бир даста биссус ишчалари ёрдамида субстратга ёпишиб олади. Мидияларнинг гўшти чорва моллари озиқасига қўшиб берилади. Мидиялар ҳам устрицалар сингари маҳсус хўжаликларда кўпайтирилади.

Ўзбекистоннинг ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг дарё ва кўлларида *бақачаноқлар* (*Anadonta*) учрайди. Уларнинг чиганоги чўзиқ овал шаклида, яшил-кўнгир рангли. Чиганогининг иккала тавақаси бир хил катталикда бўлиб, лигамент пай орқали туташган, тишчали қулфи эса бўлмайди. Бақачаноқ понага ўхшаш оёғини сув тубидаги лойга тираб ҳаракат қиласиди. Унинг гўштини чорва моллари озиқасига қўшиб бериш мумкин.

*Садафдорлар* (*Unio*)нинг чиганоги чўзиқ ва қалин бўлиб, садаф туғ-

196-расм. Марвариддор.  
А — ташки кўриниши, Б — марварид (кесиб кўрсатилган).

малар тайёрлаш учун ишлатилиди. Садафдорлар Европа ва Шимолий Американинг чучук сувли кўллари ва дарёларида тарқалган.

*Денгиз марвариддорлари* (*Pinctada*) Қизил денгиз, Ҳинд ва Тинч океанларда 5-15 м чуқурлиқда яшайди. Япония ва бошқа айрим давлатларда марвариддорларни денгизда маҳсус тўр халтага солиб кўпайтирилади. Шимолий дарёларда чучук сув марвариддорлари (*Margaritifera*) учрайди. Улар ҳосил қилган марваридлар денгиз марвариддорларига нисбатан кичикроқ бўлади.

Пластинкажабралилар орасида зааркунанда турлари ҳам учрайди. Европа ва Осиёнинг чучук сувли ва шўрланган сув ҳавзаларида *дрейссеналар* (*Dreissena*) кенг тарқалган. Улар биссус ипчалари ёрдамида сув остидаги нарсаларга ёпишиб олади. Айрим сув ҳавзаларида дрейссеналар жуда тез кўпайиб кетиб, сув иншоотларини издан чиқаради. Улар шиљозларга ёпишиши, трубаларга кириб қолиши натижасида сув ўтказиши системаларини издан чиқариши, мурдаси эса ичимлик сувни ифлослантириши мумкин. Орол денгизида *Dreissena polymorpha* учрайди.

Ёғоч иншоотларига кема қурти (*Teredo navalis*) катта зиён келтиради. Унинг танаси узун чувалчангсимон, чиганоги кучли редукцияга учраган иккита япроқча шаклида танасининг олдинги қисмida сақланиб қолган (197-расм). Чиганоги ёрдамида моллюска кемаларнинг сувости қисмларидаги ёғочни ва портлардаги ёғоч иншоотларни тешиб, кириб олади. Кема қурти Қора денгиз ва Узоқ Шарқ денгизларида ҳам тарқалган.

Пластинкажабралилар синфи бирламчижабралилар (*Protobranchia*), ипсимонжабралилар (*Fillibranchia*), ҳақиқий пластинкажабралилар (*Eulamellibranchia*) тўсиқлижабралилар (*Septibranchia*) туркумларига ажратилади. Бирламчижабралилар анча майда ва содда тузилган. Уларга шимолий денгизларда учрайдиган *Joldia* ва *Nucula* мисол бўлади.

Ипсимон жабралиларнинг жабра япроқчалари ипга ўхшаш узун. Уларга кенг тарқалган мидиялар, денгиз тароқчалари, устрицалар, денгиз марвариддорлари мисол бўлади.

Ҳақиқий пластинкажабралиларнинг жабралари икки қават панжарага ўхшаш тузилган. Улар пластинкажабралилар орасида кўпчиликни ташкил этаади. Асосий вакиллари: дрейссеналар, чучук сув марвариддорлари, садафдор, бақачаноқ, кема қурти ва



197-расм. Кема қурти *Teredo navalis* ва унинг ёғочдаги йўллари.

тоштешарлар (Pholas). Тропик дengizларда учрайдиган энг иирик моллюска тридакна (Tridacna) чиганоғи 1,35 м гача бұлиб, оғирлиги 250 кг дан ҳам ортади.

Түсиқжабралилар дengизнинг анча чуқур қисмida яшайды. Жабралари редукцияга учраган. Мантия бұшлиғи мускуллы түсиқ ёрдамида иккиге ажралиб туради. Газ алмашинуv мантиянинг юқори қисмida содир бўлади.

#### 19.2.4. КУРАКОЁҚЛИЛАР (SCAPHOPODA) СИНФИ

Куракоёқлилар кам сонли моллюскалар бўлиб, ташқи кўриниши кўпроқ қориноёқлиларга ўхшаш. Чиганоғи яхлит конуссимон найда ўхшаш, унинг икки учида тешиги бор. Чиганоғининг олдинги кенгайган томонидан оёғи ва боши чиқиб туради. Ҳазм қилиш системаси ҳам қориноёқлиларнига ўхшайды. Лекин тана симметрияси, мантия бўшлиғи ва нерв системасининг тузилиши пластинкажабралиларга ўхшайды. Ўсимтага ўхшаш бошининг учки қисмida оғиз тешиги жойлашган. Бошидаги учи тўмтоқ мўйловлари сезги ва озигини ушлаш вазифасини бажаради. Оёғи тўмтоқ конус шаклида, унинг асосида бир жуфт пластинкасимон ён ўсимталари бўлади. Куракоёқлилар номи ана шу ўсимталар туфайли келиб чиқсан.

Куракоёқлилар сув тубидаги лойга кўмилиб ҳаёт кечиради, фақат танасининг кейинги учи лойдан чиқиб туради. Чиганоқ учидағи тешикдан моллюска танасига тоза сув кириб туради. Ҳаракатланаётган моллюска оёғини олдинги томонга чўзганида оёқнинг ён ўсимталари тахланиб лойга осон киради. Оёқ ўсимталари ёйилганида улар якорга ўхшаб моллюскани ушлаб туради. Ана шундан сўнг тана мускуллари қисқариб, моллюска олдинга сурлади.


Куракоёқлилар фораминафералар ва бошқа майда сув ҳайвонлари билан озиқданади. Озигини мўйловлари учига ёпишириб олади.

Куракоёқлиларнинг 300 га яқин турлари маълум. Чиганоғининг узунлиги 2-3 мм дан бир неча см га етади.

#### 19.2.5. БОШОЁҚЛИЛАР (SERHALOPODA) СИНФИ

Бошоёқлилар синfiga очиқ дengизларда ҳаёт кечирадиган 700 турга яқин моллюскалар киради. Улар билатериал симметрияли иирик ҳайвонлар бўлиб, сувда эркин сузиб юрадиган ёки сув тубида ўрмалаб ҳаракат қиласидиган жуда серҳаракат ийртқичлардир. Чиганоғи фақат содда тузилган вакилларида кўзга ташланади. Олий бошоёқлиларнинг чиганоғи редукцияга учраган бўлиб, мантия остида сақланиб қолган.

Ташқи тузилиши. Бошоёқлиларнинг тузилиши бошқа моллюскалардан кескин фарқ қиласиди. Танаси аниқ икки бўлим: бош ва гавдадан иборат. Пайпаслагич ёки кўлларга айланган оёғи, бошида жойлашган бўлиб




198-расм. Наутилуснинг тузилиши (чиганоги очиб кўрсатилган).

1 — бош ёпинчиғи, 2 — пайпаслагич, 3 — воронка, 4 — қўз, 5 — мантия, 6 — ички халта, 7 — камералар, 8 — камералар оралиғи түсиқлари, 9 — сифон, 10 — чиганоқ девори.

ри чиганоги тешигини ёпиб туради. Octopoda туркумига мансуб бўлган бошоёқлиларда пайпаслагичлар сони 8 та, Decapoda туркумида эса 10 та бўлади. Пайпаслагичларнинг асоси йўғонроқ, учки қисми эса ингич-калашган ийриқ дискка ўхшаш сўргичлар билан таъминланган. Сўргичлар ҳайвонни субстратга маҳкам ёпишишга ёки ўлжасини тутишга ёрдам беради. Decapoda туркуми вакилларида эса бундай пайпаслагичлар билан бир қаторда яна тутувчи иккита узун пайпаслагичлари бўлади. Бу пайпаслагичларнинг учки қисми кенгайган. Бошоёқлилар бошининг икки ёнида жуда ийриқ қўзлари жойлашади.

Бошоёқлилар танасини ҳар томондан қалин мантия ўраб туради. Қорин томонида мантия танадан ажралган бўлиб, мантия бўшлигини ҳосил қиласди. Боши яқинида жойлашган иккита мантия тешиги мантия бўшлигини ташқи муҳит билан боғлаб туради. Қорин томонида мантия бўшлигининг ичида бир жуфт




199-расм. Тинч океан кальмари *Ommastrephes sloanei* (қорин томондан очиб кўрсатилган).

1 — бош, 2 — тана, 3 — сизгич, 4 — мантия чеги, 5 — мантия бўшлиғига кириш жойи, 6 — воронка, 7 — тутувчи пайпаслагичи, 8 — калта пайпаслагичлари, 9 — сўргичлар, 10 — оғиз, 11 — қўз.

200-расм. Каракатицанинг тузилиши (мантия бүшлиғи қорин томондан очиб кўрсатилган).

1 — қўллари ва сўрғичлари, 2 — тутувчи қўли, 3 — оғиз, 4 — воронка тешиги, 5 — воронка, 6 — ёпувчи тугмачасининг чуқурчаси, 7 — анал сўрғичи ва тешиги, 8 — буйрак сўрғичлари, 9 — тоқ жинси сўрғич, 10 — жабралар, 11 — сузгич, 12 — мантия кесилган жой, 13 — мантия, 14 — тугмачаларининг тофай бўртмачалари, 15 — мантиянинг ўлдузсимон ганглийси.



яrimой шаклдаги чуқурча жойлашган. Бу чуқурчаларниң қарама-қаршисида мантияниң ички

деворида тофайли иккита қаттиқ бўртмача — ёпқич тугмачалар бўлади (199, 200-расмлар). Мантия мускуллари қисқарганида мантия танага ёпишиб, тугмачалар яrimойсимон чуқурчаларга киради ва мантия тешикчаларини маҳкам бекитади. Мантия тешикларининг устида, яъни бошининг асосида мускулли конусимон воронка бор. Бошоёқли моллюскалар мантия бўшлиғидан сувни катта куч билан сиқиб чиқариши туфайли ҳаракат қиласи. Мантия мускуллари бўшашганида сув мантия бўшлиғини тўлдиради. Мускуллар қисқарганида эса мантия тешиклари ёпишиб, сув катта куч билан воронкадан отилиб чиқиб, ҳайвонни орқа томонга итаради. Шундан сўнг мускуллар бўшашиб, мантия бўшлиғи сувга тўлади. Мантияниң дамба-дам қисқариши ва сувни мантия бўшлиғидан отилиб чиқиши, бир томондан бошоёқли моллюскаларни орқа томони билан олдинга сузишга ёрдам берса, иккинчидан нафас олиш учун зарур сувни янгиланиб туришига имкон беради.

Мантия бўшлиғига анал тешиги, жинсий безлар ва буйракларниң йўли очилади, жабралар ҳам шу бўшлиқда жойлашган.

Бошоёқлиларниң оёғи пайпаслагичлари ва воронкасига мос келади. Эволюция давомида бошоёқлилар пайпаслагичлари оёгининг олдинги қисмидан келиб чиқсан. Чунки уларниң эмбрионал ривожланишида пайпаслагичлар оғзидан кейинроқ шаклана бошлайди, лекин кейинроқ бошига кўчади. Пайпаслагичларни оёқ ганглийлари томонидан иннервация қилинishi ҳам уларни оёқдан келиб чиқсанлигининг далили бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари содда тузилган *наутилус*-ниң воронкаси воронка шаклида эмас, балки тарновга ўхшаш бўлиши билан сузиб юрадиган қориноёқлиларниң оёғига жуда ўхшаб кетади.

**Чиғаноги.** Фақат содда тузилган бошоёқлилар, масалан, *кемача* (*Nautilus*)ниң яхши ривожланган оҳак мoddадан иборат спирал чиға-

ноғи бұлади. Чиганоқ бұшлығы күндалант түсіктер ёрдамида бир неча камераларға бұлинади. Наутилус танаси эң үйрек охирги камерада жойлашган. Бошқа камералар газ ва бироз суюқлик билан тұлдирилген. Чиганоқ гидростатик аппарат вазифасини бажаради. Чунки камералардаги газ билан суюқлик ҳажмининг үзаро нисбатини үзгариши ҳайвонни сув юзига күтарилишига ёки тушишига ёрдам беради. Ҳозирғи бошоёқпиларнинг чиганоғи редукцияға учраган. Уларни мантия бурмалари ўраб олиши туфайли ичкі чиганоққа айланиб қолған. Денгизнинг анча чуқур жойида учрайдиган спируланинг спиралға үхаш чиганоғи жуда кичик бұлғанидан танасининг фақат бир қисми чиганоқ ичига жойлашади, тананынг қолган қисми эса чиганоқны ҳар тарафдан ўраб олади.

Айрим бошоёқпилар (масалан, *каракатица* ва *кальмарлар*)нинг чиганоғи пластинкалар шаклида моллюсканынг орқа томонида мантиянинг остида сақланиб қолған. Құпчилик саккизоёқпиларнинг чиганоғи эса бутунлай йўқолиб кетган. Аргонавт деб аталувчи саккизоёқли моллюска нинг фақат урғочисида чиганоқ бұлади. Унинг спирал чиганоғи камераларға бұлғанимаган. Бундай чиганоқ иккиламчи тарзда келиб чиқкан бўлиб, тухумини олиб юриш учун хизмат қиласди.

**Ички скелет.** Бошоёқпиларда чиганоқ, яғни ташқы скелетдан ташқари маҳсус ичкі скелет ҳам бор. Тоғайдан иборат бу скелет ҳалқа шаклида марқазий нерв системасини ўраб олиб, бош чиганофини ҳосил қиласди. Чиганоқдан ҳосил бұлған үсимталар күзлар ва статоцистларни ўраб олади. Худди шунга үхаш таянч скелет ёпувчи тұгмачаларда, пайпаслагичларининг асосида ва сузгичларининг ичидә ҳам бор. Бош чиганоғи умуртқали ҳайвонларнинг бош қутисига мос келади.

**Ҳазм қилиш системаси** жуда мураккаб тузилған. Оғзи пайпаслагичларий үртасида жойлашган. Мускулли ҳалқумида қырғич тили жойлашган. Озиқни тутиб туриш ва майдалашща оғзининг устки ва остки томонида жойлашган, шохсимон моддадан иборат иккита йўғон жағлар асосий ўрин тутади. Бу жағлар илмоққа үхаш эгилганидан тұтықушынинг түмшүгини эслатади. 1-2 жуфт сұлак безларининг йўли ҳам ҳалқумга очилади. Кейинги жуфт сұлак безлари суюқлиги заҳарли бўллади. Ҳалқум анча узун қизилўнгачта ўтади. Қизилўнгач кўпинча кенгайиб, жигилдонга айланади. Қизилўнгач мускулли халтага үхаш ошқозон билан туташган. Ҳазм қилиш системасининг кейинги бўлимлари ингичка ичак ва орқа ичакдан иборат. Орқа чиқариш тешиги мантия бұшлығида жойлашган. Ошқозонга жигар йўли очилади. Жигар суюқлигига бир қанча ҳазм қилиш ферментлари бўллади. Жигар найлари жуда кўп майда безларга үхаш үсимталар билан қопланған. Бу үсимталар ошқозоности беzi деб аталади.

Бошоёқпиларнинг танасида үйрек, нок шаклидаги сиёҳ халтаси бўллади. Бу халтанинг йўли орқа ичакнинг кейинги қисмiga очилади. Ҳавф туғилганида моллюска сиёҳ халтасидан бироз қора рангли суюқлик

чиқаради. Бу суюқлик сувда қуюқ туман ҳосил қиласи. Моллюска эса қочиб қолади.

Ҳамма бошоёқилар — йиртқич ҳайвонлар. Уларнинг ўлжаси тури қисқичбақасимонлар ва балиқлардан иборат. Ўлжани пайпаслагичлари билан тутиб олиб, жағлари ва сұлак безлари заҳари таъсирида ўлдиради.

Нафас олиш системаси ҳақиқий ктенидийлардан иборат. Икки томонлама патсимон ктенидийлар 2 ёки 4 жуфт бўлиб, мантия бўшлиғида жойлашган. Жабралар сонига биноан бошоёқилар икки жабралилар ва тўрт жабралиларга ажратилади. Мантия мускуларининг қисқариши туфайли мантия бўшлиғида сув алмашиниб туради.

Қон айланиш системаси. Юраги битта қоринчадан, 2 ёки 4 бўлмадан иборат. Юрак қоринчасининг олдинги ва кейинги томонидан икки аорта чиқади. Уларнинг бири — бosh аортасидан бошга ва пайпаслагичларга, иккинчиси — ички аортадан ичакка ва жинсий органларга қон беради. Капиллярлардан эса вена қон томирлари бошланади. Бошдаги веналардан қон битта ҳалқа вена томирига ийғилади. Бу венадан йирик бosh вена қон томирни бошланади. Бош венаси тананинг орқа томонида 2 ёки 4 та венага бўлинади. Бу жойда уларга мантиядан келувчи веналар қўшилади. Жабралар яқинида веналар мускулли кенг найларга ўхшаш веноз (яъни жабра) юракларни ҳосил қиласи. Жабра юракларнинг қисқариши туфайли қон доимо жабраларга чиқарилиб турилади. Оксидланган қон жабралардан кетувчи қон томирлари орқали юрак бўлмаларига келиб куйлади.

Бошоёқиларнинг вена ва артерия капиллярлари органларда бирбири билан туташиб кетади. Лакунлар фақат айрим жойларда сақланаб қолган. Шундай қилиб, бошоёқиларнинг қон айланиш системаси деярли ёпиқ бўлади. Қондаги гемоцианин моддаси мисга бой бўлиб, физиологик жиҳатдан эритроцитларга яқин келади.

Айриши системаси 2 ёки 4 та буйрақдан иборат. Буйракларнинг ички учи целом перикардийсига, иккинчи учи — мантия бўшлиғига очилади.

Нерв системаси. Бошоёқиларнинг марказий нерв системаси жуда мураккаб тузилган. Нерв ганглийлари жуда йирик бўлади. Уларнинг ҳаммаси биргаликда ҳалқум атрофи нерв массасини ҳосил қиласи. Кесмада фақат бир жуфт церебрал ва висцерал нерв тугунлари аниқ кўринади. Педал ганглийлар эса пайпаслагичлар ҳамда воронка ганглийларига ажралади. Ҳалқум атрофи ганглийларидан иккита йирик мантия нерв стволи чиқади. Бу нервлар мантиянинг ички юзасида иккита йирик юлдузсимон ганглийни ҳосил қиласи. Бирмунча тубан бошоёқилар (наутилус)нинг марказий нерв системаси учта калта нерв ёйини (ҳалқум усти ва 2 ҳалқум ости) ҳосил қиласи. Нерв ҳужайралари эса ёнбош нервиларники сингари нерв ёйлари устида жойлашган.

Сезги органлари жуда яхши ривожланган. Ҳид билиш органлари жабраларнинг асосида жойлашган осфрадийлари ёки кўзларининг ос-

тида жойлашган бир жуфт майдың ҳид билиш чуқурчаларидан иборат. Улар ҳидни 1,5 м масофадан билиши мумкин. Тогайдан иборат бир жуфт статоцистлари бош чаноғи ичида жойлашган.

Күзлари мураккаб тузилган иккита жуда йирик, ёпиқ пулак шаклида бўлиб. Кўз чуқурчаси ичида жойлашган. Бу чуқурча кичик тешикча орқали ташқи мұхит билан боғланган. Кўз чуқурчаси ички девори тўр қават ҳосил қиласди. Тўр парданинг сиртида камалак парда жойлашган. Камалак парда кўз чуқурчасини ўраб олади, фақат кўзининг олдинги қисмida кичик тешикча — қорачиқ очиқ қолади. Қорачиқнинг орқасида шарсимон кўз гавҳари туради. Кўзни ташқи томонидан шоҳсимон парда ўраб туради. Бу парданинг олдинги қисмida кичик тешикча бўлади. Тўр қават узун сезигир ҳужайралардан иборат. Тўр қаватта марказий нерв системасидан кўриш нерви келади.

Бошоёқлиларнинг кўзи *аккомодация* хусусиятига эга. Лекин унинг аккомодацияси одам кўзининг аккомодацияси сингари кўз гавҳари эгиклигини ўзгариши туфайли эмас, балки гавҳарни тўр қаватдан узоқлашиши ёки унга яқинлашиши туфайли содир бўлади. Кўзининг кўриш қобилияти тўр қаватдаги ҳужайралар сонига боғлиқ. Каракатица кўзининг тўр қавати 1  $\text{мм}^2$  юзасида 105 000, кальмар (*Loligo*) да 165000 ҳужайра бўлади. Сувнинг чуқурроқ қисмida яшовчи бошоёқлиларнинг ҳар хил рангли нур таратадиган шулаланувчи орғанлари — *фотофорлари* бўлади.


Юксак бошоёқлиларнинг инстинктлари жуда мураккаб ва хилмахил бўлади. Улар авлоди тўғрисида фамхўрлик қиласди. Тажрибалар бошоёқлиларда шартли рефлекслар осон ҳосил бўлишини кўрсатади. Масалан, осминоглар бир неча марта тўқнаш келган аквалангистни таниган ёки шиша банканинг тиқинини бураб очиб, унинг ичидан ўз ўлжасини олишган.

**Жинсий системаси.** Бошоёқлилар айрим жинсли. Айрим вакилларида жинсий диморфизм яхши ривожланган, эркаги урғочисига нисбатан кичикроқ бўлади.

Жинсий безлари тоқ бўлиб, целомда жойлашган. Етилган жинсий ҳужайралари целомда тўпланади ва жинсий найлар орқали ташқарига чиқарилади. Жинсий найлари одатда тоқ; наутилус, саккизоёқлилар ва айрим ўнёёқлиларда жуфт бўлади.

Жинсий найлар мураккаб ва хилма-хил тузилган. Эркак *каракатицада* найлар уруг йўли, уруғ пуфаги, сперматофор халтасидан иборат. Бу халта анал тешигининг ён томонидан жинсий тешик билан ташқарига очилади. Уруғ ҳужайралари уруғ пуфагининг безли ҳужайраларидан ҳосил бўлади. Уруғ ҳужайралари бир-бирига ёпишиб, умумий пакет — сперматофор ҳосил қиласди. Сперматофорлар уруғ ҳужайраларининг чиқиши учун маҳсус найча билан таъминланган.

Урғочиларининг тухум йўли калта, жинсий тешиги целом бўшлиғига очилади. Бу бўшлиқقا 3 та *нидаментал* безларнинг йўли



201-расм. Аргонавт.

А — урғочиси чиганоги ичида (кичрайтирилган). Б — эркаги (катталаштирилган): 1 — чиганоги, 2 — құйларыннан жуда кенгайған қисми (чиганогини ёпіб турибди), 3 — гектокотил, 4 — воронка.

жам очилади. Улардан иккитаси жуфт ва бири тоқ бўлади. Бу безлар тухум пўчогини ҳосил қиласди.

Тухум ҳужайра одатда урғочисининг мантия бўшлиғида уруғланади. Эркак моллюскаларнинг пайпаслагичларидан бири одатда бошқача тузилган бўлиб, копулятив орган вазифасини бажаради. Бундай пайпаслагичнинг қошиққа үхшаш маҳсус ўсимтаси бўлади. Эркаги бу пайпаслагич ёрдамида сперматофорини урғочисининг мантия бўшлиғига киритиб қўяди. Аргонавт эркаги жинсий пайпаслагичи дастлаб маҳсус халтада ҳосил бўлади (201-расм). Пайпаслагичнинг учки қисми ипга үхшаб ингичкалашган. Унинг ичи бўш, асосида ва учида иккита тешиги бўлади. Пайпаслагич етилгач, халта ёрилиб, ундан пайпаслагич ёйилиб чиқади ва унинг бўшлиғи сперматофорлар билан тўлади. Шундан сўнг пайпаслагич моллюска танасидан узилиб чиқади ва бир қанча вақт эркин сузуб юради. Сўнгра урғочисини топиб, унинг мантия бўшлиғига ўтади ва сперматофорини унинг жинсий тешигига кирилади.

Франциуз олим Ж. Кювье биринчи марта пайпаслагични урғочи аргонавт мантия бўшлиғидан топган ва унга паразит ҳайвон “гектокотил” (мингсўргичли) деган ном берган. Ҳозир бошоёқлиларнинг жинсий пайпаслагичи гектокотил деб аталадиган бўлди.

Бошоёқлиларнинг эмбрионал ривожланиши тухум очиди боради. Тухумдан чиққан ёш моллюска вояга етган даврига жуда ўхшайди.

Экологияси. Бошоёқлилар ўта шўрланган очик дengizларда учрайди. Кўпчилик турлари пелагик ҳаёт кечиради. Уларнинг танаси торпедасимон бўлиб, кейинги торайган томони билан олдинга сузади. Бу томонида яхши ривожланган сузгичлари бўлади.

Сув тубида ҳаёт кечирадиган бошоёқлилар тошларнинг орасига кириб бекиниб олади. Осьминоглар тошлар уюмидан ўзига пана жой қуради. Урғочиси тошлар остидаги ковакларга тухум қўяди. Урғочисида авлоди тўғрисида ғамхўрлик қилиши инстинкти яхши ривожланган. Осьминоглар пана жой қидириб, сув остида ётган ҳар хил ташландиқ идишлар — бочкалар, консерва банкаларига ҳам кириб олади.

Бошоёқлилар — энг йирик умуртқасиз ҳайвонлар. Улар танаси узунлиги бир неча см дан 18 м га етади. Энг йирик вакилли *Architeuthes longimanus* (узун қўлли архитевтис) Янги Зеландия қирғоқлари яқинида тутилган. Унинг узунлиги 19 м бўлган, 900-1000 м чукурликда учрайди.

**Амалий аҳамияти.** Каракатицалар, кальмарлар ва осьминоглар овланади. Улар овқат учун ишлатилади. Каракатица ва кальмарларнинг сиёҳ халтасидаги секретидан сепия деб аталадиган акварел бўёқ тайёрланади. Табиий хитой туши ҳам ана шу секретдан тайёрланади. Ҳамма мамлакатларда йилига 1 млн тоннага яқин бошоёқлилар овланади.

**Қадимги бошоёқлилар.** Бошоёқлиларнинг қазилма қолдиқлари кембрый давридан бошлаб учрайди. Дастрлабки бошоёқлилар конуссимон спираллашган ташқи чиганоқча эга бўлган. Ордовик даврида тўғри чиганоқли гигант бошоёқлилар, девон даврида эса нисбатан кичик бошоёқлилар — бактритлар яшаган. Бактритлардан бошоёқлиларнинг икки групласи — аммонитлар ва белемнитлар келиб чиққан. Бу моллюскалар бўр даврининг охирларида қирилиб кетган.

Аммонитларнинг чиганоги спираль бурали, кўп камерали, хил-маҳил шаклда бўлган. Айрим вакиллари чиганогининг диаметри 2 м га етган.

Ички чиганоқли бошоёқлилар карбон даврида пайдо бўла бошлайди. Улар аммонитлар билан бирга бактритлардан келиб чиққан. Олий бошоёқлилар кайнозой эрасида кенг тарқала бошлаган. Уларнинг аждодлари белемнитлар мезозой эрасининг ётқизиқларида кўп учрайди.

Бошоёқлилар иккита кенжасинфа синфа бўлинади.

#### 19.2.5.1. ТЎРТЖАБРАЛИЛАР (TETRABRANCHIA) КЕНЖА СИНФИ

Энг қадимги, содда тузилган бошоёқлиларнинг жабралари, юрак бўлмалари ва буйраги тўрттадан, кўп камерали ташқи чиганоқча эга бўлган. Ҳозирги тирик вакиллари *Nautillus* уруғига киради. Тўртжабралилардан аммонитлар қазилма ҳолда учрайди.

#### 19.2.5.2. ИККИЖАБРАЛИЛАР (DIBRANCHIA) КЕНЖА СИНФИ

Жабралари, юрак бўлмачалари ва буйраклари иккитадан, чиганоги мантия остида жойлашган ёки батамом редукцияга учраган. Бу кенжасинф 2 туркумга ажralади.

1. Ӷноёқлилар (*Decapoda*). Пайпаслагичлари 10 та бўлиб, улардан

иikkитаси узун, тутувчи пайпаслагичлардир. Танаси торпедасимон бўлиб, си томонида сузгичлари ривожланган. Бу туркумга каракатица *Seriа officinales*, гигант кальмар *Architeuthes* ва кальмар *Loligo* мисол бўлади (199, 200-расмлар). Қирилиб битган турлари белемнитлар уруғига киради.

**2. Саккизоёқлилар (*Octopoda*).** Сув тубида ҳаёт кечиради. Танаси халтага ўхшаш, чиганоғи редукцияга учраган. Пайпаслагичлари 8 та, тутувчи пайпаслагичлари бўлмайди. Ҳозирги вакилларининг кўпчилиги *Argonauta* ва осъминоглар (*Octopus*) авлодига киради.

### МОЛЛЮСКАЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ

Кўпчилик олимларнинг фикрига қараганда, моллюскалар ҳалқали чувалчанглардан келиб чиққан. Дарҳақиқат, моллюскаларнинг эмбрионал ривожланиши, хусусан, тухум ҳужайрасининг майдаланиши, мезодерманинг ҳосил бўлиши, шунингдек трохофора личинкаси уларни ҳалқали чувалчанглар билан қариндошлигини кўрсатади. Бундан ташқари энг содда тузилган ёнбошнервилар ва моноплакофораларнинг тузилишида метамерлик хусусияти яқъол кўзга ташланади. Бу хусусиятни наутилусда ктенийдий жабралар, буйраклар ва юрак бўлмаларининг сони 2 жуфтдан бўлиши ҳам исбот қиласди. Бироқ бир қанча зоологларнинг фикрича моллюскалар чиганоғи ва органларининг метамерлиги бирламчи эмас, балки иккиласми пайдо бўлган бўлиши мумкин. Масалан, фақат буйрак тешиги олдида жойлашган осфрадийли бир жуфт жабралар ҳақиқий, бошқалари кейинчалик келиб чиққан. Худди шунингдек моноплакофораларнинг қалпоқсимон чиганоғи ва метамер жойлашган мускуллари ҳам иккиласми пайдо бўлган. Чунки қадимги моноплакофораларнинг спирал чиганоғи ва бир жуфт даста мускуллари бўлган, холос.

Моллюскалар эволюциясини кўрсатиб беришда ички органлар, айниқса целом бўшлиғи органларидағи метамерлик белгилари кўпроқ аҳамиятга эга. Неоплинининг 6-7 жуфт метанефрий типидаги айириш органи, 2 жуфтдан жинсий безлар ва юрак бўлмачаси моллюскалар танаси дастлаб 6-7 бўғимдан иборат бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳол моллюскаларнинг қадимги аждодлари танаси оз сондаги ларвал личинка учун хос ҳалқалардан иборат олигомер ҳалқали чувалчанглар бўлганлигидан дарак беради. Олигомеризация жараёни туфайли бир қанча органлар (буйрак, юрак бўлмаси, ҳақиқий ктенидиал жабралар) сони камайиб кетган.

Ҳозирги моллюскалар орасида моноклакофоралар энг содда тузилган. Буни неоплинининг тузилиши кўрсатиб турибди. Моноплакофоралар тузилишининг айрим белгилари, хусусан юрак қоринчасининг иккита бўлиши билан пластинкаждабралилар, қориноёқлилар ва бошоёқлиларнинг эмбрионига ўхшаб кетади.

Ёнбошнервиларнинг юраги доимо тоқ бўлади. Бундан ташқари моноплакофоралар ёнбошнервиларга нисбатан бирмунча содда тузилган. Шунинг учун моллюскаларнинг бу икки кенжада типлари умумий аждодларидан анча илгари ажралиб чиққан бўлиши лозим. Бу гипотетик аждодининг чифаноги бўлмаган, актив ҳаёт кечирган. Ундан моллюскаларнинг икки гурӯҳи — ёнбошнервилар ва чифаноқлилар келиб чиққан. Содда тузилган қадимги моноплакофоралардан ҳозирги қори ноёқлилар, пластинкажабралилар, куракоёқлилар пайдо бўлади.

Бошоёқли моллюскалар бошқа гурӯҳлардан мустақил равишда дастлабки содда моллюскалардан келиб чиққан бўлиши лозим.

## 20. ПАЙПАСЛАГИЧЛИЛАР (TENTACULATA) ТИПИ

Пайпаслагичлилар ўтроқ ҳаёт кечирадиган сув ҳайвонлари. Танаси учча аниқ ажралиб турмайдиган 3 бўғимдан иборат. Улардан биринчи оғизолди, яъни *эпистом* дейилади. Иккинчи бўғимда оғиз тешиги жойлашган, оғзи киприкли пайпаслагичлар билан ўралган. Пайпаслагичлар озиқни оғзига ҳайдаш ва нафас олиш вазифасини бажаради. Учинчи бўғим тана бўғими ҳисобланади.

Тана бўшлиғи целом бўғимлар сонига мос равишда учта: олдинги эпистомал, ўрта ва кенг орқа бўлимларга бўлинади. Қон айланиш системаси ривожланган. Айриши системаси 1-2 жуфт киприкли воронкалар типидаги нефридийлардан иборат. Улар целом билан боғланган. Жинсий безлари цепломда жойлашган.


Тухумдан чиқиб, планктон ҳаёт кечирадиган личинкасининг тузилиши қисман трохофорага ўхшаш бўлади. Бу тип мшанкалар, елкаёқлилар, форонидлар синфига ажратилади.

### 20.1. МШАНКАЛАР (BRYOZOA) СИНФИ

Мшанкалар денгизларда, баъзан чучук сувларда ҳаёт кечирадиган колонияли ҳайвонлар (202-расм). Колония жуда кўп индивидлардан иборат, ташки кўринишидан бўшлиқичлилар колониясига ўхшаб кетади. Колониянинг шакли дараҳт ёки шохга, баъзан баргга ўхшайди.

Кўпинча мшанкалар колонияси сув тубида ёки сув ўтлари устида юпқа парда ҳосил қиласиди. Колониянинг катталиги бир неча см га яқин, алоҳида индивидлари эса 1 мм дан ошмайди.

Тузилиши. Колониядаги индивидларнинг танаси аниқ 2 бўлимдан иборат. Таңасидан аниқ ажралиб турадиган олдинги бўлимида пайпаслагичлар билан ўралган оғиз тешиги жойлашган. Таңасининг кейинги бўлими халтага ўхшаш бўлиб, қалин кутикула билан ўралган. Кутикуласи жуда юпқа хитин пластинкадан ёки қуюқ елимсизмон 99% сув бўлган моддадан иборат. Олдинги бўлими *polypid*, кейинги бўлими *cystid* деб аталади. Бирор таъсир сезган ҳайвон пайпасла-



202-расм. Денгиз мшанкалари колонияси.

А — идмония, Б — кризия, В — альцеонидиум, Г — дендробасна, Д — дендробасна колонияси бир қисми. Е — *Porella saccata*: 1 — гонозоид, 2 — аникулария.

гичларини цистиди ичига тортиб олади. Киприкли эпителий билан қопланган пайпаслагичлари майда озиқ моддаларни йифиш ва нағас олиш вазифасини бажаради.

Чучук сув мшанкалари (*Этикогизилар кенжса синфи*) пайпаслагичлари икки қатор бўлиб, маҳсус тақасимон ўсимта — *лофофора* устида жойлашган, оғиз тешигини эса тилга ўхшаш ўсимта — эпистом (офизолди бўлими) ўраб туради. Денгиз мшанкалари (Ялангочогизилар кенжса синфи) эпистоми редукцияга учраган.

Мшанкаларнинг ташқи эпителийси бир қават ҳужайралардан иборат. Чучук сув мшанкаларнинг эпителийси остида ҳалқасимон ва бўйлама мускул толалари жойлашган. Денгиз ялангочогизили мшанкаларнинг мускул қавати бўлмайди. Тери-мускул халтасининг ички эпителий қавати тана бўшлигини ўраб туради. Целом юпқа парда тўсиқ срдамида З бўлимга ажралади. Биринчи бўлими эпистомда жойлашган, иккинчи бўлими халқумни ўраб олади, жуда кенг учинчи бўлими эса танасини бутунлай эгалайди. Ялангочогизилар целомида эпистом бўлими бўлмайди.

**Хазм қилиш системаси.** Ичаклари ҳамма ўтроқ яшовчи ҳайвонлар сингари тақасимон шаклда бўлади. Оғиз тешиги пайпаслагичлари чамбари ичидаги жойлашган. Овқат ҳазм қилиш системаси найи қисқа ҳалқум, узун қизилўнгач, халтага ўхшаш кенг ошқозон ва ингичка ичакдан иборат. Ичаги пайпаслагичларидан орқароқда чиқарув тешиги билан ташқарига очилади. Мшанкалар турли майдада планктон организмлар, хусусан, бир ҳужайрали ҳайвонлар, сув ўтлари, бошайлангичлар билан озиқланади.

Мшанкалар тана юзаси орқали нафас олади. Қон айланиш система-си ривожланмаган.

**Айриши органлари бўлмайди.** Модда алмашинув маҳсулотлари пай-паслагичларидаги фагоцит ҳужайралар ёрдамида пайпаслагичлари ёки ичаги деворидан чиқариб турилади.

Нерв системаси ягона ҳалкумусти нерв ганглийсидан ва ундан пай-паслагичлари ҳамда бошқа органларга кетадиган периферик нервлардан иборат. Пайпаслагичлари сиртида жойлашган сезгири тукчалар сезги органлари ҳисобланади.

**Жинсий системаси** гермафрорит. Жинсий ҳужайралар ички эпите-лий остида ёки тана деворида ҳосил бўлади. Тухум ҳужайраси орга-низм ичидаги уруғланади. Уруғланган тухум маҳсус целомик тешик ёки киприкли найча орқали сувга чиқарилади. Айрим мшанкаларнинг зи-готаси амёба сингари ҳаракатланиш хусусиятига эга. Кўпинча уруғлан-ган тухум ҳужайраси териси юзасига ёпишиб туради ёки маҳсус тухум ҳалтаси — оэций ичига тушиб ривожланади.

**Колониясининг тузилиши.** Мшанкалар колониясидаги индивидлар тузилиши ва функцияларига кўра бир неча хил бўлади. Индивидлар-нинг кўпчилиги оддий ҳужайралардан, озроқ қисми эса оэцийлардан иборат. Оэцийлар халтага ўхшаш бўлиб, уларнинг ичдаги бўшлиқда тухумдан личинка етишиб чиқади. Айрим мшанкалар колониясида бир неча индивидлар тез ўсиб, хумга ўхшаш шаклга киради. Гонозоид деб аталадиган бундай индивидларнинг тана бўшлиғида уруғланган тухум ҳужайрасидан полизэмбриония натижасида бир неча личинкалар ривож-ланиб чиқади.

Колонияда ҳимоя вазифасини бажарадиган индивидлар — *авикуля-рийлар* ҳам бўлади. Авикулярийлар ташқи кўринишдан қўшининг боши-га ўхшаш бўлади. Бундай индивидлар озиқни тутиб олиб, ўлдириш ва ютиш хусусиятига эга.

**Кўпайиши.** Мшанкалар жинсий ва жинссиз кўпаяяди. Жинссиз кўпайиш куртакланишдан иборат. Колония куртакланиш натижасида ҳосил бўлади. Куртакланадиган колониянинг бирор жойида дастлаб бўртиқча ҳосил бўлади. Бўртиқча чўзилиб куртакка айланади, унинг айрим қисмларидан ичак, нерв ганглийси, пайпаслагичлар ва бошқа органлар ривожланади. Ҳосил бўлган янги индивидлар она организ-мидан ажралиб кетмаслиги туфайли колония ҳосил бўлади.

Чучук сув мшанкаларида ташқи куртакланиш билан бир қаторда ички куртакланиш ҳам содир бўлади. Бунинг натижасида статобластлар деб аталадиган мшанкаларнинг қишлоғчи стадияси ҳосил бўлади. Статобластлар ташқи томондан икки қават қобиқ билан ўралган мезодерма ҳужайраларидан иборат. Кузда колония емирилиб, улардан статобластлар чиқади. Баҳорда статобластлар қобиги ёрилиб, мшанкалар куртакланиш орқали янги колониялар ҳосил қиласди. Мшанкалар ички куртакланишининг моҳияти ва биологик аҳамияти кўп жиҳатдан фовакстанлилар геммуласининг ҳосил бўлишига ўштайди.

**Ривожланиши.** Кўпчилик мшанкаларнинг личинкаси оэций ёки гонозоидлар ичига ривожланади. Эмбрион зарур озиқни она организмидан олади. Бир қанча мшанкаларнинг эмбрионал ривожланиши даврида полизэмбриония содир бўлади. Бунинг натижасида битта тухум ҳужайрасидан 100 ёки ундан кўпроқ личинка ривожланиб чиқади. Кўпчилик турларининг личинкасида икки тавақали чиганоги бўлади. Личинка цифонаут деб аталади. У киприкчалари ёрдамида бирмунча вақт сузуб юради. Личинка қорин томонидаги сўрғичлари ёрдамида субстратга ёпишиб олади. Унинг органлари ўзгариб, қайтадан ҳосил бўлади ва вояга етган ҳайвонга айланади.

**Экологияси.** Кўпчилик мшанкалар денгизларнинг ҳар хил чуқурлигига ҳаёт кечиради. Чучук сувларда ёпиқ оғизлилар кенжасинига мансуб *Plumatella* ва *Cristatella mucedo* тарқалган. *Plumatella* колонияси сув остидаги нарсаларга ёпишиб олиб ҳаёт кечиради. *Cristatella* шиллиқ колбасага ўхшаш бўлиб, унинг устки қисмидаги полипсизмон индивидлари жойлашган. Колония жуда секин силжиб ҳаракат қилиши мумкин.


Мшанкаларнинг амалий аҳамияти унча катта эмас. Улар бошқа организмлар билан бирга сув ҳавзалари биоценози таркибига киради. Чучук сувда учрайдиган мшанкалар водопровод трубаларига тиқилиб қолиб, зиён келтириши мумкин.

Мшанкалар иккита кенжасинида синф: ёпиқофизилилар (*Phylactolaemata*) ва ялангочоғизилилар (*Gymnolaemata*) га ажратилади.

## 20.2. ЕЛКАОЁҚЛИЛАР (BRACHIOPODA) СИНФИ

Якка ҳолда, ҳаракатсиз ёпишиб олиб ҳаёт кечирадиган денгиз ҳайвонлар 280 га яқин тури маълум. Катталиги бир неча мм дан, айрим вакиллари 8 см га етади.

**Тузилиши.** Танаси пластинкажабралилар сингари икки тавақали чиганоқ ичига жойлашган. Лекин чиганоги танасини қорин ва орқа томондан ўраб туриши билан пластинкажабралилардан фарқ қиласди. Чиганоги қорин томонидаги палласи орқа палласига нисбатан йириқроқ ва чуқурроқ бўлади. Чиганоқнинг ингичкалашган томони пастга ўтирилган. Чиганоқ палласи мускуллар ҳамда майдада тишчалар — қулфчалар ёрдамида қўшилиб туради. Бир қанча вакилларининг қулфчалалар



203-расм. Елкаоекилиар (табиий катталиқда). Сув тубига ёпишадиган поялари күриниб туриди.

ри бұлмайды. Бу қулфчаларнинг булиши екі бұлмаслигига биноан елкаоекилиар қулфсизлар (Ecardines) ва қулфилар (Inarticulata) кенже синфларига бўлинади.

Чиганоқлар оҳак ва шохсимон органик моддадан иборат бўлиб, жуда майда найчалар билан таъминланган. Бу найчаларга мантия ўсимталари кириб туралади. Чиганоқ мантия бурмалари эпителийсидан ҳосил бўлади (203-расм).

Танаси чиганоқ бўшлигининг фақат кейинги қисмини эгаллайди. Танасининг олдинги қисми бироз чўзилган. Бу ерда оғиз тешигининг икки ёнида иккита кўли жойлашган. Қўллар тананинг узун ўсимталаридан иборат бўлиб, улар ёрдамида озигини йиғиб олади. Қўлларнинг сиртида икки қатор майда пайпаслагичлар жойлашган. Қўллар маҳсус оҳак скелет билан таъминланган.

Елкаоекилиарнинг танаси тери эпителийси билан қопланган. Эпителий остида бириктирувчи тўқима қавати, унинг остида киприкли целомик эпителий қават жойлашган. Ички органлари кенг тана бўшлигига жойлашган. Целом бўшлиғи мезентерий тўсиқ билан ўнг ва чап бўлмага бўлинган. Целом рангсиз суюқлик билан тўлган. Бу суюқликда амёбоид ҳужайралар бўлади.

Овқат ҳазм қилиш системаси эпистом билан қопланган кўндаланг тирқищимон оғиз тешигидан, эктодермал қизилўнгач ва эндодермал ўрга ичақдан иборат. Ўрта ичакнинг кенгайган олдинги қисми ошқозонни ҳосил қиласиди. Кўпчилик елкаоекилиар ўрга ичагининг учи берк бўлади.

Елкаоекилиарнинг пайпаслагичлари нафас олиш вазифасини ҳам бажаради. Целом бўшлиғи пайпаслагичларга ҳам кириб туради. Пайпаслагичлар жуда кўп қон томирлари билан таъминланган.

Қон айланиш системаси очиқ бўлиб, унинг органлари орқа томонда жойлашган кичикроқ халтасимон юракдан ва ундан чиқадиган қон томирларидан иборат. Юракдан чиқсан аорта бир неча arterияларга ажralади. Артериялар яна шохланиб, тўқималар орасидаги тор бўшлиқлар, яъни лакунларга ўтади.

Айириш органлари метанефридий типида тузилган 1-2 жуфт буйракдан иборат. Айириш каналининг ташқи тешиги тана сиртига очиласиди. Айириш органлари жинсий ҳужайраларни чиқариш вазифасини ҳам бажаради.

Нерв системаси бир жуфт майда ҳалқумости ва йирик ҳалқумости

нерв түгүнларидан иборат. Ихтисослашган сөзги органлари ривожланмаган.

Елкаоёқлилар айрим жинсли. Жинсий органлари 2 жуфтадан бўлади. Тухум ҳужайралари целомга чиқарилади. Уругланиши урғочиси та-насида содир бўлади. Елкаоёқлилар фақат жинсий кўпаяди.

Ривожланиши метаморфоз орқали боради. Қулфлиларнинг тухумдан чиқсан личинкаси трохофорага бирмунча ўхшаш. Қулфсизларнинг тухумидан чиқсан личинкаси вояга етган даврига ўхшаш, икки палладан иборат чиганоги бўлади.

Экологияси. Елкаоёқлилар денгизларда учрайди, ҳар хил майдада ҳайвонлар, органик қолдиқлар билан озиқланади. Кўпчилик турлари ҳаракатланмайди, сув остидаги нарсаларга чиганоги, кўпинча маҳсус поясаси ёрдамида ёпишиб олади. Елкаоёқлилар қирилиб бораётган ҳайвонлар. Уларнинг скелетлари кембрийгача бўлган даврдан бошлаб учрайди. Узоқ давр мобайнида улар деярли ўзгармасдан қолган. Елкаоёқлиларнинг қолдиқлари геологик текширишларда Ер қатламлари ёшини аниқлашда катта аҳамиятга эга.


### 20.3. ФОРОНИДЛАР (PHORONIDEA) СИНФИ

Форонидлар денгиз ҳайвонлари. Ҳозиргача уларнинг 18 тури маълум. Танаси узун қолбасасимон, най ичидаги яшайди. Найдан ҳайвон та-насининг пайпаслагичлар билан таъминланган олдинги қисми чиқиб туради. Пайпаслагичлари орқали нафас олади. Айриш системаси бир жуфт найсимон органлардан иборат. Бу органлар жинсий безларнинг чиқариш йўли ҳам бўлиб ҳисобланади (204-расм).

Тана бўшлиғи — целином 3 бўлимдан иборат. Қон айланиш системаси ривожланган. Нерв системаси оғиз атрофи нерв ҳалқаси ва бўйлама нерв стволларидан ташкил топган. Сезги органлари тилча шаклдаги органдан иборат.

Форонидлар гермафрорит. Личинкаси метаморфоз орқали ривожланади. Тухумдан чиқсан личинкаси актинотроха дейилади. Личинканинг тузилиши трохофорага бироз ўхшаш. Форонидлар жинссиз кўндалангига бўлиниш орқали ҳам кўпаяди.

Пайпаслагичларнинг филогенияси аниқланмаган. Целом бўшлиғи ва қон айланиш системасининг бўлиши билан улар ҳалқали чувалчангларга ўхшаб кетади. Лекин тухум ҳужайрасининг майдаланиши ва эмбрионал ривожланиши ҳалқалилардан фарқ қиласи. Шунинг билан бирга улар тузилиши ва ривожланишидаги айрим белгилар, хусусан целомни учга бўлиниши, эмбрионал ривожланишида органларнинг ҳосил бўлиши иккиласмачи оғизлилар, яъни нинатерилиларга ўхшайди.



204-расм. Пайпастагиличиларнинг тузилиши.

А — форонис: 1 — пайпастагиличлар, 2 — сезги органи, 3 — айриш органи тешиги, 4 — аналтешик, 5 — нерв ганглий, 6 — айриш органи, 7 — орка қон томири, 8 — ўрта ичак, 9 — уруғдон, 10 — тухумдон, 11 — қизилўнгач, 12 — пайпастагиличлари қон томири, 13 — оғиз, 14 — қорин қон томири. Б — сілкәоғылдар: 1 — чиганоги қорин палласи, 2 — мантта, 3 — оёқча, 4 — пайпастагиличлар, 5 — оғиз, 6 — ичак, 7 — юрак, 8 — айриш органи, В — мішанкалар: 1 — пайпастагиличлар, 2 — ичакнинг олд томони, 3 — орқа ичак, 4 — ошқозон, 5 — ташқи скелет, 6 — куртак статобласт.

## 21. НИНАТЕРИЛИЛАР (ECHINODERMATA) ТИПИ

Нинатерилилар иккиласмчи тана бўшиқли ҳайвонлар, вояга етган даврида танаси радиал симметрияли бўлади. Кўпчилик турларининг симметрияси беш нурли. Лекин нинатерилиларнинг радиал симметрияси иккиласмчи хусусиятга эга бўлиши билан бўшиқлиларнинг бирламчи симметриясидан фарқ қиласди. Нинатерилиларнинг аждодлари ва личинкалари иккитомонлама симметрияга эга. Нинатерилилар целиоми яхши ривожланган бўлиб, суюқлик билан тўлган. Бу бўшиқда ички органлари жойлашган. Целомниң мураккаб тузилиши ва ундан бир қатор системаларнинг ҳосил бўлиши билан нинатерилилар бошқа

ҳайвонлардан кескин фарқ қиласы. Хусусан, барча нинатериллар учун хос бўлган амбулакрал (сувтомир) системаси целомдан келиб чиқади.

Нинатерилларнинг териси остидаги бириктирувчи тўқимасида оҳак пластинкалардан иборат скелети жойлашган. Скелет пластинкалари тикан ёки нинага ўхшаб тана сиртига туртиб чиқиб туради. Нинатерилларнинг қон айланиш системаси бор, нафас олиш органлари кучиз ривожланган, маҳсус айриш системаси бўлмайди. Нерв системаси содда тузилган бўлиб, кўпинчча тери эпителийси ичидаги ёки эпителийнинг тана деворига ботиб кирган қисмida жойлашган.

Нинатериллар айрим жинсли ҳайвонлар. Уларнинг тухумидан эркин сузуб юрадиган диплеврула личинкаси чиқади. Бу личинка мураккаб метаморфоз орқали вояга етган ҳайвонга айланади.

Нинатериллар типи 5000 дан кўпроқ денгизларда яшовчи ҳайвонларни ўз ичига олади. Тип пельматозойлар ва элеутерозойлар кенжада типларига ажратилади. Биринчидан кенжада типга денгиз нилюфарлари синфи ва қирилиб битган бир неча синфлар киради. Элеутерозойлар синфига эса ҳозирги 4 синф: денгиз юлдузлари, офиурапар, денгиз типритиканлари ва голотуриялар синфлари ҳамда битта қирилиб кетган офиоцисталар синфи киради.


## 21.1. ЭЛЕУТЕРОЗОЙЛАР (ELEUTHEROZOA) КЕНЖА ТИПИ

Танаси юлдузсимон, шарсимон ёки илонга ўхшаш шаклда бўлади. Скелети совутга ўхшаш ёки қисман редукцияга учраган. Оғиз ва анал тешиклари танасининг қарама-қарши томонларида жойлашган. Эркин яшовчи ҳайвонлар, амбулакрал системаси ёрдамида ҳаракат қиласы.

### 21.1.1. ДЕНГИЗ ЮЛДУЗЛАРИ (ASTEROIDEA) СИНФИ

Денгиз юлдузлари денгиз тубида турли чуқурликда ҳаёт кечираади. Айрим вакиллари қирғоқ бўйида, бошқалари эса бир неча минг метр чуқурликда учрайди. Улар сувнинг ўрнаниш даражасига жуда сезгир бўлганидан фақат очиқ денгизларда яшай олади. Катталиги 70 см гача етади.

**Ташқи тузилиши.** Танаси ясси, беш нурли ёки кўп нурли юлдузга ўхшаган бўлиб, марказий дискдан ва нурлардан ташкил топган. Нурларининг сони 5 дан 13 гача ёки кўпроқ бўлиши мумкин. Танасининг остки томонида дискнинг марказидан бошланадиган икки хил чизиқларни кўриш мумкин. Марказдан нурларининг четларига қараб тараладиган чизиқлар радиуслар, уларнинг оралиғида жойлашган марказий дискнинг четига келиб тақаладиган калта чизиқлар эса *интеррадиуслар* дейилади. Марказий дискининг оғиз тешиги жойлашган остки томони орал, унинг қарама-қарши томони эса аборал то-



205-расм. Нинатерилилар.

А — дөңгиз юлдзуи, Б — дөңгиз нилуфари, В — дөңгиз бодринглари, Г — дөңгиз тип-ратикани.


мон дейилади. Аборал томонда чиқарув тешиги бўлади. Танасининг остки томонидан ҳар бир нур бўйлаб амбулакрал эгатча ўтади. Бу эгатча тубида маҳсус ўсимталар шаклидаги амбулакрал оёқчалар жойлашган. Денгиз юлдузлари ана шу оёқчалар ёрдамида ҳаракат қилади (205-расм).

Тана девори бир қават киприкли эпителий, унинг остида жойлашган бириктирувчи тўқима ва тана бўшлигини чегарараб турадиган ички эпителийдан иборат. Бириктирувчи тўқима қаватида мезодермал оҳак скелет ҳосил бўлади. Орал томонида скелет кучлироқ ривожланган. Нурлар бўйлаб икки қатор бўлиб жойлашган амбулакрал пластинкалар амбулакрал эгатчаларни ёпиб туради. Марказий дискнинг аборал томонидаги интеррадиуслардан бирининг устида майда тешикчалари бўлган мадреопор пластинкаси жойлашган. Аборал томонининг сиртида майда оҳак ниналари бор. Айрим вакилларида бундай ниналардан иккитаси бирлашиб, қайчига ўхшаш педицеллярияларни ҳосил қилиши мумкин.

**Ҳазм қилиши системаси.** Орал томонида жойлашган оғиз тешиги қисқа ҳалқум орқали халтага ўхшаш ошқозонга очилади. Ошқозон қисқа ва тор орқа ичакка ўтади. Орқа ичаги аборал томонининг марказидаги чиқариш тешиги орқали ташқарига очиласди. Ошқозондан ҳар бир нур бўйлаб бир жуфтдан узун найлар кетади (206-расм). Найларнинг ён томонида жойлашган ҳазм қилиши шираси ишлаб чиқарадиган халтачалари жигар вазифасини бажаради.

Денгиз юлдузлари йиртқич ҳайвонлар. Улар икки тавақали моллюскалар, денгиз типратиканлари ва бошқа секин ҳаракатланадиган умуртқасизлар билан озиқланади. Кичикроқ ўлжани бутунлигicha ютади. Йирикроқ ўлжани эса оғзидан ташқарига чиқариладиган ошқозони билан қоплаб олади. Бу ҳолда озиқ унинг танасидан ташқарида ҳазм бўлади.

**Амбулакрал системаси** ҳаракатланиш учун хизмат қиласди. Бу система сув билан тўлғазилган найлардан иборат. Амбулакрал системаси або-



206-расм. Денгиз юлдузининг ички тузилиши.

1 — оғиз, 2 — ошқозон, 3 — анус, 4 — жигар, 5 — мадреопор пластинка, 6 — ўқ орган, 7 — тош най, 8 — амбулакрал системаси ҳалқа наи, 9 — амбулакрал системаси радиал най, 10 — амбулакрал оёқлар, 11 — оёқлар ампуласи, 12 — қон ailpanish системаси ҳалқа қон томири, 13 — қон ailpanish системаси радиал қон томири, 14 — ҳалқум атрофии нерв ҳалқаси, 15 — радиал нервлар, 16 — жинсий бэз.

рал томонда жойлашган мадреонар пластинкадан бошланади. Пластинкадаги тешикчалар орал томонга кетадиган тош наий билан боғланган. Тош най орал томонда ҳалқумни ўраб турадиган ҳалқа най билан туташади. Ҳалқа найдан ҳар бир нурга радиал найдар кетади. Радиал найдарнинг икки ёнида қалта ён найдарлар жойлашган. Ҳар бир ён найдар бир томондан тана бўшлигидаги қисқарувчан пуфакча — ампула билан, иккичи томондан орал томондаги қисқариш хусусиятига эга бўлган амбулакрал оёқча билан туташган. Оёқчалар орал томонидаги амбулакрал эгатчаларда 2 ёки 4 қатор бўлиб жойлашган учida сўргичлар бўлган ўсимталарадан иборат. Танасининг ҳаракатлананаётган томондаги ампулалари ва амбулакрал оёқчаларининг галма-галдан қисқариши туфайли дengiz юлдузи ҳаракат қиласди. Бу қуйидагича содир бўлади. Ампулалар қисқарганида сув амбулакрал оёқчаларга ўтади, оёқчалар чўзилиб, бирон нарсага ёпишади. Сўнгра оёқчалар қисқариб, сув ампулаларга тушади. Жуда кўп оёқчаларнинг бирданига қисқариши туфайли ҳайвоннинг танаси аста-секин олдинга сурлади. Тош наий деворидаги киприкчаларнинг ҳаракати туфайли сув амбулакрал системаси наий орқали тана ичкарисига оқади. Амбулакрал оёқлардаги сўргичлар ёрдамида дengiz юлдуzlari қояларга ёпишиб олиб, тик кўтарилиши мумкин. Кўпчилик дengиз юлдуzlарининг ҳалқа найдада пуфакчага ўхшаш заҳира сув сақлайдиган халтачалар ҳам бўлади. Амбулакрал оёқчалари ёрдамида дengиз юлдуzlari соатига 3-5 м тезлиқда ҳаракатлана олади.

**Нафас олиш аъзолари.** Денгиз юлдуzlari ва дengiz типратикандар танасининг сиртида ичи бўш юпқа деворли бўртмалар жойлашган. Бу бўртмалар тери жабралари дейилади. Денгиз сувида эриган кислород бўртмалар девори орқали целом суюқлиги ўтади. Целом суюқлиги тиниқ ва рангиз, унда амёбасимон ҳужайралар бўлади. Нафас олиш жараёнида амбулакрал системаси ҳам қисман иштирок этади.

**Перигемал, яни псевдогемал системаси.** Перигемал системаси ҳам найдардан иборат бўлиб, целомдан ҳосил бўлади. Бу система оғизолди ҳалқа наий ва ундан нурлар бўйлаб кетган радиал перигемал найдардан иборат. Перигемал система ҳам целом суюқлиги билан тўлган. Перигемал системаси найдари нерв системасини ўраб туради ва нерв тўқималарини озиқ моддалар билан таъминлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

**Айириш системаси.** Нинатерилиларнинг маҳусе айириш органлари бўлмайди. Моддалар алмашинуви маҳсулотлари асосан целом суюқлиgidаги амёбасимон ҳужайралар томонидан тана бўшлиғи деворининг энг юпқа жойидан, хусусан тери жабралари орқали чиқариб ташланади. Амёбасимон ҳужайраларни тидеман безлари ва ўқ комплекси органи ишлаб чиқаради. *Тидеман безлар* оғизолди ҳалқа амбулакрал найдада тош каналининг ёнида жойлашган. Ўқ органи ғовак тўқимадан ҳосил

бүлгән узунчоқ халтага ўхшаш бўлиб, тош канали яқинида жойлашган.

Қон айланиш системаси иккита ҳалқа томирлар ва улардан нурлар бўйлаб кетадиган радиал қон томирларидан иборат. Ҳалқа томирлардан бири оғиз олдида, иккincinnиси аборал томонидаги анал тешиги яқинида жойлашган. Ҳалқа томирлар қон ишлаб чиқарадиган ўқ органи билан боғланган. Нинатерилларнинг қон томирлари перигемал системаси наилари ичида жойлашган бўлиб, ўз эпителийси бўлмайдиган лакунлардан иборат. Ичак девори орқали қон суюқлигига озиқ моддалар ўтиб туради. Нинатериллар қони умуртқали ҳайвонларнинг лимфа суюқлигига ўхшаб кетади.

**Ўқ комплекси органлари.** Нинатерилларнинг ўқ комплекси органлари тана дискининг тик ўқи бўйлаб жойлашган органлар, хусусан амбулакрал системасининг мадреопор пластинкаси, тош канал, ўқ органи ва ундаги қон айланиш системаси лакунлари, целомдан ҳосил бўлган иккита ўқ синуслар ҳамда жинсий синусдан ташкил топган.

**Нерв системаси.** Денгиз юлдузларида битта асосий эктоневрал (орал) ва иккита қўшимча-гипоневрал ва аборал нерв системалари бўлади. Асосий эктоневрал нерв системаси оғизолди нерв ҳалқаси ва ундан нурлар бўйлаб кетадиган 5 ёки ундан кўпроқ радиал нервлардан иборат. Бу нерв системасидан чуқурроқда гипоневрал системаси жойлашган. Аборал нерв системаси эса марказий дискнинг аборал томонида целом эпителийси остида жойлашган нерв ҳалқасидан ва ундан тарқаладиган радиал нервлардан иборат. Эктоневрал системаси асосан сезги вазифасини бажаради. Бирмунча кам ривожланган гипоневрал ва аборал нерв системалари эса ҳайвон ҳаракатини бошқарб туриш учун хизмат қиласди.

**Сезги органлари** яхши ривожланмаган. Амбулакрал оёғлари ва нурларининг учки қисмida жойлашган калта пайпаслагичлар туйғу аъзолари ҳисобланади. Ҳар қайси нурининг учидаги пайпаслагичлари асосида биттадан оддий кўзчалари бўлади. Кўзчалар кўз чуқурчasi типида тузилган бўлиб, фақат ёруғлик сезишга ёрдам беради. Утказилган тажрибалар денгиз юлдузлари ҳидни ҳам яхши ажратса олишини кўрсатади.

**Жинсий системаси.** Денгиз юлдузлари айрим жинсли. Жинсий системаси содда тузилган. Жинсий безлари шингилсизмон шаклда нурларнинг асосида жойлашган. Безларнинг йўли нурларнинг оралигига очилади. Жинсий ҳужайралари сувга чиқарилади. Тухум ҳужайраси сувда ургуланди.

**Ривожланиши.** Тухум ҳужайраси тўлиқ бир текис бўлинниб, киприклар билан қопланган бластулани ҳосил қиласди. Бластуланинг пастки қутби ботиб кириши туфайли эндодермал ўрта ичак ҳосил бўлади ва бластула гаструлага айланади. Мезодерма эса эндодермал ўрта ичак ҳужайраларининг бластоцелга кўчиши (иммиграция) туфай-

ли келиб чиқади. Ичакнинг юқори берк учки қисми ажralиб чиқиб, целомни ҳосил қиласди. Гаструла сиртқи қаватининг бир қисмини ботиб кириши натижасида олдинги ичак ҳосил бўлади. Гаструла бластопори (бирламчи оғиз) орқа чиқарув тешигига айланади ёки орқа чиқарув тешиги бластопор ўринда пайдо бўлади. Иккиламчи оғиз тешиги эктодерма қаватининг ботиб кириши натижасида келиб чиқади. Ана шунинг учун нинатерилилар иккиламчи оғизли ҳайвонлар (*Deuterostomata*) группасига киритилади. Шундан сўнг орқа чиқарув тешиги қорин томонга силжийди ва личинка икки ёnlама симметрияли бўлиб қолади. Личинканинг киприклар чамбари фақат оғиз атрофида сақланиб қолади. Бу даврда личинка диплеврула дейилади. Ҳамма нинатерилиларнинг тухумидан чиқсан диплевруласи бир-бирiga ўхшаш бўлади. Нинатерилилар типидаги синфлар диплеврула личинкасининг бундан кейинги ривожланиши давомида турли даражада ўзгариши билан бир-биридан фарқ қиласди. Денгиз юлдузлари личинкаларида киприклар чамбари икки қатор — оғизолди ва оғизорқаси ҳалқаларини ҳосил қиласди. Бундай личинка битиннария дейилади.

Шундай қилиб, барча нинатерилиларнинг личинкаси дастлаб иккитомонлама симметрияли бўлади. Беш ёки ундан ҳам кўпроқ нурли симметрия кейинроқ пайдо бўлади. Нурли симметрия целом бўшлигининг бир неча қисмга бўлинниб, улардан амбулакрал ва бошқа целом системаларининг пайдо бўлиши натижасида келиб чиқади.

**Регенерация.** Денгиз юлдузларида регенерация хусусияти кучли ривожланган. Юлдуз танасидан кесиб олинган битта нурдан ҳам бир бутун ҳайвон ривожланиб чиқиши мумкин. Айрим турлари ҳатто нурлар ўз-ӯзидан ажralиб кетиб, яна регенерация қилиш орқали жинсисиз кўпайиш хусусиятига эга.

**Тарқалиши ва аҳамияти.** Денгиз юлдузлари Дунё океанининг ҳамма жойида, барча нормал шўрланган денгизларда учрайди. Улар айниқса тропик денгизларда қирғоқ яқинида, маржон рифлари орасида жуда кўп бўлади. Йирик, кўп нурли юлдуз *Acanthaster* нинг ниналари заҳарли бўлади. Акантастер маржонполиплар билан озиқланиб, катта зиён келтиради. Бинафша-қизғиши рангли *Solaster* кўпинча бошқа нинатерилиларга ҳужум қиласди. Узоқ Шарқ денгизларида *Asterias* (208-расм) ва *Patiria* авлодига мансуб дengiz юлдузлари кенг тарқалган. *Asterias amurensis* Узоқ Шарқ денгизларида, *Asterias rubens* Баренц дengизида устрица ва мидия сингари овланадиган қимматбаҳо моллюскаларни қириб, катта зиён келтиради.

### 21.1.2. ДЕНГИЗ ТИПРИТИКАНЛАРИ (ECHINOIDEA) СИНФИ

Денгиз типритиканлари танаси қаттиқ оҳак ниналар билан қопланган дengиз тубида яшовчи бентос ҳайвонлар. Шакли шарсимон бўлиб,

танасининг диаметри 2-3 см дан 15-20 см гача етади. Нормал шўрланган очиқ денгизларда тарқалган.

Ташқи тузилиши. Шарсимон танаси беш нурли симметрияли бўлади. Пастки бироз яссилашган орал томонида оғиз тешиги, қарама-қарши аборал томонида анал тешиги, жинсий органларининг бешта тешиклари ва мадреопор пластинкаси жойлашган. Танасини қопловчи ниналари турлича гузилган. Бирқанча вакилларида ниналари калта, ингичка ва ўткир бўлса, бошқаларида — йўгон ва узун бўлади. Оғиз тешитидан тана сирти бўйлаб бешта эгатча ўтади. Бу эгатчаларда амбулакрал оёқчалар жойлашган. Денгиз типритиканларининг нурлари бўлмасада, органларининг жойланиши уларнинг беш нурли симметрияли ҳайвонлар эканлигини кўрсатади.

Типритиканлар скелети кучли ривожланган. Танасининг оғиз ва анал тешиги атрофидан ташқари ҳамма қисмлари оҳак пластинкалардан иборат қаттиқ совут билан қопланган. Совут скелет тери остида икки қатор бўлиб жойлашган ўн жуфт меридионал пластинкалар қаторидан иборат (қаранг: 205-расм). Бу пластинкалар қаторининг 5 жуфтида жуда кўп тешикчалар бўлади. Тешикчалардан амбулакрал оёқчалари чиқиб туради. Амбулакрал пластинкалар ўртасида бирмунча йирикроқ, интерамбулакрал пластинкалар ётади. Ҳар бир интерамбулакрал пластинка аборал томонида жойлашган битта жинсий пластинка билан туташди. Бу пластинкаларда жинсий тешиги бўлади. Жинсий пластинкалардан бирида жуда кўп тешикчалар бўлиб, у мадреопор пластинкаси ҳисобланади.

Айрим денгиз типритиканларининг нинаси жуда катта, баъзан тана диаметрига нисбатан 2-3 марта узун бўлади. Оддий ниналари орасида қисқичта ўхшаш ниналар — педицеляриялар жойлашган. Ҳар бир педицелярия ҳаракатчан пояча ва тишли омбирчадан иборат. Педицелярияларнинг тузилиши ва вазифаси ҳар хил, улардан кўпчилиги тана сиртига тушган экскрементларни майдалаб, танани тозалаш вазифасини бажаради. Бошқа педицеляриялар эса ҳимоя учун хизмат қиласиди. Уларнинг ҳар бирида уч жуфтдан заҳар безлари бўлади.

Типритиканларнинг оғиз бўшлиғида чайнаш аъзоси *арасту фонари* жойлашган. Арасту фонари 25 та оҳак тўсинчалар ва пластинкалардан тузилган. Бу пластинкалардан бештаси узун ва ўткир чўқморга ўхшаш бўлиб, оғиз тешигини ўраб турадиган тишлиларни ҳосил қиласиди. Арасту фонари ва унинг пластинкалари маҳсус мускуллар ёрдамида бир-бири билан ҳаракатчан кўшилган.

Денгиз типритиканлари целоми жуда кенг бўлади. Барча органлари шу целомда жойлашган.

Овқат ҳазм қилиш системаси юпқа деворли ичақдан иборат. Ичаги узун бўлганидан целом бўшлиғидан буралиб жойлашган. Ичагининг ҳамма қисмлари деярли бир хил йўғонликда бўлиб, фақат ичак девори

түзилиши текширилганида олдинги, ўрта ва кейинги ичак бўлимлари ни фарқ қилиш мумкин. Ўрта ичакнинг олдинги қисми бўйлаб ингичка найда ўтади. Найчанинг икки томони ҳам ичак бўшлиғига очилади. Найчага озиқ билан бирга ютилган сув ўтиб турганлиги туфайли, у нафас олиш вазифасини бажариши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш мумкин.

Денгиз типритиканлари турли майдо ҳайвонлар ёки сув ўтлари билан озиқланади. Улар сув ўтларини ўткир тишлари ёрдамида тошлар устидан қириб олади. Айрим турлари кўп миқдорда балчиқ ютиб, ундан органик қолдиқларни ажратиб олади.

**Нафас олиши аъзолари.** Кўпчилик денгиз типритиканлари оғзи атрофида 5 жуфт калта тери жабралари жойлашган. Амбулакрал системаси ҳам нафас олишда иштирок этади.

Амбулакрал, перигемал, қон айланиш ва нерв системалари денгиз юлдузлариникига бирмунча ўхшаш тузилган.

**Жинсий системаси.** Денгиз типритиканлари айрим жинсли ҳайвонлар. Орқа ичаги атрофида бешта жинсий безлари (тухумдонлар ёки уруғдонлар) жойлашган. Безларнинг йули аборал томондаги бешта жинсий пластиналарнинг сиртига очилади. Тухум ҳужайраси ташқи муҳитда уруғланади.

Денгиз типритиканларининг 800 дан ортиқ тури тарқалган. Улар тузилишига кўра тўғри ва нотўғри типритиканлар кенжа синфларига ажратилади.

Тўғри денгиз типритиканлари кўпчилик турларни ўз ичига олади. Уларнинг шарсизмон танасидаги радиуслари бир хил ривожланган. Анал тешиги аборал томони ўргасида жойлашган. Шимолий ва Узоқ Шарқ денгизларида *Strongylocentrotus* жуда кўп учрайди. Шимолий Атлантикада тарқалган йирик *Echinus*нинг жинсий бези озиқ-овқат сифатида фойдаланилади. Тропик денгизлардаги маржон рифлари орасида учрайдиган *Heterocentrotus* ниналари узун ва йўғон бўлади. Диадема типритиканнинг ингичка ва мўрт ниналари заҳарли бўлади.

Нотўғри денгиз типритиканлари (*Irregularia*) кенжа синфи вакилларида анал тешиги тана дискининг четида жойлашган. Танаси жуда кучли ясилашган диск ёки юрак шаклда бўлади.

Амбулакулар обёқлари танасининг устки томонида жойлашганлиги туфайли ҳаракатланиш вазифасини бажармайди, фақат нафас олиш учун хизмат қиласиди. Уларда анал тешигини бир томонга сурилиши оғиз тешигини ҳам олдинги томонга бироз сиљишига, бинобарин радиал симметрия белгиларини камайиб, қисман билатерал симметрия белгиларини пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бу эса ўз навбатида жинссиз безлар сонининг қисқаришига олиб келган.

Нотўғри денгиз типритиканлари лой ёки қумли бентосда ҳаёт чиради.

### **21.1.3. ГОЛОТУРИЯЛАР, ЯЬНИ ДЕНГИЗ КҮЗАЧАЛАРИ (HOLOTUROIDEA) СИНФИ**

Голотуриялар, яьни дengиз күзачалари (қаранг: 205-расм) скелети редукцияга учраган, билатериал симметрияли ҳайвонлар. 600 га яқин тури маълум.

Ташқи тузилиши чувалчангга ўшаш чўзиқ. Айрим вакилларининг узунлиги 1 м га етади. Танаси бир учидаги пайпаслагичлар билан ўралган оғиз тешиги, қарама-қарши томонидаги эса анал тешиги жойлашган. Асосий тана ўқи горизонтал жойлашганилигидан орал кутби танасининг олдинги томони, аборал қутби эса кейинги томони ҳисобланади. Олдиндан орқага бешта эгатчалар кетган. Ҳар қайси эгатчада 2 қатордан амбулакрал оёқчалар жойлашган. Остки учта эгатчада жойлашган оёқчалари яхши ривожланган бўлиб, сўргичлар билан таъминланган. Иккита устки эгатчалардаги амбулакрал оёқчалари яхши ривожланмаган. Айрим голотурияларнинг оёқчалари умуман бўлмайди.

Оғиз тешиги атрофида бешта оддий ёки шохланган мураккаб пайпаслагичлари бўлади. Пайпаслагичлар амбулакрал оёқчаларининг ўзгаришидан келиб чиқсан. Пайпаслагичлари ҳар хил тузилган. Айрим турларининг пайпаслагичлари калта бўлади. Улар ёрдамида ҳайвон балчиқ ёки қумни қамраб олиб, ундан озиқни ажратиб олади. Бошқаларининг пайпаслагичлари кучли шохланган бўлиб, голотуриялар улар ёрдамида турли майдага жониворларни ушлайди.

Ҳазм қилиш системаси узун найсимон ичакдан иборат. Ичакнинг кейинги қисми қенгайиб, клоакага айланади. Клоакага ҳимоя вазифасини бажарадиган ингичка найчалардан иборат безлар — кювьеров органининг йўли очилган. Найчаларнинг умумий сони 10 дан 100 тагача этиши мумкин. Уларнинг бир уни берик, иккинчи уни клоака билан боғланган. Ҳайвонга бирон нарса тегиб кетганида кювьеров органи клоака тешигидан отилиб чиқиб, теккан нарсага ёпишиб қолади.

**Нафас олиш аъзолари.** Целом бўшлигига клоаканинг икки ёнида иккита йирик юпқа деворли халтачалар — сув ўпкалари нафас олиш вазифасини бажаради. Ўпкаларнинг кейинги қисми бирлашиб, умумий най билан клоакага очилади. Денгиз күзачалари сувни клоакаси орқали дамба-дам сўриб олиши ва чиқариб туриши туфайли нафас олади. Сувда эриган кислород юпқа ўпка девори орқали целом суюқлигига ўтади.

**Айириш органлари.** Сув ўпкалари қисман айириш аъзоси вазифасини ҳам бажаради. Модда алмашинув маҳсулотлари сув ўпкаларидан диффузия йўли билан чиқиб кетади. Целом суюқлигидаги амёбоцит ҳужайралар модда алмашинув маҳсулотларини қамраб олиб, ўпка девори орқали сувга чиқиб кетади.

Амбулакрал системаси бошқа нинатериллар сингари ҳалқасимон амбулакрал найдан ва ундан бошланадиган бешта радиал найдардан

иборат. Радиал найлар калта найчалар орқали амбулакрал оёқлар ва ампулалар билан туташган. Денгиз кўзачалари ҳам дengiz юлдузлари сингари қорин қисмида уч қатор бўлиб жойлашган амбулакрал оёқчалар ёрдамида ҳаракатланади. Оёқсиз голотурияларнинг фақат ҳалқа найи бор, радиал найлари бўлмайди.

Қон айланиш системаси яхши ривожланган бўлиб, оғизолди ҳалқа қон томири ва ундан бошланадиган 5 та радиал лакунлардан иборат. Ҳалқа қон томирдан яна 2 та йирик орқа ва қорин синуслари чиқади. Майда қон томирлар сув ўпкалари деворини ҳам тўр шаклида ўраб олади. Шунинг учун кислород сувдан дастлаб қонга, ундан эса тана бўшлиғига ўтади.

Перигемал системаси фақат радиал найлардан иборат.

Нерв системаси дengiz юлдузлариникига ўхшайди. Лекин эндоневрал системаси бўлмайди. Пайпаслагичлари туйфу аъзоси ҳисобланади. Кўзлари бўлмайди. Айрим голотурияларда статоцистлар бўлади.

Жинсий системаси. Кўпчилик турлари айрим жинсли. Жинсий бези бир бойлам узун найчалардан иборат. Найчалар битта умумий йўл билан танасининг олдинги қисмига яқин жойда (орқа томонда) ташқарига очилади. Оёқсиз голотурияларнинг бир қанча турлари гермафродит бўлиб, жинсий найлари тухум ва уруғ ҳужайраларини ишлаб чиқаради.

Дengиз кўзачаларининг автотомия хусусияти жуда яхши ривожланган. Улар кучли таъсиранганида клоакаси йиртилиб, ундан ички аъзоларининг бир қисмини (ичаги, чап ўпкаси) ёки ҳаммасини чиқариб ташлайди. Шундан сўнг ҳайвон қисқа муддатда етишмаган ички аъзоларини қайта тиклайди. Оёқсиз голотуриялар эса танасининг кейинги қисмини узиб ташлаш хусусиятига эга. Узилиб қолган қисмлардан етишмаган аъзолари қайтадан тикланади.

**Ривожланиши.** Тухуми сувда уругланади. Тухумдан барча нинателиларга хос бўлган диплеврула личинкаси чиқади. Диплеврула голотурияларга хос бўлган аурикулярия личинкасига айланади. Аурикулярияning танаси овал шаклда, қорин томонидаги киприклар билан ўралган чуқурчасида оғиз тешиги бор. Аурикулярия сув тубига чўкиб, вояга етган голотурияга айланади.

Классификацияси ва аҳамияти. Голотуриялар синфи 5 туркумга бўлиниади.

**1. Дараҳтсимон пайпаслагичлилар (Dendrochirota)** туркуми. Пайпаслагичлари узун, дараҳтга ўхшашиб шохланган бўлиб, танаси ичига тортилади. Бу туркумнинг вакиллари сифатида дengиз бодринглари (*Cucumaria*)ни кўрсатиш мумкин. Улардан бири *C. frondosa* нинг каттагилиги 50 см келади, Баренц дengизида учрайди. Дengиз бодрингларининг бир неча тури овланди.

**2. Қалқонсимон пайпаслагичлилар (Aspidochirota)** туркумига шохланмайдиган калта пайпаслагичли голотуриялар киради. Ҳақиқий голотуриялар (*Holothuria*) анча йирик (50 см гача) бўлиб, тропик дengизларда

тарқалған. Улар овланади. Япония, Хитой каби Осиё мамлакатларида трепанглар (*Stichopus*) гүшти учун овланади. Ички органлари чиқариб олиниб, куритилған трепанглар сотищга чиқарылади. Уларнинг қаттиқ скелети ривожланмаганлыги туфайли гүшти юмшиқ бўлади. Узоқ Шарқ денгизларида тарқалған япон трепангиги (*S.japonicus*) нинг узунлиги 20 см га етади.

3. Ёноқлилар (*Elasipoda*) туркуми. Қорин томони ясси, танасининг ён томонида йирик амбулакрал оёқлари жойлашган. Анча чуқурликда яшайдиган *Elpidia* танаси рангиз, тиниқ бўлади.

4. Бочкасимонлар (*Molpadonia*) туркуми. Танаси йўғон, балчиқса қўмилиб яшайди. Танасидан ажралиб чиққан дум қисмида амбулакрал оёқлари бўлмайди.

5. Оёқсизлар (*Apoda*) туркуми. Оёқлари бўлмаганлиги туфайли танасининг ташқи кўринишичувалчангни эслатади. Ўрта Ер ва Қора-дengizларда тарқалған.

#### 21.1.4. ИЛОНДУМЛИЛАР, ЯЬНИ ОФИУРАЛАР (ОРНІУРОІДЕА) СИНФИ

Ташқи тузилиши. Офиуралар ташқи кўринишидан денгиз юлдузларига ўхшаб кетади. Лекин улардан кўпгичлик белгилари билан фарқ қиласди. Танаси беш нурли симметрияга эга бўлиб, марказий дискдан ва нурлардан иборат. Денгиз юлдузларидан ўлароқ офиураларнинг нурлари марказий дискдан кескин ажралиб туради. Нурлари узун ва ингичка. Баъзан дихотомик шоҳланган. Нурлари ичидаги ёки жинсий безлари бўлмайди. Танасининг остки томонида оғзи бўлади, чиқарыш тешиги бўлмайди.

Нурларининг скелети яхши ривожланган. Скелет пластинкалари нурларида 4 қатор бўлиб жойлашган. Улардан 2 қатори икки ён томонида, биттадан қаторлари орал ва аборал томонида жойлашган. Нурларининг ичидаги ўқ скелети (умуртқалар) ривожланган.

Ҳазм қилиш системаси оғиз бўшлиғи ва бурмали ошқозондан иборат. Орқа ичаги, анал тешиги ва жигар ўсимтаси бўлмайди.

Амбулакрал системаси денгиз юлдузлариникадан бирмунча фарқ қиласди. Мадреонор пластинкаси орал томонда жойлашган, унда фақат битта тешик бўлади. Амбулакрал оёқчаларида ампулалар ва сўргичлар бўлмайди. Оёқчалар нафас олиш ва қисман туйғу вазифасини бажаради. Офиуралар нурларини илонга ўхшаб эгиб ҳаракат қиласди. Целоми яхши ривожланмаган, фақат марказий нерв дискида бўлади. Целом тор найга ўхшаб нурларининг ичига ҳам киради.

Нафас олиш ва айриш аъзолари ривожланмаган.

Перигемал системаси ҳалиқумолди ҳалқасидан ва бешта радиал томирлардан иборат. Бундан ташқари жинсий безлар билан боғланган аборал ҳалқа қон томири ҳам бор.

**Қон айланиш системаси** дengiz юлдузларига үхшаш тузилган. Оғизолди ҳалқа томиридан нурларга радиал қон томирлари кетади. Бирмунча майда турларининг қон айланиш системаси редукцияга ураган.

**Нерв системаси.** Эктонерврал системаси оғизолди ҳалқаси ва орал томонида жойлашган 5 та радиал нервлардан иборат. Радиал нервлар ва оғизолди нерв ҳалқаси түқималарга ботиб кирган. Гипоневрал системаси ҳам анча чуқур жойлашган. Нурларнинг ҳаракатчанлиги ва бўғимларга бўлинганлиги туфайли радиал гипоневрал томирлар бўйлаб кичикроқ нерв тугунлари ҳосил бўлади. Эндоневрал системаси кучсиз ривожланган нерв ҳалқаси ва 5 та калта нервлардан иборат.

**Жинсий системаси.** Офиуралар айрим жинсли. Дискининг орал томонида нурларининг асосида 5 жуфт жинсий тешиклари жойлашган. Бу тешиклар ўнта жинсий халталарга очилади. Жинсий халталарда жинсий ҳужайралар сақланади. Ургочиларнинг жинсий халтачаларида тухумлари бирмунча вақт ривожланади.

Офиуралар хилма-хил рангли. Денгиз юлдузлари сингари ҳаёт кечиради. Кўпчилик турлари нурларини автогомия қилиш хусусиятига эга. Айрим турлари танасини иккига бўлиниши орқали жинссиз кўпаяди.

## 21.2. ПЕЛЬМАТОЗОЙЛАР, ЯЪНИ ПОЯЧАЛИ НИНАТЕРИЛИЛАР (PELMATOZOOA) КЕНЖА ТИПИ

Сув тубига поячаси ёки аборал томони билан ёпишиб ҳаёт кечирали. Айрим турлари вояга етган даврида эркин яшайди. Танаси халтага ёки шарга үхшаш ёки косача шаклида бўлиб, скелет пластинкалари билан қопланган. Оғзи, анал тешиги, амбулакрал ва жинсий системаларининг тешиклари устки (орал) томонида жойлашган.

### 21.2.1. ДЕНГИЗ НИЛУФАРЛАРИ (CRINOIDEA) СИНФИ

Денгиз нилуфарлари — ўтроқ яшовчи энг қадимги ҳайвонлар. Нинатерилилар типининг энг юксак, лекин ҳозир йўқолиб бораётган синфи. Палеозой ва Мезозой эраларида денгизларда кенг тарқалган. Ҳозирги турлари сони 700 га яқин.

Ташқи тузилиши. Қадимги денгиз нилуфарлари ўтроқ яшаган, танаси сув остига ёпишиб турадиган пояча устида жойлашган. Ҳозирги кўпчилик нилуфарларнинг поячаси бўлмайди. Махсус мўйловлар ёрдамида сув тубига ёпишиб олади ёки эркин сузиз юради.

Денгиз нилуфарларининг танаси косачага үхшайди. Косачадан бешта қўли бошланади. Қўллар косача яқинида шохланганлиги туфайли уларнинг сони ўнта бўлиб қолади. Айрим нилуфарларнинг қўли кетмат-кет бир неча марта шохланган.

Пояча бир неча қатор бўлиб жойлашган, ўзаро ҳаракатчан қўшилган оҳак бўғимлардан иборат. Айрим бўғимларида ҳаракатчан бўғимли мўйловлари ҳам бор. Пастки мўйловлари сув остига ёпишиш вазифасини бажаради. Поясиз нилуфарларда бундай мўйловлар аборал томонида жойлашган марказий пластинкадан чиқади. Аборал томонининг ўргасида оғиз тешиги жойлашган. Оғиз тешигидан қўллар томонга амбулакрал эгатлар чиқади. Эгатлар ҳам қўллар сингарни иккига ажралиб, қўллар бўйлаб кетади. Нилуфарларнинг икки ёнида *пиннулалар* деб аталадиган ўсимталарап бўлади. Амбулакрал эгатлар пиннуллаларда ҳам бўлади. Эгатлар ичидаги жуда кўп сўрғичизиз амбулакрал пайпаслагичлар бўлади. Пайпаслагичлар нафас олиш ва туйфу вазифасини ўтайди.

Ҳазм қилиш системаси найи оғиз тешиги, ҳалқум ва ичакдан иборат. Анал тешиги косачанинг орал томонидаги интеррадиусларнинг бирида жойлашган. Ичак бўшлиғига жигар йўли келиб қўшилади. Нилуфарлар майдаги планктон организмлар ва детрит билан озиқланади.

Амбулакрал системаси оғизолди ҳалқаси ва бешта радиал найлардан иборат. Найлар қўлларнинг сонига мос равишда шохланган ва пировардида амбулакрал пайпаслагичлар ичига кирган. Оғизолди ҳалқа канали бир неча майдаги тош каналлар билан туташган. Тош каналлар тешикчалар орқали тана бўшлиғига очилади. Нилуфарларнинг косачаси деворида ҳам жуда кўп майдаги тешикчалар бўлади. Бу тешикчалар орқали уларнинг тана бўшлиғига ташқи сув муҳити билан боғланган. Тешикчалар мадреопор пластинкаси вазифасини ўтайди.

Айриш ва нафас олиш системаси ривожланмаган.

Қон айланиши системаси оғизолди ҳалқа лакунлар ва ундан қўлларга ҳамда пиннуллаларга кетадиган радиал лакунлар системасидан иборат.

Перигемал системаси жуда кам ривожланган бўлиб, перигемал ҳалқасидан ва 5 та радиал найлардан иборат. Целом бўшлиғи топрайиб, ғовак тўқима билан тўлган. Денгиз нилуфарларида целомдан маҳсус беш камерали бўшлиқ — синус ҳосил бўлади. Косачанинг аборал томонида жойлашган синуснинг ички девори эпителий билан қопланган бўлиб, ички томондан юпқа парда билан 5 та камерага бўлинган.

**Жинсий системаси.** Денгиз нилуфарлари айрим жинсли. Жинсий системаси ўзига хос тузилган. Беш камерали синус устидан юқори томонга ғовак ўқ органи кўтарилади. Ўқ органнинг учки қисми жинсий безларни ҳосил қиласи. Безлардан қўлларга бешта шохча чиқади. Шохчалар қўллар сонига мос равишда шохланган. Шохларнинг учи пиннуллаларга кириб, учки қисми ёпиқ ғовак жинсий қопчаларни ҳосил қиласи. Жинсий қопчалар деворидаги ҳужайралардан туҳум ёки уруг ҳужайралари етилади. Етилган жинсий ҳужайралар пиннулла деворини ёриб, ташқи муҳитга чиқади.

**Ривожланиши.** Денгиз нилуфарларининг киприкли личинкаси ден-

гиз типритиканлари сингари *плутеус* деб юритилади. Плутеус 4 жуфтүллар ёрдамида планктонда муаллақ сузигүюради. Поясиз нибуфарлар түхүмидан чиққан личинкаси бочкага ўхшаш, оғзи ва анал тешиги бўлмайди. Личинка бир неча вақт сузигүюриб, олдинги томони билан сув тубига ёпишади. Кейинчалик бу томони ингичкалашиб поячани, орқа томони эса кўтарилиб, косачани ҳосил қиласди. Косачасининг четларидан ўқлар ҳосил бўлади. Бундан сўнг личинканинг поячаси синади ва унинг устки бўғимидан марказий пластинка ҳосил бўлади. Марказий пластинкадан мўйловлар ўсиб чиқиб, ҳайвон вояга етган даврига айланади.

### НИНАТЕРИИЛАР ФИЛОГЕНИЯСИ

Нинатериилилар тузилишининг хилма-хиллиги уларнинг келиб чиқишини тушунтиришни қийинлаштиради. Анал тешигининг бластопор ўрнида пайдо бўлиши, мезодерманинг келиб чиқиши ва ниҳоят уч бўғимли личинкаси уларни иккиласми оғизли ҳайвонлар эканлигини кўрсатади.

Нинатериилиларнинг келиб чиқишини уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган диплеврула личинкаси орқали тушунтириш мумкин. Диплевруланинг тузилиши нинатериилиларнинг аждодлари икки томонлама симметрияли олигомер (кам бўғимли) эркин ҳаракатланадиган ҳайвон бўлганлигини кўрсатади. Уларнинг оғиз тешиги танасининг олдинги томонига, анал тешиги кейинги томонига яқинроқ жойлашган, целом бўшлиғи 3 жуфтук халтачаларга ажралган. Бундай гипотетик организм фақат нинатанлиларнинг эмас, балки ҳамма иккиласми оғизлиларнинг ҳам аждоди бўлиши мумкин. Чунки Чалаордалилар ва Погонофоралар вояга етган даврида ҳам танаси учта бўғимдан иборат. Айрим чалаордалилар личинкаси нинатанлиларнинг диплеврула личинкасига ўхшаш бўлиб, целоми учга бўлинган. Хордалилар, хусусан ланцетникнинг эмбрионал ривожланишида ҳам целоми учта бўлимдан иборат бўлган даврни ўтади. Вояга етган ҳайвондан тана бўлимлари охири жуфтук целомни иккиласми тарзда бўлиниши натижасида келиб чиқади.

Билатериал эркин яшовчи аждодларнинг ўтроқ яшашга ўтиши билан дастлабки радиал симметрияли нинатериилилар келиб чиққан. Дастлабки ҳайвонлар олдинги оғиз томони билан сув тубига ёпишганлиги туфайли оғиз тешиги орқага, яъни субстратдан узоқроқ томонига аста-секин кўчиб ўтиб, орқа томони орал қутбига айланган. Целом халталари ҳам ўз жойини ўзгартириб, органларнинг билатериал жойлашиши ўрнига асимметрик жойлашиш келиб чиққан. Терида оҳак пластинкалардан иборат ҳимоя скелетининг пайдо бўлиши билан қирилиб кетган дастлабки нинатериилилар карпоидлар (*Cardoidea*) ва кейинроқ шарсизмон нинатериилилар — цистоидлар (*Cystoidea*) келиб чиққан.

Хақиқатан ҳам силур даврида көнг тарқалған цистоидеялар асимметрик түзилишга зәғ бұлған. Уларнинг орал томони марказида оғиз тешиги, оғиздан четроқда асимметрик тарзда анал, жинсий ва мадрепор тешіклари жойлашған.

Үтрең яшауша үтгандай ҳайвонлар оғиз тешиги атрофика кейинчалик сувдан озиқ зарраларини ығишиш мослашған киприкли радиал амбулакрал әгатчалар пайдо бұлған. Табиий танлаш туфайли бу әгатчалар энг қулай ҳолатни әгаллаган ва уларнинг сони доимий 5 та бұлғып қолған. Эволюция жараёнида скелет пластинкалари ва ички органларнинг жойлашиши ҳам әгатчаларнинг жойлашишига, яъни радиал симметрияга мослаша борган ва беш нурлы симметрия келиб чиққан. Энг сұнгги навбатда овқат ҳазыр қилиш ва жинсий системаси радиал симметрия ҳолатига зәғ бұлған. Чунки ҳозирги нинатериллар орасыда голотуриялар, денгиз типритиканлари ва нилуфарларнинг ичаги найсімон түзилған, голотурияларнинг жинсий безлари эса битта бұллади. Ҳозирги нинатериллар түзилишининг бир қанча хусусияти, хусусан тош канали, ўқ органдар мадреопор пластинкасининг эксцентрик жойлашиши нурлы симметрияга мос келмайди.

## 22. ЧАЛАХОРДАЛИЛАР (НЕМІСНОРДАТА) ТИПИ


Тубан түзилған иккіламчи оғизли ҳайвонлар. 100 га яқин тури маълум. Денгизларда якка ҳолда сув тубидаги лойға күмилиб ёки колония бұлғып ҳаёт кечиради. Танаси билатериал симметриялы бұлғып, 3 бұлім: хартум (баш қалқони), ёқача ва гавдадан ташкил топған. Целом бүшлиғи хартумида биттә, ёқача ва гавдасида эса бир жуфтадан бұллади. Чалахордалиллар ичак деворида *нотохорд* деб аталадиган хартумни тутиб туриш вазифасини бажарадиган орган ҳосил бұллади. Ичак деворида жуфт жабра ёриқтарининг бұлиши уларни хордалиллар типи билан яқынлаштиради (208-расм).

Бу типтеги ичак билан нафас олувчилар ва қанот жабралар синфи киради.

### 22.1. ИЧАК БИЛАН НАФАС ОЛУВЧИЛАР (ENTEROPNEUSTA) СИНФИ

Денгиз тубида ин қазиб яшайдын 70 га яқин вакиллари маълум. Күпчилік турлары бир неча сантиметр, айримлари эса 2,5 м га етади.

**Түзилиши.** Танаси хартумча, ёқача ва гавда деб аталадиган учта бұлымдан иборат. Хартумчаси ёнғоқсімон шактда, уннинг ингичкароқ асосини ёқача ўраб туради. Гавдаси олдинги қисмінинг ён томонларидан иккі қатор майдада жабра ёриқлары жойлашған. Бутун тана юзасини бир қават киприкли эпителий ҳужайралары қоллаб туради. Эпителий қавати остида ҳалқа ва бүйлама силлик мускул қаватлари жойлашған.



207-расм. Ичак билан нафас олувчиларнинг тузилиши.

А — *Saccoglossus kowalevskyi* (танаси хартумча, ёқача ва гавдадан иборат), Б — *Ptychodera minuta* танаси олдинги қисми кесмаси: 1 — жабра ёриқлари, 2 — қон томирлари чигали, 3 — перикардий, 4 — хартум тешикчаси, 5 — орқа нерв, 6 — орқа қон томири, 7 — жабра, 8 — қорин қон томири, 9 — қизилўнгач, 10 — ҳалқум, 11 — юрак лакуни, 12 — нотохорд, 13 — хартум мускуллари.

Овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш системалари оғиз тешигининг қорин томонида хартумининг асосида бўлади.

Ҳалқуми ёқачада жойлашган. Ҳалқумининг устида унинг олдинги қисмидан хартумнинг ичига томон кетган нотохорд жойлашган. Нотохорд ичак деворидан ҳосил бўлган ўсимта бўлиб, унинг найи жуда тор, девори йирик вакуолали ҳужайралардан иборат. Нотохорд хордалиларнинг хордаси сингари ичак устида жойлашган. Нотохорд ҳам эмбрионал ривожланиши даврида эмбрион ичагининг эндодерма ҳужайраларидан ҳосил бўлади. Нотохорд хартум асосини мустаҳкамлаб туради (қаранг: 207-расм).

Ҳалқуми қизилўнгач билан туташган. Қизилўнгачнинг ён деворларида икки қатор жабра ёриқлари жойлашган. Жабра ёриқлари орасидаги тўсиклар қон томирлари билан таъминланган. Қон томирларига жабра ёриқлари орқали ўтадиган сувдан кислород диффузия йўли билан ўтади. Ўрта ичаги олдинги қисмнинг ён томонларида жуда кўп ён ҳалтачалари жигар функциясини бажаради. Ўрта ичакнинг найга ўхшаш иккичи қисми орқа ичакка ўтади. Орқа ичаги анал тешигига очилади.

**Тана бўшлиғи** — целом хартумида тор найга ўхшаш сақланиб қолган бўлиб, ёқача ва гавдасида бир жуфт (чап ва ўнг) ҳалтачаларни ҳосил қиласи.

Қон айланиши системаси яхши ривожланган қорин ва орқа қон томирларидан иборат. Орқа қон томири ёқача орқали хартумга ўтади ва бу ерда кенгайиб, қон лакунини ҳосил қиласи. Бу жойда майдада алмашинув маҳсулотлари тўпланиб, хартум целомига, ундан хартум тешиги орқали ташқарига чиқарип юборилади. Орқа томири орқали қон олдинга оқади ва қисман жабраларга кетадиган жуфт томирларга ўтади. Жабра ёриқлари деворида қон томирлари лакунлар тўрини ҳосил қиласи, бу ерда оксидланган қон қорин томирларига келади. Қоннинг асосий қисми эса хартум лакунига келади, у ердан иккита ҳалқумолди то-

мирлари билан ҳалқумни айланиб ўтиб, қорин қон томирларига келиб қуйилади. Қон қорин томиридан тананинг кейинги томонига оқади ва ичак ёнидаги қон томирлари орқали орқа қон томирига келиб қуийлади. Қоннинг қон томирлари бўйлаб ҳаракатланиши хартум билан қон лакуни оралигида жойлашган мускулли пуфакчага ўхаш юракнинг ритмик қисқариши ва кенгайиши билан боғлиқ. Мускуллар қисқарганида пуфакча торайди, лакун бўшлифи кенгайиб, қон бу бўшлиқни тўлдиради. Мускуллар бўшашганида эса пуфакча кенгайиб, қон лакунлардан ҳалқумоди ҳалқа томирларига ҳайдаб чиқарилади.

**Айириш системаси** целомда жойлашган буйраклардан иборат. Тубан вакилларда айириш органлари 2 жуфт киприкли калта найчалардан иборат. Найлар хартумдан ва ёқача целомларидан бошланади. Хартумдаги найлар хартумнинг орқа томонига, ёқадаги айирув найлари эса жабра ёриқларига очилади.

**Нерв системаси.** Асосий нерв стволи иккита — орқа ва қорин томонида жойлашган. Қорин нерв стволи анча кучсиз ривожланган бўлиб, фақат танасининг кейинги гавда қисмида ривожланган. Орқа нерв стволи эса танасининг кейинги қисмидан бошланиб, хартумга кириб боради. Бу нерв стволи тананинг ёқача қисмиде эпителий юзасида жойлашган, бирмунча ихтисослашган найсимон шаклда бўлади. Бундай нерв найини умуртқали ҳайвонларнинг орқа мияси билан қиёслаш мумкин. Бундай марказий нерв системаси билан бир қаторда терида жуда кўп нерв чигаллари ҳам бўлади.

Сезги органлари бўлмайди. Терисида жуда кўп ёругликка сезигир ҳужайралар жойлашган.

**Жинсий системаси** содда тузилган. 30 жуфтдан ортиқроқ жинсий безлари ичагининг икки ёнида танасининг ўртасида жойлашган. Жинсий ҳужайралари ташқи муҳитда уруғланади. Жинсий диморфизм ривожланмаган.

**Ривожланиши.** Тухуми тўлиқ, текис радиал бўлиниб, бластулани, кейин инвагинация йўли билан гаструлани ҳосил қиласди. Гаструланинг бластопор тешиги жойлашган томони кейинги, унинг қарама-қаршиси олдинги томонда бўлади. Кейинчалик бластопор ўрнига анал тешиги пайдо бўлади, оғиз тешиги қорин томондан эктодерманинг ботиб кириши натижасида ҳосил бўлади. Мезодерма энтероцел йўл билан ҳосил бўлади. Эндодермал ичакнинг олдинги қисми ажralиб чиқиб, тоқ бўртмани ҳосил қиласди. Худди шу йўл билан ичакнинг иккита ён бўртмалари ҳосил бўлади. Бу бўртмалар кейинчалик учта (хартум, ёқача, гавда) целомик халтачаларини ҳосил қиласди.

Кўпчилик ичак билан нафас олувчиларнинг тухумидан эркин сузиги юрадиган *торнария* личинкаси чиқади. Личинканинг танаси узун киприклар чамбари билан ўралган. Улардан бири оғиз олдида, иккинчиси анал тешиги олдида жойлашган. Киприкларнинг жойлашиш хусусияти билан торнария личинкаси нинатерилilar личинкасига бирмунча ўхшайди. Кейинроқ личинкасининг учта бўғими чўзилиб, учта тана


бүлимини ҳосил қиласы. Ичак деворида жабра ёриқлари пайдо бўлади. Личинка сув тубига чўкади ва лойга кўмилиб олади.

**Экологияси.** Кўлчилик ичак билан нафас олувчилар сув тубидаги лойда қурган "U"шаклидаги инларида ҳаёт кечиради. Иннинг очиқ учки қисми лойдан чиқиб турган. Улар лойни ютиб, ундан микроорганизмлар (фораминифералар, сувўтлари ва бошқалар) ҳамда детрит билан озиқланади. Баланаглосс (*Balanaglossus clavigerus*) Ўртаер денгизида учрайди.

**Филогенияси.** Ичак билан нафас олувчиларни зоологлар узоқ вақт давомида чувалчантлар қаторига қўшиб келишган. Фақат А. О. Ковалевский (1867) уларни хордалиларга яқин туришини исбот қилиб берди. Жабра ёриқлари, орқа нерв найи, нотохорди ва юрак халтасининг бўлиши билан улар қобиқлиларга ўхшайди. Лекин тухум ҳужайрасининг майдаланиши, анал тешигининг бластопор ўрнида ҳосил бўлиши, иккиласмачи оғизнинг келиб чиқиши, мезодермани энteroцел усулида ҳосил бўлиши, шунингдек торнария личинкасининг тузилиши уларни нинатерилиларга яқин ҳайвонлар эканлигини кўрсатади.

## 22.2. ҚАНОТЖАБРАЛИЛАР (PTEROBRANCHIA) СИНФИ

Қанотжабралилар — ҳаммаси бўлиб 17 турни ўз ичига оладиган ўтроқ яшовчи ҳайвонлар синфи. Кўпчилиги колония бўлиб, кўп марта



208-расм. Қанотжабралилар.

А — зооид *Rhabdopleura* (ўнгдан кўриниши), Б — *Cephalodiscus dodecaphorus* (қорин томондан кўриниши): 1 — пайпаслагичли ўсимталари, 2 — бош қалқони, 3 — оғиз, 4 — гавда, 5 — пояча, 6 — нога, 7 — анус, 8 — пайпаслагичлар-қўли, 9 — ёқача, 10 — поячадаги куртаклар.

шохланадиган найсимон ин ичида ҳаёт кечиради. Ини бутачага ўшаш бўлади. Фақат айрим турлари якка ҳолда ин қурмасдан яшайди.

Қанотжабралилар айрим индивидларининг тузилиши ичак билан нафас олувчиларни эслатади. Танаси 3 бўлим: бошқалқон, ёқача ва гавдага бўлинади (209-расм). Иккиламчи тана бўшлиғи, нотохорди ва қон айланиш системасининг тузилиши ичак билан нафас олувчиларга ўшаш бўлади. Улардан танасининг катталиги, ёқачасида киприклар билан қопланган 2-12 пайпастагичларининг бўлиши, илмоққа ўшаш буралган ичаги ва анал тешигини орқа томонда жойлашганилиги билан фарқ қилали. Жабра ёриқлари бўлмайди, ёки бир жуфт бўлади.

### 23. ПОГОНОФОРАЛАР (POGONOPHORA) ТИПИ

Погонофоралар асримизнинг бошларида фанга маълум бўлган. 1914 йилда француз зоологи Коллери погонофораларнинг биринчи вакили *Siboglinum*ни аниқлаб берди. Унинг иккинчи вакили *Lamellisabella* 1933 йилда топилди. Зоологлар дастлаб погонофораларни чувалчанглар гурӯҳига киритишган. Фақат швед олими Иоганессон бу ҳайвонларни мустақил синфга ажратади ва погонофоралар номини беради. Погонофоралар тузилишини ва эмбрионал ривожланишининг асосий хусусиятларини рус олими А. В. Иванов (1955, 1960) батафсил ўрганиб уларга, мустақил тип сифатида тавсиф берган.


Погонофоралар — иккиламчи тана бўшлиқли ҳайвонлар. Денгизнинг жуда чуқур (3-10 минг м) қисмida ўтроқ ҳаёт кечиради. Уларнинг танаси 15 см дан 1,5 м гача узунликдаги най ичида бўлади. Бу най ҳайвон терисидаги безларнинг суюқлигидан ҳосил бўладиган тиниқ ва юпқа хитиндан иборат. Погонофоралар найининг юқори қисми лойдан чиқиб туради. Кўпчилик турларининг танаси узун ва ингичка, йўғонлиги мм нинг бир неча улушидан тортиб 0,5 м гача бўлади.

Ташқи тузилиши. Танаси узун ва ипсимон бўлиб, тўртта бирламчи бўғимлардан иборат. Биринчи тана бўғими қисқа, иккинчиси узун, учинчиси ва тўртинчиси жуда чўзилган бўлади. Биринчи бўғимида пайпастагичлари, иккинчи бўғимида кутикуладан ҳосил бўлган иккита қийшиқ пуштасаси (сувлик) жойлашган (209-расм). Учинчи бўғим гавда дейилади. Бу бўғим сиртида жуда кўп хитин пластинкалар бўлади. Пластинкалар ҳайвон ҳаракатланганида най деворига таяниш учун хизмат қиласиди. Охирги тўртинчи тана бўғимида майда қиллар бўлади. Бу қиллар ёрдамида ҳайвон лойни ковлади. Погонофораларнинг тўртинчи тана бўғимида бошлангич иккиламчи бўғимлар ҳам бўлади.

Тана девори бир қават безли эпителий ҳужайралардан ва уларни қоплаб турадиган кутикуладан иборат. Эпителий остида юпқа ҳалқа мускуллар ва анча қалин бўйлама мускуллар ҳамда ички (перитонал) эпителий қаватлари бўлади.

209-расм. Погонофора.

Най ичидан олинган: 1 — пайпаслагичлар, 2 — биринчи ва иккинчи тана сегментлари, 3 — кутикула бөгичи, 4 — ёпишувчи органлар, 5 — учинчи тана сегменти, 6 — тишчили құллар белбоғи, 7 — танасининг орқа қисми.



ни бажаради. Пайпаслагичлар танаси биринчи бүғимининг узун үсімтаси бўлиб, уларнинг ички бўшлиғи целомнинг давоми ҳисобланади. Уларнинг сони тубан вакилларида 6-9 та, бошқаларида 12 дан 200 тагача, баъзан битта бўлади. Пайпаслагичлар ҳалқа чамбар шаклида тифиз жойлашганлиги туфайли улар ўртасида бўшилик ҳосил бўлади. Пайпаслагичнинг ички юзасида жуда кўп ингичка үсімталар — пиннуллалар қатор бўлиб жойлашган. Пиннуллалар пайпаслагичларо бўшиликда қалин тўр ҳосил қиласди. Пиннуллалар асосидаги киприкчаларнинг ҳаракати туфайли сув пайпаслагичлар ўртасидаги бўшилик орқали ўтади. Бу бўшилик ичак, пиннуллалар эса ичак ворсинкалари вазифасини ўтайди. Сувдаги турлι озиқ моддалар, хусусан майдада планктон организмлар ва детрит пиннуллалар ҳосил қилган тўрда тутилиб қолади ва шу ерда ҳазм бўлиб, пиннуллалар орқали сўрилади. Ҳар бир пиннулла битта ядроли узун эпителий ҳужайрадан иборат. Пиннулланинг ичидаги ингичка капилляр найчаси бўлади. Пиннулла ичига қон келиб туради. Шундай қилиб, озиқ моддалар погонофоралар танасидан ташқарида ҳазм бўлади.

**Қон айланиш системаси ёпик, орқа ва қорин қон томирлари бўлади.** Пайпаслагичларининг асосида орқа қон томири кенгайиб, мускулли “юрак”ни ҳосил қиласди. Айрим погонофоралар орқа қон томири устида перикардий пухакчаси ҳам бўлади. Қон орқа қон томирдан танасининг олдинги томонига оқади. Орқа қон томиридан пайпаслагичларига қон томирлари кетади. Пайпаслагичларидан қон олиб чиқадиган

Целом. Танасининг ҳар бир бўғими ўз целомига эга. Биринчи бўғим целоми тоқ, иккинчи ва учинчи бўғим целомлари эса бир жуфтдан бўлади.

**Озиқланиши.** Погонофораларнинг ичаги бўлмайди. Пайпаслагичлари озиқ моддаларни йиғиб, ҳазм қилиш ва сўриш вазифаси

томирлар туташиб, қорин қон томирларини ҳосил қиласы. Плазмасидеги гемоглобин туфайли қон қызил рангли бұлади.

**Айириш органлари.** Биринчи тана бүгимида бир жуфт жағдайлардан бірінде жойлашкан. Иккінчи бүгимиңнинг айириш органлары бұлмайды. Учинчі тана бүгимида бир жуфт айириш органлары жинсий безларининг чиқарыш йүли вазифасини бажаради.

Нерв системасы чала хордапараларга үшаш содда түзилген бұлиб, тери эпителийсіда жойлашган. Қорин нерв түгунлари түплемидан иборат мияси бош томонида жойлашган. Миядан қорин нерв занжири ва пайпаслагиичтарға кетадиган нервлар бошланади. Сезиши аязолары ривожланмаган.

**Жинсий системаси.** Погонофоралар айрим жинсли, лекин жинсий диморфизм ривожланмаган. Жинсий аязолары учинчі тана бүлімінде жойлашган. Эркакларда гавда бүлімининг кейинги қысмінде бир жуфт уруғ халталары бұлади. Уруғ халталары уруғ йүллары (айириш аязолары) орқалы гавданиң олдинги қысмінде очилади. Уруғ йүлларыда сперматофоралар шаклланади. Ургочиларининг бир жуфт тухумдонлары гавда бүлімининг олдинги қысмінде жойлашган. Уруғ йүллары гавда бүлімининг үрта қысмінде очилади.

**Ривожланиши.** Ургочисининг тухумлары жинсий йүлінде ривожланади. Тухум ұжайрасининг нотекис спираляның майдандағы натижасында иккі хил: катта ва кичик бластомерлер муртак ҳосил бұлади. Кичик бластомерлер муртакнинг эктодермасини, ійірік бластомерлер эндодермасини ҳосил қиласы. Эндодермада пайдо бұлған бұшлиқ бирламчи ичакни ҳосил қиласы. Ичакдан ажралиб чиқадиган мезодермал халтачадан бирламчи целом ҳосил бұлади. Бу целомни орқа томонға қарааб үсіши ва бүгимларға бўлинниши натижасында, дастлаб түртінчи гавда бүгими, энг сұнгыда биринчи (олдинги) бүгим шаклланади. Целом ҳосил бўлғандан сұнг қолған бирламчи ичак ұжайралари үрта ичакни ҳосил қылмайды, балки эмбрионал ривожланишнинг сұнгги даврларда сўрилиб кетади. Личинканиң олдинги ва кейинги киприкли белбоғчалары ривожланғандан сұнг, личинка сувга чиқади. Личинка эркин сузуб юрмасдан, сув тубига чўқади ва ўзига ин қуриб олиб, вояяга етади. Погонофораларнинг эркин сузуб юрувчи личинкаси бўлмайди.

**Филогенияси.** Ўтроқ ҳаёт кечириши туфайли погонофораларнинг ташқи күриниши ўтроқ яшовчи ҳалқали чувалчанларға үшаш бўлади. Бундай конвергент үшашшлик туфайли айрим зоологлар погонофораларни ўтроқ яшовчи кўп тукли ҳалқалиларға киритишган.

Погонофораларнинг тузилишидаги айрим белгилар, хусусан хитин ҳосил қилиши ва пайпаслагиичларнинг бўлиши уларни кўп тукли аннелиллар, эхиуридлар, моллюскалар, пайпаслагиичлар ёхуд қылжаглиларға яқынлаштиради. Иккінчи томондан целомни энтероцель йўли билан келиб чиқиши, бир жуфт олдинги целом халталарининг асим-

метрик йүли билан ҳосил бўлиши, олдинги целомдан перикардийнинг шаклланиши погонофораларни елкаоёқлилар, қилжағлилар ва иккиламчи оғизлилар билан яқинлаштиради.

## 24. ҚИЛЖАҒЛИЛАР (CHAETOGNATHA) ТИПИ

Қилжағлилар бошқа ҳайвонлардан тузилиши билан кескин фарқ қиласидаган ўзига ҳос ҳайвонлар гурӯҳи ҳисобланади. Улар денгиз планктони таркибида учрайди. Эмбрионал ривожланиши хусусиятлари иккимачи оғизлиларга ўхшаш бўлади. Тип битта қилжағлилар (*Chaetognatha*) синфидан ташкил топган.

Қилжағлиларнинг кўпчилик қисми планктонда, фақат айрим турлари бентос (сув тубида) ҳаёт кечиради. Улар танасини орқадан қорин томонига тез-тез эгиб сузиб юради. Қилжағлилар йиртқич ҳайвонлар, асосан планктон организмлар билан озиqlанади. 50 дан ортиқ тури маълум. Узунлиги 1 см дан 10 см гача бўлади.

**Ташқи тузилиши.** Танаси тиниқ шишасимон. Ташқи кўриниши қисман балиқ чавоқларига ўхшайди. Танасининг олдинги ва кейинги томони бироз сиқилган. Териси орқа ва ён томонлардан орқа ва ён сугичларни ҳосил қиласиди. Ҳайвонларнинг танаси бош, гавда ва дум қисмларга бўлинган. Бош қисми устки ва ён томонлардан икки қават ёспингич билан қопланган. Танасининг кўп қаватли эрителий билан қопланганлиги уларни бошқа умуртқасиз ҳайвонлардан фарқ қилувчи белги ҳисобланади. Эпителий остида кўндаланг-тарғил толали бўйлама мускуллар жойлашган. Мускулларнинг остида жойлашган ички эпителий қавати тана бўшлигини ўраб туради.

**Ҳазм қилиши системаси** танасининг олдинги учида жойлашган оғиз тешигидан бошланади. Тўғри найга ўхшаш ичаги гавдаси билан думи ўртасидаги анал тешиги билан ташқарига очилади (210-расм). Оғиз тешигини ён томондан ҳаракатчан икки қатор жойлашган хитин илмоқчалар ўраб туради. Мезентерий тўсиқ тана бўшлигини узунасига чап ва ўнг қисмларга бўлиб туради.

**Нерв системаси** ҳалқумости ва ҳалқумости нерв ганглийлари ва ичак остида жойлашган, кучли ривожланган қорин нерв занжиридан иборат. Ҳалқумости ва ҳалқумости ганглийлари мияни ҳосил қиласиди. Қорин нерв занжиридан тана деворига 12 жуфт нервлар чиқади.

Мияси устида бир жуфт майдага кўзлари жойлашган. Ҳар бир кўз учта жуда майдага кўзчалардан иборат. Бошнинг кўзлардан орқароқда жойлашган, ҳилпирорчи эпителий билан қопланган қисми ҳид билиш аъзоси ҳисобланади. Эпителий бўртиқчалари туйғу вазифасини бажаради.

**Жинсий системаси.** Қилжағлилар гермафрордит. Жинсий аъзолари жуфт бўлади. Урғочилик жинсий аъзолари гавдасининг кейинги қисмida, эркаклик жинсий аъзолари эса дум қисмida бўлади. Тухумдонлари орқа ичагининг икки ёнида жойлашган. Уруғдонлар дум бўшлигининг икки ён бўлимида бўлади. Етилган уруғлар дастлаб це-



210-расм. Қылжағлилар.

А — тузилиши (қорин томондан күрниши). Б — ривожланиши: 1 — мия, 2 — ұалқым атрофи коннективи, 3 — қорин ганлит, 4 — нервлар, 5 — целом, 6 — ичак, 7 — тухумдон, 8 — тухум йүл, 9 — анус, 10 — уруғдон, 11 — уруғ йүли, 12 — думсузгіч, 13 — бөш бези, 14 — хитинли имокір, 15, 16 — эрекақлық ва үргочилк жинсий тәшіклари, 17 — бирламчы жинсий ҳужайралар, 18 — бластопар, 19 — бирламчы ичакнинг ён ўсимталалари (целом бошланғичи), 20 — иккапаралы оғиз.

ломга тушади, у ердан иккита уруғ йүли орқали думининг икки ёнида ташқи мұхитта чиқарылады. Ҳар қайси уруғ йүли кенгайиб, биттадан уруғ пулғагини ҳосил қиласы. Уруғ нуфакларыда уруғ ҳужайралари түпленади. Фақат жинсий күлаяды.

**Ривожланиши.** Тухум ҳужайраси бир текис бүлиніб бластуланы, сұнгра инвагинация йүли билан гаструлани ҳосил қиласы. Мезодермасы энтероцел усулда ичакдан ҳосил бўлади. Целом бўшлиғи ичакнинг икки ёнидаги бўрткик халтачалар шаклида бўлади. Ҳосил бўлган иккита целомнинг ҳар бири кўндалангига бўлиниб, бөш ва гавда целомларини ҳосил қиласы. Бластопор бекилиб, унинг қаршисида ҳақиқий оғиз тешиги очиласы.

Қылжағлиларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонот дунёсида тутган ўрни ҳозиргача узил-кесил аниқланмаган.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Абрикосов Г. Г., Беккер Э. Г., Бирштейн Я. И., Ланга А. Б., Левинсон Л. Б., Матвеев Б. С., Матехин П. В., Махотин А. А., Параманов А. А. Курс зоологии. В двух томах. Том I. Зоология беспозвоночных. М., "Высшая школа", 1966, 552 с.
2. Аваринцев С. В. Зоология беспозвоночных. М., "Советская наука", 1962, 464 с.
3. Алимухамедов С. Н., Адашкевич Б., Одилов З., Хўжсаев Ш. Фўзани биологик усулда ҳимоя қилиш. Т., "Меҳнат", 1990, 173 б.
4. Асс М. Я., Шаргаев М. А. Очерки о филогении и охране животного мира. Новосибирск, "Наука", 1978, 140 с.
5. Блинников В. И. Зоология с основами экологии. М., "Просвещение", 1990, 224 с.
6. Догель В. А. Зоология беспозвоночных. М., "Высшая школа", 1991, 606 с.
7. Жизнь животных. В шести томах. М., "Просвещение". Том I, 1968, 579 с. Т. I, 1968, 563 с. Т. III, 1969, 573 с.
8. Кузнецов Б. А., Чернов А. З., Катонова Л. Н. Курс зоологии. М., "Агропромиздат", 1989, 398 с.
9. Лукин Е. И. Зоология. М., "Агропромиздат", 1989, 384 с.
10. Мавлонов О. М., Галловые нематоды — опасные паразиты растений. Т., "Меҳнат", 1987, 92 с.
11. Мавлонов О. М., Аҳмедов F. X. Тупроқ зоологияси. Т., "Университет", 1992, 80 б.
12. Мавлонов О. М., Усмонова О., Норбоев З., Расулов X. Зоология. (Умуртқасиз ҳайвонлар), Т., "Ўқитувчи", 1992, 136 б.
13. Моисеев В. А., Давлетшина А. Г., "Ўзбекистон ҳашаротлар дунёси". (Ҳашаротлар ва бошқа умуртқасиз ҳайвонлар), Т., "Ўқитувчи", 1997, 140 б.

14. Мұхаммадиев А. М. Умуртқасизлар зоологияси. Т., "Үқитувчи", 1976.
15. Насекомые Узбекистана. Т., "Фан", 1993, 338 с.
16. Натали В. Ф. Зоология беспозвоночных. М., "Просвещение", 1975, 495 с.
17. Панфилов Д. В. *Мир насекомых*, М., "Лесная промышленность", 1969, 128 с.
18. Постелов С. М., Арсеньева М. В., Груздев Г. С. Защита растений. Л., "Колос", 1979, 432 с.
19. Рыков Н. А. Зоология с основами экологии животных. М., "Просвещение", 1981, 270 с.
20. Хадорн Э., Венер Р. Общая зоология. М., "Мир", 1989, 523 с.
21. Ярыгин В. Н., Волков И. Н., Васильева В. И., Синельщикова В. В., Козлова И. И. Биология. М., "Медицина", 1987, 447 с.
22. Яхонтов А. А. Зоология для учителей. В двух томах. Том I. М., "Просвещение", 1968, 320 с.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
Зоологияннинг ривожланиш тарихи .....	5

### I. Ҳайвонларнинг тузилиши ва ҳаётининг асосий хусусиятлари

1.1. Ҳайвонлар организмининг тузилиши .....	12
1.2. Ҳайвонлар ҳаётининг асосий хусусиятлари .....	17
1.3. Ҳайвонларнинг кўпайиши ва ривожланиши .....	21
1.4. Ҳайвонлар систематикаси .....	23
1.5. Лотин имлосининг асосий хусусиятлари .....	24

### II. Бир ҳужайралилар, яъни содда ҳайвоилар (Protozoa) кенжадунёси

2. Саркомастигофоралар, яъни сохта оёқ хивчинилилар (Sarcostigophora) типи .....	27
2.1. Саркодалилар, яъни сохта оёқлилар (Sarcodina) синфи .....	28
2.2. Хивчинилилар (Mastigophora) синфи .....	39
3. Споралилар (Sporozoa) типи .....	52
3.1. Грегаринаилар (Gregarinina) синфи .....	52
3.2. Кокцидиясимонилар (Coccidiomorpha) синфи .....	55
4. Миксоспоридияилар (Myxosporidia) типи .....	66
4.1. Миксоспоралилар (Myxosporea) синфи .....	66
5. Микроспоридияилар (Microsporidia) типи .....	68
6. Инфузорияилар (Infusoria, Ciliophora) типи .....	70
6.1. Киприкли инфузорияилар (Ciliata) синфи .....	71
6.2. Сўрувчи инфузорияилар (Suctoria) синфи .....	82

### III. Кўп ҳужайралилар (Metazoa) кенжадунёси

7. Кўп ҳужайралиларнинг умумий тавсифи .....	86
--	----

### IV. Фагоцителласимонилар (Phagocytellozoa) бўлими

8. Пластиинкалилар (Placozoa) типи .....	90
--	----

## V. Паразойлар (Parazoa) бұлыми

9. Фовактандилар (Spongia, яғни Porifera) типи .....	92
--	----

## VI. Ҳақиқий күп ұжайралилар (Eumetazoa) бұлими

10. Бүшілиқчилар (Coelenterata) типи .....	102
10.1. Гидрозойлар (Hydrozoa) синфи .....	103
10.2. Сцифоид медузалар (Scyphozoa) синфи .....	115
10.3. Коралл полиплар (Anthozoa) синфи .....	118
11. Тароқлилар (Ctenophora) типи .....	124
11.1. Тароқлилар (Ctenophora) синфи .....	125
12. Ясси чувалчанглар (Plathelminthes) типи .....	127
12.1. Киприкли чувалчанглар (Turbellaria) синфи .....	129
12.2. Сүргічилар (Trematoda) синфи .....	136
12.3. Моногениядар (Monogeneidea) синфи .....	143
*12.4. Таスマсимон чувалчанглар (Cystoda) синфи .....	145
12.5. Цестодсимонлар (Cestodaria) синфи .....	154
13. Тұғарал чувалчанглар (Nemathelminthes) типи .....	157
13.1. Қоринкиприклилар (Gastropoda) синфи .....	157
13.2. Нематодалар, яғни ҳақиқий тұғарал чувалчанглар (Nematoda) синфи .....	159
13.3. Құлчувалчанглар (Nematomorpha) синфи .....	171
13.4. Киноринхлар (Kinorhyncha) синфи .....	172
13.5. Оғизайлангичилар (Rotatoria) синфи .....	174
14. Немертиналар (Nemertini) типи .....	179
14.1. Немертиналар (Nemertini) синфи .....	179
15. Тиканбошлилар (Acanthocephales) типи .....	183
15.1. Тиканбошлилар (Acanthocephala) синфи .....	184
16. Ҳалқали чувалчанглар (Annelides) типи .....	187
16.1. Белбоғсизлар (Aclitellata) кенже типи .....	187
16.2. Белбоғлилар (Clitellata) кенже типи .....	200
16.3. Эхиуридлар (Echiurida) синфи .....	210
16.4. Сипункулидлар (Sipunculida) синфи .....	212
17. Бұғимоёқлилар (Arthropoda) типи .....	214
17.1. Жабра билан нафас олувчилар (Branchiata) кенже типи .....	218
17.2. Трахеялилар (Tracheata) кенже типи .....	252
17.3. Трилобитасимонлар (Trilobitomorpha) кенже типи .....	342
17.4. Хелицералилар (Cheliceraata) кенже типи .....	344
18. Онихофоралар (Onychophora) типи .....	367
18.1. Бирламчи трахеялилар (Protracheata) синфи .....	367
19. Моллюскалар (Mollusca) типи .....	369
19.1. Ёнбаш нервлилар (Amphineura) кенже типи .....	371
19.2. Чиганоқлилар (Conchifera) кенже типи .....	374
20. Пайпаслагичилар (Tentaculata) типи .....	404
20.1. Мишанкалар (Bryozoa) синфи .....	404

20.2. Елкаоёқлилар (Brachiopoda) синфи .....	407
20.3. Форонидлар (Phoronidea) синфи .....	409
21. Нинатерилилар (Echinodermata) типи .....	410
21.1. Элеутерозойлар (Eleutherozoa) кенже типи .....	411
21.2. Пельматозойлар, яъни поячали нинатерилилар (Pelmatozoa) кенже типи .....	422
22. Чалахордалилар (Hemichordata) типи .....	425
22.1. Ичак билан нафас олувчилар (Enteropneusta) синфи .....	425
22.2. Қанотжабралилар (Pterobranchia) синфи .....	428
23. Погонофоралар (Pogonophora) типи .....	429
24. Қилжағлилар (Chaetognatha) типи .....	432
<b>Фойдаланилган адабиётлар .....</b>	<b>434</b>

ОЧИЛ МАВЛОНОВ, ШУКУР ХУРРАМОВ

**УМУРТҚАСИЗЛАР ЗООЛОГИЯСИ**

Китоб "Муҳаррир" фирмаси томонидан нашрга тайёрланди

"Меҳнат" нашриёти — Тошкент—1998

Нашр учун масъуллар      *Ф. Исмоилова, И. Усмонов*  
Техн. муҳаррир                  *E. Нафиковна*  
Мусахҳиха                        *C. Бадалбаева*

